


11.04  
6-82



МУҲАММАДЖОН ҚУРОНОВ

# БИЗНИ БИРЛАШТИРГАН ҒОЯ



**Муҳаммаджон Қуронов**

# **БИЗНИ БИРЛАШТИРГАН ҒОЯ**

- КИМ ЭДИГУ КИМ БЎЛДИК
- МАЪНАВИЯТ МИНОРАЛАРИ
- БИР ТАҲДИДГА БЕШ ЗАРБА
- ТАРҒИБОТ ТАМОЙИЛЛАРИ
- ҒОЯВИЙ КУРАШЛАР ТАРИХИ
- МИССИОНЕРЛИК ВА ПРОЗЕЛИТИЗМ
- МЕДИАОҒОҲЛИК
- ХХІ АСРДА ҚАЙСИ ДАВЛАТ КУЧЛИ  
БЎЛАДИ
- ТЕРАН ИЛДИЗЛАР ҚУДРАТИ

Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи  
Тошкент-2016

398 614

УЎК 323.1

КБК 71.04

Қ 82

**Масъул муҳаррир:**

**А. Маврулов** – *тарих фанлари доктори, профессор*

**Тақризчилар:**

**Б.Тўйчиев** – *фалсафа фанлари доктори, профессор*

**Б.Тўраев** – *фалсафа фанлари доктори, профессор*

**Нашрга тайёрловчи – И.Даминов**

**Қуронов, Муҳаммаджон**

Бизни бирлаштирган ғоя / М.Қуронов. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2016. – 348 б.

Миллий ғоя ҳар биримиз учун муқаддас бўлиб, у турли қараш ва фикрга эга ижтимоий қатламлар, сиёсий қуч ва ҳаракатларнинг мақсад-маънафатларини ўзида мужассам этган. Юрт тинчлиги, Ватан раънақи, Халқ фаровонлиги, Комил инсон, Ижтимоий ҳамкорлик, Миллатлараро тотувлик, Динлараро бағрикенглик... Бу қадриятлар бугун ҳар бир ватандошимизнинг қалби ва онига тобора чуқурроқ сингиб бормоқда.

Ушбу хрестоматия илмий-иублицистик рисола миллий ғоя туркумидаги ҳамда ижтимоий-гуманитар фанлардан дарс берувчи профессор-ўқитувчилар, мактаб, коллеж, лицей, институт, университетларнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича масъуллари, маҳалла маслаҳатчилари, маънавият тарғибот тизими малака ошириш йўналиши тингловчилари, ходимлари, тарғиботчилар, тадқиқотчилар, кенг ўқувчилар оммасига мўлжалланган.

УЎК 323.1

КБК 71.04

66.3(5Ў)

© М.Қуронов

© Ғафур Ғулом номидаги  
нашриёт-матбаа ижодий  
уйи, 2016

ISBN 9978-9943-03-918-6

---

*Миллий мафкура халқнинг мақсад-муддаоларини ифодалайди, тарих синовларидан ўтишида унинг руҳини кўтариб, суянч ва таянч бўлади, шу миллат, шу жамият дуч келадиган кўплаб ҳаётий ва маънавий муаммоларга жавоб излайди. У инсонга фақат моддий бойликлар ва неъматлар учун эмас, аввало, Аллоҳ таоло ато этган ақл-заковат, иймон-эътиқод тўғрисида юксак маънавиятга эришиш учун интилиб яшаш лозимлигини англа-тадиган, бу мураккаб ва таҳликали дунёда унинг тараққиёт йў-лини ёритадиган маёқдир.*

*Истиқлол мафкураси кўпмиллатли Ўзбекистон халқининг эзгу гою – озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш йўлидаги асрий орзу-интилишлари, ҳаётий идеалларини ўзида акс эттиради.*

**Ислом КАРИМОВ**

## ҚУДРАТЛИ ҚАНОТЛАР ОҒУШИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги Қарори халқимиз интиқиб кутган хушхабар бўлди.

Ўз тақдирини ўз кўлига олган озод халқ тўйига хушхабар бу. Машаққатли, бунёдкор йигирма беш йилнинг 9125 тонгини Ватан деб бошлаган миллат тўйи бу. Йигирма беш ёшида инсониятнинг ярмини бирлаштириб, ҳамкорликнинг нажот марказига айланган Ўзбекистоннинг тўйи бу. Буюк келажакнинг энг қийин довларидан ўтган халқ тўйи бу.

Кеча ва бугунга қараб кўзларимиз икки сабабдан намланади. Кечанинг заҳматларидан, бугуннинг неъматларидан. Шаҳар қишлоқларимиздаги файзу шавқ одамларимиз чехраларига кўчгандек гўё. Бир ажиб хушнуд тароват кўзлардан кўзларга, сўзлардан сўзларга ўтаётир. Гўзал Ўзбекистонда энг улуғ, энг азиз байрам бошланаётир.

### Саккиз сўзнинг сирлари

Мустақиллигимизнинг 25 йиллигини “Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистони!” деган бош гоя – шиор остида нишонлаётимиз. Шиор Президент қарорида гавҳардек порлаб турибди. Саккиз самимий сўз сафланиб соҳир сезимларимиздан сўзлаётир. Бу сўзлар содиқ фарзандларнинг она Ватанга ўтли муҳаббат изҳори. Шунинг учун ҳам уларни шунчаки, ҳиссиз айтиб бўлмайди. Айниқса, “жоним сенга фидо!”, деган жойини.

“Гўзал”. Бу – қадимий туркий, ўзбекча кўшсўз. “Гўзал”, яъни “кўз ол”, “кўз олувчи”; “қарасанг, кўзингни олиб кўяди. Ўзига тортаверади. Қайта-қайта, қайрилиб-қайрилиб, яна тўй-

май, қарайверасан, деган маъноларни беради. Дарҳақиқат, боғу роғлар, чўлу тоғлар, водию воҳалар гўзал. Жамолини кўз-кўз қилаётган тарихий ва замонавий иншоотлар гўзал. Барчасининг боиси – халқимизнинг мамнун чехраси гўзал.

“Бетакроримсан”. Оламда такрорланадиган, қайта тикланадиган ва бетакрор, қайта тикланмас неъматлар бўлади. Кунтун, баҳор, куз такрорланади. Лекин ёшлик, одам, ота-она, халқ такрорланмайди. Бизнинг галактикамиз – битта, унда Ер – битта, Ерда Ўзбекистон – битта. Бетакрор. Шунинг учун уни кўз қорачиғидай асраб-авайлаймиз.

“Муқаддас”. Ўзбекистонни севмоқ имондандир. Чунки бу замин биз учун илоҳий неъмат. Глобус, харитани кўрсак, аввало Марказий Осиёнинг марказини – Ўзбекистонни кидирамиз. Топамиз. Нега? Чунки Оллоҳ ҳамма халқларга ер, Ватан бериб, бизга мана шу жаннатсифат заминни ато қилган. Дунё цивилизациясига йўл кўрсатган буюк боболаримизнинг киндик қони шу ерга томган. Ўзбекистон бизга саждагоҳ каби муқаддас.

“Жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!” Бу мард фидойилар наъраси. Ҳамма ҳам айта олмайди. Ватанни шўролар чангалидан юлиб олиб, озод қилиш буюк фидойилик. Дунё рейтингларида йилдан йилга обрўсини, шарафини оширишмоқда. 11 йилдан бери иқтисодий ривожни 8 % дан туширмай келишмоқда. Шу боис Ўзбекистон дунёнинг энг ривожланган давлатлари қаторига чиқаётир. Гўзал, бетакрор, муқаддас Она – Ватаннинг болалари шундай бўлишади. Шунданми, Президентимиз Қароридан, байрамимиз шиоридан ана шундай шиддат, ғайрат, азму шижоат, жонфидолик руҳи уфуриб турибди.

Мустақил Ватан деганда кўз олдимизда беихтиёр Мустақиллик майдонининг тўрида, Ўзбекистон рамзини бошига кўтариб, Яратгандан бизга тинчлик сўраб ўтирган Бахтиёр Она гавдаланади. Онанинг боласига термилган кўзларидан меҳр ёнаётир. Бу муборак зиёратгоҳда “Она”, “Ватан” тушунчалари гўзал сиймоларда моддийлашиб, кўзларимизни яшнатиб турибди.

Буни мустақиллигимизнинг 25 йиллигига бағишлаб таъсис этилган “Ўзбекистон мустақиллигига 25 йил” эсдалик нишонига сиймо ҳам тасдиқлаб турибди. “Таъкидлаш керакки,

деб ёзилган ЎзАнинг эсдалик нишони мазмун-моҳияти ҳақидаги ахборотида, эсдалик нишони марказида акс эттирилган Бахтиёр Она ва унинг фарзанди қиёфаси халқимизнинг асрлар давомида шаклланган ҳаёт тарзи, урф-одат ва анъаналари, олийжаноб орзу-интилишлари, давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларини, бир сўз билан айтганда, мустақиллик йилларида биз ўз олдимизга қўйган олий мақсад-муддаоларни ёрқин ифода этиши билан алоҳида эътиборни тортади”. Мана шу туйғулар Ватанга бизнинг муносабатимизни белгилаб, ширин юрагимизнинг тўрига қўяди.

### **Шукрона**

Қарорда эртанги марра – энг тараққий топган давлатлар қаторига кириш эканлиги тушунтириб берилган. Ниҳоятда аниқ, тиниқ мақсад. Қайси давлатлар қаторига? Келинг, ҳозир қўлингиздаги андрондга “энг тараққий этган давлатларни топ”, деб буюринг. Инсон салоҳияти ривожининг индекси бўйича тилга олинган давлатлар ТОП-10лиги: Норвегия, Австралия, Нидерландия, АҚШ, Янги Зеландия, Канада, Ирландия, Лихтенштейн, Германия, Швеция чиқади.

Марранинг юксаклиги айрим кишиларда ҳайрат уйғотгандир. “Ўзбекистон – келажак буюк давлат!”, деган ширин гап билан қараганлар ҳам кўп эди. 1991 йилда давлатимиз раҳбари юксак минбардан “Биз мустақилмиз!”, деган тарихий сўзларни айтганида нима қилишни билмай қолган ҳам ўзимиз. Чунки Шўро бизни мутелик, қарамликка ўргатиб қўйган, бу иллатлар мустақилликнинг биринчи йилларида кучли эди. Қолаверса, Соҳибқирон Амир Темур давлатидан кейинги тарихимизда ўзбекнинг кўксига шамол тегмаган эди-да.

Бир мисол. Дон ўзингда бўлмаса – қўлда нонинг омонат. Бировнинг қўлига қараган ғарибсан. Ғирром Шўролар буни яхши биларди. Шу боис мустақилликнинг биринчи йилларида мамлакатимизда очарчиликка бир неча кун қолган кунлар бўлди. Ўшанда ўз халқининг бу аҳволига ич-ичидан суюниб, “Ана. СССР бузилди. Нонни гамлаб, қуришиб қўйинглар деганмидим?! Мана энди кўраётганлар”, деган “башоратчи”лар

ҳам чиқди. “Қани, қаергача бораркан Ўзбекистон?”, деб одамларга эшиттириб ҳиринглаганлар ҳам кўп эди. Томошабинлар ҳам етарли эди.

Президент Ислон Каримовнинг оқилона қарорлари, катъияти Ўзбекистонга ўрмалаб келаётган очарчиликни тўхтатди. Дунёнинг нариги четидан бўлса ҳам дон келтирилди. “Башоратчи”лар бармоқ тишлади.

Ўзбекистон биринчи вазифалар қаторида дон мустақиллигига эришди. Мана бугун дон ҳам, нон ҳам ўзимизники. Бошқаларга ҳам илинаямиз. Ҳар куни дастурхонимизда иссиқ нон ушатаётганимизда бунинг шукронасини айтайлик. Болаларимизга ибрат кўрсатган бўламиз.

Дастурхонимиз тўкин. Унинг 98 фоизини ўзимизнинг фермерлар тўлдираётир. Экспорт йилдан йилга ошмоқда. Мана бунинг ҳалол галаба демайдиларми?!

Ўзбекистон автомобиль ишлаб чиқаради, деб яхши ният қилинганда ҳам шундай совуқ “башорат”лар қилинган эди. Сон саноксиз ўзбек автомобилларини кўриб “башоратчилар” яна бармоқ тишлади. Энергетика, транспорт-коммуникация соҳасида ҳам шўролар тўкиган тўрда эдик. Чикдик. Бу соҳаларда ҳам мустақилмиз. Экспортёрмиз. “Башоратчи”лар яна доғда. Бу мисоллар жуда кўп. Кўпаяверади...

Шўролар даврида одамлар “ҳозир ва шу ерда” бахтли бўла олмас эди. Чунки уларга “коммунизмда бахтли бўламиз”, деб ўргатилган. Бунинг оқибатида бахт деганда ҳозирги замон эмас, келаси замон тушунилар эди. Мустақиллик бизга бахтни келаси замондан ҳозирги замонга олиб келди.

### **Ким бўлди**

Бахтли одамга ўзининг қанчалик бахтли эканлиги тўла сезилмайди. Ҳаётини, узоқ-яқиндаги мисолларни киёслаб, “олдига ойна қўйиб”, тушунтирсангиз, ўз бахтига ўзи ҳайрон қолади.

Шўро даврида “бахт – биз йўқ жойда бўлади”, деган мақол бор эди. “Қаерда?”, десангиз, ривожланган гарб, шарқ мамлакатлари кўрсатиларди. Ҳозир эса айрим ривожланган мамлакатларга бориб келган ҳамюртларимиздан галати гапларни

эштамиз. Раҳмимиз келади. Масалан, “У ерларда кексаларга пенсия тўланмас экан. Нуронийлар ёлғиз, ўзларига бир бурда нонни ишлаб топишга мажбур”, дейишади. Уларга қараб фикр, ўзимизга қараб, шукр қиласиз. Ахир, бизда ҳар ой пенсия нуронийларнинг уйларига келтириб берилишига ўрганиб қолганмиз-да. Тўғрими?

Сафардан қайтган кўшнимиз гапни давом эттиради: “Бир-икки ривожланган давлатларда бўлганман. Шаҳарларида тунда кўчага чиқсангиз уриб, тунаб кетишади. Бундан туристик фирмалар сизни оғохлантиришади: “Жаноб. Меҳмонхонадан 200 метр радиусдан узоқлашманг. Хавфсизлигингизга кафолат бермаймиз”, дейишади. Ўзбекистонда молу жонингиз мамлакатнинг истаган квадрат метрида, куну тун, ёзу киш давлат (қонун) ва халқ (маънавият) ҳимоясида. Аниқроғи, хорижда меҳмонга ҳужум қилишса, бизда ҳурмат қилишади. Бу одатий ҳол хорижликлар кўзига бебаҳо фазилат бўлиб кўринар экан.

Нидерландиялик статист Мартин Жейкобс бу ҳақда шундай деди: “...Уч ҳафта бўлди, Ўзбекистондаман. Мен Самарқанд, Бухородаги маданий ёдгорликлар гўзаллигига мафтун бўлдим. Лекин энг асосийси, одамларнинг оккўнгил, самимий, хайрихоҳлиги олдида лолман”.

Шейн Мак Глинн – Ирландия (Ирландия дунёнинг ривожланган давлатлари ТОП-10лигига кирган давлат (М.Қ.) фуқароси: “Ўзбекистонда яшаш жуда завқли, хавфсиз. Одамлар ҳамма жойда хушмуомала. Мен аслида бу ерга саёҳатга келгандим. Ёқиб қолди. Ишга кирдим. Омадим бор экан, Ўзбекистонда яшайпман”.

Муҳаммад Аваз Дар, Покистонлик талаба: “Ўзбекистон Марказий Осиёнинг юраги. Бу ерда ҳаёт сифати юқори. Энг комфорт ва ёқимли шароитлар яратилган. Юксак маданият, тарих бор. Бу ерда бегоналарни ҳам, кексаларни ҳам ҳурмат қилишади. Қўлни кўкракка қўйиб, салом беришади. Бутунлай бегона одам акса урса ҳам атрофдагилар “Сог бўлинг” дейишади”.

Жерар Канья, бош ошпаз, “Мишлен” халқаро мукофотининг икки юлдузи соҳиби: “...Мен Ўзбекистонга иккинчи марта

келишим. Самарқандга мафтунман. Бухорони зиёрат қиламан. Сизлар тез ривожланыапсизлар. Менинг сизларга бир тилагим бор: ривожланинглар, фақат ўзбекона қалбингизни, унинг ҳозирги парвозини йўқотманглар”.

### Ўзгарган миллат характери

Хорижликларнинг ҳайрати негадир бизга кўчмайди. Чунки биринчидан, бу гапларни кўп эшитиб, кўникиб қолганмиз. Иккинчидан, биз учун бу – одатий ҳол, ўзбекона ҳаёт тарзи. Хорижликлар биздаги оддий, ҳар кунлик ўзбекчиликни юксак даража дейишяпти. Глобал даражада қараганда, бу – инсоният интилаётган моддий ва маънавий бойлик уйғунлигининг 2016 йилдаги намоиши, дегани эмасми?

Йўқ. Сиз буни асло мағрурликка йўйманг. Бу ўз-ўзидан бўлиб қолган эмас. Бу – биздаги маънавий-маърифий сиёсат шарофати. Айрим мамлакатлардаги “одам-одамга ёв”лик – маънавий инкироз асорати.

Уларда моддий ва маънавий бой бўлиш имконияти йўқмиди? Бор эди. Лекин давлатлар миллий маънавият, урф-одатлар ҳимоясига эътиборсиз бўлди. Бош ислохотчи бўла олмади. Маънавиятни қўллаб-қувватлаш, “оммавий маданият”дан ҳимоя қилишга давлат бош ислохотчи бўлмади. Маънавият бу – одамларнинг шахсий иши, деб қараб турилди. Моддий ва маънавий капот бир хил парвариш топмади. Маънавий қанот ожиз, қаровсиз. Шунинг учун бойлари ҳам “Мен бахтлиман”, дея олмайди. Чунки бахтнинг моддий қисми тўқис бўлса ҳам, ярми – маънавий қисми кемтик.

“Оммавий маданият” одамларга “устоз” бўлди. Одамлар моддий бойликни қувиб кетиб, халқи, миллати, маданияти, маънавияти, урф-одатларидан узоқлашиб, худбинлик тўрига тушиб қолишди. Бир-бирларига восита, (фойдали ё фойдасиз) нарсга деб қарай бошлашди. Ўзаро меҳр-оқибат, меҳрибонлик, бегараз хайрихоҳлик комфорт яшаш йўлида қурбон қилинди. Қалбларни “оммавий маданият” чулғаб олди. Дийдалар қотди. Булар иктисодиётда ривожланган давлатлардан бир оз фарқимиз бўлса-да, маънавиятда бойлигимизга шукр қилишга

чакиради. Бир-биримизнинг, ёнимиздаги Ватандошимизнинг кадр-кимматини янада баланд тутишга ундайди. Юксак маънавият – енгилмас куч, нажоткор кучлилигини бир дақиқа ҳам унутмасликка чорлайди.

Энди иккинчи қанотга боқайлик. Ўзбекистон дунёнинг иктисодиёти энг ривожланган давлатлари қаторига кўтарилиб бораётир. Одамларнинг ҳаёт сифати ошиб бораёпти. Буни ҳар биримиз сезаяпмиз. МАН, Ласетти, Спарк, Орландо, Капти-ва каби енгил машиналар, Отайўл ва бошқа автобусларимиз, “Афросиёб” тезюарар поездимиз, Боинг самолётларимиз деразаларидан кўриб бораёпмиз (Дарвоқе, ҳурматли китобхон! Яна бир хушхабар! 2016 йилдан бошлаб сиз дунё халқлари учун “орзудаги самолёт”да уча бошлайсиз. Ҳозир шу сатрлар ёзилаётганида АҚШнинг Сиэтлидаги “The Boeing Company” корпорациясида Ўзбекистон учун дунёнинг энг замонавий, “орзудаги самолёт” – “Boeing-787 Dreamliner” йиғилмоқда. Уни бошқаришга ўзимизнинг учувчилар шай туришибди).

Намунавий уй-жойлар шўро давридаги “қишлоқ” тушунчасини парчалаёпти. Қишлоқларимизда шаҳар лойиҳалари асосида қурилишлар, инфратузилмалар ишляёпти. Қишлоқларимиз борган сари индустриаллашиб, туманларимизда автомобиллар, смартфонлар, саноат моллари ишлаб чиқилмоқда. Буларни кўриб, қувонмай бўладими? Айниқса, зиёлиларимиз учун Ватанимизнинг озодлик тўйи кунларида бу яхшиликлар тарғиботининг бошида бўлиш – шарафли бурч.

### **Бир ўзбекнинг ўйлари**

Фарҳод – Алишер Навоий бобомиз яратган бадий образ – мард, иродали, айтган сўзига содиқ йигит бўлган. Унинг “Кўҳкан”, деган лақаби ҳам бор. Кўҳкан бу тоғни чопиб ўювчи, кўпоровчи, парчалаб узиб олувчи, дегани. Баланд тоғларни кесиб, халқ мушқулини осон қилиш Алишер Навоийнинг Фарҳод тимсолидаги орзуси эди. Бу орзуни 2016 йилда, орадан 550 йил ўтиб, мустақиллик, ўзбекнинг азми қатъий авлодлари рўёбга чиқарди. Тоғларни кесиб, устидан электрлаштирилган темир йўл қуриб кўйди.

Тоғнинг бу бошидан кириб, 19,2 километр туннелдан – у бошидан тешиб чиқишди. Туннелнинг усти ҳам (1270 метр) ости ҳам тоғ. Ўзбек эртақларида “тоғни талқон қилди”, дейилиши бежиз эмас экан. Мана, халқимизнинг узоғи яқин, оғири енгил бўлсин, деб тоғлар талқон қилинди. Талқони пўлат рельслар остига тўшалди.

**2016 йил 22 июнь.** Соат 17:17. Ангрен-Поп темир йўл линиясининг яшил чирогини икки буюк давлат раҳбарлари – Исом Каримов ва Си Цзиньпиннинг қўллари ёқди. Муҳтарам Президентимиз ёниб айтган: “Биз берган ваъдамизнинг устидан чиқдик!”, деган сўзлар Қамчиқ тоғлари узра акс-садо берди.

Чўққиларнинг миллион йиллик кибор сукувати бузилди. Бугун Ангрен-Поп темир йўлидан ўтаётган вагонлар ойнаси Чодакликларнинг кўзларини қамаштираяпти.

XXI асрнинг энг зўр технологиялари асосида баландлиги 57 метр, узунлиги 500 метрли кўприклар қурилди. Улардан ўтаётганингизда вагонда эмас, самолётда учиб ўтаётгандек бўласиз. Ёнингиздаги йўлдошингизга индамай бир қараб оласиз. “Кўнглидан нима кечаётган экан?” деб. Кўнглингиздан “наҳотки бу биз бўлсак”, деган ўй ўтади. Фарғоналик шоира Зухраҳон Алиеванинг мана бу сатрлари эсга тушади:

Электр сим поезди билан  
Довонларда учар ўзбегим.  
Эртақдаги Семурғлар етмас  
Чўққиларни кучар ўзбегим.

Гўзал юртим, бетакрор юртим,  
Асрларга кўприк довоним.  
Дунё бизга ҳавасда бугун,  
Жоним фидо, Ўзбекистоним!

Баланд тоғ ён бағрида “Инсон манфаатлари ҳар нарсадан устун!” деб ёзилган. Уни замонавий ўзбек вагонларининг юмшоқ креслоларидан ўтириб ўқиш сизга бошқача таъсир қилар-

кан. Беихтиёр “Бир пайтлар ким эдиг-а”, – деб сўрайсиз ўзингиздан. Кўзингиз намланади.

Бу ўйлар ўринли, аламли. Шўролар бизни иккинчи даражали халқ, деб хўрлагани, “Маҳаллий халқ ақл, билим талаб қилинадиган мураккаб ишларга йўлатилмасин”, деб тарқатган махфий кўрсатмалари эсга тушади.

Мана бугун Ангрен-Поп темир йўлини – дунёдаги энг ноёб, мураккаб, креатив счимлар талаб қилинган лойиҳани ҳам, тунелни ҳам, унда юраётган вагонларни ҳам ўзимиз курдик. Бошқараяпмиз. Бўлар экан-ку! Биз ҳеч кимдан кам эмас эканмиз-ку!

### **Ютуқлар омили**

Президентимиз Қароридан халқимизга чексиз муҳаббат, эъзоз уфуриб туради. Тасаввур қилиш ҳам кийин бўлган оламшумул натижаларга қандай эришдик? Бунинг асосий омили – одамларимиз, дейилади Қарорда меҳр билан. Лекин бир фикр келади-да. Бу халқ, бу замин аввал ҳам бор эди-ку. Нега бугунги шарафли кунлардан бенасиб яшади? Биз мустақил эмас эдик. Яна бир саркаш савол ўтади кўнгилдан: унда нега мустақилликни бир вақтда қўлга киритган мамлакатларда ҳаёт, турмуш ҳар хил, ривож ҳар хил?

Аввало матонат билан курашиб, мустақиллик – буюк ҳуқуқ, буюк имконият қўлга киритилди. Бу имконият, ҳуқуқдан самарали фойдаланилди. Ўзига ишонмай қўйган халқ буюк келажакни ўз қўллари билан кура олишига ишонтирилди. Олдимиздан миллий тикланишнинг Қамчиқдан ҳам қаттиқ, кийин, қалтис довлари чикди. Миллатни улардан соғ-омон олиб ўтиш учун давлатимиз раҳбари томонидан етти хил, баъзи ҳолларда 12 вариантдаги счимлар ишлаб чиқилди. Улар орасидан энг мақбул, энг тўғриси белгилаб олинди. Бугунги ютуқларимиз тарихи мустақиллик арафасида ва унинг биринчи йилларида қабул қилинган энг тўғри қарорларга бориб боғланади. Халқимизнинг “Ўзбекистон – келажаги буюк давлат!” деган буюк шиорга мустаҳкам ишончига бориб боғланади.

Қарорда халқимиз маънавиятида рўй берган 6 та ўзгариш санаб ўтилган. Булар – халқимизнинг 1/дунёқараши, 2/меҳнат-

га, 3/ҳаётга муносабати ўзгаргани, 4/сиёсий онги, 5/ижтимоий фаоллиги, 6/ ён-атрофдаги воқеаларга дахлдорлиги кучайганида, дейилади. Унда халқимиз характеридаги юқоридаги 6 фазилат нега, қандай ўзгарди?

Мамлакат иқтисодиётини юксалтирган “Ўзбек модели” ишлаб чиқиб, жорий қилинди. Муҳтарам Президентимиз ғоялари асосида озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуришга қаратилган Миллий ғоямиз, маънавий-маърифий ишлар тизими яратилди. Бу моддий ва маънавий қанотлар икки қалқон бўлиб, жаҳонни чулғаб олган молиявий ва маънавий инқирозлардан бизни ҳимоя қилмоқда. “Фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат” билан курашиб, ёшларни, халқимизни бузгунчи ғоя ва мафкуралардан ҳимоя қилишга хизмат қилмоқда.

Қудратли моддий ва маънавий қанотлар бизни Буюк келажакнинг энг қийин доvonларидан олиб ўтгани муборак бўлсин!

Хуллас...

Бугун дунё рейтинглари “Uzbekistan”, деган навқирон давлатни кўришга ўрганди, кўнди.

Жаҳон эртага “дунёнинг ривожланган давлатларидан бири – Ўзбекистон!”ни кўришга тайёрланмоқда.

Биз 2030 йилда ҳозиргидан икки қарра фаровон яшаймиз.

Ўзбекистон дунёнинг ривожланган давлатларидан бирига айланади!

Бунга биз эртага қуёш чиқишига ишонгандек ишонамиз.

Шундай эмасми?!

*Муаллиф*

## I ҚИСМ

### КЕЧА КИМ ЭДИГУ, БУГУН КИМ БЎЛДИК?

*Албатта, маънавиятнинг тош-тарозиси, ўлчовини топиш қийин. Фалсафий нуқтаи назардан қараганда шундай. Лекин амалий нуқтаи назардан ёндашганда, ҳаётдаги, жамият онгидаги ўзгаришларга нисбатан баҳо берганда, унинг муайян мезонларини ифода этиш мумкин. Масалан, мустақиллик маънавиятини, унинг бугунги даражасини кўпчилигимизнинг кўнглимиздан ўтадиган “Кеча ким эдигу бугун ким бўлдик?” деган савол билан белгилаш мумкин эмасми?*

**Ислом Каримов**

## ЕТТИ ҒОЯ

**1. Юрт тинчлиги** – миллий мафқуранинг асосий ғояларидан бири, мамлакат барқарор тараққиётининг асосий шарти. Тинчлик – инсоннинг ҳаётий эҳтиёжи, эмин-эркин яшаши ва камол топишининг энг зарур омилидир. Ҳар бир инсон учун юрт тинчлиги бебаҳо неъмат, улуғ саодатдир. Башарият ўз тараққиётининг барча босқичларида, аввало, тинчлик-тотувликка интилиб келган. Тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш масаласи умумбашарий муаммодир. Инсоният тараққиётининг барча босқичларида жамиятнинг асосий масалалари, биринчи навбатда, тинчлик-тотувлик ҳолатидагина самарали ҳал этилган. Шу боисдан ҳам, юрт тинчлиги – барқарор тараққиёт гаровидир. Тинчликни сақлаш муаммосини кишиларнинг шунчаки хоҳиш-истаги, орзу-умидлари билан ҳал қилиб бўлмайди. Инсоният учун муқаддас бу қадриятга доимо изчил ва қатъий ҳаракатлар туфайлигина эришилган.

Ўзбекистон халқи тинчликни юксак қадрлайди ҳамда уни ўз орзу-умидлари, олий мақсадлари рўёбга чиқишининг кафо-

лати, деб билади. Шу боисдан ҳам, бобо-момолар дуога қўл очганида, даставвал, Яратгандан тинчлик-омонлик тилайди. Халқимиз орасида ҳам «тинчлик бўлса, ҳар қандай мақсадга эришиш мумкин», деган тушунча кенг тарқалган. Лекин тарих сабоқлари шундан далолат бермоқдаки, орзу-ниятнинг ўзи билангина узокқа бориш қийин. Юрт тинчлиги дунё ва минтақалар тинчлиги билан чамбарчас боғлиқ. Давлатлар ўртасида ўзаро ишонч ва ҳамкорлик муносабатлари тобора чуқурлашиб бориши ҳозирги шароитда тинчликнинг ниҳоятда муҳим омили сифатида катта аҳамият ва чуқур маъно касб этмоқда. Халқаро майдонда рўй бераётган туб сиёсий ўзгаришлар ҳам тинчлик учун курашнинг аҳамиятини янада ошириб юборди. Кўпгина мамлакатлар халқларининг миллий истиқлол, демократик эркинликларни асраб-авайлаб, келажак авлодларга етказиш йўлидаги саъй-ҳаракатлари ўз юрти ва минтақаларидаги тинчлик ва барқарорликка боғлиқ экани равшан. «Қўшнинг тинч – сен тинч» мақолининг туб маъносини дунё ҳам, биз ҳам янада тيرانроқ англамоқдамиз.

Қўхна тарихга назар ташласак, айнан юрт тинч, эл омонликда яшаган даврлардагина халқимиз моддий ва маънавий ютуқларга эришганига гувоҳ бўламиз. Хусусан, Соҳибқирон Амир Темурнинг набираси Мирзо Улуғбек Мовароуннаҳрга ҳукмронлик қилган 40 йил мобайнида мамлакатда тинчлик-барқарорлик устувор бўлгани сабабли илм-фан, маданият тараққий этган, бунёдкорлик ишлари ривожланган, қўхна заминимиз гуллаб-яшнаган. Ўзбекистон халқи тинчликни ўз орзу-интилишлари, мақсад-муддаолари рўёбга чиқишининг шарти деб билади. Шунинг учун ҳам, доимо Яратгандан тинчлик ва омонлик тилайди.

Бироқ инсоният тарихида кейинги беш минг йилда тахминан 15 мингдан ортиқроқ катта-кичик урушлар бўлган экан. Ҳолбуки, башарият фақат тинчлик ва осойишталик барқарор бўлган тақдирдагина ўз олий мақсадларига эришади, моддий ва маънавий жиҳатдан юксалади. Юрт тинчлиги энг азиз неъмат эканига бутун жаҳон амин бўлмоқда. Дунёнинг кўп мамлакатларида рўй бераётган террорчилик ҳаракати бу борада

хали кўплаб муаммолар борлигини кўрсатмоқда. Мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки кунларданок юрт тинчлигини сақлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Ўзбекистон дунёда биринчи бўлиб Марказий Осиёни ядро қуролидан холи майдонга айлантириш, халқаро террорчиликка қарши кураш марказини тузиш ва бошқа тинчликсевар таклифлар билан чиқди. Чунки ислохотларнинг натижалари айнан шу ғояни амалга оширишга бевосита боғлиқ эди. Шунинг учун ҳам, миллий мафкурада юрт тинчлигини таъминлайдиган шарт-шароитларни яратиш масаласига алоҳида эътибор берилган.

Юрт тинчлиги Ватан озодлиги ва мустақиллиги билан чамбарчас боғлиқ. Бировга қарам бўлган халқ ҳеч қачон эркин ва фаровон яшай олмайди. Шунинг учун ҳам, мустақиллик ва тинчликни асрашимиз, мамлакатимизни тажовузкор кучлардан ҳимоя қилишга доимо тайёр туришимиз лозим. Юксак маънавият, маданият, миллатнинг гоёвий ва мафкуравий етуқлиги юрт тинчлигини сақлашнинг муҳим шартидир. Халқимиз учун азал-азалдан муқаддас бўлган бу ғоя жамиятдаги турлича фикр ва қарашга эга бўлган барча куч ва ҳаракатларни бирлаштиришга, шу орқали миллий ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Ислом Каримов: *“Бизнинг кейинги йилларда эришган энг катта ютуғимиз бу умумий хонадонимизда қарор топган тинчлик ва барқарорлик, миллатлараро ва фуқаролараро тотувликдир. Одамларимиз тафаккурида бу қадриятнинг беқиёс аҳамиятини англаб етиш тўғриси тобора юксалиб бормоқда”*, – деб бежиз таъкидламаган. Ўзбекистондаги ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик Юрт тинчлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу эса мамлакатимизда ички барқарорликни таъминлаш, хорижий давлатлар билан тенг ҳуқуқли ҳамкорликни ривожлантириш, жамият ҳаётининг барча соҳаларини эркинлаштириш ва демократиялаштириш, сиёсий партиялар фаоллигини ошириш, белгиланган режа ва мақсадларга эришиш, бир сўз билан айтганда, бунёдкорлик фаолиятига хизмат қилмоқда.

**2. Ватан равнақи** – миллий мафкурамизнинг асосий гояларидан бири. Бу гоя – ҳар бир кишининг манфаатларини юрт манфаатлари билан уйғунлаштирадиган, уни халқ бахт-саодати йўлида хизмат қилишга даъват этадиган бунёдкор гоядир. У миллий истиқлолнинг олий мақсадларидан бири бўлмиш барчамиз учун муқаддас саналган Ватанимизнинг равнақини таъминлаш, унинг жаҳон майдонида муносиб ўрин эгаллашига эришишини назарда тутди. *“Ватан равнақи аввало унинг фарзандларига, уларнинг маънавий ва жисмоний камолоти-га бевосита боғлиқ. Бу, ўз навбатида, ҳар бир юртдошимизни зиммасидаги юксак фуқаролик масъулиятини ҳис этишга, ўз манфаатларини шу юрт, шу халқ манфаатлари билан уйғунлаштириб яшашга даъват этади”*. Ватан равнақи гоясини амалга ошириш бевосита жамиятнинг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маънавий-маданий ривожланишига боғлиқ. Бунда, биринчидан, ҳозирги ижтимоий барқарорлик, миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик, жамиятни бошқаришда оммавий ташкилотларнинг (хусусан, маҳалланинг) мавқеини ошириш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тамойиллари ниҳоятда муҳим. Иккинчидан, ҳаётда демократик тамойилларнинг устуворлиги, муқобил партиялар, жамиятнинг барча жабҳаларини эркинлаштириш, давлатнинг ислохотчилик функцияси, аҳоли сиёсий онги ва маданиятини оширишда катта аҳамиятга эга. Учинчидан, бозор муносабатларига хос мулкчиликнинг шаклланиши, иқтисодиётнинг таркибий тизимидаги ўзгаришлар, хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш, иқтисодиётни эркинлаштириш, ташқи иқтисодий алоқаларни кучайтириш бунда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Тўртинчидан, тарихий меросимизнинг тикланиши, аҳоли интеллектуал салоҳиятини ошириш, фан ва илмий муассасалар, санъат ва адабиётни ривожлантириш, комил инсонни тарбиялаш бўйича миллий таълим дастурининг изчил амалга оширилиши, халқаро маданий алоқаларни кучайтириш ҳам Ватан равнақи-га хизмат қилади. Бешинчидан, мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларида қонун устуворлигига эришиш, ҳуқуқий-демократик жамият куриш соҳасидаги тажрибалар, давлатимизнинг

халқаро ҳуқуқ нормаларига амал қилиши – Ватан равнақини таъминлайдиган шарт-шароитлардир.

**3. Халқ фаровонлиги** – халққа муносиб турмуш шароити яратишни ифодаловчи тушунча Ўзбекистонда барпо этилаётган жамиятнинг иқтисодий асоси ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётидир. Бугунги кунда дунёдаги барча мамлакатлар айнан шу йўлдан тараққий этиб, ўз халқининг фаровон ҳаёт кечиришини таъминлашга эришмоқда. Ўзбекистон ҳам шундай йўлни танлаган. Ҳозирда амалга оширилаётган ислоҳотлар шунчаки ислоҳот учун эмас, айнан инсон учун, унинг ҳақ-ҳуқуқи ва эркинликлари ҳамда фаровон ҳаётини таъминлаш учун хизмат қилади. Собик шўро тузуми одамлар онига барча фалокатларнинг сабаби хусусий мулкда, деган ғояни сингдириб, сохта тенгликни қарор топтирмоқчи эди. Оқибатда, ишламаган одам ишлаган одамдан яхшироқ яшай бошлаган эди. Ҳатто совет кишисининг ўзи ҳам давлат машинасининг мурватига айлантирилган эди. Меҳнатга ҳақ тўлашдаги адолатсизлик боқимандалик кайфиятини, ишлаб чиқаришдаги исрофгарчиликни, ташмачиликни кучайтирди.

Одатда, мустабид тузумлар халқ фаровонлигидан, унинг бойиб кетишидан манфаатдор бўлмайди. Ўзбекистон истиклолга эришган дастлабки кунларданок якка давлат мулки ҳукмронлигига барҳам берилиб, мулк шаклларининг хилма-хиллигига, жумладан, хусусий мулкка кенг йўл очди. Бугунги кунда мамлакатда мулкдорлар синфи шаклланмоқда. Бозор иқтисодиёти жамиятни маълум маънодаги табақаланишга олиб келиши табиий.

Халқ фаровонлигини кўзлаган давлат халқнинг кескин табақаланишига – ошиб-тошиб кетган бойлару камбағал-қашшоқларга бўлиниб кетишига йўл қўймаслик чора-тадбирларини кўриб, бу борада ўзига хос кучли ижтимоий сиёсат юритади. Аҳолининг энг кам ҳимояланган ва муҳтож табақаларини ўз вақтида қўллаб-қувватлаш халқ фаровонлиги йўлида амалга оширилаётган ислоҳотлар муваффақияти кафолатидир. Ўзбекистонда ижтимоий ҳимоя чоралари аҳолининг асосан ҳақиқий муҳтож ва эҳтиёжманд қатламларига йўнал-

тирилмокда. Бу борада давлат манбалари билан бир қаторда меҳнат жамоалари, жамоат ва хайрия ташкилотлари ҳамда жамғармаларнинг маблағлари ҳам ишга солинмокда. Бугунги кунда фаровон турмуш асоси эркинлик, тадбиркорлик, ташаббускорликдир. Тадбиркорлик фаолиятининг эркинлиги учун конституциявий, ҳуқуқий ва иқтисодий шарт-шароит ҳамда кафолатлар яратилиши зарур. Ташаббускорлик ва тадбиркорликни рағбатлантириш, одамларда мулкка эғалик ҳиссини тарбиялаш, кичик ва ўрта корхоналарни изчил ривожлантириш, аҳоли фаровонлиги ва даромадларининг ортишида, ишсизлик муаммосини ечишда муҳим аҳамият касб этади.

Табиий бойликлар, ер-ресурслари, мамлакат иқтисодий салоҳияти ҳар бир фуқаронинг эҳтиёжларини қондириш, ўзлигини намоён этиш ва бунёдкорлик қобилиятини рўёбга чиқаришнинг асосий омилларидир. Бугунги кунда Ўзбекистонда амалга оширилаётган барча ислохот ва бунёдкорлик ишлари халқ фаровонлигини оширишга қаратилган.

**4. Комил инсон** – миллий ғоянинг асосий тамойилларидан бири. Комил инсон ғояси ва уни амалга оширишга бўлган интилиш инсоният цивилизациясининг маъно-мазмунини ташкил қилади. Комил инсон ҳақидаги таълимот инсоннинг маънавий, ахлоқий, интеллектуал ва жисмоний нуқтаи назаридан етуклик даражасига кўтарилишини кўзда тутди. Юртимизда комил инсонни вояга етказиш масаласига азалдан катта эътибор билан қаралган. Шунинг натижаси ўлароқ, тарихимизда ўзининг маънавий фазилатлари, жисмоний имкониятлари билан жаҳон аҳлини ҳайратга солган буюк баркамол инсонлар кўплаб етишиб чиққан. Улар қолдирган бой илмий ижтимоий-фалсафий, маънавий мерос халқимизнинг бебаҳо мулкига айланган. Масалан, Абу Али ибн Сино буюк қомусий олим сифатида тиббиёт, математика, астрономия, физика, кимё, биология, доришунослик, руҳшунослик (психология), физиология, филология, фалсафа, ахлоқ, эстетика ва жисмоний тарбия каби кўплаб фанларнинг етук билимдони бўлган. Унинг асарлари нафақат Ўрта Осиёда, балки бутун Шарқ ҳамда Ғарб мамлакатларида ҳам ҳурмат билан тилга олинган ва мутолаа

килинган. Кўплаб тарихий асарларда қайд этилишича, Ибн Сино 20-25 ёшидаёқ комусий олим сифатида шуҳрат қозонган. Шу жиҳатдан ёндашиб, бу улуг аждодимиз том маънода Комил инсон бўлган дейиш мумкин.

Яна бир буюк аждодимиз Алишер Навоий бир қитъасида “Камол эт касбким” дея даъват қилганида комил инсон учун зарур бўлган кўп хусусиятларни эгаллашни назарда тутган. Аллома боболаримиз қайд этганларидек, инсон ўзини ҳирс, таъма, нафс, гафлат, нодонлик, ёвузлик каби иллатлардан пок-ламаса, у ҳеч қачон комил инсон бўла олмайди. Алишер Навоий комил инсонни аҳли маъни кишилар деб билган. Аҳли маъни – фикрли одамлар, деган маънони англатади. Фикрсиз ҳалойиқнинг онгида маъни теранлиги бўлмайди. Фикрлаш ҳақиқатни англашга интилишни ифодалайди. Алишер Навоий комил инсон ғоясига ўз асарларида қайта-қайта мурожаат қилган. Унинг “Ҳайрат-ул-аброр” достонида етук шахснинг маънавиятидаги эзгулик, саховат, софлик, ҳаё, мурувват, андиша, адаб, камтарлик, садоқат, қаноат, ростгўйлик, инсоф, адолат, багрикенглик сингари фазилатлар таърифланиб, руҳий камолот йўллари таҳлил этилган. Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, ҳар қандай жамиятда комилликнинг энг асосий белгиси инсоннинг эзгуликка, ижтимоий бахт-саодатга, инсонпарварлик ғояларига муносабатида ҳамда уларга асосланган амалий фаолиятида намоён бўлади, яъни жамиятнинг умумий ривожига, инсоният цивилизациясига ижобий таъсир кўрсатадиган комиллик мезони шахснинг баркамоллиги орқали жамиятни фаровон қилишдан иборат бўлган.

Инсондаги комиллик, энг аввало, унинг фикр, тафаккур ва амалий фаолият эркинлигини англашидадир. Шу маънода, буюк юнон файласуфи Сукротнинг “Ўз-ўзингни англа” деган даъвати ҳам инсоннинг насл-насабини, ҳаёт мазмунини, кишининг келажак авлодлар олдидаги масъулият ва мажбуриятини англашга қаратилган чақириқдир. Комил инсоннинг моҳияти, аввало, жамиятни баркамол қилиш йўлидаги саъй-ҳаракатларда намоён бўлади. Комил инсон ва жамият муносабатларида ўзаро боглиқ бўлган икки жараённи кўриш мумкин.

Биринчиси, комил инсоннинг жамият тараққиётига ижобий таъсир қилиши. Комил инсон ғоясининг мавжудлиги ва у билан борлиқ амалиёт жамият ривожланиш даражасини белгилайдиган мезон сифатида намоён бўлади. Чунки, биз ҳар қандай жамиятни унда яшаётган кишиларнинг хатти-ҳаракатига қараб баҳолаймиз.

Иккинчиси, жамиятнинг характери, унинг комил инсонни тарбиялаш борасидаги имкониятларида, унга бўлган муносабатида намоён бўлади. Яъни эркинлик, мустақиллик комил инсон ғоясини амалга ошириш учун тегишли шарт-шароит яратади. Шунинг учун ҳам, Ўзбекистонда комил инсонни тарбиялаш учун ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маънавий, ташкилий вазифалар давлат сиёсатининг энг муҳим устувор йўналиши этиб белгиланган. Президентимиз Ислом Каримов комил инсонни тарбиялашга юрт тинчлиги, Ватан тараққиёти ва халқ фаровонлигининг энг муҳим омилларидан бири сифатида алоҳида эътибор қаратмоқда.

**5. Ижтимоий ҳамкорлик** – турли миллат, ирқ ва динга мансуб кишилар ҳамда гуруҳларнинг умумий мақсад йўлида биргаликда, бир ёқадан бош чиқариб фаолият олиб бориши, уларнинг ўзаро ҳамжиҳатлигини ифода этадиган атама. Ижтимоий ҳамкорлик жамиятда тинчлик ва барқарорлик, юксак тараққиётни таъминлашнинг муҳим омилидир. Ижтимоий ҳамкорлик бўлмаган жамиятда бошбошдоқлик, турли миллат ва элат вакиллари ўртасида ишончсизлик ортиб, қарама-қаршилик ва зиддиятлар кучайиши, бу эса, охир-оқибатда, огир инқирозга олиб келиши мумкин.

Ижтимоий ҳамкорлик ғоясини амалга ошириш йўлида гов бўладиган энг хатарли тўсиқлар ақидапарастлик, терроризм, экстремизм, айирмачилик, маҳаллийчилик, тажовузкор миллатчилик ва шовинизмдир. Бундай зарарли ғоялар таъсирига тушиб қолган жамият табиий равишда ҳалокатга юз тутади. Бунга узоқ ва яқин тарихдан кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Мафкуравий курашлар кучайиб бораётган бугунги кунда фуқароларимиз ўртасида ижтимоий ҳамкорликни кучайтириш долзарб аҳамият касб этади. Ижтимоий ҳамкорлик масаласи

биз учун янги тушунча бўлмай, ўзининг тарихий илдизларига эга.

Маълумки, Ўзбекистон диёрида қадимдан турли цивилизация вакиллари, маданий қатламлар, хилма-хил эътиқод ва дунёқарашлар ёнма-ён яшаб, Ижтимоий ҳамкорлик асосида ривожланиб келган. Юртбошимиз таъкидлаганидек: *“Бу замин Шарқ ва Ғарбнинг, Шимол ва Жанубнинг, қадим ўтмиш ва буюк келажакнинг туташган жойи, Марказий Осиёнинг юраги, инсоният тафаккури, фан ва маданиятининг энг қўҳна ўчоқларидан биридир”*. Бу тупроқда жаҳонни ҳайратга солган цивилизациянинг илдизлари вужудга келган, инсоният тарихининг энг қадимги давларига мансуб диний ва фалсафий анъаналар шаклланган. Қадимги юнон файласуфи Гераклит бу юртни «фалсафий тафаккур бешиги», деб бежиз таърифлаган. Шунини таъкидлаш жоизки, бизнинг цивилизациямиз ўзига «хос толерант тафаккурга таянган. Она заминимизда узок вақт оташпарастлик, буддавийлик, яҳудийлик, христианлик, ислом динлари биргаликда фаолият кўрсатиб, ривожланиб келгани, табиийки, ижтимоий ҳамкорлик мевасидир.

Президентимиз асарлари асосида ғоявий зиддият ва қурашлар тарихини ўрганиш шундан далолат берадики, неча минг йиллар давомида эзгу ва тараққийпарвар ғояларга қарши қурол, куч, макр-ҳийла ишлатиб келинган. Қарам халқларга қуллик психологияси сингдирилган, босқинчиларнинг қадриятлари зўрлаб ўтказилган. Ҳозирги кунда экстремизм, террорчилик, миллатчилик, шовинизм, маънавий қашшоқлик, ахлоқсизликни тарғиб қилиш жиддий мафкуравий хавф сифатида намоён бўлмоқда.

Сўнгги йилларда бу борада интеллектуал ва оммавий ахборот воситаларидан ҳам фойдаланилмоқда. Муайян мафкуравий полигонларнинг муттасил тарқатаётган ахборотларидаги ёвуз ва зарарли ғоялар оқими, жангари фильмлар, болаларга мўлжалланган бузғунчи ғоялар асосида ишланган ўйинлар, компьютер тармоқлари дастурларини ишдан чиқарадиган “вируслар”ни тарқатиш бунга мисол бўла олади. Шунингдек, ҳозирги глобаллашув шароитида ғоявий қарамликка солишнинг

хилма-хил усуллари қўлланилмоқда, турли “овоз”лар, оммавий ахборот воситалари, информацион технологиялар ёрдамида мафкуравий тажовузлар уюштирилмоқда.

Мустақилликка эришган мамлакатлар, жумладан, Ўзбекистон учун ҳам бундай хавфларни бартараф этиш масаласи жиддий ғоявий муаммолар доирасига киради. Мафкуравий кураш тобора мураккаблашиб бораётган, унинг янги ва янги усуллар ўйлаб топилаётган ҳозирги кунда ушбу таҳдид ва таъсирларга фақат кучли ғоя, ўзликни англаш, соғлом мафкурагина қарши тура олиши мумкин. Шунинг учун ҳам, Ислом Каримов томонидан юксак мафкуравий маданиятни мужассам этган “Ғояга қарши фақат ғоя, фикрга қарши фақат фикр, жаҳолатга қарши фақат маърифат билан курашиш...” ҳақидаги тамойил назарий жиҳатдан асослаб берилди ва у мамлакатимизда муваффақиятли амалга оширилмоқда.

**6. Миллатлараро тотувлик** – миллатлараро аҳиллик, халқаро дўстлик; миллий мафкуранинг асосий ғояларидан бири; муайян ҳудуд, давлатда турли миллат вакиллариининг баҳамжиҳат яшаши, ҳамкорликда фаолият юритишини ифодаловчи тушунча. Ер юзидаги 1600 дан ортиқ миллатдан бори ўғи 200га яқини ўз давлатчилигига эга, холос. Бундай шароитда бутун дунёда миллатлараро тотувликни таъминлаш учун уларнинг манфаатлари, руҳияти, интилишларини мунтазам ўрганиб бориш, сиёсий-ижтимоий ҳаётда буни доимо эътиборга олиш зарур. Жаҳон тажрибаси миллатлараро тотувликни таъминлашга бирёқлама, юзаки ёндашув жиддий муаммолар келтириб чиқариши мумкинлигини кўрсатади. Хусусан, давлатга ўз номини берган миллат билан ўша жойда яшайдиган бошқа миллат ва элат вакиллари ўртасидаги муносабатлар жиддий эътиборни талаб қилади. Акс ҳолда, жамият ҳаётидаги тинчлик ва барқарорлик издан чиқиши мумкин. Бу масала бизнинг мамлакатимиз учун ҳам жуда муҳим. Ўзбекистон ҳудудида қадимдан кўплаб миллат ва элат вакиллари баҳамжиҳат истиқомат қилиб келган. Улар ўртасида асрлар давомида миллий низолар бўлмагани халқимизнинг азалдан багрикенглигини кўрсатади. Миллатлараро муносабатларда уйғунлик вужудга келган мам-

лакатларда кўп миллатлилик жамиятнинг сиёсий-иқтисодий ривожланишига самарали таъсир этади.

Миллатлараро тотувлик ғояси умумбашарий қадрият бўлиб, турли халқлар биргаликда истиқомат қиладиган минтақа ва давлатлар миллий тараққиётини белгилайди, шу жойдаги тинчлик ҳамда барқарорликнинг кафолати бўлиб хизмат қиладди. Бугунги кунда Ер юзидида 6 млрд.дан зиёд аҳоли мавжуд. Ўзбекистон ҳудудида эса 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари яшамоқда. Ҳар бир миллат Яратганнинг мўъжизаси бўлиб, ўз тили, дини, маслаги, қадриятлари, анъаналарига эга. Шу бонс, мазкур маънавий омилларнинг амал қилиши миллатлараро тотувликнинг муҳим шартларидан саналади. Давлатлар бу борада кўп миллатли (полиэтник) ва бир миллатли (моноэтник) таркибга эга бўлиб, ҳар бири ўзига хослиги билан бир-биридан фарқ қиладди. Ҳар бир мамлакатда турли миллат вакиллари-нинг мавжудлиги азал-азалдан унга ўзига хос табиий ранг-баранглик бахш этиб келган. Ҳар бир миллатнинг умумий манфаатлари билан бирга ўзига хос қадриятлари ҳам бор. Умумий қадрият ва хусусий манфаатлар бир-бирига зид келиб қолиши ёки уйғун бўлиши мумкин. Бунда муайян мамлакатдаги миллий сиёсат муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон каби полиэтник мамлакатда турли миллатлар манфаатларини уйғунлаштириш, улар орасида тотувликни таъминлаш тараққиётнинг ҳал қилувчи омилларидан бири ҳисобланади. Зеро, миллатнинг истиқболи бошқа халқлар ва мамлакатларнинг тараққиёти, бутун жаҳондаги вазият ва имкониятлар билан ҳам боғлиқдир. Бутун дунёда, биринчи навбатда, қўшни мамлакатларда ёнма-ён яшаётган этнослар ўртасида тинчлик, осойишталик, барқарорлик, ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик, тенг ҳуқуқли муносабат бўлмаса, улардан ҳеч бири ўзининг порлоқ истиқболини таъминлай олмайди.

Шу билан бирга, бир мамлакат доирасида миллий манфаатларни тенг қондириш, улар ривожини таъминлаш жуда мураккаб масала эканини ҳам англамоғимиз даркор. Миллатлараро тотувлик ғояси ана шу масалани тўғри ҳал қилишга ёрдам беради. Бу ғоя – бир жамиятда яшаб, ягона мақсад йўлида

меҳнат қилаётган турли миллат ва элатларга мансуб кишилар ўртасидаги ўзаро ҳурмат, дўстлик ва ҳамжиҳатликнинг маънавий асосидир. Бу ғоя – ҳар бир миллат вакилининг истеъдоди ва салоҳиятини тўла руёбга чиқариш учун шароит яратади ва уни Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги каби эзгу мақсадлар сари сафарбар этади. Мамлакатимизда ушбу ғояни амалга оширишга катта эътибор берилмоқда.

Президент Ислом Каримов Ўзбекистоннинг бу борадаги ўзига хос сиёсатини баён этиб, таъкидлаганидек, *“республика аҳолиси ўртасида қўнчиликни ташкил қиладиган ўзбек миллатининг муқаддас бурчи она тилини, ўз миллий маданияти ва тарихини тиклашдангина иборат эмас, балки биргаликда ҳаёт кечирувчи кам сонли халқларнинг тақдири учун, уларнинг ўзига хос маданий-маънавий хусусиятларини сақлаб қолиш учун, камол топиши ва ўзлигини намоён этиши учун уларга тенг шароит ва имкониятлар яратиб бериш борасида масъул бўлишдан ҳам иборатдир”*. Бундай муҳит миллатлараро муносабатларда турли муаммолар туғилишига асло йўл қўймайди ва Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги каби умум-миллий ғояларни ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади. Неча минг йиллик тарихимиз шундан гувоҳлик бermoқдаки, олийжаноблик ва инсонпарварлик, миллатлараро тотувликка интилиш халқимизнинг энг юксак фазилатларидан ҳисобланади.

Бу борадаги анъаналар авлоддан-авлодга ўтиб келмоқда. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 8-моддасида «Ўзбекистон халқини миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади», деб аниқ белгилаб қўйилган. “Ўзбекистон халқи” тушунчаси мамлакатимизда яшаб, ягона мақсад йўлида меҳнат қилаётган турли миллат ва элатларга мансуб кишилар ўртасидаги ўзаро ҳурмат, дўстлик ва ҳамжиҳатлик учун маънавий асос бўлиб хизмат қилади. Юртимизда бугунги кунда 130 дан ортиқ миллий-маданий марказлар ишлаб турибди. Уларнинг турли йўналишларидаги фаолияти, биринчидан, ўз вакиллари миллий тарих, урф-одатлар ва анъаналардан хабардор қилншга, иккинчидан,

халқнинг ўз-ўзини англашига таъсир этиб, миллатлараро то-тувлиқнинг мустаҳкамланишига хизмат қилмоқда.

**7. Динлараро бағрикенглик** – турли диний эътиқодда-ги кишиларнинг олийжаноб ғоя ва ниятлар йўлида ҳамкор ва ҳамжихат бўлиб яшаши, кишилиқ жамияти равнақи йўлида хизмат қилишини англатадиган тушунча. Ҳозирги вақтда бу эзгу ғоя нафақат диндорлар, балки жамиятнинг барча аъзола-ри ўртасидаги ҳамкорлик ва баҳамжихатликни назарда тута-ди. Динлараро бағрикенглик тинчлик ва барқарорликни мус-таҳкамлаш, озод ва обод Ватан қуришнинг муҳим шартидир. Қадимдан диёримизда буддавийлик, зардуштийлик, насроний-лик, яҳудийлик, ислом динлари ёнма-ён яшаб келган, маданият марказлари ҳисобланган шаҳарларимизда масжид, черков, си-нагогалар фаолият кўрсатган.

Уларда турли миллат, элат ва динга мансуб бўлган халқлар, қавмлар ўз диний амалларини эмин-эркин адо этган. Ватани-миз тарихининг энг мураккаб, зиддиятли, оғир даврларида ҳам юртимиздаги мавжуд дин вакиллари ўртасида диний асосда мо-жаролар бўлган эмас. Бу – юртимиз халқларининг динлараро бағрикенглик борасида катта тажрибага эга бўлганидан дало-лат беради. Ҳозирги вақтда мамлакатимизда 16 та конфессияга мансуб диний ташкилотлар фаолият юритмоқда. Уларга ўз ди-ний маросимларини ўтказиш ва мамлакат ҳаётида фаол иштирок этиш учун зарур барча шарт-шароитлар яратилган. Бу борадаги ҳуқуқий асослар Ўзбекистон Конституциясида, “Виждон эркин-лиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонунда мустаҳкамлаб қўйилган. Маълумки, дунёдаги динлар асл моҳиятига кўра эз-гулик ғоясига асосланади, кишиларни ҳалоллик, поклик, меҳр-шафқат, биродарлик ва бағрикенгликка даъват этади. Инсон ҳаётининг асл мақсади инсон ва табиатга нисбатан одилона, оқи-лона муносабатда бўлиш, ҳамиша яхши, савобли ишларни амалга оширишдан иборатдир. Шундай экан, ҳақиқий диний қарашлар ортида динлараро бағрикенглик ётади.

ЮНЕСКО динлараро бағрикенглик муаммосига алоҳида эътибор бериб, 1995 йилни БМТнинг бағрикенглик йили деб эълон қилди. Ўша йили 16 ноябрда 185 давлат иштирокида

Парижда Бағрикенглик тамоийллари Декларацияси қабул қилинди. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда ҳам бу соҳада улкан ишлар амалга оширилди. Бугунги кунда республикаимизда икки мингдан зиёд диний ташкилот, шу жумладан, Ўзбекистон Мусулмонлари идораси, Қорақалпоғистон Мусулмонлари қозияти, Тошкент Ислом институти, 10 та Мадраса ва 2003 та масжид, Рус православ черкови, Тошкент ва Ўрта Осиё Епархияси, Православ семинарияси, Рим-католик черкови, Евангел христиан баптистлар черковлари иттифоқи, тўлиқ Инжил христианлар маркази, Христиан семинарияси, Ўзбекистон Библия жамияти, 162 та христиан черкови, 8 та яҳудий ва 8 та бахрий жамоаси, 1 та Кришнани англаш жамияти, 1 та буддист ибодатхонаси давлат рўйхатидан ўтган.

Дин асосида юзага келган турли таълимотларга эътиқод қилувчи айрим кишилар, кичик ёки катта гуруҳлар ўртасидаги хилма-хил алоқалар — ижтимоий муносабатларнинг алоҳида тури бўлиб, унда динларнинг ўзига хос жиҳатлари: таълимоти, эътиқоди, ташкилотлари ва бошқалар намоён бўлади. Турли динларга хос хусусиятлар, чунончи, ҳудудийлик (синтоизм) — асосан Япония ҳудудида тарқалган, индуизм — Ҳиндистонда, ислом, буддавийлик, христианлик барча қитъаларда; шаклланиш даври (иудаизм 3000 йилдан кўпроқ, христианлик 2000 йилга яқин, ислом ўн беш асрдан буён мавжуд) билан боғлиқ жиҳатлар ҳам динлараро муносабатга таъсир кўрсатган. Шахслараро диний муносабатлар кундалик ҳаётининг фаолиятда намоён бўлади. Гуруҳий диний муносабатлар турли конфессия вакиллари ўртасидаги музокаралар, диний низолар ва ихтилофларда юзага келади; тинчлик вақтида ҳам муайян мамлакат ҳудудида истиқомат қилаётган халқлар орасида турли эътиқоддаги кишиларнинг, диний раҳбарларнинг тинч-тотув яшаш, ҳар қандай масалани муроса асосида ҳал қилиш борасида ўзаро мулоқот юритиши мумкин. Диний фаолиятнинг турли кўринишлари ўзига хос динлараро муносабатни юзага келтиради. Масалан, ўз диний таълимотини ҳимоя қилиш ва бошқаларини танқид қилиш, бошқа эътиқоддагиларни ўзига оғдириш учун даъват қилиш жараёнида ҳам динлараро муносабат намоён бўлади.

## ЭЗГУ ҒОЯЛАР РЎЁБИ

*Мен фақатгина бир фикр аҳолимизнинг доимий диққат-эътиборида бўлишини истардим: агар биз бугунги ҳаётимизга, бунёдкорлик ишларимизга, эришяётган ютуқларимизга тўғри баҳо бермасак, уларнинг қадрига етмасак, ўз ҳушёрлигимизни йўқотиб, бизни ҳар қадамда кутаётган таҳдидларни, тинч турмушимизга, хавфсизлигимизга раҳна солаётган, оёқ остидан чиқаётган ҳар хил бало-қазоларни ҳам пайқамай-сезмай қолишимиз мумкин.*

**Ислом Каримов**

\* \* \*

Муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг биринчи ташкилий йиғилишидаги нутқида партиялар парламентда бир-бирига рақиб ёки муҳолиф бўлиши табиийлигини таъкидлаб, “... Ўзбекистон манфаати, ягона халқ манфаатлари ҳақида сўз борганда, уларнинг барчаси бир мушт бўлиб бирлашиши даркорлигини ҳеч қачон ёдимиздан чиқармаслигимиз зарур. Бугунги кунда мамлакатимизда, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги каби эзгу мақсадлар ана шундай бирлаштирувчи куч бўлиб хизмат қилаётганидан сизлар албатта яхши хабардорсиз”, деб мурожаат қилди. Ушбу сатрларни ўқиркан, киши беихтиёр мустақиллигимиз ва миллий ғоямиз тарихининг энг мураккаб ва ҳал қилувчи йилларини – мустақиллик арафасидаги йилларни эслайди.

Ўтган кунларимизнинг ҳужжати – “Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида” китобида миллий мафкурамиз, ғоямизнинг энг муҳим методологик масалалари ҳам битилган. Бугун дунё халқлари маданиятига чанг солаётган “оммавий маданият” хавфидан огоҳликка даъват бор. Мана улар:

“жамият дучор бўлган маънавий буҳронни бартараф этиш, халқнинг кайфиятини, ватанпарварлик руҳини кўтариш, унинг ўз кучига бўлган ишончини ошириш зарур”;

“Ҳеч қачон бўшлиқ бўлмайди. Биз бормаган жойга бошқалар боради”(1989 йил 19 август).

“Мафкуравий фаолият концепциямиз йўқ...”; “Маънавий қондалар тўплами” зарур.

“Оммавий маданият” муаммоларига алоҳида эътибор бериш лозим. Халқни маънавий-айниш, қўпол насткашликдан ҳимоя қилиш керак”. (1991 йил 27 март).

Миллий мафкурамизнинг асосий ғоялари – Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, Халқ фаровонлиги, Комил инсон, Ижтимоий ҳамкорлик, Миллатлараро тотувлик ва Динлараро бағрикенглик ғоялари Юртбошимиз асарларидан униб чиқди. Тинчлик учун кураш, Озод Ватан равнақи, халқни қашшоқликдан қутқариш, ҳеч кимдан кам бўлмаган ёшларни тарбиялаб етиштириш, ҳамкорлик, собиқ Марказ ташкил қилган миллатлараро низоларга чек қўйиб, миллатлараро тотувликни барқарор қилиш, виждон эркинлигини ишончли таъминлашга зудлик билан киришилгани бунга яққол мисолдир.

Миллий мафкурамизнинг бош ғояси – “Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш”. Бу эзгу ғоя реалликка айланаётганини мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудудида кўрмоқдамиз. Зеро, миллий ғоямиз “Ўзбек модели”нинг ғоявий қисми сифатида даврнинг барча синовларидан ўтиб, ўзини оқлади. Унинг рўёбидан бугун Ўзбекистоннинг ҳар бир хонадони баҳраманд.

Ватан равнақи, халқ фаровонлиги каби эзгу мақсадларимиз рўёбининг эътирофи халқимизнинг ҳар кунлик турмушида ҳам, хорижлик атоқли экспертлар, сиёсий арбоблар томонидан ҳам очиқ эътироф этилмоқда.

Шулардан бири, атоқли сиёсатшунос Збигнев Бжезинский ўзининг машҳур “Буюк шахмат тахтаси” китобида Ўзбекистоннинг келажаги буюклигини эътироф этар экан, бунинг омиллари сифатида Ўзбекистон Амир Темур асос солган буюк салтанатнинг тўғридан-тўғри вориси эканлиги, доно раҳба-

рияти ҳамда кўп сонли меҳнатсевар халқи билан боғлайди. У Ўзбекистон халқининг ғоявий ҳамжиҳатлиги дуч келаётган муаммоларнинг самарали ҳал қилинишига омил бўлаётганини, мамлакатнинг мустақиллик йилларида эришаётган ютуқларини эътироф этиб, Ўзбекистон энди бирорта давлатга қарам бўлмаслигини таъкидлади.

Бугунги озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт йўлидаги муаммоларни ечиш – ўткир, қиррали тоғ устидан йўл топиб юришдек машаққатли бўлди. Чунки янги мафкура асосида, янги, мустақил давлат қуриш керак эди. Кичик бир хато ҳам кейинчалик тузатиб бўлмас оқибатларга олиб келиши мумкин эди. Бир мисол. Совет давлати 74 йил давомида халқимизга бор-йўғи 300 минг гектар ерни зўрға берган. Мустақиллик шўроларнинг бу жиноятига чек қўйиб, адолатни тиклади. Давлат раҳбари Ислом Каримов 2,5 миллион аҳолига 700 минг гектар сугориладиган ер бериш тўғрисида қарор қабул қилди. Натижада совет даврида уйсиз яшаган миллионлаб ўзбекистонликлар – уйли, миллионлаб ерсизлар – ерли бўлди.

Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази томонидан ўтказилган тадқиқотларда юртдошларимизнинг бу борадаги холис, мустақил фикрлари ўрганиб борилади. Халқимиз фаровонлиги ҳақида Фаргоналик меҳнат фахрийси Омонжон ота Ҳошимов шундай деди:

– Ёшлар, невараларим, “Мустақилликдан олдин халқимизнинг ҳаёти, фаровонлиги қанақа эди?”, деб сўраб қолишади. Шунда мен: “Биз эски тузумдан тешик тоғора билан чиққанмиз”, дейман. Бу нима деганингиз, дейишади ҳайрон бўлиб. Шунда ўз ҳаётимдан айтаман.

Ҳозир манов гапни айтсам, ёшлар ишонмайди-да: 6 миллион тонна пахта етказиб берган ўзбек керакли пайтда отасига кафанликка 10 метр сурп топа олмасди. Брежнев деганлари, “Оқ олтинни олтин қўллар яратади”, деб қўйганига гўё хурсанд бўлиб юраверардик.

Советлар қўйган тузоқлардан бири – халқларни нондан қисиш эди. Ўшанинг касофатидан Мустақиллигимизнинг би-

ринчи йилларида мамлакатимизда очарчиликка бир неча кун қолган кунлар бўлди. Президент Ислом Каримовнинг халқаро обрўси, метин иродаси, қабул қилган оқилона қарорлари халқимизни очарчилик балосидан сақлаб қолди-да. Дунёнинг нариги четидан бўлса ҳам дон ташиб келтирилди. Ўзбекистон биринчи вазифалар қаторида дон мустақиллигига эришди.

Биз Марказга нафақат сиёсий, балки иқтисодий, авваламбор, озиқ-овқат, саноат маҳсулотларида ҳам қарам эдик. Ўзбекистонга сут, мева, сабзавотлар (!) консерваланиб, четдан келтирилар эди. Бугун озиқ-овқат масаласида кўзимиз ҳам, кўнглимиз ҳам тўқ. Ортиқчасини экспорт қилаямиз. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 98 фоизини ўзимизнинг деҳқон ва фермер хўжаликлари етказиб бераётир. Болаларим, бу Халқ фаровонлигидан, қадрига етинглар, дейман-да?!

“Жамият маънавий инқирозга юз тутган, миллатни миллат қиладиган нарсалар бутунлай топталган вазиятда” (И.А.Каримов) қўлга киритилган мустақиллик халқимиз онги ва қалбини миллий маънавият, маданият дурдоналари билан баҳраманд қилди. Шўролар дастидан йўқолиб кетаёзган бахшилик санъати тикланди. Ўзбекистон халқ бахшиси Шомурод ота Тоғаев мустабид совет тузумида ўтган кунларини эслайди:

— “Равзангул”даги дардли воқеалар ёдингиздадир? – дейди бахши оғир тин олиб. — Бу термада акс этган воқеалар – менинг ҳаётим. Коммунистик мафкура элимизнинг дардини кўйлаган отамни майиб қилди. Оиламиз билан Сибирга сургун қилди. Оилада 7 бола эдик. Ўшанда мен 7 ойлик чақалоқ бўлганман.

Сибирга биз билан бирга 450 га яқин хўжалик қувгин қилинган эди. 1948 йилгача яшадик. Жуда кўп одамлар ўша ерларда ўлиб кетди. 450 хўжаликдан атиги 10–15 хўжалик қолган эди. Ака-опаларим, онам ҳам Сибирда ўлиб кетишди. Отам, битта опам ва мен тирик қолганмиз. Эҳ, нимасини айтасиз...

Бу ёруғ кунлар отамнинг, ёр-яқинларимнинг армони эди. Худого шукр, бу кунларни кўришни бизларга муяссар қилди. Президентимизнинг фармони билан менга “Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиси” фахрий унвони берилди. Бахшилар ўртасида ўтказилган танловларда қатнашиб, фақат олдин-

ги ўринларни олдим. Шунинг учун мустақилликни қуйлашдан, алқашдан чарчамайман.

Бундай хўрликлар нуроний хунарманд бобо-бувиларимизнинг хотираларидан ўчмайди. Қўқонлик 97 ёшли тўқувчи Паттихон ая:

– 1950 йилнинг ёзи эди. Ичкарида бўз тўқиб ўтирган эдим. Бирдан ҳовлида шовқин кўтарилди. Бир пайт ичкарига тўртта комсомол бостириб кирди. “Санми, эскилик сарқитини уйида сақлаётган миллатчи”, деб сўқди. Тўқувчилик дастгоҳимни ҳовлининг ўртасига олиб бориб, устига чиқиб янчишди. Кейин ёқиб юборишди. Дастгоҳимдан биргина мана бу тош ёнмай, хотира бўлиб қолди (тўқув дастгоҳида фойдаланиладиган тошни кўрсатди). Уни набирамга эсдаликка берганман. У менинг касбимни давом эттираётир. Барча солиқлардан озод. Ҳозир Австрияда. Давлатимиз уни халқаро хунармандлар анжуманига юборган. Барака топгур, ҳозиргина мендан телефонда ҳол-аҳвол сўраб қўйди.

Дунёда кўпмиллатлилик мамлакатларнинг муаммоси ҳисобланиб келади. Мустақил Ўзбекистон эса кўпмиллатлилик муаммо эмас, аксинча, бойлик эканлигини бутун дунёга исботлади. Чунки масала “Шу азиз Ватан – барчамизники!”, “Миллий ғоя – бизнинг ғоя” шаклида қўйилди, яқдиллик, миллатлараро тотувлик, ҳамжихатлик муҳити таъминланди. Тошкентлик Виктор Пак бу ҳақда шундай дейди:

– Ўзбеклар корейс халқига ўз бағридан жой берган. Корейслар 1937 йилда келиб, шу юртни Ватаним деб яшаяпти. Ўзбекистон ҳаётининг барча соҳаларида фаол иштирок этаяпти. Масалан, мен фақат Ўзбекистонда ўзимни инсон, шахс сифатида ҳис қиламан, тўқис ҳаёт кечиряпман.

Яқинда Жанубий Кореяга борган эдим. Бир ҳафта зўрга турдим. Ўзбекистонимни соғиндим. Тез қайтиб келдим. Баъзан мендан: “Сиз Ўзбекистонни Ватаним деб ҳисоблайсизми?”, деб сўраб қолишади.

Мен: “Менинг Ватаним юрагимда, юрагим эса Ўзбекистонники”, – деб жавоб бераман.

Комил инсон ва миллатлараро тотувлик ғояларимизнинг рўёби Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ижросида яққол намоён бўлди. Баъзилар Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ғояси 1997 йилда ишлаб чиқилиб, амалга оширилди, деб ўйлаши мумкин. Аслида бу ғоя анча илгари кўтарилган.

Давлат раҳбари Ислом Каримов 1990 йил 4 августда *“Бизга кадрлар тайёрлашнинг махсус миллий дастури керак”*, деган масалани ўртага ташлайди. Мана бугун, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастуридан нафақат биз, балки дунё бахраманд. Ўрганиб, фойдаланиб, миннатдор бўлмоқда. Бу – миллий мафкурамизнинг Комил инсон ғоясининг тантанасидир. Бу ғоя Президентимиз фикрлари асосида йилдан-йилга ривожланмоқда. Бунга мухтарам Президентимизнинг халқаро афоризмга айланиб кетган машҳур *“Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт!”* деган даъвати мисол. Ўз вақтида бу марра жуда-жуда баланд қўйилган эди. Бугун содир бўлаётган ижобий “портлаш” натижалари ҳар биримизни қувонтирмоқда.

Баъзи тадқиқотларда миллий мафкура, миллий ғояни назарий масала, деган қараш бор. Бу қарашга тўлиқ қўшилиб бўлмайди. Чунки миллий ғоя – халқнинг мақсад, орзу-истак, ниятларини, ёки соддароқ қилиб айтганда “Ким бўлмоқчимиз?”, деган саволига жавобни ифодалайди. Яъни муайян вақт, восита, маблағ, иш билан таъминлангач, “Ким бўлдик?”, деган саволга жавобни – аниқ натижани такозо қилади.

Мухтарам Президентимиз Ислом Каримов томонидан асослаб берилган, халқимиз онги ва қалбидан чуқур жой олаётган миллий ғоямиз мамлакатимизда изчил, босқичма-босқич амалга ошириб борилаётган ислохотларни амалга оширишда халқимизга маънавий мадад бўлмоқда. Шунинг учун халқимиз ўз мафкурасининг бош ғояси – “Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт”нинг янгидан янги манзараларини кўриб гувоҳ бўлаётир. Бунга ҳар бир туманда қурилаётган янги, замонавий, намунавий уй-жойлар, маҳалла, гузарларини мисол сифатида келтириш мумкин.

“Ўзбекистонда уйлар пухта ва мукаммал лойиҳалар асосида қурилмоқда, – дейди Нидерландиянинг “Laurey Architecture & Environment” компанияси директори, архитектор Роланд Лаурей. – Уларда уй эгаларининг эркин ва бахтли яшаши учун барча қулайликлар яратилган. Бу ерда ободонлаштириш ишлари, жумладан, турли дарахт кўчатларини экиш яхши одатга айлангани гоят қувончли. Президент Ислом Каримов ташаббуси билан қишлоқларингизда комплекс равишда барпо этилаётган ушбу массивлар ва уй-жойлар ҳам кўп асрлар халқингизга хизмат қилишига ишонаман”.

Ушбу ва бошқа ютуқлар кўкдан тушгани йўқ. Ойдан тушгани йўқ. Одамларимиз юксак маънавият – енгилмас кучлигига инонди, миллий ғоямиз атрофида жипслашди, Ижтимоий ҳамкорлик ғоямиз фаол ҳаракатга келди. Мана шу эмасми, миллий ғоямизнинг бунёдкор куч-қудрати?

Агар ташқарида бир ўт чикса, унинг тутуни ичкарига киради. Глобаллашади. Дунё ана шундай дардли муаммолар маконига айланиб турибди. Муҳтарам Президентимиз яқин-узок, катта-кичик давлатлар раҳбарлари билан бунинг олдини олиш ташвишида қайғурмоқда.

Тинчликпарвар Ўзбекистон жаҳонни огоҳ этмоқда.

Чунки бизнинг миллий мафкурамиз Юрт тинчлиги ғояси билан бошланади.

## ЕТТИ ТАМОЙИЛ МЎЎЖИЗАСИ

“Юксаклик” деган сўзни сиз қандай тушунаси? Пастдан қараганда дўппи тушар даражадаги баландлик-да. Тўғри жавоб. Бу – бировнинг юксалишига пастдан туриб қараётган кишининг тўппа-тўғри жавоби. Лекин бу саволнинг яна бир тўғри жавоби бор. Юксаклик бу – атроф жуда кенг, пастдаги нарсалар жуда кичик кўринадиган даража. Марра. Фарқ – юксалишда. Бу – бировнинг юксакликдан туриб пастликка қараётган кишининг тўппа-тўғри жавоби.

Бир кишининг пастдан чўққига чиқиши, юксалиши осон. Лекин миллатнинг юксалиши қийин. Биз 1991 йилда юк-

сакликка тикилган, бугун ана шу юксакликка дадил чикиб бо-  
раётган одамлармиз. Бу фикр қарсакталаб баландпарвоз гап  
эмаслигини, келинг, бирга исботлаймиз...

\* \* \*

Кўзларимиз биздаги эски фикр билан курашмоқда. Чунки  
улар курилайётган минг километрлаб равон йўллارни кўра-  
ётир. Бу йўللар биз бир вақтлар Европа фильмларида кўрган  
йўлларнинг ўзи. Бинолар – энг ривожланган мамлакатлардаги  
каби мухташам. Бирок, уларда чет эллардаги кирғий чангали  
эмас, ўзбекона лутф, маҳобат, бағрикенглик уфуриб тургани  
бағримизни иситади.

АҚШ, Британия, Япония, Арабистон, Хитой, Германияга  
бориб келиш худди Қарши, Фарғона, Жиззах, Самарқандга  
бориб келишдек бўлиб қолмадими?! Совет даврида “Ўзбек-  
дан жаҳон, Осиё чемпиони чиқади”, деган гапга ишониш  
“Туянинг думи ерга тегади” дейишга ишонишдек аламли,  
армонли эмасмиди? Бугун ҳар бир вилоятда ўнлаб жаҳон,  
Осиё чемпионлари бор.

Бир мисол. 2015 йилнинг 12 марти. Фарғона. Биз билан  
суҳбатда самбо бўйича жаҳон чемпиони Исломжон Азимов  
шундай деди:

– “Бугун мен каби ҳеч кимдан кам бўлмаган минглаб ўғил-қиз-  
лар жаҳон ареналарида давлатимиз байрогини баланд кўта-  
ришмоқда. Собиқ иттифоқ даврида Фарғонадан бирорта ҳам  
жаҳон чемпиони чиқмаган экан. Мана бугун мустақиллик ту-  
файли, муҳтарам Президентимиз яратиб берган имконият-  
лар туфайли вилоятимиздан 40 дан ортиқ жаҳон чемпионла-  
ри етишиб чиқдилар.

Биз шуни яхши биламизки, жаҳоннинг ҳеч қаерида милли-  
онлаб болаларининг соғлом бўлиб вояга етиши учун бу қадар  
катта маблағлар сарфлаётган бошқа мамлакат йўқ! Болалар  
спортини ривожлантириш жамғармаси орқали вилоятимизга  
40 млрд. сўмлик 138 та спорт иншоотини қуриб берилди. На-  
тижада спорт билан шугулланадиган болалар сони охириги 10  
йилда 3 баробарга кўпайди.

*Мени олимпия захиралари коллежи катта спортга олиб чиқди.*

*Мен бугун дунёнинг кўп мамлакатларида бўлиб, “Ҳеч бир соҳа мамлакатни спортчилик дунёга тез танита олмайди” деган сўзларнинг исботини кўрдим. 2014 йил Москвада бўлиб ўтган Самбо кураши бўйича Жаҳон кубогига ўз юртида Россиянинг ишонган полвонини енгиб чемпионатнинг олтин медалини қўлга киритдим. Германия, Корея, Болгария, Украина, Қозоғистон каби кўплаб мамлакатларнинг манаман деган спортчиларининг курагини ерга теккиздим.*

*Спорт туфайли Ватан нималигини англадим. Ғолиб сифатида шоҳсупада турган пайтимда мадҳиямиз янграб, байроғимиз кўтарилганда ота-онам, гўзал Фарғонам, Ватаним Ўзбекистон ва албатта, кўз ўнгимда азиз Юртбошим турди!*

*Ҳали олдинда бизни янада катта марралар кутиб турибди. Она ватаним, миллатим шаъни, гурури учун манаман деганини йиқитаман. Мен Президент фарзандиман. Президент фарзандлари эса ҳеч қачон кураги ерга тегмаслиги керак. Биз ҳаминиша, ҳамма жойда ғолиб бўлишимиз керак. Ғолиблик бизга ярашади!.*

*Ҳа. Ўзбекнинг болалари боболаридан ўзиб кетишди. Тил билишда ҳам, билимда ҳам, спортда ҳам, санъатда ҳам, техникада ҳам, тез ва соз фикрлаш, ишлашда ҳам. Қайси бобо билимда, спортда, санъатда, техникада, тез ва соз фикрлашда 1991 йилда туғилган набирасига тенглаша олади? Шундай бўлганми тарихда? Йўқ.*

*Бугун 19 ёшли ўзбек йигит-қизи камолот тезлигида 40–50 ёшлиларга тенг. Шашту шиддатда янада тез. Демак, Ўзбекнинг таракқиёт оти, локомотиви ёшармоқда. Демак, Ватанимиз равнақда янада шитоб билан ривожлана боради. Чунки унинг йўлидаги тўсиқлар олиб ташланмоқда.*

*Бу ҳар бир ўзбекистонликнинг, дардига дармон, қалбига илҳом, билагига куч, кўзларига ишонч, сўзларига шижоат бермоқда.*

*Тоғнинг буюклиги узоқдан яхши кўринади, дейдилар. Шу маънода ўтган йиллар масофасидан туриб қаралса, Ўзбекис-*

тоннинг тикланиши, юксалиши, кадр-қиммат ва салобати янада ёрқинроқ кўринади. Бу иборани мустақилликни ҳимоя қилиш, кўзларимизни ҳайратга солаётган улкан бунёдкорлик ишларига ҳам қўлласа бўлар.

Ўйлаб қарасак, мустақиллик йиллари давомида бир қўлимиз меҳнатда, иккинчиси мустақиллик ҳимоясида бўлганини кўрамиз. Агар ёвуз кучлар бизни яратувчилик меҳнатидан чалғитмаганида, ютуқларимиз бундан-да юксак бўлар эди. Ана шундай қийин шароитда ҳам кўзларимиз гувоҳ – бунёдкор Ўзбекистон халқи ўз Юртбошиси билан бир жону бир тан бўлиб, ўзининг қандай бунёдкор ишларга қодир эканлигини кўрсатмоқда.

Ҳозирги таҳликали даврда ҳар бир раҳбар кадр мафкуравий огоҳликда ўз ходимларига намуна бўлиши тақозо қилинади. Бугун ҳар бир замондошимиз гриппдан ўзини қандай ҳимоялашни қай даражада билса, маънавий юқумли касалликларни: мафкуравий полигонлардаги кучлар нисбатини, халқимиз, ёшларимизга хавф солаётган диний ақидапарастлик, халқаро терроризм, эгоцентризм, ғарбнинг ахлоқсизлик фалсафаси, “дунё фуқаролиги” ғояси, “оммавий маданият”, демократия экспорти, миссионерлик, прозелитизм ва бошқа қатор мафкуравий таҳдидларни беш қўлдай билиши шарт. Акс ҳолда, у душманини танимайдиган аскарга ўхшаб қолади.

Душманни енгилш уни ўрганиш, уни билишдан бошланади, дейдилар. Хўш, биз халқимизга, ёшларимизга, бутун Ўзбекистон халқига ёвуз кўзларини тиккан бузғунчи мафкураларни ҳаммамиз таниймизми?

Ўзбекистоннинг келажаги буюк. Бунга биз эртага қуёш чиқишига қанча ишонсак, шунча ишонамиз. Буюк келажакка миллатимизнинг тез ва соз, соғ-омон етиб боришини ҳар биримиз худодан сўраймиз. Бунинг учун бизга тинчлик, барқарорлик, вақт керак. Ана шу биз учун жуда қиммат неъматга қарши хуруж қилаётган ёвуз кучлар бор.

Улар Ўзбекистонимизда тинчлик бўлмаслигини ва вақтимиз беқарорликда ўтишини истайдилар. Бизни ўзларига қарам қилиб олиш ҳақида хом хаёллар сурмоқдалар. Ўзбекистоннинг

бойликлари, буюк келажаги уларнинг уйқусини қочирмоқда. Улар юзларига бир эмас, ўн хил ниқоб тақиб, ёшларимиз олидида худди дўстдек туслана олади. Ёшларимизнинг айримлари алданиб, уларга ишониб, пушаймонлар қилдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг **“Миллий ҳоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида”** 2006 йил 25 августдаги ПҚ-451-сон қарорида **“ҳозирги мураккаб ва таҳликали даврда маънавий-маърифий ишларини замон талаблари асосида ташкил этиш, ёшларимизни турли мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилиш, юртдошларимизнинг ҳаётга онгли муносабатини шакллантириш, ён-атрофда юз бераётган воқеаларга дахлдорлик ҳиссини ошириш, мамлакатимиз мустақиллиги, тинч-осойишта ҳаётимизга хавф тугдириши мумкин бўлган тажовузларга қарши изчил кураш олиб бориш вазифаси”** белгилаб берилган.

Президентимиз имзолаган қарор биздан маънавий, амалий-маърифий ишларни кутмоқда. Зеро, бизларга ҳаёт, зиё берган Ватан, миллат бунга ҳақли.

Ота-боболаримиз тўкилган қони, берилган жони эвазига сақлаб, бизларга қолдирган бу Ватан барчамизники. Уни озод ва обод, эркин ва фаровон қилувчилар ҳам, унда яшайдиганлар ҳам – ўзимиз, ўзимизнинг фарзандларимиз.

Шундай эмасми?

## **МАЪНАВИЯТ МИНОРАЛАРИ**

*Бир пайт билдирган фикримни яна такрор айтаман: моддий нуқтаи назардан биз энг ривожланган давлатлардан балки ҳали орқададирмиз. Лекин, биз ўз йўлимизни танладик ва бу йўлдан қайтмасдан, қатъий ишонч билан айта оламиз: моддий нуқтаи назардан ҳам бу марра албатта бизники бўлади, аммо маънавий нуқтаи назардан қараганда, энг енгилмас куч ўзи нима? Юксак маънавиятли халқ эмасми? Ўзингиз айтинг, бундай халқни енгиб бўладими?*

**Ислом Каримов**

## Глобал даъват

Жамоа бўлиб яшаш – бизнинг азалий, миллий анъанамиз. Жамоавийлик одамларни бир-бирига яқинлаштиради, бир-бирини қўллаб-қувватлаб яшашга замин туғдиради. Қўллаб-қувватлаш эса аввало меҳрдан ва меҳрга оқибатдан бошланади. Демак, меҳр-оқибатни фуқароларнинг кундалик муносабатларида ҳам, халқаро муносабатларда ҳам маънавият минораси (маёғи) деса бўлади. Чунки у бир-бирини қўллаб-қувватлаш, дўстлик, ҳамкорликнинг энг инсонпарвар тарзини кўрсатар экан.

Глобаллашув XXI аср одамларининг хулқини кескин ўзгартириб бормоқда. Одамлар орасида атомлашиш тезлашиб бораётир. Атомлашиш бу – одамларнинг бир-биридан автономлашиши, ҳар кимнинг ўз ҳаёти билан яшаш, бошқаларга мутлақо бефарқлиги. Оқибатлари – эгоцентризм, худбинлик, ксенофобия. Одамнинг жамият билан алоқаларини узиб, ўзининг тор оламида ўзи учун яшаш. Локайдлик, “менга нима”-нинг легитимлашиши.

Бундай вазиятда инсондаги инсонийликни, меҳр-оқибатни химоя қилиш, сақлаб қолиш керак. Лекин дунёда бу гуманитар инқирозни тушунадиган, ҳал қиладиган давлат, халқаро ташкилот чиқмади. БМТ “Инсоният инсонийлигини сақлаб қоладилми?” деган муаммони 1989 йилда дунёнинг 31 мамлакатини олим ва арбобларини тўплаб, илмий тадқиқ қилиб кўрди. Лекин ҳал қила олмади. Чунки саҳролашув, минтақавий моjarолар, ҳарбий асирларга меҳрибонлик каби иккиламчи масалалар билан ўралашиб қолинди. Чунки асосий сабаб – инсон маънавияти эътибордан четда қолдирилди.

Орадан 19 йил ўтди. 2008 йилда Ўзбекистон Президентининг “Юксак маънавият – енгилмас куч” китоби ҳақидаги хабар оламга ёйилди. Китоб халқаро жамоатчиликнинг катта қизиқишини уйғотди. Бугунги кунда бу китобнинг Шарқу Ғарбнинг қатор тилларига таржима қилингани ва қилинаётгани қуйидаги уч ҳақиқатни очиб берди:

– **биринчидан**, дунёнинг инсонпарвар намояндалари жаҳонда кечаётган маънавий инқироздан ташвишланиб, ундан чиқиш йўллари қидиришаётганлигини;

– **иккинчидан**, бу инкироздан чиқишининг маърифий воситаларидан бири сифатида “Юксак маънавият – енгилмас куч”-ни кўраётганликларини;

– **учинчидан**, “оламни маънавият қутқаради”, деган бундай даъват аждодлари азалдан илм-фан, маънавият ва маърифат бобида пешқадам, дунёнинг цивилизация марказларида яратилишини кўрсатди (бу ҳақда АҚШнинг Ж.Хопкинс университетининг Марказий Осиё ва Кавказ институти раиси Фредерик Старр: *“Ҳозирги Ўзбекистон заминидаги интеллектуал салоҳият минг йиллар давомида Европа ва Осиё қитъаларини ҳаракатга келтирди”*, – деди ва ўша олтин давр тарихини жаҳон жамоатчилигига етказиш жуда зарурлигини таъкидлади).

Таъбир жоиз бўлса, бу китоб у чиққанидан кейинги йилларда Ўзбекистон эришган ютуқлар бу заминнинг қайта уйғонганидан дарак берди. ХХІ асрда инсониятни маънавий юксалишга, ўзаро меҳр-оқибатга чорлаган янги, глобал даъвати бўлди. Мабодо бошқа мамлакатлар раҳбарларининг мана шундай маънавий ташаббуслари битилган асарларини билсангиз, давомига ёзиб қўярсиз:

1. *“Юксак маънавият – енгилмас куч” (Ўзбекистон).*

2. ....

3. ....

### **Меҳр куёш демак**

Бир неъмат бор, олувчи одам учун жуда қиммат. Бир неъмат, берувчи учун текин. Инсон уни доим кутади, ҳеч қачон “бас, етарли”, “тўйдим”, демайди. Бу – меҳр.

Меҳр – ўзбек маънавиятининг гавҳари. Шунинг учун бу сўз кўшиқларимизда кўп айтилади, куйланади. Меҳр сўзига энг ёқимли сўзларини кўшиб: “Меҳр-шафқат, меҳр-муҳаббат, меҳр-оқибат, меҳр-мурувват”, – дейди ўзбек. Бунда меҳр – яхши кўриш маъносида келади. Оқибат эса меҳрга жавобан – натижа, кейинги ишлар, даволат. Шунинг учун халқимиз айрим кишиларни “Фалончимиз? У жуда яхши, оқибатли одам”, деб алқайди. Мурувват – олийжаноблик, мардлик, яхшиликка сабаб бўладиган хайрли иш, очиқ қўллик, беғараз саҳийликни англатади.

Меҳрда сеҳр бор, ҳарорат, ёруғлик бор. Чунки “меҳр” сўзининг маъноларидан бири “қуёш”ни англатади. Қуёш эса эвазига ҳеч нарса талаб қилмай оламни ёритади, иситади. Табиатда кун билан тун бир йилда икки марта тенглашганида баҳордагисини Наврӯз, десак, куздагисини Меҳржон деймиз. Шунинг учун ҳам, устозларни, улуғ инсонларни қуёшга ўхшатиб улуғлашган:

Меҳр нури ёғар доим,  
Юзингиздан устозлар, –

деб куйлайди меҳрли хонандамиз Санобар Раҳмонова.

Ёки

Эй шоҳ, қарам айлар чоғи, тенг тут ёмону яхшини,

Ким меҳр нури тенг тушар вайрону обод устина, – деб наъра тартади Огаҳий бобомиз ўзининг машҳур “Феруз” ашуласига асос бўлган газалида. Унда шоир меҳр, яъни (қуёш) ўз нурини вайронага ҳам, обод жойларга ҳам бир хил сочади, дейди. Ҳаммани ҳамма жойда, ҳаммага меҳрибон бўлишга чакиради.

Худди шунингдек, биз “меҳрибон” деган сўзни ҳаммага ҳам айтавермаймиз. Кимки бизга табассум билан боқиб, сўзлаб, ўздан иссиқлик ва ёруғлик таратиб, бизга яхшилик қилишга шайлигини билдириб турса, ўша кишини меҳрибон деб биламиз. Лекин огоҳ бўлайликки, бундан айрим ёт ғоялар гу-машталари, фирибгарлар, рекрусторлар фойдаланиб қолмасин.

Нимаики бор бўлса, у билинади. Нимаики билинса, у бор. Меҳрларчи? Меҳр ҳам. У қаршингизда турган кишининг табассуми бўлиб кўзга кўринади. Очiq чехра, табассум одамнинг одамга “мен сизга яхшилик тилайман” деган сигнали. Шунинг учун “табассумингиз – қаршингизда турган одамга садақангиздир”, дейилади ҳадиси шарифда. Меҳр сўз бўлиб қулоққа эшитилади, нарса, буюм, ёрдам бўлиб бериб, олинади. Меҳр қилинаётган амалий ишларда, берилаётган ёрдамда кўринади, билинади.

Оқибат-чи? Оқибат – меҳрнинг давоми, жавоби. Оқибат бирор сўз айтилганидан, иш қилинганидан кейин ўтган вақт, ишнинг орқаси, давоми, кейини, дегани. Бухорода Баҳоваддин

Нақшбанд мажмуидаги қудуқ ёнида бир кичикроқ минора бор. Ана шу миноранинг тепасига “Оқибати хайрли бўлсин”, деб ёзиб қўйилган.

Маънавият тадқиқотчиси Иргаш Даминовнинг айтишига қараганда, бу ҳикмат мажмуанинг икки жойига ёзилган. Биринчиси, Нақшбандий ҳазратларининг оналари Биби Орифа номи билан юритилувчи масжид ичида тўрт марта (!) ёзилган. Масжид XVII асрда қурилган. Демак, ўтган 400 йил давомида бу ерга ҳар куни камида 100 нафар киши зиёратга келган бўлса, тахминан 15 миллионга яқин киши бу ҳикматни кўнглига жо қилган. Ундан сўнг, Нақшбандий шарафига XIX асрда қурилган мақбара минорасига тахминан 1885 йилда битилган. Бу ерга ҳар куни тахминан 200 киши ташриф буюришини инобатга олсак, ўтган 129 йилда 10 миллионга яқин одам келган. Хуллас, икки обидага жами – 25 000 000 нафардан ортиқ киши келиб, бу ҳикматни ўқигани маълум бўлади. Бу маънавият минораси эртага, кейинги асрларда бизнинг невара, чевараларимизга ҳам мазкур ҳикматни тарғиб қилаверади. Юртимизнинг бундан кейин ҳам меҳр-оқибат юрти бўлиб қолишига ўз хиссасини қўшаверади.

Меҳрга оқибат ярашади. Акс ҳолда, халқимиз бундай одамни “оқибатсиз” дейди. Бу худди салом берган кишига алиқ олмасликка, чанқаб турган кишига муздек сув тутган кишига раҳмат айтмасликка, қийин аҳволга тушиб қолганда бир халоскор келиб уни қутқазгач, эртасига озод бўлган киши ўзининг халоскорини кўриб кўрмасликка олиб ўтиб кетишига ўхшайди. Меҳр-оқибатли бўлиш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Бунинг учун киши фидойи, меҳрибон бўлиш керак. Худди қуёшдек, оналардек.

Энг меҳрибон инсон ким?

Ривоят қилишларича, худо одамни яратиб, 99 меҳрни ўзида қолдириб, 1 меҳрни одам қалбига жо қилибди. Одамга берилган меҳрнинг 99ини онага, аёлга бериб, қолганини бошқаларга берган экан. Шунинг учун оналарнинг меҳри чек-чегара билмайди, дейдилар.

Ҳа. Дунёда ҳар биримизнинг энг меҳрибон кишимиз бор (эди). Онамизнинг меҳрини бизга ҳеч ким бера олмайди. Чун-

ки “фарзанд” сўзининг маъноси – “аёл бахти” деганидир. Ёшимиз улгайиб, ўйласак, оналаримиз бизга “ўзимнинг бахтим”, деб бир умр тўймай тикилиб яшаган экан. Худди Мустақиллик майдонига файз бериб турган “Бахтиёр она” монументидаги фаришта юзли она каби. Унинг нигоҳида она меҳри худди куёш нуридек иссиқлик, ёруғлик экани кўриниб туради.

**Она меҳри – маънавий неъмат.** Оналар бир умр, кечаю кундуз, ўзларининг сўнгги нафасларигача олдимизга меҳрларини тутиб, пешвоз чиқадилар. Баъзан, ярим тунда, ишдан чарчаб келган кунларимизда бизни кутиб ухламай ўтирган онамизни койиганмиз. Онамиз эса бир оз тин олиб, барибир... меҳрибонлик қилаверган. Вакт ўтгач, кўпчилигимиз “қани эди онам бўлса-ю, хизматларини қилсайдим”, деб хўрсиниб қўямиз. Чунки онамизнинг тафти ва нуридан кўнглимизни бир иситиб, ёритиб олиш илинжимиз бор. Шунини кўмсаймиз. Бироқ, бунинг иложи йўқ.

Ҳар бир киши ортига қараб, мушоҳада қилиб кўрса, минглаб таниш кишиларнинг қиёфалари кўз олдидан ўтади. Агарда уларнинг сизга муносабатларини “меҳрибонлик” индекси орқали таснифлаб кўрсангиз, атрофингизда дунёга келиб топган, меҳри сизга энг қайноқ, меҳрибон кишиларингиз даврасини кўрасиз. Меҳри, ҳарорати илиқ ёки сезилмайдиган таниш-билишлар чехралари сал нарироқдан кўринади.

Меҳрибонларингизнинг телефон рақамларини ёддан биласиз. Уларни кўп эслайсиз. Уларни кўргингиз, гаплашиб ўтиргингиз келади. Бугун ҳам, эртага ҳам... Уларни кўмсайсиз. “Қорнингни ўзинг тўйдирасан, кўнглингни бошқалар тўйдирди”, деганларидек, улар билан кўришиб, гаплашганингиздан кейин кўнглингиз тўяди. Ўзингизни мамнун, тўқис ҳис қиласиз. Бироқ, бир-икки кун ўтгач, бу тўқислик камайиб бораверади. Худди телефонингизнинг батареяси жонсизланиб борганидек. Ва сиз яна ... ўша, кўрганда, гаплашганда яйрайдиган кишиларингиздан бирининг телефон рақамини терасиз. Чунки қалбингизни “тўйинтириб” олишингиз керак.

Меҳр-оқибат ўзбекона маънога эга. Меҳр – ўзбекчадан бошқа тилга таржима қилса, таъми бузиладиган, ширин сўз.

Чунки бошқа жойларда бу сўзларга маъно берадиган ўзбекона маънавий муҳит йўқ. Шунинг учун ҳам, меҳр билан боғлиқ фазилатлар ҳақида “Юксак маънавият – енгилмас куч” китобида: *“...тилимиздаги меҳр-оқибат, меҳр-муҳаббат, меҳр-шафқат, қадр-қиммат деган, бир-бирини чуқур маъно-мазмун билан бойитадиган ва тўлдирадиган ибораларни олайлик. Қанчалик ғалати туюлмасин, бу ибораларни бошиқа тилларга айнан таржима қилишининг ўзи мушкул бир муаммо.*

*Шуни айтиш лозимки, бу тушунчалар кимдир шунчаки ўйлаб топган ширин калом, қулоққа хуш ёқадиган сўзлар эмас. Бундай тушунчалар асрлар мобайнида эл-юртимизнинг дунёқараши, маънавий ҳаётининг негизи сифатида вужудга келган, онгу шууримиздан чуқур эсой олган буюк қадриятларнинг амалий ифодасидир”,* дейилган.

Китобда меҳр-оқибат тушунчаси батафсил таҳлил қилиб берилган. У теран тарихий, миллий, диний илдизларга эга. Меҳр-оқибатнинг намоён бўлиш даражалари бор: “Бу аввало инсоннинг инсон билан, қўшнининг қўшни билан, қариндошнинг қариндош, оиланинг оила билан, энг муҳими, шахснинг жамият билан уйғун бўлиб яшашини, етим-есир, бева-бечора ва ногиронларга, мусофирларга саховат кўрсатиш, сидкидилдан, беғараз ёрдам беришни англатади ва бундай хусусият халқимизнинг маънавий оламига сингиб кетганини ҳеч ким инкор эта олмайди”.

### **Шукроналар**

Ушбу сатрларни ўқигач, халқимизнинг маънавий оламига сингиб кетган меҳрибонлик фазилати мустақил Ўзбекистон давлатининг ижтимоий сиёсати тамойилига айланганини сезасиз. Келинг, биз ҳаётда одамлар айтаётган, газеталаримиз ёзаётган, телеканалларимиз кўрсатаётган шукроналикнинг ҳаётий фактларини эслатайлик. Халқимиз ичида кўп юрадиган кишилар буни кўп айтадилар. Одамларимизнинг содда қилиб айтадиган:

– “давлатимиз меҳрибон. Раҳмат. Ерсиз эдик, ер берди. Ерли бўлдик; уйсиз эдик. Намунали уй-жой, “Камолот” уйлари бери берди. Уйли бўлдик”;

– “Болаларимизга халқаро спорт саройларининг эшикларини ёпиқ эди. 1974 йилда ўзбекнинг атиги бештагина боласи халқаро спорт мусобақасида қатнашибди. Қолганининг етган жойини нари борса, Тошкент бўларди. Давлатимизга раҳмат. Болаларимиз учун жаҳон спортга йўл очди. Охириги беш йилда 400 га яқин Ўзбекистон болалари жаҳон мусобақаларида қатнашибди. Жуда кўпи – ғолиб”;

– “Таълим “қолдиқ” соҳа эди. Давлатимизнинг устувор сиёсатига айланди. Дунё бизнинг тажрибамизни ўрганаётди. Бўлар экан-ку”;

– “Оналар ва болалар ўлими кўплиги бўйича собиқ Иттифок республикалари ичида Ўзбекистон 1-2 ўринларда турар эди. Бугун умримизга 7,5 йил умр қўшди. Дунё бизнинг тажрибамизни ўрганаётди. Бўлар экан-ку. Давлатимизга раҳмат”;

– “Мустақил бўлганимизда хавф-хатар кўп, нотинч эдик. Ватанимизга неча-неча душманлар чанг солиб кўрди. Давлатимиз бизни ҳаммасидан қон тўкмай, сиёсат билан, Президентимизнинг матонати билан тинчлигимизни мардона ҳимоя қилиб қолди”;

– “25 йил олдин Ўзбекистондан ҳаж зиёратига боровчилар бир йилда 5 нафар ҳам етмас эди. Ҳозир ҳар йили 5000дан ортиқ ўзбекистонлик ҳожи бўлаётди. Бу 1000 карра кўпайди, дегани-ку!”;

– “Шўро даврида маҳалламизда битта – бой хонадонда енгил машина бўларди. Ҳозир эса маҳалламизда битта хонадонда енгил машина йўқ. Қолган ҳаммада бор. Ҳамма бой бўлиб кетди. Давлатимизга раҳмат”;

– “Ота-боболаримизнинг руҳи шод. Макбаралари обод. Уларнинг шуҳрати қайтадан оламга ёйилаётди. Шунинг учун ҳам, Аллоҳ ўзи асрапти. Юртимизга кўз тегмасин. Давлатимизга раҳмат.....”, деган гапларни кўп эшитамиз. Чунки “*Ким эдигу ким бўлдиқ*” деган савол мамнун жавобларимизни баралла айтишга ундаётди. Жавобларимиздан меҳрга оқибатнинг миллий изҳори янграмоқда. Чунки ҳар соҳада “Ким эдик” деганда ерга қарасак, “Ким бўлдиқ”, деганда минорадек баландликни кўраяпмиз. Буларнинг барчасига Президентимиз айт-

ганларидек, барча марраларни забт этишда асосий мезон бўлиб хизмат қилаётган юксак маънавий қадриятларимизга таяндик.

Кўринадиган нарсаларнинг сабаби – кўринмайдиган нарсаларда. Қаттиқ нарсаларнинг сабаби – юмшоқ нарсаларда. Маънавият – кўринмайдиган, юмшоқ куч. Келинг, юқоридаги маънавий қадриятларимизнинг ҳар бирини бир маънавий минорага ўхшатиб кўрайлик.

Қадимий шаҳарларимиздаги оламга машҳур миноралар боболаримизнинг юксак маънавиятидан моддий гувоҳлик бериб туришибди. Шу бугун ҳам куёш нурлари эрталаб бизга ва Бухоро, Самарқанд, Термиз, Шахрисабз, Қарши ва Тошкентнинг заррин минораларига тушди. Демак, улар биз билан яшаяпти. Улар эртага ҳам, XXII, XXX асрларда ҳам жим, салобат билан сўзлайди: *“Боболарингизнинг қудратини, юксак маънавиятини билмоқчи бўлсангиз, бизларга боқинг”*. Амир Темур ҳазратлари Оксарой пештоқиға ёздирган машҳур башорат бежиз эмас экан-да!

Минора деган сўз “нур таратиб турган иншоот”, “маёқ” деган маънони билдиради. Ўзбекистон – пешоналарига эзгу ғоялар ёзилган маҳобатли миноралар мамлакати. Бу миноралар аввал боболаримизнинг ғояларида, ғоялардан қоғоздаги чизмаларга, чизмалардан чиқиб, майдонларда қад кўтарган. Самарқанд, Бухоро, Хивадаги энг баланд минораларнинг пойдевори 20 метргача ер қаърига кириб кетган экан.

Миноралар ҳам моддий (архитектура), ҳам маънавий (ёзувларидаги маъно) объект. Моддий ва маънавий қадриятларимиздаги бу уйғунлик маънавий илдизларимизнинг қанчалик теранлигини тасдиқлайди. Бу минораларни куриш ҳам “эзгу фикрларни тарғиб қилайлик”, деган эзгу фикрдан бошланган. Яъни юқорида келтирганимиз “минора – ўзидан нур таратиб турадиган иншоот, маёқ” деган таърифдаги нур, бу – улардаги ҳикматлар. Мана шу қисқача таҳлилнинг ўзи ҳам минораларига кўзи тушган, улардаги эзгу фикрларни ўқиган одамларга эзгу ғояларни ёювчи маънавий тарғибот воситаси бўлганини кўрсатади. Чунки мутафаккир аждодларимиздан бирлари Маҳдуми Аъзам айтганларидек, “Фикр кўринмайди, аммо у кўринадиган улуғ ишларни бажаради”.

Мамлакатимизда амалга оширилган мислсиз бунёдкорликлар *барқарорлик, оsoйишталик ва ҳамкорлик, ўзарo ҳурмат ва меҳр-оқибат муҳити, ватандошларимизнинг тобора ўсиб бораётган дунёқараши ва онгу тафаккури, ҳуқуқий ва сиёсий маданияти ва фаоллиги* каби маънавий тушунчалар заминида юксалди. Уларни маънавият миноралари, деб айтсак арзийди. Чунки бу миноралар бугун жаҳон келиб кўраётган улуғ ишларимизнинг мезон-маёқлари бўлиб хизмат қилмоқда.

## Бизни тиклаган шиорлар

Жамият ўзи тан олган ҳақиқатлари билан яшайди.

О.Бальзак

Президентимиз томонидан Конституциямизнинг 21 йиллигига бағишланган тантанали мажлисда “*Ўзбекистоннинг дунёдаги ривожланган демократик давлатлар қаторига кириши учун бугунги кунда барча имкониятлар яратилди*”, деган ўта муҳим янгилик эълон қилинди. Бу халқимизнинг матонатли меҳнати тантанаси натижаси эди.

Халқимизга бу азму шижоатни Президент Ислom Каримов кўтарган гоёлар берди. Улар миллатимизнинг шўролар музлатган фахр, ифтихор туйғуларини иситиб, уйғотди. Бирлаштирди. Миллий ғоямизга, ундан амалий ишларимизга кўчиб, улуғ гоёвий вазифаларни бажармоқда. Улар миллатимизнинг кечаси, бугуни, эртасини кўрсатиб:

- Ватанга чексиз муҳаббат садокат бонги бўлиб янграмоқда:

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат!

Шу азиз ватан барчамизники!

Биздан озод ва обод ватан қолсин!

Ватан – саждағоҳ каби муқаддас.

Ўзбекистон – улкан имкониятлар мамлакати!

Ватан туйғуси ҳар нарсадан устун!

Ватаним менга нима берди, деб эмас, мен ватанимга нима бера олдим, деб яшаш керак!

Элни Ватан манфаати бирлаштиради.

Халк фаровонлиги – фаолиятимиз мезони.

Биз ҳеч кимдан кам бўлмаганмиз, ҳеч кимдан кам бўлмай-  
миз ҳам!

Ватан ободлиги кўнгил ободлигидан бошланади.

Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон!

Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди!

Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўз-  
бекистон!

Бизни дахлдорликка, ҳаракатга чорламокда:

Мустақиллик – улкан масъулият!

Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби!

Озод бўлсанг – озод бўл, эркин бўлсанг – эркин бўл, мус-  
тақил бўлсанг – ҳақиқий мустақил бўл!

Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг.

Савоб ишни ҳар ким қилиши керак, Савоб ишни ҳар қуни  
қилиши керак!

Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан кураммиз!

Биз қуриш, яратиш йўлидан бораверамиз!

Келажакни жасоратли одамлар куради!

Мардлар қўриқлайди Ватанни!

Юксак малакали мутахассислар – тараққиёт омили!

• Улардан юксак маънавият уфуриб туради:

Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда.

Миллат қудрати ҳамжихатликда.

Огоҳлик – давр талаби.

Жамиятимиз мафқураси халқни халқ, миллатни миллат қи-  
лишга хизмат этсин.

Халқимиз бор экан, Амир Темур номи барҳаётдир.

Тарихий хотирасиз келажак йўқ.

Юксак маънавият – келажак пойдевори.

Юксак маънавиятсиз келажак йўқ.

Юксак маънавият – енгилмас куч.

Ўзбекистон халқи ўз йўлидан қайтмайди.

• Барча соҳаларда ислохотларга йўл очиб бораётир:

*Ислохот – ислохот учун эмас, аввало инсон учун, унинг фа-  
ровон ҳаёти учун!*

Демократия – бош йўлимиз.

Юксак малакали мутахассислар – тараққиёт омили.

Ислоҳотлар мезони одамлар ҳаётидаги ўзгаришдир.

Дехқончилик тараққиёти – фаровонлик манбаи.

Тадбиркорлик – иқтисодиёт келажаги.

Оила фаровонлиги – миллат фаровонлиги.

Фан Ватан равнакига хизмат қилсин.

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин.

Ҳеч бир нарса мамлакатни спорт каби тезда дунёга машҳур қила олмайди.

Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор!

Тинчлик учун курашмоқ керак.

Давлат хусусий мулкдор ҳуқуқларининг ҳимоячисидир.

Бу гоёлар миллий тикланишимизнинг энг қнийн йиллари синовидан ўтди. Халқимизни асради, унга куч, мадад берди. Бизларни бугунги халқаро эътирофга, эҳтиромга кўтарди. Демак, уларга садоқат бундан кейин ҳам миллатимизни асрлардан асрларга беталофат, соғ-омон ва фаровон элтаверади. Демак, буюк ислоҳотлар буюк шиорлардан бошланар экан.

Бироқ ҳамма шиорлар ҳам буюк бўла олмайди-да. Шўронинг шиорлари худди ўзи каби номиллий, мантиқсиз эди. Мана, СССРнинг турли йилларда кўтарган шиорлари. Хоҳ кулинг, хоҳ йиғланг:

«Поездимиз социализм станциясидан коммунизм станциясига борапти!

Синалган машинистимиз – ўртоқ Сталин!»,

“Аёллар – колхоз учун катта куч!”, “Бутун дунё бизники бўлади!”,

“1 рубль – мана бизнинг даромадимиз!”,

“8-март – ишчи аёлларнинг рўзғор куллигига қарши кўзғолон кун!”,

“Пачка” папиросларини чекинг!”,

“Капитан” сигараларини чекинг!”,

“Қайта қуриш бу – Октябрь ишининг давомидир!”,

“Ўртоқлар, бизнинг ватанимиз катта ва гўзалдир!”,

“Бизнинг паровоз олға елиб кетаётир!”...

## Шиоримиз рухияти

Яғонасан. Бу сўзни ҳаётда ким, қачон, кимга, нимага қараб айтади? Бу сўзларни аввало мамнун одам айтади. Маъюс одам айтмайди. Бу сўзни дунёда ўз юртидан яхши юрт йўқлигини англаган, бахтли инсон айтади. Бу сўзни Она Ватан нималигини, унинг кадр-қимматини билган комил фарзандлар айтади. Шу бир сўзда уларнинг ҳам эътирофи, ҳам эҳтироми бор.

Муқаддас Ватаним. Одам “муқаддас” деган сўзни жуда ўйлаб айтади. Каъбани муқаддас дейди. Мустақиллик биз учун Ватан кадр-қимматини ана шу даражага кўтарди. Дунёда мамлакат кўп. Лекин Ўзбекистон яғона, муқаддаслигининг тасдиғи бор бунда. Аввало, одам бу сўзни айтишга муносиб бўлиши керак. Чунки Ватанини муқаддас деб билмайдиганлар ҳам кўп. Улар учун Ватан “қорин тўйдирса бўладиган ер”, ҳудуд, саҳро, территория, маъносиз майдон бўлиб қолаверади. Бундай одамлар Ватанни бойлиги учун севадилар. Уни талаб, қашшоқ қиладилар, ёки хорижлик “шеф”ларига соғин сигир қилиб берадилар.

Ватан шарафи деб мусобақаларга кирган фарзандларимиз спорт, санъат, илм-фан мусобақаларида байроғимизни юксак кўтартириб, Ўзбекистонни шарафга буркамоқдалар. Ана шундай фарзандлари туфайли юртимиз йилдан йилга оламга машҳур бўлаётир.

Севги ва садоқатим сенга бахшида. Севги. Бу туйғу ўзбек қалбининг туб-тубидан келади. Шунинг учун бўлса керак: “Севгиси бор – султон, сеvgиси йўқ – ултон”, “Севганингга сеvgанингни бер”, “Севгининг аслини булбулдан сўра, Гулзор кадрини гулдан”, дейди боболар.

Севги – садоқатнинг боши. Садоқат – ор-номусли инсоннинг берган сўзига, бурчига вафоли иши. Садоқатли одамларни содиқ дейдилар. Сўзига, бурчига содиқ инсонга ҳамма ишонади, унга интилади. Ҳамма унинг атрофида бўлишни истади. Шу сабабли садоқат – ғалабалар манбаи. Шу сабабли садоқатдан хиёнат, сотқинлик қочади.

Қарор контекстида сеvgи ва садоқат олий ижтимоий туйғу сифатида талқин қилинган. Ватанни сеvмоқ иймондандир. Бу

олий туйғуга муяссар фарзандлар “*Мана, мен борман!*” деб Ватан ҳимоясига чиқади. Демак, бу садоқат – олий садоқат. Негаки, ёрга садоқатдан бир киши бахраманд бўлса, Ватанга садоқатдан миллат, авлодлар бахраманд бўлади. Шиор бизга ана шу ҳикматлардан сўзламоқда.

### Гўзал Ўзбекистон!

Гўзал. Бу сўз ҳам – асл ўзбекча сўз. Уни “кўз ол”, дегани, деб ҳам талқин қилишади. Бу “қарасанг, кўзингни олади, ўзига тортади, нигоҳингни ололмайсан, узолмайсан. Қайтиб, ўгирилиб, яна қарайсан”, дегани. Чунки гўзал нарсада одамни ўзига, ичига, тубига тортадиган куч яширин бўлади.

Назаримизда, қарорда “гўзал” сўзи уч маънода қўлланилган. Биринчи маъносига кўра: ҳамма ўз ватанини: араб ўз саҳросини, шимоллик – муз тоғларини, малайзиялик – сув мамлакатини гўзал дейди. Лекин уларнинг ҳеч бирида бир вақтда 4 фаслни кўрмайсиз. Ўзбекистон гўзал. Табиатан гўзал. Бу табиий гўзалликни юртимизга Аллоҳ берган.

Иккинчи маъноси. Ўзбекистон халқи ёшлигида ҳам, кексайганида ҳам кўхлик, истарали, чиройли, гўзал. Шунинг учун хорижлик сайёҳлар “Ўзбекистонда чиройли одамлар яшайди”, деган гапни кўп айтишган.

Учинчи маъноси. Инсон қўли гўзал қилган Ўзбекистон ҳақида. Мустақиллик туфайли Аллоҳ яратган илоҳий гўзаллик, бунёдкор инсон яратган гўзаллик билан уйғунлашди. Улар Ватан чехрасини безадилар. Энди бу юрт Обод Ватан бўлди. Аввало, Ватанини безайдиган ўғил-қизларнинг кўнгиллари обод бўлди. Халқимиз ичида “Ободлик кўнгилдан бошланади”, деган ҳикмат машҳур бўлиб кетгани бежиз эмас.

---

## МУСТАҚИЛЛИК – ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ ГАРОВИ

*Агарки мендан, ҳозирги кунда маънавиятимизни асраш учун нима қилиш лозим ва унга таҳдид соладиган хуружларга нимани қарши қўйиш керак, деб сўраса, мен авваламбор шу юртда яшаётган ҳар қайси инсон ўзлигини англаши, қадимий тарихимиз ва бой маданиятимиз, улуғ аجدодларимизнинг меросини чуқурроқ ўзлаштириши, бугунги тез ўзгараётган ҳаёт воқелигига онгли қараб, мустақил фикрлаши ва диёримиздаги барча ўзгаришларга дахлдорлик туйғуси билан яшаши зарур, деб жавоб берган бўлардим.*

**Ислом Каримов**

Мустақиллик биз учун – ўзлигимизни англаш, юрт тинчлиги ва барқарорлигининг, инсон манфаати, эркинлиги ва фаровонлигининг, биз кўзлаган демократик жамият барпо этишининг гаровидир.

Ҳа. Мустақиллик ҳақида оммавий ахборот воситаларимизда катта ихлос билан эслатилаётган ушбу ҳикматни шарҳласак, ҳар сўзи бир китоб бўлади. Биз – Озод ва обод, эркин Ватанда эмас, мустамлака йилларида узоқларга қараб, ўзга тилда куйлайдиган, маҳзун, кўзида ёш, хору асир Ватанда тугилган авлодлар эдик. “Нима учун?” деб сўраш бизларга тақиқланган эди. Чунки ижодкор эмас, ижрочи миллат эдик. Мустақиллик бизга бировга бўйсуниб ё таклид қилиб эмас, ўз аклимиз, иродамиз билан яшаш ҳукуқи ва масъулиятини ҳам берди.

### **Ўз йўлимиз эътирофида**

Бизга қандай яшашни ўргатишни истовчилар кўп бўлган. Ҳозир ҳам кўп. Бироқ бугун кўзларимиз ўз йўлимиз ҳақлигининг юзлаб мисолларини кўрмоқда.

Молиявий инкироз дунёнинг барча давлатларини ўз домига олди. Дунёнинг энг кудратли молиячилари олдида “Нима қилмоқ керак?” деган интеллектуал жумбоқ қўйилди. Раҳбари энг тўғри жавоб топган мамлакатлар халқи энг кам азият чекди. Юзлаб мамлакатлар халқи саросимада. Айрим фуқаролари ўз келажагига ишонмай, тушкунликка тушиб, ўзини ўлдирмоқда. Баъзи мустақил мамлакатлар бир вақтлар ўзлари жуда ёмон таърифлаган иқтисодий бошқарув моделларини ўзгартиришга киришди.

“Вақт – ҳакам”, деб тўғри айтилган экан. Президентимизнинг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози, Ўзбекистон ша-роитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” асари асосида ишлаб чиқилган чора-тадбирлар бутун дунё кўз олдида синовдан ўтди. У иқтисодий, молиявий тадбирлар орқали амалга кўчди. Тараққиётимиз кўрсаткичлари, оилаларимиздаги хотиржамлик, ўнлаб халқаро конференциялар хулосалари, юзлаб хорижий давлатлар арбоблари ва экспертлари эътирофи бунга тасдиқламоқда. Бугун уларнинг айримларини эсласак, нокаментарликка йўймаслар:

*“Ўзбекистон ҳеч қандай иқтисодий ва сиёсий бўҳронларга учрамай, ўзи танлаган тараққиёт йўлидан оғишмай бораётир”* (Абдулазиз бин Ҳорун – Малайзиянинг мамлакатимиздаги Фавқуллодда ва мухтор элчиси);

*“Ўзбекистон чиндан ҳам тўғри йўлдан кетмоқда. ... кейинги йилда бундан ҳам яхшироқ натижаларга эришса, ҳайрон бўлмайман. Шу кунгача дунёнинг ҳеч бир давлати бундай натижага эришмаган...”* (Ричард Помфрет (Австралия);

*“Ўзбекистон – Марказий Осиё давлатлари орасида инкирозга қарши кураш бўйича энг самарали чораларни амалга ошираётган давлат”* (Доминик Строс-Кан (Халқаро валюта жамгармаси фармойиш берувчи директори);

*“...Иқтисодиётни ривожлантириш ва янги иш ўринларини яратишга қаратилган давлат дастурлари ўз самарасини бераётгани бунинг яққол далилидир”* (Тошио Тоура – Ўзбекистоннинг Осака (Япония) шаҳридаги фахрий консули);

*“...Ўзбекистон энг мушуқул бир даврда иқтисодий ўсишнинг юқори кўрсаткичларига эришишга муваффақ бўлди. Бу*

билан мамлакат инқироздан кейинги иқтисодий юксалиш учун ишончли асос яратди” (Хён Кёнг-тэк – Корея давлат тараққиёт институтининг собиқ президенти, “Навоий эркин индустриал-иқтисодий зонаси лойиҳасининг мазкур институтдаги мутасаддиси);

“...Молиявий-иқтисодий инқирозни енгиб ўтиш учун қўлаб мамлакатлар Ўзбекистондан ўрнак олса, арзийди” (“la Lettre Diplomatique” журнали. (Франция).

“...Бундай ижобий натижага Президент Ислом Каримов томонидан илгари сурилган, ислоҳотларни амалга оширишнинг беш тамойилига асосланган ижтимоий сиёсатни юритиш ҳамда инқирозга қарши чораларни ўз вақтида қабул қилиш туфайли эришилди” (“ИнфоШОС ахборот портали).

Изоҳга ҳолат бормикин?!

Бу эътирофлар энг аввало ўз тақдиримизни ўз қўлимизга олиб намоён этган интеллектуал, иқтисодий, молиявий, маънавий, ташкилий қудратимиз эътирофи эмасми? Шундай экан, ҳар сафар таомга қўл узатганда беш панжамизга боқайлик. У бизга мустақил, маҳобатли Ўзбекистонимизни тиклаган, халқимизни инқироз балосидан асраган ва ривожлантираётган БЕШ ТАМОЙИЛни эслатиб туради.

“Оммавий маданият” бозорининг “талаб ва таклиф”лари

Тан касаллиги оғиздан кирса, рухий, маънавий касаллик кўз, кулоқдан кириб, эгасини йўлдан оздиради. Четдан, биз учун мутлақо ёт, маънавий ва ахлоқий тубанлик иллатлари уларни кўрган, эшитган, тақлид қилган ёшларни маънавий бе-мор қилади. Маънавий касалликнинг иситмаси одамнинг ни-ятларида, айтган гапларида, қилиқ-қилмишларида ошкор бўла бошлайди. Ўз кадрдонлари орасида ўзини ўзгача, бегонача тута бошлайди. Ота-боболарининг миллий урф-одат, маънавий қадриятларига беписанд қараш даражасигача тубанлашади.

Ота-боболаримиз эътиқод қилиб келган ислом дини ҳар бир мўминини ўз миллий қадриятларини қадрлашга, бировлар сир-ти – ялтироқ, ичи – қалтироқ қадриятларни кўз-кўз қилса, ўз миллатидан кечиб, уларга қўшилиб кетмасликка чақирган: “Ва сизлар бир миллат бошқа миллатдан (сон ё бойлик жиҳатдан)

ортиқроқ бўлгани учун қасамларингизни (бузиб) алдов восита-сида қилишингиз билан (яъни бошқа бойроқ ва кучлироқ қавмни топсангиз, аввалги қасамларингиздан кечиб кетаверишингиз билан) худди ўзи тўқиган нарсасини пишиқ-пuxта бўлганидан сўнг парча-парча бузиб-чуватиб ташлаган хотинга ўхшаб қолмангиз! Албатта, Аллоҳ бу (аҳдга вафо қилишга буюриш) билан сизларни имтиҳон қилур ва албатта қиёмат кунida сизларга ихтилоф қилиб ўтган нарсаларингизни баён қилиб берур”.

Мана шу даъват ҳозир – XXI асрда қайта янгради: “Табиийки, «оммавий маданият» деган ниқоб остида ахлоқий бузуклик ва зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм ғояларини тарқатиш, керак бўлса, шунинг ҳисобидан бойлик орттириш, бошқа халқларнинг неча минг йиллик анъана ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларига беписандлик, уларни қўйоришга қаратилган хатарли таҳдидлар одамни ташвишга солмай қўймайди”, деб огоҳлантирди бизни “Юксак маънавият – енгилмас куч” китоби.

Ҳа. “Оммавий маданият”ни истеъмол қилганлар бузуклик, зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм, маънавий негизларга беписандлик каби бизга хос бўлмаган маънавий касалликларга чалинади.

“Оммавий маданият”нинг тажовузи илгари ҳам учраб турарди. “Шум бола” фильмини бир эслайлик. Унда бир европалик Тошкент бозорларидан бирида ўзбекларнинг бир тангасини олиб, эвазига “оинаи жаҳони”дан яланғоч аёл суратини кўрсатади. Ҳозир ўша жанобнинг неваралари боболари касбини давом эттиришаётир. Бу ишни индустрияга айлантиришди. Уни одамларнинг инстинктларини уйғотиб, уларга хизмат қилувчи, ҳаммабоп, яъни ҳамманинг пулларини чиқариб, келтириб берувчи “оммавий маданият”, деб аташди. Шунинг учун уни “Оммавий маданият бўлса, бу ҳаммабоп, яхши нарса экан-да”, деб тушунганлар ҳам йўқ эмас. Аслида, бу ном ҳам атайлаб, асл ният ва мазмунни ниқоблаш мақсадида шундай қўйилган. Шунинг учун, устоз-педагогларнинг “бир нарсага ўхшатиб бўлмайдиган нарсани тушунтириб ҳам бўлмайди”, деган ўғитларига амал қиламиз.

Соатлар ҳар хил бўлади – қуёш соати, сув, кум, механик, электрон, кварц соатлар... Қуёш соати қуёшсиз, сув соати сувсиз, кум соати кумсиз, электрон соат электр тоқисиз, кварц соат батареясиз ишламайди. Фақат механик соатнинг ишлаши эгасига боғлиқ. Қулоғини бураб, “дам солса”, юраверади.

Кварц соат бошқача. “Аввал батареянинг пулини тўлаб қўйинг, хўжайин”, дейди гўё. Батареясиз соат – бефойда матоҳ. Соат сизники, лекин унинг юриши сизга эмас, батареяга боғлиқ. Батарея эса уни ишлаб чиқарувчига боғлиқ. Мана энди сиз батарея ишлаб чиқарувчининг муҳтожига айландингиз. Кимдир сизнинг компютерингизга тушсин, деб “Чувалчанг”, “Троян оти”, “Почта жўнатмаси”, “Эльвис Пресли” деган вирусларни тайёрламоқда. Вирус тушса, антивирусини топишга ҳам ўзлари “ёрдам беворигади”. Тўлаб қўйсангиз бас. Ана шундай.

Разм солсак, нафақат батареяга, антивирусга, балки улардан ҳам муҳимроқ эҳтиёжларимизни эгаллаб олишга интилаётган гуруҳлар борга ўхшайди. Масалан, эстетик, маданий эҳтиёжларимизни. Улар анчагина ишни қилиб ҳам қўйишибди. Улар ким бўлди? Улар “оммавий маданият маҳсулотлари”ни ясовчилар. Дастурхонимизга қаранг. Гибрид (ясама) бемаза олмалар дастурхонимиз тўрига чиқиб олди. Ўзимизнинг ширин Наманган олмаларини сиқиб чиқармоқчи. Таъми сувдай. Чиройли, лекин на ҳид бор, на таъм.

“Оммавий маданият” замонавий, технократик, лекин миллий эмас. Шунинг учун муҳаббатни секс, меҳнатни бизнес, бировга яхшилик қилишни зарарли инвестиция, “ресурсларни мақсадсиз сарфлаш”, ҳаё, андишани имкониятни бой бериш, ота-боболар ўғитларини эскилик сарқити, деб билади.

### **Livejournal: “Уч оила тузилди, иккитаси бузилди”**

Ҳа. “Livejournal” интернет журналининг ёзишича, Россияда 1990 йилдан шу кунгача қурилган ҳар уч оиладан иккитаси бузилган. Шу кунларда «Известия» газетаси “Россияда ҳар 1000 оиланинг 800таси бузилмоқда”, деган хабарни тарқатмоқда. Статистика 1997-2000 йиллар орасида дунё бўйича энг кўп ажрим АҚШда қайд қилинганини маълум қилади. Педа-

гог-психолог олимлар ғарб дунёсида курилайётган ҳар иккинчи оиланинг бузилишини башорат қилмоқдалар. Оила деган тусунча барбод бўлмоқда. Бузилиш суръати дахшатли.

Британиялик педагог олим, доктор Родс Бойсан ғарбдаги оила инқироzi сабабларини ўрганиб, шундай дейди: “Британиянинг ҳар еттинчи боласи нотўлиқ оилада яшайпти. Менимча, ўсмирлар агрессиясининг асосий сабаби – уйда ота йўқлиги. Ўғил бола отасининг характеридан, қатъиятидан куч олиб тарбияланади. Ота йўқлигидан ўғил болалар жамиятдаги жангари тўдаларга тақлид қила бошлайдилар. Бу эса уларни жиноятчилар ҳаёти, турмуш тарзига олиб киради”. Родс Бойсан оилалардаги ажримларнинг асосий сабаблардан бири Ғарбдаги ахлоқий тубанлашув ва гомосексуализмнинг либераллашуви эканлигини таъкидлайди.

Россияда “никоҳ”ларнинг янги-янги шакллари юзага келмоқда. Бу ҳақда юрист ва оилавий муносабатлар бўйича консультант Михаил Лабковский шундай гувоҳлик беради: “Москвада оила институти ўткир инқирозда. Ҳозир оиланинг ранг-баранг турлари пайдо бўлди. Масалан:

“*Синовдаги оила*”: Бунда эркак ва аёл никоҳдан ўтмай, бирга яшайди. Ўз туйғуларининг мустаҳкамлигини “синовдан ўтказишади”.

“*Муддатли оила*”: Бу оила 1, 3, 6 ойлик шартнома асосида тузилади. Муддат тугагач, оила бузилади. Хохлашса, янги “муддат”га шартнома тузишади. Хохлашмаса, йўқ.

“*Меҳмонхона-оила*”: Қонуний никоҳдан ўтишади. Бироқ, эр ва хотин алоҳида яшашади. Бирга рўзғор юритмайдилар. Эр-хотин муносабатларини амалга ошириш учун учрашиб турадилар.

“*Коммунал оила*”: Бунда бир неча эркак ва аёллар бирга яшашади. Туғилган болалар, рўзғор, жинсий муносабатлар ҳам у м у м и й бўлади.

“*Эркин оила*”: бу – анъанавий оила. Бироқ бундай оилада эр ҳам, хотин ҳам бегоналар билан бемалол жинсий алоқалар қилиши мумкин. Дунёда “оммавий маданият”га асосланган “оммавий оила”нинг шаклу шамойили сезилиб бораёпти. Бу

никоҳсиз, қонуний рўйхатсиз, барча аёлларнинг барча эркаклар билан қурадиган “оила”си бўладиганга ўхшайди.

Хуллас, оиладек муқаддас қўрғоннинг бузилиши маънавий бузилиш, маънавий айнишдан бошланиши маълум бўлади. Чунки олимлар оилаларни: шошиб, ўйламасдан ёки “ҳисоб-ки-тоб” билан турмуш қуриш; хиёнат; характер, қарашларнинг тўғри келмаслиги; оила қуришга психологик, амалий тайё-ёр эмаслик, инфантилизм, турмуш масалаларида нўноқлик, бир-биридан ҳафсаласи пир бўлиш; ичкиликбозлик парчалаётганини аниқлашган.

Мустақил Ўзбекистон дунёда бошланаётган оила институти инқироzi таъсиридан миллий маънавият қўргони бўлмиш оилаларни ҳимоялаш, мустаҳкамлаш, оиланинг нуфузини ошириш масаласига давлат сиёсатининг устувор йўналиши деб билади. Бу ҳар бир ориятли ўзбекистонликда ифтихор уй-готади. Шундай эмасми?

Ақл нафсга бўйсундирилса, жиноятлар, бузукликлар урчийди. “Оммавий маданият” шунинг тарафдори. Нафс ақлга бўйсундирилса, фазилатлар, яхшиликлар, одамнинг инсонлиги камолга етади. Ота-боболаримиз, миллий маънавиятимиз ана шунинг тарафдори.

### **Соғлом турмуш истеъмол маданиятида**

Ўзбекни ўзбек қилган қадриятлар фақат нафис осори-атиқалар, санъат, урф-одатлар эмас. Миллатимизнинг истеъмол, соғлом турмуш маданияти, миллий таомлари ҳам унинг минг йилликлар давомида синаб, сақлаб келган қадриятлари эмасми?! Келинг, ўзликни англаш ниятимиз билан атрофимиздаги одатий нарсаларга яна бир қарайлик. Ана шунда ўзбекнинг ҳар бир удуми, буюми, таоми инсоният учун нақадар қадрли эканини кўрамиз.

Яқинда дунёнинг машҳур ҳафтанома-ларидан бири инсон ҳаёти, соғлиги учун энг фойдали янги кашфиётларни эълон қилди. Биринчи кашфиёт. Унда қандай ичимликлар одам соғлигига фойдали/зарарлилиги илмий таснифланибди. Энг фойдали ичимлик кўк чой экан (чайхўр халқимизни, бир бадиий фильмда ёш қизнинг “Чой, чой, чой. Нимага бунча кўп чой

ичишади булар?!” деб нолиганини эсланг). Иккинчи кашфиёт. “Умрни қандай узайтириш мумкин?” муаммосига ечимлар топилибди. “Европа маданияти вакиллари қўй гўшти шўрвасидан ичишни унча хуш кўрмайдилар. Лекин қўй гўшtidан қайнатма шўрва инсон умрини узайтирувчи, кексайишга қарши энг оптимал таом”лиги биохимик исботланибди. Ўзбекнинг қайнатма шўрваси. Учинчи кашфиёт. “Зиғир ёғининг инсон саломатлиги учун аҳамиятини фақат доно кишиларгина тушунади, кадрлайди”, дейди газета. “Чунки хужайраларнинг мембранасини яратувчи модда фақат зиғир ёғида бор. Зиғирдан бошқа бирор ўсимлик мембрана учун модда ишлаб чиқармайди. Одамда ана шу модда етишмаса, тез қарийди”. Мен зиғир ёғли ошни ўзбеклардек севадиган бошқа миллатни билмайман. Сиз-чи? Геронтологиянинг XXI асрдаги кашфиётини ўзбеклар 1000–2000 йил олдин ўз таомнома (меню)сига айлантириб, ўз таомларини ана шундай юксак илмий талаб асосида тузишган экан-да!

Сиз агар киришсангиз, бундан ҳам яхши мисолларни топасиз. Ҳамма соҳадан. Демак, агар биз ўзлигимизга “қайтсак”, ҳозир бизга маслаҳат бераётганлардан 1000-2000 йил олдинда эканлигимизни англаймиз.

### Хотима

Ҳар бир киши аввало ўзини, фарзандлари, қариндош, дўст, қўшнилари бундай маънавий эпидемиялардан ҳимоя қилиши керак. Президент Ислом Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” китоби барчамизни, бутун инсониятни бундан огоҳлантирди. Демак, биз қанчалик ўзлигимизга яқин борсак, цивилизациянинг шунча юқори даражасига кўтариламиз.

“Оммавий маданият” фақат ўзбекнинг эмас, барча миллатларнинг маданиятларига хуруж қилмоқда. Бундай вазиятда ўзлигига содиқ ва замонавий миллат ютади. “Оммавий маданият” гирдобига тушган миллат ундан чиқа олмайди.

Ўзбекнинг ўзлигига садоқати Ўзбекистонни XXI асрнинг маънавий пойтахтига айлантиради.

## ВАТАН РАВНАҚИ: КЕЧА ВА БУГУН

Ёки ёшларга халқимиз кўрган алам-ситам, армонлар, орзу-умидлар, кўраётган шукроналик ва бахт-саодат лавҳалари ҳақида. Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази Термиз давлат университетининг Маънавият ва маърифат бўлими билан биргаликда “Ватан равнақи: кеча ва бугун” мавзусида давра суҳбати ўтказишди. Унда турли соҳа вакиллари “Ким эдигу, ким бўлдик” қиёси асосида кўрган-кечирган, ўзлари гувоҳ бўлган воқеалар ҳақида сўзлаб бердилар. Суҳбат чоғида ёшларимизнинг кўзлари гоҳ ўйчан, гоҳ чақнаб турди. Бунинг боиси нотиқларнинг сўзларидаги самимийлик, ҳаётий мисолларга бойлиги эди. Қуйида ана шу чиқишлардан айрим парчаларни қозғашга туширдик.

### 1. 9 ёшгача оёғи туфли кўрмаган болалар

*Холмўмин Сафаров,*

*меҳнат фахрийси:*

– Мен ўз умримда кўрган-кечирганларимни айтсам, ёшларимизга “Ким эдигу ким бўлдик”, деган саволга жавоб бўлар, деб ўйлайман.

9 ёшимгача оёғим туфли у ёқда турсин, ҳатто калиш кўрмаган, десам, набираларим ишонишмайди. Мактабга ҳар куни 4 км йўл босиб, ялангоёқ келиб-кетардик. II синфда ўқиётганимда отам менга латта туфли олиб берди. Намдан ҳўл бўлиб қолмасин, деб туфлини мактабгача қўлтигимга солиб борардим. Мактабнинг ичида киярдим. Латта туфлим мактабдан уйгача яна қўлтигимда келарди. Бир синфда 30 бола бўлса, 26 таси мендек, мактабга ялангоёқ қатнар эди. Чунки биз шўролар қарам, мустамлака қилган юртнинг болалари эдик-да.

Биз қандай мактабларда ўқидик? Мактаб деб аталадиган жой бир хонали, лойдан қилинган, сувалмаган, оқланмаган уй эди. Печка қурилмаган. Бир хонада II синф болалари билан III синф болалари бирга ўқир эдик. Бир хонада бир ўқитувчи ҳам II, ҳам III синфларга, бирданига дарс берарди. Бундай ўқитишнинг сифати қандай бўлишини ўзингиз биласиз.

Бугунги қасрларга ўхшаган мактаб, коллеж, лицейларга, болаларимизнинг кийинишларига қараб, қувонаман. Кўз-

ларимга ёш сизиб келади. “Ким эдигу, ким бўлдик а!?” дейман”.

## 2. Ирода нега йиғлади?

*Малоҳат Ибодуллаева,*

*Шеробод тумани 3-умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиси:*

– Йигирма бир йил бўлди, дарс бераман. 200 га яқин жажжи ўғил-қизларни бошланғич синфдан юқори синфларга кузатдим. Шогирдларим ҳозирги кунда мустақилликни мустаҳкамлаш йўлида турли соҳаларда меҳнат қилишмоқда.

Бола қалби ҳамма нарсани ўзига жо қиладиган пок, шаффоф идишга ўхшайди. Бола барча ахборотни теварак-атрофдан чанқоқлик билан, самимий қабул қилади.

Ҳар йили ўқувчиларимга “Президент совғалари”ни топшираман. Ўтган йили биринчи синфда ёзиб ўтирган эдим. Ўқувчим Ирода танаффусдан келиб жойига ўтирди. Бир оз ўтгач, қарасам, юм-юм йиғлай бошлади.

– Ирода қизим нега йиғлаяпсан, – десам,

– Қаламимни йўқотиб қўйдим, – дейди. “Қани излайлик-чи”, деб излаб тополмадик. Шунда мен:

– Ирода, қўй, йиғлама. Ўзим сенга чиройли қалам совға қиламан, – десам,

– Йўқ, керакмас, – дейди. Ҳайрон бўлиб:

– Нимага? – десам,

– Бу қаламни менга Президент бобом совға қилганлар, – дейди йиғлаб.

Бу гапни эшитган бутун синф ўқувчилари ўринларидан туриб кетишди. Парталар остидан қаламни излай бошлашди. Қалам топилди! Ирода хурсандлигидан қўлида қалам, кўзида ёш, ҳадеб кулади. Бу ҳалигача ёдимда.

Бу йил халқ таълимига қўшган камтарин ҳиссамни юксак эътироф қилиб, давлатимиз “Шухрат” медали билан тақдирлади. Бу хушxabарни эшитганимда қалбим тугёнларини ҳозиргача сўз билан ифода қилишга ожизман.

**3. Жамшид Тангрикулов: Жаноблар, Ўзбекистон “pereferiya” эмас!**

*Жамшид Тангриқулов,*

*Термиз давлат университети магистри:*

– Президентимиз: “Мен ўзгалар ёзиб берган тарихни тарих деб ҳисобламайман”, – деган эдилар. Бу сўзлар мени Ватанимиз тарихини янада чуқурроқ ўрганишга ундайди.

2009 йил 25 августда Термиз давлат университети янги биносининг очилиш маросими бўлган эди. Ўшанда Президентимиз биз ёшларни Қадимги Бактрия ва Кушонлар империяси даври тарихини янада чуқурроқ ўрганишга даъват этдилар. Шу даъват сабаб бўлиб, мен “Ўзбекистон ҳудудида ёзувнинг пайдо бўлиши” мавзусида магистрлик диссертациясини ёзаяпман.

Тарихимизни ўзгалар ёзиб келган яқин ўтмиш даврларда Ўзбекистон ёзув пайдо бўлган ҳудудлар қаторига киритилмай келган. Ҳатто Ўрта Осиёга нисбатан “*pereferiya*” атамаси ишлатиб келинган. Бу эса “цивилизациядан чеккада бўлган ҳудуд” маъносини англатади.

Кейинги йилларда олиб борилган тадқиқотлар Ўзбекистон цивилизациядан чеккада бўлган ҳудуд эмас, балки аксинча, цивилизация маркази эканлиги маълум бўлмоқда. Ўзбекистон ҳудудида ёзув эрамиздан аввалги II минг йилликда, бугунги кундан 4,5 минг йиллар олдин пайдо бўлган. Буни Шерободда жойлашган Жарқўтон ёдгорлиги сополларида битилган ёзувлар исботламоқда.

#### **4. Маргарет Чен хоним: “Ўзбекистон тажрибаси – жаҳон миқёсида «намунали модель»**

*Лобар Раҳимова,*

*вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази болалар шифокори:*

— 2011 йил ноябрь ойида пойтахтимизда ўтказилган “Оналик ва болалик”ка бағишланган Халқаро симпозиумда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг бош директори Маргарет Чен хоним қатнашди. У Ўзбекистон тажрибасини жаҳон миқёсида «Намунали модель» деб қабул қилинишини таклиф қилди.

Бу бежиз эмас. Мисол учун вилоятимизда биргина оналар ўлимининг кўрсаткичи 2009 йилда 26,1 бўлган бўлса, олиб бо-

рилган ислохотлар натижасида 2013 йилга келиб, бу кўрсаткич 9,8 га кескин камайди. Чунки вилоятимизда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг даволаш ва диагностика стандартлари асосида фаолият юритилмоқда.

### **5. “Мен аграр фермер эмасман. Саноатчи фермерман!”**

*Маҳаматқул Чоршанбиев,*

*Ангор туманидаги Маҳаматқул қизи Мадина фермер хўжалиги раҳбари, туман фермерлар кенгаши раиси:*

– Мен бугун аграр фермер эмас, балки саноатчи фермерман, деб бемалол айта оламан. Чунки ўтган 2013 йилда ишлаб чиқарган ялпи маҳсулотимизнинг 63%и дехқончиликдан бўлса, қолган 37%и қайта ишлаш ва сервис хизматлари ҳиссасига тўғри келди. Бу йил ундан ҳам зиёда бўлаётир.

Президентимиз Жиззах вилояти фермерлари билан учрашганларида фермерлар мамлакатимиз устунлиги ва таянчи деб бизларга жуда юксак баҳо бердилар. Бу юксак ишонч биз фермерларга жуда катта шараф бўлиши билан бирга ундан ҳам каттароқ масъулият юклайди. Дунёнинг манаман деган давлатларида завод фабрикалар ишдан тўхтаб, ишсизлар сони кўпайиб бораётир. Ўзбекистонда эса янгидан янги завод, фабрика, қўшма корхоналар қурилиб, ишга туширилаяпти. Янги иш ўринлари яратилаётир. Бундан эса, ўз навбатида, халқимизнинг фаровонлиги ошиб бормоқда.

### **6. “Биз бахтиёр оналармиз”**

*Гулнора Алиматова,*

*Термиз давлат университети ўқитувчиси:*

– Бахтим шундаки, бугун иқтисодий жиҳатдан бақувват моддий ва маънавий бойликлари бисёр забардаст Ўзбекистон давлати фуқаросиман. Бугун юртимиз иқтисодий ислохотларни изчил амалга оширган ҳолда ҳар жиҳатдан камол топиб, тараққий қилган давлатлар орасида бўйини бўй қилиб кўрсатиб турибди. Вақтида оддий гугуртни четдан олиб келган давлат бугун улкан автомобиль корхоналарига эга бўлган давлатларга ўз машинисини сотмоқда.

Бахтим яна шундаки, осмони мусаффо, тинч ва осойишта юртининг бағри бутун онасиман. Фарзандини эрталаб богчага,

ўқишга, ишга жўнатган она, уй-юмушларини хотиржам бажариб, кечкурун боласини соғ-саломат бағрига босаяпти. Аёл учун, она учун бундан ортиқ бахт борми? Зеро, неъматлар ичидаги энг ширини фарзанддир. Неъматлар ичида энг олий неъмат тинчликдир.

Биз дўстсевар халқмиз. “Қўшнинг тинч – сен тинч” деган мақолга амал қиламиз. Президентимиз ташаббуслари билан Афғонистондаги вазиятни тинч, сиёсий йўл билан ҳал қилиш, қўшниларимизга темир йўллар қуриб бериш, электр нури етказиб бериш борасидаги амалий ишлари Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини янада оширмоқда.

### **7. “What is your name?”**

*Зебинисо Дўстмуродова,*

*Денов туман 74-умумий ўрта таълим мактабида инглиз тили фани ўқитувчиси:*

– Бугунги кун биз ўқитувчилар зиммасига ҳар томонлама етук, кенг дунёқарашли, маънавий соғлом ва албатта ўз фикрини чет тилларида равон баён эта оладиган, баркамол авлодни тарбиялаш масъулиятини юкламоқда.

Мухтарам Президентимиз 2012 йил 10 декабрда имзолаган “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори таълим соҳасида яна бир муҳим, тарихий қадам бўлди. Бу қарор хорижий тиллар ўқитувчиларига катта имкониятлар очиб берди.

1-синф ўқувчиларига сабоқ берар эканман, улар “Устоз, бу нима?” “Она сўзининг, Ватан сўзининг инглизчаси қандай бўлади?” “What is your name?” “What is it?” деган тинимсиз саволлари менга завқ ва ғайрат бераётир.

Чет тилларни ўқитишни шундай давом эттирсак, яқин 5 йилда мамлакатимиз аҳолиси инглизча сўзлаша бошлайди. Чунки инглиз тили болалар орқали оилаларга ҳам кириб бораётир.

### **8. Мустақилликни ҳеч кимга бермаймиз.**

*Ғайрат Расулов,*

*Термиз давлат университети ёш ўқитувчиси:*

– 1991 йили мен 4 ёшда эдим. Айтишларича, илгари ҳаёт бир хил, ўзгармай давом этаверар экан. Буни одамлар табиий деб билишар экан. Ҳозир бизнинг замонамизда юртимизда ҳар куни

бир ўзгариш, бир янгилик. Буни ёшларимиз табиий деб қабул қилишмоқда. Бу ютуқлар ўз-ўзидан, осмондан тушган эмас.

Буни биз ёшлар “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остолисида” асарини ўқиб, англаб бораётимиз. Президентимиз фикрлари, ғоялари бизга оқни қорадан ажратишни ўргатди. Мен ёшларнинг бир вакили сифатида шундай дейман: “Биз ёшлар Президентимиз асос солган мустақиллик йўлидан борамиз. Бу йўл биз ёшларга бахт келтиради. Юртбошимиз: “Ўзбекистон ёшларини ҳеч кимга бермайман”, – дедилар. Биз ёшлар, мустақилликни ҳеч кимга бермаймиз.

**9. Савол: “Метель-меркантофос” ва 80%ли “Севин” нима?**

А. Иккинчи жаҳон урушида ватанпарвар боболаримизга қарши фашистлар қўллаган химиявий қурол.

Б. Ҳашаротларни заҳарлаб ўлдириш учун қўлланиладиган суяқлик.

В. Шўролар Ўзбекистон пахтазорларида ишлаётган одамларнинг устидан сепган дори.

Г. Ҳамма жавоблар тўғри.

*Абдусаттор ота Қурбонов,*

*Деновлик нуруний:*

– 2014 йилни Президентимиз “Соғлом бола йили” деб эълон қилдилар. Шундан бери болаларим, невараларим, чевараларимга қўшилиб қувониб юрибман.

Бейхтиёр ёшлигимда шўро пахта далаларида кўрганларимни эсладим: шўролар пахтазорда ишлаётган хотин-қизларнинг устидан севин деган дори сепар эди. Бу доридан заҳарланиб, боласи тушган ҳомиладор аёлларни эсладим.

Энди билсам, шўроларга биз эмас, пахтаимиз керак экан. Чунки бизнинг устимиздан сепадиган дори – “Метель-меркантофос” ва 80 фоизли “Севин” заҳар эди. Бу заҳарни иккинчи жаҳон урушида немис-фашистлар ҳаво ҳужумида одамларни ўлдириш учун қўллаган экан. Хуллас, бу дорилар пахтага шакар, халқимизга заҳар эди.

Бу заҳарли дорилар ариқларга ҳам сепиларди. Одамлар бу ариқлардан сув ичишар эди. Мустақиллик эса халқимизга

соғлом ҳаёт берди. Оналар ва болалар ўлимини 3 мартага камайтирди. Халқимизнинг умрига 7,5 йил қўшди. Бу кафолатларни бизга Конституциямиз берди. Ислохотлар берди.

#### **10. “Пахта иши”нинг бир бегуноҳ гувоҳи**

*Холмўмин Сафаров,  
меҳнат фахрийси:*

– Абдусаттор ака жуда ҳақ гапни айтдилар. Мен ёшларимизга ўз бошимдан ўтган кунларимдан айтиб берсам.

Ўзбекистонимизни 1984 йилдан бошлаб марказ юборган Гдяян, Ивановлар босди. Ҳалол меҳнат билан обрў қозонган одамларни азоблади. Мен ҳам қуруқ қолмадим. 48 соатлаб, ухлатмай, чой ичирмай, узлуксиз тергар эди. Терговчилар ҳар 2 соатда алмашиб, дам оларди. Бизга эса дам бермасди.

“Фалончига қанча пора бердинг?” “Сен қандай қилиб депутат бўлдинг?” “Қандай қилиб лауреат бўлдинг?”... Урди, тепди, қўлларимни орқага бураб кийнади. “Ичагингни бошингга салла қилиб ўрайман”, – дерди. Худога шукрки, бу тилаклари ўзларига қайтди.

Мухтарам Президентимиз Ўзбекистон раҳбари бўлганидан кейин марказнинг дағдағали буйруқларидан қўрқмади. “Тарих учун”, деган ёзув билан архивларга ташлатдилар. Минглаб сурхондарёликларни қамоқдан озод қилдилар.

#### **11. Одинақул ота: “Эсиз умрим-а, эсиз умрим...”**

*Одинақул Бозоров,*

*Музработ туман “Нуроний” жамғармаси раиси:*

– Қишлоқ хўжалиги ходимиман. 47 йил ҳар хил лавозимларда ишладим. Умрим пахтазорларда ўтди. Лекин бугун билсам, бутун умрим Ўзбекистонни СССРнинг хомашё базасига айлантиришга кетган экан. Эсиз умрим, эсиз умрим.

У даврларда яхшироқ яшайман десанг, балога қолар эдинг. Пишган ғиштдан 3 хонали, бир каватли уй қуриб, атрофини пишган ғишт девор билан ўрамоқчи бўлган эдим. “Сен ўзингга Кремль қураяпсанми?” деб мени қамамоқчи бўлишди. Ойлаб тергов берганман. Қамалиб кетишимга сал қолган эди.

Мана, ҳозир мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг давлатимиз пишган ғиштдан уй қур, бола-чақанг, нева-ра-чевараларингга қолсин, юз йиллаб турсин, деяпти.

Тўғри-да! Бобом қурган уйни отам бузди. Отам қурган уйни мен буздим. Меникини болам бузди. Шундай қилиб ҳар авлоднинг умри, топган-гутгани уй бузиш-уй қуриш билан ўтди.

Шўролар одамларнинг қашшоқлигидан куч оларди. Яхши яшайман, десанг, солиқ билан эзар эди. Эчкингиз 1 литр сут берса, ярим литрини бермасангиз, ҳолингиз вой эди. Товугингиз 2 та тухум туғса, 1 тасини ўғри эмас, давлат олиб кетарди. Шунинг учун, мол-ҳолни кўпайтириб бўлмас, қашшоқлик, муҳтожлик меъёрга айлантирилган эди.

Энди-чи? Чорванинг бирор турига солиқ йўқ. Кўпайтир, бой бўл. Юртбошимиз ҳаммани бой қилиш сиёсатини юргизаяпти. Бой бўламан деганга “Ма”, деб давлатнинг ўзи пул-кредит бераяпти.

## 12. Ўзбекистонда 70 – ўрта ёш.

*Эшдавлат Тошбоев,*

*Бойсун тумани Бойсун ҚФЙ раиси:*

– Маҳалламиздаги 3500 оиланинг ҳар бирида 4–5 тадан уяли алоқа телефони бор. Мен раислик қилаётган ҳудудда 17 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Халқимиз тўқ, фаровон. Оилаларнинг ҳар бирида 20–30 тадан қўй-эчки, 2–3 бошдан соғин сигир, 50–100 тадан паррандаси бор. Маҳалламиз фуқароларининг гўшт, сут, тухум маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи тўла қондирилган. Ортганини бозорга чиқаришмоқда.

Олдинлари, яъни 1970–80-йилларда 50–60 ёшдаги одамлар жуда қари бўларди. Буррайиб, қуррайиб, тишлари тўкилиб, мункайиб юрар эди. Бугун эса 70 дан юқори ёшдагилар йигитлардай бардам-бақувват.

## 13. “Шўролар 74 йил ҳал қилмаган муаммо бир йилда ҳал бўлди”.

*Хидир Чоршанбиев,*

*Бойсун тумани “Нуроний” жамғармаси бўлими раиси:*

– Халқимизда Хўжаи Хизр учраганда тилаган нарсанг ижобат бўлади, деган гап бор. 23 йилда менинг мана шу кўзларим

юз йилни олдиндан кўра оладиган башоратчилар, жуйрук, билгич бахшилар айтолмаган мўъжизаларни кўрди. Ўзим гувоҳ бўлган бир мўъжизани айтсам. Бундан 20 йил бурун Президентимиз Сайроб кишлоғида халқ билан учрашиб: “Бойсунга газ келади”, – деган эди. Орадан бир йил ўтиб, Бойсунга газ келди.

Шўро давридаги катта йиғинларда газ ҳақида гап кетса: “Бойсундан ташқари районларга”, – дейилар эди. Бошқа туманлар айтиларди, Бойсун айтилмас эди. Нега десангиз, “Бойсун тоғли жой. Шунинг учун, у ерга қувурда газ олиб бориб бўлмас” эмиш. Шўролар 74 йил ҳал қилмаган ишни Президентимиз бир йилда ҳал қилиб бердилар.

Бугун билдикки, Горбачёвлари ҳам, Брежневлари ҳам, уларнинг дохийлари ҳам бизни алдаб келган экан. Мана, Президентимизнинг гамхўрлиги билан тоғлардан, чўққилардан ошиб “зангори олов” қувурлари Бойсунга келди. Ёнапти. Халқимиз 20 йилдан бери иссиқ уйларда, роҳат қилиб яшамокда. Айниқса, аёлларимиз аёз кунларда саҳар туриб, қўллари қақшаб, олов ёқишнинг оғир меҳнатидан озод бўлди.

**14. Афғонистонга айрим давлатлар аскар юборди. Ўзбекистон темир йўл, электр нур юборди.**

*Қудрат Шарипов,*

*Денов тумани “Оловуддин” маҳалласи фаоли:*

– Президентимизнинг Конституция байрамидаги сўзларини халқимиз қатори мен ҳам жон қулогим билан тингладим. Ўзбекистон 20 йилда колоқ республикадан қандай қилиб жадал тараққий этаётган мамлакатга айлангани кўз олдимдан ўтди.

Деновликлар бир умр пахса уйларда яшаб келган. Ота курган, бола бузган. Топгани уй қуришга кетган. Бугун улар шинам, кўркам, ҳамма шароитлари бор янги уйларда яшашмоқда. Бу уйлар шаҳар уйларида яхши. Чунки, томорқаси бор. Шунинг учун фахрий, нуронийларимиз намозларининг охирида элга тинчлик хотиржамлик, муҳтарам Президентимизга соғ-омонлик тилаб, шукроналар билан яшамокдалар.

Қўшнинг тинч – сен тинч”, деган мақолни биз сурхондарёликлар алоҳида қадрлаймиз. Президентимизнинг қўшни Афғо-

нистон халқи тинчлиги учун қанчалик қайғураётганини бутун дунё кўриб турибди. Ўзбекистон Ҳайратон – Мозори Шариф ўртасидаги темир йўлни қуриб берди. Темир йўллардан поезд келди. Поездларда ғалла, туз, бунёдкорлик юклари келди. Қоронги уйлари ёришсин, деб электр нурини юборди. Афғонистонга бирорта бошқа бир давлат мана шундай холис, амалий, дўстона ёрдам қилганини мен билмайман.

### **15. Энди бизни ҳеч ким ўз йўлимиздан қайтара олмайди!**

*Ойбек Рўзиев,*

*Термиз давлат университетининг маънавий-маърифий ишлар бўйича проректори:*

– Халқимизда “Алп онадан, от биядан”, деган нақл бор. Мустақиллигимизнинг дастлабки йилидан “Соғлом авлод учун” орденининг таъсис этилиши Алпомиш ва Барчинойлардек соғлом авлодни яратиш давлатимизнинг бош мақсади эканини маълум қилган эди.

2014 йилнинг “Соғлом бола йили” деб таклиф қилиниши ана шу улуғ мақсадининг давоми эканлигининг исботи бўлди. Халқимизнинг онги ўзгарди. Тафаккури ўзгарди. Бу осонликча бўлгани йўқ. Осмондан ҳам тушгани йўқ. Онгимиз билан бирга маданиятимиз, маънавиятимиз ўзгарди.

Энди бизни ҳеч ким, ҳеч қандай куч тўхтата олмайди.

Ўз йўлимиздан қайтара олмайди.

---

## II ҚИСМ

*Ҳозирги мураккаб ва таҳликали даврда маънавий-маърифий ишларни замон талаблари асосида ташиқил этиш, ёшларимизни турли мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилиш, юртдошларимизнинг ҳаётга онгли муносабатини шакллантириш, ён-атрофда юз бераётган воқеаларга дахлдорлик ҳиссини ошириш, мамлакатимиз мустақиллиги, тинч-осойишта ҳаётимизга хавф тугдириши мумкин бўлган тажовузларга қарши изчил кураш олиб бориш зарур.*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги 2006 йил 25 августдаги қароридан.

## НИҚОБЛИ ЭДОС

*Бугунги мураккаб мафкуравий жараёнларни илмий-амалий жиҳатдан атрофлича таҳлил қилиш ва баҳолаш, уларнинг устувор йўналишларини, кимга ва нимага қарши қаратилганини аниқлаш, аҳоли турли қатламларига таъсирини ўрганиш, миллий манфаатларимизга, ҳаёт тарзимизга зид бўлган зарарли гоялар ва мафкуравий хуружларнинг моҳиятини очиб бериш, фуқароларимиз қалбида миллий тафаккур ва соғлом дунёқараш асосларини мустаҳкамлаш алоҳида аҳамият касб этади.*

**Ислом Каримов**


## Давримизнинг 10 даъвати

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 27 июнь куни матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўллаган табри-

гида биз яшаётган бугунги куннинг мураккаб хусусиятлари якқол очиб берилди. Бу хусусиятлар, энг аввало, матбуот, тарбия, мафкура, маънавият ва маърифатга боғлиқлигини ҳар биримиз юрак-юракдан ҳис қилдик.

Табрикда Ватанимиз равнаки, халкимиз фаровонлигини юксалтириш, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш йўлида жонкуярлик ва жонбозлик кўрсатаётган журналистлар, радио ва телевидение, нашриёт ва матбаа соҳаси ходимларига чуқур ҳурмат билдирилиб, касб байрами билан муборакбод этилди.

Бу бежиз эмас. Чунки ҳар биримиз медиа маҳсулотларнинг истеъмолчисимиз. Уйимизга кириб келаётган ҳар бир газета, ҳар бир теледастур, ҳар бир радио эшиттириш, интервью, ҳабар, очерк, булар жонкуяр журналистларимизнинг кўз нури, қалб кўри, гражданлик позициясининг маҳсули. Шунинг учун бўлса керак, Табрикда журналистлар – халкимизнинг фидойи фарзандлари, деган юксак эътироф янгради. Уларга Соҳибкирон Амир Темур бобомизнинг: “Адолат ва озодлик дастурингиз ва раҳбарингиз бўлсин. Миллатнинг дардларига дармон бўлмоқ вазифангиздир” деган даъвати қаратилди. Бу – жуда қимматли ҳолат. Чунки бугун Ватан ҳимояси фақат қурол билан эмас, балки сўз, қалам, репортаж, очерк, ҳикоя, интервьюлар, мураббий ва тарғиботчиларнинг оташин сўзлари, ота-оналарнинг оилаларда фарзандларига айтаётган самимий ва доно ўғитлари билан ҳам ҳимоя қилинадиган замон. Глобаллашув, ахборот-коммуникация технологиялари замони.



Бугунги кунда юртимизда 1400 га яқин оммавий ахборот воситаларида меҳнат қилаётган журналистларнинг гражданлик позициясига қўп нарса боғлиқ. Буларнинг барчаси мамлакатимиз ахборот майдонида соғлом рақобат муҳитини яратиш, фикрлар хилма-хиллигига эришиш, матбуотда барча ижтимоий қатламларнинг фикр ва қарашларини ифода этиш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш учун мустаҳкам замин бўлмоқда.

Ён-атрофимизда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларни чуқур идрок этиш, уларнинг туб моҳиятига етиб бориш учун аввало одамларда мустақил фикрлаш ва яна бир бор мустақил фикрлашни шакллантириш талаб қилинмоқда.

Президентимизнинг табрикларида глобал ҳаётнинг чуқур таҳлилидан келиб чиққан теран хулосалар айтилди. Зиёлилар, тарғиботчилар, мураббий, профессор-ўқитувчиларимизга ўнгай бўлиши учун биз уларни “Давримизнинг 10 даъвати”, деб атаб, мана бундай таснифладик:

1. Турли ғоя ва манфаатлар кураши тобора кучайиб, ёлғонни рост, ростни ёлғон, деб кўрсатишга уринишлар бўлаётир.

2. Ахборот-коммуникация воситалари узокни кўзлайдиган манфаатларга хизмат қилишга мажбур этилмоқда.

3. Ғаразли мақсадлар йўлида одамлар, миллатлар бир-бирига қарши қўйилмоқда.

4. Уларни ҳаётдан норози бўлишга даъват қилиш учун турли сохта маълумотлар тарқатилаётир.

5. Ўзгаларни писанд қилмай, кучи етадиган давлатларга пўписа ва зўравонлик, ҳеч ким билан ҳисоблашмасдан, куч ишлатиш ҳоллари рўй бераётир.

6. Ён-атрофимизда ўзини оқламаган ва умрини ўтаб бўлган эски тизим ва мафкураларни қўмсашга бўлган уринишлар тобора тарқалиб ва кучайиб бораётир.

7. Бундай вазиятда ҳар бир киши оқни қорадан, ҳақиқатни уйдирма гапдан ажрата олиши зарур.

8. Бунинг учун эса ўзининг мустақил дунёқараши ва фикрига эга бўлиши керак.

9. Бундай кучларнинг қармоғига тушиб қолмаслик учун халқимиз, айниқса, ёшларимизнинг кўзини кенг очиб бериш,

уларни иродаси мустаҳкам, иймони бақувват инсонлар этиб тарбиялаш зарур.

10. Бунга эса ҳар бир мураббий, тарғиботчи, ношир, журналист, ота-онанинг билим ва тажрибаси, профессионал маҳорати, гражданлик позицияси таянч бўлмоғи керак.

Давримизнинг бу 10 даъвати нафақат журналистларга, балки Ўзбекистонда мустақиллик йилларида шаклланиб, “Ўзбек модели”нинг таркибий қисмига айланган маънавий-маърифий тизимига, ҳар бир хонадонга қаратилгандир. Бу даъват – ҳар бир богча тарбиячисига, мактаб, коллеж, институт, университетнинг профессор-ўқитувчисига, “Камолот” ЁИХ етакчисига, маҳалла маслаҳатчисига, маҳалла фаоли, нурунийга, ҳар бир ота-онага қаратилган. Демак, мана шу соҳаларда ишлаётган ҳар биримиз бугун давримизнинг 10 даъватига мос бўлишимиз керак. Бунинг учун ахборот, мафкура майдонида, ўз қалбимизда, уйимизда, кўча кўйда, ҳар куни “Фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат” билан курашишга шай турмоғимиз керак бўлади.

### **Юксак маънавият – енгилмас куч**

Табиат ва жамият қонунлари бир-бирига ўхшайди. Кучлилар-кучсизлар орасида табиий танланиш абадий. Кучлига ем бўлмаслик учун кучли бўлиш керак. Ёки огоҳ, ақлли, бир эмас, уч эмас, ўн қадам олдинни кўриб, кейин қарор қилиш керак. Ана шунинг учун бўлса керак, жаҳоннинг энг халқпарвар раҳнамолари ўз халқини огоҳ, бир жону бир тан қилиб тарбиялаб, дунёнинг энг ривожланган давлатлари қаторига кўтаришган.

Президент Ислом Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” китоби 2008 йилда нашрдан чиқди. Унда нафақат ўзимизнинг Ўзбекистон, Марказий Осиё, балки бутун инсониятга қаратилган огоҳликка даъват бор. Буни уққанлар огоҳ, уқмаганлар гафлатда қолдилар. Бунга жаҳоннинг турли минтақаларида, 2008 йилдан кейин бўлиб ўтган воқеалар, берилган жонлар, тўкилган қонлар, вайрона ошиёнлар далолат. “Ашёвий” гувоҳ. Афсуски, бу адоват, вайронкорлик шу дақиқаларда ҳам давом этаётир.

“Юксак маънавият – енгилмас куч”нинг 116-бетида бу фожиаларнинг олдини олиш йўли кўрсатиб берилган эди: “... Бугунги кунда халқаро майдонда турли сиёсий кучлар ўзининг миллий ва стратегик режаларига эришиш учун «Эркинлик ва демократияни олға силжитиш» ниқоби остида амалга ошираётган, узоқни кўзлаган сиёсатнинг асл моҳияти ва мақсадларини ўз вақтида сезиш, англаш катта аҳамият касб этади.

Шу борада айрим қудратли давлатлар томонидан муайян мамлакатларга, авваламбор, ер ости, ер усти бойликларига эга бўлган ҳудудларга нисбатан олиб борилаётган ана шундай ғаразли сиёсатни дунёнинг айрим минтақаларида тинч ҳаётнинг издан чиқиши, ҳокимият тепасига айнан ўша давлатларнинг манфаатларига хизмат қиладиган кучларнинг келиши билан боғлиқ мисолларда кўриш қийин эмас.

Ана шундай вазиятни ҳисобга олган ҳолда, яна ва яна бир бор халқимизнинг маънавий оламини бундай таҳдидлардан асраш, ҳозирги ўта мураккаб бир замонда халқаро майдонда содир бўлаётган жараёнларнинг туб моҳиятига етиб бориш, улар ҳақида ҳолис ва мустақил фикрга эга бўлиш бугунги куннинг энг долзарб вазифаси, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди”.

Бу ҳикматга тасдиқ излаб узоққа бориш керак эмас. Бу кураш аввало одамларнинг миёсида бошланар экан. Бир бошда икки ғоя курашар экан. Миллий ғоя голиб келса – тинчлик, бегона ғоя енгса – можаро бошланар экан. Чунки бегона ғоя яқин, азалий дўстларни бегонага, ҳатто душманга айлантириб қўйиши ҳам мумкин экан. Демак, танимизни, тишимизни тозалаб турганимиз каби ўйларимизни ҳам ҳар куни чайиб, равшан қилиб, турли бегона ғоя, (инфекция, вирус)лардан тозалаб турмоғимиз керак экан.

**“Эркинлик ва демократияни олға силжитиш” –  
“ниқобли ЭДОС”**

Стратег, ҳарбий тарихчи, Иеруссалим университети профессори Мартин ван Кревельднинг айтишича, XXI асрга келиб можароларнинг тавсифи ўзгариб кетди. Жаҳонда давлатлараро куролли можаролар камайди. Аммо одамларнинг маънавияти, маданияти, мафкураси билан боғлиқ ички можаролар

сони кескин кўпайиб кетди. Демак, дунёдаги, мамлакатдаги, шаҳар, оиладаги ҳар бир нотинчлик одам(лар)нинг сийратидан, миясига кирган бегона ғоя-вирусдан бошланар экан.

Бунинг моҳияти “Юксак маънавият – енгилмас куч”да тушунтириб берилган «Эркинлик ва демократияни олға силжитиш» ниқоби остида амалга ошираётган, узоқни кўзлаган сиёсатнинг, ёки қисқартмада – “ниқобли ЭДОС”нинг намоён бўлиши, холос. Унинг кўринишларини мафкура мутахассислари “бошқарилувчи хаос”, “рангли инқилоб”, “информацион уруш”, “психологик уруш”, “Троя оти”, “урушнинг интеллектуал майдони”, “мемплекс”, “юмшоқ куч” (Soft power) технологиялари дейишмоқда. Буларни ҳали халқаро ташкилотлар томонидан назоратга олинмаган геосиёсий ёки мафкуравий полигонлардаги амалиётлар, деса бўлади. Уларнинг моҳияти: одамларнинг ниятларини, сиёсий қараш, ўй-фикрларини, кайфиятларини, мотивларини, хулқ стереотипларини, гуруҳий меъёрларини, истакларини ўзгартиришга қаратилган усул ва воситалар йиғиндиси эканлиги маълум бўлади.

Бу амалиётларни бир неча саволлар орқали таниб олса бўлади. Масалан, бу амалиёт: Кимларга қаратилган? Нималарни кўзламоқда? Кимнинг манфаати етакчи? Қандай шакл, усул, воситалар билан? Нима учун? каби саволларга жавоб топилса, бас. Гап ғоя, мафкурани қурол қилиб ишлатаётган геосиёсат, манфаат эканлиги билинади, қолади.

Кўриниб турганидек, булар – мафкуравий уруш тактикаларининг кўринишлари. Бу – илгари ҳарбийлар қурол воситасида ҳал этиб келган ишнинг мафкура технологлари – олим, мутахассис фуқаролар томонидан амалга оширилиши. Ядро полигонларининг мафкура полигонларига айланиши. Кўриниб турганидек, мафкуравий уруш биринчисидан минг қарра арзон, 1000% фойдали. Чунки мамлакатнинг ёшлари босиб келаётган ёвнинг аскарларига айлантиради. Бундан огоҳ бўлиш учун “Юксак маънавият – енгилмас куч”да баён қилинган “Эркинлик ва демократияни олға силжитиш” ниқобидан – “Ниқобли ЭДОС”дан огоҳ бўлиш керак.

Баъзи сиёсатчилар Цезардан келаётган қадимги “Бўлиб олиб бошқар” концепцияси ўрнига «бошқарилувчи хаос» доктринаси келди, дейишмоқда. Бу фикрга қўшилиб бўлмайди. Чунки “Бўлиб ташла – эгалик қил” шиори ҳозир ҳам амалда. Фақат “Нима билан бўлиб олиш керак?” саволига жавоб ўзгарди. Илгари – пўлат қилич билан бўлишган, ҳозир эса – маънавий қилич, аниқроғи, келгинди “демократия” билан. Мана шунинг ўзи ҳам “ниқобли ЭДОС” – трансмиллий корпорациялар, аниқроғи, трансмиллий манфаатларнинг курули эканлигини равшан қилади.

“Ниқобли ЭДОС” – бугуннинг троя оти. Фақат унинг ичида курулланган аскарлар йўқ. Аскарлар ўрнига унинг ичига “юмшоқ куч”, “инсон ҳуқуқлари учун кураш” каби шиорлар, таргибот варақалари, слайд, банер, футболка, гуллар ва пуллар тикилган.

“Ниқобли ЭДОС” демократиянинг туб принциплари (масалан, қарор қабул қилишда кўпчилик фикрининг устуворлиги) га хиёнат қилади. Яъни қонунни, конституцияни, кўпчиликни эмас, балки, аксинча, бақироқ, жангари озчиликни қўллаб-қувватлайди. Озчиликнинг кўпчилик устидан диктатурасини ўрнатади. Бу – баъзи мафкуравий технологларнинг бизнеси тирикчилик манбаи. Нархига келишилса, бас, сарфланган пул катта фоиз фойда келтиради. Бунинг учун мустақил давлатларда ўз миллий ғоясига эмас, ўзгаларнинг ғояларига эргашувчи, адашган одамлар қанча кўп бўлса, шунча яхши бўлади.

“Ниқобли ЭДОС” собиқ совет худудида бир неча “рангли инкилоблар”да синаб кўрилди. У миллий руҳни бўшаштириб, давлатларни ичидан бузди, миллий-маданий кадриятларни қадрсизлантириб берди. “Пул ҳамма нарсани ҳал қилади”, деган фикр қоидага айлантирилди. Ҳаддан ташқари Супер-бойлар, олигархлар ўта кўпайиб, улар орасида жар пайдо бўлди. Буларнинг барига мафкурасизлашув – деидеологизация сабаб бўлди.

Афсуски, собиқ шўро давлатларининг аксариятида эски тоталитар мафкурадан воз кечилгач, халкларининг азалий мақсадлари ва мавжуд мураккаб ва таҳликали замон талабларидан

келиб чикувчи ўз миллий ғоясини ярата олишмади. Бу борада ҳам давлат бош ислохотчи бўла олмади. Мафкурасизлашув, миллий ғоянинг йўқлигида ўтган йиллар бўшлиқни янада кенгайтира борди. Бўшлиқни ғоявий “плюрализм”, бойлик ҳирси, ватансизлик туйғуси тўлдирди.

Тупша-тузук миллий давлатлар, миллий маданиятлар “ниқобли ЭДОС”га эргашган ўз ёшларининг қўллари билан бузилди. Анъанавий маданият ва цивилизациялар пойдеворлари ғиштлари битта-битта олиб ташланди. Тафаккур қилган киши буларнинг бариси – узоқни ўйлаб, илмий асосда ишлаб чиқиб, жорий қилинган «ниқобли ЭДОС»нинг ишлари эканлигини таниб олади.

Бутун бошли мамлакатларни қурбон қилиш олдидан хаос яратувчи бегона, ялтироқ сўзлар тарқатила бошланди. Бу – “эркинлик ва демократияни олга суриш” деб аталди. Аслида, бу маънолар уруши эди. Чунки бунда миллий тафаккур билан ўзга мамлакатдан юборилган, келгинди тафаккур урушга киришди. Илгари яхши деб келинган нарса – ёмон, ёмон деб келинган нарса – яхши дейилди. Ишонтирилди. Одамларнинг бир-бирларига ёвқараши, ўзаро бегоналик, ишончсизлик, атомлашув, пулга сиғиниш, социал-дарвинистик стереотиплар (адолат – кучда) сингдирилди. Қарабсизки, кун келиб, одамлар илгари “бу ёмон, нотўғри, гуноҳ, уят, ҳаром”, деб бир-бирларини тўхтатган нарсаларга энди индамай қараб турадиган бўлиб қолишди. Уларнинг орияти, ор-номуси ёмонликка қаршилик кўрсатиш қобиляти – гражданлик позицияси сусайтирилди. Яхшиларга ҳавас йўқолди. Ёмондан сесканмай, яхшини ёқтирмай қўйишди. Чунки йилдан йилга лоқайдлар сони кўпая борди. Маънавият эмас, моддийликка қўл берган мамлакатларда шундай бўлиб қолди.

Бу ҳақда зиёлилар куйиниб ёзишаётир. “Бизнинг ёшлар уруш қурбонларига қўйилган ёдгорликлар тагига бориб, ҳо-жат чиқаришаётир. Олигархларнинг корхоналаридан чиқаётган оқава сувлар иккинчи жаҳон уруши қаҳрамонларининг қабрларига бориб қуйилаётир. Ахир, улар биз учун, фашизмга қарши курашиб ҳалок бўлишган эди-ку!

Ёшларимиз онгини ёт ғоялар, наркотик, ахлоқий бузуқлик эгаллаб олаётир. Мен бугунги аҳволимизни охирзамон дейман. Шунинг учун ўзимнинг янги спектаклимни “Охирзамонга бағишланган концерт”, деб атадим. Унда одамларнинг бир-бирларидан бегоналашиб кетганлигини кўрсатдим”, – деб зорланади бу ҳақда россиялик режиссёр Н.Губенко.

### **“Демократияни олға суриш”**

Аввало, демократия ниқобидаги таҳдидлар халқаро майдондаги турли сиёсий кучлар томонидан онгли равишда, узоқни кўзлаб амалга оширилаётганини таъкидлаш лозим. Улар узоқ ва давомли стратегик режаларга эга экани ҳам бу фикрни тасдиқлайди. Эркинлик, демократия, инсон ҳуқуқлари каби жозибали ғояларни ниқоб қилиб олган бу сиёсий кучлар шу асосда дунёдаги хоҳлаган мустақил давлатнинг ички ишларига араллашиб, ғаразли мақсадларига эришмоқчи бўлади.

Шунинг учун ҳам, бундай таҳдидлардан кўзланган мақсад айрим қудратли давлатлар томонидан муайян мамлакатларни иқтисодий, сиёсий ва маънавий жихатдан тобе қилиши, эндигина ривожланиб келаётган миллий давлат ва ҳудудларнинг ер ости ҳамда ер усти бойликларини эгаллаб олиш, дунёнинг баъзи минтақалардаги тинч ҳаётни издан чиқариб, бу ерларда айнан қудратли давлатларнинг манфаатларига хизмат қиладиган кучларни ҳокимият тепасига келтириш каби мудҳиш оқибатларни содир этишдан иборатдир.

Бир сўз билан айтганда, демократия ниқобидаги таҳдид мустақил давлатни ўзга бир давлатга қарам қилишга қаратилган хавф-хатардир. Бундай ғаразли сиёсатга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Мисол учун, собиқ Югословия давлати эркинлик ва демократия ниқоби остида бир неча майда давлатларга бўлиб юборилди. Демократик жамият қуриш баҳонасида Ироқ ва Афғонистонда ҳамон уруш алангаси ўчгани йўқ.

XIX асрнинг 80-йилларидан бошлаб айрим ғарб мамлакатлари ёрдамида Япониянинг Нагасаки ва Хиросима шаҳарларини мегополис шаҳарларга айлантириш ҳаракатлари бошланди. Бу икки шаҳарда хориж маблағи ҳисобидан саноат ривожлан-

тирилди, гарбона турмуш тарзи тарғиб этилди. 1945 йилга келиб эса, айнан Нагасаки ва Хиросима шаҳарларига атом бомбаси ташлангани кўпчиликка яхши маълум. Салкам олтамиш йил давомида қурилган шаҳар вайрон қилиб ташланди ва ҳозирга қадар давом этиб келаётган нурланиш касалига дучор қилинди.

Шу маънода, четдан бўладиган “меҳрибончилик”ларни ҳамма вақт ҳам беғараз деб бўлмайди. Жумладан, эркинлик ва демократия ниқоби остидаги интилишларни ҳам. Бу ниқоблар шунчалик жозибалики, уларнинг зарарли моҳиятини дарҳол англаб олиш қийин. Чунки улар баландпарвоз ваъдаларга ўралган бўлади. Бунда кўпинча қуйидаги усуллар қўлланади:

муайян давлат узлуксиз ва изчил равишда халқаро микёсда танқид қилиб борилади;

мустақил давлатнинг раҳбарияти асоссиз равишда демократияни хуш кўрмасликда айбланади;

мустақил давлат фуқаролари орасида манфаатпараст, Ватан туйғусидан бебаҳра кишилар топилиб, сохта демократия ғояларига, алданишга мойил одамлар гуруҳи шакллантирилади;

бойликка ўч ва ҳокимиятпараст айрим кимсалар билиб-билимай бундай ғаразли сиёсий кучларга хизмат қила бошлайди, улар арзимас муаммоларни ҳам йирик муаммо сифатида кўрсатиб, айюҳаннос солишади;

вақт ўтиб, маълум бир шароитлар етилгач, “рангли инқилоб” қилиниб, ҳокимият тепасига бетайин ва бебурд, халқ, Ватан манфаатларидан бегона, аксинча ёт манфаатларга хизмат қиладиган кимсалар кўтарилади.

Буларнинг барчаси тадрижий равишда, шов-шув кўтарилмасдан зимдан бамисоли табиий ривожланиш зарурати шуни тақозо этаётгандек амалга оширилади. Қизиги шундаки, бу ғаразли сиёсий ўйинга манфаатдор давлатлар, қани, нима бўлар экан, воқеалар ривожини бизнинг фойдамызга ишласа қўшила-миз, бўлмаса, тинч турганимиз маъқул, деган қоидага амал қилиб, шунчаки томошабин бўлиб туради ва турли грантлар воситасида ўз ҳаракатчиларини молиявий таъминлаш билан чекланади. Заруратга қараб, бу ҳаракатчи уларнинг фаолияти

замонавий технологиялар билан жиҳозлаб борилади. Бундай сиёсий кучларнинг вакили исталган вақтда дунёнинг ҳар қандай давлатига етиб бора олади. Бунинг учун муайян маблағ, шароит ва имкон – барча-барчаси муҳайё қилинади.

Хуллас, ана шундай маккорлик билан ўйланган ҳатти-ҳаракатлар, ғоявий, молиявий, ташкилий-амалий омилларнинг биргаликдаги қудратли кучи орқали реал ҳаётга мутлақо тўғри келмайдиган сохта ғоялар ҳам содда ва ишонувчан, мафкуравий иммунитетни тўла шаклланмаган инсонлар назарида бамисоли ҳақиқатга ўхшаб кўрина бошлайди. Бундай алданишларга йўл қўймаслик учун доимий ҳушёрлик ва огоҳлик, маънавий-маърифий ишларни илмий асосда дунёдаги реал ҳолатлардан, мафкуравий кураш талабларидан келиб чиққан ҳолда олиб бориш зарур.

Демократия никобида турли жозибали дастур ва ҳаракатлар бутунги кунда ғаразли мақсадларни кўзлайдиган сиёсий кучларнинг энг мақбул ва қулай кураш усулига айланиб бормокда. Бу усул бамисоли ичи заҳарга тўла бўлган асални эслатади. Кўпчилик содда одамлар уни асал сифатида тасаввур этиб, аслида нима эканлигини билмай, истеъмол қилади, аммо унинг таркибидаги заҳар бир кун келиб қон қустиришидан беҳабар бўлади.

Таъкидлаш керакки, демократия никобидаги таҳдидларнинг мудҳиш оқибатлари кенг қўламдаги ҳеч нарса билан ўрнини қоплаб бўлмайдиган маънавий-руҳий зарари билан даҳшатлидир. Бундай зарарларнинг асосий кўринишлари ҳақида гапирганда, қуйидагиларга алоҳида тўхталиш ўринли бўлади.

*1. Ғаразли мақсадларни кўзлайдиган кучлар эркин турмуш тарзи, иқтисодий маъмурлик ва фаровон ҳаёт ваъда қилади. Бундай жозибали ваъдалар ҳар қандай содда кишини ўзига жалб қилади. Айниқса, ривожланаётган ва ўтиш давридаги давлатларнинг фуқаролари бунга тез ишониб қолади. Шу маънода, демократия никобидаги таҳдиднинг биринчи зарари мустақил давлатнинг фуқаролари онгини ёлгон ваъдалар билан чалғитишидир.*

*2. Демократия никобидаги таҳдид дунёқараши ҳали тўлиқ шаклланмаган одамлар, аввало, ёшларни маънавий жиҳатдан*

мажруҳ қилади. Чунки ёлгон ваъдаларга ишонган одамда ўз Ватани, халқи ва жамиятига нисбатан ишончсизлик пайдо бўлади. Уларда фидойилик, ташаббускорлик ва меҳнатсеварлик иштиёқи аста-секин сўниб боради. Энг ёмони – шахсда ўз жамиятида ўзини ёлғиз сезиш руҳи пайдо бўлади. Бу эса жамиятда парокандаликка, бирлик ва бирдамликка путур етишига олиб келади.

3. Демократия ниқобидаги таҳдид давлатнинг мустақиллиги, халқнинг тинч-осойишта ҳаётига хавф солади. Чунки ёт ғоялар таъсирида инсон ва давлат ўртасидаги муносабатлар мураккаблашиб, мамлакат аста-секин бошқаларга, иқтисодий қарам бўлиб боради.

4. Демократия ниқоби остида мустақил давлатга иқтисодий таъйиқ ва чекловлар эълон қилинади. Бу эса мамлакатнинг ташқи фаолиятига салбий таъсир кўрсатади.

Маълумки, дастлабки йилларда, “Эркинлик ва демократияни олға силжитиш” деган доктрина асосида МДХ ҳудудида ғоявий-информацион таҳдидлар авж олган эди. Шунинг оқибатида, Украина, Грузия ва Қирғизистон давлатларида “рангли инқилоб”лар амалга оширилган эди. Бугун, орадан анча вақт ўтгач, ана шу инқилоблар мазкур мамлакатлар аҳолиси учун янги-янги муаммо ва ташвишлардан бошқа ҳеч нарса бермади. Буни ўша мамлакатларда кузатилган қуйидаги ҳолатлар ҳам тасдиқлаб турибди.

Биринчидан, бу мамлакатларнинг иқтисодиёти ўнганмади, аксинча, уларда ялпи ишлаб чиқариш кўрсаткичлари пасайиб кетди. Мазкур давлатлар ташқи қарз ботқоғига ботиб қолдики, бу эса иқтисодий қарамлик ва ночорлик белгисидир.

Иккинчидан, мазкур давлатларнинг ўзлариға ён қўшни давлатлар билан муносабати ёмонлашди. Натижада, бу мамлакатларда ишлаб чиқариш, транспорт, коммуникация, йўл ва ижтимоий ҳаёт соҳалари билан боғлиқ жиддий муаммолар мажмуи келиб чиқди.

Учинчидан, мавжуд муаммоларни ҳал қилиш бўйича ягона фикр ва келишув бўлмагани учун мамлакатдаги сиёсий куч ўртасида ҳам, раҳбарияти орасида ҳам бўлиниш рўй берди.

Натижада, давлат бошқарувида самарадорлик йўқолди, бош-бошдоқлик юзага келди.

Тўртинчидан, мазкур мамлакатларнинг аҳолиси ўртасида бўлиниш юз берди, маънавий-ахлоқий муҳит издан чиқа бошлади. Одамлар бир-бирларига нисбатан “Сен ким томондансан?” дейиш билан сўз бошлайдиган бўлишди ва қўшни давлатларда яшовчи қариндош-уруғлари билан кўришиш бахтидан жудо бўлишди.

Аслида бу инқилоблар олдидан одамларга қандай ваъдалар берилган эди? Лекин уларнинг барчаси сароб бўлиб чиқди. Демак, демократия ниқобидаги таҳдидларнинг зарарли оқибатлари шу қадар дахшатлики, улар миллий менталитетни, ўзликни ва Ватан тақдирини огир аҳволга солиб қўяди. Шу маънода “яна ва яна бир бор халқимизнинг маънавий оламини бундай таҳдидлардан асраш, ҳозирги ўта мураккаб бир замонда халқаро майдонда содир бўлаётган жараёнларнинг туб моҳиятига етиб бориш, улар ҳақида ҳолис ва мустақил фикрга эга бўлиш бугунги куннинг энг долзарб вазифаси”дир. Бу вазифа ҳар бир соғлом фикрли инсон учун бирламчи, ҳал қилувчи иш бўлиши керак.

### **“Рангли инқилоб”лар**

*Рангли инқилоб* – деб кўпинча қатор Шарқий Европа мамлакатларида, маҳаллий аҳолининг уюштирган, ҳарбийлар иштирок этмаган, аммо одатда сиёсий режим алмашиниши билан тугалланадиган кўча тартибсизликлари ва оммавий намоийишларга айтилади. Баъзи ана шундай мамлакатларда ҳатто ҳокимият тепасидаги сулолалар ҳам алмашади. Ҳозирги пайтда айнан қандай ҳодисани рангли инқилоб номи билан аташ тўғрисида ягона фикр мавжуд бўлмаса ҳам, бироқ барча тадқиқотчилар Грузиядаги Атиргуллар инқилоби ва Украинадаги инқилоб айнан рангли инқилоб бўлганлигини уқтирадilar. Кўпгина тадқиқотчилар Югославиядаги Бульдозерлар инқилобини ҳам шу ном билан аташ мумкин деб айтадилар.

Баъзилар фикрича, Қирғизистонда бўлиб ўтган Лолалар инқилобини ҳам рангли инқилоблар сирасига киритиш мумкин. Аммо бу фикрга қарши чиқувчилар ҳам йўқ эмас.

Қатор ОАВ ва бошқа манбаларда шу каби инқилоблар рўйхати янада кенгрок берилади:

- 2003 йил – Грузиядаги Атиргуллар инқилоби.
- 2004 йил – Украинадаги Зарғалдоқ ранг инқилоб.
- 2005 йил – Қирғизистондаги Лолалар инқилоби.
- 2006 йил – Белорусияда инқилоб қилишга уриниш.
- 2008 йил – Арманистонда рангли инқилоб қилишга уриниш.
- 2009 йил – Молдавияда рангли инқилоб қилишга уриниш.
- 2011–2014 йиллар – Яқин Шарқ, Украинадаги инқилоблар.

Бу каби инқилоблар оппозиция ўзи мағлуб бўлган сайловлардан кейин амалга оширадиган оммавий митинглар, намоёйиш ва иш ташлашлар шаклида амалга ошади. Оппозиция бу ҳолларда сайлов қонунчилиги бузилганлиги, бу сайловлар халқ иродасини ифода этмаслигини уқтириб кўчаларга чиқадилар. Оммавий чиқишлар ё қайта овоз бериш ўтказилишига (Украина), ё ҳокимият идоралари биноларининг омма томонидан босиб олинишига олиб келади (Югославия, Грузия, Қирғизистон).

Инқилоб коррупцияга қарши ва радикал-демократик шиорлар остида ўтади. Бу ҳолда Руссонинг халқ суверенитети ғоялари асосий ўрин тутиб, унда халқ (кўчага онгли равишда чиққан фуқаролар) режим томонидан алданган, нотўғри йўлга олиб кирилган оммага қарши қўйилади.

Инқилобдан олдин ёшлар ташкилотлари шакллантирилиб, улар ўз навбатида “инқилоб дала отрядлари”ни ташкил этадилар.

Инқилоблар қон тўкишларсиз ўтади. Уларда Ганди фаолияти ва полициячиларга гуллар улашган хиппилар ҳаракати таъсири сезилади. Инқилоб бренди (рамзи) сифатида “тажовузкор бўлмаган ранг” (яъни қизил ёки қора эмас) танланиши ҳам инқилоб тинчлик йўли билан амалга оширилишига ишора.

Шу билан бирга, инқилоб ишида ҳарбийлар ва полициянинг аралашмаслиги ёки қатъий ва кескин ҳаракатларга йўл қўймаслиги ҳам жиддий роль ўйнайди. Бироқ Қирғизистонда

хукумат идораларига тегишли бинолар куч билан эгалланганидан сўнг полиция билан рўй берган тўқнашувлар ва дўконлар талон-тарож қилиниши оқибатида бир қанча киши жабрланган (ҳалок бўлганлар йўқ).

Баъзилар кўча намоийшларининг Ж.Сороснинг “Очиқ жамият”, Гарвард университети, Альберт Эйнштейн институти, Халқаро республика институти ва Миллий демократия институти (АҚШ), Зўравонликсиз (Куч ишлатилмайдиган) можаролар халқаро маркази, Лондондаги Стратегик тадқиқотлар халқаро институти каби жамғармаларнинг грант ва стипендиялари билан боғлиқлиги тўғрисида уқтирмақдалар. 2006 йилнинг апрелида “Московские новости” газетаси саволларига жавоб бера туриб, А.И.Солженицин шундай деган эди: “НАТО ўзининг ҳарбий апаратыни очик-ойдин ривожлантира бориб, ҳам Европа шарқи орқали, ҳам Россия жанубидан ўраб олишга ҳаракат қилмоқда. Бу йўлда рангли инқилобларни моддий ва мафкуравий қўллаб-қувватлаш ва Шимолий Атлантика манфаатларининг Марказий Осиёга татбиқ этилиши кабилардан фойдаланмоқда”.

### **“Юмшоқ куч”**

Бошқа мамлакатни босиб олишда “юмшоқ куч”дан фойдаланиш ғояси қадимдан маълум. Бу эрампиздан олдинги VI асрда яшаган Хитой файласуфи Сун Цзининг асарларида ҳам учрайди. У “юмшоқ куч”ни қаттиқ жисмларни вайрон қилувчи ожиз ва майин сувга, ёки эркакларнинг қаттиқ кучини енгувчи аёллар жозибасига ўхшатади. Баъзи хорижлик мутахассислар бу курашни психологик уруш, деб атайдилар. Биз бу фикрга қўшила олмаймиз. Чунки гап одамларда психика, психологияни эмас, улардаги ғояларни, мафкуравий иммунитетни синдириш, граждандлик позицияларини эгаллашга қаратилган кураш ҳақида кетмоқда.

Аҳоли миясини “тартибга солиш”нинг назарий асоси “юмшоқ куч” (soft power) концепциясидир. “Юмшоқ куч” бу мақсадга мажбур қилиб эришувчи “қаттиқ куч”дан фарқли ўлароқ, кўзланган натижаларга ихтиёрийлик, симпатия, жозиб

*орқали эришишига қаратилган сиёсий ҳокимият шаклидир. Бу иборани Гарвард университети профессори Жозеф Ной 1990 йилда киритган эди.*

“Юмшоқ куч”ни окилона қўлласангиз, бас, унинг жозибаси таъсирида одамлар ҳаётни, нарсаларни сиз айтгандек тушуна бошлашади. Ёки “бошқалар сиз истаган нарсаларни истай бошлашади”<sup>24</sup>. Бунинг учун: сиёсий кадрият ва институтлардан – демократик сайловлар, кўппартиялилиқ, инсон ҳуқуқлари, эркинлик, хайрия, гуманитар ёрдам; *Маданий кадриятлардан: мусиқа* (масалан, жаз, рок-н-ролл), фильмлар (масалан, голливуднинг энг кассабоп фильмлари), инглиз тили, адабиёти; истеъмол товарларидан: Coca-Cola, Snickers, жинсилар, мода кийимлари, инновацион техника ва технологиялар (Microsoft, Apple ва ҳ.к.)ни “едириб” туриш керак. Шунинг учун ҳам, бугун “ниқобли ЭДОС” технологияларининг бозори чакқон. Чунки Интернет унинг самарадорлигини ҳарбий, иқтисодий, сиёсий технологиялардан кескин ошириб юборди.

Бошқарилувчи хаос технологияси – “ниқобли ЭДОС” кўринишларидан бири. Бунда мамлакатлар конституцияларига зид сиёсий, ахборий, коммуникатив, узлуксиз ғоявий таъсир кўрсатилади. Ҳокимиятнинг олдиндан бошини айлантириб, кейин унга бирдан, кучли босим ўтказилади. Улар аҳолининг лоқайд бўлишини, ҳокимиятнинг вазиятни назорат қила олмай қолишини кутишади.

Бошқарилувчи хаос аввало одамларнинг миясида бошланади. Бунинг учун аҳолининг маънавияти, дунёқараши нишонга олинади. Одамларнинг мотивлари, хулқ, тутумларини эгаллаб олишда ахборот технологиялари, Интернет уларга ёрдам беради. Ижтимоий тармоқлар қанча одам керак бўлса, шунча одамнинг кўз-қулогини эгаллаб, қамраб беради. Улар одамларнинг миясига ўзларига маъқул сўз, тушунча, жаргон, образ, тасвирларни (ўз медиааскарларини) киритишади (худди Троя оти каби). Ҳар куни ўзингиз билмаган ҳолда уларни қабул қиласиз, айтасиз, қўллайсиз, ишлатасиз. Чизбургер, фаст-фут ширин, лекин уларда соғлигингизга зарар борлигини билиб туриб, ўз пулингизга сотиб олиб еганингиз каби.

Янги ибора, тушунча, фикрларни “нотўғри, зарарли”, деб миянгиздан, тасаввурингиздан чиқариб ташлай олмайсиз. “Ўзим биламан қандай яшашни. Менинг ўз қараш (аскар)ларим бор. Бу таъсирлар ўткинчи. Ҳеч нарсани ўзгартира олмайди”, дейсиз лоқайдгина. Шу алфозда нотўғри қарорларга асос берувчи қараш, фикр, ўй, маълумотлар хотирангизда тўпланаверади. Улар ҳам “Бу бош – менинг маконим, демак, меники”, деб ҳисоблашади. Улар кўпаяверишади. Кунларнинг бирида миянгизга сўрамай кириб олиб, бемалол яшаётган бегона қараш, фикр (аскар)лар сизнинг бағона (ўз) қараш, фикр (аскар)ларингизга зўрлик қила бошлайди. Дастлаб қаршилик қиласиз. Лекин теварак-атрофда ҳам, бошқаларда ҳам шу ҳолатни сезиб, “Бе. Ўзи шундай экан-ку”, деб тўнгиллаб... кўшилиб қўя қоласиз.

“Юксак маънавият – енгилмас куч”ни ҳар ўқиганингизда бир янги ҳикмат чиқади. Мисол учун, мана бу фикрни олайлик: *“Барчамизга аён бўлиши керакки, қаердаки бепарволик ва лоқайдлик ҳукм сурса, энг долзарб масалалар ўзибўларчиликка ташлаб қўйилса, ўша ерда маънавият энг ожиз ва заиф нуқтага айланади...”* Бу фикр ҳам айнан мазкур асарда, “ниқобли ЭДОС”нинг мақсад-моҳиятига ўтишдан олдин айтилмоқда.

Афсуски, маънавий ожизликнинг мисоллари ҳам кўп. Фарзандлари лоқайд миллатнинг сеvimли кадриятлари қаровсиз, ҳимоясиз қолаётир. Аҳолиси одамовиларга, ота-онасини танимайдиган болаларга – *lost generation* (бой берилган авлод) га айланаётир. Чунки улар бир-бирларига ўзларининг эмас, бировларнинг кўзлари билан қарайдиган қилиб қўйилган. Мафкуравий хуруж орқали онг анестезияси амалга оширилган. Мияда ўтирган назоратчи – “божхона ходими” маст. Бундан фойдаланган “ниқобли ЭДОС” ўзининг бузуқ ғояларини олиб кириб, ўтиб кетган. Энди ўша бузуқ ғояларга эргашганларни, уларни такрорлаганларни “замонавий фикрловчилар”, деб макташади. Тўғри йўлдагиларни: “Сиз адашаяпсиз”, деб иккилантиради. Адашганларга: “Сиз тўғри йўлдасиз!”, “XXI асрнинг бўлажак лидерларидан бирисиз”, деб ҳамду санолар

айтишади. Шундай қилиб, қурбон-мамлакат аҳолиси онгида ота-боболари тушунтириб кетган дунё манзараси ўрнига, бегоналар унга тикиштирган когнитив модель – ўзгалар томонидан чизилган “ўзгача дунё манзараси” намоён бўлади. Натижада, одамлар ота-боболари солиб берган йўллардан эмас, ўзгалар солиб берган йўлдан кета бошлашади. Бу йўл эса ота-боболари истаган манзилларга эмас, ўзгалар истаган манзилларга олиб кетади.

“Ниқобли ЭДОС” билан сирлашиб қолсангиз, у сизга шундай деган бўларди: “Биласанми, мен сенга айтсам, дунёда одамлар кўпайиб кетди. Планетанинг ресурси камайиб бораётир. Нима қилиб бўлса ҳам, ресурсларни эгаллаб олиш керак. Ортиқча одамларни камайитириш керак. Бунинг учун демографик уруш қилиш керак. Туғилиш камайиб, ўлим кўпаяди. Сексуал инқилоб, гедонизм, истеъмолчилик, худбинлик тарғиботи кучайтирилса, туғилиш ҳам камаяди. Социал-дарвинизмни кучайтириш керак. Одамлар бир-бирига бефарқ, лоқайд бўлади, ўлим кўпаяди.

Ривожланаётган, ёш мустақил мамлакатлар аҳолисини улкан “ижтимоий ахлат ўра”сига ташлаш керак. Буни ҳозирча қашшоқлар, уйсизлар, қаровсизлардан бошласа ҳам бўлади. “Оммавий маданият”га ўйнатиб, уларга “эвтаназия”ни ўргатиш керак...”

Афсуски, бу фикрлар гап бўлиб қолаётгани йўқ. Иқтисодий таҳлиллар улкан давлатлар иқтисодиёти ишлаб чиқариш эвазига эмас, балки кучлилар орасида ожизларнинг бойликларини бўлиб олиш ҳисобига эканлигини кўрсатмоқда. Бунга улар миллий давлатларни қарз домига тушириш, миллий ресурсларини, жумладан табиий бойликларини ўзлаштириб олиш, приватизация орқали кучсизлантириш, тиз чўктириш ҳисобига эришмоқда.

## “ДУНЁ ФУҚАРОЛАРИ”НИНГ ҚИЛИҚЛАРИ

Душманингни енгмоқчи бўлсанг,  
унинг болаларини тарбияла.

*Қадимий ҳикмат*

Олимлар баъзи мамлакатларда “бошқарилувчи хаос концепцияси” қандай қўлланилганини мана бундай баён қилишган: “Бошқарилувчи хаос”ни ташкил қилишга аввалдан пухта тайёргарлик кўрилди. Бошқарувни эгаллаб қўлга олувчи, хаосни ташкил қилувчи “таъсир агентлари” рўйхати тузилди. Маҳаллий институт, университетларда ўқиётган талабалар кўз остига олиб борилди. Чунки энг муҳими – “дунё фуқаролари”ни танлашда адашмаслик керак эди. Хўш, “дунё фуқаролари” кимлар эди?

Бу ҳақда Президентимиз Ислом Каримов 2003 йилда дунёни огоҳлантирган эди: *“Сир эмас, бизда фаолият кўрсатаётган халқаро ташкилотлар ҳар доим олийжаноб мақсадларни кўзлайвермайди. Айтайлик, “XXI аср лидерлари” каби мавзуларда ўтказиладиган семинарларда улар иқтидорли ёшларни “танлашда ҳокимиятга ёрдам” беради, бироқ бунда улар, энг аввало, ўз манфаатларини кўзлашади. Сўнгра чет элга мунтазам сафарлар уюштирилади, уларда турли симпозиум ва семинарлар давомида бу одамларнинг онгига гоёат усталлик билан таъсир ўтказилади. Шу тариқа, ўзларини “дунё фуқаролари” деб атайдиган кишилар тоифаси тайёрланади...”*

Бўлажак “дунё фуқаролари” билимли, ақлли, бироқ, циник, космополит, очкўз йигит-қизлар эди. Улар ўз Ватанини севмас, аямас, асрамас эди. Улар ўз халқини ҳимоя қилмас, халқига ёрдам бермас эди. “Виждон”, “ватанга садоқат”, “ёрдам” деган сўзлар уларнинг луғатида йўқ эди. Бўлса ҳам, ҳақорат маъносида ишлатилар эди. Юрт, Ватан манфаати, равнақи ҳақида гапирган кишини бу ёшлар: “Ў-ў-ў, патриотга қарала-а-ари-инг!” деб масхара қилишар эди.

Бу ёшлар бойликка ўч, маънавий кашшоқ эди. Улар ўзларини, ўзларининг бўлажак қасрларини, яхталарини, олажак бонусларини севишарди. Улар ўқишни битиришгач, хориж университетлари уларни стажировкага таклиф қилишди. Уларга “яхши болалар”, деган ном беришди. Уларга корхона ва соҳаларни иқтисодий таҳлил қилиш, уларни қандай қилиб трансмиллий корпорацияларга арзон-гаровга сотиш ўргатилди.

«Дунё фуқаролари» ўз юртларига қайтиб келишди. Аввал институт, университетларда дарс беришди. Кейин ҳукумат идораларига турли лавозимларга ишга киришди. Йиллар ўтиб, уларнинг бир қисми олигархларга айланишди. Бугун “яхши болалар” кучли, таъсирли агентлар.

«Дунё фуқаролари» оддий одамларга эмас, расмий раҳбарларга таъсир ўтказишади. Оддий халқ билан сўзлашиб ўтиришмайди. Улар “иқтисодиётни давлатдан ажратиш керак”, “бозор мутлақо эркин бўлиши керак”, деган гояларни тинмай олға суришади. Битта шарт – улар узоқдаги ҳомийлари ва халқаро молиявий ташкилотларга бўйсунтиришлари шарт.

Мана шундай қилиб хаос ташкил қилинадиган қурбон-мамлакат ёшларидан ўз ватанларини хонавайрон қилувчи газандалар танлаб олинди. Булар эртага “банан республикаси”га айланттириладиган давлатда “бошқарув элита”сининг кадрлар захираси бўлишади.

Ҳикояни ўқиб, бир донишманднинг “билим ёмон одамларга берилганидан кўра йўқолиб кетгани яхшироқ” дегани эсга тушади. Яна бир доно: “Тарбияламай берилган билим жиннининг қўлидаги қиличдир” деган экан. Қадимда ўз ватанига, халқига қарши қилич кўтариб урушганларни ёки ватанпарварларнинг қаерда яширинганлигини душманга айтиб, пул ёки бошқа нарса эвазига ёрдам берганларни соткин дейишган. XXI асрда соткинлик технологияси ҳам модернизациялашди, замонавийлашди. Шу фикр билан қараганда “Дунё фуқаролари”нинг шуниси ёмонки, улар душманга қўшилиб ўз миллати, ватанини талашда душманга шериклик қиладиган билимдон-очкўзлардир. Чунки уларда шарқона таомил – таълим ва тарбия бирлиги мужассам эмас. Тарбияланмай, чуқур билим

олишган, холос. Оқибатда, улардаги чуқур билим ва иқтидор уни туғиб, ўқитган ўз халқи, ватанига зарар келтиради. Энди улар бегоналар ўргатган билимларини қўллаб, ўз ватани, юртини ёвларга хусусийлаштириб (сотиб) беришади. Ўзининг ва ХХІ аср қароқчиларининг чўнтакларини қаппайтиришади. Чунки уларда миллий гоя, Ватан туйғуси, тарихий хотира сингдирилмаган. Чунки уларга “ҳамма нарсани сотиш, сотиб олиш мумкин” деб ўқитишган.

\* \* \*

Мулоҳазаларимизни “Юксак маънавият – енгилмас куч” да келтирилган мана бу ҳаётий ҳақиқат билан якунласак: *«Душманлардан қўрқма, нари борса, улар сени ўлдириши мумкин. Дўстлардан қўрқма, нари борса, улар сенга хиёнат қилиши мумкин. Бефарқ одамлардан қўрқ – улар сени ўлдирмайди ҳам, сотмайди ҳам, фақат уларнинг жим ва бепарво қараб туриши тугайли ер юзида хиёнат ва қотилликлар содир бўлаверади»*. Бу фикр бизни халқаро майдонда турли сиёсий кучлар ўзининг миллий ва стратегик режаларига эришиш учун «Эркинлик ва демократияни олга силжитиш» никоби остида узокни кўзлаган сиёсатни амалга ошираётганлигидан огоҳлантиради. Демак, биз бу сиёсатнинг мақсад-моҳиятини ўз вақтида сезишимиз, англашимиз, лоқайд бўлмаслигимиз шарт.

Шундай экан, огоҳликни, дахлдорликни ўсиб келаётган ўгил-қизларимизнинг онгига сингдириш, уларни ҳаёт синовларига бардошли этиб тайёрлаш бизнинг зиёли, тарғиботчи, раҳбар, ота-она, устоз-мураббий сифатидаги, шу муқаддас юрт фуқароси сифатидаги муқаддас бурчимиздир.

## БАРБИ ВА УНИНГ “МАДАНИЯТИ”

*Биз бугун юртимизда янги ҳаёт барпо этар эканмиз бир масалага алоҳида эътибор беришимиз лозим. Яъни коммунистик мафкура ва ахлоқ нормаларидан воз кечилгандан сўнг, жамиятда пайдо бўлган гоёвий бўшлиқдан фойдаланиб, четдан биз учун мутлақо ёт бўлган, маънавий ва ахлоқий тубанлик иллатларини ўз ичига олган “оммавий маданият” ёпирилиб кириб келиши мумкинлиги барчамизга аён бўлиши керак.*

**Ислом Каримов**

Алоҳида эътибор беринг: “Четдан”, “биз учун мутлақо ёт”, “маънавий ва ахлоқий тубанлик иллатларини ўз ичига олган” оммавий маданият ёпирилиб кириб келиши мумкин. Бу фикрда “оммавий маданият”нинг энг мукамал, умуминсоний таърифи бор. Яъни “оммавий маданият” бу бизга четдан кириб келаётган, ўзбекона қадриятларимизга мутлақо ёт маънавий ва ахлоқий тубан иллатларни ўз ичига олган хуружлар йигиндиси”, деса бўлар экан. Оммавий маданият – мураккаб ҳодиса. Уни тушунтириш ҳам қийин. Шунинг учун, устоз педагогларнинг “бир нарсга ўхшатиб бўлмайдиган нарсани тушунтириб ҳам бўлмайди”, деган ўғитларига амал қиламиз.

### **Маданий товарлар бозорининг “талаб ва таклиф”лари**

Соатлар ҳар хил бўлади – куёш соати, сув, кум, механик, электрон, кварц соатлар... Куёш соати куёшсиз, сув соати сувсиз, кум соати кумсиз, электрон соат – электр тоқисиз, кварц соат – батареясиз ишламайди. Фақат механик соатнинг ишлаши эгасига боғлиқ. Қулоғини бураб, “дам солса”, юраверади.

Кварц соат бошқача. “Аввал батареянинг пулини тўлаб қўйинг, хўжайин” дейди гўё. Батареясиз соат – бефойда матоҳ. Соат сизники, лекин унинг юриши сизга эмас, батареяга боғлиқ. Батарея эса уни ишлаб чиқарувчига боғлиқ. Мана энди сиз батарея ишлаб чиқарувчининг муҳтожига айландингиз. Кимдир сизнинг компьютерингизга тушсин, деб “Чувалчанг”, “Троян оти”, “Почта жўнатмаси”, “Эльвис Пресли” деган вирусларни тайёрламоқда. Вирус тушса, антивирусини топишга ҳам ўзлари ёрдам беворишади. Ана шундай. XX1 асрда бир қўли билан касални, иккинчи қўли билан унинг дорисини сотаётганлар кўп.

Разм солсак, нафақат батареяга, антивирусга, балки улардан ҳам муҳимроқ эҳтиёжларимизни эгаллаб олган гуруҳлар борга ўхшайди. Масалан эстетик, маданий эҳтиёжларимизни. Улар анчагина ишни қилиб ҳам қўйишибди. Улар ким бўлди? Улар “оммавий маданият маҳсулотлари”ни ясовчилар.

Президентимизнинг юқорида келтирилган огоҳлантирувчи фикри футболкалардаги ёзув, суратлардан, дисплей, экран, аудиоплеерлардан, кураётган хусусий бинолардан, суҳбатлардан, китоб, газета ва журналлардан бизга ёғилаётган балолар устидаги пинҳонлик пардасини олиб ташлади. Энди биз илгаригидек: “Ҳа, энди ёшлар бошқача-да. Қўяверинг, ўйнаб кулсин. Вакти соати келиб, босилиб қолар. Ўзимизга қайтар. Қаёққа ҳам борарди”, десак бўлмас. Бугун бу бефаркликни, масъулиятдан чекинишни англатади.

## БАРБИ

Дунёда энг машҳур қўғирчоқнинг исмини биласизми? Ҳа, топдингиз – Барби. Унинг онаси – муаллифи Рут Хандлер – қўғирчоқлар ясовчи фирма эгаси эди. Барби 1959 йил 9 март кuni тугилди. Унинг тўлиқ исми Барбара Миллисент Робертс.

Германияда ўтган асрнинг 50 йилларида карикатура ва комиксларда, “сариқ матбуот”да Лилли образи машҳур бўлиб кетди. Лилли – шахвоний ҳисларни жунбишга келтирувчи, шаддод, ўзига бойбадавлат эрни топиш йўлида ҳеч нарсадан

қайтмайдиган шўх котиба эди. У немис эркакларининг қалбини ром этган эди. Унинг “Мен бадавлат эркакларсиз яшашим мумкин, лекин менинг бюджетим буни кўтармайди!” каби иборалари латифаларга айланган эди.

Кунлардан бир куни Лилли дўконларга чўмилиш либосида чикди. Полициячи унга “Икки бўлакли чўмилиш либосида кўпчилик орасида юриш тақиқланади”, деб огоҳлантиради. Шунда Лилли: “Хўш, икки бўлакдан қайси бирини ечиб ташлашимни истайсиз?”, деб жавоб беради нозланиб.

Лилли газета, журналлар саҳифасидан чиқиб, кўгирчоққа айланади.

Барбининг бўлажак онаси Рут хоним бўлди. У ўша пайтда ижодий ғоя излаб Европа сафарига чиқади ва Лиллини кўриб қолади. Кўгирчоқ ўзида эркакларнинг гўзал аёл ҳақидаги барча орзуларини мужассам этган эди. Нозик бел, балкиб чиққан кўкрак, узун оёқлар, завқли чехра... У Лилли эди. Лиллининг жозибаси эркакларни ўзига ром қилар эди. Дўконда унинг пеньюарлари, ички кийимлари, либосларини ҳам сотиб олиш, уни хоҳлагандек кийинтириб ечинтириш мумкин эди. Лилли аслида катталар учун ана шундай ўйинчоқ сифатида тайёрланган эди. Ўша пайтларда Европада сексдўконлар йўқ эди. Лилли тамаки сотиладиган дўконларда сотилар эди.

Рут хоним дарҳол Лиллини ясаб сотиш учун патент олади. Кўгирчоқнинг қиёфасига айрим ўзгартишлар киритди: эркакларга “менга қаранг” деб “ташланувчи” нигоҳ бир оз юмшатилади, тошиб чиққан кўкраклар ҳажми бир оз кичрайтирилди, боши болаларникига ўхшатилади.

Шундай қилиб, аёллар танасидаги энг муҳим жойларни ўзида намоиш қилувчи, қомати “лампа шиша”ни эслатувчи кўгирчоқ Барби дунёга келди. Унда эркакларнинг талаблари ва аёлларнинг таклифлари мужассам эди.

1959 йил 9 март куни Барби Нью-Йоркдаги болалар мағазинига савдога чиқарилди. У негадир биринчи қадамлариданок қоқилди. Сотувчилар уни сотишдан бош тортишди. Нега деганда, у бола эмас эди. У ўзида балоғат ёшидаги аёл жисмидаги барча бўртиб турадиган жойларини яққол кўриниб туради-

ган, эркакларнинг шахвоний ҳисларини жунбишга келтирувчи ёш аёл сиймосини гавдалантирган эди.


Ана шунда Барбининг “онаси” Рут хола унинг кўкраги болаларникидек эмаслигидан уялди, шекилли, кўкрагини кичрай-тирмоқчи бўлади. Психоаналитик Эрнест Дихтерга маслаҳатга боради. У кўп ўйлаб... Барбининг кўкрагини... янада каттарок қилишни маслаҳат беради.

“Оналар норози бўлишса нима қиламан”, дейди Рут хоним. “Хавотирланманг. Биз уларга: Барби қизингизни дид билан кийинишга, косметикадан қандай фойдаланишга, ўзини қандай тутишга, гўзал ва самарали кўрсатишга ўргатади”, деймиз. Ҳозир – 50 йиллар. Уруш азоблари аёлларнинг ёдида турибди. Улар қизларини маза қилиб роҳатда яшашини истайдилар. Буни Барби кўрсатади”, дейди Эрнест.

Шундай бўлди ҳам. Барби Иккинчи жаҳон урушидан кейин бошланган истеъмол даврининг рамзига айланди. У кўғирчоқ эди, лекин у одамларни кўғирчоққа айлантира бошлади. Барби мода индустрияси, шоубизнес, гламур, аёл танасига сиғиниш, косметика, пластик хирургия, фитнеснинг рамзи ва моторига айланди. Аёлларнинг онгини ана шу тушунчалар созлаб борди.

60 йилларга келиб унинг Кен деган жазмани пайдо бўлди. Аслида Кен – Рут хонимнинг ўглининг исми. Унинг ҳаёти ҳам фожиали. У 1994 йилда ОИТС касалидан ўлим топди. Бесоқолбозликдан. Фарбдаги одатий тушунчаларда айтганда, “ноанъанавий жинсий алоқа”лар уни ноанъанавий ўлимга олиб келди.

Илгари қизалоқлар кўғирчоқларини овқатлантириб, йўргаклаб, бешикка солиб тебратиб, оналик ролини ўйнаб келган. Лекин Барби бунга кўнмас эди. У билан боладек ўйнаб бўлмас эди. У чақалоқ, гўдак эмас, балоғатга етган, дуркун, аёл эди. У болаларнинг эмас, эркаклар ўйинчоғи эди. Уни эркалашар, ўпишар, сийпалашар, севишар эди. Ана шунда 50 йилларнинг гўдак қизалоқлари бир сирни кашф қилишди: демак, сеvimли бўлиш учун Барбига ўхшаш керак! Барбидек кўриниш керак. Барбидек кўрсатиш керак. Ҳамма нарсани. Мана бундай:



Шундай қилиб Барби қизалоқлардан беғубор, маъсум болалигини тортиб олди. Уларни болаликнинг тўла, эртақлар олами-дан чиқариб, эркақлар оламига солди. Уларга эркақларнинг жинсий талабларидан “кўргаз-

мали” дарс ўтди. 60 йилларда “озод севги” инқилобини тайёрлади. Қизалоқларнинг бир қўлини – ота-боболари, бувиларидан қолган миллий маънавият, иккинчи қўлини “озод севги” тортди. “Озод севги” енгиб чиқди.

Барбининг ёши 55дан ошди. Энди ўзи ҳам она, буви. “Озод севги”дан кўп балолар тугилди. Уларнинг тўнғичи – ОИТС бўлди. Ўртанчаси – гомосексуализм. Кенжаси – “оммавий маданият”.

### **МИССИОНЕРЛИК ВА ПРОЗЕЛИТИЗМ: МОҲИАТ ВА ТАҲДИД**

Миссионерлар келишди. Уларда инжил, бизда ер бор эди.  
Ҳозир ер – уларда. Бизда эса – инжил.

*Муртадлар пушаймони*

### **«World Book» маълумотлари**

Миссионерлик ҳақида гап кетар экан, аввало ушбу тушунчанинг лугавий ва истилоҳий маъноларини тушуниб олиш муҳим аҳамиятга эгаллигини алоҳида қайд этиш лозим.

Ушбу сўз латин тилидаги «missio» феълидан олинган бўлиб, «юбориш», «вазифа топшириш», миссионер “вазифани бажарувчи” деган маъноларни англатади. Миссионерлик эса белгиланган вазифаларни ҳал қилишга қаратилган назарий ва амалий фаолият мажмуини билдиради.

Прозелитизм тўғридан-тўғри бирон-бир динга ишонган фуқарони ўз динидан воз кечишга ва ўзга динни қабул қилишга мажбур қилишдир.

Миссионерлик ўзига хос ва узоқ тарихга эга. Жумладан, бундай ҳаракат дастлаб буддавийлик доирасида милоддан аввалги III асрдан бошлаб ёйилган. Христиан доирасида эса Рим қўшинлари билан бирга юриб, босиб олинган ҳудудлар халқлари орасида диний тарғиботчилик ишларини олиб бориш замонавий миссионерликнинг илк кўринишлари эди.

Бугунги кунда эса миссионерлик фаолияти билан фаол шуғулланишга ҳаракат қилаётганлар орасида баҳойлар, кришначилар билан бир қаторда “Қуёшга топинувчилар” (“Солнцепоклонники”) каби янги пайдо бўлган секталар борлигини ҳам таъкидлаш зарур.

Шундай бўлсада, бир ҳақиқатдан кўз юмиб бўлмайди. «World Book» энциклопедиясида келтирилган маълумотларга кўра, дунёдаги умумий миссионерларнинг 2/3 қисмини христиан миссионерлари ташкил этади. Хусусан, протестантлик замонавий миссионерликнинг асосий ҳомийси бўлиб турганини алоҳида қайд этиш лозим.

Миссионерлик ва прозелитизм ҳаракатлари келтириб чиқараётган салбий оқибатларни айрим ҳаётий мисолларда ҳам кўриш мумкин. Хусусан, бизга қўшни бўлган айрим давлатларда христиан динини қабул қилган кишилар вафот этганда жасадни қабристонга қўйиш билан боғлиқ муаммолар келиб чиқмоқда. Майитнинг мусулмон ота-оналари ўз фарзандларини христиан мазоҳига дафн этишни хоҳламаганлари, мусулмонлар эса христиан дини вакили жасадини ўз мусулмон биродарлари ётган жойга қўйишни истамаганликлари натижа-сида келишмовчиликлар юзага келмоқда.

Шунингдек, христиан динини қабул қилган киши ўз ўғлини хатна қилдиришни хоҳламагани, унинг отаси эса, ўз набирасини мусулмон урф-одатларига кўра хатна қилдиришни истагани туфайли ота-бола ўртасида жанжаллар келиб чиққани ҳам маълум.

Христиан ёки бошқа динни қабул қилган қизнинг турмушга чиқиши ҳам муаммога айланмоқда. Оилада қизнинг

ота-онаси мусулмон. Албатта, улар ўз қизларини мусулмон кишига турмушга чиқишини истайдилар. Аммо христиан динидаги қизга мусулмон кишининг уйланиши амри маҳол.

Юқоридаги каби мисолларни яна давом эттириш мумкин. Аммо шуларнинг ўзи ҳам миссионерлик ва прозелитизм ҳаракатлари бошқа динни қабул қилган туб миллат вакиллари оилаларида низолар ва жанжалларнинг авж олишига ҳамда христианликнинг айрим йўналишлари вакилларига нисбатан душманлик ҳиссиётларининг пайдо бўлиши орқали динлар аро низоларни келиб чиқишига замин яратиши мумкинлигини яққол тасаввур қилиш имконини беради.

### **Замонавий миссионерликка хос умумий хусусиятлар**

Миссионерлик бугун сертармоқ соҳа ҳисобланади. Ҳозирда дунёда миссионерлар кириб бормаган жабҳа, улар фаолият юритмаётган мамлакатни топиш қийин. Муайян мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий вазиятдан ғаразли мақсадлар йўлида фойдаланиш замонавий миссионерликнинг энг муҳим хусусияти ҳисобланади.

Эркин тарғибот қилиш ва фаолият доирасини кенгайтириш мақсадида улар ўз ҳаракатларини халқаро нодавлат ташкилотлари мақомида амалга оширишга интилаётир. Бунинг ортида ўзига хос мантиқ бор, албатта. Тажриба бундай мақом миссионерлик фаолияти ҳақли эътирозларни келтириб чиқарганда уларнинг халқаро ҳуқуқ нормаларини рўқач қилишига ва унинг ҳимоя механизмларидан фойдаланиб ўз ҳаракатларини хас-пўшлашга ва жавобгарликдан қочишига замин яратади.

Юқоридаги хусусиятлар билан бир қаторда, замонавий миссионерликни белгиланган мақсадларнинг моҳиятидан келиб чиқиб, шартли равишда икки гуруҳга бўлиш мумкин.

Биринчи гуруҳга миссионерликни ўзига хос бизнесга, шахсий бойиш манбаига айлантирган ташкилотларни киритиш мумкин. Бундай ташкилотлар асосчилари эътиқод қилувчилар сонини кўпайтиришдан уларнинг мулки ва бойлигига эғалик қилиш ҳисобига ўзларининг молиявий имкониятларини яхшилаш ва кен-

гайтиришдек мақсадларни кўзлайдилар. Замонавий секталарнинг мутлақ кўпчилигини шу гуруҳга киритиш мумкин.

Иккинчи гуруҳга миссионерликдан сиёсий қурол сифатида фойдаланаётган ташкилот ва уюшмаларни киритиш мумкин. Бундай гуруҳлар ортида муайян ҳудудларга нисбатан ўзининг аниқ геосиёсий режаларига эга бўлган давлатлар ва сиёсий кучлар туриши бугунги кунда ҳеч кимга сир эмас.

### **Геосиёсий мақсадлар**

“Миссионерлик” тушунчаси билан бир қаторда “диний миссия” сўзи ҳам кўп ишлатилишини таъкидлаш зарур. Ушбу тушунча черков талқинида – элчилик топшириқларини бажариш, христианликни бошқа диний эътиқоддаги кишилар орасида тарқатиш ҳамда миссионерлар қароргоҳи ҳудудида жойлашган черков, миссионер-монахлар ётоқхонаси, мактаб-интернат ёки уларнинг барчасининг мажмуини англатади.

Бугунги кунда Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларида миссионерликнинг муҳим таркибий қисми сифатида кўплаб халқаро христиан миссиялари фаолият олиб бормоқда.

Тарих ўзга ҳудудларни забт этиш мақсадида ишлатиладиган уруш қуроллари узлуксиз такомиллашиб борганини кўрсатади. У найзалардан тортиб автоматик қуролларгача, замбараклардан тортиб Ер юзининг ҳар қандай нуқтасига беҳато етиб борадиган қитъалараро баллистик ракеталаргача бўлган узок такомил йўлини босиб ўтди. Бу қуроллар босиб олиниши керак бўлган ҳудудлар аҳолисини жисмонан йўқ қилишга қаратилган эди. Бугунги кунда эса, ўзга ҳудудларни забт этиш учун уларнинг аҳолисини маҳв этиш шарт эмас. Зеро, онги ва шуури забт этилган, қараш ва кайфиятлари «маъқул» йўналишга ўзгартирилган ерлик аҳоли кўмагида ҳар қандай бойлик, табиий ресурсларга эгалик қилиш мумкин бўлиб қолмоқда.

Шу нуқтаи назардан қараганда, XX аср йирик давлатлар томонидан ўз таъсир доираларини кенгайтириш учун олиб борилган кураш даври бўлди, дейиш мумкин. Осиё ва Африка мамлакатлари эса асосий кураш майдонига айланди. Бунда

нефть ва нефть маҳсулотларига бўлган эҳтиёжнинг ортиши натижасида ёқилгининг қимматлашиши ва йирик давлатларнинг энергетик захиралар жойлашган ҳудудларда ўз таъсирларини ўтказишга ҳаракат қилиши муҳим роль ўйнади.

Бу муаммо ҳозир ҳам долзарблигича қолиб, йирик давлатлар ўзларининг геосиёсий мақсадларга эришиш йўлида хилма-хил усулларни ишга солмоқда. Жумладан, “Мақсад воситани оқлайди” деган тамойилга амал қилган ҳолда миссионерликдан ҳам фаол фойдаланилаётганини таъкидлаш зарур. Мазкур ҳолат ҳам, миссионерлик бошқа диний эътиқодларга мурасасиз муносабатда бўлиш, жамиятда беқарорлик тўлкинини келтириб чиқаришнинг ўта нозик шаклига айлангани ҳақида ҳулоса чиқариш имконини беради.

Миссионерларнинг асосий мақсади христианликни тарғиб қилиш йўли билан жамиятда хайрихоҳ бўлган гуруҳларни шакллантириш ва тарафдорлар сонини кўпайтириш орқали муайян мамлакат ва ҳудуд устидан назорат ўрнатишдир. Зеро, Юртбошимиз Ислом Каримов таъкидлаганларидек, “Қудратли давлатлар ва муайян сиёсий марказлар ўз мақсадларига эришиш учун аввало забот этмоқчи бўлган мамлакатларнинг аҳолиси онгини ўзига қарам қилишга интилади”.

### **Дунё халқларини инжиллаштириш бўйича мавжуд режалар**

2002 йилда АҚШда “Бутунжаҳон христианлиги тенденцияси” китоби нашр этилди. Унда 2000 йилга бўлган кўрсаткичлар ва христианлик 2025 йилгача эришиши лозим бўлган сифатий ҳолат қиёсий таҳлил қилиниб, саккиз асосий мақсад белгиланган. Хусусан, унда ёзилишича:

- Ер юзи аҳолисининг “Инжил” билан таништирилиши 73,1 фоиздан 100 фоизга етказилиши;
- дунё аҳолиси таркибидаги христианларнинг улуши 33 фоиздан 40 фоизга ўсиши;
- христианларнинг 10 фоизини ташкил қилган миссионерларнинг улуши 20 фоизга кўтарилиши;

– христианлар ўз даромадларининг 1,8 фоизини черков хисобига ўтказиб келишган бўлишса, бу кўрсаткич 3 фоизга етказилиши;

– ҳар 3000 кишига 1 та миссионер тўғри келган бўлса, бу кўрсаткич ҳар 1000 кишига 1 та миссионерни ташкил этиши;

– черков мавжуд бўлмаган, аҳолиси 50 000 дан ортиқ 116 та шаҳарнинг барчасида черковлар юзага келиши;

– черковлар тузилмаган 1000 дан ортиқ этник гуруҳнинг ҳар бирида черковлар ташкил этилиши;

– барча тилларга “Инжил” таржима қилиниши лозим.

Реал воқелик ва миссионерлар томонидан амалга оширилаётган ҳаракатларни ўрганиш, афсуски, бу режаларда белгиланган мақсадларга аста-секин бўлса-да, эришилаётганини кўрсатади.

### **Миссионерликнинг миллий ҳаётга таҳдиди**

Дин миллий маънавиятнинг таркибий қисми, миллатни бирлаштириб турувчи муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Бир тилда гаплашадиган, умумий тарих ва ягона давлатга эга бўлган, аммо турли динларга ёки диний йўналишларга эътиқод қиладиган миллатлар ҳамон ички миллий бирликни таъминлай олмаётгани, кичкина бир сабаб қайта-қайта низоли вазиятлар ва фуқаролар урушининг келиб чиқишига замин яратаётгани ва мамлакатлар ўз тараққиётида ўнлаб йилларга орқада қолиб кетаётгани ҳам шундай ҳулоса чиқариш имконини беради.

Ливан аҳолисининг 90 фоиздан ортиғини араблар ташкил этади. Расмий тил араб тили ҳисобланади. Аммо ливанликларнинг бир қисми исломга (сунний, шиа, друз), қолган қисми христианликка (православ, католик, протестант) эътиқод қилиши натижасида миллий бирликни таъминлаш қийин кечмоқда. Мамлакатнинг амалдаги қонунчилигида давлат бошқарув идораларининг диний белгилар асосида шакллантирилиши мустаҳкамлаб қўйилгани эса, қўпгина ҳолларда хилма-хил омиллар таъсирида унинг тўлақонли фаолиятига тўсиқ бўлмоқда. Мусулмонлар ва христианлар ўртасида вақти-вақти билан келиб чиқаётган фуқаролар уруши эса бу бирликни таъ-

минлашни янада мушкуллаштираётгани фикримизнинг исботи бўла олади.

Турли миллат ва дин вакиллари истиқомат қилиб келган Югославиянинг Сербия, Словения, Хорватия, Македония, Черногория, Босния ва Герцеговина каби давлатларга парчаланиб кетгани ҳам этноконфессионал зиддиятлар қандай оғир оқибатларга олиб келиши мумкинлигининг ҳаётий-амалий ифодасидир.

Масаланинг ана шу жиҳатига эътибор берилса, миссионерлик ҳаракатлари ортида диний заминда миллатни ичидан бўлиб ташлашга қаратилган ғаразли сиёсий мақсадлар ётганини ва у келтириб чиқарадиган фожиаларни англаб етиш мумкин.

Бу эса миссионерлар ўз олдларига қўйган мақсадларга эришадиган бўлсалар, улар фаолият олиб бораётган мамлакатда ҳам халқнинг парокандаликка юз тутиши ва маънавий таназзулнинг келиб чиқиши мумкинлиги ҳақида хулоса чиқариш имконини беради.

Миссионерларнинг бугунги кундаги фаолияти ҳеч бир минтақа, ҳеч бир давлат бундай таҳдиддан ҳоли эмаслигини кўрсатади. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун эса миссионерликнинг моҳиятини тўғри ва чуқурроқ англаш, уни бар-тараф этиш йўлида мақсадли, тизимли ва тадрижий фаолият олиб бориш зарур бўлади.

### **Молиявий манбалари**

Дунёнинг турли ҳудудларида фаолият олиб бориш, ижтимоий лойиҳаларни амалга ошириш, миллионлаб ададда газета, журнал ва китоблар нашр этиш, радио ва теледастурларни йўлга қўйиш ўз-ўзидан бўлмайди, албатта. Хусусан, “Еттинчи кун адвентистлари”нинг ҳар бир аъзоси, ўз ойлик даромадининг ўндан бирини черков ҳисобига ўтказиши шарт ҳисобланади. Уларнинг ақидаларига кўра, Исонинг тезроқ қайтиши, барча инсонлар адвентистлар тарғиботини қанча тез эшитишларига боғлиқ.

Бошқа протестант жамоалари ҳам ўз аъзолари даромадларининг маълум қисмини черков ҳисобига ўтказишни талаб

қилишади. Баъзи черковларда бу нарсa мажбурий бўлмаса-да, хайр-эхсон қилиш кенг тарғиб қилинади. Тадрижий ва агрессив тарғибот олиб борилиши натижасида кишилар “ўз хоҳишлари билан” бор-будларини черковга топширишади.

Мамлакатимиздаги бир қатор черковларда ҳам хайр-эхсон йиғиш яхши йўлга қўйилган. Черковларга келадиганлар орасида ўзига тўқ одамлар жуда камчилиқни ташкил қилса-да, ҳар бир иштирокчи хайрия қилиши табиий ҳол ҳисобланади.

Бугунги кунда миссионерлик билан шуғулланаётган диний ташкилотлар молиявий аҳволларини яхшилаш ва ўз ҳаракатларини моддий таъминлаш мақсадида черковнинг ишончли ва садоқатли вакиллари орқали турли цехлар, фирмалар ва босмаҳоналарга эғалик қилишни ҳам йўлга қўйишга алоҳида эътибор бермоқдалар.

Бақувват хорижлик ҳомийлари бўлган ва ишончли вакиллари орқали юқоридаги каби корхоналарга эғалик қиладиган миссионерлар ўз тарафдорларига ҳар бир янги олиб келинган одам учун сезиларли миқдордаги пул мукофотларини бериш имкониятига эга бўлмоқда. Бундан ташқари, ушбу корхоналар ишсизларни иш билан таъминлаш ва шу йўл билан миссионерлик амалиётини давом эттиришнинг муҳим бўғини бўлиб хизмат қилмоқда.

Черковларнинг молиявий имкониятлари ҳақида гап кетар экан, яна бир ҳақиқатни қайд этиш лозим. Оддий диндорлар, жумладан, янги прозелитлар ҳам камтарона, ташкилот раҳбарлари эса ҳашаматли офисларда ўтириб шоҳона ҳаёт кечиришади.

Бунинг исботи сифатида қуйидаги мисолни келтириш мумкин. 2007 йили Россияда «Церковь Богоматери» номли секта устидан бўлиб ўтган суд жараёнларида ушбу секта раҳбарлари ўз издошларидан уйларини худо йўлида ўз раҳнамоларига ҳадя қилишга даъват қилишгани ва шу йўсинда бир неча фуқаро ўз уйини сохта раҳбарларга ҳадя қилиб юборгани эълон қилинди.

Юқоридаги мулоҳазалар замонавий миссионерлик сиёсий мақсадларга эришиш, у ёки бу минтақага таъсир ўтказишнинг ўзига хос воситаси ва ниҳоят, сердаромад соҳага айланиб қолгани ҳақида ҳулоса чиқариш имконини беради.

## Усуллари

Бугунги кунда миссионерлар ўз тарғиботларини амалга оширишда анъанавий усуллар билан бир қаторда замонавий воситалар, жумладан, теле, аудио, видео, радио ва компьютер технологияларидан кенг фойдаланмоқдалар.

Уйма-уй юриб «Хушхабар» етказиш, яъни одамлар билан куннинг долзарб муаммолари ҳақида суҳбатлашиш, уларнинг дардларига қизиқиш билдириш ва ушбу муаммолардан чиқиш йўлларини кўрсатиб беришни таклиф қилиб, ўз ташкилотларига жалб қилиш миссионерликдаги яхши самара берадиган усуллардан бири ҳисобланади. Ушбу усулдан фаол фойдаланаётган “Иегово шоҳидлари” оқими аъзолари, ўзларини Исо Масих ўз хаворийларига буюрган йўлдан фойдаланаётганларини таъкидлашади.

Миссионерликда маҳаллий тилларда христианликни тарғиб қилувчи адабиётларни чоп қилиш ва тарқатиш ҳам энг кўп қўлланиладиган усуллардан бири ҳисобланади. Кичик ҳажмдаги қўлланмалар жуда ҳам таъсирчан қилиб ёзилади ва одамларнинг эътиборини жалб қилиш учун чиройли суратларга бой бўлади. Уларда динни қабул қилиш очиқ-ойдин таклиф қилинмайди. Аммо адабиёт охирида қўшимча маълумот олиш учун ташкилот манзили ёки телефони келтириладики, рисолани ўқиган ва диний билими саёз бўлган инсон бу нарсага учиши мумкин.

Юзаки қараганда, бундай усул яхши натижа бермайдигандек туюлади. Аслидачи? Маълумотларга кўра, 200 дан ортиқ мамлакатда Тўлиқ Инжил христианлари оқимига кирган янги вакилларнинг ярмидан кўпи динни қабул қилишларини шундай адабиётлар таъсири билан боғлашади.

Хайрия ёрдамлари кўрсатиш. Миссионерлар ҳар қандай киши ва жамият ҳаётида учрайдиган ижтимоий-иқтисодий муаммолардан ўзларининг мақсадлари йўлида фойдаланиб қолишга доимий эътибор бериб келганлар. Улар бугунги кунда ҳам моддий-моявий ёрдам кўрсатишнинг турли шаклларида усталик билан фойдаланишга ҳаракат қилмоқдалар. Уларнинг “Кўзи ожизлар

жамияти”, “Меҳрибонлик уйи” каби ташкилотларга хайрия сифатида молиявий кўмак беришга, “Қариялар уйларига” ташкилий ва моддий (озик-овқат олиб бориш, муҳтож кексаларни овқатлантириш) шаклида ёрдам беришга интилаётганлари ҳам шундай хулоса чиқариш имконини беради.

Шу билан бирга, ҳафтанинг муайян, аксарият ҳолларда пайшанба ва якшанба кунлари ташкил этиладиган хайрия тушликларини ҳам эътиқодий босим ўтказиш учун объектларни – бўлажак прозелитларни танлаб олишга хизмат қиладиган амалиёт шаклларида бири сифатида қараш лозим.

Умуман олганда, миссионерлар турли хил ижтимоий-маърифий тадбирларни тез-тез ўтказишдан ижтимоий онгда ўз фаолиятлари ҳақида ижобий тасаввурни шакллантириш, ўзаро муносабатлар ўрнатиш ҳамда маҳаллий ҳокимият вакиллари билан алоқаларни яхшилашдек мақсадларни кўзлайдилар.

Тиббий ва таълим-тарбия соҳаларига махсус кадрларни юбориш ҳам энг қадимий усуллардан биридир. Ҳозирги кунда бир қатор миссионер жамоалар ушбу усулдан самарали фойдаланишмоқда. Жумладан, маълумотларга кўра “Еттинчи кун Адвентистлари” жамоаси дунёнинг турли чеккаларида 200 дан ортиқ бепул шифохоналарга эга. “Рухий тикланиш” миссионерлик ассоциациясининг маълумот бюллетенларида баён қилинган, минтақавий миссионер марказларни ривожлантириш концепциясида тиббий миссияларнинг асосий вазифаси: “Янги черковларни тузиш ва евангеллаштириш”, деб белгиланганини қайд этиш лозим. Мисол учун, 2002 йилда Тожикистоннинг Сўғд вилоятига Жанубий Кореядан хирурглар, терапевтлар ва педиатр врачлар гуруҳи ташриф буюрди. 2003 йил июлида эса худди шундай ташриф билан энди Чкаловск шаҳрига яна саккизта миссионер врачлар келишган.

Миссионерларнинг ёшлар билан ишлашда бир неча усуллари мавжуд: талабалар, болалар учун миссиялар, ёзги оромгоҳлар шулар жумласидандир. Ҳозирги кунда “Халқаро христиан оромгоҳлари” ассоциациясига МДХ нинг 7 мамлакатидан 177 оромгоҳ аъзо бўлган. Шу нарса эътиборга лойикки, Қозоғистондаги “Ҳосил ўриб олиш черкови”нинг “Нива”

оромгоҳида сўнгги 5 йил давомида 3 мингдан ортиқ бола дам олган. Уларнинг кўпчилиги ота-онаси йўқ ёки кам таъминланган оилалар фарзандларидир. Дастур шундай ишлаб чиқилганки, мавсум охирига бориб оромгоҳда дам олган бола христианликни қабул қилади.

Ҳозирги кунда миссионерлик ташкилотлари христианликни тарғиб қилишда аудио, видео ва электрон маҳсулотлар, газета ва журналлар, теледастурлар, интернетда онлайн ўқув курслари ташкил этиш йўлларида ҳам фаол фойдаланмоқда. Жумладан, миссионерлик мазмунидаги дисклар ишлаб чиқариш ва тарқатиш билан шуғулланувчи кўп сонли халқаро агентликлар фаолият юритмоқда. Ушбу йўналишдаги энг йирик ташкилот – Global Recordings бўлиб, у 21 миллий агентликни бирлаштиради ва ҳозирги кунга келиб 4562 тил ва лаҳжада маҳсулот ишлаб чиқармоқда.

Европа ва Америка қитъаларида миссионер даъватчилар машҳурлилик борасида шоу-бизнес ва киносаноат юлдузларидан қолишмайди. Маълум бўлишича, телевидение орқали даъват қилишдан энг кўп Адвентистлар ва Тўлиқ Инжил Христианлари жамоалари фойдаланишади.

МДХ ҳудудида ҳам бир қатор миссионерлик дастурлари эфирга узатилмоқда. Жумладан, Россиянинг “ТВ-3” канали орқали бутун МДХ га узатиладиган «Кеннет Коупленд миссияси»га қарашли “Иймонли кишининг баралла овози” дастури, бундан ташқари, Пятидесятник йўналишига тегишли “CNL”, “ICB” каби телеканаллар, “Кема” миссионерлик ташкилотининг ўрта (MW) ва қисқа (УКВ(SW)) тўлқинларда узатиладиган дастурлари мавжуд. Ҳозирги кунда халқаро христиан дастурларини узатишда 13 та энг йирик агентликлар иштирок этмоқда. Улар томонидан 211 тилда ҳафтасига 8,5 минг соат миқдорида эшиттиришлар олиб борилмоқда. Биргина “АНД овози” номли бутунжаҳон радиоси 120 дан ортиқ тилда юздан ортиқ мамлакатга Инжилни тарғиб қилиш билан шуғулланади.

Бугунги кунда интернет оммавий ахборот ва коммуникация тизимининг энг тез ривожланиб бораётган бўғини ҳисоблана-

ди. Ҳозирда интернетдан нафақат компьютер тармоғи, балки космик алоқа йўлдошлари, радиосигнал, кабел телевидениеси, телефон, уяли алоқа орқали ҳам фойдаланиш мумкин. Бу интернет кишилар ҳаётининг ажралмас қисмига айланиб бораётганини кўрсатади. Бугунги кунда тахминан 1 миллиард 250 миллион киши у ёки бу даражада ундан фойдаланаётгани ва ушбу рақам доимий равишда ўсиб бораётгани ҳам фикрларимизнинг тўғрилигини тасдиқлайди.

Ўрганиш, деярли барча миссионер ташкилотлари, ҳаттоки алоҳида олинган миссионерлар ҳам интернет тармоғида ўз саҳифаларига эга эканлигини кўрсатади. Хусусан, Тожикистон миссионерларнинг сайтида ([www.hirte.narod.ru](http://www.hirte.narod.ru)) мусулмонларни протестантликка ўтказиш ҳақида тегишли кўрсатмалар берилган. Ушбу сайтларда миссионерларга турли маслаҳатлар, миссиология бўйича ўқув курслари бериб борилади.

Бир қарашда миссионерларнинг дастурлари инсоният равнақи, дунёда тинчлик ўрнатиш, муҳтожу бечораларга бегараз кўмак кўрсатишга қаратилгандай туюлади. Аммо чуқурроқ назар ташланса, уларнинг барчасидан, аксарият ҳолларда, ғаразли мақсадлар кўзланаётгани аён бўлади. Аввал, улар ўзларини сахий ва инсонпарвар кўрсатиб, кейинчалик, асл қиёфаларини ошкор қилишади. Баъзи ҳолларда “шунча яхшиликлар эвазига” христианликни қабул қилиш талаб ҳам қилинади.

### **Миссионерлар алоҳида эътибор берадиган ижтимоий қатламлар**

Миссионерлар макон ва замонга мослашган ҳолда ўз услуб ва воситаларини доимий такомиллаштириб келганлар. Хусусан, сўнгги вақтларда улар маълум бир ижтимоий қатламни ажратиб олиб, ушбу қатлам билан мақсадли иш олиб боришга интиломқдалар. Жумладан, миссионерлар асосий эътиборни аралаш миллат вакилларида иборат оилаларнинг аъзолари, илгари ҳеч бир динга эътиқод қилмаган, оғир хасталикка, жуздоликка, моддий қийинчиликка дуч келган, ахлоқ тузатиш му-

ассасаларидан чиқиб келган, яъни моддий ва маънавий кўмакка муҳтож кишиларга қаратмоқдалар.

Шу билан бирга, миссионерлар саноат корхоналари жойлашган ҳудудларда ишчилар ва вақтинча ишсизлар ҳамда хусусий тадбиркорлар билан ишлашга ҳам алоҳида эътибор бера бошлаганларини таъкидлаш зарур.

Айни пайтда, зиёлиларнинг турли қатламлари ичида санъат соҳаси ходимлари, кутубхоначилар, ўрта мактаб ўқитувчилари, турли идоралар хизматчилари фаол миссионерлик тарғиботи объекти сифатида танланаётганини ҳам қайд этиш лозим. Бунда албатта, ўзига хос мантиқ бор. Масалан, прозелит санъаткор санъатнинг ҳиссий-эмоционал таъсир қувватидан фойдаланиб, эътиқодий босим ўтказишда юқори самарадорликка эришиши мумкин бўлса, прозелит кутубхоначида “ўлжа” сифатида танланганлар билан яқка тартибда ишлаш имконияти мавжуд бўлади.

Қайд этилган мисоллар ҳам миссионерлик объекти сифатида танланаётган қатламлар доираси мунтазам равишда кенгайиб бораётганини кўрсатади.

### **Миссионерликнинг олдини олиш**

Миссионерлик таҳдид экан, унга қарши курашиш, унинг салбий оқибатлари олдини олиш энг устувор вазифалардан ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида мазкур ҳаракатлар тақиқланиб, бундай фаолият билан шуғулланганларга тегишли огоҳлантириш ва жазо чоралари белгилаб қўйилган. Жумладан, амалдаги “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонунга биноан “Бир диний конфессиядаги диндорларни бошқасига киритишга қаратилган хатти-ҳаракатлар (прозелитизм), шунингдек, бошқа ҳар қандай миссионерлик фаолияти ман этилади. Ушбу қонуннинг бузилишига айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарликка тортиладилар”.

Қонундан келиб чиққан ҳолда “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси” (240-модда) ҳамда “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси”

(216<sup>2</sup>-модда)да миссионерлик фаолияти билан шуғулланганлик учун жазо белгиланган энг кам иш ҳақининг тегишли миқдоридаги жарима солинишидан то озодликдан маҳрум қилишгача сабаб бўлиши ҳақидаги қоидалар мустаҳкамлаб қўйилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, миссионерлар «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонунимизни нодемократик деб даъво қилишади. Янги таҳрирдаги “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонуннинг 1-моддасиданоқ уни ишлаб чиқишда демократик таъмойлларга асослангани қайд этилган. Айни пайтда, ҳар бир ҳолис фикрлайдиган, тафаккури соғлом, дунёқараши ғараз мақсадлардан холи инсон мазкур қонуннинг мазмун-моҳияти “Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси” ҳамда “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро Пакт” каби халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган ҳужжатлари руҳига тўла мос келишини ушбу ҳужжатлар матнини қиёслаб ҳам билиб олиши мумкин.

Шу ўринда яна бир ҳолатга диққатни қаратиш лозим. Ҳозирги кунда республикамызда расман рўйхатдан ўтиб фаолият кўрсатаётган ноисломий диний конфессияларга мансуб жамоалар сонини мамлакатимизнинг 14 ҳудуди (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри) га нисбатан олсак, ҳар бир ҳудудга ўртача 12 та ташкилот тўғри келади. Биргина Тошкент шаҳрининг 11 туманида 30 дан ортиқ ноисломий диний ташкилот фаолият кўрсатмоқда. Теран ақл билан бир ўйлаб кўрайлик, бундан ортиқ яна қандай эркинлик бўлиши мумкин?! Умумий аҳоли сонининг 3–4 фоизини ташкил қиладиган фуқаролар учун шунча имкониятлар яратиб берган мамлакат ва унинг қонунчилигини нодемократик деб бўлармикин?!

Қайд этилган фикрлар ҳам турли нашрлар ва интернет орқали янги таҳрирдаги “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонунимизнинг гўёки, нодемократик характери ҳамда Ўзбекистонда черковлар ноқонуний равишда ёпиб қўйилаётгани ҳақида жар солаётган миссионерларнинг даъволари асоссиз эканини кўрсатади.

Бугунги кунда жуда кенг миқёс ва кўлам касб этган, инсон ва жамиятнинг тинч ва осуда ҳаёти ҳамда тараққиётига таҳдид туғдираётган миссионерликка қарши кураш, унинг олдини олиш ўзларининг асрлар давомида шаклланган диний-миллий кадриятларига эга мамлакатлар учун энг долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Мамлакатимизда ҳам бу борада тизимли ишлар, миссионерлик ҳаракатларни содир этмоқчи бўлганларга қарши қатъий кураш олиб борилмоқда. Бу курашнинг моҳияти фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш тамойилида ўзининг ёрқин ифодасини топган.

Хўш, жаҳолатнинг ўзи нима? Жаҳолат – арабча “жаҳила” феълининг ўзаги бўлиб, билмаслик маъносини англатади. Бугунги кунда жаҳолат турли кўринишларда ўзлигини намоён қилмоқда. Диннинг асл моҳиятини тушунмаслик, инсон ва жамият ҳаётидаги ўрнини тўғри баҳолай олмаслик шундай билимсизлик кўринишидир. Миссионерликнинг мазмуни, у билан шуғулланаётган йўналишлар ва секталарнинг мақсад-муддаолари, бундай ҳаракатлар келтириб чиқарадиган оқибатларни билмаслик ҳам унинг ўзига хос шакллари билан ҳисобланади.

Қайд этилган йўналишларда фуқароларимизнинг чуқур билимларга эга бўлишларига эришиш, таълим муассасаларида ёшларга дин ҳақида илмий асосланган билимлар бериш, диний кадриятлардан маънавий-маърифий мақсадларда фойдаланиш миссионерликнинг олдини олишга мустаҳкам замин яратади. Воқелик бу борадаги ишларни мунтазам асосда такомиллаштиришиб боришни талаб этаётганини ҳам алоҳида қайд этиш лозим.

Миссионерликнинг асл моҳиятини очиб ташлаш, унинг олдини олишга қаратилган ишлар ҳақида гап кетар экан, бунда доимий ва узлуксиз тарғибот учун замин яратадиган маънавий-маърифий тадбирлар ўзига хос ўринни эгаллайди. Уларни ташкил этишда тадрижийлик ва таъсирчанликни таъминлаш баробарида масалага комплекс ёндашувга эътибор бериш, яъни бирор-бир ижтимоий қатлам ёки ташкилот, муассаса жамоасининг бундай тадбирлардан четда қолмаслигига эришиш

муҳим аҳамиятга эга. Зеро, тажриба айнан эътибордан четда қолган ижтимоий гуруҳлар ва жамоалар фаол миссионерлик ҳаракатларининг объектига айланишини кўрсатади.

Одамлар онги ва қалбида маърифатнинг мутлақ устувор бўлишига эришиш кишилар тафаккурини бойитиш, уларда соғлом ва собит эътиқодни шакллантириш, бу йўлдаги иазарий ва амалий ишларнинг ҳозиржавоблигини таъминлаш, таъсирчанлигини оширишни ҳам тақозо этмоқда. Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганларидек, одамнинг ўз мустақил фикрига, собит эътиқодига, ўзи таяниб яшайдиган ҳаётий-миллий қадриятлар, шаклланган дунёкараш ва мустаҳкам иродага эга бўлиши турли шаклларда, гоҳ ошкора, гоҳ пинҳона кўринишда содир этиладиган тазйиқларига бардош беришининг асосий шарти ҳисобланади.

### **ФАШИЗМ – ЛОҚАЙД ИНСОНИАТНИНГ АЧЧИҚ САБОҒИ**

*Бу санани нишонлашдан мақсад аввало ғалабанинг моҳияти ва аҳамиятини, тинчликнинг қандай буюк неъмат эканини яна бир бор чуқур англаш, одамзодни турли хавф-хатарлардан огоҳ этишдан иборат бўлмоғи, умуман, кишилик тарихида урушнинг бошқа қайтарилмаслиги, бундай даҳшатларни одамзоднинг ҳаётидан бутунлай ўчириб ташлашга даъват этишдан иборат бўлмоғи лозим.*

**Ислом Каримов**

### **Википедия – эркин энциклопедиядан:**

Иккинчи жаҳон урушида жами 53 та давлат иштирок этган. Жами 127 953 371 нафар жангчи қатнашган. Шундан 25 542 785 нафар аскар ҳалок бўлган. Энг кўп қурбон берган давлатлар ўнлигини тузиб қарасак, мана бу манзара ҳосил бўлди: Яъни

| т/р       | Давлат номи   | Ҳалок бўлган аскарлар |
|-----------|---------------|-----------------------|
| <b>1</b>  | Собиқ СССР    | <b>8 068 400</b>      |
| <b>2</b>  | Германия      | <b>7 125 000</b>      |
| <b>3</b>  | Хитой         | <b>3 800 000</b>      |
| <b>4</b>  | Япония        | <b>1 940 000</b>      |
| <b>5</b>  | Руминия       | <b>550 500</b>        |
| <b>6</b>  | Польша        | <b>425 000</b>        |
| <b>7</b>  | АҚШ           | <b>405 399</b>        |
| <b>8</b>  | Италия        | <b>374 000</b>        |
| <b>9</b>  | Венгрия       | <b>300 000</b>        |
| <b>10</b> | Буюк Британия | <b>286 200</b>        |

Мана шу ўнликни кузатар экансиз, беихтиёр Ўзбекистоннинг 500 000 га яқин ҳалок бўлган фарзандларини эслайсиз. Ўнликка қараб эса, бу рақамнинг биз учун ўрни анча юқорида эканлигини кўрасиз.

\* \* \*

Бунёдкор ғоялар халқларни эзгу мақсадларга отлантириб, тараққиётнинг янги марраларига кўтарган. Вайронкор ғоялар эса одамларни, миллатларни хонавайрон қилган, жарликларга улоқтирган. Инсоният ўз тарихида қанча уруш кўрган, қанча қурбон берган бўлса булар – ёвуз ғояларнинг пайдо бўлишидан, тарғиб қилинишдан, миллионлаб кишиларни шу ғоялар билан аввал миясига кейин эса қўлларига қурол берилганидан кейин бошланган.

Кўхна тарих диний ақидапарастлик, фанатизм, терроризм, босқинчилик, фашизм, шовинизм, большевизм ва бошқа вайронкор ғояларни билди. Шулардан бири – фашизм инсоният тарихидаги энг ёвуз ва қаттол ғоя бўлиб қолди.

### Доктрина

Фашизм ёвуз ғоя, ёвуз мафкурадан бошланган. Шунинг учун ҳам Муссолинининг “Фашизм доктринаси” китобида «Фашизм бу — фақат бошқарув тизими эмас, балки энг аввало

фикрлар тизимидир», дейилган. У иктисодий, сиёсий, ижтимоий инкирозларнинг балога айланган боласи бўлди.

Фашистлар сохта илмий-тадқиқот “натижалари” асосида “ирқий назария”ни яратишди. Улар одамни инсонийлигига қараб эмас, бош суягининг шакли, терисининг, қўзининг рангига қараб “зоти”ни белгилашди. Унга кўра фақат “олий ирқ”қа кирувчиларгина ҳақиқий, мукаммал инсонлардир. Бошқа халқлар хали инсонга айланиб улгурмаган, ярим одамлар.

Олий ирқ дунёни бошқариши керак. Ишламай, роҳат-фароғатда, бахтиёр яшаши керак. Дунёнинг энг серҳосил, сўлим ерлари “олий ирқ”нинг дала ҳовлилари, томорқаси бўлади. “Паст ирқлар” уларнинг ерини чопади, молини боқади, кирини ювади, кофе, картошка, тамаки, меваларни териб беради.

“Паст ирқ”лар учун бараклар қурилади. Уларга билим, санъат, маданият, маънавият керак бўлмайди. Таракқиётнинг энг паст даражаси уларга етади. Уларни ҳеч хижолатсиз, бемалол ҳақоратлаш, уриш, ўлдириш мумкин.

Дунёда қанча “паст ирқ”ли одам қолиши кераклигини “олий ирқ” ҳал қилади. Режалаштиради. Қанча кул керак бўлса, паррандага ўхшатиб, кўпайтириб олаверади. Бунга эришиш учун уруш керак. “Яшасин уруш. Фақат у дунёни тозалаб беради!» дейиш уларнинг шиорига айланди.

Барча урушлар каби Иккинчи жаҳон уруши ҳам ресурсларни эгаллаш учун бошланди. Бу ҳақда Гитлер совуққонлик билан “Биз аҳолини қиришнинг самарали йўллариини ишлаб чиқишимиз керак. “Аҳолини қириш” деганда мен бутун бошли ирқларни йўқ қилишни тушунаман ва ниятим – буни амалга ошириш. Менинг вазифам шу. Табиат шафқатсиз, шундай экан, биз ҳам бу ишда шафқатсиз бўлишимизга тўғри келади. Мен урушда немис миллатининг қони тўкилишига зарра афсус чекмаётган эканман, бу менга паразитларга ўхшаб тинмай кўпаяётган миллионлаб паст ирқли одамларни йўқ қилиш ҳукуқини беради”, деган эди.

Фашизмнинг бош мафкурачиси Ж.Геббельс ҳам унга жўр бўлиб: “Бу уруш тожу тахт учун эмас. Бу уруш дон, нон учун. Нонушта, тушлик ва кечки овқатда столимизнинг тўлиб-то-

шиб туриши учун. Хом-ашё, каучук, темир ва рудалар учун қилинаётган урушдир, деган эди”.

Бу далиллар фашистлар ўз ниятларида жаннатмонанд Ўзбекистоннинг ер ости, ер усти ресурсларини, боғу роғларини ҳам ёвуз режаларига киритганларини тушунишга кифоя. Демак, 1941 йилда Ўзбекистоннинг мард йигитлари совет тузуми, коммунистик ғоя учун эмас, ўз Ватани – ҳозирги мустақил Ўзбекистон учун жангга кирганлар.

### **Гитлер айтган гаплар**

А.Рауш ўзининг “Менга Гитлер айтган гаплар” китобида фашизмнинг ёшлар тарбиясига оид масалалари баён этилган. Китобда Гитлернинг “биз шундай ёшларни етиштиришимиз керакки, улар кескин, талабчан ва золим бўлсин. Улар ёш, кучли ва ёвуз ҳайвонларга ўхшашлари керак”, деган гапларини келтиради.

Ана шу шовинистик мафкура заҳарлаган йигит-қизлар 1940 йилларга келиб, аскар кийимларини кийишди. Энди уларга янги ғоявий озуқа куйишди. Герман аскарларининг ён дафтарларига “... сен ўз шахсий шарафинг учун душмanning 100 та аскарини ўлдиришинг керак. Чунки бу – адолатли. Битта немис аскари душмanning 100 та аскарига тенг. Сенда қалб, туйғулар ҳам бўлмаслиги керак. Чунки улар урушда керак эмас. Ўзингдаги раҳмдиллик ва ҳамдардликни йўқ қил. Қаршингда кексами, аёлми, қиз ёки ўғил болами, ҳаммасини кир. Ана шунда сен ўзингни ҳалокатдан асраб қоласан. Ўз оилангнинг келажагини таъминлайсан, номинг шуҳратга бурканади... Англия, Россия, Американинг тақдирини сен ҳал қиласан. Эртага бутун дунё сенинг оёқларинг остида ётади”, деган “ўғитлар” ёзилган эди.

Аскарларнинг нафсини гиж-гижлаш учун уларга “қўл узатса, етадиган” даражадаги бахтли истиқбол кўрсатилди. “Фелькишер Биобахтер” газетаси ўзининг 1941 йил 12 сониди шундай ваъдаларни эълон қилди: “урушдан сўнг герман аскарлари ер эгалари бўлишади. Ёрни шарқдан олиш аскарлар учун истиқболли. Россия ўзининг серҳосил ерлари, ўрта, кичик шаҳар-

лари, ерда ишлайдиган деҳқонлари билан ўз хўжайинларини – немис аскарларини кутаяпти. Дастлаб 20–40 га, кейин 40–125 га томорка ва ҳовлига ер берилади”.

Хуллас фашизм юзлаб миллатларга мансуб миллионлаб инсонларнинг ёстигини қуритди. Чунки тарғибот-ташвиқот Гитлернинг “муттасил тарғибот ёрдамида халқни истаган нарсаса масалан, “дўзах осмонда” ёки “жаннатга тушиш бу – фожиа” эканлигига ҳам ишонтириш мумкин,” – деган ёвуз ва маккор кўрсатмаларига амал қилди.

### **“Давлат тепасига демократик йўл билан келган”ми?**

Муҳтарам Президентимиз “Хотира ва қадрлаш куни” журналистлар билан қилган суҳбатида баъзилар Гитлер “давлат тепасига демократик йўл билан келган”, деган даъвои олдинга сураётгани, фашизмнинг давлат тепасига демократик йўл билан келиши ақлга сиғмаслигини таъкидладилар.

Дарҳақиқат, фашизм билан демократияни уйғунлаштириш соғлом ақлга зид. Фашизмнинг ҳокимиятни эгаллашда қўллаган мафкуравий методлари (масалан, “Action-B” методи) Гитлернинг давлат тепасига қандай келганини тасвирлаб беради. Мана Мюнхен, Берлин, Бонн кўчаларидаги ўша пайтдаги манзара:

Уруш тугаб, мамлакат харобага айланган. Кечаги солдатлар ишсиз. Пивохоналарни тўлдириб, сўкиниб, муштлашиб кун ўтказишмоқда. Ана шундай вазиятда фашистлар партияси ўзининг тарғиботини бошлайди. Кажавали мотоциклни енги шимарилган, сочи қиртишланган барзанги(собиқ солдат) бошқарган. Кажаванда нацистлар партиясининг тарғиботчиси ўтирган. Унинг қўлида тарғибот йўлланмалари бўлган. Тарғиботчи одам гавжум жойларда, бекатларда тўхтаб, Гитлерни қўлаб қувватлашга, урушга даъват қилган. Агар одамлар маъқуллалса, қўлларидаги тарғибот варақасига “+” белгисини қўйиб, йўлда давом этишган.

Агар одамлар нацистларга қарши фикр билдирса, барзанги рўлдан тушиб, ҳамманинг кўз ўнгиде ўша мустақил фикрини айтган одамни қонига бўяб урган, тепган. Кейин тарғибот ва-

рақасига “-” белгисини қўйиб, йўлда давом этишган. Аҳоли бу манзараларни кўравериб, юрагини олдириб қўйгач, қайтиб мустақил фикрини айтмаган.

Мана шундай террор билан ҳокимиятни эгаллаган “Гитлерни давлат тепасига демократик йўл билан келган”, дейиш мумкинми?

### Хулоса

Бирор мамлакатда ядро реактори ишдан чиқса, кучли зилзила бўлса, сув босса, эпидемия тарқалса, очарчилик бошланса, бошқалар тезда ёрдамга келади. Бироқ, маънавий эпидемияга четдан келиб чора кўриб бўлмайди. Фашизм XX асрнинг ғоявий эпидемияси бўлди. Унга лоқайдлик бошқа эпидемиялардан кўпроқ ва ёмонроқ асоратларга олиб келишини иккинчи жаҳон уруши яққол кўрсатди.

Унинг қурбоилари ҳозир ҳам давом этмоқда. Ўша уруш бўлмаганида улар кўпроқ яшашар эди. Ҳар бир уруш катнашчиси – бебаҳо бойлигимиз, тирик кадриятимиз. Улар ўзларининг эгилган қоматлари, танларида сақланиб қолган ўқ излари билан муҳтарам Президентимизнинг мана бу сўзларини тасдиқламоқдалар: *“Эй одамзод, кўзингни оч, атрофга бир қара, кечаги тарихдан хулоса, сабоқ чиқар! Бундай бало-қазоларга қарши ўз вақтида чора кўриш, керак бўлса, бутун имкониятларимизни уларга қарши ишлатиш, турли мамлакатлар, турли миллат ва элатларнинг бир-бирига қарама-қарши туриб эмас, балки ўзаро елкадош бўлиб, тил топишиб, турли офатларни томири билан йўқ қилишини бугун замоннинг ўзи талаб этмоқда. Бунинг яккаю ягона йўли шу. Буни бугун тушуниб, англаб олмасак, эртага кеч бўлади”*. Бу халоскор даъват ҳар бир инсонни дахлдорликка чорламоқда.

## “ЭЙ ОДАМЗОД, КЎЗИНГНИ ОЧ, АТРОФГА БИР ҚАРА...”

*... минг афсуски, жаҳоннинг турли мамлакатларида, турли ҳудудларида фашизм деган офат яна бош кўтараётгани, миллатчилик каби жуда хавfli бало тобора тарқалиб бораётганини сезмаслик, кўрмаслик, бундай хавф-хатарларга бепарво бўлиб яшаи кутилмаган оғир оқибатларга олиб келиши муқаррар.*

*Такрор айтишга тўғри келади: бундай таҳдидларни ўз вақтида сезиш, уларнинг ёвуз башарасини очиб бериш бугунги замоннинг талаби.*

**Ислом Каримов**

Фашизм мафкурачилари ҳам, уларга ишониб алданган миллионлаб одамлар ҳам нобуд бўлди, бироқ, фашизм ғояси ўлмаганга ўхшайди. Неонацизм, неофашизм куртаклари куч олмоқда. Аломатлар шундан сўзламоқда: 1984 йилда айрим мамлакатларда сайёҳлар учун Гитлер ва у босиб олган ерлар географияси чизилган майкалар, Гитлернинг “Менинг курашим”, деган китоби гламур, яъни қимматбаҳо, чиройли муқовада чоп этилиб, қўлма-қўл бўлиб кетди. 90-йиллар охирида «Фашизм – шоу-бизнес» «Фашизмнинг эхтирослари» каби эстетик материаллар тарқатилди. Бугун эса “гламур фашизм” ибораси истеъмолда. У аҳоли, айниқса ёшлар орасида нацизм рамзларидан нафосат қидириш ва уларни оммалаштиришга хизмат қилмоқда. Натижалар чакки эмас: баъзи ёшлар усти боши кир-чир Ватан ҳимоячисидан кўра чиройли гимнастёркаси ўзига чиппа ёпишиб, ярашиб турган фашист солдатини яхши кўришини очик айтишмоқда.


Бу тушунча виртуал оламга 2004 йилда кириб келди. 2007 йилда эркакларга мўлжалланган «Moulin Rouge» журнали

муқовасида вояга етмаган қизнинг нацист униформасида тушган сурати берилди.

Жонкуяр олимлар фашизмнинг гламур маданият билан қўшилиб кетаётгани ҳақида “бу – фашизм кайфиятини легаллаштиришга очилган йўл”, дейишмоқда.

Миллатчиликни, неофашизмни инида, тинч йўл билан тўхтатган яхшими? Ёки қуролланган,

қутурган миллатчилик билан курашиб, яна миллионлаб қурбонлар эвазига янчиб ташлаган яхшими? Ҳар балою ҳар қазодан омон қолишнинг энг мақбул йўли ундан огоҳлик. Уни биринчи аломатларидан таниб, олдини олиш, тўхтатиш чораларини кўриш керак. Чунки душманни енгилш учун уни ўрганиш керак. Шу кўз билан фашизмнинг манфур тарихига қарасак, нималар кўринади?



### Маънавият ожиз бўлса...

1919 йил 23 март куни Италиянинг Милан шаҳрида собиқ уруш қатнашчиларининг съезди бўлиб ўтди. Съездда Fascio di combattimento “Кураш иттифоқи” тузилди. Унда Муссолини ўзини “дохий” – “дуче” деб атади. Кейинчалик иттифокнационал-социализм, франкизм, “Темир гвардия”, фалангизм, “Янги давлат”, интегрализм, пара-фашизм, “Ватан”, “Тахтга мадад” ассоциацияси ва бошқа номлар билан Германия, Португалия, Венгрия, Австрия, Испания, Руминия, Болгария, Япония ва бошқа мамлакатларга ёйилиб кетди.

Фашизмнинг илк рамзи болта эди. Бу фашизм ғоясини рўёбга чиқаришда қўлланиладиган асосий иш услуби ва қуроли нима эканлигини кўрсатди. Энди болта кўтарган миллионлаб аскарлар, самолётлар, танклар, заводлар, жуда кўп пул керак эди. Гитлер йирик саноат эгалари билан тил бириктира-

ди. Уларни “Биз ҳокимиятни эгалласак, курол билан сизларни қўллаб-қувватлаймиз. Инвестицияларингизга дунёда тўсиқ бўлмайди. Мол-давлатингизнинг ҳисобини ҳам билмай қоласиз, ҳали”, деб ваъда берди.

Фойданинг катта фоизлари диёнатсиз саноатчиларнинг уйқусини қочирди. Улар Гитлерга катта пул беришди. Шундай қилиб, фашистлар жуда кучайиб кетди. Энди бу офатни тўхтатиш тобора кўп қурбон ва маблағ талаб қила борди.

Фашистлар лоқайд одамларнинг териларидан аёллар сумкачалари, туфлиларини, галантерея молларини ясаб сотди. Жасадларини крематорий(ўчоқ)ларда ёқди, юз минглаб одамларни тириклай кўмди. Устига тупроқ тортилган тириклардан тепаликлар пайдо қилди. Бу тирик тепаликлар анча вақт қимирлаб турган. Бу ўша йиллари – фашизм энди бош кўтараётганида инсоният йўл қўйган лоқайдлик учун жазо эди.

Фашизмни тўхтатиб бўлармиди? Ҳа. Инсоният, Европа жамоатчилиги лоқайд бўлмай, юксак яқдиллик ва дахлдорлик намунасини кўрсатганида. Маънавият қудратли кучга айланиб, ишга тушса, бу ёвуз гоёни тўхтатса бўлар эди. Афсуски, бундай бўлмади. Бепарволик, лоқайдлик, “бунинг менга алоқаси йўқ”, деб яшаш маънавиятни ожиз ва заиф қилиб қўйди. Фашистларга эса ...худди ана шу керак эди.

Шўролар фашист сўзининг олдида немис сўзини қўшиб тарғибот қилдилар. Ваҳоланки, бирор халққа бу сўзни ишлатиб бўлмайди. Халқ эмас, уни алдаган, уни ишонтирган вайронкор гоё, уни алдаб ўз манфаати йўлида қурбон қилган фашистлар айбланиши керак. Токи вайронкор гоёларнинг тарғибот-ташвиқот гирдобини айланаётган экан, уларга ҳар бир инсоннинг юксак дахлдорлик билан қарши туриши талаб этилмоқда. Огоҳ инсоният қайтиб на миллий, на диний шовинизмга, экстремизмга ва уларнинг тарғиботига йўл қўймасин.

### **Маккор тарғибот**

Фашизмнинг махфий тарғибот идоралари ҳақида оммага маълум қилинмас эди. Бироқ уларнинг иши катта самара бер-

моқда эди. Улар қаторига “Шварц ван Берг идораси”, “Бёмер идораси”, “Қора” радиостанциялар”, “Винет” ташкилоти ва шартли номдаги “Акция Б” кирар эди. “Шварц ван Берг идораси” “шивирлаб” тарғибот қилар, яъни миш-миш тарқатар эди. Унинг махсулотлари ичкарига – ўз халқини алдашга қаратилган эди.

Карл Бёмер идораси эса чет элларда ишлар, у ёқдаги қалами ўткир журналистларни “овлаш” билан шуғулланар эди. “Қора” радиостанциялар эса хорижга қаратилган бўлиб, у ёки бу мамлакатдаги “оппозиция” номидан сўзлар эди.

Вермахт 30-йиллар охирига келиб ҳар бир қўшинда битта “тарғибот взводи”ни яратди. “Тарғибот жанғчиси” журналистик малакага, адабиёт, радио, фото, кинорепортёрлик малакаларига эга бўлиши керак эди. Битта тарғибот ротасида 115 киши бўлган.

Шундай қилиб, фашизм ғоясининг тарқалиши, миллионлаб кишиларни алдаши ўз-ўзидан бўлгани йўқ. Бунинг боиси тарғиботнинг гоят маккор усулларида эди. Яъни:

- онгни ишғол қилиш;
- қўрқув туйғусини уйғотиш;
- кўпминглик митинглар уюштириш;
- катта ёлғондан тезкор дезинформация учун фойдаланиш.

Бу ҳақда англиялик лорд Моуг Хэм ўзининг антифашистик рисоласида “Улкан ёлғонда одатда ҳақиқатга ўхшаб кетадиган нималардир бўлади. Халқ назарида майда-чуйда ёлғон учун эмас, улкан ёлғон учун қурбон бўлишга мойиллик бўлади. Чунки кўпчилик майда-чуйда ёлғонларни гапириб, эшитиб, кўриб, ўрганиб қолган. Бундан ташқари, катта ёлғонни анча-мунча киши айтишга ийманади. Оппоқ нарсани қоп-қора қилиб кўрсатишнинг иложи йўқ, деб ўйлашади.

Агар уларга фактлар орқали улкан ёлғонни фош қилишга ҳаракат қилсангиз, ўшанда уларнинг иккиланиб, ҳатто улкан ёлғонни ёқловчи қандайдир асослар қидиришга тушишини кўрасиз. Улкан ёлғондан, ҳатто у тўла фош бўлганидан кейин ҳам, нимадир қолади. Буни ер юзидаги барча ёлғончилар ва ёлғонни тўқувчилар яхши билишади,” – деган эди. Бу

фигрни тасдиқлаш учун Гитлернинг 1933 йил 12 февраль куни Берлин спорт саройида айтган: “Биз ёлгон сўзлашни истамаймиз. Биз фирибгарликни истамаймиз. Мана шу бизнинг биринчи дастурий қоидамиздир!”, деган улкан ёлғони келтириш мумкин.

### **Тарғибот нишони – Осиё**

Ташқи тарғибот Иккинчи жаҳон уруши арафасида ўз методологиясини яратади. Бир қараганда кулги билмас, мармар юз фашистлар бирданига Осиёликларнинг ширин сўз, сертавозе, меҳрибон дўсти қиёфасига киришди. Геббельснинг тарғибот вазирлиги тарғиботчилари овозида назокат, жозиба, ёлгон меъёри оширилди. Чунки шарқликларнинг хушёрлигини, огоҳлигини сусайтириш мақсад қилиб қўйилди. Шу мақсадда улар Шарқ халқларининг “огир аҳволига қайғуриб”, мустамлакаликдан қутулишлари (ўша пайтда Шарқ мамлакатларининг кўпчилиги мустамлака эди)ни тилаб, ўз “беғараз ёрдам”ларини таклиф қилдилар.

Шарқ мамлакатларидан чиққан ватан хоинларини топиб, уларни ёллаб, ёзма ва оғзаки тарғиботда фойдаланишди. Мақсад – халқларни аввал ўзларига оғдириб, шерик қилиб, ундан сўнг қулга айлантириш эди. Агар бунинг иложи бўлмаса ҳам, бу иш лоақал Шарқ халқларининг фашизмга қарши бирлашувининг олдини олишда асқотиши керак эди. Масалан, фашистлар ўзларининг Берлин ва Римдан узатиладиган радиовозларидан миллий озодлик кураши олиб бораётган “дўст Ҳиндистон халқи”га самимий ҳурматларини изҳор қилишар, бой ва қадимий ҳинд маданиятига мухлис эканликларини, Ҳиндистонни Англия мустамлакалигидан озод қилиш иштиёқида эканликларини тинмай такрорлар эди.

Фашизм ғоясининг пойдевори – ирқлар тенг эмас. Биз – орий ирқ бошқалар устидан эгалик қилишимиз керак, деган “орийлар” энди бошқача сайрай бошлашди. Нима эмиш, аслида олий(орий) ирқ назарияси бу – индуизм ва каста тизими.

Ҳиндлар ҳам орий ирқ. Шунинг учун улар бирлашиб, фашизм ғояси остида ҳамкорлик қилишлари зарур эмиш.

Мафкуравий тарих фашизм ҳам ислом динидан ўзига никоб сифатида фойдаланишга уринганлигини кўрсатади. Улар ўша пайтларда айрим Шарқ мамлакатларида панисломизм ғоялари кўтарилганлигини билишарди. Ана шундан фойдаланиб, барча Шарқ мамлакатларини панисломизм ва фашизм байроқлари остида бирлаштиришга ҳаракат қилишди. Ўз кирдикорларини яшириш, ўзларига тарафдор тўплаш учун коп-коп сиёсий хийлалар тўкиб, ёлғон ваъдалар беришди. Шулардан бири сифатида ҳалифаликни тиклаш ғоясини кўтаришди.

Бу ишни мусулмон ёшларининг онги ва қалбини эгаллашдан бошлашди. Германия университетларида араб бўлимлари очилди. Уларга нацизм ғоялари сингдирилди. Мақсад – аввал мусулмонларни ўз тарафига оғдириб олиб, фойдаланиш учун арабларни ҳам “олий ирқ” қаторига қўшиб туриш, кейин, иш битгач..., кириб юбориш эди.

Тарғибот шу қадар андишасиз эдики, улар Гитлер ва Муссолини азалдан мусулмонларнинг ҳомийси, ғамхўри қилиб кўрсатишди. Бу ҳақда “Ил Пополо д’Италия” газетаси ўзининг 1937 йил 20-март сониди: “Мусулмон дунёси азал-азалдан ягона диний раҳбарга муҳтож бўлиб келмоқда... Бўшаб қолган ҳалифалик – ислом динининг раҳнамоси лавозимини дуче ўз зиммасига олишга розилик берди,” – деб хабар тарқатган эди.

Гитлер ҳокимият тепасига келиши билан Эрон, Афғонистон, Ироқ, Саудия Арабистони, Фаластин, Жазоир, Сурия, Туркия, Ҳиндистон, Миср, Шимолий Африкага мафкуравий ҳужум янада кучайди. Жосус ва даъватчилар сони кўпайтирилди. Даъватчилар тизими – “ҳалқа”лар яратишди. Маҳаллий аҳоли орасидан чиққан ирода-иймони бўш кишиларни, ёшларни пул, ваъдалар бериб, сотиб олишди. Уларни махсус ўқитиб, отиш, портлатиш, миш-миш тарқатиш техникаларига ўргатишди.

Фашизм мафкуравий курашда диверсия усулидан фойдаланди. “Сайёҳ”, “мутахассис”, “тадқиқотчи” никобидаги диверсантлар давлатларни ичидан туриб парчалаб ташлаш, ўз тарафдорлари (“Бешинчи колония”) сонини кўпайтириш ва за-

рур пайтда яшин тезлигида ҳарбий хужум қилишга ҳам ғоявий ҳам ҳарбий жиҳатлардан тайёрлаб юборилди.

Араб мамлакатларида фашизм тарғиботи кучайтирилди. Гитлернинг “Менинг курашим” номли китоби ва бошқа шу руҳдаги адабиётлар иешма-пеш араб тилига таржима қилиб берилди. “Менинг курашим”нинг асл нашридаги бошқа миллатлар, шу жумладан, араблар ҳақида айтилган “ижодга ноқобил, паст”, деган тухматли жойлари ташлаб ўтилди. Ўрнига арабларнинг олий ирққа, яъни фашистларга “ўхшаши” тўқилди. Бу тўқималар махсус ташкил этилган “Араб Шарқи”, “Озод Миср овози”, “Озод Арабистон овози” каби радиостанцияларда муттасил кулоққа қуйиб борилди.

Бироқ Шарқ халқлари алданмадилар. Улар ўзларини ҳимоя қилувчи мафкуравий ҳимоя тизими (ҳозирги ибора билан айтганда – мафкуравий иммунитет)ни ярата олдилар. Бу ҳақда Саудияда Арабистонида чиқадиган Ат-Тариқ газетаси 1942 йилдаги 6-сониди “Фашизмга қарши курашиш – ҳар бир арабнинг миллий бурчи. Биз фашизмга қарши курашар эканмиз, бу бизнинг ҳаётимизга хавф солаётган таҳдидга қарши кураш демакдир”, деган умуммиллий шиорни кўтариб чикди. Шарқ мамлакатларидан фашист даъватчилари бирин-кетин ҳайдаб чиқарила бошланди.

Бугун ана шу ҳаракатларнинг гувоҳлари тирик. Буни 2014 йил 26 июнь кунни бизнинг суҳбатдошимиз бўлган Иккинчи жаҳон урушида ҳарбий учувчи бўлган, иқтисод фанлари доктори, профессор Мухтор Расулов тасдиқладилар: “1943 йил охирларида биринчи Украина фронтида хизмат қилар эдим. Ўшанда менга ўзбекча “Ватан учун” деган газета олиб келадиган бўлиб қолишди. Немислар самолётдан ташлашар экан. Бу Ўрта Осиё мусулмонларининг газетаси экан.

Газетада Шарқда, жумладан, Ўзбекистонда мусулмон давлатини тузамиз, деган гаплар ёзиларди. Мен жуда ҳайрон бўлгандим, бу қанақа давлат экан, деб. Газетада “Совет аскарлари, қўлингдаги мана шу газета фронт линиясидан ўтиб, бизга келиб қўшилишингга рухсатнома бўлиб хизмат қилади.

*Қуролингни ташла. Тур. Газетани бошингдан баланд кўтариб биз томонга ўт. Қўрқма. Ҳеч қандай зарар-зиёнсиз асирга тушасан. Иккиланма. Кел. Сен билан бирга ислом давлатини қурамыз” деб ёзилган эди”.*

Ақлу ҳуши жойида одам мана шу тирик, холис гувоҳликдан келиб чиқиб, азалдан фашизм билан диний экстремистларнинг эгизак эканлигини тезда билиб олади.

### Сабоқ

Миллий ғоямиз барчамизни Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, Халқ фаровонлиги, Комил инсон, Миллатлараро тотувлик, Динлараро бағрикенгликни янада мустаҳкамлаш йўлида ижтимоий ҳамкорликка сафарбар этади. Чунки огоҳ бўлмасак, онг ва қалбда бўшлиқ пайдо бўлиб, турли шакл ва ниқоб, либосларда вайронкор ғоялар кириб келиши мумкин.

Нима қилмоқ керак? Бутун инсоният “Фикрга қарши – фикр, ғояга қарши – ғоя, жаҳолатга қарши – маърифат” билан курашиши керак. Агар бундан бир аср муқаддам Европа, бутун инсоният энди ниш чиқараётган фашизм ғоясига қарши ана шундай курашганида, лоқайд бўлмаганида, 60 000 000 га яқин инсоннинг ёстиғи қурмаган бўларди. Ўзбекистоннинг 500 000 баҳодир фарзандлари қурбои бўлмас эди. Юртимизнинг ҳар бир тумани, маҳалласи, оиласи азоб чекмаган бўлар эди.

Шу боис – Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан эришилган ғалабанинг 70 йиллиги ҳамда Хотира ва қадрлаш куни арафасида Президентимизнинг айтган ушбу сўзлари огоҳлик бонги бўлиб янграмоқда: *“Агарки миллат ўз келажagini кўрмоқчи бўлса, унинг хотираси ҳамиша уйғоқ бўлиши лозим. Чунки халқ, миллат кечаги ҳаётидан, ўзи босиб ўтган оғир ва машаққатли кунлардан, тарих синовларидан керакли хулоса ва сабоқлар чиқармаса, келажакда яна йўлини йўқотиши ва инқирозга дучор бўлиши турган гап”.*

---

## УЛАР ЎЗБЕКИСТОН УЧУН ЖАНГГА КИРДИЛАР

*Агарки вақтида, тарих ва келажакнинг ўзи талаб этган ҳал қилувчи паллаларда галаба учун жон берган юртдошларимизни эсламасак, улардан тирик қолганларини эса, эъозлаб, бошимизга кўтармасак, бу галаба ҳақиқий галаба, бу байрам ҳақиқий байрам бўлмайди. Айнан мана шундай эзгу мақсадларни инобатга олиб, халқимиз, жамоатчилигимиз билан маслаҳатлашган ҳолда, биз 1999 йилдан бошлаб 9 майни юртимизда Хотира ва қадрлаш куни сифатида нишонлаб келмоқдамиз.*

**Ислом Каримов**

9 май. Бу кун дунёда ҳар хил қарашларни уйғотиб, турлича нишонланмоқда. Ўзбекистонда эса бу кун – ўтганларни хотирлаш ва тирикларни қадрлаш куни. Бизларнинг бугунги мунаввар кунларда яшасин, деб жон берган 500 000, қон берган – юз минглаб азизларимизни ёдлаш, қадрлаш куни.

Улар жангга кирганларида жуда ёш эдилар. Уларда ҳам бизлардаги каби яшаш ҳуқуқи, ширин орзулар бор эди. Улар ўзларига нон тишлатиб, кузатиб қолган ота-она, қариндош, сеvimли ёрларига айтган сўнгги сўзлари “кўришгунча”, эди. Аммо дийдор қиёматга қолди. Буюк Алишер Навоий айтганидек,

Хазон сипоҳига эй боғбон, эмас моне,  
Бу боғ томига гар игнадин тикан қилгил

экан. Гаддор уруш “хазон сипоҳи” бўлиб, уларнинг умр боғини хазон қилди.

Улар жон бердилар, аммо Ватанни бермадилар.

Бизларни мана шундай мустақил, бахтиёр кунларда яшасин, деб.

Президентимиз Ислом Каримов 9 май кунининг маъно-мазмунли ҳақида сўзлаб, *“Агар ана шу даҳшатли урушда 1,5 миллион юртдошларимиз қатнашганини, шулардан тахминан 500 минг ватандошимиз ҳалок бўлганини инобатга оладиган бўлсак, Ўзбекистонда ўша пайтдаги хонадонларнинг биронтасини бу фожиа четлаб ўтмагани аён бўлади”*, деган эдилар.

Ҳа. Ўзбекнинг фашизмдан жабр кўрмаган маҳалла, қишлоқ, кўча, оиласи йўқ. Агар Ўзбекистон харитасини ёйиб, урушдан жабр кўрган қишлоқ, маҳалла, оилаларни жароҳат рангига бўяб чиқилса, бутун мамлакат алвон тусга кирса ажаб эмас.

Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 50 йиллиги муносабати билан Ўзбекистонда ниҳоятда савобли, тарихий бир иш қилиди. Собиқ Иттифоқда одатий бўлиб келган “номаълум солдат”, деган иборага чек қўйилди. Архивлардан Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган ота-боболаримизнинг ҳужжатлари кўтарилди. Улар асосида улкан, зарҳал «Хотира китоби» яратилди. Бу бизларни деб жонидан кечган ота-боболаримизнинг руҳларини шод этиб, авлодларнинг аждодларга меҳр-оқибат достони бўлиб қолди.

“Хотира китоби” авлодларимиз учун ватанпарварлик китоби бўлиб хизмат қилаётир. Чунки бу китобга қараб, ҳар биримиз бобо-бувиларимизни эслаймиз. Уларнинг бундан 70-80 йил олдин қилган ишларини хотирлаб, қадрлаймиз. “Биз кимларнинг фарзандларимиз. Қандай буюк аждодларнинг авлодларимиз?” деган саволларга жавоблар топамиз. Ҳар йили 9-май куни Мангу олов атрофига қўйилаётган юзлаб гулчамбарлар бунга тасдиқ.

Бу бежиз эмас, чунки Президентимизнинг *“Агар ҳозирги кунда ҳаётга кириб келаётган ёшларимиз ана шу қадриятларимизни асраб-авайласа, шу орқали ўзининг кимлигини, қандай буюк зотларнинг авлоди эканини англасагина четдан жуда катта хуруж сифатида ҳамла қилаётган, фарзандларимизнинг қалби ва онгини эгаллашга қаратилган гоявий ва мафкуравий таъсирларга ҳам қарши тура олади”*, деган ўғитлари ёдимизда. Иккинчи жаҳон уруши полигонларида қон кечиби, бизнинг бугунги мустақил Ватанда, бахтли ҳаётимиз учун

жондан кечган ота-боболаримизнинг жасоратлари ҳеч қачон унут бўлмайди.

Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан эришилган ғалабанинг мазмун-моҳияти ҳақида бири-бирига зид фикр, хулосалар чиқарилмоқда. Баъзи мамлакатларда босқинчилар халоскор, халоскорлар босқинчи деб аталмоқда. Ана шундай вазиятда беихтиёр “Иккинчи жаҳон урушида 1,5 миллион ўзбекистонлик жангчини қандай куч ҳаракатлантирди?” деган савол уйғониши мумкин.

Бу саволга 1999 йил 9 май куни Президент Ислон Каримов томонидан айтилган ҳақ жавоб ҳар ўзбекистонликнинг дилидаги гап бўлди. Яъни Иккинчи жаҳон урушида ўзбекистонликлар *“...қандайдир номсиз тепаликлар, бегона мамлакатлар учун номаълум солдат бўлиб жанг қилмаганлар. Улар қайси жанггоҳда бўлмасин, ўз она юрти, туғилиб ўсган қишлоғи, муштинар онаси, суюкли ёри, фарзандларининг қадрдон сиймоси доимо юрагида, фикру хаёлида турган. Жангу жадал майдонларида Сталин учун ёки қандайдир мавҳум улуг гоя учун эмас, шулар учун экан берган. Яъники, улар олис Европада туриб ўз юртини, жонажон Ўзбекистонини фашизм балосидан ҳимоя қилган”*.

Улар фашизм Ўзбекистонга етиб келмасин, деб уни йўлда даф қилдилар. Шунинг учун ўзларини қурбон қилдилар. Бу билан улар ҳам она Ўзбекистонимизни, ҳам бугунги МДХ республикалари халқини, Польша, Чехословакия, Франция, Германияни – бугунги Европа Иттифоқини фашизмдан озод қилдилар.

Тарихий фактлар, архив манбалари, жумладан интернетнинг илмий ахборот ресурсларида (<http://www.allbest.ru>) ўзбекистонликларнинг фашизм устидан қозонилган ғалабага қўшган ҳиссалари ҳақидаги ҳолис, миннатдорлик руҳидаги маълумотлар тарғиб қилинаётганини ўқиб, мамнун бўласиз. Соҳибқирон Амир Темур авлодлари бўлган ота-боболаримизнинг жангу жасоратларини ўқиб, фахрланасиз.

Ана шу манбаларнинг гувоҳлик беришича, чегарани бузиб ўтган фашистларни биринчи бўлиб кўрган ва уларга биринчи

бўлиб ўқ узган ўзбекистонликлар кўп бўлган. Дониёр Абдуллаев, Бобохалил Қўшанов, Аҳмад Отаев, Нурум Сиддиқов, Узоқ Ўтаев ва бошқалар шулар жумласидан. Демак, Брест қалъаси деворида ҳозир ҳам сақланиб турган “Ўлаяпман, лекин таслим бўлмайман. Алвидо, Ватаним!”, деган ёзувда уларнинг қони бор.

Ана шу видо хатини ёзаётганда ўзбекнинг Дониёр, Бобохалил, Аҳмад, Нурум, Узоқ ва бошқа йигитларининг кўз олдида қайси Ватан турар эди? Албатта, Ўзбекистон. Уларнинг киндик қонлари томган жаннатмонанд водию воҳалар, қадимий Самарқанд, Бухоро, Хива, Қарши, Тошкент, Амударё, Сирдарё, боғу роғу, тоғу даштлар – Ўзбекистон уларнинг кўз олдида турганлиги шубҳасиз.

Волгоград шахри атрофида “Шарқнинг 11 қаҳрамони” деган тепалик бор. Урушгача бу жой Перелазовск хутори деб аталган. Номнинг ўзгаришига бизнинг боболаримизнинг қаҳрамонлиги сабаб бўлган. Ўшанда 128- гвардия Туркистон тоғ-ўкчи дивизияси душманга қакшатқич зарбалари билан машҳур бўлган. Юртдошимиз, взвод командири, кичик лейтенант М.Кабиrowга Перелазовск хуторини эгаллаб, қўлдан бермай, ушлаб туриш вазифаси топширилади. 40 жангчи тўрт томони душманга очик даладан эмаклаб ўтиб, шафқатсиз жанг ва йўқотишлардан сўнг тепаликни эгаллашади.

Ўшанда тирик қолган 11 кишининг 9 нафари ўзбек, 1 нафари қозок ва 1 нафари татар эди. Улар душманнинг 300 солдатига қарши туриб, тепаликни 12 кун қўлда ушлаб туришди. Душман чекинади. Катта жангнинг тақдирини ҳал қилган бу ҳаёт-мамот жангида 11 кишидан фақат А. Эрдонов билан М.Кабиrowгина тирик қолишди. Перелазовск қишлоғининг “Шарқнинг 11 қаҳрамони” деб аталишининг сабаби шунда, дейдилар.

Иккинчи жаҳон уруши бўлиб ўтган жойларда ўзбекистонлик жангчилар номи билан аталадиган жойлар кўп. Улардан бири – Шукуровка. Фаргоналик Аҳмаджон Шукуров Курск атрофида душманнинг 110 нафар солдат ва офицерини кириб ташлаб, 15нафарини асирга туширади. У жасорати учун қаҳрамон унвонига сазовор бўлади. У жанг қилиб озод қилган Золо-

таревка қишлоги Аҳмаджоннинг жасорати ҳурматиға Шукуровка деб аталади. Ҳозир ҳам.

Партизан отрядининг разведкачиси Мамадали Топиболдиевни ҳар бир белорусиялик чуқур ҳурмат билан эслайди. У шахсан ўзи душманнинг 67 нафар солдат ва офицерини йўқ қилиб, 180 тасини асирга туширган эди. Ўзбек халқининг баҳодир ўғлони белорус халқининг халоскорлари тимсолларидан бирига айланди. Писарево қишлоги унинг шарафига Топиболдиевка деб аталиши бунинг яққол мисолидир.

Ўзбекистонликлар ўзларининг жасурлиги, мардлиги билан ҳурмат-этибор қозонишган. Машҳур бўлишган. Шулардан бири – Омон Умаров. У душманни Смоленск, Киев, Одесса, Севастополь ва бошқа шаҳарлардан ўтказмай, жанг қилди. Ўзбекистонини ҳимоя қилди. У фашистларнинг 3та автомашинасини, 9 аскарини гумдон қилди. Ўзининг кичик отряди билан Одесса яқинидаги душман аэродромига ҳужум қилиб, душманнинг 16 самолётини, 30 та автомашинасини ишдан чиқарди.

353-тоғ-ўқчи полки жангчиси Қўчқор Турдиев 1941 йилнинг 25 октябрь куни ўртоқлари билан разведкага чиқади. Кучли отишмадан сўнг ҳамма сафдошлари ҳалок бўлади. Қўчқор Турдиев яқка ўзи қолади. Бироқ у заррача иккиланмай, тенгсиз жангни давом эттиради. Натижада душман дзотини, тўққизта немис солдат ва офицерини йўқ қилади. 3 нафар немисни асир олиб келиб, фронт қўмондонининг оёқлари остига ташлайди. Бу ва бундан олдинги қўплаб жасоратлари тан олиниб, унга қаҳрамон унвони берилади.

Ўзбекистонлик жангчилар ўзларининг жасурлиги, азми қатъийлиги, иродалилиги ва моҳир мерганлиги билан ҳам шуҳрат қозонган эдилар. Бу Москва остонасидаги қиргинбарот жангларда яққол намоён бўлди. Маълумки, Москва остонасида фашистлар Иккинчи жаҳон урушидаги энг қақшатқич зарбани еди. Гитлернинг «яшин тезлигидаги уруш» режаси барбод бўлди.

Д у ш м а н т ў х т а д и . Ч е к и н а б о ш л а д и .

Албатта, бу орзиқиб кутилган галаба ҳамманики эди. Лекин фашизмни тўхтатиб, чекинишга мажбур қилишда ўзбекистон-

ликларнинг қаҳрамонликлари алоҳида айтилмаса, адолатдан бўлмайди. Чунки биргина Москва остонасида ўзбек снайпери Исҳоқов 354 нафар фашистни, Абубеков – 229 нафар фашистни, Юсупов – 132 нафар фашистни, Мадаминов эса – 123 нафар фашистни ер тишлатди. Бу жасорат Иккинчи жаҳон уруши фронтларида худди афсонадек взводдан взводга ўтиб, тилдан тилга кўчиб юрар эди. Шу боис 1753 нафар юртдошимиз «Москва ҳимояси учун» медали билан мукофотланишган. Бугунги москваликлар ўз халоскорларини чуқур миннатдорлик билан эслаб, ҳақларига дуо қилсалар керак, албатта.

Ўзбекнинг жасур қизлари Ватаннинг чароғбони, қароғбони бўлиб, йигитлардан кам эмаслигини кўрсатганлар. Уруш бошланганда институтда ўқиётган андижонлик Зебо Ғаниева “Мени фронтга юборишингизни сўрайман”, деб ариза беради. У тезда тажрибали разведкачи ва снайпер бўлиб етишади. Москвани химоя қилди. Снайпер Зебо Ғаниева биргина 1942 йилнинг 21 мартда 23 нафар газанда-фашистни ер тишлатади. Бу унинг олис ва гўзал Ўзбекистонда Наврўз байрамини қўмсаб, худодан ғалабани тилаб меҳнат қилаётган халқига жанговар тухфаси бўлган бўлса, не ажаб?!

Ўша пайтларда, ҳатто фронтда ҳам коммунистик мафкура, яъни тилда – “тенглик”, дилда – тенгсизлик ҳукмрон эди. Бу қаҳрамонларни тақдирлашда ҳам сезилиб турарди. Яъни бизнинг ота-боболаримиз бошқа қаҳрамонларга қараганда 2–3 марта кўп жасорат кўрсатиб, кейин қаҳрамон бўлиши мумкин эди. “Битта ўзбек 100 та фашистни йўқ қилди”, – дейишса ҳам комбатлар огриниб, энсаси қотиб, мажбур бўлиб унвонга тақдим этишган. Чунки коммунистик мафкура бизларни иккинчи сорт одамлар деб ҳисоблар эди.

Сталинград жангида офицер Мамасоли Джаббаров командирлигидаги мото-ўқчи рота душмanning 400 солдат ва офицерини йўқ қилиб, 230 фашистни асирга олиб, кўплаб қурол-яроғни қўлга киритади. Снайпер Ҳайит Хўжаматов эса ўз милтиги билан 117 фашистни, пулемёти билан эса душмanning 300 дан зиёд солдат ва офицерини қириб ташлайди. Бироқ, уларнинг жасоратлари муносиб тақдирланмаган.

Ўзбек йигитлари Европани фашизмдан кутқозишда жасорат кўрсатдилар. Масалан, Франциянинг Алее, Бельфор, Сен-Шели ва Гар и Лозер департаментларини озод қилишда самарқандлик Абдулла Раҳматов, булунгурлик Сарибой Шомуродов, тошкентлик Раҳмон Раҳимов, Насиб Амиров ва бошқалар жонбозлик кўрсатдилар. Францияни озод қилишда кўрсатган қаҳрамонликлари учун кўконлик Ҳошимжон Исмоилов ва тошкентлик Тожибой Зиёевлар Франциянинг «Жанна д'Арк» ордени билан мукофотландилар. Андижонлик Турғун Қўчқоров ва Аҳмад Мамажоновлар Италиянинг Каррару шаҳрини озод қилишда жанг қилдилар.

Фронтда ҳалок бўлган 500 минг ва фронт ортида жасорат кўрсатган Ватанимиз ҳимоячиларининг ҳар бири ҳақида бир китоб ёзса арзийди. Шу ўринда беихтиёр бир фикр келади. Мана шундай баҳодир ўзбекистонликларни қайси фазилатлар бирлаштириб туради? Ватан ҳимояси йўлидаги қатъиятлилиқ, ҳушёрлик, мардликми? Ё танг вазиятларда энг тўғри ечимни топа олиш – тадбиркорликми?

Жавобни беихтиёр Соҳибқирон Амир Темурнинг “Темур тузуклари”га битилган бир ҳикматидан топамиз: *“Азми қатъий, тадбиркор, ҳушёр, мард ва шижоатли бир киши мингта тадбирсиз ва лоқайд кишидан афзалдир”*. Бу ҳикмат буюк саркарда, давлат раҳбарининг минглаб одамларни энг қийин вазиятларда синаб, кўриб, айтган доно маънавий хулосаси эди. Бу ҳикматга муносиб ўзбекистон йигитларининг ҳар биттаси ўнлаб, юзлаб фашистларни ер тишлатди. Чунки уларга юксак маънавият, Ватанга садоқат устурлоб эди.

Бугун Иккинчи жаҳон урушининг сабаб ва натижалари ҳақида турли-туман, бири-бирига зид фикрлар айтилмоқда:

– Собиқ тузумни кўмсовчилар – сизнинг боболарингиз СССРни ҳимоя қилиб курашганлар, деб ёшларимизни ўзларига тарафдор қилмоқчи бўлишаётир.

– Баъзилар “Фашистлар ҳалифаликни тикламоқчи бўлишган эди. Афсус, ўхшамай қолди. Энди давр келди, бизга қўшилинг”, деб қолмоқчи.

– Баъзилар эса, “Биз ҳам орий халқмиз. Қолган халқлар бизга хизмат қилиши керак-да”, демоқда. Мақсад – 9 майдан фойдаланиб ўз манфаатларини легаллаштириш, легитимлаштириш.

Биз бугун ўз Президентимиз Ислон Каримов ифодалаган энг тўғри ва оқилона хулосага содиқмиз: *“бизнинг ота-боболаримиз суронли уруш майдонларида қандайдир номаълум тепаликни эгаллаш, унга қизил байроқ ўрнатиш учун эмас, ҳаёлида авваламбор ўз ота-онаси, болалари, сеvimли ёри учун, уларнинг келажаги ва тинч ҳаёти учун жон фидо қилган”*.

Бу хулоса бугунги мураккаб ва таҳликали даврнинг мафкуравий полигонларида барчамизнинг Ижтимоий ҳамкорлик миллий гоямиз асосида бузгунчи гояларга қарши курашда маънавий куч, қудрат беради. Бу курашда оталаримиз жасорати ёшларимизни ватанга садоқат, мардлик руҳида тарбиялашда унутилмас ибрат бўлиб қолади.

## **«ЭМИШ» БИЛАН ТУГАЙДИГАН ГАПЛАР ҚИССАСИ**

Анча вақт бир-бири билан кўришмаган ўзбеклар учрашиб қолишса, «Еган-ичганинг ўзингизники, кўрган-эшитганингдан гапир-чи», дейишади. Тўй-маъракаларда, зиёфатларда, йўлда кетаётганда ҳамроҳ суҳбатдошлар бир-бирларига айтган гапларини «эмиш», деган сўз билан тугатишади. Кўпинча биз бунга эътибор бермаймиз. Чунки ўша кезде ҳаёлимиз айтилаётган гапларнинг мазмунида бўлади.

Медиамайдонда кезиб юрган, оғзаки тарқатилаётган ҳар бир хабар, янгилик одамларнинг ахборот озиғи. Бир мия – “тафаккур хонаси”сига кириб-чиқиб, бошқаларга ўтаётган миш-мишлардир. Миш-мишлар барча жамиятларда бўлган, бор. Уларда реал ҳаётнинг қувонч ва ташвишлари акс этади.

Шу билан биргаликда айрим миш-мишлар махсус, мафкуравий мақсадларда тўқиб чиқарилиб, у ёки бу мамлакат халқининг гоявий бирлигига қарши қаратилган бўлади. Бугунги мураккаб ва таҳликали даврда аҳолимиз, айниқса ёшларимизнинг

интернет, ёки турли ижтимоий тармоқлар томонидан тарқатилиши мумкин бўлган ана шундай миш-мишларга қарши мустаҳкам мафкуравий иммунитетга, ўз мустақил фикрларига эга бўлишлари талаб этилади. Бунинг учун ҳам бир қараганда арзимас бўлиб туюладиган миш-мишлар, улардан тарихда қандай мақсадларда фойдаланилганини билишнинг мафкуравий аҳамияти катта.

\* \* \*

Президент Ислом Каримов Самарқанд шаҳрида 2014 йил 15–16 май кунлари бўлиб ўтган “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожига роли ва аҳамияти” мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимида сўзлаган нутқида *“Улуғ қомусий аллома Абу Райҳон Берунийнинг илмий даҳоси билан яратилган мислсиз кашфиётларга тўлиқ баҳо беришнинг ўзи қийин. Берунийнинг 150 дан зиёд илмий ишларидан бизгача фақат 31 таси етиб келганига қарамасдан, аллома қўлғемаларининг қўлимиздаги ана шу тўлиқ бўлмаган намуналари ҳам унинг нақадар серқирра мерос қолдирганидан далолат беради”*, деди. Дарҳақиқат, буюк Беруний даҳоси ўзининг серқирралиги билан кишини ҳайратга солади ва мафтун этишда давом этмоқда.

Бугун биз алломанинг ахборот технологиялари, мафкуравий тарғибот соҳасидаги яна бир кашфиётининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Оддий одамлар наздида арзимас бўлиб туюладиган хабар, миш-мишга аллома жуда катта эътибор берган. Бундан минг йил олдин алломанинг миш-миш масаласини махсус ўрганиб, унинг пайдо бўлиш сабабларини классификация қилиши ва буни одамларнинг манфаатлари билан боғлаб тадқиқ қилгани бунга яққол мисол.

Бугун – орадан минг йил ўтди. Бироқ миш-мишларнинг тарқалиш тезлиги, кўлами, сони, тўқувчилари кўпайди. Воситалари, ҳаракат тезлиги ҳаддан ортиқ тезлашди. Аммо уларнинг пайдо бўлиш сабаблари ўзгармасдан қолмоқда. Ўша сабаблар худди Мирзо Улуғбекнинг юлдузлар жадвали, Ал Хоразмий асос солган алгоритми каби амалда. Ишлаётир. Демак, буюк аждодимиз

Абу Райҳон Беруний бугунги глобал, интернетдан тарқатилаётган турли-туман, зарарли ахборотлар оқимидан ўзимизни ҳимоя қилишимиз учун мафкуравий иммунитетимизга қувват берувчи асос яратиб кетган экан. Биз уни Берунийнинг “Ёлғон хабарнинг тўрт сабаби” медиаконуни деб атадик.

Қуйида биз Берунийнинг мазкур медиаконуни моҳиятини қисқача очиб беришга ҳаракат қиламиз. Эътибор қилсангиз, миш-миш ва унинг моҳияти, келиб чиқиш сабаблари ҳақида бундан минг йил олдин айтган фикрларнинг моҳияти, назарий ва амалий аҳамияти бугун ўз қийматини заррача йўқотмаганини кўрасиз. Улуг Абу Райҳон Беруний бундан минг йил бурун шундай ёзган эди:

“Хабар хабар берувчилар сабабли ростлик ва ёлғонлик тусини олади. Чунки одамларнинг мақсадлари хилма-хил; халқлар ўртасида тортишиш ва талашиш кўп,” – деб ёзади. Беруний миш-миш таркатувчиларнинг ёлғон сўзлашидан аниқ манфаатлар ётишини шундай очиб берган:

“...бир киши ўз жинсини улуғлаб, ... ёки ўзини кўрсатиш мақсадида бошқа бир зид жинсни айблаб, ёлғон гап ёяди, чунки у шу билан (зид жинс устидан) ғалаба қозонган ва ўз истагига эришган бўлади. Бу икки хил хабарнинг ёмон истак ва ғазаб тақозосидан келиб чиқишлиги маълум.

Иккинчи бир киши эса, ўзи севадиган бир табақага миннатдорчилик билдирмоқчи бўлиб ёки ёмон кўрадиган бир синфни хафа қилмоқчи бўлиб, улар ўртасида ёлғон хабар таркатади. Бу хил (хабар таркатувчи) аввалги хабар берувчи мухбирга яқин бўлади. Чунки бу хабарни дўстлик ёки душманлик натижасида таркатган бўлади.

Шунингдек, учинчи бир киши ўзининг паст табиатлилиги сабабли бирон яхшиликка эришиш ёки ўзининг юраксиз ва кўрқоқлиги сабабли – ёмонликдан қутулиш учун ёлғон хабар таркатади. Шундай кишилар ҳам бўладик, уларнинг табиати-га ёлғон хабар тарқатиш ўрнашиб қолиб, гўёки унга шу вазифа юклангандек бўлади ва ёлғон хабар таркатмасдан тинчий олмайди. Бу, ёмон хоҳишлардан ва табиатига бузуқ фикрларнинг жойлашганлигидан келиб чиқади.

Баъзи киши (ёлгон хабар тарқатувчига) тақлид қилиб, билмасдан ёлгон хабар тарқатади...”

Буюк алломанинг ушбу медиақонуни тарихнинг турли даврларида ўз тасдиғини топиб келди. Масалан, Иккинчи жаҳон урушида. Гитлерчи фашистлар Польшага ҳужум қилган пайт. Газеталар чиқиши тўхтаб қолган. Шунда “Польша қўшини Германияга қарши қаҳрамонона ҳужумга ўтибди. Уруш Германия ҳудудида давом этаётган эмиш...” – деган хабар тарқалади. Шунга ўхшаган миш-мишлар Европанинг бошқа мамлакатларида ҳам учраган. Бу одамларнинг урушни тезроқ тугаши умиди ифодаланган миш-мишлар эди.

Одамлар ўз шахсий манфаатларига тегишли масалаларни жуда зийраклик билан кузатиб боришади. Газеталар шарҳи, телевидениеда иқтисодиёт, валюта курси, сиёсий, маданий ҳаёт, спорт янгиликларини диққат билан кузатиб боришади. Ҳар бир киши, ўзига керакли маълумотни танлаб тинглайди, эшитади ва ўз саволларига жавоб топади. «Маълумот чанқоғини» қондиради. Кўриниб турганидек, бунда ҳам талаб-таклиф механизмини кўрамиз. Мабодо расмий оммавий ахборот воситалари кундалик ҳаёт саволларига жавоб топа бера олмаса, жавобларни одамларнинг ўзлари «тўқийдилар». Ахборот “таклиф”ининг бу турини миш-миш дейишади.

Одамлар ўз ҳаётига, мулкига, болалари келажагига кучли, реал таҳдидни кўрганларида бу таҳдидга қарши кўпчиликнинг фикрини ҳосил қилиб, ўз руҳий тушқунликларини енгиллатишга интиладилар. Содда, тушунарли, энг муҳими – одамларни хотиржам қилувчи бундай хабарлар тез тарқалади. Миш-мишлар тўғрилиги учун эмас, айтувчи ва эшитувчининг манфаатларини, умидларига мослиги туфайли, тайёр ҳаёлий ечим шаклида тез оммалашади.

Миш-мишларнинг бу хусусияти ўрганилгач, Ғарбда улардан мафкуравий кураш воситаси сифатида XX асрнинг 20-йилларида кенг фойдалана бошланди. Дастлаб фирма, компаниялар миш-мишлардан рақобат курашида фойдаланиб кўрдилар. Масалан, «Рақиб фирма ходимлари ёппасига ёмон юкумли ка-

салга чалинибди. Уларнинг маҳсулотини олиш хавфли эмиш», деган ёлгон хабарлар ўйлаб чиқилади.

Бу ишга актёрлик лаёқати бор кишилар ёлланди. Улар одам гавжум жойларда у ёки бу фирма тиккан камзулнинг зўрлиги, бирор фирма автомобиль шиналарининг сифатлилиги ҳақида эшиттириб гапирар эдилар.

Аста секин норасмий маълумот тарқатишнинг бу усули ички ва ташқи сиёсатда ҳам фойдаланила бошлади. Катта пул эвазига миш-миш ишлаб чиқарувчи илмий тадқиқотлар бошланди. Ҳозир ҳам Ғарб мутахассисларининг фикрига кўра тарғиботнинг икки: расмий (оммавий ахборот воситалари – газета, радио, телевидение, интернет) ва норасмий (оғзаки миш-мишлар тарқатиш) каналлари бор. Уларнинг таъсир кучи ва самарадорлиги тенглиги тан олинган.

Миш-миш орқали тарғибот психологик урушларда айниқса кенг қўлланилди. Шивирлаб тарғиб қилишнинг моҳияти, кучи нимада эди? Психологик уруш назариётчиларида бири Пол Ленбаржер буни “Миш-мишлардан аниқ, ҳарбий, иқтисодий ёки сиёсий мақсадни кўзлаб, аҳолининг аниқ бир қатламини мўлжалга олиб, уларнинг онги ва қалбига режали, босқич-ма-босқич таъсир кўрсатиш воситаси”. деб таърифлаган эди.

XX асрнинг 60 йилларида дунёнинг айрим мамлакатларида ҳарбийларини ўқитувчи «Урушнинг махсус методлари» Марказлари ташкил этилган. У ерда десант қўшинлари аскарларига кўприкларни портлатиш, «сирли ўлим»ларни ташкил қилиш, қудуқларни заҳарлаш, портатив ксерокопияларда варақаларни кўпайтириш ва бошқа ҳарбий малакалар билан бир қаторда миш-миш тарқатиш методлари ҳам ўргатилган.

Етакчи француз газеталаридан бири «Монд» полковник Э.Лендсдалнинг Вьетнамда ўтказилган ҳарбий амалиёти ҳақида шундай ёзган эди: «...унинг одамларига тинч ҳаётни, барқарорликни бузиш вазифаси юклатилди. Бир гуруҳ жамоат транспортини ишдан чиқаришга уриниб кўрди. Фойдаси бўлмади. Иккинчи гуруҳга аҳоли орасига ғалаён солиб, Сайгонга боровчи қочкинлар сонини ошириш вазифаси юкланди. Лэндсдал иккинчи усулни «психологик уруш» деб атади.

Ўйлаб-ўйлаб, «Куни кеча қўшинлар бир Вьетнам кишлоғини босиб олганмиш. Одамларни ўлдириб, аёл-кизларни зўрлаётган эмиш» деган миш-миш тарқатилди. Бир оз ўтгач эса, «Ши-молий Вьетнамнинг босиб олинган қисмининг аҳолиси асир олиниб, темир йўл куриш ишларига ёппасига жўнатилади» – деган варакалар тарқатилди. Ҳарбий қуроли еча олмаган вази-фани мафкуравий қуроли – миш-миш ҳал қилди. Миш-мишлардан собиқ коммунистик мафкура ҳам зўр фойдаланди. Бугун биз бунини «оммавий ахборот воситаси» сифатида миш-мишлар ҳақида қатор илмий анжуманлар ўтказилган эди.

Хўш, бунчалик қудратга эга бўлган миш-миш ўзи нима? Миш-миш – бирор ҳодиса, воқеа ҳақида бир киши ёки бирор гуруҳ томонидан тарқатиладиган, тасдиқланмаган, бир кишидан иккинчи кишига кулоқма-кулоқ ўтиб тарқалувчи оғзаки хабардир. Миш-миш бирор ижтимоий қатламнинг эҳтиёж ва манфаатларини ифодалаган бўлади.

Миш-миш – бу маълумот, хабар. Маълумот, хабар мазмуни эса турли-туман бўлиши мумкин. Миш-мишни юритувчи куч-одамларда бирор воқеа, ҳодиса ҳақидаги маълумот етиш-маслиги ва шу эҳтиёжни қондиришга умид кидиришдир.

Миш-мишлар келиб чиқиш жихатидан иккига: стихияли – ўз-ўзидан, бегараз пайдо бўлувчи ва тарғибот-ташвиқот мақсадида атайлаб ясалган, тўқилган миш-мишларга бўлинади. Оғиздан-оғизга ўтгач, миш-миш жамоа, ижтимоий қатламнинг – омманинг фикрига айланади. Миш-миш вақт ва кулоқдан-кулоққа (масофадан) ўтиб, дастлабки ҳолатидан шаклан, ҳам мазмунан ўзгариб кетиши мумкин.

Турига кўра миш-мишлар иккига: маълумот тарқатувчи ва экспрессив миш-мишларга бўлинади. Биринчи гуруҳга маълумотнинг ҳаққонийлиги маълум даражада таъминланган, шу сабабли ахборот тарқатиш (олиш) мақсадларига хизмат қилувчи миш-мишлар киради. Иккинчи гуруҳга эса, одамларнинг руҳияти, кайфияти, мафкурасини ўзгартириш мақсадида тўқиб, тарқатилувчи миш-мишлар киради. Иккинчи гуруҳга кировчи миш-мишни эшитиш натижасида одамларда бирор нарсага мойиллик, қўрқув, адоват, нафрат пайдо бўлади. Зеро,

уларни тўқиб чиқарувчилар айнан шу мақсадни кўзда тутган бўладилар-да. Шу сабабли иккинчи гуруҳ миш-мишлари «етакчи миш-мишлар» дея тан олинган.

Ахборот тарқатувчи миш-мишлар тўрт гуруҳга: ғирт ёлгон миш-мишлар, ростга ўхшаган ёлгон миш-мишлар, ҳақиқатга яқин миш-мишлар ва ёлгонга ўхшаган рост миш-мишларга бўлинади.

Соф ҳақиқатни акс эттирувчи миш-мишлар бўлмайди. Чунки огиздан-огизга ўтар экан, маълумот субъективлашиб, маъно-мазмунни ўзгариб боради. Албатта, юқоридаги бўлиш шартли, чунки тўрт гуруҳ оралигидаги миш-мишлар ҳам учрайди.

Экспрессив миш-мишлар уч гуруҳга: истак, орзу уйғотувчи, кўрkitувчи, вайронкор ва жамиятни бўлиб ташловчи миш-мишларга бўлинади.

Тарғибот-ташвиқот тарихида юқоридаги миш-мишларнинг барча тури учради. Масалан, истак, орзу пайдо қилувчи миш-мишлардан: “Яқинда немислар билан сулҳ музокаралари бошланармиш” (1939–1940 й.й. Франция.) “Япониянинг бензини 6 ойга ҳам етмас эмиш” (АҚШ, 1942 йил, қиш) каби миш-мишларни олайлик. Бу миш-мишлар тўқилган бўлиб эшитганларнинг ҳафсаласини пир қилиш ва саросима, ишончсизлик кузатишга хизмат қилади. Афсуски, тарихий материаллар бу усуллар ўз вазифаларини яхши адо этганлигини тасдиқлайди.

Кўрkitувчи миш-мишлар ҳам шу тариқа ўз-ўзидан, ё тўқиб тарқатилади, пайдо бўлади. «Кўрkitувчи» миш-миш «Истак уйғотувчи миш-миш»нинг зиддидир. «Истак уйғотувчи миш-миш» тинч, осуда ҳаётни пароканда қилишга қаратилади. «Кўрkitувчи миш-миш» эса жамиятда ташвиш, безовталик, эртанги кунга ишончсизлик, норозилик мавжуд бўлганда қўлланилади. Бу миш-мишнинг диапозони тушкунликка туширишдан то тўполон чиқаришга бўлиши мумкин. Масалан, “Перл-Харборда Тинч океан флоти бутунлай йўқ қилинган эмиш”. (АҚШ 1941 йил). “Фашистлар водопроводларни заҳарлашаётган эмиш” (Дания, Голландия, Югославия, 1940–1941 й.й.). “Юртимизда кийимини ўзгартириб олган немис парашютчилари юрган эмиш”. (Европа, 1939–1941 й.й.).

Бундай миш-мишларни тўқиб тарқатишдан мақсад – жамиятни қўрқитиб, одамларни тинч меҳнатдан қўлини совитиш, жамиятни ичдан пароканда қилиш бўлганлиги кўриниб туради.

Мафкуравий кураш вазиятидаги жамиятларда ички ва ташқи душманга нисбатан нафрат уйғотувчи вайронкор миш-мишлар юзага келади. Ана шундай тўқилган агрессия уйғотувчи миш-мишларга: “Леопольд Двиллда Конголезияликлар оқ танлиларни сўяётган эмиш” (Конго 1960 й, июль); “Панамадаги жанжални Кубанинг жосуслари уюштирган эмиш” (АҚШ, 1964 йил, январь); мисол бўла олади. Кўриниб турганидек, бу миш-мишлар аниқ мафкуравий душманларга қарши қаратилган бўлади.

Жамиятни бўлиб ташловчи миш-мишлар ўта хавфли, чунки улар халқнинг тинч, бунёдкор фаолияти, ҳаётини бузиб, ички ғоявий бирлигини пароканда қилади. Бошқача қилиб айтганда, “Бўлиб ташла, ҳукмронлик қил!” тамойилига хизмат қилади. Натижада одамлар бир-бирларига ишонмай қўядилар, шубҳа-гумон жамият онгини эгаллаб олади, “Одам-одамга бўри” муносабати урф бўлади. Одатда миш-мишларнинг бу тури атайлаб, тўқиб тарқатилади. Яъни у ёки бу йўл билан воқеалар ривожига таъсир кўрсатиб, сиёсий мақсадларга эришиш кўзда тутилади.

Юқорида айтилганидек, миш-мишларнинг юзага келишига биринчи сабаб – миш-мишларнинг одамлардаги рухий танқисликни тўлдириш қонуниятидир. Яъни, миш-мишни айтувчи ҳам, эшитувчи ҳам (ўз манфаатига мос жуда муҳим янгилик, гапни айтганидан, эшитганидан) қониқиш ҳосил қилади. Рухий қониқтириш-қониқиш жараёни икки киши орасида, бир киши ва гуруҳ орасида, гуруҳ ва жамият, миллионлаб кишилар орасидаги диалог орқали кечиши ҳам мумкин.

Иккинчи қонуният бу – янги миш-мишни айтиб бераётган, тарқатаётганда айтувчи ҳаммани ўзининг огзига қаратади. Бу эса ўша жойда – ўтиришда, маърака, тўй, жаноза, автобусда айтаётган шахснинг обрўйини, макomini кўтариб, мамнун қилади. Бундай муҳим гапни фақат у билишидан, ўзгаларнинг унинг хабарига ташналигидан ва уни қондираётганлигидан роҳатланади. Тингловчиларнинг кўзларидаги, киёфаларидаги

кўрқув, шодлик, ғайрат уни рағбатлантиради. Шу сабабли бундай роҳатли лаҳзаларни тез-тез тусайди ва яна бошқа жойда, бошқа кишиларга ҳам айтиб беради.

Бир давра ёки маъракада айтилган миш-миш асл ҳолатда, илк шаклида қолмайди. Кимдир ўз билағонлигини, хабардорлигини кўрсатиб қўйиш мақсадида уни тўлдиради, айрим сюжетларини янгилайди, кучайтиради, қўшади. Натижада илк эшитилган миш-миш «сайқалланади» таъсирчан бўлиб, “ҳалқчиллашади”. Чунки миш-мишни айтган кишида тарғиботчилик, аниқлик учун масъулият йўқ. У ихтиёрий равишда «эшитдингларми, ...эмиш» деб одамлар диққатини жалб қилиш орқали ўзининг ва бошқаларнинг эҳтиёжларини қондиради, холос. Бу қонуният аксарият ҳолларда бирор табиий офат, фавқулоддаги ҳолат рўй берган пайтда намоён бўлади. Бундай пайтда одатда, маълумот тақчиллиги содир бўлади. Бу эса янги, сўнгги ва ҳамманинг умидини ўзида мужассам қилган миш-мишга одамларнинг ташналигини оширади.

Миш-миш тарқатишда устаси фаранглар одамлар тоифаси бўлади. Улар хабарнинг қаердан, кимдан олингани билан қизикмайдилар. Завқ билан, берилиб гап тарқатиб юрадилар. Бу эса тингловчиларда “Ҳа, ҳақиқатдан ҳам шундай эканда”, деган ишончни уйғотади. Гумонга ўрин қолдирмайди. Миш-мишни гўё ҳамма маъкуллайдигандек туюлади. Шу сабабли миш-мишга гўё бор гапдек қаралади.

Огоҳлантирувчи миш-мишлар ҳал бўлади. Бу миш-миш тури аҳолини ёки унинг бир қисмини яқинлашиб келаётган бирор хавфдан огоҳлантириш мақсадида пайдо бўлади. У жуда тез тарқалади. Масалан, “фашистлар десант ташлабди” қабилида. Бундай вазиятда бир киши ўз кўрқув туйғусини бошқалар билан ўртоқлашиб, “енгиллашиб олиш” истагида миш-мишни бошқаларга астойдил тарғиб қилади. Бу билан тарғиботчи ўзининг тарқатаётган совуқ хабарида “бирор киши асосли далиллар билан рад этса эди” деган умидини ҳам изҳор этади.

Мафкуравий курашлар тарихида “Огоҳ одам – куролланган одам”, деган баҳо бор. Биз бу ҳикматни шундай давом этти-

рамиз: самарали мафкуравий профилактика бу – душманнинг қўлидаги қуролни тортиб олиш билан баробардир.

Вайронкор миш-мишларга қарши курашиш мумкинми? Мумкин. Тарғибот тарихи бунинг профилактик тадбирлар кўриш ва қарши тарғибот усуллари биледи. Профилактик тадбирлар бу – вайронкор гоёларни тарқатувчи миш-мишларнинг кириб келиши ва тарқалишига йўл қўймайдиган кайфият ҳосил қилиш ва кириб келган миш-мишнинг тез тугабини таъминловчи муҳит яратиш демакдир. Бунинг учун оммавий ахборот воситалари, тарғибот-ташвиқот тизими ахборотларнинг руҳий, эмоционал бойитилишига эришмоқлари даркор. Яъни одамлар орасида айланаётган ахборот оқими тезкор, ҳаётий, илмий асосда ўрганилиб, уларнинг энг тўғри шарҳлари бериб борилиши керак.

Бу ишда давлат, нодавлат, жамоат ташкилотлар раҳбарлари зиммасига алоҳида масъулият юкланади. Чунки жойларда (ўзбек муҳитида бу айниқса яққол намоён) одамлар раҳбар кадрларнинг сўзларига алоҳида ишонч, ҳурмат билан қарайдилар. Бу эса ҳар бир каттаю кичик раҳбардан мафкуравий огоҳлик ва собитликни талаб қилади. Ҳозирги мафкуравий курашлар давом этаётган шароитда бунинг нечоғлик, муҳим эканлигини исботлашга эса ҳожат йўк.

Қарши тарғиботда миш-мишларга қандай муносабатда бўлмоқ керак? Бу саволга битта жавоб камлик қилади. Бунда ҳар бир зиёли, фаол фуқаро қаршисида икки йўл пайдо бўлади:

1. Индамай қўя қолиш (бу эса тарқалган миш-мишга нисбатан ҳаракатсизликни ёки уни рағбатлантиришни англатади.)
2. Кўр-кўрона, тўғридан-тўғри фош қилиш (лекин бу усул фош қилинаётган вайронкор миш-мишнинг янада тарқалишига сабаб бўлиши мумкин).
3. Вайронкор гоёга хизмат қилувчи миш-мишни тўғридан-тўғри, кўр-кўрона эмас, балки фактлар ёрдамида барбод қилиш керак.

Агарда бирорта янги вайронкор миш-миш пайдо бўлганлиги қайд қилинса, ана шу миш-миш мазмунини фактлар, рақамлар, воқеа ва муносабатлар билан фош қилувчи, бузгунчи таъсирини йўқотувчи мақола, кўрсатув, эшиттириш, кўрса-

тувлар, блог-муносабатлар ташкил қилиниши бу жамиятнинг мустахкам миллий ғоявий бирлигини намоён этади.

Оғзаки ёки интернет орқали тарқатилиб, ватандошларимиз онги ва қалбига кириб, уларнинг умуммиллий бирлигини пароканда қилишга, Буюк келажакка ишончини сусайтиришга қаратилган, тўқилган миш-мишларга қарши илмий асосда кураш – ҳар бир зиёлининг виждон иши бўлмоғи керак. Зеро бу масала – мафкуравий полигонларда, одамларнинг тафаккурларида кечаётган курашларда мафкуравий иммунитетни мустахкамлаш орқали Ватанни ғоявий ҳимоя қилиш, қўриқлаш масаласидир.

Бирок, шуни унутмаслик керак-ки, ёт мафкуралар ва уларнинг назариётчилари, методистлари эса ёшларимиз онги ва қалбида бўшлиқ пайдо бўлишини ва бундан фойдаланиб ўз манфур ғояларини сингдириш пайида юришибди. Демак, биз халқимиз қалби ва онгини, унга турли вайронкор миш-мишлар орқали тикиштирилаётган ёт ғояларни ҳам билишимиз, уларни самарали фош этиб, миллатни огоҳлантиришимиз керак.

Миллий ғоямиз халқимиз онги ва қалбига сингиб, Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, Халқ фаровонлиги, Комил инсон, Ижтимоий ҳамкорлик, Миллатлараро тотувлик ва Динлараро бағрикенглик барқарор таъминланди. Тараққиётнинг “Ўзбек модели”га асосланган ижтимоий-иктисодий ислохотлар, таълим-тарбия, тарғибот-ташвиқот ишларимиз ана шу барқарорликни янада мустахкамлаб, Ватанимизни дунёнинг ривожланган демократик давлатларидан бирига айлантиришга хизмат қилмоқда.

## **МАЪНАВИЙ ТАҲДИДЛАР ВА МАФКУРАВИЙ ИММУНИТЕТ**

Халқимиз ичида “фалончининг ўғли ёки қизи йўлдан озди”, “айниди”, “йўлдан уришибди”, “хиёнат қилди”, “ишончдан чиқди” деган иборалар юради. Бир одам ҳақида илгаридан мавжуд бўлган тушунча хулосанинг ўзгарганлигини одамлар бир-бирларига шундай билдирадилар. Бу – бирор киши ҳақи-

да халқ фикрининг ё яхши, ё ёмон томонга ўзгарганлигини, бундан кейин унга муносабатда, у билан ҳамкорлик қилишда шуни ҳисобга олинглар, деган маънони билдиради. Бунга сабаб – одамнинг бирор синов вазиятида ўз обрўси, ҳурматини сақлаб, унга илгаридан билдириб келинаётган ишонччи ҳимоя қилганлиги, ёки аксинча, оқламаганлигини, ишончдан қолганлигини билдиради. Бу – мафкуравий иммунитетнинг ўзбекларимизнинг кундалик ҳаётидаги кўринишларидан бири, деса бўлади.

Аслида, мафкуравий иммунитетнинг ички тузилиши қандай? Мафкуравий иммунитет – одам ўз ҳаётида амал қиладиган англаган қоидалар йиғиндиси. Ёки рамзий қилиб, уни шахснинг мафкуравий конституцияси деб атаса ҳам бўлади. Бу конституция икки асосга таянади. Биринчиси – у яшаётган миллий-маънавий муҳитда қабул қилинган меъёрлар. Иккинчиси – шу меъёрларнинг одам дунёқарашида ўзлаштирилган қисми.

Демак, шахс ва жамият мафкураси уйғунлиги жамиятни, давлатни кучли қилади. Акс ҳолда, одамлар мафкураси ҳаммани бирлаштириб турувчи умуммиллий ғоя, мафкура, дунёқарашдан қанчалик узоқлашса, бундай жамият шунчалик мафкуравий парокандаликка яқинлаша боради. Бу муаммони миллий тарбия, мафкуравий профилактикага йўналтирилган тарғибот-ташвиқот ишлари бартараф қилади.

Ҳар бир мамалакатнинг ўз тарғибот-ташвиқот тизимлари бор. Улар турлича номланса ҳам, мақсад ва функциялари бир. Яъни умуммиллий бирликни яратиш, сақлаб туриш, кучайтириш, умуммиллий мақсад сари рағбатлантириш, йўналтиришдан иборат.

Халқаро терроризм мафкураси ва биз дуч келаётган информацион хуружлар, диний ақидапарастлик, экстремизмнинг халқимиз онги ва қалбини эгаллашга қаратилган уринишлари ёшларни миллий истиклол ғояси асосида тарбиялаш олдига янги вазифаларни қўймоқда. Жумладан, тарбиявий ишларда ёт мафкураларнинг мустақиллигимизни мустаҳкамлашимизга қарши олиб бораётган ёвуз ҳужумларини зарарсизлантириш зарурати алоҳида таъкидланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов «Фидокор» газетаси мухбири саволларига берган жавобларида худди ана шу долзарб масалани кўтарди ва «мафкуравий иммунитет» тушунчасининг ижтимоий-сиёсий моҳиятини очиб берди.

«Иммунитет» тушунчаси латинча «*immunitas*» сўзидан олинган бўлиб, «бирор нарсадан халос этиш, озод этиш» маъносини англатади, яъни шахсни турли зарарли гоёвий таъсирлардан ҳимояловчи тизимдир. «Иммунитет» тушунчаси дастлаб тиббиётда фойдаланилган бўлиб, организмнинг ўз-ўзини турли касалликлардан ҳимоя қила олиш қобилиятини билдирган.

«Иммунитет» тушунчасининг ижтимоий-маънавий жараёнлардан келиб чикувчи, тарбия билан бевосита боғлиқ тарафини Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов қуйидагича ифодалайди: *«Маълумки, ҳар қандай касалликнинг олдини олиш учун, аввало, киши организмда унга қарши иммунитет ҳосил қилинади. Биз ҳам фарзандларимиз юрагида она Ватанга, бой тарихимизга, ота-боболаримизнинг муқаддас динига соғлом муносабатни қарор топтиришимиз, таъбир жоиз бўлса, уларнинг мафкуравий иммунитетини кучайтиришимиз зарур. Ана шунда жоҳил ақидапарастликнинг «даъвати» ҳам, ахлоқни рад этадиган, биз учун мутлақо бегона гоёлар ҳам ўз таъсирини ўтказа олмайди»*

Ўзбекистон Республикаси Президенти «Миллий истиқлол гоёси: асосий тушунча ва тамойиллар» рисоласига ёзган сўзбошисида ҳам: *«Ҳозирги мураккаб шароитда халқимиз, аввало, ўсиб-униб келаётган ёш авлодимиз онги ва қалбида мафкуравий иммунитет ҳосил қилиш муҳим аҳамиятга эга»,* – деб таъкидлаб ўтган эди.

Ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантиришнинг аҳамияти муҳим ижтимоий-маънавий зарурат сифатида ортиб бормоқда.

Шу сабабли замонавий олий ўқув юрти маънавий-маърифий ишлари мазмуни ва уларни янада такомиллаштиришни, яъни мафкуравий муаммоларни ва гоёвий кураш масаласини янада чуқур илмий-педагогик таҳлил қилиш, ёшларда амалий мафкуравий кўникмаларни шакллантириш йўлларини яхши-

лаш, ёшларни мафкуравий тарғиботга тайёрлаш методларини ишлаб чиқишни талаб этади.

Мустақиллик миллий тараққиётимизнинг ҳозирги боскичида таълим муассасаларининг муҳим вазифаларидан бири – ёшларни юксак ғоявийлик ва миллий ғояга содиқлик, ёт мафкураларга қарши муросасизлик руҳида тарбиялашдир.

Ёшлар дунёқарашида соғлом эътиқод, ишонч ва миллий кадриятларнинг устуворлиги ёт мафкураларга қарши иммунитетни тарбиялашда:

- миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар билан қуроллантириш;
- ҳаёт ҳодисаларини дунёвийлик, илмийлик тамойили асосида таҳлил қилиш ва баҳолашга одатлантириш;
- ўз қарашларини ҳимоя қилишга ўргатиш;
- бузғунчи мафкураларга ҳар доим, ҳамма жойда муросасиз бўлишга тайёр бўлишлари зарур.

Ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш педагог кадрларнинг ғоявий-назарий ва услубий тайёргарлигига ҳам боғлиқ. Ҳар бир профессор-ўқитувчи, энг аввало, миллий ғоямизнинг тарғиботчиси бўла олиши керак.

### **Натижа учун ишлаш**

Ҳали ҳам бизда эскича фикрлар бор. Эски фикрлар бизни эскича фикрлашга ўргатапти. Бир мисол. Овдан қайтган овчи-га “Натижа қандай бўлди?” – деб сўрасанг у: “10-12 км юрилди, ўлжа пойлаб кутилди, 47та ўқ отилди», – демайди. “2 та қуён, 4 та каклик отиб келдим, мана”, – дейди. Врач: “40 та касал бор эди. Ой давомида унга ташхис қўйдим, укол қилдим, ҳолидан хабар олдим, керакли муолажалар қилдим”, – демайди. У: “Ойда 26 таси соғайиб кетди, 14 тасини даволаш давом этмоқда,” – дейди.

Фермер йил давомида неча марта пахтасини суғоргани, қанча маҳаллий ўғит солгани, неча марта культивация қилганини эмас, гектаридан 40 центнер биринчи нав пахта териб, давлатга сотганини айтади. Жангчи ҳам душманга қаратиб қанча ўқ отганига қараб эмас, душманни қанча камайтиргани учун мукофотланади.

Ҳар бир маънавий-маърифий тадбир (учрашув, суҳбат, театрға тушиш, маъруза) – душманларимизга қарши отилган ғоявий ўқ. Отилган ўқ тегмаса, ўлдирмаса, таъсир қилмаса, айб уни тайёрлаб чиқарган заводда. Тажрибавий тадбиримизга ёшларга таъсир қилса-ю, тадбир қилмаса, айб тадбирни тайёрлаб, ўтказувчиларда. Ўқ яхши бўлса-ю, нишонга теккиза олмаслик, унда ўқни ишлаб чиқувчи завод эмас, биз айбдормиз. Ёшлар тарбиясига профессионал, янгича ёндашув ана шу ачиқ ҳақиқатдан келиб чиқиши керак.

Мафкуравий иммунитетни шакллантириш жамият ҳаётининг энг нозик жиҳатларидан, ёшларнинг миллий ҳис-туйғулари, мақсад ва интилишлари, маънавий-маърифий ва руҳий-ахлоқий даражасига бевосита боглиқ ҳодиса. Шундай экан, ёшларимиз ёт мафкураларнинг «меҳрибонлиги», «холислиги» ва «бетарафлиги», «ёқимлилиги», “дўстоналиги” ортида нима ётганини англай билишлари лозим. Яъни уларнинг замирида мунтазам тактикасини ўзгартириб турувчи жонсарак ақида-парастлик тарғиботи турганини танишга, тушунишга ўргатиб бориш керак.

Диний экстремизм тарғиботи ва унинг шиори – Халифалик «улкан ёлғон», яъни ўзбек ёшларини овлашнинг бош тузоғидир. Бу тузоқ кўп йиллар давомида уларнинг ғанимларимизнинг «мафкура бўлимлари» ишлаб чиққан ёлғон ва уйдирмалардан тўқилган. Ўз даврида фашизм ҳам диний никобга ўраниб, катта ёлғоннинг кўп қайтарилишига суянган эди. «Халифалик» деб аталган «катта ёлғон» ҳам ана шунга мўлжалланган.

Одатда, дин кишиларимизга маънавий озуқа беради. Жамиятни турли хил кўринишдаги иллатлардан тозалашда, инсоннинг ҳалол ва пок, диёнатли бўлишида диннинг роли катта. Чунки, дин орқали ҳар бир фуқаро жисмонан соғлом, руҳан тетикланади. Бу, айниқса, ота-боболаримиз эътиқод қилган ислом динида алоҳида эътиборга молик масала. Бирок, кейинги пайтларда динни тушуниш ва тушунтириш ишлари айрим кишилар томонидан бошқача талқин этилмоқда.

Шундай экан, айрим ёшларимизнинг ҳар хил ёт ғояларни холис ахборот манбаи сифатида қабул қилаётганларини ҳам

назардан қочирмаслик керак. Ёт мафкураларни кўр-кўрона қабул қилишнинг қулай замини – бу маиший қулайликка ориқча интилиш, ташқи гўзалликка ҳаддан ташқари берилиш, буюмпарастилик, боқимандалик ва миллий турмуш тарзида одатий ҳол бўлиб қолган афзалликлар ва неъматлардан онгсиз равишда фойдаланиш, уларни маънавий қадрият сифатида тўла англай билмасликдир. Бу каби дунёдаги мавжуд мураккаб мафкуравий вазият ёшларимизда мафкуравий иммунитетни тарбиялашни фаоллаштириш кераклигини талаб қилади. Бу Ўзбекистон Республикаси Президентининг *“Ёшларимизда ишончни, мустақил, ижодий фикрлашни шакллантириш, Ватаннинг тақдирига масъуллик ҳиссини ривожлантиришидир. Ва албатта, бизга ёт бўлган одатлар ва қарашларга нисбатан собит эътиқодни яратишидир”*, – деган фикрларида ўз ифодасини топган.

XXI асрда Ўзбекистонимизни тараққий этган жаҳоннинг пешқадам давлатларидан бирига айлантириш учун эса ўзимизда, фарзандларимизда метин мафкуравий эътиқод, умуммиллий бирлик бўлмоғи керак. Олий ўқув юртларида жорий қилинган янги ўқув фани – “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” ана шу бирликни, эътиқодни шакллантиришга қаратилган ўта муҳим ва долзарб восита бўлиб хизмат қилади.

Ёшларимизга хос: ўзини ўзи такомиллаштиришга интилиш, ўқишни ўз келажаги билан боғлаш (ўқишга кириш, касб танлаш); баъзан хатти-ҳаракатларда тажрибасизлик туфайли учраб турувчи беқарорликда, ўз-ўзини англашнинг янги босқичга кўтарилишида, ўзининг «Мен»идаги ютуқлар билан бирга камчиликларини ҳам англай бориш, тўйгулар етакчилигининг босила бориши, илгари тенгдошларидан излаган намунани энди катталар орасидан қидира бошлаши, ўзини катталар сингари ҳис қилишга мойиллик, самимий ҳамфикр қидириш ва бошқа хусусиятларни ҳисобга олиш ва уларга таяниш лозим.

Маълумки, мафкуравий иммунитетнинг шаклланиши бирданига юз бермайди. У миллий манфаатлар устуворлиги нуқтаи назарини шакллантириш ҳамда ёшларни янги, холис тарихий билимларга эга бўлишлари билан амалга ошади. Таълим муассасалари ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишда

ёшларнинг сиёсий қарашларини шакллантирадилар ҳамда уларда ёт мафкураларнинг кўринишларига фаол муросасизликни тарбиялайдилар. Бунда тарихий материаллардан фойдаланиш алоҳида аҳамият касб этади.

Албатта, бу масъулиятли ишда профессор-ўқитувчиларнинг шахсий намунаси, маънавияти, ҳаётга бўлган ғоявий-сиёсий муносабати катта роль ўйнайди. Бунинг учун ижтимоий-гуманитар фанлар ўқитувчилари замонавий ёт ғоя, мафкуралар кирдикорлари тарғиботининг умумий мақсад-ниятларини билишлари катта аҳамиятга эга бўлди. Бу ёт мафкуравий қарашларни танқид қилишга саёз ёндашиш, соддалаштиришнинг олдини олишга ёрдам берди. Замонавий мафкуравий кураш хусусиятларини, душман мафкурасининг мунофиқлигини ҳисобга олиш, бузгунчилар таянадиган асосларни далил-исботлар билан фош қилиш имконини берди.

Ҳар бир фуқаро, йигит-қиз, ўқув гуруҳи, маҳалла аҳлининг мафкуравий иммунитетини беш даражада баҳолаш мумкин.

биринчи, қуйи даража – фуқаро, ёшлар миллий ғоямиз моҳиятидан хабардор эмас;

иккинчи даража – хабардор, лекин миллий ғоя чуқур англамаган, кундалик хатти-ҳаракат асоси, мотивларига айланмаган;

учинчи даража – билимлар бор, лекин улар назарий бўлиб, фуқаро, ёшларимиз уларни кундалик ҳаётда қўллашга қийналадилар;

тўртинчи даража – миллий ғоя англаган, ғоявий таъсирни шахсий ва миллий манфаатлар уйғунлигидан келиб чиқиб баҳолай олади: ички ва ташқи сиёсий, мафкуравий таъсирларга қарши асосли салбий муносабат – иммунитетни намоён қила олади, бироқ бошқаларни бу ишга даъват қилмайди;

бешинчи даража – фуқаро, ёшлар миллий ғояни ўз эътиқодига айлантирган ва буни ҳамма жойда, доимо амалда қўлламоқда, бузгунчи мафкуравий, сиёсий ғояларга фаол қарши курашади, бошқаларни ҳам шунга фаол даъват қилади.

Мафкуравий иммунитетни юксак даражада шаклланган фуқаро атрофидагиларни ҳам ғоявий тарбиялаш салоҳиятига эга бўлади.

Ўзи ва миллати учун бефойда, зарарли одатларидан воз кечади.

Миллат манфаатларини ўз манфаати, ўз манфаатини эса миллат манфаатига эришиш шарт деб тушунади.

Ҳар бир мафкуравий таъсирга: Бу маълумотни кимлар, нима мақсадда тарқатишмоқда? Тарқатувчи бундан қандай фойда олмоқчи? Айтилаётган гаплар ҳақиқатми, никобми? Диний экстремизм нима деяпти – нима қиялпти? деган таҳлилдан келиб чиқиб, муносабат билдиради.

Ўз вазифасини миллатнинг кунига яраш, оғирини енгил қилишда кўради. Шу сабабли у ўз шахсий қобигидан чиқиб кўтарилади ва миллат манфаати учун, миллат фаровонлиги орқали ўзини камолотга эриштириш учун бошқалардан кўпроқ, самаралироқ меҳнат қилади.

Миллий ғоя, мақсадга ишонади, уни ҳимоя қилади.

*Маҳалла, таълим муассасаларида олиб бориладиган мафкуравий профилактика – Ўзбекистон халқини бузгунчи ғоялар таъсирининг олдини олиш, унинг озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуришига ишончини, соғлом эътиқодини сақлаш ва янада мустаҳкамлашга қаратилган илмий, таъликий, маънавий-маърифий, таълим-тарбиявий, тарғибот-ташвиқот ишлари мажмуи ишлаб чиқилади ва амалга оширилади.*

Мафкуравий профилактиканинг пировард мақсади аҳоли, айниқса, ёшларимизда мустаҳкам мафкуравий иммунитетни кафолатли шакллантиришдир.

## МЕДИАОГОҲЛИК

*Мен сиз, ҳурматли ўқитувчи ва мураббийларни бу муаммоларнинг барчасини қалбидан, юрагидан ўтказиб, улардан тўғри хулоса чиқариб яшайдиган инсонлар сифатида биламан.*

*Айрим қабих кучлар томонидан ўзининг стратегик мақсадларини кўзлаб, ёвуз ният билан амалга оширилаётган бундай зарарли ишлардан халқимизни, айниқса, ёшларимизни огоҳ этиш, миллат ва элатларни бир-бирига қарама-қарши қўйишига уринишларнинг ҳақиқий маъносини, уларнинг қандай оғир*

*оқибатларга олиб келиши мумкинлигини очиб беришда, одамларни ҳушёр ва сезгир бўлиб яшашига, мусаффо осмонимизни, тинч ҳаётимизни кўз қорачигидек асраш ва қадрлашга даъват этишда мен биринчи навбатда сизларга ишонаман ва бундан буён ҳам барчангизни ўзимнинг маслакдошим, деб биламан.*

## Ислом Каримов

Афанди бир куни болаларни алдамоқчи бўлибди: “Ху-у ана-ви муюлишда бир киши текин ёнғоқ бераётир”, – дебди. Болалар гурр этиб ўша ёққа чопиб кетишибди. Ўртоқларига ҳам айтишибди. Афандининг ёнидан яна 5–6 ўсмир ўша ёққа югуриб ўтибди. Шунда Афанди ўзига-ўзи, “Наҳотки шундай бўлса”, – деб уларга қўшилиб кетган экан.

Нега шундай бўлди? Чунки болалардан ҳеч бири Афандига: “Ким экан ёнғоқни таркатаётган?”, “Ёнғоқларни қаердан олибди?”, “Нимага бепул таркатади?”, “Сиз буни бизга нима учун айтаяпсиз?”, “Сизга бу хабарни ким айтди?”, “Нима учун ўзингиз бормаяпсиз?”, “Кимлар текин ёнғоқ олибди?” деган саволларни бермаган.

Бу латифа бекорга тўқилмаган. Бу – ахборот, миш-мишнинг қанчалар юкумлилигини кўрсатувчи қадимий ҳикмат. Бугун кўплаб ижтимоий тармоқлар ана шу ишни қилишмоқда. Буюртма асосида. Бугун айрим риёкор гуруҳлар алданган болалар сонини (1000–10 000 каррага) кўпайтириши мумкин. Бу хизматнинг номини медиа, флэшмоб ва бошқа сўзлар билан аташмоқда.

Дунё мамлакатлари мактаб, коллеж, институт ўқув дастурларига “ахборот хавфсизлиги”, “ҳаёт хавфсизлиги”, “йўл ҳаракати хавфсизлиги” “техника хавфсизлиги”, “саноат хавфсизлиги”, “ёнгин хавфсизлиги”, “озик-овқат хавфсизлиги” деган фанларни киритишган. Европа Иттифоқи мамлакатлари таълим муассасалари дастурларига “медиатаълим” деган махсус ўқув фанини киритишган. Нега?

## Медиахавфсизлик

“Хавфсизлик бу ёвузлик  
йўлининг тўсилишидир”.

*Платон.*

Одам таҳдидлардан мутлақо холи яшаши мумкинми? Мумкин, бироқ бунинг учун у ҳеч ким билан учрашмаслиги, кўришмаслиги, эшик-туйнуқларни маҳкамлаб, уйдан чиқмай ўтириши керак. Албатта, бундай шароитда яшашга ҳеч ким кўнмайди. Шу маънода ҳар бир одам, унинг компютери ҳам очик тизимлардир. Яъни реал одамлар ва виртуал олам билан фикр, ресурс алмашиб, форум, чатга кириб, мулоқотда яшайди. Демак, ҳар биримиз у ёки бу таҳдидга нишон бўлишимиз мумкин.

Ёвуз гоёлар ҳамма вақт кўп бўлган. Лекин уларнинг кенг ёйилиши учун бир томондан, минглаб ташвиқотчиларнинг тинмай юриб, тушунтириш олиб бориши керак бўлган. Иккинчи томондан, эзгу гоёлар, яхшилик, халқларнинг миллий кадриятлари вайронкор гоёларга қарши турган. Шу сабабли вайронкор гоёларнинг ҳаммаси ҳам цивилизацияларга катта зарар етказа олмаган.

Медиа – телевидение, радио, кинематограф, оммавий нашрлар (газета, журнал), компьютер ахборот тизимлари пайдо бўлди. Энди минглаб тарғиботчилар шарт бўлмай қолди. Ўз даври медиасидан унумли фойдаланган коммунизм, фашизм гоёлари миллионлаб ўз ва ўзга мамлакат фуқароларининг умрига зомин бўлишди.

Баъзан интернет, медиа дейилганда қовогимиз солинади. Булар албатта ёмон-да, деймиз. Аслида ҳам шундайми? «Медиа» лотинчада восита, ўртада турувчи, деган маъноларни беради. У – м а ъ н а в и й (ахборот, билим) э х т и ё ж л а р и н и қондириш воситаси. Пичоқ, олов, сув каби холис восита. Врачнинг қўлидаги пичоқ беморни соғ қилади. Жиноятчининг қўлидаги пичоқ эса соғни бемор қилади. Оловнинг камлиги қишда одамни музлатса, кўпи куйдиради. Кўп

сув ғарқ қилса, сувсизлик қақратади. Медиа ҳам шундай. Агар меъёрда, компетентли фойдаланилса, медиа донолар учун – билимлар манбаи. Нодонлар учун – балолар манбаи. Демак, гап медиада эмас, ундан фойдаланувчиларда, аниқроғи, ҳар бир йигит-қизнинг медиамаънавиятига боғлиқ бўлиб чиқаяпти.

Британиялик медиапедагог Д.Букингемнинг фикрида жон бор. У: “Ахборотлашган жамиятда ёшлар албатта медиамаҳсулотларни пассив қабул қилишади ва албатта медиаматериалларнинг курбонларига айланишади, дейишади. Бироқ медиапедагогика боланинг ўзини марказга қўяди. Боладаги медиабилим ва тажрибага таянади”, – дейди.

Шундай экан ёшларга медиа маҳсулотларни танлаш ва фойдаланишни ўргатиш бугунги куннинг асосий шартларидан бирига айланди. Бироқ муаммо шундаки, ота-оналар, ҳатто баъзи ўқитувчилар ҳам ўз болаларига медиамаданиятни (катталарга салом бериш, чой қуйиб узатиш, сочни турмаклаш ва ҳ.к. каби) ўргата олмайдилар. Бунинг устига, ахборот технологияларининг шитоби шунчалар тезки, унга ёшларнинг ўзлари ҳам зўрга етиб олишаётир.

### Медиамаданият

Биз қачон, нимани, қанча, нимага қўшиб ейишни ўйлаб қўриб, ҳал қиламиз. Оғзимиздан кираётган луқмани ўйлаб, текшириб, қўриб, ўлчаб қабул қиламиз. Бунга сабаб – бизда ота-оналар, мураббийлар шакллантирган овқатланиш маданияти борлиги. Буни кўпинча ўзимиз англамаймиз ҳам.

Медиамаҳсулотлар ҳам товар, маънавий маҳсулот, “овқат”. Маънавий озука ундан-да кўпроқ эътибор талаб қилади. Қарамай еб-ичиш ошқозонни бузади, эгасини заҳарлайди. Медиамаҳсулотни қандай бўлса, шундай “ютиш” эса ёшлар маънавиятида шу пайтгача шаклланган маънавий қадриятлар тизимини ларзага солади. Қадриятлар тизими бузилса, уни дори-дармон билан тузатиб бўлмайди.

Ёшлар – медиа маҳсулотларни энг кўп “еб-ичадиган” сегмент. Демак, ҳар бир замонавий йигит-қиз медиа бозорнинг

“ичи”ни билиб ўсиши керак. Бу – интеллектуал ахборот асрининг талаби, замонавийликнинг шарти. Шунинг учун ҳам, ЮНЕСКО медиатаълимни XXI асрда маданий-таълимнинг устувор йўналишларидан бири сифатида белгилаб олган.

Медиа – маънавий маҳсулотларнинг виртуал бозори. Бу бозорда ҳеч ким “молим ёмон”, демайди. Бузгунчилар, жиноятчи, жоҳиллар ҳам ўз ғоя-маҳсулотини “энг яхши”, дейди. Унда бунёдкорлик, тараққиёт учун зарур манбалар ҳам кўп. Гап одамнинг ана шу виртуал бозор таклиф этаётган маҳсулотларни харид қилишда адашмаслигида. Бугунги тилда айтганда “медиамаданиятида”.

Йигит-қизларимиз медиаматнларни ўқиётган, томоша қилаётганларида уларни қабул қилиш, таҳлил қилиш, баҳолаш ва яратиш; замонавий жамиятда медиамаҳсулотларнинг ижтимоий маънавий, мафкуравий, маданий контекстини тушунишлари керак. Бу эса одамнинг медиамаданияти қандайлигига боғлиқ. Украиналик педагог олима С.М.Стерденко медиамаданияти юқори кишини мана бундай тасвирлайди: 1) унинг медиабогланишлари сони ва давомийлиги режалаштирилган бўлади; 2) ўзига керакли ахборотни тўғри танлай олади; 3) ахборотга танқидий ёндашади, чунки медианинг зарарли таъсирларини билади, қаршисида очилган медиматнни ўз филтридан ўтказиб, кейин қабул қилади; 4) медиамаҳсулотдан фойдаланишда ахлоқ меъёрларига амал қилади; 5) медиамаҳсулот ярата олади.

Медиамаданият – турли медиа асарларни таҳлил қилиш, баҳолаш, яратиш учун зарур бўладиган билим, кўникма ва малакалар йиғиндиси. Медиамаданиятли йигит-қизнинг ўз ҳимоя қобиғи, “зирҳи” бўлади. Улар медиа маҳсулотларни ўз “маънавий филтри”(мафкуравий иммунитет) орқали кўра олишади, ўқиб, томоша қилишади. Медиаматнлардаги тарғибот-ташвиқотни, бирёқламаликни ва бунинг сабабларини, маълумот тарқатувчининг ниятларини кўриб туришади (станкан ичидаги балиқчининг ҳаракатларини кузатгандек). Бунда медиамаданият медиамаҳсулотларга танқидий ёндашувини белгилаб беради. Алданишлардан асрайди.

## Медиабозорда

Мир Алишер Навоий бобомиз ахборотнинг шахс, жамият ҳаёти, тутган аҳамиятини юксак баҳолаб, бундан беш аср олдин Агар огоҳсен сен, Шоҳсен сен, деган бебаҳо сатрни бизлар учун ёзиб кетган. Бу замон ва маконларга бўйсунмайдиган универсал медиақонуният эмасми?

Немис олимлари ушбу қонуниятга таяниб, муҳим кашфиёт қилишди. “Муҳим маълумотга эга бўлиш – ҳокимиятга эга бўлиш; кераклисини кераксизидан ажратиш – янада кўпроқ ҳокимиятга эга бўлиш; керакли маълумотни ўз режиссурасига асосланиб тарқатиш ёки ушлаб туриш – икки қарра ҳокимиятга эга бўлишни англатади. Одамларга ахборот орқали психологик таъсир кўрсатишнинг имкониятлари ана шундай», дейилади Германиядаги асосий политология дарсликларидан бирида.

Медиабозорда тайёрловчи, ахборот (маҳсулот), етказиб беришчи ва истеъмолчи иштирок этади. Тайёрловчи бу – ғоя муаллифи, материалларни тўплайди, таҳлил қилади, медиаматнни тайёрлайди, узатади; Маҳсулот (ахборот) – матн, белги, сурат ва рамзларда ифодаланган маълумот; етказувчи (канал) – ахборотни узатиш воситаси (медиа); истеъмолчи – ахборотни оловчи, ўрганувчи, талқин қилувчи шахс.

Меҳнат бозори. Баъзи иш берувчилар ходимни кўпроқ ишлатиб, маошни камроқ бериш учун турли-туман вазларни келтиради. Тўй маслаҳатини қилаётган қудалар ҳам, музокара олиб бораётган дипломатлар ҳам ахборотдан фойдаланиб, рефлексив бошқарув технологиясини ишга солишади. Мақсад – ўзи, оиласи, мамлакати учун қулай шартларга эга бўлиш. Кўриниб турганидек, ахборот манфаатларга эришишнинг асосий қуроли экан.

Бу механизм кийим-кечак, деҳқон бозорларидаги сотувчи-харидор муносабатларини эслатади. Сотувчи нима қилиб бўлса ҳам, кўпроқ мол сотсам, дейди. Уни “ўтказиш” учун турли усулларни қўллайди: камчиликларини яширади, афзалликларини оширади. “Ҳозир ҳамма биздан шуни олишяпти.

Мана, ўзим ҳам шундан кийганман”, дейди. Натижада, харидор молни ўзининг эмас, бировнинг гапига ишониб, сотиб олади. Аслида, бозорда бита яхши қовун танлаш учун ҳам билим керак. Яхши қовун қандай бўлишини билмаган йигит қайта-қайта алданаверади. Худди шунингдек, ахборотлар уюмидан керакли, фойдалисини ажратиб олишни билмаган йигит-қиз ҳам ёлғон, айниган, “қовурилган” ахборотларга алданаверади.

### **Бугуннинг стратагемалари**

Глобаллашган дунёда ёшлар манипуляторларга, бўйидан, энидан, вазнидан урувчи сотувчи, одам савдогарлари, диний экстремистлар, фирибгарлар билан бирга яшашига тўғри келади. Бундай шароитда ҳар бир ёш йигит-қиз уларга нимани қарши қўйиши керак? Ўзини қандай ҳимоя қилиши керак? Бунинг учун улар фирибгарлар билан қандай гаплашишга, ҳаётда учрайдиган қалтис вазиятларда энг тўғри, мустақил қарор қабул қилишга тайёр бўлишлари керакми?

Ўзбеклар ҳақида “бағрикенг”, “камтарин”, “хушмуома-ла”, “меҳнаткаш”, “соддадил”, “меҳмондўст”, “саховатли”, “самимий” каби фазилатларни қўшиб гапиришади. Эртақларимизда ҳам, алломаларимиз ўғитларида ҳам, маърифий кўрсатув ва эшиттиришларимизда, қўшиқларимизда ҳам ана шу фазилатлар тараннум этилади. Ёшларимизни шундай бўлишга даъват этиб келамиз. Самимийлик, окқўнгиллик, соддадиллик, ишонувчанлик – бизга ота-боболардан қолган фазилатлар. Бироқ, манипуляторларга, бўйидан, энидан, вазнидан урувчи сотувчи, одам савдогарлари, диний экстремистлар ёки ўзимиздан чиққан фирибгарларга айнан шундай одамлар керак эмасми?

Яна бир мисол. Миллий эстрадамиз қўшиқларимизнинг анчагинасида “алдади”, “алдама”, “ташлаб кетди”, деган нолишларни эшитамиз. Бунга сабаб “алданган” йигит ёки қизнинг огоҳ бўлолмаганлигида эмасми? Шундай экан, бугунги глобаллашув – барча жабҳаларда ҳаёт суръатининг мислсиз тезлашиб кетган замонда огоҳлик универсал аҳамият касб этади.

Бу эса ўзбек характери янги фазилатлар, энг аввало, огоҳлик билан бойитишни талаб қилмоқда.

Ўзининг асл ниятини яшириб, ҳийла билан муваффақиятларга эришиш доим бўлган. Бу дипломатик, ҳарбий санъат деб ҳам аталган. Бу ҳақда “36 стратагема ҳақида қисса” китобидан билиш мумкин. “Стратагема” рақибни қопқонга туширишнинг стратегик режаси, деган маънони англатади. Уни қўлловчилар ўзларини оклаш учун “Ахир бу зийраклик, ижодкорлик (креативлик), топқирлик-ку”, дейишади. Афсуски, интернет содда ёшларни қопқонга тушириш, медиафирибгарлик майдони ҳамдир. Шундай экан, ҳар бир йигит-қиз бундан ҳимояланган бўлиши зарур.

Машҳур хитойлик донишманд саркарда, моҳир стратагемачи Сун Цзи: “Юзта жангга ғалаба қилиш эмас, балки душман армиясини жангсиз енгиш – санъат”, – деган эди. Бу фикр бутунги мафкуравий курашлар учун айтилгандек туюлади. Чунки виртуал ҳудуддаги фирибгарликлар, алдовлар, қўрқитишлар, психологик ва рефлексив ўйинлар, сиёсий фитналар, мистификация, манипуляция, гиж-гижлашлар, тарғибот, психологик урушлар, одамни бошқариш, реклама кампаниялари, сиёсий ва тижорат рекламалари, дезинформация, буларнинг барчаси реал одамни сездирмай бошқаришнинг усулларини ташкил қилади.

Одамнинг ўзига билдирмай, ўзига зарарли қарор қабул қилдириш рефлексив бошқариш дейилади. Бунда алдамчи ҳаракатлардан, никоблардан, турли “воқеалар” яратишдан фойдаланилади. Натижада, одам бировлар унинг учун олдиндан белгилаб қўйган натижага келади: товарни сотиб олади, бирор ташкилотга аъзо бўлади, айтилган ҳисоб рақамига пул ўтказди, одам савдогарига... паспортини топширади.

## Манипуляция

Интернетга кирган ҳар бир киши ўзи учун тайёрлаб қўйилган “қун тартиби”ни кўради. Кимлардир, ўзлари топган асосларидан келиб чиқиб “юлдуз”лар ҳаёти, сиёсат, иқтисодиёт, технология янгиликларидан ахборот дастасини тутлади. Ана

шунда шахснинг медиасаводхонлиги қандай намоён бўлади? Медиаматнларни (муайян танқидий автономияда туриб) баҳолаш, талқин, таҳлил қилишида намоён бўлади. Бу жуда муҳим.

Нега? Чунки бир кишини бир сайт қаҳрамон деса, иккинчи сайт жинойтчи деб тавсифлайди. Бир воқеани бир сайт қонунбузарлик, деса, бошқаси демократия намоёйиши дейди. Ана шундай вазиятларда ҳар бир кишида ўзининг мустақил, танқидий фикри бўлмоғи керак.

Медиамуҳитда “танқидий фикрлаш” қандай бўлади? Танқидий медиафикрлаш бу – ҳар бир йигит-қизнинг медиаматнлардаги манипуляция ҳолатларини топиш, таҳлил қилишга қаратилган билим, кўникма ва малакалар мажмуасидир.

Медиаманипуляция бу – интернетдан фойдаланувчиларга у ёки бу гоёларни тикиштириб, уларни ўз йўлларида чалғитиш, адаштиришга қаратилган таъсир кўрсатиш медиаприём ва усуллар тизими. Бунда жўнатувчи медиадезинформациядан (ёлғон маълумот киритилган медиаматнлардан) фойдаланади.

Айрим сайтларда дин никобида диний экстремизм, терроризмга даъват қилувчи маълумотлар тарқатилади. Медиатерроризм мақсадли, режали ҳолда одамларда кўркув, саросима, ваҳима туйғуларини уйғотувчи ресурсларни яратиб, кўпайтириб, тарқатиб, одамлар устидан манипуляция қилмоқда. Мақсад – одамларни диний экстремистик, террористик майллар асосида рефлексив бошқариб, ўзларига керакли хулқ-атвор моделларини шакллантириш. Шунинг учун, ҳар бир ёш йигит-қиз аввало анъанавий, ота-боболаримиз эътиқод қилиб келган, асрлар синовидан ўтган диний қадриятларни яхши билиб, танқидий фикрлаш орқали сохта талқинларни дарҳол “та-ниб” олиб, тез ва соз фош қила олишлари зарур бўлади.

### **Ўзингизни топинг**

Одам ҳар куни турли мафкуравий (фикрни ўзгартирувчи) таъсирларга дуч келади. Бироқ ёлгонни ҳақиқатдан ажратиш, қаршисида турган ёки интернет матнидаги яширин қабих ни-  
ятни таниш осон эмас. Чунки баъзилар зийрак, баъзилар содда.

Педагоглар Кеттел факторлари асосида одамнинг ўзига қаратилган яширин мафкуравий таъсирларни таниб олиш, тушуниш ва фойдаланиш қобилиятларини ўлчашган. Натижада, одамнинг “огоҳликдан соддаликкача” бўлган зийраклик даражалари аниқланган. Натижада, сунъийлик, ҳисоб-китоблиликка (ақлга – М.Қ.) қурилган хулқнинг табиий, самимийликка (кўнгилга – М.Қ.) қурилган хулққа қарши туриши аниқланган.

Огоҳлар: ҳамма масалада доим ҳисоб-китобли; ҳар бир масаланинг “ичи”ни кўрадиган; совуққон ва ақл асосида ҳаракат қиладиган; ҳис-туйғуларга берилмайдиган; етти ўлчаб, бир кесадиган; ҳар бир ҳолат, вазият, натижа ортидаги мантиқни, сабабни ва оқибатни кўра оладиган кишилардир.

Улар бирор иш, қарор қилишдан олдин масаланинг кечаси, бугуни, эртасини икир-чикирларигача таҳлил қилишади; кўнгилчанликка берилишмайди; совуққон таҳлил билан ўз мақсад, имконият, режаларини ва уларнинг натижаларини баҳолайдилар; ўз хатти-ҳаракатларини оқилона ташкил қиладилар; ҳамма нарсада аниқликка эришадилар; турли шиор, баландпарвоз гап, мактов, оҳ-воҳларга берилмайдилар; турли хийла, фитна ва нозик айёрликларни ўша заҳоти “кекирдагидан тутадилар”.

Соддалар: ёқимли сўзлар, мактовларга ўч; мавҳум, хулосасиз (натижасиз) ўйловчи; масаланинг “ичи”га кира олмайди; ланж, сусткаш; фақат олдида турган нарсаларни кўради, билади; ён-атрофидаги, узокдагиларни кўрмайди, билмайди; тиник, тизимли фикр юрита олмайдиган кишилардир.

Улар одатда очик кўнгилли; мулоқотга киришимли; соддадил; тўй, базм, улфатчиликни ёқтиришади; оддий, табиий ва кўриб турган нарсалардан қувонишади; улар ўзларига ўша дақиқада айтилган фикр, баҳо, тафсилотга ғарқ бўлиб яшайдилар; бу фикрни, баҳони, тафсилотни берган кишиларнинг, ён-атрофдагиларнинг хатти-ҳаракатларига қарашмайди. Уларни ҳаракатлантираётган мотивлар ҳақида ўйлашмайди ҳам. “Нима учун?” дейишмайди; демак, таҳлил ҳам қилишмайди; нимани кўраётган, эшитаётган бўлса, ўшанга ишонишади; образли фикрлайдилар, абстракт фикрлашни ёқтирмайдилар; аниқликка интилмайдилар, ишни “бир гап бўлар”, деб бошлай-

дилар; умумий иш, тадбирларга, бировларнинг ташаббуслари-га ўйлаб ўтирмасдан эргашиб кетишади; кўнгилчан; ҳис-туй-гуларини мантиқ билан бошқара олмайди; айёрлик, шумлик қила олишмайди; ўзларини табиий тутишади; тез таъсирлана-дилар.

### **Мафкуравий полигонларда**

Кейинги 50 йилда коммуникатив таъсир моделлари ривож-ланди. Мафкуравий кураш оммавий тадбирлардан илмий тех-нологик асосга ўтди. Профессионаллашди. “Ўнта уй бекаси ёки бешта врачдан кўра битта журналистни қўлга киритган афзал”, деган қоида амалга кирди. Бугун ахборотни қабул қи-лувчи одамдан кўра уни бошқаларга етказадиган “фикр лидер-лари”нинг мафкуравий қиммати ошган.

Бундай вазиятда вайронкор ғоялар таъсирига тушиб қол-маслик учун нима қилиш керак? Турли хорижий сайтлардан тарқатилаётган медиаматнларга қандай муносабатда бўлиш керак? Бу борада Миллий гоя ва мафкура илмий-амалий маркази тадқиқотлар олиб бормоқда. Хорижлик медиапе-дагоглар Гарт Джоветт ва Виктория Донеллар ҳам бизнинг тадқиқотларимиз кўрсаткичларига яқин натижаларни қўлга киритишган. Шу боис уларнинг хулосаларини ҳам эътироф этган ҳолда ҳар бир медиаматнни қуйидагича ғоявий таҳлил қилиш тавсия қилинади:

1. Тарғиботнинг мафкурасини аниқланг. Тарқатилаётган ҳар бир медиаматн асосида уни тарқатган шахс, гуруҳнинг кадриятлари, баҳолари, муносабатлари, меъёрий хулқ-атвори ётади. Бунда тарғибот аҳолининг қайси қатламини нишон-га олганлиги (ёшларми, мулкдорларми ё нафақахўрларми) аниқланади. Тарғиботчи нимани яхши, тўғри ва нимани ёмон, нотўғри деб баҳолаётгани аниқланади.

2. Тарғибот контекстини таҳлил қилинг. Медиаматн тарқа-тилган кун, ойдаги вазият талқин қилинади. Маълумот қай шаклда, нималар, кимлар билан боғлаб берилмоқда? Ахборот тарқатувчи одамларнинг нима қилишини истамоқда?

3. Тарғиботчининг кимлигини аниқланг. Ўзини яширишга интилаётган маълумот муаллифи аслида ким? Бу ахборотнинг шундай қабул қилинишидан ким манфаатдор?

4. Ахборот тарқатаётган ташкилот, молиявий сиёсий гуруҳнинг тузилишини аниқланг. Бу тарғиб қилаётган ташкилот, молиявий сиёсий гуруҳни, унинг ички ва ташқи алоқалари қандайлигини аниқлаб беради. Бунда “Нима учун ахборот айнан мана шу канал, портал, ижтимоий тармоқ, сайтдан тарқатилаётир?”, “Ким буни назорат қилаётир, молиялаштираётир?”, “Мақсади нима? У “жамиятга фаол фикр тарқатувчилар”ни қайси тоифадан изламоқда?

5. Тарғибот кимларга қаратилганлигини аниқланг. Буни билиш жуда муҳим. Чунки ҳозирги кунда ахборотни кенг аҳоли қатламларига эмас, балки уларнинг орасидаги *“фикр лидерлари”*га тарқатиш афзал. Масалан, жамият элитасининг 10%и қўлга киритилса, бутун мамлакатни қамраб олиш мумкин, деган қарашга амал қилинмоқда.

6. Қайси медиаусуллардан фойдаланилаётганини билиб олинг. Буни аниқлаш учун сайтда берилаётган материалларни кузатинг. Кўзлар сўзларга маъно топиб беришади. Бир манбадан тарқатилаётган турли бир неча материал, рамзларни таҳлил қилиш тарқатувчининг мақсадини очиб беради.

7. Тарғибот усуллари таҳлил қилинг. Бузғунчи ғояларнинг *“жўнатувчилари”* аввало ёшларда шаклланган мустаҳкам мафкуравий эътиқодни ўзгартиришга интилишади. Буни уддалай олмагач, бузғунчи тарғибот уни қисман ўзгартиришга интилади. Бу билан ўқувчида ўзига ишонч уйғотишга, шахсий алоқа ўрнатиб, қалб ва онгига киришга ҳаракат қилади. Масалан, жиноятчиларни жабрдийда қилиб кўрсатади ва ҳ.к. Бунда турли машҳур *“олим”*ларнинг, *“социологик марказлар”*нинг *“хулосалари”* ишга солинади. Кўпинча, ўқувчиларнинг ҳис-туйғулари ишга солинади. Чунки ҳис-туйғуларга таянган ахборот тез ўзлаштирилишини ва хотирада узоқ сақланишини улар ҳам яхши билишади.

8. Бошқалар бу тарғиботга қандай фикр билдираётганига қаранг. Тарғиботга ўқувчилар берган *“менга ёқди”*, *“менга ёқмади”*, *“мен қўшиламан”*, *“мен қўшилмайман”*, *“мен ишо-*

наман”, “мен ишонмайман” деган жавоблар, форумлардаги фикрлар тўғри ёки нотўғри жавобларни кўрсатади. Сиз ёнингиздаги ёшларни нималардан огоҳлантиришингиз кераклиги маълум бўлади.

9. Қарши тарғибот қўлланиляптими? Бузғунчи тарғиботга нисбатан қандай фикрлар билдирилаётганини ўрганинг. Миллий манфаатларимизга мос жавобларни қўллаб-қувватланг. Нотўғри жавобларга далиллар билан эътирозлар билдиринг.

10. Самарадорликни баҳоланг. Бузғунчи тарғиботнинг зарари қай даражада? Қандай усуллардан фойдаланмоқда? Бу саволларга жавоб топгач, ўқувчиларни ўз тенгдошларини огоҳлантиришни уқтириш керак. Миллий манфаатларимиз жозибасини ва бузғунчи ғоя касофатини, кечаги ва бугунги кунларни қиёслаб, бузғунчи тарғибот таъсирини қирқувчи фактларни келтириб ёшларга кўрсатиш керак.

Бу “Фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат” тамойилимининг интернетдаги ғалабасига хизмат қилади.

## **БИР ТАҲДИДГА БЕШ ЗАРБА**

**(Ёшларда бузғунчи ғояларга қарши мафкуравий  
иммунитетни мустаҳкамлашда фойдаланиш учун ролли  
ўйин-тренинглар)**

### **Биринчи қадам. ТАНИБ ОЛИШ**

*Вайронкор ғоя (Маузер):* О, Салом!

*Бунёдкор ғоя (Анвар):* Ва алайкум ассалом!

*Маузер:* Дам олиб ўтирибсизми? Ишларингиз яхшими. Сиз билан озроқ суҳбатлашмоқчи эдим. Ким бўласиз?

*Анвар:* Марҳамат, ишларим яхши. Ўзлари ким бўладилар? Мен талабаман. Нималар ҳақида суҳбатлашмоқчи эдингиз?

*Маузер:* (Ўзини таништиради) Сиз билимли, ақлли, фаросатли йигитга ўхшайсиз. Сиз билан санъат, маданият соҳасида суҳбатлашмоқчиман. “Оммавий маданият” ҳақида биласизми?

*Анвар:* Мен бунга қўшилмайман. “Оммавий маданият” маҳсулотлари “китч” маҳсулотлар дейилади. Китч (немисча) “арзонлаштириш”, “арзон нарсага айлантириш” дегани. Китч – бу “ўхшатиш, таклид қилиш тизимидир”. Қалбаки нарсани асл нарсага. Ёмон нарсани яхши нарсага. Демак китч – асл нарса эмас, унинг нусхаси, қиммат нарсанинг арзонлаштирилган ясама нусхаси. Сунъий нарса яратиш демакдир. Бу ахлоққа нисбатан ҳам қўлланмоқда. Яъни меҳрибон бўлиш эмас, меҳрибонга

ўхшаб кўриниш, ҳақиқий дўст бўлиб эмас, ҳақиқий дўстга ўхшаш. Натижада, ахлоқ жевдо ахлоқ билан алмашади. Яхшилик ўрнини сохта “яхшилик” эгаллайди.

*Маузер:* Бизнинг ёшларимиз замонавийлашяпти, европага яқинлашяпти. Инсон дунёда лаззатланиб яшаши керак. Инсоннинг ҳаёт тизими роҳатланишдан иборат.

*Анвар:* Сиз нотўғри фикрляяпсиз, яъни гедонизмни – инсоннинг бутун ҳаёт мазмуни роҳатланишдан иборат деган гоёни илгари суряпсиз. Гедонизмга биноан роҳатланишга интилиш инсоннинг табиий эҳтиёжи, ҳаётнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучидир. Ҳозирги даврда инсоннинг ҳаёт мазмуни шахсий эҳтиёжларни қондиришдангина иборат, деган гоёни ёқлаб чиққанлар оз эмас. Улар фақат шахсий эҳтиёжларни қондириш ҳаётнинг мазмуни деб билади ва бу йўлда мавжуд ижтимоий қонун-қоидаларга берилиб, “мен” нуктаи назаридан қараб, ҳатто уларни инкор этишгача боради. Натижада, жиноятчилик, ўғрилик, гиёҳвандлик ривожланади. Жамият таназзулга учрайди. Мана, сиз айтаётган “оммавий маданият” оқибатлари.

*Маузер:* Сиз жуда ошириб юборяпсиз. “Оммавий маданият” олиб кираётган санъатнинг барча турларига омма қизиқади, уларни қизиқиш билан томоша қилади. Сиз тунги клублар, барларга, дискотекаларга боринг, шундагина ишонч ҳосил қиласиз, бизнинг ёшларимиз қанчалик даражада европалашиб, замонавийлашиб бораётганини.

*Анвар:* Афсуски, буларни қисман тан олиш мумкин. Бунақа ҳолатлар бор. Бунақа кўрсатувлар, эшиттиришлар, манбалар орқали бузгунчи гоёлар тарғиб этиляпти, энг ёмони – уларни ҳали оқ-қорани фаркига бормаидиган, ишонувчан, таъсирга берилувчан ёшларимиз кўряпти, томоша қиляпти. Бу эса “оммавий маданият” тизими, ёшларимизни авраш тизими шаклланишини англатади.

*Маузер:* “Оммавий маданият” нинг ҳар хил соҳага кириб келиши инсонларнинг маданиятнинг ҳамма турларидан завқланишига, роҳатланишига олиб келади. Улар ҳаётда асл нарсанинг моҳиятини тушунади, ҳақиқий санъатни фарқлайди.

*Анвар:* “Оммавий маданият” шахсинг дидини ўлдириб, миллионлаб одамларни мустақил фикрдан, шахсий муносабатдан, ўзлигидан, “мен”идан жудо қилади.

“Оммавий маданият” товарлари оддий ва “кўча одами”га мўлжалланган. Шунинг учун ҳам, “оммавий маданият”нинг “энг қизиқарли” ва ҳаммага тушунарли мавзулари – севги, жиноятчилик ва ҳўрлаш, енгил-елпи саргузашт, кўрқинчли манзаралар.

Мана, сиз мактаётган “оммавий маданият” қандай оқибатларга олиб келади.

*Маузер:* Сиз мени тўғри тушунинг. “Оммавий маданият” ёшларимизни кўпроқ ўзига жалб қиладиган санъатдир. Улар мумтоз, миллий эстрада ва жаҳон мусиқаси меросидан баҳраманд бўлишмоқда. Бироқ ёшларимиз замонавий ва миллий эстрада мусиқасига қизиқишади. Айниқса, тўйларда янграётган мусиқа, кўшиқларни тингланг. Улар асосан хорижий тилларда. Тўйларда келин-куёвнинг инглизча кўшиққа рақс тушиши “маданият” ҳисобланади.

*Анвар:* Ҳа, тўғри. Ўзбекистонда тинчлик-барқарорлик, тўкинчилик ҳукмрон. Бироқ кўп танқид қилинаётганига қарамасдан, тўйхоналар еб-ичадиган шовқинли майдонга айланиб бораётир. Тўйда одамлар ёнма-ён ўтиради, лекин гаплаша олмайди. Тўйда нотанишлар танишишган. Ҳозир эса танишиш, суҳбатлашишга фурсат йўқ. Чунки мусиқа шовқини гаплашишга қўймайди. Биз бунга тек қараб турганимиз йўқ. Муаммони ечишга киришганмиз.

*Маузер:* Мана, кўриб турибсизки, “оммавий маданият” омани, ёшларни европа маданиятига яқинлаштиряпти.

*Анвар:* Ҳа, баъзан тўйнинг мазмуни эмас, шаклини ўйлашмоқда. Тўйнинг оши, санъаткори тўғрисида қаттиқ қайғурадилар. Лекин тўйнинг маънавияти, маданияти бир оз эътибордан четда қолмоқда.

*Маузер:* Сиз жуда ошириб юборяпсиз. Ҳозирги вақтда одамларнинг турмуш даражаси кўтарилиб, тўла-тўқис яшай бошлади ва улар шунга мос равишда гарбга интилиб, унинг маданиятини ўзлаштиришга ҳаракат қиляпти. Шунинг учун

ҳам, тўйларга, маросимларга европача маданият, урф-одатлар, “оммавий маданият” кенг кириб келяпти. Бунинг ҳеч қандай ёмон томони йўқ.

*Анвар:* Бойликни кўз-кўз қилиш, исрофгарчилик, ортиқча сарф-харажат, одамларнинг ҳасадини келтириш ҳеч қандай маданиятга кирмайди.

### **Учинчи қадам. ХУЖУМ**

*Анвар:* XX аср бошида оммавий жамият ва у билан боғлиқ тарзда оммавий маданият йирик олимларнинг тадқиқот мавзусига айланди. Олимлар “оммавий маданият”ни таҳлил қила туриб, унинг тобора тижоратлашиб бораётганини қайд этдилар. Сорокин “Кўнгилихушлик учун мўлжалланган товар сифатида санъат тобора савдо кишилари, тижорат манфаатлари томонидан ва мода талабларига мос равишда назорат қилиб борилмокда, бундай вазият тижоратчиларни гўзаллик “шайдолари”, ҳакамларига айлантириб, ижодкорларни шуларнинг реклама ва оммавий ахборот воситалари орқали тикиштирилаётган талабларига бўйсунишга мажбур қилмокда”, деб қайд этган.

*Маузер:* Сизнинг билимли эканингиз кўриниб турибди. Аммо “оммавий маданият” ҳаётнинг ҳамма соҳасига кириб келиб бўлганини тан олинг. Бунга аҳолининг анча қисми, айниқса, ёшлар қизиқяпти. Буни инкор эта олмаймиз.

*Анвар:* Тўғри, буни инкор этиб бўлмайди. Лекин “оммавий маданият”га ва у билан бирга ёпирилиб келаётган маънавий ва ахлоқий тубанлик иллатларига миллий маданиятни, миллий тарбияни, миллий маънавиятни, ота-боболаримиз эътикод кўйиб келган миллий кадриятларни қарши қўйса бўлади. Шунинг учун ҳам, Ўзбекистон МДХ мамлакатлари орасида биринчи бўлиб мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юртларида диншунослик ва маънавият асослари фанини ўқитишни жорий этди.

*Маузер:* Мен миллий маданият ривожланмаяпти, деган фикрни назарда тутмадим. Миллий мусиқага, миллий санъатга ҳам ёшларнинг иштиёқи баланд. Лекин уларнинг кўп қисми мил-

лий кўшиқлардан кўра хориж эстрада кўшиқлари – реп, поп, рокни афзал билишади.

*Анвар:* Шукрки, бизнинг миллий мусикамиз, мумтоз кўшиқлар ёзилган эски грампластинкаларни ҳаттоки хорижда ҳам, Европада ҳам севиб эшитишади. Мумтоз кўшиқларни ижро этадиган ҳофизларимиз, халқ оғзаки ижодидан куйлайдиган бахшиларимизнинг Европа, Америка мамлакатлари бўйлаб гастроллари бизнинг миллий маданиятимиз қандай катта кучга эга эканини кўрсатади.

### Тўртинчи кадам. ТЎХТАТИШ

*Анвар:* Билиб олинг: 1950 йил 4 ноябрда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Конвенцияга биноан телеведениеда “аҳоли соғлиги ва маънавиятини” асраш мақсадида чекловлар жорий этишга рухсат этилган.

Европа ҳамжамиятининг 1988 йилдаги кўрсатмасида айтилишича, ҳамжамият иштирокчиси бўлган мамлакатдан олиб борилаётган дастурлар трансляцияси, агар улар балоғатга етмаганларнинг ахлокига путур етказадиган бўлса, узиб қўйилиши мумкин.

Буюк Британия. ВВС сиёсати талабларига кўра, соат 21:00га қадар трансляция қилинадиган барча дастурлар болалар томонидан томоша қилиниши учун муайян талабларга мувофиқ бўлиши талаб қилинади.

Бизнинг мамлакатимизда ҳам бу каби талаблар яхши йўлга қўйилган.

*Маузер:* Сиз ҳақиқатан ҳам билимли, қобилиятли, кенг фикрлайдиган, кўп нарсаларни тушунадиган инсон экансиз. Сиз билан бўлган бу суҳбатдан кейин мен нотўғри фикрлашимни тушундим. Мен хато қилаётган эканман. “Оммавий маданият” моҳиятини нотўғри тушунибман. Унинг оқибатларини ўйламабман. Мен хатоларимни тушундим. Сизга раҳмат!

*Анвар:* Мустақил фикрлайдиган, талабчан, дидли-фаросатли одамлар қанча кўп бўлса, “оммавий маданият”нинг бозори шунча касод бўлади. Улар ўзларига таклиф этилаётган бемаза,

саёз, бетайин маданият ва санъат асарларига қайрилиб ҳам қарамайди.

### **Бешинчи қадам. ОГОҲЛАНТИРИШ**

*Анвар:*

1. Воқеадан оиласини огоҳлантириш.
2. Қариндошларини огоҳлантириш.
3. Дўстларни огоҳлантириш.
4. Маҳалладошларни огоҳлантириш.
5. Ўқув, меҳнат жамоасини огоҳлантириш.

### **ОДАМ САВДОСИГА ҚАРШИ БЕШ ЗАРБА**

#### **Биринчи қадам. ТАНИБ ОЛИШ**

*Салима:* Ассалому алайкум, Сурайёхон. Яхшимисиз?

*Сурайё:* Раҳмат, Салима опа. Ўзингиз яхшимисиз? Уй ичлар яхшими?

*Салима:* Бу дейман, кайфиятингиз йўқроқ кўринади.

*Сурайё:* Ҳа. Ўзимнинг ҳам, хўжайинимнинг ҳам ишларимиз юришмай турибди, опа. Иш қидирыпмиз.

*Салима:* Шундай демайсизми! Шартга келиб менга учрамайсизми!

*Сурайё:* Билмасам, опа. Кимга маслаҳат солишни ҳам билмай юрибман.

*Салима:* Дубайда дугонам бор. Ўтган куни яхши ёш қиз-жувонлардан бўлса, юборинг, иш бор, деган эди. Омадингиз бор экан, синглим. Маоши бир ойда 1,5 кўкидан эмиш.

*Сурайё:* Қанақа иш экан, опа?

*Салима:* Официанткалик. Албатта, харажати бор. Йўл, меҳмонхона, дегандек.

*Сурайё:* Пулим йўқ, қандай қиламан?

*Салима:* Синглим, сизга меҳрим бўлакча, биласиз. Мен бериб тураман. Боргач, ишлаб қутуласиз.

*Сурайё:* Вой опажон, умрингиздан барака топинг. Ўлгунимча бу яхшилигингизни унутмайман.

*Салима:* Паспортингизни беринг, бўлмаса.

## Иккинчи қадам. БАҲС

*Сурайё:* Опа. Дубайдаги меҳнат қонунчилиги тўғрисида маълумот берсангиз.

*Салима:* Нима қиласиз? Сизга пул керакми ё қонун-понунми?

*Сурайё:* Опа, мен сизга паспортимни беролмайман-ку. Бўлмаса, юринг, биргаликда меҳнат бўлимига борайлик. Балки улар тушунтиришар.

*Салима:* Нималар деяпсиз, Сурайё?

*Сурайё:* Опажон, яқинда бир маълумот ўқидим. Ҳозир одам савдогарлари кўпайиб кетибди. Дунёда ҳар йили 2 миллион 700 мингга яқин киши одамфурушларнинг тўрига илинаётган эмиш.

*Салима:* Дунёни қўйинг. 1,5 минг доллар деяпман. Қўлингизга ушлаб кўрганмисиз шунча пулни ўзи? Қозоғистондан кетамиз.

*Сурайё:* Қирғизистон, Қозоғистон, Россия одам етказиб берадиган давлатлар экан. Бирлашган Араб Амирликлари, Туркия, Исроил, Таиланд, Малайзия, Ҳиндистон эса қабул қиладиган мамлакатлар экан. Меҳнат бўлимига бормаётганингиз мени сергак қилди, опа!

*Салима:* Дубайда сизни тайинли одам – дугонама кутиб олади. Нега ишонмайсиз, Сурайё?

*Сурайё:* Одам савдоси қурбони бўлишни истамайман, опа! Чунки одам савдоси қурбони бўлган кўпчилик шахслар уларни ўз давлати чегарасидан ташқарида қандай хавф-хатар кутаётганини билмайди.

## Учинчи қадам. ҲУЖУМ

*Сурайё:* Салима опа, 2008 йил 17 апрелда Ўзбекистон Республикасининг “Одам савдосига қарши кураш тўғрисида”ги қонуни қабул қилинди. 2008 йил 8 июлда Президентимиз томонидан “Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор чиқарилди. Шулардан хабарингиз борми?

*Салима:* Йўқ. Уларнинг менга нима алоқаси бор? Сизни Дубайдаги дугонам ҳимоя қилади.

*Сурайё:* Йўқ, опагон. Мени Конституциямизнинг 13-моддаси ҳимоя қилади. Унга кўра инсон ва унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий кадрият ҳисобланади.

*Салима:* Сиз Дубайга боринг. Жаннатга тушасиз-қоласиз.

*Сурайё:* Мен шунчалар содда кўринамани, опагон? Менга ўхшаган айрим сингилларимиз пул деб бориб, кул бўлиб қолмоқда. Фоҳишалик қилишга мажбур қилишмоқда. Асосий қонунимизда бу ҳақда нима дейилганини билмайсизми?

*Салима:* Хўш, нима экан?

*Сурайё:* Конституциямизнинг 26-моддасида ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон кадр-қиммати камситадиган бошқа тарздаги тазйикқа дучор этилиши мумкин эмаслиги белгилаб қўйилган.

### Тўртинчи қадам. ТЎХТАТИШ

*Сурайё:* Салима опа. Сиз бу йўлдан қайтинг.

*Салима:* Нега экан?

*Сурайё:* Жиноят кодексининг 135-моддасида одам савдоси, яъни одамни олди-сотди қилиш ёхуд одамни ундан фойдаланиш мақсадида ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш – уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади, дейилган. Шунин биласизми?

*Салима:* Йўқ.

*Сурайё:* Ўша ҳаракатлар:

- а) ўғирлаш, зўрлик ишлатиш ёки зўрлик ишлатиш билан кўрkitиш ёхуд мажбурлашнинг бошқа шакллари қўллаш орқали;
- б) икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан;
- в) оғир аҳволда экани айбдорга аён бўлган шахсга нисбатан;
- г) айбдорга моддий жихатдан ёки бошқа жихатдан қарам бўлган шахсга нисбатан;
- д) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан олдиндан тил бириктириб;

- е) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;
- ж) хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда;

з) жабрланувчини Ўзбекистон Республикасининг давлат чегарасидан олиб ўтган ҳолда ёки чет элда қонунга ҳилоф равишда ушлаб турган ҳолда;

и) қалбаки ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда, худди шунингдек, жабрланувчининг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатларни олиб қўйган, яширган ёхуд йўқ қилиб юборган ҳолда;

к) киши аъзоларини кесиб олиб, бошқа кишига қўчириш (трансплантат) мақсадида содир этилган бўлса – беш йилдан саккиз йилгача озошлиқдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*Салима:* Нималар деяпсиз?

*Сурайё:* Ўша ҳаракатлар:

а) ўн саккиз ёшга тўлмагани айбдорга аён бўлган шахсга нисбатан содир этилган бўлса;

б) жабрланувчининг ўлимига ёки бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса;

в) ўта хавфли рецидивист томонидан содир этилган бўлса;

г) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини қўзлаб содир этилган бўлса – саккиз йилдан ўн икки йилгача озошлиқдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Сиз бу қасбингизни ташланг (Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 16 сентябрда қабул қилинган 179-сонли янги таҳрирдаги Жиноят кодекси, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами 2008 йил 37–38-сон, 366-модда).

### **Бешинчи қадам. ОГОҲЛАНТИРИШ**

*Сурайё:*

1. Воқеадан оиласини
2. Қариндошларини огоҳлантириш.
3. Дўстлар (дугоналари)ни огоҳлантириш.
4. Қўни-қўшниларни огоҳлантириш.
5. Ўқув, меҳнат жамоасини огоҳлантириш.
6. Маҳалладошларини огоҳлантириш.
7. Ёшларни огоҳлантириш.

## АХБОРОТ ХУРУЖЛАРИ – МАФКУРА МАСАЛАСИ

Барчамизга яхши маълумки, ҳар қандай эзгуликка интиланган жамиятнинг демократик ривожидида ахборот олиш, уни уза-тиш ва тарқатиш эркинлиги билан бирга, ундан фойдаланиш маданияти, масъулияти ҳам бекиёс аҳамият касб этади. Бунда, айниқса, эркинлик холислик, ҳаққонийлик ва қонунийлик принципларига қатъий амал қилиш алоҳида ўрин тутати. Бироқ айрим хорижий оммавий ахборот воситалари ахборот эркинлигини меъёрсиз жараён деб тушунади ва ўз фаолиятида ахборот хуружларини табиий ҳолга айлантириб олади. Натижада, бугунги кунда нафақат ҳар бир инсон, балки бутун-бутун халқлар ва мамлакатлар ҳам улар томонидан амалга оширилаётган ахборот хуружлари объектига айланиб қолмоқда. Инсон ҳаётида мутлақо шахсий масала бўлган унинг қандай кийиниши, нима еб-ичиши, ким билан зиёфатга ёки театрга бориши ҳаттоки оилавий можароларигача бевосита ахборот хуружлари учун доимий мавзуга айланиб қолмоқда. Маълумки, халқимизда “уйдаги гап кўчага тўғри келмайди” деган гап бор. Яъни ҳамма нарсани ҳам ошкора гапириб бўлмайди. Аммо халқимизнинг асрлар давомида шаклланиб келган ана шундай маънавий-маданий қадриятларига ҳам ахборот хуружлари орқали зарба бериб, бизни заифлаштириш, ўзлимиздан мосуво этишга уринаётган кучлар ҳам пайдо бўлмоқда. Бунга мисол қилиб “оммавий маданият”, “истеъмолчилар жамияти” деган жозибали ниқоблар остида миллий менталитетимизга зид бўлган, инсонни яратувчанлик кайфиятидан маҳрум этадиган хавфли кўринишларни келтириш мумкин. Шу тариқа, ахборот хуружлари инсон қалби ва онгини эгаллаб, уларни издан чиқарадиган салбий мафкуравий таъсир воситасига айланмоқда.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ўз асарларида мафкуравий, ғоявий таҳдидлар қатори информацион хуружнинг тобора кучайиб бораётганидан огоҳлантириб, бу борада барчамизни хушёрлик, огоҳликка чақиради. Чунки ахборот хуружи кўзга ташланмайдиган, лекин зарарини осонлик билан қоплаб бўлмайдиган энг жиддий хатарлардан биридир.

Ахборот хуружи деганда, айрим сиёсий кучлар, ахборот ва мафкура марказларининг онгли равишда муайян гуруҳ, давлат ва халққа нисбатан оммавий ахборот воситалари, ғоявий таъсир куроллари орқали амалга ошириладиган ошкора ёки пинҳона тажовузни тушуниш мумкин. Бунда куйидаги усулга асосланилади:

1. Танлаб олинган гуруҳ, давлат ва халқнинг ҳаёт тарзи, мақсад-муддаолари, иқтисодий-ижтимоий фаолияти, сиёсати ҳақида асосий фикрларни изчил ва мудом тарқатиб бориш.

2. Улар ҳақида сохта маълумотларни эълон қилиб, ўзининг гаразли мақсадларига хизмат қиладиган жиҳатларини алоҳида бўрттириб кўрсатиш.

3. Одамларида ўз халқи, Ватани ва давлатга, миллий қадриятларига, турмуш тарзига нисбатан ишончсизлик, танқидий муносабат уйғотиш, фуқаролар, айниқса, ёшларни чалғитиш, йўлдан оздиришга уриниш.

Табиийки, бундай хуружлар натижасида ҳар қандай давлатга ҳам маънавий зарар етказилади, унинг фуқаролари орасида низо ва зиддиятлар келиб чиқади.

Ахборот хуружи амалдаги конституциявий тузумга қарши қаратилгани билан айниқса хавфли ҳисобланади. Кузатишлар шуни кўрсатадики, айрим хорижий теле ва радиоканаллар, интернет порталлари ўзларини молиявий қўллаб-қувватлаб турган давлатлар ҳақида фақат ижобий руҳдаги ахборотларни тарқатади. Президентимиз Ислоҳ Каримов таъкидлаганидек, “бундай ҳолатларга дуч келганда, умрида мамлакатимизга қадам қўймаган, Ўзбекистонни ҳатто харитадан ҳам кўрсатиб бера олмайдиган, лекин ўзини мутлақ ҳақиқатнинг ягона ифодачиси деб ҳисоблайдиган кимсаларнинг енгил-елпи фикрларини эшитганда, уларга қарата беихтиёр “э, барака топгур, олдин юртимизга бир келиб кўринг, тарихимиз, маънавиятимиз, ҳаёт тарзимиз билан танишиб, ундан кейин гапиринг”, деб айтгингиз келади”.

Ахборот технологиялари ривожланган бугунги даврда барча давлатлар ана шундай ахборот воситаларига эга бўлишга интилаётганини, давлат бюджетидан шу мақсад учун кўнлаб

маблағлар ажратаётганини шу ҳолат билан ҳам изоҳлаш мумкин. Ахборот хуружлари ҳар қайси халқ ва давлатнинг миллий манфаатларига қарши қаратилади. Маълумки, миллий манфаатлар мажмуини шахс, жамият ва давлатнинг англанган эҳтиёжлари ташкил этади ҳамда бу масала негизида том маънодаги миллийлик туради. Рус файласуфи А.Миллер тўғри қайд этганидек, “миллийлик бу аввало сиёсий принцип бўлиб, унда сиёсий ва миллий мақсад уйғунлашади”. Олмон файласуфи Эрнест Геллнер ҳам шундай фикрни баён этган. Ахборот хуружлари эркинлик, инсон ҳуқуқлари каби қадриятлар тантанаси учун курашишни даъво қилгани ҳолда, амалда бутун хатти-ҳаракатлари билан уларга қарши курашади.

Бугунги ахборот хуружларининг мазмун-моҳияти ҳақида гап кетганда, бир замонавий масал беихтиёр ёдга тушади.

Қалин ўрмон чеккасидаги қўл соҳилида бир тошбақа яшар экан. У доим косасининг оғирлигидан азият чекиб, ерга қапишганча, базўр судралиб юрар экан.

Кунлардан бир куни ўрмондан ҳеч вако топа олмаган оч тулки унга дуч келиб, уни емоқчи бўлибди. Тошбақа кўрққанидан боши ва оёқларини косаси ичига яшириб, йиртқичнинг кетишини пойлаб ётибди. Тулки уни оёғи билан туртиб, ҳар томонга айлантириб кўрибди, қанча уринмасин, уни ейишнинг уддасидан чиқа олмабди. Хуллас, Тошбақа омон қолибди.

Орадан кунлар ўтибди. Тулки бу масалада мутахассислар билан маслаҳатлашиб, охири, бир ҳуқуқшуносни ёллаб, у билан бирга тошбақанинг олдига келибди. Унга косасини сотишни таклиф қилди. Тошбақа узоқ ўйлаб, таклифни рад этибди. Тулки яна тарвузи қўлтиғидан тушиб, ўлжасиз кетишга мажбур бўлибди.

Вакт, замон ўзгариб, ўрмонда замонавий телекоммуникация воситалари пайдо бўлибди. Тошбақа уйдан чиқиб қараса, дарахтда осиглиқ турган, куш каби учадиган тошбақалар намоиш қилинаётган телевизорга кўзи тушибди. Бу манзарани бошловчи қиз: “Қандай енгиллик! Қандай тезлик! Қандай гўзаллик! Қандай нозиклик!” деб таърифлаётган эди.

Тошбақа бу рекламани уч-тўрт кун кетма-кет кўрганидан сўнг: “Мен аҳмоқман, буни қарая, шунча овора бўлиб, ўзимни қийнаб, оғир косани кўтариб юрибман!” – деган ҳаёлга борибди. “Бу дардисардан тезроқ қутилганим яхши эмасми? Яшаш шунда бир оз енгиллашармиди”, деб ўйлабди тошбақа.

Охирги хабарлар шарҳи билан ойнаи жаҳонга чиққан укки тулкининг кришначилар сафига қўшилиб, гўштли таомлар ейишдан воз кечгани ҳақидаги янгиликни эълон қилибди.

Тулки учар тошбақалар ҳақидаги реклама ва кришначилар ташкилоти тўғрисидаги янгилик учун пул ўтказар экан: “Эҳ, тошбақа, сен ҳали менинг совунимга кир ювмабсан, кўрамиз, мендаги жарақ-жарақ пуллар зўрмикан ёки сенинг говкаллангми?” – деб ўз ўлжасининг қўлга тушишини интизорлик билан кутар эди. Ниҳоят, нодон тошбақа “шундай замонда тошқоса нимага керак, у – эскилик сарқити”, деб ундан воз кечибди ва учиш мақсадида ўрмонга қараб юрибди. Ўрмонда эса...

Албатта, инсон ахборот олмаса, ҳаётдан, тараққиётдан орқада қолади. Буюк аллома Алишер Навоийнинг “Агар огоҳсен сен, Шоҳсен сен” деган башорати бугун ҳам амалда. Киши дастлабки ахборотни ота-онаси ва яқинларидан, кейинчалик таълим муассасаларида устозлари, дўстлари, китоблардан, оммавий ахборот воситаларидан, маҳалла кўй, таниш-билиш ва бошқа манбалардан олади. Ахборотларнинг мазмунига қараб, унда яхши-ёмон фазилатлар, феъл-атвор ва дунёқараш шаклланади.

Инсон ҳамма вақт информацион маконда яшайди. Шаҳс, суръат, китоб, газета ва журналлар, радио, телевидение, телефон, телеграф, интернет тармоғи – ахборот олиш манбаи бўлиб хизмат қилади. Худди шунингдек, халқ, давлат, инсоният ҳам информацион тизимлар ҳисобланади.

Одатда одамларга таъсир қилишда инсон психикасининг ўзига хос хусусиятларидан фойдаланилади. Аввало, жамият тафаккурини белгилайдиган қатламга таъсир ўтказилади. Ахборот уруши марказида асосан зиёлилар ва ёшлар туради. Чунки ақлий меҳнат билан шуғулланувчи кишилар ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, улар янги ғоя яратувчи ижодкор, бундан

ташқари, тарғиботчи ҳамдир. Улар бордию информацион таъсирга тушиб қолса, яратган янгиликлари ўз жамиятига қарши ишлайди.

Ахборот уруши – ўз-ўзини йўқотиш механизмини ишга солишга қаратилган ҳаракат. У авлодлар ўртасида жарлик пайдо қилиш, одамларнинг тарихий хотирасини йўқотишга уринади.

Информацион уруш қурбони ўзининг қурбон бўлганини билмайди. Оддий қурооллар тирик одамлар ва техника қарши қўлланса, ахборот хуружлари бошқариш тизимларига қаратилади. У жиноятнинг ўсиши, наркомания, руҳий касалликларнинг кўпайишига сабаб бўлади. У аста-секин жамият қатламларини бузадиган ижтимоий организмнинг саратон касалига ўхшайди.

Маълумки, ҳар қайси давлат дунёда рўй бераётган воқеаларга ўз манфаатларидан келиб чиқиб ёндашади, муносабат билдиради. Давлатнинг иқтисодий, ҳарбий қудрати ошгани сари унинг информацияни йиғиш, қайта ишлаш ва узатиш имкониятлари ҳам ортиб бориши табиийдир. Йўқса, халқ ўзгалардан олинган ахборот билан яшашга мажбур бўлади.

Бугунги кунда айрим давлатлар ахборот соҳасида гегемонлик қилиб, ўз миллий манфаатларини ахборотнинг қудратли оқими орқали бошқа халқларга сингдиришга уринмоқда.

Ахборот хуружини нафақат баъзи давлатлар, балки ҳокимиятнинг қўлга киритиш йўлида диндан қуроол сифатида фойдаланишга ҳаракат қилаётган экстремистик оқимлар ҳам усталик билан ишга солишга интиломоқда. Диний экстремистларнинг доҳийлари ўз гумашталарига “Телевизор кўрма, радио эшитма, газета-журнал ўқима, булар қуфр”, деб уқтиради. Мақсадлари аниқ – болаларимизни Ватанимиз, давлатимиз эришаётган ютуқлардан беҳабар қолдириш. Фақат ўз ахборотини “едириш”.

Урф-одат ва менталитет – бу давлат ва жамият тизимлари ҳамда жамият тафаккурининг асоси бўлиб хизмат қилади. Ўз урф-одатларидан воз кечган авлод бошқа қиёфага киради – манқуртга айланади. Уларда ота-боболаридан нафратланиш ҳисси уйғонади, улар ўзини замонавий, аجدодларини эса қолоқ деб ўйлайди. Мустақиллик йилларида миллий қадрият-

ларимизнинг қайта тиклаб, уларни замон талаблари асосида ривожлантираётганимизнинг моҳиятида ҳам глобаллашаётган дунёда ўзлигимизни сақлаб қолишга интилиш мужассамдир.

Замонавий ахборотнинг энг таъсирчан воситаларидан бирига айланган Интернет тармоғи – инсон ақл-заковатининг маҳсули. Киши билимини оширишда, дунё янгиликларидан ҳабордор бўлишда, хат юбориш, олиш, бизнес ишида ҳамкорлик ўрнатиш, илмий-иждоий фаолиятда ва бошқа кўплаб мақсадларда, ҳеч шубҳасиз, унинг аҳамияти бекиёс. Лекин шу билан бирга, энг катта ахборот хуружлари интернет орқали амалга оширилаётганини ҳам унутиб бўлмайди. Бу тизимга истаган одам тўғри ёки ёлғон маълумотларни киритиши мумкин.

Бугунги кунда ёшларнинг аксарияти ундан фойдаланяпти, бўш вақтларини интернет-клубларда ўтказяпти. Бу қувонарли, аммо кишини ташвишга соладиган томони шундаки, ёшларимиз бизнинг эзгу ғояларимизга қарши бўлган баъзи бўхтон гаплар, ахлоқсизлик, беҳаёлик иллатларини интернет орқали кўриб, билиб-билмай уларнинг таъсирига берилиб ҳам қоляпти. Айниқса, турли порносайтлар ёшларнинг онгини бузишга қаратилган ахлоқсизлик хуружи экани шубҳасиз. Айрим ёшларнинг танишув сайтларига ўзларининг яланғоч ҳолда тушган суратларини жойлаштираётганини қандай изохлаш мумкин? Интернет ўйинларига мўлжалланган шохобчаларда кўп ҳолларда жангари, одам ўлдиришни тарғиб қиладиган ўйинларни ўйнаётган мактаб ўқувчиларини учратамиз. Бундай ҳолатлар ҳаммамизни ташвишга солиши керак.

Кейинги пайтда айрим “санъаткор”лар ярим-яланғоч ҳолда сахнага чиқиб, ёшлар ахлоқига салбий таъсир кўрсатадиган қўшиқларни куйляпти. Ғарбда мавжуд бўлган реп услубидаги янги қўшиқчилик тури орқали, янги “маданият”ни тарғиб қиляпти. Айрим ёшларимиз бундай «санъаткор»ларга монанд кийинишга, ўғил болалар ҳам ажнабийча соч турмаклашга, «замонавий» бўлишга ҳаракат қиляпти.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги кунда ёшларимиз турли хил ахборот хуружларидан огоҳ бўлиши, ҳар бир масалага ўз миллий манфаатларимиздан келиб чиқиб ёндаша олиши керак.

Шундагина улар ахборот хуружи қурбони бўлиб қолмайди, буюк келажагимизнинг ҳақиқий бунёдкорига айланади.

### **Миллий давлат равнақида ғоя ва маърифатнинг роли**

Мамлакатимизда “Кучли давлатдан кучли жамият сари” концептуал сиёсий дастурнинг қабул қилиниши, шунингдек, бу каби жамиятни барпо этишда маърифатнинг аҳамияти эътироф этилиши билан мазкур соҳада улкан имкониятлар яратилди. Фукаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатни барпо этишга доир ислохотлар чуқурлашиб боргани сари маънавият ва маърифатнинг аҳамияти янада юксалиб бориши шубҳасиздир. Демократик давлат ва жамиятни фақат маърифатли, баркамол авлод ва комил инсонлар қуриши мумкин.

Президентимиз И.А.Каримов Ўзбекистонда ҳуқуқий давлат ва фукаролик жамияти қуришнинг аҳамиятини очиб бериш билан бир қаторда, мамлакатнинг асосий ривожланиш йўлини куйидагича ифодалаб берди: *“Биз демократия йўлини, дунёвий тараққиёт йўлини танладик ҳамда ривожланган давлатлар эришган даражага етиш учун босқичма-босқич қадам ташламоқдамиз”*.

Бу ҳол дунёвий давлатчилик ва унинг ўзига хос хусусиятларини белгилаб олишни такозо этади. Шу маънода бу ўринда асосий хусусиятларни таъкидлаб ўтиш билан чекланиш мумкин.

Биринчидан, дунёвий давлатчиликда қонун ва инсон ҳуқуқлари устуворликка эга бўлади.

Ўзбекистонда бунга қатъий амал қилинмоқда ва ҳеч қандай сиёсий тузилма, ғоя ёки қараш давлат қурилиши ва бошқарувида устуворликка эга эмас.

Иккинчидан, дунёвий давлатчиликда давлат қурилиши ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро ва суд ҳокимиятига бўлинади. Республикамизда бу бугунги замонавий талаблар даражасида ҳал қилинган. Қонун чиқарувчи (икки палатали парламент), ижро (Президент, Вазирлар Маҳкамаси ва ҳокимлик институтлари) ва суд (тармоқлашган) ҳокимиятлари мустақил фаолият юритмоқда.

Учинчидан, бизнинг аждодларимиз бўлган Шарқ мутафаккирлари дунёвий давлат ва адолатли жамият қуриш учун комил инсонни шакллантиришнинг нақадар муҳим эканлигини исботлаб берган эдилар. Шу маънода “комил инсон ғояси ҳам миллий, ҳам умумбашарий моҳиятга эга бўлган, одамзодга хос энг юксак маънавий ва жисмоний баркамолликни мужассам этган, уни ҳамиша эзгуликка ундайдиган олийжаноб ғоядир”.

Тўртинчидан, фалсафа, сиёсатшунослик ва бошқа гуманитар фанларда олиб борилган тадқиқотлардан маълумки, дунёвий давлат бу бирор дин расмий давлат дини деб эълон қилинмаган давлатдир. Бундай давлатда ҳар қандай диний таълимот барча учун мажбурий ёки устувор бўлмаган ҳисобланади. Дунёвий давлатда дин ва диний таълимотларнинг давлат тузуми ва давлат органлари, давлатнинг таълим тизими ва давлат органларининг мансабдор шахслари фаолиятига таъсир кўрсатишига йўл қўйилмайди,

Давлатнинг дунёвийлик характери қоидага биноан, диндан давлат, дин ва таълимнинг ўзаро ажратилганлиги билан ажралиб туради. Давлат билан диннинг ўртасида бу каби муносабатлар қатор ривожланган мамлакатларда ўрнатилган. Дунёвий давлатнинг акси эса теократик давлат бўлиб, унга Ватикан ва Саудия Арабистони каби мамлакатларни мисол келтириш мумкин.

Бешинчидан, Ўзбекистонда ҳам миллий мустақиллик эълон қилиниши билан мамлакатда фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қуриш асосий стратегик мақсад сифатида эълон қилинди. Маълумки, фуқаролик жамияти шароитида ҳуқуқий давлат моҳиятан дунёвий давлат бўлади. Шунинг учун ҳам, миллий давлат қурилишининг дастлабки даврдан бошлаб мамлакатда дунёвий давлат қуришга азму қарор қилинган эди.

Олтинчидан, дунёвий давлатни шакллантиришда мамлакат аҳолисининг маънавий-мафкуравий қарашлари ҳам дунёвий характер касб этиши муҳим аҳамиятга эга. Чунки, машҳур немис файласуфи Гегель айтганидек, “давлат бу халқнинг руҳиятидир”. Қолаверса, Шарқ мутафаккирларининг фикрича, дунёвий давлатни комил инсонлар қурадилар.

Еттинчидан, дунёвий давлатчилик тарихий ворисликка ҳам асосланади. Шу маънода Ўзбекистонда барпо этилган дунёвий давлатчилик Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби мутафаккиримиз томонидан баён қилинган ижтимоий адолат, фаровон ҳаёт қуриш каби дунёвий ғояларга асосланади.

Бундан ташқари, Европада кенг тарқалган дунёвий давлат қуриш қадриятларини миллий анъаналар ва миллий ўзлик билан уйғунлаштиришда Фурқат, Муқимий, Аҳмад Дониш, Комил Хоразмий, Нодим Намангоний асарларидаги маърифатпарварлик ғояларида ҳам ҳар томонлама очиб берилган. XX асрнинг бошларидан эса мамлакатимизда яшаган жадидлар ғоясининг бош йўналиши маърифатга асосланган дунёвий давлат қуриш эди. Уларнинг ичида дунёвий давлат ва жамиятни шакллантиришнинг назарий жиҳатларини ишлаб чиқишда, миллий ўзликни англашда Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдурауф Фитрат ва Мунаввар Қори қабиларнинг ўрни тенгсиз бўлган. Улар Туркистондаги жадидчиликнинг ғоявий қамолга етишишини, унинг миллий-маърифий ва сиёсий оқим сифатида халқнинг илғор қисми дунёқарашига айланишини таъминлади.

Кўриниб турибдики, дунёвий давлат ва адолатли жамият қуришда маънавият ва маърифатнинг ўрни бекиёсдир. Дунёвий давлатчиликнинг хусусиятлари реал ва ўзига хос жиҳатларни қамраб олади. Унинг негизида маърифийлик тамойили тамал тош вазифасини бажаради.

## **МИЛЛИЙ ҒОЯ ВА МАФКУРАВИЙ ХУРУЖЛАР ТАҲДИДИ**

Бизнинг жамиятимиз тарихан мўътадил ва соғлом эътиқод маданиятида яшаб келган. Бу маданият динфурушликка эмас, чинакам маърифий эътиқодга асосланади. Мазкур соҳада бизга ўргатишларига ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ, аксинча, соғлом эътиқодни ўзгаларга ўргатишга биз ҳақлимиз.

Дин ниқобидаги хуруж деганда ёвуз сиёсий мақсадни амалга ошириш учун динни ниқоб қилиб олишни тушунамиз. Бунда соғлом диний онглилик мақсад сифатида олинмайди. Аксинча, дин ниқобидаги хуружда дин имкониятларидан фойдаланиб, гаразли ва ёвуз сиёсий мақсадга эришиш бирламчи мақсад ҳисобланади. Шу маънода, дин ниқобида иш тутувчилар ҳозирги замоннинг сиёсий ва маданий фундаменталистларидир. Улар ўзларининг чиркин манфаатлари ёки қудратли давлатларнинг манфаатларини рўёбга чиқариш учун жангарилик усулларида фойдаланади.

Ҳозирги кунда дин ниқобидаги хуружнинг бир неча кўринишлари мавжуд. Уларнинг энг асосийлари қуйидагилардир:

Диний ақидапарастлик.

Миссионерлик.

Прозелитизм.

Диний эркинликни таъминлашга даъво қилувчи оқимлар.

Диний ақидапарастлик – бир диндаги эътиқодий масалани жангари талқин қилиш. Ал-Қоида, ҳизбу-т-таҳрир, акромийлар каби диний ақидапарастлик оқимлари вакиллари ислом дини асосларини нотўғри талқин қилишиб, фақат ўз оқимларига мансуб кишиларни иймон-эътиқодли мусулмон ҳисоблашади ва бошқа барча мусулмонларни иймонсизлик, эътиқодсизликда айблашади. Бу ўринда иккита муҳим савол туғилади.

Биринчидан, бу оқимлар мафкурачилари ўзларининг чинакам иймон-эътиқодли эканлигини қаердан билади?

Иккинчидан, бу оқим вакилларига барча мусулмонларни иймон-эътиқодсизликда айблаш ҳуқуқини ким берган? Бу саволларга улар жавоб беришмайди, аксинча, пешонаси тиришиб фариштасиз юзи янада тундлашади.

Мазкур диний ақидапарастларнинг ғоявий мақсадларини текшириш жараёнида биз қуйидаги хулосаларга келдик:

1. Бу оқимнинг вакиллари китоб ўқимайди, фақат етакчисининг кўрсатмасини бажаради, холос. Шу маънода уларни тирик робот деб тасаввур қилиш мумкин.

2. Мазкур диний ақидапарастларнинг мафкурачилари ислом дини асосларини бузиб, ўз мақсадларига мослаб талқин қилади.

3. Диний ақидапарастлар ўз сафларига ғўр-тажрибасиз ёшларни, билимсиз авом одамларни, аламзада жиноятчиларни ва моддий ёрдамга мухтож бўлиб қолган кишиларни тортадилар.

4. Диний ақидапарастларнинг мафкурачилари юртимизда ўтган буюк азиз-авлиёларни атайин танқид остига олишади, чунки валийларимизнинг асарлари уларнинг авом вакиллари-нинг кўзини очиб юбориши мумкин.

5. Диний ақидапарастларнинг мақсади иккита: а) халифалик тузиш бахонасида бой-бадавлат яшаи; б) худудимизда нотинчликни юзага келтириб, очкўз кудратли давлатларнинг ўз манфаатларини рўёбга чиқариши учун шароит яратиб бериш.

6. Диний ақидапарастлар ана шундай ёвуз мақсадлари учун мусулмон давлатларидан қувиб чиқарилган ва наша, қурол-яроғни қўлтиқлаб тоғу тош, ертўла ҳамда низоли жойларда макон топган.

Дин никобида хуруж қилишнинг иккинчи кўриниши миссионерликдир. Унга кўра, бир гуруҳ ёлланма кишилар турли даъватлар ва хатти-ҳаракатлар воситасида христианлик динининг нисбатан қаттиққўл бўлган католик ва нисбатан шафқатсиз индивидуализмга мойил протестантлик оқимига киришга туппа-тузук кишиларни даъват қилади. Улар турли тилда нашр этилган ва христианлик дини асослари бу икки оқим гояларига мослаб талқин қилинган китоблар, варақалар, даъватномалар, DVD, CD маҳсулотлари ва керак бўлса, доимий маблаг билан таъминлаб туриш ваъдалари билан тарғибот ишларини олиб боришади. Бундай кимсаларнинг мақсадлари қуйидагилардан иборат: 1) жамиятимизда мавжуд мўътадил диний эътиқод мухитини бузиш; 2) христианлик динининг католик ва протестантизм оқимига эътиқод қилувчи давлатларга юртимизда ўз манфаатларини рўёбга чиқариш учун шароит яратиш; 3) одамлар орасида ғарбпарастлик руҳини таркиб топтириш.

Миссионерлик ҳаракатининг тарғиботчилари диний ақидапарастлардан фарқли ўлароқ, ўз сафларига янгиликка интилувчи ва келажакни кўзлаётган ёшларни, айрим аламзада зиёлиларни, мухолифатчиликка мойил кимсаларни ва ғарбпараст аёлларни тортишга интилади.

Дин ниқобида иш тутишнинг учинчи кўриниши прозелитизмдир. Талаффуз қилишда тил синиб кетадиган бу атаманинг шарқча номи “муртадлик” дейилади. Бу ҳаракат вакиллари одамни ўз динидан чиқиб, бошқа динга эътиқод қилишга даъват қилади. Кузатишлар шуни кўрсатадики, бу бемазалар деярли миссионерларнинг католик ва протестантизм оқимларига ихлос кўйгани маълум бўлди.

Пролизетизм (муртадлик) вакилларининг мақсади қуйидагилардан иборат: 1) кишини ўз эътиқодидан воз кечтириб, расво қилиш; 2) жамиятда фуқаролар иноқлигини бузиш; 3) ғарбпараст ва хорижда ўтирган ёвуз сиёсий кучлар манфаатларини рўёбга чиқариш; 4) миллий анъанавий турмуш тарзига зарба бериш.

Бу дин ниқобида иш тутувчилар иккиланувчи, иродасиз ва рухий мувозанатини йўқотган кишиларни, тўқликка шўхлик қилувчи кимсаларни ўз сафига тортишга ҳаракат қилади.

Дин ниқобида иш тутишнинг тўртинчи кўриниши – диний эркинликни таъминлашга даъво қилувчилардир. Бу кўриниш 2005 йилда ўзининг асл башарасини кўрсатди ва унинг моҳиятига кўра, океан ортидаги энг қудратли давлат ўзича диний эркинликни бўғувчи давлат рўйхатини тузган ва қизиғи шундаки, 15 диний конфессия қонуний фаолият юритаётган юртимизни ҳам унга киритган. Савол тугилади: Биринчидан, бу давлатга бундай рўйхат тузишга қайси халқаро ташкилот ҳуқуқ берган? Иккинчидан, бундай ҳаракат мустақил давлатнинг номига атайлаб қора чаплаш эмасми? Учинчидан, ҳар бир давлат ўзича турли рўйхатлар тузиб эълон қилаверса, дунё тинчлиги хавф остида қолмайдими? Тўртинчидан, биз ўша давлатни олифтагарчиликда айбласак, нима бўлади?

Диний эркинликни таъминлашга даъво қилувчилар, аслида, миссионерлар ва пролизетизмчиларнинг қалбига ўт ёқувчилар бўлиб, уларнинг асосий мақсади қуйидагилардан иборат: 1) моддий ва маънавий бой давлатларни ёмон отликқа чиқариб, бу бойликларни қўлга киритиш; 2) мустақил давлатлар фуқароларини дўст-душманга бўлиб ташлаш; 3) мустақил давлатларнинг ривожланиб боришига ғов бўлиш; 4) “олга, фақат менинг ортимдан” кабилидаги ёвуз ғояни амалга ошириш.

Зеро, дин ниқобида иш тутишнинг бу тўрт кўриниши моҳиятидан маълум бўладики, уларнинг одамларда чинакам иймон-этиқодни шакллантириш муаммоси билан умуман иши йўқ. Аксинча, уларни фақат сиёсий мақсадлар қизиқтиради ва унга эришиш учун динни ниқоб қилиб, бузғунчилик усулидан фойдаланишади.

### **Демократия ниқобидаги таҳдидлар ва уларга қарши кураш**

Аввало демократия ниқобидаги таҳдидлар халқаро майдондаги турли сиёсий кучлар томонидан онгли равишда, узоқни кўзлаб амалга оширилаётганини таъкидлаш лозим. Улар узоқ ва давомли стратегик режаларга эга экани ҳам бу фикрни тасдиқлайди. Эркинлик, демократия, инсон ҳуқуқлари каби жозибали ғояларни ниқоб қилиб олган бу сиёсий кучлар шу асосда дунёдаги хоҳлаган мустақил давлатнинг ички ишларига аралашиб, ғаразли мақсадларига эришмоқчи бўлади.

Шунинг учун ҳам, бундай таҳдидлардан кўзланган мақсад айрим қудратли давлатлар томонидан муайян мамлакатларни иқтисодий, сиёсий ва маънавий жиҳатдан тобе қилиши, эндигина ривожланиб келаётган миллий давлат ва ҳудудларнинг ер ости ҳамда ер усти бойликларини эгаллаб олиш, дунёнинг баъзи минтақалардаги тинч ҳаётни издан чиқариб, бу ерларда айнан қудратли давлатларнинг манфаатларига хизмат қиладиган кучларни ҳокимият тепасига келтириш каби мудҳиш оқибатларни содир этишдан иборат.

Бир сўз билан айтганда, демократия ниқобидаги таҳдид мустақил давлатни ўзга бир давлатга қарам қилишга қаратилган хавф-хатардир. Бундай ғаразли сиёсатга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Мисол учун, собиқ Югословия давлати эркинлик ва демократия ниқоби остида бир неча майда давлатларга бўлиб юборилди. Демократик жамият куриш баҳонасида Ироқ ва Афғонистонда ҳамон уруш алангаси ўчгани йўқ.

XIX асрнинг 80-йилларидан бошлаб айрим ғарб мамлакатлари ёрдамида Япониянинг Нагасаки ва Хиросима шаҳарларини мегополис шаҳарларга айлантириш ҳаракатлари бошланди.

Бу икки шаҳарда хориж маблағи ҳисобидан саноат ривожлантирилди, ғарбона турмуш тарзи тарғиб этилди. 1945 йилга келиб эса айнан Нагасаки ва Хиросима шаҳарларига атом бомбаси ташлангани кўпчиликка яхши маълум. Салкам олтмиш йил давомида қурилган шаҳар вайрон қилиб ташланди ва ҳозирга қадар давом этиб келаётган нурланиш касалига дучор қилинди.

Шу маънода, четдан бўладиган “меҳрибончилик”ларни ҳамма вақт ҳам беғараз деб бўлмайди. Жумладан, эркинлик ва демократия ниқоби остидаги интилишларни ҳам. Бу ниқоблар, шунчалик жозибалики, уларнинг зарарли моҳиятини дарҳол англаб олиш қийин. Чунки улар баландпарвоз ваъдаларга ўралган бўлади. Бунда кўпинча қуйидаги усуллар қўлланади:

- муайян давлат узлуксиз ва изчил равишда халқаро миқёсда йиллаб танқид қилиб борилади;

- мустақил давлатнинг раҳбарияти асоссиз равишда демократияни хуш кўрмасликда айбланади;

- мустақил давлат фуқаролари орасида манфаатпараст, Ватан туйғусидан бебаҳра кишилар топилиб, сохта демократия ғояларига, алданишга мойил одамлар гуруҳи шакллантирилади;

- бойликка ўч ва ҳокимиятпараст айрим кимсалар билиб-билмай бундай ғаразли сиёсий кучларга хизмат қила бошлайди, улар арзимас муаммоларни ҳам йирик муаммо сифатида кўрсатиб, айюҳаннос солишади;

- вақт ўтиб, маълум бир шароитлар етилгач, “рангли инкилоб” қилиниб, ҳокимият тепасига бетайин ва бебурд, халқ, Ватан манфаатларидан бегона, ёт манфаатларга хизмат қиладиган кимсалар кўтарилади.

Буларнинг барчаси тадрижий равишда, шов-шув кўтарилмасдан зимдан бамисоли табиий ривожланиш зарурати шуни тақозо этаётгандек амалга оширилади. Қизиги шундаки, бу ғаразли сиёсий ўйинга манфаатдор давлатлар, қани, нима бўлар экан, воқеалар ривожини бизнинг фойдамизга ишласа қўшила-миз, бўлмаса, тинч турганимиз маъқул, деган қоидага амал қилиб, шунчаки томошабин бўлиб туради ва турли грантлар

воситасида ўз ҳаракатчиларини молиявий таъминлаш билан чекланади. Заруратга қараб, бу ҳаракатчи кучларнинг фаолияти замонавий технологиялар билан жиҳозлаб борилади. Бундай сиёсий кучларнинг вакили исталган вақтда дунёнинг ҳар қандай давлатига етиб бора олади. Бунинг учун муайян маблаг, шароит ва имкон – барча-барчаси муҳайё қилинади.

Хуллас, ана шундай маккорлик билан ўйланган хатти-ҳаракатлар, ғоявий, молиявий, ташкилий-амалий омилларнинг биргаликдаги қудратли кучи орқали реал ҳаётга мутлақо тўғри келмайдиган сохта ғоялар ҳам содда ва ишонувчан, мафкуравий иммунитетни тўла шаклланмаган инсонлар назарида бамисоли ҳақиқатга ўхшаб кўрина бошлайди. Бундай алданишларга йўл қўймаслик учун доимий хушёрлик ва огоҳлик, маънавий-маърифий ишларни илмий асосда дунёдаги реал ҳолатлардан, мафкуравий кураш талабларидан келиб чиққан ҳолда олиб бориш зарур.

### **Маънавий таҳдидларни бартараф қилиш йўллари**

Маънавий таҳдидларни бартараф қилиб боришга доир бир қатор қарашлар тизими мавжуд. Албатта, ижтимоий-фалсафий ва илмий адабиётларда маънавий таҳдидлар тушунчаси давр тақозоси ва тарихийлик нуқтаи назардан “таҳдид”, “хавф-хатар”, “қўркув” каби бир неча атамалар билан тилга олинган. Бунинг эътибордан соқит қилиб бўлмайди. Бу ўринда маънавий таҳдидларни бартараф қилишга доир энг муҳим қарашларни таҳлил қилиш билан чекланамиз.

Маънавий таҳдидларни бартараф қилиш муаммоси Президентимиз Ислом Каримовнинг доимий диққат-эътиборида бўлиб келмоқда. Давлатимиз раҳбарининг концепциясига кўра, маънавий таҳдидларни “фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя ва жаҳолатга қарши маърифат билан” бартараф қилиш мумкин. Бу муҳим қараш бўлиб, ҳозирги маънавий-мафкуравий фаолиятимизда методология вазифасини ўтамоқда.

#### **1. Фикрга қарши фикр.**

Ҳар бир кишида ҳаққоний ва асосли мустақил фикр ҳамда дунёқарашни шакллантириш керак. Бунинг учун унинг билим

ва маълумотлилигини ошириш муҳим аҳамиятга эга. Инсон интернет хабарларини ўқиш, DVD, CD кўриш билан билимли ва замонавий маданиятга бўлиб қолмайди. Аввало, илмий-назарий билимларни эгаллаш талаб этилади. Қадимий обидамиз “Авесто”да “Билим – кўзнинг чироғи”, деб уқтирилган. Бунинг маъноси шуки, фақат билим воситасида инсоннинг кўзи очи-лиши, яъни мустақил фикр ва дунёқарашга эга бўлиши мум-кин. Фақат мустақил фикрга ва дунёқарашга эга бўлган одам бирёклама, ғаразли ва зарарли фикрларни фарқлай олади. Бу “фикрга қарши фикр” тамойилининг мазмунидир.

**2. Ғояга қарши ғоя.** Инсон онгида унинг ўзи ва ўзгалар-га манфаат келтирадиган тушунчалар таркиб топиши керак. Бирор шахс инсонда эзгуликка нисбатан ёвузликнинг устувор бўлишини исботлаб беролган эмас. Аксинча, инсоннинг беғу-бор болалик даврини бошдан кечириши унинг онгида эзгулик устувор эканини кўрсатади. Шунинг учун инсон онги ёвуз ва жоҳил ғоялардан ҳимоя қилиниши керак. Жамиятимизда бу иш миллий ғоя асосида амалга оширилмоқда. Демак, миллий ғоя асосида инсон онгида эзгулик, адолат, ҳақиқат ва масъу-лият ғояларини шакллантириш билан уни ёвузлик, жаҳолат, нодонлик ва бефарқлик каби иллатлардан ҳимоя қилиш мум-кин. Миллий ғояга эга инсон ёвуз ғояларни фарқлай олади, бу “ғояга қарши ғоя” тамойилининг мазмунидир.

**3. Жаҳолатга қарши маърифат.** Инсон бу дунёнинг сир-асрорларини етарли даражада англаши, ўзининг ким эканини билиши ва ҳаёт мазмунини тушуниши керак. Бугунги кунда бунинг ягона йўли профессионал шахс сифатида вояга етиш бўлиб қолди. Профессионал шахс бўлиш учун ўз нафси-ни тия билиш, касб маҳоратини эгаллаш ва одам бўлиб яшаш кўникмасини ҳосил қилиш керак. Буларнинг барчаси бир сўз – билмоқ (маърифат) замирида жо бўлган. Билимли киши жаҳо-лат, нодонлик ва ёвузликка қўл урмайди. Бу “жаҳолатга қарши маърифат” тамойилининг мазмунидир.

Маълум бўлмоқдаки, фикр, ғоя ва маърифат ҳар қандай шахс-ни, жамиятни ҳимоя қила олади. Шу сабабли Президентимиз маънавий кадриятлар масаласига алоҳида диққатни қаратади.

Унга кўра, маънавий қадриятларга таяниб миллий ўзликни сақлаб қолиш мумкин. Негаки, “бирон-бир жамият маънавий имкониятларни, одамлар онгида маънавий ва ахлоқий қоидаларни ривожлантирмай ҳамда мустаҳкамламай туриб ўз истикболини тасаввур эта олмайди”.

Халқимиз маънавий ва ахлоқий қадриятларида ватанипарварлик, инсонпарварлик, миллий ифтихор, бағрикенглик каби хусусиятлар устувордир. Уларни изчил тарғиб қилиш билан маънавий таҳдидларга гоявий зарба бериш мумкин. Чунки “ўзбек халқи руҳининг тикланиши, миллат маънавий-ахлоқий идеалларининг шаклланиши чуқур миллийлик билан умуминсонийлик чамбарчас боглиқ бўлган ҳодисадир. Ўзбекистонда яшаётган халқлар ўзига хосликни йўқотмаган ҳолда, умумий руҳиятга, хулқ-атвор фалсафасига эга бўлмоқдалар”.

Дунё фалсафий-тарихий ва маънавий меросда маънавий таҳдидларни бартараф қилишга доир муҳим фикр-мулоҳазалар билдирилган. Айниқса, буюк юнон файласуфи Платоннинг бу борадаги қарашлари эътиборга сазовордир. Файласуфнинг фикрича, инсоннинг маънавий оламини шакллантириш учун унинг руҳини (онгини) ва қалбини ҳимоя қилиш керак. Негаки, инсон руҳида бойлик ва манфаатпарастликка қарши мулоҳазакорлик ва адолат ғояси мавжуд бўлади, қалбида эса бекиёс жасорат ва бекиёс кўркув туйғуси мавжуд. Демак, маънавий тарбия воситасида маънавий таҳдидларни бартараф этиш мумкин. Маънавий тарбия инсон руҳиятида эзгу мақсад-муддаоларни шакллантириш, унинг қалбида эса маънавий жасоратни ҳосил қилишдир. Платоннинг бу фикри ҳаётий асосга эгалиги билан диққатни тортади.

Платоннинг инсон маънавиятига доир қарашлари реаллик ва идеалликни уйғун қабул қилиши билан ўзига хос хусусиятга эга. Бу масалага диққат қилиш маънавий таҳдидларни бартараф этишнинг ижтимоий асосларини кашф қилиш имконини беради. Файласуфнинг фикрича, инсондаги неъматлар икки турли бўлади: инсоний ва илоҳий. Инсоний (яъни тугма) неъматлар саломатлик, гўзаллик, қувват ва ақллиликдан иборат; илоҳий (яъни ўзлаштириладиган) неъматлар маънавиятлилик,

руҳиятлик, адолатлик ва мардликдир. Бизнинг назаримизда, Платоннинг бу қараши бугун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Чунки инсоннинг тугма хислатларини ривожлантириш ва унга эзгу сифатларни ўргатиш билан уни маънавий таҳдидларга бардошли қилиб вояга етказиш мумкин. Платон инсонда эзгуликнинг тантана қилишига охир-оқибатда ёвузлик иккиламчи характерга эга эканлигига қатъий ишонади. Шу сабабли у инсон фақат адолат, эзгулик ва гўзаллик қонуниятлари асосида бахтли яшаши мумкин, деган хулосага келади.

Маънавий таҳдидларни бартараф қилишга доир муҳим йўналишлар миллий фалсафий меросимизда ҳам старли даражада ишлаб чиқилган. Бу ўринда биз фақат пандномалар мисолида фикр юритиб ўтиш билан чекланамиз. Айниқса, V–VII асрларда битилган пандномаларда эзгуликнинг ёвузлик устидан тантанаси масаласи кенг талқин қилинган. Жумладан, “Донишлар ўғити” пандномасида бундай дейилади: “Ақл ва эътиқод воситасида қуйидагиларни англаш мумкин: “Мен бу оламга маънавий оламдан келдим, моддий оламдан эмас. Менда эзгулик устувор, ёвузлик эмас”. Демак, инсон Ақл ва Эътиқод воситасида яхшилик ва ёмонликни фарқлаши мумкин. Бундай фарқлаш, охир-оқибатда, унинг онгида маънавий таҳдидга қарши иммунитетнинг ҳосил бўлишига олиб келади.

Миллий фалсафий меросимизда эзгулик ва ёвузликни фарқлаш билан маънавий ҳимояланиш масаласига алоҳида ургу берилади. Унга кўра, барча нарсанинг асосида икки куч бўлади: бири бунёдкорлик, иккинчиси вайронкорлик. Яъни, инсон бунёдкорлик кучига таянса, эзгуликни, аксинча, вайронкорлик ғоясига таянса, ёвузликни юзага келтиради. Аммо инсон кўп ҳолларда бунёдкорликни танлашга мойил бўлади. Шундай экан, маънавий таҳдидларни бартараф қилишнинг энг мақбул йўлларида бири инсонни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тўғри тарбиялашдир. Бу масалада пандномаларда бундай дейилади: “Инсон эмизикли гўдакка ўхшайди ва у умри давомида хулқ-атвор жиҳатидан шакллантирилиб борилиши керак”. Бунинг маъноси шуки, инсон бутун умри давомида маънавий-ахлоқий жиҳатдан шакллантирилиб борилиши лозим.

Келтирилган мисоллардан маълум бўладики, маънавий таҳдидларни бартараф қилиб боришга доир ўзига хос қарашлар тизими мавжуд. Улардан унумли фойдаланиш мумкин.

## **ҒОЯВИЙ КУРАШЛАР ТАРИХИДАН ЛАВҲАЛАР**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 августдаги “Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги 451-сонли қарорида “Ҳозирги мураккаб ва таҳликали даврда ёшларимизни турли мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилишда ота-она, оила ва маҳалланинг ўрнини янада ошириш ҳамда миллий ғурур, комил инсон тарбияси билан боғлиқ туйғу ва тушунчаларни ёш авлод қалби ва онгига сингдиришда таъсирчан усул-услугалардан фойдаланиш” каби вазифалар белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” асарида: “Бизни қуршаб турган олам ғоят мураккаб ва муаммоли бўлиб келди, шундай бўлиб келмоқда ва яқин истикболда ҳам шундай бўлиб қолажак,” – деб ёзади. Мана шу мураккаб ва зиддиятли вазиятда янги мустақил давлатлар, жамиятлар барқарорлиги, хавфсизлиги ва аҳолининг тинч-осойишталигини таъминлаб, тараққиёт йўлидан огишмай ривожлантириш муаммоси ҳозирги замоннинг энг долзарб масаласи ҳисобланади.

Миллий ғоя оилада кечувчи ғоявий-тарбия жараёнларида ўзига хос равишда намоён бўлмоқда. Миллий ғояни одамлар қалби ва онгига сингдириш аввало оиладан бошланади. Оила, сулола мафкураси, боболар ўғити, отанинг шахсий ибрати, онанинг меҳри орқали инсондан инсонга, авлоддан авлодга ўтади, боланинг онг ва шуурида муҳрланиб боради. Ахлокий, ғоявий-тарбиявий жиҳатдан соғлом бўлган оила негизидаги жамият ва давлат мустаҳкам бўлади. Бундай оилада баркамол шахс вояга етади, унинг туйғулари, тушунча ва дунёқарашида миллий ғоя кенг тарқалади.

Миллий ғоя – бутун Ўзбекистон оилаларининг биргаликда инсонпарвар, фаровон демократик жамият қуришда ҳар бир инсоннинг муносиб иштирокини таъминлаш бўйича қилган азму қарори ифодасидир. Инсон, оила, маҳалла, меҳнат жамоалари, давлат манфаатлари, уларни боғлаб турувчи ижтимоий-сиёсий тизимлар миллий ғояда яққол намоён бўлади.

Инсоният ўз тарихида қанча уруш кўрган, қанча қурбон берган бўлса, булар ёвуз ғояларнинг иайдо бўлиши, тарғиб қилиниши, миллионлаб кишиларни шу ғоялар билан аввал хулқатвор мотивларининг шаклланганлиги натижасида қўлларига қурол берилганидан бошланган. Бузғунчи ғоялар тарғиботи одамлар, миллатларнинг тинчлигини бузган.

Ўтмишда дин ниқоби остида ўз манфаатлари сари қураш олиб борган, турли хунрезликлар ва бузғунчиликларга сабаб бўлган воқеалар кўплаб учрайди. Жумладан, Абу Али ибн Али Тусий Низомулмулк ўзининг “Сиёсатнома” (“Сияру-л-мулк”) асарида бу фикримизни исботловчи айрим воқеликлар ҳақида хабар беради. Ҳолбуки, узок йиллар салжуқийлар саройида вазирлик лавозимида ишлаб келган ва “Низомулмулк” номи билан машҳур бўлган бу давлат арбобининг ўзи ҳам исломга ёт бўлган фисқу фасод қурбони бўлди. У ёлланма қотил тифидан ўлим топди.

“Қадим замонларда хорижийлар бўлган ва улар давлатга яширинча ёмонлик қилиб, ҳар бир овозага қулоқ солиб, майда ишларга ҳам араллашиб юрардилар. Худо ўзи сақласин-у, мабодо давлатга бирор зарар тегиб қолса, бу итлар яширинган жойларидан чиқиб, давлатга қарши юриш қилиб, қўлларидан келган ёмонлик ва бўҳтон ишларни қиладилар. Улар гарчи сўзларида мусулмонликка даъвогар, ҳақиқатда эса кофирлар феъли ва ишларини қиладилар. Уларнинг ботинлари зоҳирларига қарши, сўзлари амалларига зиддир. Муҳаммад алайҳиссалом динида булардан ёмонроқ душман йўқ”, – деб ёзади Низомулмулк.

Демак, бундан деярли 10 аср илгари, ундан олдин, кейин ҳам халқ манфаатларидан “ҳақиқий мусулмон” ниқоби орқасида яширинган бундай кишилар ўз шахсий манфаатларини устувор қўйган. Пайт пойлаб туриб ҳужумга ўтган.

Бузғунчи ғоялар инсоният ҳаётига таҳдид солиб, ёвузлик сари чорлаб келган ва келмоқда. Ғоявий кураш узоқ тарихга эга. Бу ҳақда эрамиздан аввалги VI асрда яшаган хитойлик файласуф ва ҳарбий қўмондон Сун Цзю шундай деган эди:

1. Сиз рақиб мамлакатдаги барча яхши нарсаларни бузинг, айнитинг.

2. Рақиб давлатидаги обрўли одамларни ўзингизга шерик қилиб, жиноятга бошланг.

3. Рақиб давлат раҳбариятининг обрўсини тўкинг.

4. Бу ишда ўша мамлакатдаги энг паст, мараз одамлар билан шериклик қилинг.

5. Рақиб мамлакатлар одамлари орасида келишмовчилик чиқаринг.

6. Ёшларни кексаларга қарши гиж-гижланг.

7. Хукуматнинг яхши иш юритишига ҳар қандай йўл билан қаршилиқ кўрсатинг, ҳалақит беринг.

8. Рақиб қўшинларининг таъминоти, тартиботига тўсиқлар қўйинг, бузинг.

9. Аскарларни қўшиқ ва куйга ошуфта қилиб, иродасиз қилинг.

10. Душманингизнинг анъаналарини қадрсизлантиринг, эътиқод-ишончини синдириг.

11. Бузук аёлларни юбориб, уларни янада кучлироқ айнитинг.

12. Рақиб томон ҳақида маълумот олинг, бу ишда улар орасидан шериклар топинг, уларга пул тўлашда жуда сахий бўлинг.

13. Умуман, пулни ҳам, ваъдаларни ҳам аяманг, чунки булар ажойиб натижаларни беради.

Бунёдкор ғоялар тарғиботи эса, шахсни юксалтирган, яхшилиқ ғалабасини таъминлаган. Бироқ бу ғалабалар тараққиёт, миллатлар учун қимматга тушган. Тарих ақидапарастлик, диний фанатизм, терроризм, босқинчилик, фашизм, шовинизм, жаҳолатпарастлик, большевизм ва бошқа бузғунчи ғояларни кўрди, билди. Айниқса, XIX аср 90-йилларнинг бошига келиб ваҳҳобийлик, ҳизбу-т-таҳрир, акромийлик, тавба каби турли бузғунчи гуруҳлар пайдо бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида диний қарашларни мажбуран синғдиришга йўл қўйилмаслиги қатъий белгилаб

қўйилган. Бироқ ханузгача буни бузишга интилаётган бузғунчи ҳаракатлар ўз ғайриқонуний тарғиботи билан машғул бўлиб, ўзларининг қонунга хилоф хатти-ҳаракатлари орқали жамиятдаги барқарорликни бузишга интиломқдалар. Уларда ёшларни диний фанатизм ва экстремизм руҳида тарбиялашнинг кўп усуллари мавжуд. Ўз ғаразли мақсадларини кўзлаб, ҳокимиятнинг қонуний фаолият кўрсатаётган органлари ва мансабдор шахсларга, халқ ўзи азиз билиб, танлаб, сайлаб олган раҳбарига ва улар олиб бораётган оқилона сиёсатга қарши иғво, фитна ва бўҳтон тарқатишга зўр бериб ҳаракат қилмоқдалар.

Фундаментализм, экстремизм, терроризм жамиятда қабул қилинган ҳеч бир мутараққий қонун-қоидаларга тўғри келмайдиган ҳаракатларни ифодалайди. Терроризм эса ҳокимиятнинг ёки бирор-бир ғаразли мақсадлар учун курашнинг кўрқитиб курашиш усулидир. У ҳам ўзининг мафқурасига эга.

Терроризм мафқураси умуминсоний манфаатларга зид. У эски тарих саҳифаларида қолиб кетган халифаликни тиклаш ғоясига зўр бериб, турли миллат ва элат вакиллари яшаётган мамлакатимиз ижтимоий соҳасининг турли жабҳаларида миллий мафқурамиз руҳияти билан яшаб, меҳнат қилаётган халқимизнинг қалбига ва онгига бузғунчи ғояларни сингдиришга ҳаракат қилмоқда.

Террорчилик бу зўравонликнинг турли кўринишлари (қотиллик, ҳужум, босиб олиш, кўрқитиш, давлатнинг иродасини сусайтириш)ни ўзида намоён этади. Бинобарин, терроризм маълум сиёсий мақсадларга эришишга йўналтирилган, тинчлик, фуқаролар хавфсизлиги ва ҳаётига зўравонлик ишлатиш ёки қўллаш хавф-хатарини туғдиришдир.

Юқорида келтирилган фикрлардаги каби бузғунчи ғоялар ислом дини нуқоби остида ҳаракат қилиб ёшларни ўз халқига, ота-онасига қарши қўйишмоқда.

## МАЪНАВИЙ ТАҲДИДЛАР ВА УЛАРНИНГ МАНБАЛАРИ

Маънавияти юксак халқ енгилмас бўлади. Бинобарин, миллатнинг кучи унинг сонида, иқтисодий салоҳиятнинг ёки олтин

захирасида эмас. Миллий гурури баланд, руҳияти кучли, ўз қадрини билган халқ ҳеч кимга қарам бўлмайди.

Широк, Тўмарис, Спитамен, Муқанна, Торобий каби эрк-севарларни, Мангуберди, Темур, Бобур каби саркардаларни етиштирган авлодларнинг маънавияти таҳсин ва эъзозга сазовор.

Ўзбек халқи ўзининг маданияти, маънавияти, менталитети билан қўшни халқлар, узоқ ва яқин элатларга ижобий таъсир ўтказгани кўпчилик томонидан эътироф этилган. Турли миллий маданиятларнинг ўзаро алоқаси натижасида халқимизнинг турмуши, маданияти ва урф-одатлари ҳам янгиликлар билан бойиб борганлиги тарихдан маълум. Халқимиз ўзига хос бағрикенглик билан ижобий, фойдали, маънавий таъсирларни қабул қилган.

Буюк ипак йўлида жойлашган, минг йиллар мобайнида қанчадан-қанча сулола ва салтанатларни кўрган, юксалиш ва таназзулларни бошидан кечирган халқимиз ўзига хос маданиятини, бетакрор маънавиятини сақлай олди. Энди, энг маорифли, энг мутараккий ХХI асрга келиб, маънавиятга безътиборлик – тарихий хотирага ҳурматсизлик, миллий меросимизга нисбатан беқадрлик бўлган бўлар эди.

Бинобарин, Ўзбекистон халқининг энг фаол, энг етук қисмига мансубман дегувчи ҳар бир соф виждонли киши маънавиятни сақлаш, авайлаб асраш ва бойитиш учун масъулдир. Бу масъулият ҳукумат ё маъмурият томонидан юкланмайди. Буни миллий ғурур, шаън ва орият тақозо этади.

Маънавиятни юксалтиришга қараганда уни сийқалаштириш, бузиш, барбод қилиш осон. Ҳар қандай жамиятда ҳар икки йўналишга хизмат қилувчи омиллар, кучлар, гуруҳлар бўлади. Айни пайтда, маънавиятга четдан бўлаётган таъсирлар ҳам бир хил эмас. Умуминсоний қадриятлар, халқаро ҳуқуқ нормаларининг ижобий таъсири бир тараф бўлса, бошқа томондан – глобаллашув жараёнининг салбий таъсири ҳам тобора аниқ сезилиб бормоқда.

Кейинги йилларда маънавият соҳаси гоёвий кураш майдонига айлана бошлади. Очикдан-очик ва баъзан яширин мафкуравий хуружлар кутилган натижани бермагани аён бўлгач, геосиёсий кучлар диққат-эътиборни маънавиятга қаратишди.

Маънавий соҳадаги энг жиддий хатар – ватансизлик, “дунё фуқароси” мафкурасининг ёйилишидир. Бунинг учун космополитизм ғоясини тарғиб этишдан фойдаланилади.

Космополитизм (юнонча «kosmopolites» – дунё фуқароси маъносини билдиради) – бутун ер юзини ягона ватан деб, шахснинг ўз туғилган юртига, халқига, давлатига бўлган меҳри, садокати, ҳимоятини сийқалаштирувчи оқим. Ватансизлик, ватаннинг бугуни ва эртанги кунига бефарқлик, мустақиллигини кадрламаслик каби зарарли ғоялар космополитизмга таянади ва ундан озиқ олади. “...ўзларини “дунё фуқаролари” деб атайдиган кишилар тоифаси тайёрланади ва уларга яқин келажакда ер юзида умуман ҳеч қандай чегара қолмайди, деган фикр сингдирилади”.

Ватанпарварликнинг акси ва инкори сифатида юзага келган космополитизм тарихан турли шаклларда намоён бўлган. Қай ерда ҳаёт осон ва қорин тўқ бўлса, ўша жойни ватан тутиш, ватан бой бўлса, севиб, бошига кулфат тушганда уни тарк этиш, ўз юрти қолиб, ўзга маконларга суқланиб қарашлар – булар бари ватансизлик кўринишларидир.

Бундан юз эллик йил муқаддам пролетариат синфининг назариётчилари сифатида майдонга чиққан Маркс ва Энгельс «Коммунистик партия манифести» асарида “ишчининг ватани йўқ” деб ўргатишди. Бундан илҳомланган Ленинчи большевиклар ўз ватанларининг урушда енгилишини ёқлаб овоз бердилар. Кейинчалик, 1917 йил октябрида ҳокимият тепасига келишгач, энди ватан керак бўлиб қолди. Барча халқ «социалистик ватан»ни ҳимоя қилишга, севишга мажбур этилди.

“Менинг адресим – Совет иттифоқи”, деган ғоя сингдирилди. Бу айни ўша ватансизлик мафкурасининг кичрайтирилган, яъни СССР миқёсидаги кўриниши эди. Нега деганда, ўша даврларда Ўзбекистонни севиш, ўзбек халқига мансублиги билан фахрланиш “миллатчи”, деган таъқиб остида эди.

Ватансизлик ғояси мафкуравий кураш арсеналида энг хавфли куруллардан бири ҳисобланади. Ўз юртида озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуришга иродаси етмайдиган кимсалар ҳар бир жамиятда бўлган, бор. Озгина тарғибот,

хориждаги «фаровон ҳаёт» рекламси миллий ғоя руҳида тарбияланмаган бундай кимсаларда ўз ватанига бефарқлик уйғотишга кифоя қилади.

Маънавий хуружларни кучайтириб, бу соҳада бузғунчилик олиб бораётган кучлар миллий ғурурни пасайтиришга, уни ерга уришга уринадилар. Зимдан олиб бориладиган, баъзан очик-ошкора уюштириладиган мафкуравий хуружлар Ўзбекистон эришаётган мислсиз ютуқлар кўламини пасайтириб кўрсатишга, халқнинг гурурини, қаддини букишга қаратилади. Ўз юрти, миллати, сардорини севмайдиган одамлар, яъни миллий ғурури йўқ кимсалар қанча кўп бўлса, шу жойда аввал маънавий, кейин мафкуравий, пировардида, сиёсий ҳукмронлик ўрнатиш осонлашади, деб мўлжал қилинади.

Бир ажнабий журналист Ўзбекистонда демократия танқислигини «исботлашга» уриниб, оилада эр-хотин жанжаллашса, судга бормай, маҳаллага чиқар экан, деб таъна қилибди. Бир доллар устида эри тугул хатто отаси билан судлашиб ўрганган бундай хонимлар биздаги таомил ва расм-русумларни қаердан ҳам билсин.

«Эр-хотиннинг уруши – дока рўмолнинг қуриши», деб ҳисоблайдиган халқимиз ҳар қандай муаммони можаро даражасига, кундалик келишмовчиликни – мурасасиз қўйди-чиқди даражасига олиб чиқиш тарафдори эмас. Қолаверса, овқатни тотли қилиш учун аччиқлик – мурч ёки қалампир қўшилганидек, висолни лаззатли қилиш учун енгилгина араз ва гина, қисқа муддатли фироқ кераклигини бу америкалик тасаввур ҳам қила олмайди.

Маҳалла – ўзбек халқининг буюк кашфиёти, дунёдаги жами халқлар андоза ва ўрнатилган арзийдиган қадриятидир. Қарангки, айрим хорижий тафтишчиларга маҳалла ҳам хуш келмабди. Бу ўз-ўзини бошқаришнинг тенги йўқ тимсоли эмас, гўё эркинликни бўғадиган зугумкор ташкилот деб тухмат қилувчи мақолалар ҳам чет эл матбуотида учраб турибди.

Маънавий қадриятларимиз ичида ажнабий муҳолифларни қийнаётган яна бир қадрият – ор-номус, иффат, шарм-ҳаё масаласидир. Катталарга эҳтиром юзасидан ёшлар қўл қо-

вуштирса – тобелик аломати деб, қизлар ярим тунда кўчага чиқмаса – тутқунлик аломати деб талқин қилувчи бир-икки мақола эълон қилинди. Уларнинг наздида, ярим тунда уйидан чиқиб кўчада саргузашт ахтарган қиз демократия фарзанди бўлармиш.

Бизнинг юртимиздаги муносабатлар тизими ва муомала тартиби, айрим хорижий мухолифларимиз фикрича, демократия тамойилларига тўғри келмас эмиш; шунинг учун бизнинг бу қолоқ ўлкага у томондан эркинликни экспорт қилиш керак эмиш...

Демократияни кенг ёйиш шиори, аслида, демократияга зид равишда уни экспорт қилиш режаси остида қандай мақсад ва манфаатлар яширинганлиги холис фикрли ва соф виждонли одамга сир эмас. Асосий муддао – ўз меъёр, ўз фалсафа, ўз ақидаларини бошқаларга мажбурлаб сингдириш, ўз ногорасига ўйнатишдир.

Маънавиятга четдан бўладиган салбий ва ўта салбий таъсирлар бор ва бўлади. Яқин келажакда бу хавф-хатарлар камаяди, деб ўйлаш, камида – соддадиллик, росмана айтганда – жинойткорона бепарволик бўлар эди. Ташқи маънавий таҳдидларни тўхтатиш, тақиқлаш, ихоталаш осон эмас.

Шундай экан, ҳар қандай ташқи ғоявий, ахлоқий таъсирга нисбатан мафкуравий иммунитет, яъни ҳар бир ўзбекистонликда ташқи ғоявий таъсирни «маънавий элакдан ўтказиш қобиляти»ни шакллантириш маънавий-маърифий, тарбиявий ишларимизнинг биринчи вазифаси бўлмоғи зарур. Токи одамларнинг ўзи ҳар бир ахборотни, янгилик ва билимни ақл тарозусида тортиб, маънавият элагидан ўтказиб, яхшини ажратиб олин, ёмонни даф этиб, ёнидагиларни ҳам бундан огоҳлантирсин.

Яна бир муҳим жиҳат – маънавий заминни маънавиятсизлик, ахлоқсизлик, бегона ўтлардан тозалаш даркор. Лоқайдликнинг ижтимоий илдизи нимадан иборат? ЛО – ҚАЙД, яъни қайд этмаслик, эътибор бермаслик, дахлдорликни ҳис этмаслик, ўзини четга олиш – бугунги кунда халқимиз орасида энг кенг тарқалган ижтимоий иллат бўлса эҳтимол. Билиб қўйинглار, ташқи ғоявий таъсир ички маънавий лоқайдлик, заифлик бор жойда илдиз

отади. Бинобарин, маънавиятни пасайтирувчи, ичдан емирувчи иллат ва нуқсонларни аниқлаш, бартараф этиш ва олдини олиш муҳим тарбиявий вазифа бўлиб қолаверади.

### **Маънавият бобида бизга ақл ўргатишга уринишлар**

Бугунги кунда геосиёсий жараёнлар, уларнинг минтақамиз ва мамлакатимизга таъсири масалалари, бу борада республикамиз амал қиладиган тамойиллар Президентимиз Ислом Каримов асарларида, айниқса, “Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” китобида атрофлича тушунтириб берилган. Мамлакатимизнинг ички ва ташқи сиёсатида хос асосий геосиёсий тамойиллар ана шу асосда амалга оширилмоқда. Натижада, айрим давлатларда “табiiй сарҳадларни кенгайтириш зарурати” тарзида экспансияни асословчи сиёсий концепция, деб қарашга олиб келди. Ана шу мақсадларда инсонга маънавий таъсир кўрсатувчи турли воситалар мавжуд. Булар орасида айниқса кўзга ташланмайдиганлари хавфли ҳисобланади.

Руҳиятга таъсир қилиш омиллари: товуш билан таъсир кўрсатиш; нутқ билан таъсир кўрсатиш; маълумотни сохталаштириш; чалғитиш; онгни режа асосида шакллантириш; шовқин-сурон билан таъсир кўрсатиш; токли таъсир кўрсатиш; электромагнит билан таъсир кўрсатиш; инфратовушлар билан ишлов бериш; психотроп моддалар қўллаш; физиологик таъсир кўрсатиш (парҳез, оздириш, семиртириш, ичкиликбозликка ўргатиш); биоэнергия билан таъсир кўрсатиш (гипноз ва ҳ.к.).

Булардан мақсад: итоат қилдириш; заифлаштириш; эгаллаш.

Кўзланадиган натижалар: хулқ-атвори бузиш; асаб касалига дучор қилиш; руҳий хасталикка олиб келиш; руҳият-ни айнитиш; шахс мақсадини чалғитиш; шахсни мутаассиблаштириш.

### **Миллий ғоя тарғиботида тизимли ёндашиш**

Тарғибот (араб. қизиқтириш, тарқатиш) – 1) кенг маънода, ижтимоий фаолиятнинг алоҳида тури бўлиб, аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш мақсадида илмий, бадиий, ижтимоий-сиёсий, миллий ғоя ва қадриятларни тарғиб

этишдир. Тарғибот жараёнида фан, санъат, сиёсий ва мафкура ютуқлари кенг оммалаштирилади, бойитилади ва янада ривожлантирилади; 2) тор маънода, мафкура ва сиёсатни тарғиб этишга қаратилган фаолият. Тарғибот илмийлик, конкретлилик, объективлик, ижтимоий ҳаёт билан чамбарчас боғлиқлик тамойилларига асосланиши, ташкилий жиҳатдан уюшган бўлиши лозим.

**Тарғибот** – бирор ғоя, таълимот, фикр ва қарашни аҳоли ўртасида кенг ёйиш, кишилар онгига сингдиришга қаратилган, аниқ мақсадни кўзлаб олиб бориладиган тушунтириш ва даъватни, одамларни муайян бир вазифани ҳал қилиш, маълум бир тартиб-қоидалар асосида яшаш, меҳнат қилишга маънавий-руҳий тайёрлаш, ғоявий руҳлантириш, сафарбар қилиш, рағбатлантиришни англатади. Демак, тарғибот (лот. propaganda – тарқатилиши керак бўлган маълумот) огзаки ёки оммавий ахборот воситалари орқали муайян ғояларнинг жамоатчилик онгида оммалаштиришга йўналтирилган фаолиятдир.

**Ташвиқот** – одамларни шавқлантириш, уларга таъсир ўтказиш мақсадида ёзма ва огзаки шакллардаги ундаш, даъват қилиш, шу асосда уларнинг қалбида завқ-шавқ, муҳаббат ёки нафрат уйғотишни ўз ичига олади. Ташвиқот (лот. Agitation – ҳаракатга келтирмок) – маълум бир ижтимоий гуруҳ ёки оммани кўзланган мақсад сари фаолликка ундайдиган тарғибот фаолиятидир. Ташвиқотнинг огзаки, нашрий ва аудио, видео турлари мавжуд бўлиб, у гоят таъсирчан ижтимоий-сиёсий кураш воситаси ҳисобланади.

Барча замон ва маконларда ҳам ҳар қандай ўз халқи келажагини ўйлаган мамлакатда аҳоли давлат томонидан олиб борилаётган сиёсат, ислохотлар, ўзгаришлардан маълум даражада хабардор қилиб борилган. Бу эса жамиятни бирлаштириш, умуммиллий мақсадлар йўлида сафарбарликни таъминлаб, давлат ва жамият бирлигига эришишдек эзгу мақсадларга хизмат қилган.

Бу кўҳна дунё бузғунчи ғоялар тарғиботини ҳам кўрди, ундан кўп азият чекди. Ҳозир ҳам диний экстремизм, халқаро терроризм, эгоцентризм, ватансизлик, ахлоқсизлик ғоялари янги, XXI аср технологиялари билан қуролланган ҳолда тарғиб

этиляпти, глобаллашяпти. Восита, шакл ва мақсадлар ўзгариб бораётган, турли номларда аталаётган бўлса-да, улар замирида ўз ғояларининг тарғиботи ётибди. Шунинг учун бошқаларнинг тинчлигини бузиш, барқарор тараққиётга ҳалал беришга йўналтирилган ҳамда миллий манфаатларга қарши қаратилган бундай тарғиботни вайронкор тарғибот деймиз.

Мустақил Ўзбекистонда тарғибот ишлари миллий мустақилликни янада мустаҳкамлаш, миллий ўзликни англаш, жамиятни юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги, ижтимоий ҳамкорлик, комил инсонни тарбиялаш, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенгликни тарғиб қилишга қаратилган. Шунинг учун бу – бунёдкор тарғибот ҳисобланди.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг ўз халқи маънавиятини бойитишга, миллий манфаатларини англашиш ва уларни кўз қорачиғидай асрашга сафарбар қилишга қаратилган бунёдкор тарғибот тизими шаклланиб, янада такомиллашмоқда.

### **Тизимнинг технологик жиҳати**

Бу тизим лойиҳалаштирилган натижани кафолатлашга қаратилган турли операциялар, воситалар, методлар, функция ва субъектлар занжири сифатида намоён бўлади. Шу сабабли бунда воситалар эмас, балки у ёки бу фазилатни шакллантиришда кафолатланган натижага эришишнинг алгоритмлари режалаштирилади.

Мазкур тизим, мавжуд ҳолатни маънавий диагностик ўрганиш, мазмунан бойитиб, такомиллаштириб бориш орқали замон талабларига тўла жавоб бера олишини таъминлаш таъмоилига асосланади. Бу эса амалга ошириладиган ҳар бир таълим-тарбиявий чора-тадбирнинг аниқ натижани кафолатлай олишига эътиборни қаратиш, мақсадга мувофиқ амалга оширилишини назорат қилиш ва самарадорлигини аниқ қайд қилиб боришни талаб этади.

Тизим самарадорлигини таъминлаш учун жавобгарлик ҳар бир муассаса раҳбари зиммасига юклатилади.

Тизим амалиёти натижалари изчил равишда муассаса йиғилишларида муҳокама қилиб борилади.

## **Жараён (ҳисобот) учун эмас, натижа учун ишлаш**

Мафкуравий иммунитетни шакллантириш жамият ҳаёти-нинг энг нозик жиҳатларидан, ёшларнинг миллий ҳис-туйғу-лари, мақсад ва интилишлари, маънавий-маърифий ва руҳий-ахлоқий даражасига бевосита боғлиқ ҳодиса. Шундай экан, ёшларимиз ёт мафкураларнинг «меҳрибонлиги», «холислиги» ва «бетарафлиги», «ёқимлилиги», «дўстоналиги» ортида нима ётганини англай билишлари лозим. Яъни уларнинг замирида-мунтазам тактикасини ўзгартириб турувчи жонсарак ақида-парастлик тарғиботи турганини танишга, тушунишга ўргатиб бориш керак.

Ёт мафкураларни кўр-кўрона қабул қилишнинг қулай за-мини – бу маиший қулайликка ортиқча интилиш, ташқи гў-залликка ҳаддан ташқари берилиш, буюмпарастлик, боқиман-далик ва миллий турмуш тарзида одатий ҳол бўлиб қолган афзалликлар ва неъматлардан онгсиз равишда фойдаланиш, уларни маънавий қадрият сифатида тўла англай билмаслик-дир. Бу каби дунёдаги мавжуд мураккаб мафкуравий вазият ёшларимизда мафкуравий иммунитетни тарбиялашни янада фаоллаштиришни талаб қилади. Бу Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ёшларимизда ишончни, мустақил, ижодий фикрлашни шакллантириш, Ватаннинг тақдирига масъуллик ҳиссини ривожлантиришдир. Ва албатта, бизга ёт бўлган одат-лар ва қарашларга нисбатан собит эътиқодни яратишдир», де-ган фикрларида ўз ифодасини топган.

XXI асрда Ўзбекистонимизни тараққий этган жаҳоннинг пешқадам давлатларидан бирига айлантириш учун ўзимизда, фарзандларимизда метин мафкуравий эътиқод, умуммиллий бирлик бўлмоғи керак. Олий ўқув юртларида жорий қилин-ган «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» фани ана шу бирликни, эътиқодни шакллантиришга қаратил-ган ўта муҳим ва долзарб восита бўлиб хизмат қилади.

Ёшларимизга хос: ўзини ўзи такомиллаштиришга инти-лиш, ўқишни ўз келажаги билан боғлаш (ўқишга кириш, касб танлаш); баъзан хатти-ҳаракатларда тажрибасизлик туфай-ли учраб турувчи беқарорликда, ўз-ўзини англашнинг янги

босқичга кўтарилишида, ўзининг «Мен»идаги ютуқлар билан бирга камчиликларини ҳам англай бориш, туйгулар етакчилигининг босила бориши, илгари тенгдошларидан излаган намунани энди катталар орасидан кидира бошлаши, ўзини катталар сингари ҳис қилишга мойиллик, самимий ҳамфикр кидириш ва бошқа хусусиятларни ҳисобга олиш ва уларга таяниш лозим.

Кимда-ким гўдакни кўтармоқчи бўлса, аввал эгилиб, уни тутиб, кейин юқорига кўтаради. Худди шунингдек, ким кимни ўзига мослаштирмоқчи бўлса, аввало, ўзи унга мослашди. Ўзгартиришни истамаса, бефарқ бўлади, мослашмайди. Демак, боғчада тарбиячи бола билан боладек, мактабда ёшдек, институтда ёшлардек гаплашиш керак.

Албатта, бу масъулиятли ишда профессор-ўқитувчиларнинг шахсий намунаси, маънавияти, ҳаётга бўлган ғоявий-сиёсий муносабати катта роль ўйнайди. Бунинг учун ижтимоий-гуманитар фанлар ўқитувчилари замонавий ёт ғоя, мафкуралар кирдикорлари тарғиботининг умумий мақсад-ниятлариини билишлари катта аҳамиятга эга бўлди. Бу ёт мафкуравий қарашларни танқид қилишга саёз ёндашиш, соддалаштиришнинг олдини олишга ёрдам берди. Замонавий мафкуравий кураш хусусиятларини, душман мафкурасининг мунофиқлигини ҳисобга олиш, бузғунчилар таянадиган асосларни далил-исботлар билан фош қилиш имконини берди.

Мафкуравий иммунитетни юксак даражада шаклланган фуқаро атрофидагиларни ҳам ғоявий тарбиялаш салоҳиятига эга бўлади. Ўзи ва миллати учун бефойда, зарарли одатларидан воз кечади. Миллат манфаатларини ўз манфаати, ўз манфаатини эса миллат манфаатига эришиш шарти деб тушунади.

Ҳар бир мафкуравий таъсирга: Бу маълумотни кимлар, нима мақсадда тарқатишмоқда? Тарқатувчи бундан қандай фойда олмоқчи? Айтилаётган гаплар ҳақиқатми, никобми? Диний экстремизм нима деярди – нима қиялди? каби таҳлилдан келиб чиқиб муносабат билдиради.

Ўз вазифасини миллатнинг кунига яраш, оғирини енгил қилишда кўради. Шу сабабли у ўз шахсий қобилиятдан чиқиб кўтарилади ва миллат манфаати учун, миллат фаровонлиги орқали

Ўзини камолотга эриштириш учун бошқалардан кўпроқ, самаралироқ меҳнат қилади. Миллий ғоя, мақсадга ишонади, уни ҳимоя қилади.

Бу ишда мафкуравий профилактика мақсадига йўналтирилган тадбирлар самарадорлиги катта аҳамият касб этади.

## Тадбир самарадорлигининг мезонлари

| № | Самарадорлик кўрсаткичлари     | Самарадорлик шартлари                                                                                                                                                                                     | Баҳо* |
|---|--------------------------------|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-------|
|   | Тадбир мавзусининг долзарблиги | Тадбирнинг нега, нима учун айнан шу мавзуда, шу вақтда, шу катнашчилар таркиби билан ўтказилишининг асосланганлиги.                                                                                       |       |
|   | Мавзу номи                     | Содда, қизиқарли, долзарб, катнашчиларнинг ёши, касби, манфаатларига, ҳудудий хусусиятга мос маънавий-мафкуравий масалалардан бирига бағишланган бўлиши.                                                  |       |
|   | Мақсаднинг ифодаланиши         | Тадбирнинг мақсади, катнашчилар билиб олиши зарур бўлган асосий фикрларнинг тезис шаклида аниқ ёзилганлиги.                                                                                               |       |
|   | Тайёргарлик                    | Тадбир мавзуси ва мундарижаси ҳақида камида бир ҳафта олдин барча катнашчиларга эълон қилиниши; ташкилотчилар бир ҳафта олдин тайёргарлик кўришгани; зарур аудио, визуал, кўргазмали воситалар тайёрлиги. |       |
|   | Тадбир сценарийси              | Тадбир сценарийсининг бир ой олдин тузилиб, масъуллар билан келишилганлиги. Сценарийда сўзга чиқувчилар, савол-жавоблар учун вақтнинг аниқ тақсимланганлиги.                                              |       |

|  |                        |                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                |  |
|--|------------------------|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|--|
|  | Тадбирнинг кизиқарлиги | Қатнашчиларни толиқтирмаслик, уларнинг диққатини доимий жалб қилиб, фаоллаштириб турилиши, тарихий, миллий, замонавий факт, мисоллар, инфограммалардан фойдаланиш.                                                                                                                                                             |  |
|  | Аудитория              | Тарғиботчи ва қатнашчилар орасида бевосита мулоқот учун қулай, самимий муҳитнинг таъминланганлиги. Қатнашчиларнинг тадбир мавзундарижасини билиб, тайёрланиб келиши.                                                                                                                                                           |  |
|  | Кўргазмали воситалар   | Ҳар бир мавзу бўйича энг камида учта кўргазмали воситадан фойдаланилиши.                                                                                                                                                                                                                                                       |  |
|  | Эришилган натижа       | 3-бандда белгиланган тезисларнинг саволларга айлантириб сўралиши. Қатнашчиларнинг шу тадбирда олган янги билимларини қачон, қандай вазиятларда қўллашларини айтиб бера олиши; натижанинг тингловчилардан олинган тўғри ва нотўғри жавоблар сони нисбатидан келиб чиқиб баҳоланганлиги. Фаол қатнашчиларнинг рағбатлантирилиши. |  |
|  | Хужжатлаштириш         | Тадбирнинг баёнида: мақсад, тезислар, берилган савол, олинган жавоблар, ютуқ ва камчиликлар, хулоса, тавсиялар ёзилиб, имзоланиб, сақланиши.                                                                                                                                                                                   |  |

\* Баллар йиғиндиси тадбир самарадорлигининг индексини кўрсатади.

У ёки бу шарт умуман бажарилмаган бўлса – 0 балл, 25%га бажарилган бўлса – 3 балл, 50%га бажарилган бўлса – 5 балл, 75%га бажарилган бўлса – 8 балл, 100%га бажарилган бўлса – 10 балл қўйилади.

Ҳар бир шарт бўйича ютуқ ва камчиликлар изоҳланиб, баҳоланади.

---

### **III ҚИСМ**

## **МИЛЛИЙ ҒОЯ – МИЛЛИЙ ТАРБИЯ МАНБАИ**

### **ИНСОН КАПИТАЛИ – ИҚТИСОДИЁТНИНГ МАЪНАВИЙ САРМОЯСИ**

*Албатта, ҳозирги кунда тараққиёт йўлидан изчил ривожланиб боришимизда, эзгу мақсадларимизни рўёбга чиқаришида ҳал қилувчи роль ўйнайдиган муҳим бир мезон борки, у ҳам бўлса, инсон капитали, яъни инсон омили, замонавий билим ва касб-ҳунарларни эгаллаган, мамлакатимиз истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган, ҳаётга дадил қадамлар билан кириб келаётган ёшларимиздир.*

**Ислом Каримов**

### **Қандай халқ фаровон ҳаётга эриша олади?**

Планетамизда табиий ресурслар доимий камайиб бораётир. Баъзи экспертларнинг фикрича, улар 2020 йилга келиб, ривожланган мамлакатлар миллий бойлигининг 10%ига ҳам етмай қолади. Эндиликда интеллектуал-маънавий бойлик давлат ва жамиятнинг ривожланганлик даражасини белгилайди. Шу боис, Президентимизнинг “...биз моддий нуқтаи назардан баъзи давлатлардан балки озгина орқададирмиз, лекин маънавий жиҳатдан ўзиб кетдик, деб айтишга бугун барча асосларимиз бор», деган фикрлари ишончимизга ишонч қўшди.

Мустақиллик ҳамманинг фаровонлиги – ҳар бир кишининг фаровонлигига боғлиқ, деган ҳақиқатни тиклади. Халқ фаровонлиги – Юрт тинчлиги, Ватан равнақи каби миллий ғоямизга айланди. Президентимиз томонидан бу масала қатъий қўйилди: ўзбекистонликлар фаровон яшаши керак. Зеро, “бу мақсадга эри-

*иши учун юртимизда барча асослар табиий бойликлар, унумдор ер, катта иқтисодий ва илмий-техникавий, инсоний ва маънавий салоҳият мавжуд. Энг муҳими, бу диёрда ана шу фаровон ҳаётни ўз кучи, ўз ақл-заковати билан барпо этишига қодир бўлган меҳнатсевар ва истеъдодли халқ яшайди*” (“Юксак маънавият – енгилмас куч”).

Эътибор беринг. Матнда “қандай халқ фаровон ҳаётга эриша олади?” деган саволга жавоб бор. Бунинг учун халқ, яъни ҳар бир киши “меҳнатсевар ва истеъдодли” бўлиши керак. Боқиманда, лоқайдликнинг олдини олиб, ҳар бир соғлом болада бор истеъдодни топиб, меҳнатсеварлик билан омухта қилиб тарбиялашимиз керак.

### **Одамнинг баҳоси бор(ми?)**

Молнинг баҳоси – вазни, ошники – таъми, хонанданинг баҳоси – жонли ижроси, футболчининг баҳоси – урган голлари, фермернинг баҳоси – кўптармоқчилиги, олимники – фойда келтираётган кашфиётлари.

Темирчиларда бу мана шундай мақолга айланиб кетган: “Болға урувчига – бир танга, “мана бу ерга ур” деювчига – икки танга”. Болғачи бир ойда 30 танга, уста 60 танга топади. Бу – болғачи ва устадаги малакаларнинг иқтисодий баҳоси. Бу малака маҳсулот сифатини оширади. Маҳсулот қиммат сотилади. Фойда кўп бўлади. Демак, масалани “одамнинг баҳоси” деб қўйиб бўлмайдиганга ўхшайди. Одам қўлидан нима иш келишига, ишлаб чиқаришга келтирадиган фойда коэффициентига – профессионализмига мос баҳоланар экан. Мана – бир ғалати мисол.

XVII аср. Англия. Инглиз иқтисодчи олими В.Петти биринчилардан бўлиб одамнинг ишлаб чиқаришдаги қийматини пулга чақиб кўрди. У: “ер ва одамларнинг баҳоси улар келтираётган бир йиллик даромаднинг йигирма каррасига тенг”, – дейди. Петти шу формуладан келиб чиқиб, ўша даврдаги Англия ва унинг аҳолисини 520 млн фунт стерлингга “нархлаган”. Яъни унингча, ҳар бир инглиз ўртача 80 фунт стерлинг туради.

Бу хулосага ўзбек маданияти беандишалик деб ҳукм чиқаради. Лекин бу ерда одамга иқтисодий кўз билан қаралмоқда.

Яъни ким ўзига, оиласига, корхонасига, Ватанига қанча фойда келтира олади, шаклида қўйилган. Шунинг учун Петти: “Бир катта одам иккита болага тенг; битта матрос учта деҳқонга тенг,” – дейди. Петтининг наздида, жамиятнинг бойлиги одамлар нима билан шуғулланаётгани ва уларнинг иш қобилиятларига боғлиқ. Шу зайлда боладан катта одамнинг, деҳқондан матроснинг иқтисодий баҳоси қимматлигини ҳисоблаб чиқаради. Бу баҳолар одамларнинг яхши-ёмонлигида эмас. Уларнинг ўзларига ва ватанига қанча фойда келтира олишида.

XX аср. Тадқиқотчи С.Фишер: “Инсон капитали бу – одамнинг фойда келтириш қобилиятининг ўлчови. Бунга унинг туғма қобилиятлари, таланти, билимлари ва орттирган касбий малакалари киради,” деган хулосага келди. Унга кўра, Инсон капитали бу одамларнинг сони эмас. Одамларнинг креатив ва самарадорлигидир.

XXI аср. 2007 йил. Интернетда дунё бўйлаб “Los Angeles Galaxy” футбол клуби “Real Madrid” футбол клубидан Дэвид Бэкхэмни \$100 млн.га сотиб олибди”, деган хабар тарқалди. Саволлар туғилади, “Нега бошқани эмас, айнан Бэкхэмни сотиб олишди?” “Нима учун 10, 50 млн.\$ эмас, 100 млн. \$га?” Жавоб битта: Бэкхэмнинг 2007 йилдаги инсон капитали – билим ва малакасининг баҳоси шу.

Келинг, шу жойда бир қиёс қилайлик. Одам билан компьютер-роботни. Компьютер-роботнинг ҳам “суяги”, “кон томир”, “нервлари” энергия манбалари бор. Юзлаб химиявий элемент, деталлардан иборат, ўз вазнига эга, ҳаракатланувчи машина. Унинг (конструкциясига ва дастурига смета асосида харажат қилинган аниқ суммаси) баҳоси аниқ.

Одам ҳам шунга ўхшайди. Ўртача 70 кг вазнли. Шундан 30 кг мушак, 7 кг суяк, 6 кг тери, 5л қон, 300 гр юрак, 1,3 кг бош миядан иборат биологик автомашина, жонзот. Биологик тур сифатидаги одамнинг жисмоний баҳоси шулардан келиб чиқади.

**Роботнинг** ҳамма нарсасини қолдириб, фақат дастурини олиб қўйинг. У бир неча килограммлик пластметалл конструкцияга айланиб қолади. Одамдан маънавиятни айирсангиз ҳам,

ундан биологик ингредиентлар ҳосиласи – конструкция қолади. Роботнинг дастурини ўчириб қўйсангиз ундан фойда ҳам, зарар ҳам чиқмайди. Лекин одам маънавиятсиз, дастурсиз қолса, ёмон бўлади. Унинг кўзларидан, сўзларидан маъно кетади. У ўзига ҳам, ўзгаларга ҳам хавф сола бошлайди.

Шунинг учун ҳам, “Инсон нима?” дейишга тил бормайди. Чунки инсон биофизик эмас, балки маънавий ҳодиса. Инсон ўздан бошқа ҳамма нарсаларнинг эгаси. Ҳамма нарса инсон учун яратилган. Инсонни ақл, билим, кўникма ва малакалари, эътиқоди уни КИМ деган саволга муносибу азизу муқаррам қилди. Инсондан ақл, билим, кўникма ва малакаларини, эътиқодини олиб ташласангиз, у НИМА деган саволга жавоб бўлиши мумкин.

Одам борки, одамларнинг нақшидур,  
Одам борки, ҳайвон ундан яхшидур, –

дейди буюк Навоий. Иккала сатр ҳам “одам борки”, деб бошланади. Ундан кейин икки қутб бошланади. Бири – “одамларнинг нақши”, яъни безаги, гўзаллиги, фахри. Иккинчиси – “ҳайвон ундан яхши”. Яъни, ҳайвонларнинг туёқлари остида ётишга муносиб жонивор англашилади.

“Одам бебаҳо”, деган фикрни Гитлер билан Конфуцийга ҳам, Чингизхон билан Навоийга ҳам, ватанпарварлар билан ватанфурушларга ҳам қўллаб бўладими?” Шундай, десангиз, “Ҳа энди, гуруч курмаксиз бўлмайди-да”, деб қўйишади. Агар бирор кимса курмак бўлса, бунга аввало унинг ота-онаси, сабаб. Дастлаб бола тарбиясига лоқайд ота-она ўз боласини ортиқча эркалаб, “ёқимтой курмакча”га айлантиришади. Кейин боласи буни давом эттиради: ўқимай, ўрганмай, маҳоратини оширмай, ўзини касб-хунарсиз боқимандага – ҳақиқий курмакка айланади.

Шунинг учун айрим опахонларнинг “Ўқиган қиз керак эмас. Ақл ўргатади”, дейишлари замонга номаъқул. Чунки бундай фикрлар ўша опахоннинг набиралари дунёқарашига зарар. Миллатимизнинг инсон капиталига зарар.

**Ҳалимга – 50 танга, Салимга – 100 танга**

Бир савдогарнинг Ҳалим ва Салим деган ёрдамчилари бор экан. Улар бир хил иш қилишаркан. Бироқ бой Ҳалимга 50, Салимга 100 танга маош бераркан. Ҳалим бундан доим нолиб юрар экан. Буни савдогар билиб, ўйланиб, Ҳалимжонни ёнига чақирибди.

“Ҳалимжон. Карвонсаройдан бир хабар олиб кел”, – дебди. Ҳалим бориб-келибди.

“Нима гап?” – деб сўрабди бой. У: “Тинчлик, карвонлар келиб-кетаяпти”, – дебди.

“Қаердан келибди карвонлар?” – сўрабди бой. “Сўрамабман”. “Бор. Билиб кел”, – дебди бой. Ҳалим энтикиб югуриб келиб, “Хитойдан карвон келган экан”, – дебди.

“Има олиб келибди?” – сўрабди бой. “Ие, шуни сўрамабман-да, бой ота”, – дебди Ҳалим. “Бор. Билиб кел”, – дебди бой. “Хўп бўлади”, – деб яна учиб кетибди Ҳалим. Ҳаллослаб келиб: “Инак келтирибди, бой ота! Инак!” – дебди кувониб.

“Қанча экан?” – сўрабди бой. “Ие, шуни сўрамабман-а”, – дебди Ҳалим. “Бор. Билиб кел”, – дебди бой. “Фалон газ экан, бой ота”, – дебди Ҳалим ҳарсиллаб келиб.

“Ранглари қанақа экан?” – дебди бой. “Ие, шуни сўрамабман-да”, – дебди бояқиш. “Бор. Билиб кел!” – дебди бой. “Хўп бўлади”, – деб бечора яна югуриб кетибди. Анча вақт ўтиб, қайтиб келиб: “Газламаси етти хил экан”, – дебди.

“Бир газини неча пулга берар экан?” – дебди бой. “Ие, шуни сўрамабман-да”, – дебди яна Ҳалим уялиб. “Бор. Билиб кел!” – дебди бой. Бир оз вақт ўтиб, югуриб қайтган Ҳалим: “Бир газини уч тангадан сотар экан”, – дебди.

“Кўтара сотиб олсам, неча пулга бераркан?” – дебди бой. “Ие, шуни сўрамабман-да”, – дебди бояқиш. “Бор. Билиб кел!” – дебди бой. Ҳалим яна югуриб келиб: “Кўтарасига икки ярим тангага бераркан”, – дебди.

“Ипагини қандай молга алмашаркан?” – сўрабди бой. “Ие, шуни сўрамабман-да”, – дебди Ҳалим. “Бор. Билиб кел!”. Ҳалим яна оёғини қўлига олиб югуриб кетибди. Қайтиб келиб: “Бой ота. Ипакларни шахримиздан бир савдогар олиб кўйибди”, – дебди ҳарсиллаб.

“Бўпти, ишингни қилавер”, – дебди бой.

Бир ҳафтадан сўнг бой Салимни карвонсаройдан хабар олишга юборибди. У тезда қайтибди. Бой эшит, деб Ҳалимни ҳам чақирибди. “Хитойдан юз туяли карвон келибди. Ипак келтирибди, Жами ипаги фалон газ. Газламаси беш хил. Бир метрини уч тангадан сотмоқчи. Кўтарасига икки ярим тангага бераркан. Ипагининг фалон метрини фалон нарсаларга алмашаркан. Карвон икки кундан сўнг шаҳримиздан чиқиб, Балхга кетар экан. У ердан бир ойдан сўнг қайтиб келиб, уч кун тўхтаб ўтаркан. Қайтишда шаҳримиздан фалон-фалон молларни фалон нархларда олмоқчи”, – дебди. Ана шунда бой ёнидаги Ҳалимга қараб: “Салимга нега 100 танга маош беришимни тушундингми?” – дебди. Шунда Ҳалим мулзам бўлиб ерга қараб қолган экан. Ҳа. Билимли, малакали ходим кўпроқ фойда келтиради. Ўзига ҳам, хўжайинига ҳам, юртига ҳам.

### **Ғиждувоний учлиги**

Турмушда билим ҳар соат, ҳар дақиқада керак. Одам йўлни билмаса ўз уйини ҳам топиб бора олмайди; бурни битса, ок пиёзни кесиб, ҳидлаш кераклигини ҳам билмайди (буни ҳам билиш керак, тўғри эмасми?); бозорга бориб, чиройли териб қўйилган 100 та қовунга тикилиб туради, лекин яхшисини кўрмайди; меҳнат қонунчилигини билмагани учун одам савдоси қурбонига айланади; яхши гўштнинг пулига ёмон гўшт олиб, хотинидан гап эшитади. Чунки сотувчи нимани мактаса, ўшани олади (бир домла танишимни Ширин бозорида кўрдим. Ёнидаги йигитни “Жияним”, деб таништирди. “Рўзгорга гўшт олмоқчи бўлсам, ҳар гал шу жиянимни чақираман. Гўштни яхши танийди. Олиб беради”, – деди).

Ҳазрати Хожа Абдуҳолиқ Ғиждувоний XIII асрдан туриб бизларга: “Ҳар тоате ва ибодатеки, айларсиз – унинг илмидан вокиф бўлинг. Иккинчиси, ҳар илмники ўрганибсиз, унга амал қилинг. Учинчиси, ҳар амалники, этгайсиз, сидқу ихлос билан адо айланг!” – деб тайинлаган эдилар.

Мана шу “Ғиждувоний учлиги” билан бугунги кунимизга қарайлик. Ана шунда билим овқатланишда ҳам, машина ҳай-



туал тадбиркорлигида, интеллектуал ҳушёрлиги, интеллектуал мардлик, шижоатида ҳам намоён бўлади. У ҳар бир одамнинг нималарни билишида, шу билимидан фойдаланиб, қайси ишларни қандай сифат билан бажара олишида кўринади.

## **Бунёдкор Бунёд**

“Одамнинг билим ва малакалари  
капиталнинг ўзига хос шаклидир”.

*Теодор Шулц,  
Нобель мукофоти лауреати*

Глобаллашув, модернизация ҳаётимизга ҳар куни янги тушунчаларни олиб кираётир. Машина, ускуна, жиҳозлар, технологик жараёнлар янгиланиб, замонавийлашаётир. Чунки эскирган билим, кўникма, малака булар – иқтисодий жиҳатдан эски товар. 2014 йил чиққан планшетга 2007 йилдаги дастури қўйиб бозорга чиқарган компания ўзини ўзи синдиради. Шунинг учун, кучли, бой компаниялар: “Янгисидан борми?” – дейди. Янги билим, ноу-хау, технологияларни ярата оладиган мутахассисларни дунёнинг қаерида бўлмасин, топиб олади.

Бир мисол. Американинг Apple Inc. Корпорацияси. У персонал ва планшет компьютер, аудиоплеер, телефон, дастурий таъминот, чизикли интерфейсли операция тизимларини ишлаб чиқариш бўйича дунёда етакчи корхона ҳисобланади. Шунинг учун ҳам, Арпленинг ТАТУ Урганч филиали магистранти Бунёд Бобожоновга иши тушиб туради. Бунёд 24 ёшда. Ҳазораспнинг Овшар кишлоғида яшайди. Ахборот технологиялари бўйича мутахассис. Хоразмдаги “InformAlgo” хусусий корхонасида ишлайди. Дастурий маҳсулотлар яратиб, хорижга экспорт қилади.

Сўз Бунёдга: “Хорижий фирма буюртма беради, “Ресторанларга буюртма бериш тизими”ни тузиб бердим. АҚШ корхоналаридан бирига “Болаларнинг электрон хабарлар алмашинувиининг ота-она назорати” дастурини яратиб бердим.

Дастурларни “Apple store” ва “Google Play”дан ўз мобиль телефонингизга юклаб олсангиз бўлади.

– Ҳозир-чи?

– Ҳозир “Меҳмонхоналарга буюртма бериш, поезд ва авиабилетларни online харид қилиш тизими” устида ишляпман”.

– Буюртмалар етарлими?

– Ҳовва. 10–15 та фирма билан доимий ҳамкорлик қиламиз.

Икки томонлама шартнома асосида ишляпмиз. Биз уларга қандай технологиялар билан ишлашимиз ва қандай дастурлар ярата олишимизни айтамиз. Биз энг охири, замонавий дастурлаш технологияларидан фойдаланганимиз учун ҳамкорлик ўрнатиш унча қийин эмас (13.01.14 ).

Ҳа. Apple “олтин бош”ли мутахассисларни бутун дунёдан, жумладан, Ўзбекистондан қидириб, топаётир. Чунки уларни Бунёдга ўхшаган ёшларнинг инсон капитали яратаётган дастурий маҳсулотлар кучли, бой қилаётир-да!

### Ишсизликдан 40 ҳимоя

Инсон капитали назариясини яратгани учун Т.Шульц, Г.Беккер ва С.Кузнецга Нобель мукофотлари берилди. Агарда ҳозир Альфред Нобель тирик бўлганида дунёдаги миграция ва унинг оқибатларини кўриб, ўз мукофотини ўзбекнинг битта мақолига берарди. Бу – “*Бир йигитга 40 хунар оз*” мақолимиз.

Нега халқимиз бир йигитга уч, беш, ҳатто ўн хунар оз, деб кўя қолмаган? Бир йигитга бир хунар етарли, десак, 40 хунарли 1 йигит 40 йигитга тенг бўлади. Мана шу эмасми инсон имкониятларининг миллий, яъни доно диверсификацияси?! Демак, амал қилсак, боболаримизнинг бу мақоли бизларни хунарсиз ишсизликдан 40 карра ҳимоя қилади. Агар ана шу мақолимизга амал қилганида айрим ўзбек йигитлари хорижга бориб, энг қора ишларни қилиб юрармиди? Оиласига бахт ўрнига дард олиб келармиди?

“Бир йигитга қирқ хунар оз!” Бу аслида ўзбекнинг бутун инсониятга даъвати. Инсоният интилаётган марра. Бу 40 хунар

ҳозир: компьютерни мукаммал билиш; тадбиркорлик (ҳар бир кишига хос фазилат); 2–3 тил билиш, таржимонлик; педагог (ўзининг ва 7 қўшни болаларини тарбиялаш учун); автомобиль ҳайдай олеин; спорт разряди бўлсин. Болаларга ё маҳалладош, ҳамқишлоқларига тренерлик қила олсин; ландшафт дизайнини қила олеин; ҳеч бўлмаса, Рунетни ишлата олсин.

### **Истиқлол авлоди**

Одам бировларнинг активларини ўзлаштириб олгани учун эмас, балки иқтисодий қийматга эга билим ва малакаларга эга бўлгани учун мулкдорга айланади.

*Теодор Шульц,  
Нобель мукофоти лауреати*

Инсон капиталини бойитишга эртароқ киришиш керак. Чунки капитал (сармоя) қапчалик кўп бўлеа, ундан келадиган рента (фойда, фойда фоизи) ҳам шунча кўп бўлади. Бунинг мисолларини янги – истиқлол авлодида кўраяпмиз. Бу авлод чуқур билимли, иродали, тиниб-тинчимас, ижодкор, изланувчан, бошлаган ишини битирмай қўймайдиган йигит-қизлар. Ўйлари ҳам, гаплари ҳам, юриш-туриш, кийинишлари ҳам, муомалалари ҳам бошқача. Оддий, қулай, самимий. Улар вақтларини чойхона, плейстейшн, зиёфатларда ёки нарда, карта ўйнаб ўтказмайдилар.

Эки авлод учун вақт қадрсиз эди. Янги авлод учун вақт – бебаҳо. Улар камгап. Улар бизга ўхшаб, ҳол-аҳвол сўрашишга 5–10 дақиқа вақт сарфлашга ҳам оғринадилар (худди уяли телефонда гаплашгандек). Аниқ, қисқа, бўладиган гапни гапирадилар.

Яқинда бир онахон 23 ёшли ўғлига: “Ишингга кўриниб келасанми, болам?” – деди меҳрибонлик билан. Ўгли онасига хайрон бўлиб қараб: “Ойижон, бу нима деганингиз?” – деди. “Яхши бориб келгин, болам, дедим-да”, – деди онаизор. Онанинг бундай дейишига сабаб бор. Шўро даврида одамлар йўлда кетаётганида бирортаси “Йўл бўлсин?” деса “Ишга бориб келай”, “Ишга кўриниб келай”, дейишар эди. Чунки қанча билим, малаканг бўлмасин, маош бир хил эди-да.

Янги авлод бунинг тескариси. Ишини, иш сифатини муқаддас билади. Ҳамма нарсага иши манфаатидан келиб қарайди. Ҳар бир дақиқа, соат, кунни максимум фойда олиб ўтказди.

Улар фаол. Тиниб-тинчимас, изланувчан. Инновацияларга ўч. Бир қараганда улар ўзини ўйлаб елиб-югураётганга ўхшашди. Бироқ улар глобал фикрлайдилар. Яъни ўз режаларининг амалга ошиши маҳалла, туман, вилояти, ватанининг у ёки бу мушкулини ечаётганини билдилар. Уларга қараб, ёшларимизнинг чиндан ҳам бизлардан кўра кучли, билимли, доно эканлигини беихтиёр тан оласиз. Ҳавас қиласиз.

Ўзбекистоннинг замони келди. Агар медицина тарихидан хабардор зиёлиларнинг олдига глобусни қўйиб, «Дунёни рақ касали дардидан қайси мамлакат қутқатиши мумкин?» десангиз, қасрни кўрсатишган бўларди? Албатта, Ибн Сино Ватани – Ўзбекистонни кўрсатишади. Чунки жаҳоннинг ҳар бир врач – буюк бобомиз Ибн Синонинг шогирди. ХХI асрдаги дардларга даволар ҳам «Тиб қонунлари» варақлари орасидан сизиб чиқаётир.

Агарда «Тиб қонунлари»ни юз киши ёзганида ҳам, ўша юз алломага юз эхтирому ҳайкаллар қўйилса арзирди. Лекин бу юз алломанинг ишини бизнинг битта бобомиз мукамал қилиб кетган. Бу бир киши – Абу Али ибн Синода юз алломадаги инсон капиталининг намоён бўлиши эмасми?!

Рақ дардига даъвонинг формуласи бор. Уни Ибн Сино авлоди – ўзбек йигити Ҳакимжон топди, деб фараз ва умид қилайлик. Бунда қай манзара намоён бўлади? Бутун дунёдан беморлар нажот истаб, Ўзбекистонга елади. Бундан миллат бойлиги ошади. Ҳакимжон ХХI асрнинг энг машҳур, энг бой одамларидан бирига айланади. Нобель мукофотини олади. Ўз исмини жаҳон тиб тарихининг олтин китобига ёзади. Ўзбекининг шуҳратига шуҳрат қўшади.

Шукр ва умид билан мана бу сўзларни айтамыз: *“Янги минг-йилликда давлатларнинг, халқларнинг тақдирини моддий бойлик эмас, интеллектуал, яъни маънавий-маърифий бойлик ҳал қилади. Бундай бойлик устувор бўлган жойга моддий бойлиكنинг ўзи оқиб келаверади”*.

## ТАРБИЯ – ҲАР КУНЛИК ИШ (Оталар билан педагогик суҳбат)

*Албатта, фарзандга меҳр қўйиш, уларнинг қорнини тўқ, устини бут қилиш ўз йўли билан, лекин болаларимизни ёшлик чоғидан бошлаб миллий тарбия, ахлоқ-одоб, юксак маънавият асосида вояга етказиш биз учун доимо долзарб аҳамият касб этиб келган. Бу масалага эътибор бермаслик нафақат айрим ота-оналар, балки бутун жамият учун жуда қимматга тушишини ҳам кўпгина ҳаётий мисолларда кўриш мумкин.*

**“Юксак маънавият – енгилмас куч”.**

Ҳар йили мамлакатимизда 500 000 нафардан ортиқ жажжи ўғил-қиз мактабга кириб келади. Улар фақат мактабга эмас, ҳаётга кириб келишаётир. Уларнинг қалблари дафтарлари каби тоза. Таълим қалами ёзаётган нарсалар уларнинг дафтарларини очиб, кўрилгач, бир зумда баҳоланади. Бироқ, уларнинг қалбларига тарбия қалами ёзаётган нарсаларни бир зумда кўриб бўлмайди. Ана шунинг учун ҳам, бугун сиз билан шарқона ва замонавий назар билан, тарбия деган қадимий сўз устида бирга ўйласак. Бунда Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” китобидаги дастурий фикрларга таянамиз:

*“Одамзод учун бир умр зарур бўладиган табиий кўникма ва хусусиятлар, масалан, ҳар қайси боланинг ўзига хос ва ўзига мос қобилияти, атрофидаги одамлар билан муомаласи, тенгдошлари орасида ўзини қандай ҳис қилиши, етакчилик хислатларига эга бўлиши ёки эга бўлмаслиги, керак бўлса, дунёқараши – буларнинг барчаси аввало унинг туғма табиати, шу билан бирга, оилада оладиган тарбиясига узвий боғлиқ эканини ҳаёт тажрибаси кўп мисолларда тасдиқлаб беради”.*

Тарбия. Ҳар бир авлод бу сўзни ишлатиб келади. Биз уни глобаллашаётган замонда, модернизациялашаётган маконда қандай тушунамиз? Қандай тушуноғимиз керак? 2016 йилда.

1012, 1512, 2012, туғилган бир кунлик чақалоқларни қатор қилиб ётқизиб қўйилса, албатта, 2016 йил чақалоқлари соглом, дуркун. Вақт ҳам ўша-ўша. Бир йил – тўрт фасл. Бир кун – 24 соат. Бироқ, бола кўз очиб кўраётган, эшитаётган нарсалар – ҳаёт, уни тўлдирган овоз, мусика, ғоялар, мафкуралар, бинолар, воситалар, орзулар олами, мамлакат, техника-технологиялар бошқа. Янги.

Чақалоқнинг илк олами – оила. Чунки “... хонадондаги ҳар бир нарса – дарахт ва ўсимликлар бўладими, турли ўйинчоқлар, уй ҳайвонлари бўладими – буларнинг барчаси боланинг кўзига гўёки оламнинг беқиёс мўъжизаси бўлиб кўринади ва шу тариқа у ёруғ дунёни ўзи учун кашф қилади” (“Юксак маънавият – енгилмас куч”).

Демак, бола тарбиясини янги, ўзгарган, айниқса, эртанги ҳаёт талабларига мослаш керак. Чунки боламизни бундан 5, 10, 20 йил олдинги тарбия мақсадлари билан тайёрласак, унга жабр қилиб қўямиз. У шиддатли замонда рақобатбардош бўла олмайди. Мўрт бўлиб қолади. Кейин қийпалади. Ўшанда биздан хафа бўлади. Бироқ унда кеч бўлади. Шундай бўлмаслиги учун мамлакатимизда таълим-тарбия – энг устувор масала.

### **Янги замон шиддати**

Илгари Тошкентдан Самарқандга поездда 6 соатда етиб бориш, “Жигули”ларда юриш, пастқам, гувала кулбаларда яшаш бизларга бўлаверар эди. Президентимиз маррани баланд кўтардилар. “Йўқ. Энди бизга бўлавермайди. Кимларгадир 300 км масофа деб 6 соатини йўқотиш, XXI асрда “жигулилар”да юриш, гувалаларда яшаш бўлаверар. Лекин ўзбекистонликларга бу бўлавермайди.

Ўзбекистонликлар 300 кмга 2 соатда европаликларни миндириб юрадиган “Талго”ларда етиб боришга муносиб. Шунинг учун совет паровозларидан “Талго”га ўтказилиб, халқимизнинг иззати жойига қўйилди.

Қишлоқда яшайдиган юртдошларимиз шаҳар уйларидаги комфортда яшашга муносиб. Шунинг учун халқимиз гувала уйлардан – қошоналарга кўчаётир. Бутун республика бўйлаб.

Ўзбекистонликлар ҳозир кўшни мамлакатлар кўчаларини тўлдириб юрган “Запорожец”, “Жигули”, “Москвич”ларни металлломга топширдилар. Дунёнинг назокатли одамлари минадиган “Нексия”, “Эпика”, “Кобальт”, “Каптива”ларнинг рулларига ўтирдилар.

### **БЎЛАР ЭКАН-КУ!**

Бу мўъжизами? Йўқ. Чунки Ўзбекистоннинг ўзи кўзлаган юксак, нурли манзилга тез ва соз, соғ-омон элтувчи равон рельси бошдан, мустаҳкам пойдеворга қурилди. У “Афросиёб” тезлигида елаётир. Ҳар бир авлод ана шу улуғ ишларга ўз ҳиссасини қўшиши, яна кучайтириши керак. Бунинг учун ҳар бир ота-она ўғил-қизига Афросиёб шиддатини сингдириши керак. Маррани жуда юкори кўтариши керак.

Ҳар бир оилада тарбия маррасининг юксак кўтарилиши азму шижоати қатъий, тадбирли, шиддатли миллатни яратди. Бунинг учун ҳар бир ота ҳар куни педагогик иш қилиши керак.

Болаларга уларнинг келажагини ўйлаб, пухта, мақсадли тузилган мазмунли, қизиқарли кун тартиби керак. Болангиз эртага қачон, қаерда нима қилишини аниқ биладими? Билмайдими? Сиз-чи? Бу яхши эмас. Бунда сиз кўзини юмиб олдинга кетаётган одамга ўхшайсиз. Болага ота-онанинг пуллари эмас, ўзлари керак. Боласи қизиққан нарсаларга қизиқишлари керак. Ўйтиборлари, боласи билан бирга ўтказадиган соатлари керак.

### **Тарбия тақдирни белгилайди**

Эртани ўйлаб яшаш хайрли. Шунинг учун биз бугуннинг шукронаси, эртанинг умиди билан яшайдиган миллатмиз. Эртага деб иморатлар қурамиз, қизимизнинг сеп сандигини тўлдирамиз, банкларга маблағлар қўямиз. Эртага, тўйга деб қўй боқамиз. Эртага деб боғ экамиз. Шунинг учун бугунимиз кечамиздан, эртамик бугунимиздан фаровон бўлиб бораётир.

“Қорнингни ўзинг тўйдирарсан, аммо кўнглингни бошқалар тўйдирасан”, дейдилар. Эртага кўнглимизни тўйдирувчилар энг аввало фарзандларимиз. Демак, эртага кўнгил тўқ бўлиши учун ҳам бугун нималардир қилиш керак. Ҳар куни.

Ҳар куни қиладиган ишларингиздан 5тасини айтинг, дейишса нималарни кўрсатардингиз? Сиз яхши уддалайдиган 5 та ишни ёзиб беринг, дейишса-чи? Қайси ишни биринчи ўринга қўярдингиз? “Боламни тарбиялаш”, деган иш нечанчи ўринда экан?

Албатта, биримиз гишт теришни, биримиз провайдерликни, биримиз автомобиль ҳайдашни, биримиз беморнинг тишини сугуришни қойиллатамиз. “Бола тарбиялаш” деганда ўйлашиб қоламиз. Чунки яқин ўтмишимизда бу саволни беришмас эди-да. Ҳа. Совет даврида фарзанд тарбияси ҳар кимнинг шахсий иши эди. Ота-онамисан, керак бўлса, тарбияла. Бу – сенинг “проблеманг”. “Сеники бала ямон. Айда детдомга!”, дейиларди.

### **Тўхтанг! Болалар билан гаплашинг**

Мустақиллик шарофати ила тарбия шахсий ишдан давлатимизнинг устувор сиёсати мақомига кўтарилди. Ёшлар тарбиясида давлатимиз билан ижтимоий ҳамкор, ижтимоий шерикмиз. Бу масала ҳар биримизнинг, етти қўшнининг, маҳалланинг миллат, Ватан олдидаги муқаддас бурчи деб белгиланди. Энди сиз фақат ўзингизнинг эмас, етти қўшнингизнинг боласи учун ҳам ота, ҳам онасиз. Маънавий жавобгарсиз. Қўшнингизнинг боласи диний экстремист чиқса, бу шахсан сизга ҳам иснод. Чунки унинг етти ота-оналаридан бири – Сиз.

Сизнинг болангиз учун миллати, дини, ёши, касбидан қатъи назар, етти қўшнингиз жавобгар. Чунки Ўзбекистонда боланинг бегонаси йўқ. Бу бизнинг миллий шиоримиз. Бу шиорни мамлакат бўйлаб кўп кўрасиз. Масалан, Тошкентнинг Хадра майдонида (2012.16.08).

Энди бобомиз Хоразмийнинг “Сўз – гул, иш – мева” деган ўғитларини эслаб, бу масалада амалимиз қандайлигини ўйлаб кўрсак. Сиз қўшнилариңизнинг болаларини танийсизми? Исmlарини биласизми? “Бир болага етти қўшни ота-она”, деган мақолга Сизнинг мослигингизни мана шу саволга жавобингиздан билсангиз бўлади. Билдингиз, раҳмат. Мабодо иш билан бўлиб, эътибор қила олмаган бўлсангиз, буни ҳам тузат-

са бўлади. Эртагаёк, ишга кетаётганингизда кўчада ўйнаётган маҳаллангиз болакайларига эътибор кўрсатинг. Машичангиздан тушинг. Улар билан гаплашинг. Танишинг. Ҳазиллашинг. Далда беринг. Сизни ҳам таниб олишади. Кутишади...

– “Дадам келдила-а-р!”

– Бор, бор ойингга!”

Тарбияни кўпинча мавҳум тушунамиз. Уни “ушлаб кўриш” учун “парвариш” деб тушуниш кулай. Бунинг учун аниқ иш – бирор нарсани парвариш қилаётган одамлардан ибрат олиш керак. Масалан, фермер. Ҳар йил бошида еримдан, ишлаб чиқаришимдан кўпроқ даромад олай, деб мақсад қилади. Ҳар куни, ҳар соат ўйлайди, изланади, ишлайди. Ерни тайёрлаб, зўр уруғни топиб, экиб, культивация қилиб, суғориб, парвариш қилади. Натижа мақсадига тенг бўлгач, хотиржам, дам олади.

Бола тарбияси ҳам шунга ўхшайди. Бунда натижа нимага боғлиқ? Бу бизнинг ҳар кунлик педагогик фаоллигимиз (ёки педагогик лоқайдлигимиз)га боғлиқ.

Педагогик лоқайдлик ҳам бўладими? Ҳа. Бўлади. Кўчадан кириб келиб, боламизни кўрсак, кучоклаб, ўпамиз. Қувонамиз. Кейин кийимларимизни алмаштириб, ювиниб, телевизор кўра бошлаймиз. Боламиз интиқ бўлиб бизга қараб туради. Яқин келади. Биз буни сезмаймиз. Савол берса, “Ойингга бор”, деймиз. Бу ҳол 3-4 ҳафта такрорланади. Энди у бизнинг олдимизга келмайди. Шунга ўрганади. Бизга ҳам шу керак. Ишдан келгандан уйкугача ўтган 6 соат вақт турли ишларга сарфланади. Бироқ тарбияга эмас. 6 соатда боламиз қалбини парвариш қилиб, уни бойитиш мумкин эди. Бироқ, ҳеч нарсга қилмадик. Афсус.

*“... оиладаги маънавий муҳит ва тарбия туфайли бола ё меҳрибон ва раҳмдил, ёки худбин ва бағритош бўлиб вояга етишини тушуниш қийин эмас” (“Юксак маънавият – энгилмас куч”).*

### Пул тикмай фойда олиш йўли

Фермер картошкадан яхши даромад олиш учун унга пул, вақт, билим ва парваришдан иборат инвестиция киритади. Бир йилга етадиган зўр ҳосил, даромад олади. Тарбияга инвес-

тиция керакми? Ҳа, албатта. Бироқ бунда пул асосий масала эмас. Масалани бошқача инвестиция – вақт, билим ва ҳафсала ҳал қилади. Фарзандингиз балоғатга етаяпти. Унга қўшилиб сиз унга тушунтирган, кўрсатган, ўргатган фазилатлар сизни ҳар куни (!) мамнун қила боради. Ич-ичингиздан қувониб қўясиз. Орадан 15–20 йил ўтиб, саодат эгаси бўласиз (Саодат бу – кетмас бахт). Бунинг учун эса, ҳар биримиз х а р к у н и камида 20 дақиқа педагогик иш қилишимиз керак, х о л о с. Кам-кам, ҳар куни. Бугунги ишимиз кечаги ишимизнинг давоми, эртанги ишимизнинг боши бўлсин.

Афсуски тарбия деганда қовоқларимиз осилиб, қиёфамиз жиддийлашади. Чунки яқин ўтмишимизгача бу сўз асосан жазо, “гаплашиб қўйиш”, койиш, “таъзирини бериб қўйиш”, деган маънода тушунтириб келинди-да.

Аслида, тарбиянинг ўндан тўққиз қисми хуш кайфият, очик чехра, ҳаракат, ўйин, қизиқарли суҳбат, жўшқин фаолият дегани. Ўндан тўққиз қисми ҳал қила олмаган муаммони унинг охирги чора сифатида охирги бир қисмига – жиддий суҳбатга қолдириш мумкин. Бунинг ҳам бир қатор шартлари бор. Яъни болангиз билан шундай гаплашингки, “ота-бола” зиддияти пайдо бўлмасин. Аксинча, “ота+бола – камчилик” зиддияти пайдо бўлсин. У сизни ҳам, ўзини ҳам эмас, балки ўзидаги камчиликни ёмон кўриб қолсин. Тезда ундан қутулсин.

Биз эса кўпинча тарбиянинг ўндан тўққиз очик чехра, суҳбатли шартларини бажаришдан эринамиз. Тезроқ сўнгги чорани қўллаш – адабини бериб қўйиш учун хўмрая, хурпая бошлаймиз. Боламиз ... биздан (отасидан(!)) ўзини ҳимоя қила бошлайди. Отасидан...

Ўйлаб қарасангиз, болангиз қилган ҳар бир хатонинг олдини олиш мумкин эди. Ўзимизни касал, боламизни ҳафа қиламиз. Ўзимиздан совутамиз. Чунки иётишнинг тўққиз чорасини қўллашни ё билмаймиз, ё эринамиз. Шундай эмасми?

Тарбиянинг ўн шартига ҳар куни амал қилсак, бу бизни ҳар куни, аста-аста бахт пиллапоясига кўтара боради. Ана шундагина сиз дунёнинг энг бахтиёр ота-оналаридан бири бўласиз. Акс холда, болангиз ҳам, ўзингиз ҳам қотиб қолаверасиз.

Айрим оталар “Бошимни оғритма”, деб болаларига 20 дақиқалик ҳафсала ўрнига даста-даста пул тутишмоқда. Болалари отасидан узоқлашиб, интернет клубга, ё “сотка”сидаги “фейсбук”, “твиттер”, “синфдошлари”га бориб қўшилмоқда. Ота тинч, пиво ичиб, футбол томоша қиляпти. Уни 20 йилдан кейин бошланадиган, тузалмас “бош оғриғи” кутаётганидан беҳабар. Мамнун ва ғофил.

### Тарбиянинг сифати

Ҳар бир ота-она ўз болаларининг Бош тарбиячиси. Бу эса ҳар биримиздан тарбия тўғрисидаги билимларни талаб қиладди. Демак, ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш қанчалик зарур бўлса, фарзанд кўришдан олдин ва ундан кейин ҳам тарбия тўғрисида аниқ, замонавий билимларга бўлиш керак. Акс ҳолда, “Ласетти” ҳайдаб кетаётган гувоҳномасиз ҳайдовчига ўхшаб қоламиз.

Рулда кетаётган ҳайдовчилик гувоҳномаси (ҳаққи) йўк одам жамиятга қанчалик хавфли эканлигини тушунтириб, кўрқитиб ўтирмайлик. Лекин тарбия тўғрисида билими йўк ота-онанинг болалари қандай инсонлар бўлиб чиқишади? Бундай ота-она аввало ўзларини бахтсиз кексаликка, ундан кейин ўз фарзандларини бахтсизликка маҳкум қилиб қўйишлари мумкин. Энг ёмони – сифатли тарбияланмаган фарзандлари туфайли ўз невараларини ҳам тақдир ҳукмига топширадилар. (улар худонинг “Сендан ҳаракат – мендан баракат” деган ваъдасини билишади, лекин айтишмайди. “Бир гап бўлар. Худо хоҳласа, бир кунини кўриб кетар”, деган ширин ёлгон билан ўзларини алдашади.)

Сифатсиз тарбия олган йигит, қиз ўзига ҳам, ота-онасига, оиласига ҳам, энг ёмони, халқи, Ватанига ҳам фойда келтирмайди. Зиён келтиради. Ё жинойтчи бўлади, ё оғирнинг устидан, енгилнинг остидан юрадиган одам бўлади. Наридан борса, ўзини, оиласининг таъминотини эплай олмайдиган ландовур бўлади. Ким боласини шундай бўлишини истайди? Сиз истайсизми? Демак, Ўзбекистонлик ҳар бир ота-она фарзандидан умидлари бўлса, уни севишдан олдин педагогик билимларни

эгаллаб олиши керак. Болани билимсиз (меъёрсиз) севиш уни балога айлантиради. Афсуски, бунга мисолларни ҳам сиз биласиз. Бадавлат, обрўли оилалар мисолида ҳам.

### **Сизга бир фан ёрдам беради. Бу ...**

XXI асрда ҳар бир ота, она фақат боласини боқувчи эмас, балки педагог ҳам бўлиши керак. 20 ёшли, яхши боқилган, юзлари қип-қизил ўғил ё қизимизнинг қимматбаҳо авто ичидан изга қараб турган ўқрайган кўзларини кўрмайин, десак. Бу педагогиканинг сир-асрорларини билиш, қўллай олиш дегани. Шунинг учун болангизга қимматбаҳо ўйинчоқ, “Барби” кўғирчоқ сотиб олаётганингизда ўзингизга педагогик тавсияларни ҳам қўшиб олинг. Худудингизда яшайдиган педагог олимлар билан танишиб, маслаҳатлашиб, улар берган тавсиялардан фойдаланиб, билимларингизни янгилаб борсангиз, бахтли ота бўласиз.

Педагогика одамни ИНСОНга айлантириш илми. Фанлар орасида энг қадимийси. У ер юзида туғилган биринчи гўдак билан бирга туғилган. Педагогиканинг тарихи ер юзида бирорта бола қолмаса, тугайди. Демак, у – азалий ва абадий илм. У ота-она, ўқитувчиларнинг миёсида туриб, уларнинг болаларини ўқитади, тарбиялайди. Ўзбекистонимизни озод ва обод Ватан, ҳаётимизни эркин ва фаровон қилишга ўргатади. Ишлайди.

XIX асрда педагогика болаларни ўқитиш, тарбиялаш тўғрисидаги фан, дейилар эди. XX асрга келиб педагогиканинг қамрови тобора кенгайиб борди. Бугун унинг ёшларни, қосиб, ҳунармандларни, иқтисодчиларни, ҳарбийларни, жисмоний нуқсонли бор инсонларни тарбиялаш даражасига кенгайди. XXI асрга келиб у ҳар бир инсонни ва жамиятни тарбиялаш илми сифатида эътироф этилди.

Бугун “Оммавий маданият” ёш қиз-аёлларнинг қулоқларига: “О! Қара, сен қандай гўзалсан! Оила қурма. Оила нимага керак? Бола тугиш керак бўлади. У кечаси туриб, йиглайди. Уст-бошини булгайди. Тўйиб ухлай олмайсан. Гўзал юзларингга ажинлар тушади-я! Билиб қўй. Ўшанда кўчада одамлар сенга ҳозиргидек сукланиб қарашмайди”, деган ғайриинсоний, ғайриўзбекона ғояларни қуяётир.

Педагогика ана шундай “оммавий маданият”га қарши курашади. Негаки, ядро бомбаси одамзодни бир зумда йўқ қилса, “оммавий маданият” одамзодни демографик бомба билан юз йилда қириб юбориши мумкин. Кўриб турибсиз, натижа бир хил. Шу топда мухтарам Президентимизнинг “ядро полигонларидан мафкура полигонлари кучлироқ”, деган ҳикматлари эсга тушади. Бейхтиёр бу огоҳликка даъват фақат Ўзбекистонликларнинг эмас, балки Ер қурраси болаларининг ҳимоясига қаратилганлигига имон келтирасиз. Шундай эмасми?

### **Тарбия натижасини қачон, қаерда кўрса бўлади?**

Боланинг саломатлигини қачон кўрса бўлади? Ҳар куни, ҳар соатда кўрса бўлади. Унга тиббий нуқтаи назардан қаралса, бўлди. Демак, тарбиянинг натижасига педагогик нуқтаи назардан қараш шарт. Натижани гаплашиб, кузатиб, ўрганиб билса бўлади. Врач бир беморга диагноз қўйишга қийналиб қолса, консилиум (мутахассислар кўриги) чакиради. Тарбияда буни “педагогик консилиум” дейдилар. Яъни сизнинг болангизни яхши билувчи устозлар, мутахассислар сизга унинг маънавияти, маънавий саломатлиги ҳақида қимматли маълумотларни беришади.

Болангизнинг соғлиғини ўйлаб ҳар 6 ойда бир марта тиббий кўрикдан ўтказасиз. Демак, болангизнинг маънавий соғлиғини ўйлаб ҳар 6 ойда бир марта педагогик консилиумдан ўтказиб турсангиз, доғда қолмайсиз.

Тарбия натижасини қачон кўрса бўлади? Бу саволга жавоблар ота-оналарни икки тоифага бўлади. Бирлари – “Тарбиянинг мевасини бола катта бўлиб, ишларга кирганда кўра-миз-да, худо хоҳласа. А...?”, дейишмоқда. Қай биримиз “Буни вақт кўрсатади”, деймиз.

Кимдир “Энди, худо инсоф берса, болалар катта бўлса, бир гап бўлар”, деймиз.

Яна биримиз “Тарбиянинг меваси йигит-қиз вояга етганда, коллежни битирганда билинади”, деймиз.

Бошқалари эса “Йў-ўқ. Тарбиянинг мевасини ҳар куни кўриб бораёпмиз. Уларнинг бизга, қўшниларга, ўз-ўзига, ўқи-

шига, соғлигига, бурчларига муносабатида. Гапларида. Қилаётган қарорларида. Ишларида. Менга, кўшниларга, ўртоқларига муомаласида. Ахир натижаларни ҳозир кўриб бормасак бўлмайди-ку. “Бир гап бўлар”, десак, бу насия тарбия бўлади. Ҳозир кўрмаётган нарсангизни кейин кўришингизга қандай ишонасиз? Кейин, тузатаман, деганингизда, вақт ўтиб кетган бўлади. Одам ўз боласи ҳақида бунақа, таваккал қилмаслиги керак”, дейишади.

Яна биримиз: “Боламиздан кутган нарсаларни эшитганимизда, кўрганимизда, олганимизда”, – деймиз.

Яна биримиз: “Боламизга нималарнидир тушунтирамиз, кўрсатамиз, ўргатамиз. Ўша тушунтирган, кўрсатган, ўргатган нарсаларимизни боламиздан эшитганда, кўрганда”, – деймиз.

Жуда жиддий фикр. Тўғрими? Энди бу саволни ўзимизга ўзимиз бериб кўрамиз: Мен ўғлимга кеча нималарни тушунтирдим? Нималарни кўрсатдим? Нималарни ўргатдим?

Демак, тарбиянинг натижасини жорий (бугунги) ва якуний (боламиз балогатга етганда) кўрса бўларкан. 15 ёшли ўғлингизга берган тарбиянгизнинг жорий натижасини, мевасини ҳ о з и р кўришни истайсизми? Жуда соз. Аввал у билан суҳбат режасини тузиб олинг. Кейин у билан самимий гаплашинг. Бирор нарсаларни сўранг. Илтимос қилинг. Ҳазиллашинг. Биргаликда бирор ишларни бажаринг.

15 дақиқада ўзингиз берган тарбия натижалари тўғрисида кўп нарсаларни билиб оласиз. 30 дақиқадан сўнг ё хурсанд бўласиз, ё... Қани, бошладик. Ўғлингизни чакиринг. “Қозонда бори чўмичга чиқади”, дейдилар. Сиз тарбия қозонига нималарни солган эдингиз? Чўмичингизни солиб, ковлаб кўринг. Қани! Ҳа!

### Ўрда кўприги – тарбия кўприги

Тарбияни кўприкка ўхшатиб кўрайлик. Кўприкнинг ўнг томонидан анҳорга гул ташласангиз, бир оздан сўнг сўл томондан қалқиб чиқади. Ёғимланган қоғоз ташласангиз ҳам. Ҳеч нарса ташламасангиз, ҳеч нарса чикмайди. Ёки сувга бошқалар ташлаган, ёки сув йўл-йўлакай “кўриб”, ўзига олга хас-хашак, “баклашкалар” чиқади.

Кўприкнинг эни 20 қадам чиқса, тарбия кўпригиники 20 йил. Демак, сиз 20 йилда болангизга нималарни атайлаб ўргатган, кўрсатган, бўлсангиз, унинг сўзларида, одатларида, меҳри (ё қаҳри), хулқида қалқиб чиқади.

Боламизни яхшилаб боқиб, кийинтирсаг-у, ҳеч нарсани атайлаб тушунтирмасак, кўрсатмасак, ўргатмасак-чи? 20 йил ўтиб, ёнимизда қош-кўзи бизга ўхшаган, лекин биз билан иши йўқ, қалби бегона, соғлом, бақувват, яхши боқилган ёш одамни кўрамиз.

Уни ёмон фарзанд, дейишади. Лекин бу адолатданми? У сизнинг хонадонингизда бешиқда ётганида ёмон эдимиз?! Йўқ. У қўшнининг ўғлидай ажойиб, билимли, спортчи, хушмуома-ла, давранинг гули бўлиши мумкин эди. Унинг отаси – оддий ўқитувчи. 10 йил ҳар куни, эринмай боласининг ўйлари, орзулари билан яшади. Қизиқтирди, ёрдам берди. Мана энди оёғини узатиб, маза қилиб дам олаётир. Дам олаётир.

Кимларнингдир эса роҳати тугаб, 20 йиллик хатоларни тузатишнинг азобли меҳнати бошланаётир. Бола ёмон эмас, уни ёмон тарбиялаган ота-она ёмон. Қулоқ ўрганмаган хулоса учун узр.

Сиз болангиздаги иллатларни кўриб ранжийверасиз. Булар – болангизга Сиз эмас, сизнинг ўрнингизга кеча ва кўча ўргатган қилиқлар, кўполлик, иллатлар. Болангизга, оилангизга, невараларингизга зарарли одатлар. Болангизга қўшилиб унинг иллатлари ҳам ўсади. Кучайиб, Сизга қаттиқроқ озор бера бошлайди. Буларни қон босимингиз ошганида; “тез ёрдам” машинаси келиб кетганда; аёлингиз кўз ёшларини сизга кўрсатмай артаётганини сезганда, эслайсиз.

### **Ривожланган мамлакатларда**

Президент Ислон Каримов XXI асрни Рақобат асри деб атади. Бунда жуда кўп қиррали, чўнг маъно бор. Ота-оналарга ҳам даъват бор. Нега десангиз, биз дунёнинг энг юксак ривожланган давлатлари қаторига чиқиб бораёпмиз. Бу ишни тезлаштирувчи энг муҳим шартлардан бири – тарбия. Ёшла-

римизни энг юксак ривожланган давлатда яшаш, ишлаш ва муваффақият қозонишга тайёрлаш. Дунёнинг энг юксак ривожланган давлатлари қандай тарбия орқали бугунги мақомга чиқишди? Ота-оналар бунда қандай вазифани бажардилар?

Ота-оналар болаларини бозор иқтисодиётидаги кучли рақобатга тайёрлашди. Болам, сен ўз кучингга, ўз ақлингга, ўз имкониятларингга таяниб яшашиг керак. Бунинг учун ўз ақл, куч ва имкониятларингни ривожлантиришиг керак, деб, бунинг йўлларини ўргатишди, чиниқтиришди. Бошқа кишиларга (қариндош-уруғ, таниш-билиш, ҳатто ота-онага ҳам) таяниш, суяниб яшаш, мансабга эришиш каби иллат тафаккурдан супуриб ташланди.

Бу нима берди? Бу ҳар бир йигит-қизни рақобатларга тўла ҳаётнинг курашлар майдонига чиниқишга мажбур қилди. Ёшлиқдан ўз келажагини ўз қўллари билан яратишдан бошқа йўл йўқ эканлиги билан юзма-юз қилиб қўйди. Буни кўрган ёшлар ҳеч ким “Ўқи!” демаса ҳам, бор кучини, иродасини сарф қилиб ўқиди. Ҳеч ким “Янгилик ярат!” демаса ҳам, янгиликлар ярата бошлади. Чунки улар бозор иқтисодиёти, кучли рақобатлар шароитида фақат ўз кучига, фақат ўз ақлига, фақат ўз имкониятларига таяниб яшаш учун ўз ақли, кучи ва имкониятларини ривожлантиришга ўргатилган, чиниқтирилган эдилар-да.

Агар биз болаларимизни жаҳондаги тенгдошлари билан интеллектуал, маънавий рақобатга тайёрламасак, улар ожиз бўлиб қоладилар. Шундай бўлишини хоҳлайсизми? Асло, дедингиз. Демак, кимнинг уйида фарзанд ўсаётган бўлса, унга (спорт тилида айтганда) “бўлажак жаҳон чемпиони”, деб қарасин. Унинг ривожланишига барча шароитни яратиб, бир соат ҳам вақтини бекор сарфламаслигига эришишимиз керак. Ана шунда ҳақиқатан ҳам ҳар бир Ўзбекистон ўғил-қизи ўз иши, соҳасининг чемпиони бўлади. Биз эса устоз, мураббий, тренер сифатида ҳурмат-иззатларга сазовор бўлиб яшаймиз.

## Манзара

Ниманинг яхшилигини билиш учун ниманинг ёмонлигини, нима қилиш кераклигини билиш учун нима қилмаслик керак-

лигини билиш керак, дейдилар. Энди ана шу тамойил билан айрим манзараларни ғойибона кузатсак.

Икки кизча сув бўйида ўйнаб ўтиришибди. Шунда биттаси:

– Вой. Шиппакчанг оқиб кетаяпти, Дилноз! – дейди. Шунда Дилноза ўрнидан туриб, югуриб бориб, жилғачада секин оқиб кетаётган шиппакчасини тутиб олишга ҳаракат ҳам қилмайди. Ва:

– Шунга шунчами!? Эртага ойимлар яп-янгисини оберади-ла! – дейди.

Шиппакчадан соткага, эртага автомобилдан квартираларга айланадиган “меҳрибонлик” душман қила олмайдиган ёмонликларга қодир. Истаган нарсасини биров мухайё қилишга ўргатиш билан дадаси Дилнозани бахтсиз қилиб қўйиши мумкин. Чунки олдинда Дилнозани турмуш ўртоғига ҳам “Сан бўлмасанг бошқаси”, деб гапиришни ўргатувчи қўшиқлар кутиб турибди.

### **Ота “отганда”**

Отамиз. Бир-биримизга гап, тўйлар қилиб едирамиз. “Отамиз”. Боламиз уйимизга келган бир уй меҳмоннинг олдида: “Ада, бугун ҳам ичиб маст бўласизми?” деб завқ билан сўраса, “Жим бўл” деб ўшқирамиз. “Вой, нега ундай дейсан (ўйлайсан)?” деб ойиси уришади.

*“Боланинг онги асосан 5–7 ёшда шаклланишини инобатга оладиган бўлсак, айнан ана шу даврда унинг қалбида оиладаги муҳит таъсирида маънавиятнинг илк куртаклари намоён бўла бошлайди. Халқимизнинг «Қуш уясида кўрганини қилади», деган доно мақоли, ўйлайманки, мана шу азалий ҳақиқатни яққол акс эттиради” (“Юксак маънавият – енгилмас куч”).*

Меҳмонлар кетишади. Ҳалиги гапини эслаб, унга каттиқроқ дағдаға қиламиз. “Нега ундай (ўйладинг) дединг?” деймиз. Боламиз: “Қандай (ўйлай) айтай?” – деса, “Жим бўл”, деб энди ўшқирамиз. “Мана бундай айтиш керак”, деб ўргатаймиз. “Жим бўл, дедим”, деймиз. Бола эса “Нега дадам ўзи қилган ишни айтсам, уришадилар?” деб ҳайрон қолаверади.... Шундай қилиб, пок, ростгўй боламизнинг тилини дили билан уриштириб кўямиз.

Вақт ўтиб, у кўриб-ўйлаётганини эмас, бизга ёқадиган гапни айтишга чиниқа боради. Буни богча опасида тасдиқлатиб, маҳоратини мактабда оширади. Мақтов олади. Дил билан тил эса, юз кўрмас бўлиб қолади. Риё фазилат тўнини кияди.

Боламиз улғаяди. Яхши топади, яхши яшайди. Бир куни унинг улфатлари ҳам носамимий эканлигини сезиб қоламиз. Бизни совуқ тер босади. Дўстларингга ишонма. Сени тушириб кетади. Кўриниб турибди. Улфатларингнинг тили билан дили бир эмас. Нияти ёмон, сирингни билдирма. Айтма. Сир бой берма. Дўстингдан кўрк. “Дўстингдан топ деган ҳадис бор” деб ҳам юборамиз (таъсир қилсин деб). Боламиз болаларига буни ўргатади...

*“... оилада қўни-қўшинларни кўролмаслик, фисқу фасод, иғво муҳити ҳукмрон бўлса, ҳеч шубҳасиз, буларнинг барчаси боланинг хотирасида тузатиб бўлмайдиган оғир асорат қолдиради” (“Юксак маънавият – енгилмас куч”).*

### Такрор айтилган бир ҳақиқат

Айтинг, бирорта ота-она ўз жигарбандини зарарли оқимлар гирдобига тушиб қолишини истайдими? Ота-онасини, оиласини, маҳалласини, эл-юртини менсимайдиган, куним ўтса бўлди, деб яшайдиган одам бўлишини истайдими? Асло. Нукул ширин орзу, дуолар қилиб ётиб, ёзни ўтказиб юборган фермер юқори ҳосил ола олмайди. Худди шунинг каби, ота-она ҳам фарзанди тарбиясида нукул орзу, дуо қилиб, тарбия фаслини ўтказиб юборса, худо уради. Ҳаётининг кузида уни фарзандлардан оқибат хирмонлари эмас, пушаймон, армонлар хирмони кутади.

Ана шунинг учун ҳам, Президентимиз “Юксак маънавият – енгилмас куч”да ота-оналарнинг бахтини ўйлаб, “оммавий маданият”нинг бузғунчи таъсири тўғрисида шундай ёзадилар: *“Агарки биз бундай хатарларга қарши ўз вақтида қатъият ва изчиллик билан кураш олиб бормасак, турли зарарли оқимлар бизнинг юртимизга ҳам шиддат билан ёпирилиб кириши, ёшларимизни ўз гирдобига тортиб кетишини, оқибатда уларнинг ота-она, оила, эл-юрт олдигаги бурчи ва масъулиятини*

ўйламайдиган, фақат бир кунлик ҳаёт билан яшайдиган худдиганд кимсаларга айланиб қолиши мумкинлигини тасаввур қилиш қийин эмас. Мана шу аччиқ ҳақиқатни юртимиздаги ҳар бир инсон, ҳар қайси ота-она, энг муҳими, ҳар қайси йигит-қиз чуқур англаб олишини истардим.

Такрор айтишга тўғри келади – ота-оналар, устоз-мураббийлар бу масалада ҳушёрликни йўқотмаслигимиз, ёшлар тарбиясида асло бепарво бўлмаслигимиз зарур”.

Аччиқ ҳақиқат – бу. Дарднинг сабаби ширин, дориси аччиқ бўлади. Оталарнинг огоҳликлари, билимлари болаларини маънавий касалликдан сақловчи дори. Буни юртимиздаги ҳар бир инсон, ҳар қайси ота-она чуқур англаб олиши керак. Ана шунда ҳар бир оила, демак, бутун жамият маънавий соғлом, қудратли, енгилмас, бахтиёр бўлади.

Биз болаларимизни «ҳаммаси яхши бўлади, қўявер. Биз куриб берадиган бахтли жамиятда маза қилиб яшайсанлар!» – деб тарбиялашимиз керакми? Ёки «Эртага давлатлар, уларнинг манфаатлари, мафкуралари орасида баҳс бўлади. «Бу кунда маданий миллатлар урушларини тижорат ва саноатга айлантирдилар ва бу соҳада бир-бирларига ғалаба ва ракобат қила бошладилар» (А.Авлоний. 1913).

Ватан сизнинг қўлларингизда бўлади. Сизни алдашга, мулкингишни эгаллашга ҳаракат қилишади. Ана шунда Ўзбекистонни ҳимоя қила олишингиз керак. Ёки ожиз, гамгин, муте миллат бўласизми? Деган миллий ориятни, бурчни шахсий бурчга айлантирувчи саволларни бериб тарбиялашимиз керакми?

«Ҳаммаси яхши», «Яхши бўлади» деб аллалаш – бегоналардан чиқади. Бу – овунтириш методи. Бу беғамликни ўстиради. Беғамлик эса лоқайдликнинг онасидир. Зеро, Президентимиз таърифлари билан айтганда, «Тарбия биз учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир» деган сўзлар асримиз бошида миллатимиз учун қанчалар муҳим ва долзарб бўлган бўлса, ҳозирги вақтда ҳам биз учун шунчалик, балки ундан ҳам кўра муҳим ва долзарб аҳамият касб этмокда.

“Биз ўз фарзандларимизнинг бахту саодатини, иқболи ва камолини кўришни истар эканмиз, нафақат оиладаги, балки маҳалла-кўйдаги одамларнинг хатти-ҳаракати ҳам боланинг шаклланиб келаётган соф қалби ва онгига қандай таъсир кўрсатиши ҳақида доимо ўйлашимиз, бу масалада зиммамизда қандай улкан масъулият борлигини унутмаслигимиз зарур” (“Юксак маънавият – енгилмас куч”).

## ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА БАРКАМОЛ ШАХС ТАРБИЯСИ ТИЗИМИ

*«... Мен ҳар бир ишда авваламбор тизим-тартиб бўлиши лозим, деб ўйлайман. Агар шундай тизим бўлмаса, ҳеч бир бир-бири билан боғланмаган тадбирлар воситасида мақсадга эришиб бўлмайди».*

*...Таълим-тарбия тизимини ўзгартирмасдан туриб онгни ўзгартириб бўлмайди. Онгни, тафаккурни ўзгартирмасдан туриб эса биз кўзлаган олий мақсад – озод ва обод жамиятни барпо этиб бўлмайди.*

**Ислом Каримов**

XXI аср Ўзбекистонда маданият, иқтисодиёт, фан ва техника, ижтимоий-сиёсий инновациялар асри сифатида бошланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлис қонунчилик палатаси ва Сенатининг кўшма мажлисидаги «Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир» деб номланган маърузаси Ўзбекистон тараққиётининг кейинги босқичида барча соҳаларда, жумладан, ўта муҳим статистик жабҳа – ёшлар тарбиясида ҳам амал қилиниши зарур бўлган бош мақсадимизни белгилаб берди. Бу – демократлаштириш, янгилаш, модернизация ва ислоҳ этиш тушунчаларида ўз ифодасини топди. Шу сабабли узлуксиз таълим тизимида тарбия жараёнини демократлаштириш, янги-

лаш модернизация қилиш, ислоҳ этиш таълим-тарбия амалиётининг инновацион тамойилларига айланди.

Демократлаштириш – тарбиявий жараёнда тарбияланувчига нисбатан ҳурмат ва талаб бирлиги, унинг мустақил, эркин фикрли бўлиши, шунингдек, ўз-ўзини бошқарувни рағбатлантириш, ҳар бир таълим муассасасида фуқаролик жамияти муҳитини шакллантириш.

Янгилаш – тарбиявий ишларни ташкил этишда эскирган усулларидадан воз кечиб, тарбиявий жараёни илғор педагогик технологиялар ғоялари, самарали шакл, метод ва воситалар билан таъминланишига эришиш.

Модернизация қилиш – анъанавий тарбия мазмуни, шакл, метод ва воситаларни замонавийлаштириш, тарбияланувчиларнинг ҳаётий далиллар, воқеа-ходисалар, анъаналар воситасида тарбиялаш, уларни ХХІ аср воқелигига мослашишларига имкон яратиш.

Ислоҳ этиш – узлуксиз таълим амалиётидаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш, ўқув ва тарбия жараёнини ягона тизимда акс этишига эришиш, мазкур тизим мазмунини миллий истиқлолни мустаҳкамлаш талабларига мувофиқ шакллантириш.

Баркамол шахс, малакали мутахассисни шакллантириш нафақат педагогик, балки ижтимоий заруриятдир. Шу боис, бу йўлда ижтимоий-педагогик ҳаракатни ташкил этиш Республикада амалга оширилаётган маънавий-маърифий ислохотларнинг бош йўналиши, миллий истиқлол гоёсининг асосий талабларидан бири сифатида белгиланди. Ушбу масала узлуксиз таълим тизими олдида турган устувор вазифа ҳисобланади. Шу сабабли ушбу тизимнинг самарадорлигини таъминлаш бўйича қатор ҳукукий-меъёрий, услубий ҳужжатлар ишлаб чиқилади, илмий-услубий ишланмалар тайёрланди.

Бироқ ХХІ аср бошидаги мавжуд вазият, Республика Президенти Ислом Каримовнинг таълим тизимини тубдан янгилаш зарурати тўғрисидаги кўрсатмалари; «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» талабларини бажаришнинг иккинчи босқичида тарбия жараёнини илғор педагогик технологиялар билан таъминлаш кўзда тутилганлиги; таълим муассасаларининг

маънавий-маърифий ишлар дастурлари мазмунини таҳлил қилиш, жойларда бевосита тарбиявий ишлар амалиётини ўрганиш натижалари, шунингдек, таълим муассасаларининг тақдиротлари асосида чиқарилган ҳулосалар; ёшларга қаратилган мафкуравий таҳдидларнинг турлари кўпайиб бораётганлиги таълим муассасаларида амалга оширилаётган маънавий-маърифий ишларни педагогик технология гоялари асосида, яъни тарбиявий натижани кафолатли лойиҳалаштириш ва амалга ошириш вазифасини кун тартибига қўйди.

Ўшандаги амалиёт таҳлили тарбиявий ишлар дастурларини яратиш ва улар асосида амалий фаолиятни ташкил этишда замонавий ёшларда шакллантирилиши талаб этилаётган фазилатларнинг улар кифасида акс этмаётганлиги, бу масалага жиддий эътибор берилмаётганлигини кўрсатди. Бу ҳолат «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»да белгиланган «таълим олувчиларнинг маънавий ва ахлоқий фазилатларини ривожлантириш»га алоҳида эътибор қаратиш заруратини кун тартибига қўймоқда.

Баркамол шахс тарбияси – тарбияланувчи (ғўдак, ўсмир (ўқувчи) ва ўспирин (ўқувчи-талаба)ларни республика мустақиллигини мустаҳкамлашга қодир, юксак маънавий-ахлоқий сифатларга эга, фидокор фуқаро, юқори малакали мутахассис ва ҳеч кимдан кам эмаслигини чуқур англаган шахс этиб тарбиялашга қаратилган ҳамда ўзаро узвий ва узлуксиз таркибий қисмларидан ташкил топган дастурий педагогик фаолият жараёнидир.

Мазкур тизимнинг технологик жиҳати маънавий-маърифий ишлар соҳасида лойиҳалаштирилган натижани кафолатлашга қаратилган педагогик операциялар, воситалар, методлар занжири сифатида намоён бўлади. Шу сабабли ушбу тизим асосини воситалар эмас, балки у ёки бу фазилатни шакллантиришда кафолатланган натижага эришишнинг педагогик алгоритмлари режалаштирилди.

Узлуксиз тарбия жараёни таълим-тарбия бирлигига асосланиб, узлуксиз таълимга параллел равишда ташкил этилади. Уянги авлодда сиёсий, гоявий, маънавий-ахлоқий, жисмоний

фазилатларни, шунингдек, миллат характери шакллантиради. Демак, «эртага Ўзбекистоннинг ёш авлоди зиёлилари, мутахассисларининг, умуман, миллатнинг қандай сиёсий, ғоявий, ахлоқий, ғоявий тамойиллар асосида яшаши ва меҳнат қилиши бугун амалга оширилаётган узлуксиз тарбия тизими самарадорлигига бевосита боғлиқ. Қолаверса, ҳозирги кунда диний экстремизм мафкурасига, қўпоровчилик-террорчиликка қарши курашдаги асосий вазифа – аҳоли ўртасида, айниқса, ёшлар билан олиб бориладиган тарғибот-ташвиқот ва тарбиявий ишларни изчил, чуқур ўйланган тизим асосида ташкил этиш ва уларнинг таъсирчанлигини кескин кучайтиришни бугун бошимиздан кечираётган ҳаётнинг ўзи такозо этмоқда.

Мазкур тизим, шунингдек, ижтимоий-гуманитар ва аниқ фанлар кооперациясининг сўнгги ютуқларига таянган ҳолда мавжуд ҳолатни маънавий диагностик ўрганиш, мазмунан бойитиш, тақомиллаштириш ҳамда ислохотлар талабларига тўла жавоб бера олиш тамойилига асосланади. Бу эса болалар боғчасидан то магистратурагача бўлган жараёнда амалга ошириладиган ҳар бир тадбирнинг аниқ натижани кафолатлай олишига эътиборни қаратиш, мақсадга мувофиқ амалга оширилишини назорат қилиш ва самарадорлигини таҳлил қилиш талаб этилади. Тизимнинг муваффақияти Алифбе, Ўқиш, Она тили, Одобнома, Ватан туйғуси, Ўзбекистон тарихи, Миллий ғоя, маънавият асослари, тарих, ҳуқуқ, иқтисодиёт, педагогика, психология, социология, кибернетика, статистика ва ҳоказо фанлар ўртасидаги ўзаро интеграциянинг «узлуксиз тарбия объекти ва субъекти» бўлган шахс (гўдак, бола, ўсмир, ўспирин) камолотини шакллантиришга кўрсатувчи самарали таъсирга боғлиқ.

Мазкур тизим таълим муассасасининг турига мослаб, дифференциал ва цикли асосда амал қилади. Тизим самарадорлигини таъминлаш учун жавобгарлик ҳар бир таълим муассасасининг раҳбари зиммасига юклатилади.

Тизим мазмуни, амалиётдаги инъикоси, олинаётган натижалар изчил равишда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари ҳайъат йиғилишларида муҳокама қилиб борилади.

Мазкур тизим мазмунига таълим муассасаларининг худудий, миллий, ихтисослик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ёндашиш ҳамда ўзгартиришлар киритиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган қонунлар, Республика Президентининг Фармон ва Фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов асарлари, Ўзбекистон Республикасининг «Қадрлар тайёрлаш Миллий дастури», ўсиб келаётган ёш авлод-ни миллий истиклол ғояси руҳида тарбиялашга йўналтирилган тарбиявий ишларни интенсивлаштириш, бу борада барча ресурслар (одам, вақт, маблаг, техника, методикалар ва ҳ.к.) нинг самарали ишлашини таъминлаш, таълим муассасаларида барқарор, соғлом тарбиявий муҳитни яратиш ва уни бошқариш мониторингини амалга ошириш, шахс (болалар, ўқувчилар, талаба-ёшлар) маънавиятини кутилаётган (идеал) даражага кўтаришга йўналтирилган педагогик фаолиятнинг илмий дастурий-методик таъминотини ташкил этишдан иборат.

Барча соҳаларда бўлгани каби педагогик тизимнинг асосий тавсифлари сифат ва самарадорлик ҳисобланади. Ҳар қандай тизим самарадорлиги моҳиятига кўра ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан баҳоланади. Узлуксиз таълим жараёнида баркамол шахсни тарбиялаш тизимининг самарадорлигини баҳолаш жараёнида кўпроқ ижтимоий афзалликлар намоён бўлади. Зеро, тизимнинг амал қилиши натижалари таълим, тарбия ҳамда ижтимоий маданият даражасини юксалтириш, тарбияланувчиларда маънавий-ахлоқий сифатларни шакллантириш, шахснинг ҳар томонлама камол топиши учун педагогик шарт-шароитларни яратиш, салбий кўринишдаги ҳолатлар (масалан, ахлоқбузарлик, ҳуқуқбузарлик, носоғлом турмуш кечириш ва ҳоказолар)ни бартараф этишга йўналтирилган педагогик фаолият самараси сифатида намоён бўлади.

Шу билан бирга, тизимнинг тўлақонли амал қилиши иқтисодий самарани ҳам кафолатлайди. Бинобарин, жамиятда ўзаро бирлик, ҳамкорлик, ҳамжиҳатликка асосланган ижтимоий муносабатнинг қарор топиши, яратувчанлик ва бунёдкорлик

ишларининг амалга оширилиши, соғлом рақобатнинг юзага келиши аҳоли, жумладан, ёшлар жиноятчилигига барҳам бериш, террористик ва диний экстремистик ҳаракатларга қарши курашишга сарфланаётган маблағни тежашга имкон беради.

Тизим сифати тарбиявий жараёнда қўлланилаётган дастур, махсус методика, шунингдек, синфда, синфдан ва таълим муассасасидан ташқарида тарбиявий ишларни ташкил этишга оид ўқув-методик ишланмаларнинг амалийлиги (амалиётга мос келиши) билан тавсифланади.

Тизим самарадорлигини қуйидаги методика, шакл, метод ва воситалар ёрдамида баҳолаш мумкин: мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси, ўқитувчи, синф раҳбари, гуруҳ мураббийси, устоз фаолиятини педагогик профессиограмма ва объектив кўрсаткичлар асосида баҳолаш; педагогик кузатиш; таълим муассасаларининг фаолиятини ёритувчи меъёрий ҳужжатларни ўрганиш; социометрик (суҳбат (тарбияланувчилар ёки уларнинг тарбияси учун масъул бўлган субъектлар – ота-оналар, васийлар, ўқитувчилар, мураббийлар иштирокида), анкета, ижтимоий сўров, интервью); таъхис методлари (оғзаки сўров, тестлар (тест-сўров, тест-топширик, проектив тест); педагогик ҳамда психологик тажрибалар; тарбияланувчиларнинг характерини ўрганиш; уларнинг фазилатлари тадрижини ўрганиш; психологик тестлар – К.Юнг («Шахс характери типини аниқлаш»), Роккич – («Аҳамиятли қадриятлар»), Айзенг методикалари); «Тарбияланганликни ўрганишнинг педагогик-психологик дастури», «Талабанинг ижтимоий-психологик портрети», «Педагогик тавсифнома», «Гуруҳ мураббийси фаолияти тўғрисида»ги Низом, «Социологик-психологик хизмат кўрсатиш», «Маънавий-маърифий ишларни моделлаштириш», «Тарбияланганлик даражаларини баҳолашнинг математик-статистик методикаси», «Қасбий ва шахсий баркамол талаба модели»; педагогик матбуотни ўрганиш; моделлаштириш (лойиҳалаш); тарбияланувчиларда уларнинг ёшига мос равишда миллий истиқлол ғоясининг намоён бўлишини таҳлил қилиш; эксперт баҳолаш ва бошқалар. Таъхислаш натижаларини қайд этишда рақамли индекслар, шкалалар, турли шартли белгилардан фойдаланилади.

Шахснинг тарбияланганлигини қайд этишда олти балли шкаладан фойдаланиш мумкин. Ундаги учта ижобий баҳо (Қ1, Қ2, Қ3) маънавий тарбияланганлик (тайёргарлик) даражасини, учта салбий баҳо (-1, -2, -3) эса тарбиясизлик (қаровсизлик) даражасини ифодалайди.

Сифатли баҳоларга қуйидаги мезонлар бўйича микдорий эквивалентлар қўшилади:

Қ1 – ижобий ҳаракатларни ташкил этишга тайёрлик.

Қ2 – ижобий ҳаракатларни амалга оширишга интилиш.

Қ3 – ижобий ҳаракатларда қатъият, фаоллик кўрсатиш.

Тарбияланганлик даражасини баҳолашда шахснинг алоҳида фазилатлари эмас, балки умумий ахлоқий йўналиши ҳисобга олинishi лозим.

Шахснинг алоҳида олинган маънавий-ахлоқий фазилатлари умумий ахлоқ йўналиши билан узвийликда қаралади.

Анъанавий педагогик ёндашувда таълим ва тарбия мақсадлари умумий характерга эга бўлиб, улар тарбиячи, ўқитувчининг субъектив хоҳиш-истакларидан келиб чиқиб белгиланган, муайян талаблар асосида чекланиб қолган эди. Педагогик технологияга асосланган ўқув-тарбиявий ёндашувда олдиндан лойиҳалаштирилган таълим-тарбия натижаларига эришиш кафолатланади. Шу боис таълим ва тарбия жараёнида педагогик технологияларни қўллаш замон, тараққиёт талабларидан бирига айланди.

Идентив тарбиявий мақсадлар таълим-тарбия жараёнининг эришилган реал натижаси сифатида бола, ўқувчи–талабаларнинг хатти-ҳаракатларида намоён бўлади. Хатти-ҳаракатлар ички (фикрий) ва ташқи (хулқ) кўринишларда намоён бўлади. Масалан, ўқувчи ниманидир таърифлайди, тушунтиради, ёритади, бажаради, таҳлил этади, фарқлайди, исботлайди, баҳолайди, хулқ-атвор тарзини лойиҳалайди, муҳокама қилади, қўллайди, тасдиқлайди ва амалга оширади. Муайян вазиятларда фикрий хатти-ҳаракат «юзага чиқиб» ташқи хатти-ҳаракатга айланади. Бола, ўқувчи, талабаларнинг бундай хатти-ҳаракатлари, ўз навбатида, ўқув-тарбия натижасини ифодалайди.

Тарбиявий тадбирлар муайян моддий ва маънавий эҳтиёжларни қондиришга хизмат қилувчи, ягона ижтимоий тарбиявий мақсадга бўйсундирилган ўзаро таъсирлар мажмуидир. Таълим жараёни алоҳида, мустақил дарслардан ташкил топгани каби тарбиявий жараён яхлит тарбиявий методлар, таъсирчан воситалар ёрдамида амалга оширилади.

Ҳар бир тадбир тарбиявий жараённинг бир ҳалқаси, ҳужайраси, бўлагидир. Шу боис, ўқитувчи-тарбиячилар машғулоти, дарс лойиҳасини тузганда идентив ўқув мақсадларини белгилаш билан бир қаторда шу материални ўрганишдан кўзланган ва кафолатли натижага эришувни таъминловчи идентив тарбия мақсадларини белгилаб, уларга мувофиқ амалий фаолиятни йўлга қўйишлари тақозо этилади.

Бошқа халқлар қатори ўзбекларда ҳам шундай анъаналар борки, уларни тиклаш, бойитиш, замонавийлаштириш, маънавий-маърифий ишлар билан уйғунлаштириш мамлакат ижтимоий-маданий ҳаётини маънан бойитишга самарали хизмат қила олади. Чунки, ҳар бир ёш йигит-қизнинг ўз халқи анъаналарини яхши билиши орқали давлат, халқ, миллатимизнинг тарихига, келажагига дахлдорлик эшиги очилади.

Миллий анъана, урф-одатлар миллий дунёқараш манбаи ҳамдир. Азалдан ҳар бир авлод ота-оналаридан дунёқарашни ўзлаштириб, ўз дунёқарашига айлантирган ва шу асосда фарзандлари дунёқарашини шакллантириб, мерос тарзида узатиб келдилар. Анъаналарнинг миллийлиги туфайли авлодлар орасида ҳамфикрлилик, ўзаро ишонч, иззат, мақсад бирлиги, самимийлик тантана қилар эди.

Ҳозирги замонда юз бераётган глобаллашув жараёни ва уни одамларнинг онги ва қайфиятига бўлган таъсири комил инсонни тарбиялаш билан боғлиқ масалаларга янгича ёндашишни тақозо этмоқда. Бунда ўзлигимизни йўқотмаслигимиз, ўзбек халқининг миллий руҳиятини нафақат сақлаб қолишимиз, балки янада кучайтиришимиз даркор.

Миллий анъана, маросим ва одатлар ўз моҳияти билан инсон руҳига, маънавияти, мафқурасига бевосита, норасмий, амалий таъсир кўрсатиши билан алоҳида тарбиявий аҳамиятга эга.

Бизнинг имкониятларимиз ёт мафкураларникидан чексиз даражада кўп. Ёшларимиз узлуксиз таълим-тарбия тизими билан қамраб олинган, кўплаб жамоатчилик ташкилотларининг узлуксиз фаолияти йўлга қўйилган. Аммо улардан етарли фойдалана олмаслик айрим ёшларимиз чаласавод муллаларнинг ёт ғоялари таъсирига тушиб қолишига сабаб бўлмоқда. Биз тарғибот-ташвиқотда расмиятчиликка, тадбирбозликка чек қўйишимиз керак. Чунки баландпарвоз, чиройли сўзлар, курук маърузалар ҳар қандай ғояни обрўсизлантиради. Ёшлар билан тенг мулоқотга киришиш, уларнинг қалбларига халқчиллик билан, самимият билан кириш, қаноатлантириш, миллий истиклол ғояси ташвиқотини жанговар даражага кўтариш керак.

Ёшларни биз истаётган фаолият турига жалб қилиш, гоёвий тарбияда кўпроқ кўргазмалиликка, ундан ҳам кўпроқ ёшларнинг ўзлари бевосита иштирок этадиган амалий мафкуравий ишларга жалб қилишимиз керак.

Тарғибот-ташвиқот ишларининг ранг-баранг, таъсирчан усуллари жорий қилиш лозим. Жумладан, Президентимизнинг Олий Мажлис сессиясида ҳаётга катта умидлар билан кириб келаётган ёшларга қарата айтган қуйидаги ўғитини ҳар бир таълим муассасасининг энг гавжум, муҳташам жойига, гўзал қилиб битиб қўйиш лозим:

*Эй болам, сенинг Ватанинг битта – барчамизга азиз, бетакрор мана шу Ўзбекистон. Ота-боболарингнинг хоки шу ерда ётибди. Шу муқаддас замин сени дунёга келтирган, сен уни обод этишинг, ҳимоя қилишинг шарт. Нафақат сенинг ўз ҳаётинг, балки сенга умид кўзини тикиб турган ота-онанг, опа-сингилларинг, ёш гўдақлар, нуроний қарияларимизнинг ҳаёти ҳам ана шу бурчингни нечоғлиқ адо этишингга боғлиқ.*

## ДАХЛДОРЛИК – НАЖОТКОР ФАЗИЛАТ

*Агарки мендан, ҳозирги кунда маънавиятимизни асраш учун нима қилиш лозим ва унга таҳдид соладиган хуружларга нимани қариши қўйиш керак, деб сўраса, мен авваламбор шу юртда яшаётган ҳар қайси инсон ўзлигини англаши, қадимий тарихимиз ва бой маданиятимиз, улуг аجدодларимизнинг меросини чуқурроқ ўзлаштириши, бугунги тез ўзгараётган ҳаёт воқелигига онгли қараб, мустақил фикрлаши ва диёримиздаги барча ўзгаришларга дахлдорлик туйғуси билан яшаши зарур, деб жавоб берган бўлардим.*

**Ислом Каримов**

Инсоният бошига узоқ-яқин тарихида қанча кулфат, касофат тушган бўлса, инсоннинг ўз ҳаётига, тақдирига лоқайдлиги, бепарволиги сабаб бўлган. Лоқайдлик ҳодисасининг моҳиятини аниқлаш учун, дастлаб унинг луғавий маъноси ҳақида тасаввурга эга бўлиш керак. Бунинг учун “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”ни очамиз. Биринчи томининг 436 бетда “Лоқайд” деган сўз араб тилидан олиниб: аҳамият, эътибор бермаслик; бепарволик, қизикмаслик, бефарқлик маъноларида ишлатилиши кўрсатилган. Дарҳақиқат, инсоннинг ташқи олам таъсирини сезган тақдирда ҳам, ўжарлиги, мутаассиблиги оқибатида онгида қайд қилмаслиги ва амалий фаолиятсизлиги шу сўзда ўз ифодасини топган.

Ўзбекистон давлати ҳудудида яшаган халқларнинг уч минг йиллик тарихига назар ташлайдиган бўлсак, аксарият ҳолларда босқинчилар зулми остида яшаганлиги маълум. “Тарих ғилдирагининг айланиши билан, авваламбор, юрт ҳукмдорлари ва амалдорлари халқнинг тақдири ва келажаги ҳақида қайғуриш ўрнига, ўз шахсий манфаатларини ҳамма нарсадан устун қўйиб, жаҳолат ва гафлатга берилиб кетиши оқибатида биз бугун яшаётган минтақа умумбашарий тараққиёт жараёнларидан узилиб, ривожланишдан кескин орқада қолиб кетди”.

Лекин, бу узоқ давом этган миллий фожианинг бирдан-бир асосий сабаби – миллатнинг ғоявий-мафкуравий тарқоқлиги,

парокандалиги ва ўз эркига, мустақиллигига, келажак авлодлар тақдирига нисбатан *лоқайдлиги бўлган*. Зеро, миллий тарихимизда озодлик, мустақиллик учун курашиб, ёрқин из қолдирган Широқ, Тўмарис, Спитамен, Муқанна, Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик, Дукчи Эшон ва бошқа буюқ қахрамонлар халқни уюштириб, оммавий равишда озодлик, мустақиллик гоёларига собит эргаштира олмаганликлари, уларнинг лоқайдлик кайфиятларини бартараф қилиш усуллари, воситаларини тополмаганликлари сабабли, мағлуб бўлганлар. Мамлакат асрлар давомида ёвлар оёғи остида маънавий вайронага айланган. Шунинг учун бир ҳақиқатни яхши англашимиз керакки, “фақат ўтмишга, аجدодлар меросига маҳлиё бўлиб юришнинг ўзи билан узоққа бориб бўлмайди”.

Инсоннинг ўз ижтимоий борлиғига лоқайдлиги ва бепарволиги негизини: бир томондан, миллий гурур-ифтихор туйғусининг сўниши, келажакка умидсизлиги, раҳбарларга ишончсизлиги ва атрофидаги салбий, гайриахлоқий ҳодисаларга кўникиши, иккинчи томондан, қўйилган мақсаднинг моҳиятини билмаслик, мутаассиблик ва маънавий ожизлик ташкил қилади. Миллатнинг ҳаётида асрлар давомида унинг устидан ҳукмронлик қилиб, даврон сурган мустамлакачилик сиёсатига лоқайдлиги ва кўникиши миллат фожиаси бўлган.

Инсон муайян шарт-шароитлар таъсирида лоқайдлиги натижасида қулликка, ўз кадр-қиммати, ор-номуси, шаъни-шарафи топталишига кўникиши, ҳаттоки, унинг «жозибасига» маҳлиё бўлиб, маддоҳлик қилганлиги ҳақида исталганича тарихий фактларни келтириш мумкин. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов “Юксак маънавият енгилмас куч” деган асарида ривожлантириб: *“Биринчи навбатда худбинлик ва лоқайдлик, қариндош-уруғчилик ва маҳаллийчилик, коррупция ва манфаатпарастлик, бошқаларни менсимаслик каби иллатлардан жамиятимизни бутунлай халос этиш тўғрисида ўйлашимиз лозим”*, деганда албатта шуни назарда тутган.

Бу жуда мураккаб масала бўлиб, уни тез фурсатда зудлик билан бартараф этиш ғоят қийин. Чунки, мустамлакачиликнинг сиёсий тизими, мафкураси турли усуллар ва воситалар

билан кишилар онгига, ҳаёти тарзига қуллик стереотипларини сингдирган, унга қаршилик қилганлар эса, қатағон машинасининг қаҳрига учраган.

Дарҳақиқат, бугун мамлакатимизда “янгиланиш жараёнлари туфайли одамларимизнинг онгу тафаккури, уларнинг Ватан тақдирига, ён-атрофда юз бераётган воқеа-ҳодисаларга муносабати тубдан ўзгармоқда. Ўтмиш қолипларидан воз кечган жамиятимиз аъзолари ҳаётдаги ўз ўрнини янгича тасаввур этмоқда. Эл-юртимизда юксак маънавий фазилатлар, демократик кадриятлар мустаҳкамланмоқда, энг муҳими, аҳолимизнинг амалга оширилаётган кенг кўламли янгиланишларга дахлдорлик ҳисси, мамлакатимизнинг келажагига бўлган ишончи ортиб бормоқда”.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, айрим кишиларда ёмон иллатларга лоқайд бўлиб, унинг илдиз отишини рағбатлантириш билан бирга атрофимизда мустақиллигимиздан кейин содир бўлаётган катта ижобий ўзгаришларга ҳам лоқайдлик кайфияти ҳозиргача сақланиб қолмоқда. Ўтмишдаги мустабид тузумнинг «жозибали» томонларини кўмсаш кайфияти ҳали ҳам сезилиб туради. Ваҳоланки, ўтган асрнинг 80-йилларида собиқ иттифокда бошланган иқтисодий, сиёсий инқироз натижасида оддий халқнинг пештахталари бўш дўконларда талон билан бериладиган озиқ-овқат маҳсулотларига узоқ навбат кутишлари ҳам, ҳатто зиёелиларнинг турли хизмат сафарлари вақтида марказдан озиқ-овқат маҳсулотлари, хусусан гўшт ёки болалар кийим-кечакларини харид қилиб қайтишлари ҳам, уларнинг лоқайдликлари туфайли ёдидан, тарихий хотирасидан кўтарилганидек, назаримизда.

Шунинг учун ҳам “еру кўкдаги буюк ўзгаришларни сезиш, ҳис қилиш ва улардан сабоқ чиқариш, ўрнак олиш учун одамзод ўзининг ён-атрофига уйғоқ нигоҳ, қалб кўзи билан қараши лозим... Шундагина ҳаётнинг маъноси тинимсиз кураш, кийинчиликларни енгиб ўтиш, бир сўз билан айтганда, доимий жасорат, азму шижоат билан яшашдан иборат экани аён бўлади”.

XXI асрнинг бошида инсон қалби ва онги учун кураш ҳар қачонгидан шиддатли тус олаётганлиги, дунёнинг мафкура-

вий манзараси ўзгариб бораётгани, геополитик мақсадлар ва мафкуравий сиёсатнинг қўшилиб бораётгани, мустақилликни қўлга киритган мамлакатларда мафкуравий тамойиллар аҳамиятининг ошиб бораётгани, мафкуравий жараёнларнинг глобаллашаётгани, педагогика назарияси ва амалиёти олдида ушбу жараёнларга мос келадиган, янгича фикрловчи авлодни тарбиялаш долзарб вазифага айланди.

Бу ҳақда Президент Ислом Каримов *“Агарки мендан, ҳозирги кунда маънавиятимизни асраш учун нима қилиш лозим ва унга таҳдид соладиган хуружларга нимани қарши қўйиш керак, деб сўраса, мен авваламбор шу юртда яшаётган ҳар қайси инсон ўзлигини англаши, қадимий тарихимиз ва бой маданиятимиз, улуғ аجدодларимизнинг меросини чуқурроқ ўзлаштириши, бугунги тез ўзгараётган ҳаёт воқелигига онгли қараб, мустақил фикрлаши ва диёримиздаги барча ўзгаришларга дахлдорлик туйғуси билан яшаши зарур, деб жавоб берган бўлардим”*, деган дастурий фикрни билдирди. Ушбу ижтимоий буюртма дахлдорлик тушунчасининг педагогик мазмунининг луғавий, маънавий, ҳуқуқий, фалсафий, ижтимоий, кенг педагогик, тор педагогик ва амалий маъноларда талқин қилиниши ва узлуксиз таълим тизими амалиётига жорий қилиниши лозим.

Президент Ислом Каримовнинг қатор чиқиш ва асарларида дахлдорлик фазилатини шакллантирувчи омиллар, ушбу фазилатни айниқса ёшларимизда шакллантиришнинг аҳамияти асослаб берилди. Жумладан, амалга оширилаётган ижобий ишлар, одамларнинг каддини, кайфиятини кўтариши, уларнинг эртанги кунга бўлган ишончини мустаҳкамлаши, ён-атрофдаги воқеаларга дахлдорлик туйғусини уйғотиши; буларнинг барчаси биз келажакка ишонч билан дадил қарай олишимиз, фарзандларимизнинг тақдири ва бахт-саодати ҳақида хавотир олмаслигимиз учун энг зарур шартлари эканлиги. Бунинг учун *“Миллатнинг ва халқнинг маънавий камолотига, маърифатига умумдавлат сиёсати сифатида қараш лозимлиги; ... жамиятимиз онгида ҳозирги дунёда рўй бераётган барча ҳодисаларга дахлдорлик ва масъуллик ҳиссини вужудга келтириш ва до-*

имо мустаҳкамлаб бориш даркор”лиги таъкидланади. Чунки Президентимизнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” китобида “Ислохотлар ва уларнинг маънавий мезони” бобида “*Ҳар қандай ислохотнинг пировард натижаси аввало унинг заруратини аҳолининг кенг қатламлари қай даражада тушуниши ва қўллаб-қувватлаши, бу ўзгаришларнинг инсон ҳаётига, унинг фаровонлигини оширишга кўрсатадиган амалий таъсири билан ўлчанади. Ана шу ҳақиқатдан келиб чиққан ҳолда, одамларга ислохотларнинг маъно-моҳиятини аниқ-равшан тушунтириб бериш, шу асосда жамият аъзоларида ишонч уйғотиш, уларни бунёдкорлик сари сафарбар этиш муҳим аҳамиятга эга*” эканлиги асослаб берилди.

Дахлдорлик ҳисси жамиятнинг келажакка ишончини таъминловчи муҳим омил. Бу ҳақда Президентимиз томонидан аниқ ва-зифалар белгилаб берилди. Жумладан “Жамият онгида ҳозирги дунёда рўй бераётган барча ҳодисаларга дахлдорлик ва масъу-лик ҳиссини вужудга келтириш ва доимо мустаҳкамлаб бориш;

Ҳозирги ёшларда ва келгуси авлодда ўз давлати, халқининг тарихини шакл-шубҳасиз билиш билан бир қаторда, жаҳон та-рихи ва маданияти ютуқларини чуқур ўрганиш зарурлигини тушуниш ва англаш ҳиссини тарбиялаш;

Буларнинг барчаси биз келажакка ишонч билан дадил қа-рай олишимиз, фарзандларимизнинг тақдири ва бахт-саодати ҳақида хавотир олмаслигимиз учун энг зарур шартлар” экан-лиги таъкидланди.

“Дахлдорлик” тушунчаси умумий лексик маънода “O‘z-begim Dasturlari” таҳририда “кимлигига қарамасдан”, “сў-зида турмоқ”, “тегишли бўлиш”, “эътиборга, назарга олиш”, “юз-хотир қилиш, юзидан ўтолмаслик”, “ўз эҳтиромини тас-диқламоқ”, “ўзини ҳурмат қилмоқ”, “ҳурмат қилмоқ”, “ҳар то-монлама ҳурмат қилиш”, “ҳурматда бўлиш” шаклларида, ин-глиз тилида эса бу тушунча **complicity, participation** сўзлари орқали “иштирок”, “иштирок этиш” маъноларида келади.

Айни вақтда ёшларимизда дахлдорлик фазилатини шакл-лантиришга тўсиқ бўлувчи қатор мафкуралар мавжуд ва улар ўз гоёларини тарғиб қилмоқда. Булар қаторига лоқайдлик, эго-

центризм, эскапизм, дауншифтинг ғояларини тарғиб қилувчи мафкураларни киритиш мумкин.

Дахлдорлик фазилатининг зидди аввало лоқайдликда намоён бўлади. Инсоният бошига узоқ-яқин тарихида қанча кулфат, касофат тушган бўлса, инсоннинг ўз ҳаётига, тақдирига лоқайдлиги, бепарволиги сабаб бўлган.

Эгоцентризм худбинликнинг бир кўриниши бўлиб, фақат ўзини, ўз манфаатларини ўйлаб яшаш, бошқа ҳеч нарсани тан олмасликни билдиради. Инсониятга етказадиган зарари нуқтаи назаридан бу иллат жаҳолат ва ақидапарастликдан асло қолишмайди.

**Эскапизм** (инглизча *escape* – қочиш, яшириниш, зоҳидлик, таркидунёчилик) ёки одамнинг кундалик ҳаётдан ҳаёллар дунёсига кетиши. Одамнинг реал ҳаётдан қочиши, одамлар билан келиша олмаслиги кўпинча йирик ўзгаришлар, ислохотлар даврида учрайди. Эскапизм фаол ва пассив шаклларда учрайди. Масалан, фаол эскапизмда одам кино кўришга, ўйинга ружу қўйиши, алкогол, наркотикларга, медитацияга берилиши бунга мисол бўлиши мумкин. Пассив эскапизмда эса одамнинг узлатга чекиниши, одамлар орасида яшаб туриб, жамият қадриятларига, мамлакат ҳаётига қизикмай, муаммоларига бефарқ, дахлдорлик ҳиссидан бегона, ўз ҳаёлларига чўмиб яшаши мумкин.

**Дауншифтинг** (инглизча *downshifting*, автомобил тезлигини пасайтириш, у ёки бу жараёни секинлаштириш, сустлаштириш). Термин «ўзи учун яшаш», “бошқалар билан боғлиқ мақсадларни рад этиш” фалсафасининг мақсадини ифодалайди. *Дауншифтерлар жамият томонидан қабул қилинган қадриятлардан юз ўгирган, умум манфаатларидан, жамият фаровонлиги, тинчлиги каби қадриятлар учун меҳнат қилиш ўрнига ўзи учун яшашни устун қўяди.*

Дауншифтинг мафкураси ва тушунчаси XX–XXI асрларда Ғарбий Европада пайдо бўлди. Кейинчалик МДХ мамлакатларига кириб келди. Ҳозирги кунда Россияда дауншифтерлар ҳамжамияти фаолият юритмоқда. Мафкуравий жиҳатдан хиппига, фалсафий жиҳатдан нью-эйж, буддизмга яқин оқим бўлиб ҳисобланади.

Замонавий компьютер технологиялари, “оммавий маданият” ёшларни реал ҳаётдан чалғитувчи кўплаб омилларни пайдо қилди. Булар: компьютер ўйинлари, интернет, виртуал воқелик, кино, телевидение. Айниқса педагог, психолог ва социологлар онлайн ролли ўйинлари феноменидан, лудоманларнинг соатлаб, кунлаб виртуал дунёларида қолиб кетишларидан ташвишга тушмоқдалар.

Ушбу масаланинг муваффақиятли ҳал этилиши:

мамлакатимизни модернизация қилиш борасида амалга оширилаётган сиёсий ислохотларнинг маъно ва моҳиятини ёшлар онгига чуқур сингдириш, уларнинг жамиятдаги янгиланишлар йўлини кенг қўллаб-қувватлашига ва ушбу жараёнлардаги ижтимоий фаоллигига эришиш.

Ёшларнинг ислохотларнинг бориши тўғрисидаги билимларини ошириш орқали жамият ҳаётида онгли фуқаро, эркин шахс сифатида иштирок этиш малакаларини шакллантириш.

Коллежларда ислохотлар натижаларини миллий мафкурамизнинг асосий тамойилларининг рўёби сифатида кенг тарғиб қилиш мақсадида ўсмирларнинг ёшига мос равишда кўргазмали, видео ва аудио маҳсулотлар, босма нашрлар тайёрлаш, маърифий тадбирлар уюштириш.

Коллежларда ўтадиган маънавий-маърифий тадбирларга давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарларини, таниқли олимлар, ижодкор зиёлиларни, пешқадам тадбиркорлар ва қишлоқ хўжалик, ишлаб-чиқариш корхоналари раҳбарларини жалб этиш орқали ўсмирларда дахлдорлик фазилатини намоён қилишлари учун қулай шароит яратиш ва бу орқали уларни Ватан, эл-юрт учун хизмат қиладиган, жонкуяр, фидойи фарзандлар этиб тарбиялаш.

Ҳар бир талабанинг Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, Халқ фаровонлиги, Ижтимоий ҳамкорлик, Комил инсон, Миллатлараро тотувлик, Динлараро бағрикенглик ғоялари рўёби ҳақидаги билимларини мустаҳкамлаш масаласини илмий педагогик таъминлашни тақозо қилмоқда.

Мумтоз педагогларнинг мазкур муаммога доир қарашларини ўрганиш шуни кўрсатадики, масалага доир турли фикр-мулоҳазалар билдириб ўтилган. Уларни умумлаштирган ҳолда

кайд этиш мумкинки, шахснинг дахлдорлик фазилати таълим ва тарбия уйғунлигида, интеллектуал, эмоционал ва амалий фаолияти билан уйғун шакллантирилиши керак.

Бироқ, тарбия ҳақидаги ягона фан — педагог-олимларнинг докторлик ва номзодлик диссертациялари ҳамда илмий тадқиқотларида ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш, уларда маънавий маданиятини шакллантириш, педагогик фикр тараққиётида комил инсон ғояси, ўқув юртларида таълим ва тарбия каби масалалар илмий-назарий жихатдан тадқиқ этилган бўлишига қарамасдан ёшларда дахлдорлик фазилатини шакллантириш масаласи махсус ўрганилмаган.

Шу боис, узлуксиз таълим муассасалари ўқувчи-ёшларида дахлдорлик фазилатини шакллантиришда таълим ва маънавий-маърифий ишлар имкониятларини аниқлаш, ушбу жараёнинг ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилиш ва улардан фойдаланиш методикасини ишлаб чиқиш лозим.

Бунинг учун:

- “дахлдорлик” тушунчасининг ижтимоий-сиёсий, назарий педагогик мазмунини аниқлаш ва талабаларда дахлдорлик фазилатини шакллантиришни таълим-тарбия ва миллий ғоя тарғиботи жараёнининг таркибий қисми сифатида талқин қилиш.

- ўзбек халқ педагогикаси, мутафаккирларимиз, турли замон ва маконларда яшаб ижод қилган педагог, психолог, социолог, файласуф олимларнинг дахлдорлик мавзусига доир тадқиқотларини ўрганиш;

- педагогик амалиётда ушбу жараёнини ўрганиш орқали ёшларда дахлдорлик фазилатини шакллантиришда мавжуд муаммоларни аниқлаш, илгор тажрибаларни умумлаштириш;

- ёшларда дахлдорлик фазилатининг ривожланганлик даражаларини, мезонларини ва шакллантиришнинг методикаларини ишлаб чиқиш;

- ўқитувчи-мураббийлар учун миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишга қаратилган тавсиялар, электрон ўқув дастурларини ишлаб чиқиш лозим.

Ана шунда таълим муассасаларида талабаларнинг дахлдорлик фазилатини шакллантиришга таъсир қилувчи омиллар

Орадан минг йил ўтди... Буюк аллома бобомиз Абу Райҳон Беруний катта ишонч билан тарих зарварақларига “Биз етишолмаган марраларга ёш авлодимиз етишгай, иншооллоҳ”, деган сўзларни битиб, авлодларга мерос қолдиради.

### **Минг кишидан афзал бир инсон**

XVIII асрга қадар Европа аҳли Амир Темур асос солган уйғониш давридан тўла хабардор эмас эди. XVIII–XX асрларга келиб жаҳондаги кўпгина давлатлар бу давр ютуқларидан баҳраманд бўла бошлади. “Шу сабабли европалик ижодкорлар Амир Темурни Шарқ Ренессансининг буюк бунёдкори сифатида қадрлайди”, – деб ёзади франциялик шарқшунос олим Льюсен Керен.

Соҳибқирон бобомиз инсонлардаги қайси фазилатларни алоҳида қадрлаган? Агар ана шу муҳим саволга жавоб топсак, дунёнинг турли минтақаларида содир бўлган буюк Уйғониш, Тикланиш ва Ривожланиш жараёнларининг педагогик асосларини англашимиз мумкин.

Амир Темурнинг “Темур тузуклари” рисоласидаги *“Азми қатъий, тадбиркор, ҳушёр, мард ва шижоатли бир киши мингта тадбирсиз ва лоқайд кишидан афзалдир”*, деган ҳаққоний сўзлари кўпчилигимизга яхши маълум. Замирида катта ҳаётий фалсафа мужассам бўлган бу сўзлар қайсидир маънода минглаб-минглаб одамларни энг қийин вазиятларда синаб кўрган буюк инсон, саркарда ва давлат арбобининг доно педагогик ҳулосаси, десак, хато бўлмайди.

Амир Темур ўз атрофига ана шундай фазилатларга – бешта асосий хусусиятга эга бўлган инсонларни тўплаб, уларнинг инсоний салоҳиятини ишга солиб, буюк мақсадларга эришди, қудратли, адолатли салтанат яратди. Шу сабабли ўз тажрибасидан келиб чиқиб, юқоридаги ҳикматни тарихга муҳрлаб қўяр экан нафакат ўз фарзанду набираларини, балки буюк давлатининг ҳар бир фуқаросини, балки яқин ва узоқ барча авлодларининг ҚАТЪИЙ-ЯТЛИ, ТАДБИРКОР, ҲУШЁР, МАРД, ШИЖОАТЛИ инсонлар сифатида кўришни истаган бўлса, не ажаб!

Миллий тарихимизга назар ташлайдиган бўлсак, ҳукмдорларимиз ўз фарзандлари тарбиясини оталиқларга (қадимда

хоқон, подшоҳ, хонлар ўз фарзандлари тарбиясини замонасининг энг маърифатли, обрўли кишиларига ишониб топширишган, уларни “оталиқ”, деб аташган. Оталиқ мақомига катта эътибор ва имтиёзлар берилган), устоз-мураббийларга, замонасининг пешқадам, содиқ инсонларига юклатишганини кўра-миз. Темурийлар тарбиясида ана шу беш фазилатга алоҳида аҳамият берилиб, бола характерида қатъиятсизлик, тadbирсизлик, лоқайдлик, номардлик ва журъатсизлик каби иллатлар пайдо бўлишининг олди олиб борилган. Шу тариқа, Соҳибқирон Амир Темури салтанатида темурийлар маданияти ва маънавияти асосида ўзига хос темурийлар даври педагогикаси шаклланган. Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби улуғ зотлар ва ана шу мактабда тарбия олиб, жаҳон майдонида маърифат машғаласини баланд кўтарган инсонлар бўлиб етишгани шубҳасиз.

Биргина Бобур Мирзонинг ўз фарзандларига сизлаб муносабатда бўлгани, оила аҳли, айниқса, аёлларнинг раъйини қанчалик юқори қўйганини бир эсга олинг. Ана шундай оилавий суҳбатлар, ўғли Ҳумоюн Мирзога ёзган хатларининг ҳар бири буюк бир педагогик тафаккур намунаси эмасми?!

Жаҳон педагогикасида бу бебаҳо тажриба махсус ўрганилиши шубҳасиз, албатта. Соҳибқирон Амир Темури назарда тутган “афзал киши” ҳикмати инсон маънавий фазилатларини юксалтириш орқали бир кишида минг кишининг имкониятини мужассам қилишга қаратилгани билан гоят ибратлидир. Айтиш керакки, бундай тарбиянинг аҳамияти XXI асрда янада ортади. Бу ҳикматни “афзал киши”ларни тарбиялашнинг универсал концепцияси деса бўлади. Бу концепциянинг моҳиятини қисқача бундай ифода этиш мумкин: Беш фазилатни эгаллаган бир киши шу беш фазилатни эгалламаган минг кишидан афзал. Булар: қатъият, тadbиркорлик, ҳушёрлик, мардлик ва шижоат.

Бундай фазилат соҳиблари Соҳибқирон ва унинг фарзандлари издошлари, жумладан, ул зотнинг эзгу анъаналарини бугун – шундай мураккаб бир замонда муносиб давом эттираётган мустақил Ўзбекистоннинг фидойи бунёдкорлари ми-

сол бўла олади. Президентимиз Ислоҳ Каримов бу сўзларни кўпгина нутқларида алоҳида тилга олиши бежиз эмас. Чунки бугунги кунда бундай инсонлар, юртимиз, халқимиз учун ҳар қачонгидан ҳам зарур.

“Афзал киши”дан ҳозирги кино, комикслардаги довдир-полвонлик, елкасига ракета боғлаб учиш, трансформерлик ҳам, сеҳргарлик ҳам, суперменлик ҳам талаб қилинмайди. “Афзал киши” – реал педагогик натижа. У ҳар бир йигит-қизда тарбияласа бўладиган бешта маънавий фазилатни назарда тутади. Мана шу беш фазилат оддий одамни ҳам ғайратли, шиддатли инсон – комил инсонга айлантира олади.

Масалага бошқача нуқтаи назардан қараб кўрайлик: мингга бешга бўлсак, икки юз чиқади. Демак, бир фазилатнинг ҳосияти 200 та беҳислат одамга татийди, дейиш мумкин.

1991 йил 31 август. Биз дунё майдонида ўз овозимиз, ўрнимиз ва Ўзбекистон деган мустақил давлатимизга эга бўлдик. Қаддимизни яна баланд кўтардик. Баркамол авлод тарбияси давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Президентимиз Ислоҳ Каримов бу борада вазифаларни аниқ-равшан белгилаб берди: *“Бу масалани ҳал этмасдан туриб, амалда ўз истиқболимизни кўриш мумкин эмас. Бу охир-оқибатда бизнинг ўз фарзандларимиз, набираларимиз олдидаги бурчимиздир. Биз уларни эртанги мураккаб, суронли ҳаётга тайёрлашимиз керак.*

*Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт! Такрор айтаман: мана шу эзгу мақсад бугунги кунда ҳар биримизнинг ҳаётимиз мазмунига айланиши даркор”.*

### **Енгилмас куч манбаи**

“Юксак маънавият – енгилмас куч” китоби миллий маънавиятимиз тарихида унутилмас воқеа бўлди. Китобнинг номига иккита сўз асос қилиб олинган. Булар: маънавият ва куч. Уларга иккита сифат – юксак ва енгилмас сўзлари қўшилган. Сифатлар олиб ташланса, “маънавият = куч”, деган формула

ҳосил бўлади. Лекин муаллифни оддий маънавият, оддий куч қониқтирмайди. Шу сабабли китоб номида ҳар иккала ҳодиса – маънавият ва кучнинг энг олий кўриниши назарда тутилган. Яъни маънавиятнинг энг олий кўриниши – юксак маънавият, куч-қудратнинг энг олий даражаси эса – энгилмайдиган кучдир. Шунинг учун ҳам, “ЮКСАК МАЪНАВИЯТ – ЕНГИЛ-МАС КУЧ” деганимизда инсон, халқ, жамият ҳаётидаги энг олий мақсад-муддаолар фикримиз, ҳаёлимиздан ўтади.

Бугунги кескин рақобат дунёсида энгилмаслик учун жисмоний куч-қудратга эга бўлишнинг ўзи камлик қилади. Бунинг учун энгилмас кучга эга бўлмоқ лозим. Энгилмас куч эса юксак маънавиятдир. Юксак маънавият қандай шаклланади? Тарбия билан. Чунки “... таълим-тарбия тизимини ва шу асосда онгни ўзгартирмасдан туриб, маънавиятни ривожлантириб бўлмайди”.

“Юксак маънавият – энгилмас куч” китоби – умуминсоний аҳамиятга молик ноёб асар. Китобнинг жаҳоннинг турли тилларига тезлик билан таржима қилиниб, кенг ўрганилаётгани бу фикрни исботлайди. Китобдаги концептуал фикр ва қарашлар, гоялар жаҳон сиёсий тафаккурининг ажралмас қисмига айланиб кетди. Уни ўқиб-ўрганиб, ундаги хулосаларга амал қилган инсонлар, қайси халқ ёки миллатга мансуб бўлмасин, маънавият ҳақиқатан ҳам энгилмас куч эканига ишонч ҳосил қилади.

Китобда муаллиф энг кўп мурожаат қилган мавзу – ёшлар тарбияси. Бу мавзу “Юксак маънавият – энгилмас куч” китобининг ҳар бир бобида ўзгача мазмун касб этиб борган. “Бу ҳақда фикр юритганда, – деб ёзади муаллиф, – мен Абдулла Авлониининг “Тарбия биз учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир” деган чуқур маъноли сўзларини эслайман. Буюк маърифатпарвар бобомизнинг бу сўзлари XX аср бошида миллатимиз учун қанчалар муҳим ва долзарб бўлган бўлса, ҳозирги вақтда ҳам биз учун шунчалик, балки ундан ҳам кўра муҳим ва долзарб аҳамият касб этади”.

## Ўткир ҳақиқат

“Юксак маънавият – енгилмас куч” китоби Президент Илом Каримовнинг куйидаги сўзлари билан очилади: *“Ватанимизнинг келажаги, халқимизнинг эртанги кунни, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътибори авваламбор фарзандларимизнинг униб-ўсиб, улғайиб, қандай инсон бўлиб ҳаётга кириб боришига боғлиқдир. Биз бундай ўткир ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак”*.

Баркамол авлод гоёси Соҳибкирон Амир Темури тузукларидан, Алпомиш, Гўрўғли ҳақидаги дostonлардан, Имом Бухорий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Алишер Навоий каби буюк аждодларимиз мероси, халқимизнинг азалий орзу-интилишларини ҳисобга олган ҳолда Юртбошимиз томонидан биз учун буюк мақсад-вазифа сифатида белгиланди.

Мақсадни имконият белгилайди. Имконият яратилмаса, баркамол авлодни тарбиялаш, баъзи давлатлардаги каби, қумга чизилган режа бўлиб қолаверади. Бизда эса аввало ана шу имкониятлар яратилди. Аввало янги-янги қонунлар қабул қилиниб, мустаҳкам ҳуқуқий асос шакллантирилди. Айниқса, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг ишлаб чиқилиб, ҳаётга жорий этилгани бу борада улкан тарихий қадам бўлди. Ана шу дастур асосида шаклланган миллий таълим моделимиз дунё ҳамжамияти томонидан кенг эътироф этилиб, намуна сифатида тавсия этишга муносиб деб баҳолангани барчамизга яхши маълум.

Ҳозирги вақтда юртимизда бюджет маблағларининг энг катта қисми энг яхши инвестицияга – баркамол авлод тарбиясига ажратиб келинаётгани ҳам бу масалага нақадар катта аҳамият берилаётганининг амалий ифодасидир.

## “lost generation”

Дунёда рўй берган, бераётган ҳар бир нотинчлик, низо-адоват, автофалокат (“Avtopatru” кўрсатувида берилган маълумотга кўра, йўлларда автофалокатларнинг аксарияти худбин ҳайдовчиларнинг йўл ҳаракати қоидаларини билиб туриб бу-

зиши, бир-бирини, пиёдаларни ҳурмат қилмаслиги сабабли содир бўлар экан), бахтсиз воқеа, синган тақдир тарихи “лента”сини орқага қайтарсак, яна тарбия ҳақида гапиришимизга тўғри келади. *“Баъзи бир сиёсатчи ва назариётчиларнинг, олдин моддий ҳаётни, кейин маънавий масалаларни ўйлаш керак, деган мазмундаги фикрлари мутлақо хато бўлиб, янги жамият, янги ҳаёт қуриш жараёнида фақат зарар етказиши мумкинлигини бугун ҳаётнинг ўзи ҳар қадамда тасдиқлаб бермоқда”*, – деб таъкидланади “Юксак маънавият – енгилмас куч” китобида.

Президентимиз қайд этган сиёсатчилар хатосининг оқибати дунёда “бой берилган авлод” – *“Lost generation”* (инглизча *“Lost generation”* – беқарорлик, депрессия шароитида туғилган, худбин, лоқайд, жамиятга фойдаси етмайдиган, шафқатсиз, аламзада, ичкиликбозликка берилган, жиноий ишларга қўл урган, қўлидан иш келмайдиган, ахлоқсиз кишилар тоифаси, дейиш мумкин.

Айрим давлатлар, моддий бойлик кетидан қувди. Ёш авлод тарбиясини эса бегоналарга бериб қўйди. Тарбиядан (!) вақтини тежади. Дейлик, қандайдир фойда топгандир ҳам. Бугун эса... жонсарақ бўлиб, болаларини қайта тарбиялашга ўша фойдадан юз чандон кўп пул сарфлашмоқда. Лекин самара бир пуллик бўлаётир. Чунки вақт бой берилган. Мана, сизга “олдин – моддий ҳаёт, кейин – маънавият” деб яшашнинг оқибати, “Бой берилган авлод” муаммосининг педагогик диагноти.

“Бой берилган авлод”ни кўрган айрим сиёсий-молиявий гуруҳларнинг иштаҳаси очилиб кетди. Улар ёшлар қалбининг “параболик антенналари”ни ўзларига қаратиб олишди. Интернетдаги “Одноклассники”, “Фейсбук”, Wi-Fi, “В контакте” ижтимоий тармоқлари ёшларнинг онгини заҳарламоқда. Энди улар Ватанига эмас, хориждаги ҳаётга, сохта ғояларга кўпроқ дахлдор бўлиб қолмоқда. Улар ўз халқининг қаҳрамонларига эмас, “оммавий маданият” қаҳрамонларига тақлид қилмоқда. Шунинг учун бу бой берилган авлодни ўз Ватани, миллати, ота-онаси бағрига “қайтариш” энди ҳисобсиз маблағни, вақтни талаб қилмоқда. Хуллас, бу авлодни қайта тарбиялаш уни дастлабки тарбиялашдан кўра бир неча баробар қимматга тушмоқда.

## Рақобат асрининг талаблари

*XXI аср глобллашув ва чегараларнинг барҳам топиш даври, ахборот-коммуникация технологиялари ва интернет асри, жаҳон майдонида ва дунё бозорида тобора кучайиб бораётган рақобат асрига айланиб бораётганини исботлаб ўтиришига ҳожат йўқ, албатта.*

### Ислом Каримов

Рақобатда енгиш учун инсон ҳар томонлама баркамол бўлмоғи керак. “Юксак маънавият – енгилмас куч” китоби комил инсон ҳақидаги барча масалаларга ойдинлик киритди. Энди биз юксак маънавиятли инсонларни “ҳозир ва шу ерда” етиштириш қудратига ва тизимига эгамиз. Китобда бунинг методологик мезони асослаб берилди. Яъни фарзандларимиз

- фазилатлар маъносини чуқур англаб;
- уларни эгаллаб ва
- уларга амал қилиб яшашлари керак.

Чунки: “... комил инсон бўлиш, ҳалоллик ва адолат билан ҳаёт кечирish каби олийжаноб фазилатларнинг маъно-мазмунини нафақат чуқур англаш, балки ана шундай хусусиятларга эга бўлиш, уларга амал қилиб яшаш — одамзоднинг маънавий бойлигини белгилаб берадиган асосий мезон, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди”.

Мустақиллик йилларида аجدодларимизнинг ўғитлари Президент Ислом Каримовнинг тарбия борасидаги замонларини ҳақидаги фикрларидан фарзандларимизни баркамол етadиган гўзал фазилатлар мажмуаси яратилди. Биз уларни XXI асрнинг Ўзбекистон ёшларига қўяётган талаблари деб атадик. Мана улар: юксак салоҳият; маънавий уйғоқлик; ор-номус, уят ва андиша, шарму ҳаё, ибo ва иффат; собитқадамлик; шижоат; диний кадриятларни билиш, савоб ишларни кўп қилиш; тарихимиз, маданиятимиз, буюк аждодларимиз меросини чуқур билиш; Ватанга садоқат, миллий ғурур; юксак маънавиятлилик; янгича фикрлаш; фидойилик; юксак ҳуқуқий маданият; жаҳон тарихи ва маданияти ютуқларини чуқур билиш; мардлик, ташаббускорлик;

эл-юрт ташвишини зиммасига олиш; дахлдорлик; мустақиллигимизни кўз қорачиғидек ҳимоялаш; саховатлилик; ўз мустақил фикрига эғалик; меҳр-оқибатлилик; мафкуравий таҳдидларга қарши тура олиш; ўтганларни хотирлаб, тирикларни қадрлаш; катта авлод эришган ютуқларни давом эттиришга қодир бўлиш; билимли ва истеъдодлилик; меҳнатсеварлик; тадбиркор ва янгиликни тез илғайдиган, гайратли бўлиш; иродали, катъиятли, сабот-матонатли, жасур, фаол; замонавий, юксак технологияларни ўзлаштирган; соғлом турмуш тарзига риоя қиладиган; миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида камол топган; огоҳ, хушёр; муносиб даромад топадиган, юқори малакали; масъулиятли; етук мутахассис ва бошқалар.

Аён бўладики, бир пайтлар Соҳибқирон бобомиз айтган “Афзал киши”га хос беш фазилат бугунги куннинг ҳам талаби экан. Иккинчи томондан, бугунги кун талабларида интеллектуал сифатлар етакчилик қилмоқда. Чунки ХХI аср – билим ва тафаккур асри.

### Шу фазилатлар бугунги ёшларимизга хосми?

Бу саволни эшитгач, “Нима бор бўлса, у намоён бўлади. Нима намоён бўлаётган бўлса, у – бор”, деган афоризм ёдга тушади. Бугунги ёшларимизнинг таниш чехралари кўз олдингиздан ўта бошлайди. “Албатта хос”, дейсиз. Чунки сиз уларнинг кўпчилигини танийсиз. Шундай эмасми?! Демак, биз қадим замонларда ёшларимиз кўз тиккан олдиндаги, юқори маррадамиз. Ўша баъзи маррадан туриб, яна олдинга, ундан ҳам баландроқ маррага кўз тикканмиз. Шу сабабли фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишаётир.

Келинг, илмий ҳолислик учун энди сўзни ёшларимизни ҳар куни кўриб, кузатаётган педагогларимизга берайлик. Уларнинг сўзларини эксперт фикри сифатида қабул қилсак бўлади. Андижонлик педагог Арофатхон Исманова биз билан суҳбатда шундай деди:

“Фарзандларимиз биздан кўра кучли бўлишаётир! Чунки ҳам жисмоний, ҳам интеллектуал кучли фарзандларимиз Ватанимизни жаҳонга машҳур қилишаётир. Маиаман деган мамлакат-

ларнинг спортчиларини енгиб, Ўзбекистон байрогини баланд кўтаришаётир. Ёшларимизнинг бўйи ҳам, вазни ҳам, кучи ва иродаси ҳам бизникидан ортиқ. Бу уларнинг биздан кўра кучли бўлаётганининг исботи эмасми!?

Фарзандларимиз биздан кўра билимли! Чунки улар мураккаб технологияларни бошқармоқда. Бир неча тилларда бийрон сўзлашмоқда. Дунёнинг энг ривожланган мамлакатларидаги тенгдошлари билан бемалол, тенг гаплашмоқда. Ўзбек тилини тушунадиган роботлар яратмоқда. Биз буларни орзу ҳам қилолмас эдик (чунки одам бирор нарсани орзу қилиши учун аввало ўша нарсани ҳаётда кўриши керак-да). Менделеев халқаро олимпиадасида болаларимиз қўлга киритган 2 та олтин, 5 та кумуш ва 8 та бронза медаль бунинг тасдиғи эмасми?!

Фарзандларимиз биздан кўра доно бўлишаётир! Улар огох, хушёр, сезгир. Чунки буюк боболари меросидан баҳраманд. Уларнинг ўғитларини дастуруламал қилиб олишмоқда. Улар фақат бугунги кунни эмас, балки эртанги кунни, истикболни ўйлаб, ўзлари, мустақил режалар тузиб, ўқиб, ишлашаётир. Навкирон ёшда давлат мукофотлари совриндорлари бўлишмоқда. Бу донолик нишонаси эмасми?!

Фарзандларимиз биздан кўра бахтли бўлишаётир. Чунки жаҳоннинг камдан-кам мамлакатаида бўладиган 12 йиллик бепул таълимни 7 тилда олишяпти. Коллежларни бир эмас, бир неча касбни эгаллаб битиришаётир. Хоҳласа – ўқиш, хоҳласа – иш тайёр. Оила курса, янги, замонавий уй-жойлар билан имтиёзли таъминланаётир. Яна қаерда бундай шароитлар бор?

Ўзбекистон ёшларини менинг фарзандларим деб бағрига босган Юртбошимиз омон бўлсинлар!”

Хурматли ўқувчи. Фикримизни “XXI асрда қайси давлат кучли бўлади?” деган савол билан бошлаган эдик. Бу саволга Сиз ҳам ўз маҳаллангиз, қишлоғингиз мисолида тўла жавоб беришингиз мумкин. Бир нарс аниқ, барчамизнинг жавобларимиз кўшилиб, умуммиллий бир жавобга айланади: XXI асрнинг қудратли, кучли ва энг ривожланган давлатларидан бирининг номи, шубҳасиз, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ бўлади.

## Миллий характер масаласи

... Энг муҳими, миллий ғоя, миллий мафкура асосида халқимизни бирлаштириш, янада жипс-лаштиришдан иборатдир.

**Ислом Каримов**

XXI асрда фан ва техника тараққиёти янада шиддатли тус олади. Инсон омили, «Жамиятни илмий асосда бошқариш» муаммолари янада долзарб аҳамият касб эта боради. Ўзбекистон халқининг жаҳоннинг пешқадам миллатларидан бирига айлантиришда миллий омилдан самарали фойдаланиш зарур. Бунинг учун халқ, миллат характери масаласига собиқ советлардан қолган салбий қарашлардан тамомила воз кечиш лозим бўлади. Яъни тарбия, характер масалаларини назарий эмас, натижага қараб ҳулосалар қилиш лозим. Шунингдек, мустақилликка эришган жаҳон мамлакатлари ва ижтимоий-иқтисодий тараққиётда биздан олдинда бўлган мамлакатларнинг тарбиявий сиёсатини синчиклаб ўрганиб, ютуқларини тезкор жорий қилиш лозим..

«Япон мўъжизаси»нинг ижтимоий-педагогик формуласини эслайлик. У чет элнинг илғор технологияларини шиддат билан ўзлаштириш + япон характерини «Японларнинг моҳияти тўғрисидаги назария (Такэо Кувабара, Юдзи Аида) асосида, миллий тарбия орқали такомиллаштиришдан иборат эди. 70-йилларда шўролар уларга ўзларининг социалистик интернационализмини тикиштирдилар. Улар эса жилмайиб... рад қилган эдилар.

Чунки ўша даврда японлар ва хорижлик культурантропологлар томонидан япон характерига оид 100 дан ортиқ монографиялар чоп қилинган эди. Лекин улар «совет халқлари» тилларига таржима қилинмас, қилинса ҳам, кенг китобхонлар оммасига тарқатилмас эди. Чунки улар япон миллати тимсолида миллий мустақиллик гояларини озиқлантириб, «совет халқи» каби сунъий, шусиз ҳам омонат бирликка хавф солар эди-да. Шўро раҳбарияти китобларни «Япон мўъжизаси»нинг

сирларини «хизмат доирасида фойдаланиш учун» деган тамға билан ўрганишарди. Лекин бу бефойда эди. Чунки ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг энг асосий омилларидан бири – миллий омилдан совет даврида фойдаланиб бўлмас эди.

Ўзбек характери – халқимизга хос феъл-атвор, сийрат, шаймий, таъб, табиат. Табиатни, жамиятни, яшашдан мақсадни, инсонни, мустақил давлатчиликни замонавий-ўзбекона тушуниш, муносабат билдириш, ўзбекона фазилатлар тизими демакдир. Маънавий янгиланишнинг ижтимоий педагогик моҳияти – шўролар рағбатлантирган бефарқлик, ўз меҳнати, унинг натижаларидан бегоналашув, давлат даражасида, масъулиятли фикрлай олмаслик, маҳаллийчилик, ижтимоий лоқайдлик ва ҳоказолардан халқимиз характери ни поклашни англатади.

Инсон характери – ижтимоий-педагогик ҳодиса. Одамга хос яхши ёки ёмон сифат ўз-ўзидан, бирданига пайдо бўлиб қолмайди. Тўғрилиқ ҳам – ўғрилиқ ҳам, ватанпарварлик ҳам – ватанга бефарқлик ҳам тўғридан-тўғри ватанпарвар – бефарқ одамлар (ёки улар ҳақидаги намуналар, маълумотлар)ни муттасил 1) кўриш, 2) эшитиш, 3) ўқиш орқали шакллана боради.

Бир кишини хушмуомала дейишса, бунинг аниқ педагогик(тарбиявий) сабаблари, тарихи бор (агарда бирор ватанпарвар ҳаётининг ҳар бир дақиқасини туғилган кунидан бошлаб кинофильмга олиш мумкин бўлганида эди, ундаги ватанпарварлик фазилатининг «эмбрион ҳолати»дан бошлаб эволюциясини «кўриш», «кўрсатиш» мумкин бўлар эди. Бунинг имкони йўқ. Лекин педагогик назария, амалий педагогика орқали шахс, миллатнинг педагогик тарихи, ҳозирини шарҳлаш, келажакини лойиҳалаш (моделлаштириш) мумкин).

Миллий характери шаклланган одам ўзини, ўзлигини англайди. Миллий давлатчилигини мустаҳкамлашга қарши бўлган ҳар қандай ёт(диний, коммунистик ва ҳ.к.) мафкуравий таъсирларга қарши мустаҳкам иммунитетга эга бўлади. Ўз миллийлиги орқали бошқалардаги миллий гўзалликни кўради, ўзга миллатлар қалбига кириб боради. Бундан ҳар бир миллат, демак, бутун инсоният ютади, бойийди, ин-

сонпарварлашади. Миллий педагогикамиз бу ҳикматни «ўз кадрини билмаган ўзганинг кадрини на билсин» деса, Мир Алишер Навоий «Эл нетиб топғай мениким, мен ўзимни топмасам» деб муҳрлаган.

Собиқ совет педагогикасида ана шу ҳикматнинг аксига амал қилинди. Миллатга ўзини англамай, ўзгаларни англади. Марксизм-ленинизм «ишчини миллатидан ажратиб олсагина иш пишади. Биз жаҳон социализми ғалабасига эришамиз», деган ғайриинсоний тамойилни тўқиб чиқарди. «Совет халқи»ни ижтимоий-педагогик таъминлаш шиддатли тус олди. Ижтимоий педагогикадан ана шу ёвуз мақсад йўлида фойдаланилди. Натижада, бизнинг азалдан жаҳон тан олган, инсоният ҳавас қиладиган кадриятларимиз, азизларимиз, миллий қаҳрамонларимиз, шарафли тарихимизга бефарқ, ҳатто бегонасираш муносабати ҳосил қилина бошланди. Бугун бизнинг миллий маънавиятни, мафкурани, кадриятларимизни тиклаш давлат сиёсатига айланди. Бу халқимизга шўролар етказган ана шу маънавий жароҳатга малҳам қўйишга давлатимиз Президент Ислом Каримов раҳнамолигида амалга ошираётган изчил амалий ишларда ёрқин намоён бўлмоқда.

Педагогика – тарбият илми. Миллат характерининг шаклланишида мақсадли, режали, изчил илмий асосланган тарбия етакчи роль ўйнайди. Агарда миллий характер стихияли шаклланса, бундан буюк бунёдкорлик ишларимизга наф кам бўлади. Маънавий ислохотлар иқтисодий ислохотлардан орқада қолиши мумкин.

Миллий тарбиямизда мақсад қийинчиликларни матонат билан енгишга қодир янги, пешқадам, бунёдкор миллатни барпо қилиш сифатида қўйилса бу амалга оширса бўладиган, реал ижтимоий педагогик, ижтимоий-психологик ишга айланади. Бунинг учун психолог, файласуф, педагог, социологларимиздан талаб қилинадигани:

- миллий характеримиздаги ютуқ ва камчиликларни объектив ўрганиш;

- илғор, огоҳ ва бунёдкор миллатларга хос етакчи фазилатлар, уларнинг мезон, кўрсаткич ва даражаларини илмий аниқлаш;

- етакчи фазилатларни характер, яъни амалдаги, «ишлаган» сифатларга айлантириш учун ким, қачон, қаерда, нима қилиши кераклиги;

- қачон, қандай тарбия миллатимизни шуҳратга буркаган ва аксинча, қандай тарбия туфайли миллат мустамлакага айланган каби саволларга жавоблар олиш. Бунга миллат тарихини педагогик ўрганиш жавоб беради.

- Ўзбек характерини истиқлол талаблари асосида такомиллаштириш илмий-амалий ёндашувни тақозо қилади. Бунда нафақат тарбиянинг қадимий (панднома, насихат, ўғит ва ҳ.к.) услубларидан, балки замонавий технологияларидан (масалан, “Ижтимоий роллар назарияси”, “Конант педагогикаси”, “Рим клуби”, “Ижтимоий мувозанат”, “Миллий характер”, “Бихевиористик педагогика”, “Янги тарбия”, “Сиёсий индоктринация”, “Сиёсий ижтимоийлашув”, “Коммуникатив тарбия назарияси”, “Фуқароликни тарбиялаш”, “Технотрон эра” ва бошқа ижтимоий-педагогик, психологик, социологик концепциялардан) ҳам қиёсий фойдаланиш зарур.

- “Ўзбек характери” мавзусида фанлараро интеграцияга асосланган, узоқ муддатга мўлжалланган корпоратив, доимий йўналишга асос солинса, мақсадга мувофиқ бўлур эди.

- Ижтимоий педагогика, психология, социология йўналишида бошланажак докторлик диссертацияларининг намунавий мавзулар мажмуасини тузиб, чоп қилиш лозим. Бу Президентимиз Ислом Каримовнинг “Фан тараққиётга хизмат қилсин!” деган чақириқларига илмий-амалий жавоб бўлар эди. Зеро ислохотларнинг омили самарадорлигини оширишни илмий таъминлаш ижтимоий фан вакилларининг касбий бурчимиздир.

Ўзбек характерини ижтимоий-фалсафий, педагогик, психологик, социологик масала сифатида қараш – Президентимиз Ислом Каримовнинг миллий ғурур, миллатлараро дўстлик, умуммиллий ватанпарвар бирликка эришиш, миллий ғоя, мил-

лий мафқурани мустаҳкамлаш борасидаги жонкуяр сиёсатининг илмий-амалий таъминланишини кафолатлайди.

Янги Ўзбекистон бу барча соҳалардаги янгиланиш натижасидир. Шу сабабли турли соҳаларда ўтказилаётган ранг-баранг конференция, семинар, давра суҳбатлари ўтказилиши янги, тараккийпарвар ғоя, ёндашувларнинг муҳокама қилиниши ижобий ҳол. Бу аввало у ёки бу соҳага алоқадор кишилар (масалан, тарбиячилар)нинг тафакқурини янгилайди. Улар эса ўз ишида, ташкилотида, туман, вилоятда бу янги ғоя, ёндашувни тарқатадилар. “Биз ким эдик? Киммиз? Ким бўлмоғимиз керак?” каби саволларга жавоб беришнинг энг аниқ йўли – шу.

Маълумки, одам ўзи билган, айтган нарсаларининг ҳаммасини ҳам ўз хулқида, кундалик ҳаётий вазиятларда намоён қилавермайди. Нима унинг ички конституциясига айлан(тирил)ган бўлса, қайси фазилатлар унинг характери сифатига айланган, нақшланган бўлса, ўшалар намоён бўлади. Характер сўзининг ўзбекчаси – бўртма, нақш дегани. Шу сабабли масалани характер сифатида қўйиш жуда тўғри. У тарбия тўғрисидаги назарий ютуқларимизнинг амалий натижасини талаб қилади.

2025, 2050 йилларда миллатимизнинг маънавияти, мафқурасини илмий башорат қилиш ва таъминлаш мумкин. Маълумки, бу 2005, 2010 йилларда Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги мавқеи, ўрни, ролини белгиловчи асосий омиллардан бирини илмий таъминлаш бўлди. Масаланинг бундай қўйилишини эски фалсафий, психологик, педагогик тафаккур ҳазм қила олмас эди. Фақат Президентимизнинг Миллий ғоя, Миллий мафқура, Миллий тарбия, ва кадриятларни тиклаш тўғрисидаги янги, дастурий фикрлари миллий характер масаласини очиқ муҳокама қилиш, ундан таракқиёт омили сифатида фойдаланишга йўл очиб берди. Энди «...Бизга қасд қилган гаразли кучларга қарши ўзимизнинг мустаҳкам жипслашганлигимизни намоёниш этиб, жамоатчилик, халқимизнинг ишончини оқлашимиз керак. Бундай пайтларда ҳар қайси миллатнинг, ҳар қайси халқнинг иродаси ва иймон-этиқоди синалади» (Ислом Каримов).

Ҳар бир ота-она, давлатимиз ёшларга бераётган тарбиямизнинг таъсирини, натижасини кўз билан кўришини, кулоқ

билан эшитишини истайди. Нимададир, каердадир кўришимиз керак. Берган тарбиямизнинг фойдасини ҳар куни кўришимиз керак. Бу сингдирилаётган фазилатларни ёшларнинг кундалик ҳаётида, ҳар қандай вазиятларда намоён бўлиши қафолатланган хулқ-атвор, ҳаракатлар репертуарига айлантириш, демакдир.

Масалан, миллий одобилик фазилати Анвар деган ўсмирнинг характери сифатига айланган. Равшаннинг характер сифатига айланмаган. Шунинг учун Анвар ҳаммага, ҳамма жойда, ҳамма вақт хуш муомала, одоб доирасида, онгли ҳаракат қилади. Равшан эса одамлар кузатиб турганида, айрим вазиятларда, фақат танишларга ёки иши тушадиган кишиларгагина салом беради. Чунки Анварнинг характериға миллий одоб фазилати нақшланган, автоматик равишда намоён бўлади. Равшаннинг характер сифатига айланмаган. У билади, лекин ёқса – амал қилади, ёқмаса – йўқ. Бунини бошқа фазилатлар – ватанпарварлик, ташаббускорлик, миллий ғурурлик, фидойилик ва бошқа фазилатларға ҳам қўллаб, ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Ёшларимиздаги бу ижобий, истиқлолий фазилатлардан қониқаётган бўлсак, оила, мактаб, маҳалла ва уларнинг раҳбарларига раҳмат. Агарда ёшларимизда учрамаётган ёки кам учраётган бўлса, бунга ёшларимиз айбдор эмас. Бунга юқоридаги фазилатлар тўғрисида фақат билим бериш билан чекланиб, ёшларимизнинг характериға нақшлай олмаётган – оила, мактаб, маҳалла ва уларнинг раҳбарларидан норози бўлишимиз керак. Мақсад – бунинг олдини олиш.

Чунки ушбу гоя Фитрат, Бехбудий, Ибрат ва бошқа жадидчи боболаримиз томонидан кўтарилган, бироқ сўнг шўролар томонидан синфий позициядан туриб тугатилган эди. Ўзбек характери ҳақида собиқ шўро даврида бирор махсус илмий иш қилинмаган. Шу туфайли маълумот тақчил ва миллат, ўзбек деган сўзни айтишдан чўчиш бор эди. Миллат деган сўзни советлар ёвуз маънода, бутун дунё эса гўзал, маданий, яратувчан дилбар маънода тушунар эди. Миллат тушунчасини советлардек тушунишдан тўхтадик. Бутун жаҳонда эътироф этилган маъносини англаяпмиз. Миллат сўзи совет даврида кўрkitган бўлса, ҳозир фахрлантираётир. Чунки миллий ғоя, миллий

мафкурамиз, ғуруримиз бизни бир-биримизга яқинлаштираётир, бирлаштираётир. Ўзимизни ўзимиз англаб, ҳурмат қила бошладик. Миллий тараққиёт шундан куч олади.

Миллат – азалий ва абадий бирлик. Биз ота-она, бобо-момоларимиз, ўғил-қизларимиз, нева-чевараларимиз, уларнинг келажаги олдида бурчлимиз. Чунки биз ҳозир бормиз, ҳаётмиз. Миллат эса бизгача ҳам яшаган, биздан кейин ҳам яшайди. Миллат – аجدод ва авлодларнинг бир тирик сўзда жамланиши. Шу сабабли Миллат ўзининг қаддини тиклаган Биринчи Йўлбошчисини, шўролар етказган маънавий жароҳатларига шифо излаётган фарзандларини унутмайди.

### ТАРБИЯНИНГ МЕВАСИ ҚАЧОН ПИШАДИ

Бу улуг сўз. Ҳар бир авлод шу сўзни ишлатади. Ўзича тушунади, ўзича тушунтиради, ўзича тарбиялайди. Биз уни қандай тушунамиз? Қандай тушунмоғимиз керак?

Бу саволлар кўп кўтарилган. Нима керак, ҳадеб кўтаравериш, деган ўй келади кишига. Фермер ҳар йили пахтанинг, ғалланинг, картошка, помидорнинг янги уруғини экади. Ерни тайёрлайди. Мос ҳавони кутади, ўғит олиб қўяди. Культивация қилади, суғоради. Натижада, ғалла, картошканинг ҳар йили бир авлоди туғилади, яшайди. Экин парвариши ҳар йили бир хил бўлавермайди. Обу ҳавоси, ер ҳолати билан фарқ қилади. Шунинг учун парвариш доим бу йил бултургидан, келаси йил ҳозиргидек бўлмайди.

“Парвариш” – “тарбия” сўзининг маъноларидан бири. Боғбон, деҳқоннинг “тарбия”си. Буни қандай сезиш мумкин. Сиз фермер билан у яратаётган богга қаранг. Йўловчи янги олмазорга томошабиндек, завқланиб қарайди. Лекин фермер бошқача қарайди. Йўловчи минглаб олма ниҳолига бирдан қарайди. Фермер эса ҳар бир ниҳолга қарайди. Ҳар бир ниҳолни танийди. Ҳар бир ниҳолнинг “муаммо”ларини билади. Ўтиб кетган йўловчида ёқимли хотиралар қолади. Фермерда эса янги вазифалар уйғонади. Тарбия ҳавога ўхшайди. У бор бў-

либ, борлиги кўринмайди. У йўқ бўлса, йўқлиги кўринмайди. Лекин унинг натижасини ҳар секундда кўрса бўлади. Худди йўл четидаги боғдек. Йўловчи фермер кимлигига, унинг маънавиятига, бурчига, масъулиятига, мақсадларига, ўз ишига муносабатига боғини кўриб баҳо бера олади. Ўт босиб, қақраб ётган боғ ҳам эгасининг кимлигидан арз қилади. Яшнаётган боғ шамолда шовуллаб, эгасини мақтайди гўё.

Ўйлаб қарасак, биз тарбияда ҳам йўловчига, ҳам фермерга ўхшаймиз. Бошқаларнинг болаларини кузатамиз, ўз болаларимизни тузатамиз. Экинлар йил охирида, дарахтлар 2-5 йилда меваси билан сизни меҳнатингиздан рози қилади. Одам авлоди 20 йилда ҳосилга киради.

Фермер пахтасидан, карамидан қандай ҳосил олишини, хирмон чўғини кўнглида билади. Кам ҳосилнинг олдини олади. Экинни тўғри йўлда тутиб туради. Адашган экин қуриб қолади, ё говлайди, ё магзи пуч мева беради. Бу хавфнинг олдини олиб, ўз вақтида ҳаракат қилган фермернинг омбори тўла. Оғзи кулогида. Тадбирсиз, боқиманда, ҳафсаласиз фермернинг баҳосини аввало унинг майдони, боғи, ғўзаси бериб туради. Ғўза, боғни кўрган одамлар бериб туради.

Дехқон ҳосилни йил охирида, боғбон – 2–5 йилда олади. Ота-оналарчи? Тарбиянинг меваси қачон пишади? Тарбиянинг меваси қандай кўринади? Жуда жиддий фикр. Тўғрими? Сиз ҳам шуни ўйлаб кўрганмисиз?

Кўприкнинг ўнг томонидан анҳорга гул ташласангиз, бир неча сониядан сўнг сўл томондан қалқиб чиқади. Ғижимланган қоғоз ташласангиз ҳам. Ҳеч нарса ташламасангиз, ҳеч нарса чиқмайди. Ёки хас-хашак оқиб келади. Демак, тарбия аниқ ишга ўхшаяпти. Тарбия кўпригининг ўнг томонидан тушунтирган, кўрсатган, ўргатган нарсаларимизни ташлар эканмиз. Бир оз муддат ўтгач, кўприкнинг сўл томонидан биз тушунтирган, кўрсатган, ўргатган нарсалар қалқиб чиқаркан. Ҳеч нарса тушунтирмасак, кўрсатмасак, ўргатмасак, ҳеч нарса чиқмас экан. Сувга (фарзандга) термилиб ўтириш бефойда бўлар экан. Унга фойдали, бошқаларга зарарли нарсаларни тушунтириб, кўрсатиб, ўргатсангизчи? Кўприкнинг сўл томонидан улар ҳам

чиқаркан. Лекин бунда болангиз сизни ҳам бошқаларга қўшиб қўяди. Хуллас, бир-биримизга бир савол берайлик: “Сиз кеча болангизга нималарни тушунтирдингиз, кўрсатдингиз, ўргатдингиз?”

Тарбиянинг меваси қачон кўринади? Қарангки, икки тоифа ота-оналар икки бир-бирига зид фикрни ёклашаётир. Бирлари – тарбиянинг мевасини бола катта бўлиб, ишларга кириб, 20 ёшларга етганда кўрамыз-да, худо хоҳласа. А?” дейишмоқда. Бошқалари эса “Йў-ўқ. Тарбиямизнинг мевасини биз ҳар куни кўраяпмиз. Болаларимизнинг бизга, қўшниларга, ўз-ўзига, ўқишига, соғлигига, бурчларига муносабатида. Гапларида. Қарашларида. Ишларида. Муомаласида. Ахир, натижаларни ҳозир кўриб бормасангиз, бу насия тарбия бўлмайдими? Ҳозир кўрмаётган нарсангизни кейин кўришингизга қандай ишонасиз? Кейин, тузатаман, деганингизда, вақт ўтиб кетган бўлади-ку”, дейишади.

Аслида, биз ўзимиз эккан нарсанинг қайтиб чиқишидан қувонарканмиз.

Нега бу саволларни кўтараяпмиз? Улуғ йўл бошидамиз. Улуғ ишларни бошладик. Шу ишларни қилиш учун бизга улуғ тарбия керак. Улуғ тарбия улуғ миллатни яратади, улуғ ниятни пайдо қилади. Ният улуғ бўлса, ишлар ҳам улуғ бўлади.

Негадир тарбия, тарбиялаш деганда кўз олдимизга болалар келади.

Шарқни тараққиётдан орқага тортаётган сабаблар унинг тафаккурида. Ақлга эмас, туйгуларга таянишда.

Жадидчи боболаримизнинг бир армони бор эди: миллатни рационал фикрлашга ўргатиш. Яъни ҳамма нарсани ўз номи билан аташ, соғлом фикрлашга ўрганиш. Балки тафаккуримизнинг суст ўзгараётгани сабабларидан бири ҳам бу муаммонинг тўла ечилмаганидир. Эски, чалгитган, чалғитаётган қарашлардан ҳам қутулишимиз керак. Мисол: бир зиёли: “Юрак, қалб ва тан нутқ билан ёниши керак. Ана шунда одам ватанпарвар фидойи бўлади”, – деди. Албатта, яхши гап. Лекин тўғрими? ХХI асрда шу фикрга таяниб яшасак бўладими? Юрак, қалбнинг вазифалари нима? Ишқ юрагимизнинг қайси қоринчаси

тўлиши керак? “Чумчуқ сўйса ҳам, қассоб сўйсин” дейдилар. Кардиолог, айтинг, Юракка ишқ қандай, қаердан келиб тўлади?

Навоий бобомиз ўгити кўксимизда: “Ҳар не истарсен, ўзингдан истагин”.

Бу қандай бўлади, қандай бошланади, қандай кўринади? Ўзимизни нафса, нуқсонларга, худбинликка, лоқайдлигу бифарқликка зид тута бошлаган дақиқадан бошланади. Ҳадсиз ҳайрат ва фахр билан ҳазрат Навоийни қайта ўқиймиз: “Озод бўлмоқ истасанг, ўзни озод тут!” Ўзимизни амалда, ҳар куни ватанпарварлардек, фидойилардек, матонатли, этиқодли боларимиздек тута бошлашимиз керак.

Ана шундай. Ота-боболари Инсониятга энг пешқадам фикрларни берган миллатлардан биримиз. Бироқ ҳозирча дунёнинг нешқадам миллатига айлана олмай турибмиз. Бунинг сабаби Европа миллатлари ақлга, Шарқ эса туйғуга таяниб яшаётганида эмасмикан? Мисол: Ўтган йили талабалар шаҳарчасида ҳар йили ёзда ташкил қилинадиган қовун-тарвуз бозорчасидан бир қовун олдим. Сотувчи йигитдан: “Ука, яхши пишганми-кан?” – деб сўрадим У: “Ака, олаверинг, Худо хоҳласа, пишган чиқади”, – деди. Ҳазиллашиб: “Худо хоҳламаса-чи?” – дедим. У: “Кўриниб турибди-ку, пишган”, – деди. Лекин унинг фикрлаш тарзи қизиқтирди. Саволга тутдим: “Агар худо хоҳламай, қовун хом чиқса, алмаштириб берасизми?” У: “Ака, энди харажат қилиб қўйганмиз-да,” – деди. Хулоса, сотувчи бизга “Худо хоҳласа” деган калиманинг ёкишини яхши билади. Шундан фойдаланиб, ўзини художўй кўрсатиб, туйғуларимиздан фойдаланади. Кафолотни худога юклайди. Қовун хом чиқса, у айбдор эмас... Қайтариб олмайди... Қовун пишган, ширин чиқди. Лекин гап қовунда эмас. Битта қовун савдосида намоён бўлаётган ўзбек характерида. Бу характерни яратган тарбиямизда.

Ёшларимиз, халқимиз, деб бежиз айтмадик. Миллатимиз азалдан ўз йўлбошчиларига содиқ бўлган ўз тақдирларини уларга ишонган. Йўлбошчимиз халқни ислоҳ қилган, тарбиялаган. Бу ўзбекона удум кейинчалик шарқда деган ибора билан эъюзланди. Хуллас, миллатимиз олдида янги – Буюк келажак-

ни кўриш вазифаси турибди. Бу иш эски тафаккур, эски қарашлар, эски ҳаракатлар, эски лойиҳа билан бўлмайди. Буюк келажак пойдевориға, миллий ғоя ва миллий мафкура назариясига Президент Ислам Каримов асос солди. Энди уни амалга ошириш ҳар биримизнинг миллат бурчимиз бўлмоғи керак. Бу эса тарбия ҳақидаги махсус фан – педагогикаға, унинг жамиятни тарбиялаш масалаларига бағишланган қисми – ижтимоий педагогикани ривожлантиришни тақозо қилади. Нима учун? Гап шундаки, мамлакатимиздаги барча давлат ва нодавлат ташкилотлари низомларида жамиятни (фуқарони, аҳолини, ёшлар, хотин-қизлар, ногиронлар ва ҳ.к.) мустақилликни мустаҳкамлашға сафарбар қилиш, ватанға муҳаббат руҳида тарбиялаш каби тарбиявий, яъни ижтимоий педагогика вазифалар бор. Шу мақсадда учрашувлар, таклиф қилинган тарғиботчилардан фойдаланиб маърузалар, мажлислар ўтказилмоқда. Иш режаларида чора-тадбирлар белгиланмоқда, ўтказилмоқда, ҳисоботлар берилмоқда. Бироқ ўтказилаётган тадбирлар сони миллатимиз тафаккуридаги ўзгариш, хушёрлик, фаоллик, тадбиркорлик даражасига мосми? Миллат тафаккури, мафкурасини ўзгартиришда қайси услублар яхши натижа беришти-ю, қайсилари самара бермаяпти? Натижалар қандай? Бундай, пахта, саноат, молия, соғлиқни сақлаш соҳалари бўйича аниқ ижобий натижаларни исботловчи кўрсаткич, рақамларға эгамиз. Натижа, самара эса номаълум қолмоқда. Президентимизнинг миллий ғоя одамларнинг онгини ўзгартириш мосламасини қайта-қайта бизға ўқтираётганликларининг сабаби шунда эмасмикин?

Миллатни тарбиялаш масаласи айниқса ҳозир Президентимиз Ислам Каримов томонидан асослаб берилган “Миллий истиклол мафкураси Концепцияси”нинг механизмини ишға туширишда ўта муҳим амалий аҳамият касб этади. Чунки гап миллатнинг суратини эмас, сийратини, характерини, феъл-атворини, онгини ўзгартириш ҳақида кетмоқда.

Одамнинг фикри, мақсади, орзу-ҳаваси яхши ёки ёмон тарафға ўзгариб туради. Миллий тарбия халқимиз онгига яратувчан мақсадни солиб, ҳаракатға келтиради. Миллатни янги,

якши мақсадга сафарбар қилишни формула орқали кўрсатиш мумкин. У, назаримизда, қуйидагича кўринади:

ЎМ = ЎБ ---- ЎН ---- ЎФ, яъни

ЎМ (ўзгарган миллат) = ЎБ (ўзгарган билимлар) ---ЎМ (ўзгарган мақсад)--- ЎФ (ўзгарган фаолият);

Мисол: Кўз. Телевидениедан эртага ёмғир ёғиши ҳақида маълумот тарқатилди, дейлик. Бу боғбонларда кутилаётган майиз устини ёпиш керак, бўлмаса, ҳосил нобуд бўлади, деган фикрни уйғотиб, хушёрликни уйғотади. Демак, об-ҳаво маълумотини олгунга қадар мавжуд бўлган фикр, хотиржамлик ҳолати ўрнини хушёрлик эгаллайди. Ўзгарган, янги маълумот ҳосилни сақлаш истагини – ниятни ЎН (ўзгарган ниятни) пайдо қилади. Боғбон майиз устини ёпиш учун керакли ашёларни излайди, топади, ёпади. Ҳосил сақлаб қолинади. Бу (ЎФ) ўзгарган фаолият шарофати туфайли содир бўлади ва ҳ.к. Тарбия миллатнинг туб манфаатларини ҳаётий, содда қилиб билимини, ниятини, ўзгартириб, ўзгарган, янги яратувчан фаолиятга ўзгармоғи, сафарбар қилмоғи зарур. Юқоридаги мисол ҳам мафкура (фикрлар мажмуаси)нинг ижтимоий педагогикаси

– тарбия услублари, воситалари ва шаклларига механизмига қурилиши нақадар муқимлигини кўрсатиб туради;

– муҳтарам ўқувчида “жамиятни, миллатни тарбиялаш тарбияси қачон, қаерда бўлган?” деган савол пайдо бўлгандир. Илмга мурожаат қилайлик;

– жамиятнинг тарбиявий имкониятларини ўрганиш унга таъсир кўрсатадиган омилларни мувофиқлаштириб кучайтириш ғояси XIX асрда немис тарбияшуноси А.Дистервег томонидан кўтарилган эди.

Англияда Р.Оуэн ўз мамлакатини ва бутун инсониятни “Биз” деган ғоя атрофига бирлаштиришнинг ижтимоий педагогик Концепцияларини ишлаб чиқди. XIX аср бошида Марбурглик профессор П.Натерпнинг “хўжалик ва маъмурий фаолиятнинг барча турлари одамларни тарбиялаш мақсадига хизмат қилувчи воситалардан бири деб қарамоғи керак” деб, жамиятни тарбиялашга таъсир қилувчи барча омилларни илмий ўрганиш ва бирлаштириш йўллари очиб берди. Бирок

унинг халқ бирлаштириш, халқнинг ўзи орқали ўзини тарбиялаш ғояси “синфий, сиёсий хомлиги” туфайли советларнинг танқидига учради. Ахир уни жорий қилмаса, миллатни бой-камбағалга бўлиб ташлаб бўлмас эди-да. Мустақиллик шарофати билан биз жаҳоннинг мутараққий давлатларидан ривожнинг ижтимоий-педагогик сирларини ўрганиб, ўз манфаатларимиз йўлида қўллаш имкониятига эгамиз

Шу нуқтаи назардан инсоният тарихига қарасак, ҳар бир аср охирида келаётган аср фуқароси қандай бўлиши керак, қандай тарбия орқали бундай шахс, жамиятга эришиш мумкин, деган саволлар кўтарилганини кўрамыз. XIX аср охирида ҳам, XX аср охирида ҳам бу қонуният такрорланди. Бундан юз йил олдин ҳам фалсафий, социологик, педагогик адабиётларда “намунавий фуқаро”, “инсонпарвар шахс”, “жамоатчи инсон”ни тарбиялаш масалалари давлатларнинг сиёсий, иқтисодий тузуми қандай бўлиши керак, деган масала даражасида муҳокама қилинди. Жамиятни ислоҳ қилиш “Янги жамият фуқароси қандай бўлиши керак?” деган саволга жавобдан бошланди. Ўзбекистонда ҳам ушбу таракқийпарвар тамойилга қанчалик эътибор қаратилаётгани ҳаммамизни хушнуд қилмоқда.

Ишонч, эътиқод – маънавий энергиянинг кўрсаткичлари. Савол тугилади: Кимни, нимага, қандай ишонтириш керак? Тарбия назарияси, услубиятида «истикболни кўрсатиб тарбиялаш» деган тушунча бор. Бу ёндашув хорижда синовлардан ўтганига қарамасдан шуни айтиш керак, у ўзимизнинг миллий тарбиямиздаги «Яхши (ғоя) ният – ярим давлат»дан олинган. Хўш, халқимиз, ёшларимизнинг нимага ишонч, эътиқод қўйиши уларнинг ўзлари учун фойдали бўлади? Ўзбекистоннинг буюк келажагига. Бунинг учун «истикболни кўрсатиб тарбиялаш», Буюк келажакни тасвирлаб, кўрсатиб тарбиялаш маънавий-маърифий ишларнинг тактикасига айланиши зарур. Демак, буюк келажак, аввал, одамларнинг бошларида, кейин, ишларида бошланади. Президентимизнинг Ўзбекистоннинг асосий бойлиги «унинг одамларидир» деган фикрининг ҳикмати намойишларидан бири – бу.

Юқоридаги қонуният XX аср охирида ҳам тарқалди, Бирок бутунлай янги – технотрон компьютерлашган шароитда такрорланди. Ўтган асрларда кўп авлодли оилаларда болалар буви-лари, оналаридан эртақ, бобо, оталаридан насихат эшитиб тарбияланган. Ҳозир ўзбек боболарнинг “янги тарбиячилари” пайдо бўлди. Булар телевидение, видеофильмлар, реклама клиплари, транспорт, болалар боғчаси, ота-оналарнинг бандлиги, яхши ва ёмон намуналарни “ташувчи” рамзлар: Бу “тарбиячилар”-нинг шиддати ҳатто миллий характери мустақкам японларни шошириб қўйди. 80-йилларда ота-оналар, ўқувчилар, бугун миллат болаларда бош фазилатнинг йўқолиб бораётганлигига қарши курашга бирлашди. Қолаётган беш фазилат:

1. Болаларга хос жўшқинлик.
2. Бошқаларга ҳамдардлик.
3. Қизиқувчанлик.
4. Масъулиятлик.
5. Хулқ-атвор қоидаларига амал қилиш.

Бу ҳол миллатни сескантиради. Оммавий ахборот воситалари-да “Муз болалар” муаммоси кизғин муҳокама қилина бошлади.

Французлар эса бу вазиятда “фаол бирлаштирувчи ижтимоийлашув” дастурини ишлаб чиқишди. Дастур Францияда етакчи, илғор турмуш тарзи, кадриятлар тизимини тарғиб қилди.

Шундай экан, миллий мафкуранинг амалий механизми ижтимоий-педагогик таъминланиши лозим. Бунинг учун:

- жамиятда давлат ва нодавлат ташкилотларининг маънавий-маърифий фаолиятни мувофиқлаштириш;
- жамиятнинг барча тоифалари фикри, нияти ва ҳаракатини бирлаштиришнинг ижтимоий педагогик услубиятини яратиш;
- жамиятнинг мафкурасини объектив ўрганиш мониторинги ва такомиллаштириш тизимини ишлаб чиқиш долзарб илмий-амалий заруратга айланди.

Истиқлол бизга барча соҳаларда янгиланиш фаслини олиб келди. Шаҳарларимиз, кўчаларимиз, кўшиқларимиз, қонунларимиз, шиорлар, байрамларимиз янгиланмоқда. Уларнинг барчаси қўшилиб, бизларни янгиламоқда. Аста-секин, ичда содир бўляпти бу ўзгариш.

Ўзгараётган яна бир нарса бор. Булар – фарзандларимизнинг пок қўлларидаги китоблар. Ана шу мўъжазгина китоблар ўзбекларнинг янги авлодлари маънавиятига асос бўлади. Уларга битилган фикрларнинг қандайлиги, қандай тилда (қайси тилда эмас) битилганлиги 10–20 йилдан кейин ишни бизнинг қўлларимиздан оладиган авлоднинг маънавиятини қурапти.

Дарслик, ўқув қўлланмасини ёзиш шунинг учун ҳам ўта машаққатли ва шунча шарафли иш. Афсуски, бу масаладаги ишларимиз ўзининг камолига етди, дея олмаймиз. Мавжуд нуқсонли қўлланмаларимиз тили ўқувчининг тили билан тафовутда; ё ўта қийин, ё ўта содда; чиройли-ю, мазмуни оз, мазмуни созу беаги оз; ёки номи “Ватан туйғуси”, ичи – “Одобнома”; ўзбек тилида-ю, сўзи ўзбекча эмас, худди ўзбек тилини яхши билмайдиган муаллифлар ёзгандек ва ҳ.к. Бу муаммолар бўлган, бор ва бўлаверади. Чунки, ана шу муаммоларнинг борлиги ва уларни ечаётганимиз бизнинг тараққий этаётганимизни билдиради. Муаммо йўқ жойда тараққиёт йўқ. Таълим-тарбияда ҳам.

Сиз ўғлингизнинг курашда тенгдошидан йиқилишини хоҳлайсизми? Бошқалардан билими кам бўлишини-чи? Бошқалардан камбағал бўлишини-чи? Бошқалардан кўра тарбиясиз, ожиз, гўл, кўзи чақчайган нотагон бўлишини-чи?

Ҳамма саволларга «Йўқ!» дедингиз. Қатъий.

«Болаларингиз» деган сўзни «Миллатингиз, халқингиз» деган сўзлар билан алмаштириб, сўрашса-чи? «Йўқ», дейсиз. «Нега бу ёқимсиз, одамни ўйлатадиган саволларни берасиз-а? Яхши, ёқимли гаплар кўпку, – дегандирсиз, ранжиб. Безовта бўлиб (мана шу фикрларни айрим таниш-билиш ватандошларга ҳам бериб, эшитиб юрганимда дунёнинг кўн мамлакатларида бўлиб, ибрат назари билан ўрганиб қараган тадбиркорларимиздан бири: «Биласизми, японлар ўз болаларини қийин келажакка, курашиб, енгиб чиқишга тайёрлашар экан. Шунинг учун, атайлаб болалар енгиб ўтиши учун сунъий педагогик вазиятлар, тўсиқлар яратиб тарбиялар экан. Масалан, тиришқоқлик фазилатини тарбиялаш учун иероглифларни атайлаб майда ёзиб, ёдлашни талаб қилишар экан. Ҳм-м!» – деди).

Бу лоқайдлик, беғамлик, боқимандалик, танбаллик, ишёқмаслик каби одамни, миллатни хор қиладиган, иллатларни кўкармасдан «ягана қилиш» эмасмикан?

Ҳеч бир ота ўғлига: «Кўявер, маза қилиб дам ол. Менинг давлатим сенга ҳам, болаларинга ҳам етиб ортади. Ҳсч нарсани ўйлама», – демайди. Аксинча: «Ўки, одамларга қара, ўрган, эртага керак бўлади. Бозор иқтисодиёти шавқатсиз. Билимсиз, уқувсиз, иш билмас, бўш-баёв, муомаласи совуқ одамлардан бўлма. Спорт билан шуғуллан. Кучли бўласан», – дейди.

Ота ўғлини нима деб уришади? «Ландавур! Аҳмоқ! Гўл! Уқувсиз! Фалончидан ҳам таёқ ебсан-а! Кўзингга қарасанг бўлмайдами? ва ҳ.к. Ҳа. Азалдан ўзбек ўғлини кам мактаган, суйган. Ичида суйган, ичида кувонган. Сиртида буни билдирмаган. Сиртида талабни қатъий қўйган, кунтни талаб қилган. Булар бир оилада кечаётган тарбиявий ҳаёт лавҳалари. Миллий даражада ўйлаб кўрайлик энди.

Биз болаларимизни «ҳаммаси яхши бўлади, кўявер. Биз куриб берадиган бахтли жамиятда маза қилиб яшайсанлар!»деб тарбиялашимиз керакми? Ёки «Эртага давлатлар, уларнинг манфаатлари, мафкуралари орасида баҳс бўлади. «Бу кунда маданий миллатлар урушларини тижорат ва саноатга айлантирдилар ва бу соҳада бир-бирларига ғалаба ва рақобат қила бошладилар» (А.Авлоний.1913). Ватан сизнинг қўлларингизда бўлади. Сизни алдашга, мулкингизни эгаллашга ҳаракат қилишади. Ана шунда Ўзбекистонни ҳимоя қила оласизми, озод, обод, фаровон демократик Ватанни биздан ҳам обод, озод қила оласизми? Ёки муте, ожиз, ғамгин миллат бўласизми?» деган миллий ориятни, бурчни шахсий бурчга айлантирувчи саволларни бериб тарбиялашимиз керакми?

«Ҳаммаси яхши», «яхши бўлади» деб аллалаш бегоналардан чиқади. Бу – овунтириш методи. Бу беғамликни ўстиради. Беғамлик эса лоқайдликнинг онасидир. Хўш, биз болаларимизни қандай ҳаётга тарбиялашимиз керак?

Машхур мақолни эслайлик: «Машқ қанча қийин бўлса, жангда шунчалик осон бўлади» Биз ана шу тамойилга амал қилишимиз керак. Нега? Чунки ҳар қандай муаммони ечиб,

енгиб ўтишга тайёрланган ўткир ёшлар биз уларга сингдирган қийинчиликларга эртага дуч келишса, уларни бемалол енгиб, ғалаба нашидасини суради. Бахтли бўлади. Биз уларни огоҳлантирган муаммо, қийинчиликлар чиқмаса (илоҳо, шундай бўлсин), янада бахтиёр бўлишади. Бизни эслашади, биз уларга яратиб берган бахтли ҳаёт қадрини, уларни яратиб берган бахтли ҳаёт қадрини, уларни яратиб берган бизларни қадрлайди. Ана шунда биз ҳам жаҳоннинг бахтиёр кексаларига айланамиз. Чунки болаларимизга ишонамиз. Буюк соҳибқиронимизнинг «Менинг болаларим танбал бўлмас. Танбаллик одамни бўшаштиради», деган ўғитларини эслаймиз. Бугун миллатнинг дардлари нима? Лоқайдлик, ҳафсаласизлик экан, бу дардларга дармон бўлиш бугунги кун ота-оналари, мураббийларининг миллий бурчимиз. Ана шунда буюк бобомизнинг «Миллат дардига дармон бўлмоқ вазифангиздур!» деган васиятларига амал қилган бўламиз. «Тарбия бизлар учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидур» (А.Авлоний). «Тан риёзатидан кўпроқ руҳ риёзати лозимдир» (Ибн Сино.) Ҳа. Мустақиллик йилларида тарбия, ўқувчи-талабалар тарбияси ва таълимдан ташқари халқимиз тарбияси – маънавий-маърифий ишлар давлат сиёсати даражасига кўтарилгани бежиз эмас. Шу сабабли педагогика, психология фанларининг бугунги энг дардли муаммо – одамлар тафаккурини ўргатиш учун амалий фанлар сифатидаги масъулияти бениҳоя ортиб кетди. Жамиятни тарихий, миллий, умуминсоний қадриятлар уйғунлиги асосида маънавий ва ахлоқий янгилаш – Республика Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги илмий-техник тараққиётни мувофиқлаштириш Кенгашининг устувор йўналишларидан бирига айланиб турибди (Ўзбекистон Президентининг 2002 йил 20 феввалида имзоланган Фармони назарда тутилмоқда).

Маънавий ва ахлоқий янгиланиш педагогика тилида тарбиялаш ва қайта тарбиялаш деган тушунчаларни англатади. Кимни? Нега? Ҳар бир ўзбекистонликни. Чунки биз, бугун, эртага кечаги маънавият, ўй-хаёл, ниятлар билан яшай олмаймиз. Эскича ўй билан яшайверсак, маглуб бўламиз. Чун-

ки жаҳоннинг ҳамма миллатлари эски, зарарли нуқсонлардан ўзларини тозалаб, енгил бўлиб, олга югурыпти. Бу пойгада қайси миллат замонанинг энг илғор, пешқадам фазилатларига амал қилса, ўша ютади. Илмли, фазилатли, бой ва шулар сабаб кучли бўлади. Биз замонанинг ана шу талабларини тез англаб, амал қилсак, эскича фикр-ўй, одатлардан қутилсак, шунча енгил, соғлом бўламиз. Ғалаба бизники бўлади: ўзбек тили жаҳон тилларидан бирига айланади; ўзбек сўми энг қиммат пул бўлади; палов инсониятнинг энг севимли, машҳур овқатига айланади; ўзбек тилини билиш умуминсоний маданият белгисига; илм, спорт баҳсларида ўзбекистондан кейинги II, III, IV ўринларни эгаллашни орзу қиладилар; ўзбеклар таътили дунёнинг энг гўзал, сўлим жойларида бўлади; Навоийхонлик бўйича халқаро мушоираларда, физика, тижорат, космос, мода, туризм, соғлиқни сақлаш бўйича мажлис, танловларга ўзбекларнинг раислик қилишларидан инсоният фахрланиб яшайдиган бўлади. Бу – ширин орзулар. Лекин эришса бўладиган аниқ натижалар. Бунинг илк куртакларини ўзбек спортчилари бошлаб беришди. Спорт олами ўзбекларни тан олди-ку. Бўлар экан-ку!

Бир нарсадан кечмай иккинчи нарсага етиб бўлмайди. Хўш, биз юқоридаги орзуларга (агар маъқул келса) етиш учун нима-миздан кечишимиз сўраляпти?

Биринчидан, маънавий покланиш. Қандай иллатлардан? Бизни бир пайтлар мустамлака тўрига ташлаган, ҳозир ҳам собиқ тузум мероси бўлиб яшаб келаётган: болаларимизни курашчан, жўшқин, гайратли, ватанпарвар қилиб тарбиялашга ҳафсаласизлик, «Агарда бир сўзимиз ташласа, ўғил-қизимиз, «Жувонмарг – йўқол!» деб оқу қаро қиламиз» (А.Авлоний) дан; тафаккуримиздаги туткунчилик ва турғунликдан; маърифат учун керак маблағни маишат, ўнлаб таом пишириладиган тўйларга сарфлашдан; ўзининг ва бошқаларнинг болалари тарбиясига лоқайдликдан; (яқинда бир маънавият ва маърифат ходими билан суҳбатлашганимизда у: “Мен махсус кузатдим. Ўсмирлар орасида жиноятчилик ёзги таътил пайтида энг кўп

учрар экан», – деб қолди. Бу – теварак-атрофдаги кишиларнинг ўсмир болалар тарбияси учун миллий бурчларини яхши бажармасликлари, аниқроғи, «Бир болага етти қўшни ота-она» деган аҳдимизга вафо қилмасликнинг касри. Иккинчи томондан, ўсмир-болаларнинг бўш вақтларини «бекор вақт»га айланмаслигининг шарофатидир).

Ҳар хил бузғунчи миш-миш, мактанчоқлик, порахўр ўғрилар фикрларининг мақол ёки латифа тарзида ишлатилиши. Масалан, тўй қилмоқчи эдим. Об-ҳаво бюросига телефон қилдим. “Ёмғир ёгади”, – деди. Бориб рози қилган эдим, ёмғирни “бошқа жойда ёгади”, – деб айтди; “Врач ароқ ичишни тақиқлаган эди бир оз чўзувдим – рухсат берди” каби латифалар; «Эртанинг ғамини егунча...» «Оғзи қийшиқ бўлса ҳам, бойнинг ўғли гапирсин» қабилидаги эски мақолалар шулар жумласидандир.

Ётма миллат, ухлама бедорлашайлук,  
Миллий ишларга бел боғлашайлук!

## ҚУДРАТЛИ ЭЛНИНГ БОЛАЛАРИ СОҒЛОМ БЎЛУР...

*Биз соғлом деганда, нафақат жисмоний, балки маънавий жиҳатдан ҳам соғлом болани ўзимизга тасаввур этамиз.*

*Айни вақтда бугунги шиддатли замон, ҳаётнинг ўзи ёш авлод тарбияси борасида олдимизга янги-янги, ўта муҳим ва долзарб вазифаларни қўймоқда.*

**Ислом Каримов**

## Луғат

Луғатга қарасак, бу ибора ичидаги гўзал маънолар манзараси очилади. Бу муболаға эмас. Мана: “Соғлом” сўзи: Дард-касалдан холи; соғ; Соғлиқни сақлаш талабларига тўла жавоб берадиган; беғубор, тоза, соф; Зарарли таъсирдан, салбий хислат, иллат ва шу кабилардан холи; тоза, пок; Рухий жиҳатдан шикаст етмаган; расо; Ғоявий-мафкуравий, маънавий жиҳатдан тоза, пок, деган маъноларни беради.

“Бола” эса: Янги туғилган, ҳали кўкракдан, она бағридан ажратилмаган гўдак; чақалок; Ҳали ёш, вояга етмаган одам; Фарзанд, ўғил-қиз, зурриёт; Ёши катталарнинг ёшларга муурожаат шакли; Ҳомила, қориндаги гумона эканлиги маълум бўлади. “Бола” сўзи вояга етган йигит-қизларга ҳам ишлатилади. Аскар бола. Бўз бола. Келин бола. Куёв бола...

Хуллас, луғавий маънода соғлом бола бу ҳали ёш, вояга етмаган, беғубор, соф, зарарли таъсирлардан, салбий хислат, иллат ва шу кабилардан холи ўғил-қиз экани маълум бўлади.

Соғлом бола аҳли исломнинг муддаоиси бўлган. Бунга муҳаддислар имоми буюк бобомиз Имом Бухорийнинг “Ал-Адабу-л-муфрад” китобида далил бор. Китобнинг бир боби “Бола соғлом туғилса, Худога шукр қилиш ҳақида”, деб аталади. Унда: “Ойиша (р.а.) бирон оилада фарзанд тугилса, ўғил ёки қизлигини сўрамас эдилар. Балки: “Соғломми?” – деб сўрар, “Ҳа”, дейилса, “Оламларнинг Парвардигори Аллоҳга шукр”, – дердилар”, дейилган.

### **Амир Темур “Улуғим” деб эркалаган бола ким эди?**

Барчамиз *“Фарзандларимиз биздан кўра билимли, кучли, доно, ақлли ва албатта, бахтли бўлишлари шарт!”* деган жўшқин даъватни ёддан биламиз. Уни оталик, оналик завқи билан қизгин қўллаб-қувватлаймиз. Чунки бу даъват ҳар биримизнинг болаларимизга тегишли. Ушбу қудратли даъват ҳар биримизнинг болаларимизга тегишли. Ушбу қудратли даъват “2014 йил – Соғлом бола йили” номи билан боғлиқ. Шу боис, унинг тарихини эслатиб ўтамиз.

2000 йил мамлакатимизда “Соғлом авлод йили” деб эълон қилинган эди. Ўшанда Президентимиз насл-насаб соғломлигининг аҳамиятини бир ажойиб тарихий мисол билан шундай тушунтирган эди: *“...Мирзо Улуғбекнинг асл исми Муҳаммад эканини ҳамма ҳам билмайди. Соҳибқирон бобоси Амир Темур уни доимо «Улуғим» деб эркалагани учун Муҳаммаднинг исми Улуғбекка айланиб кетган.*

*Кўрапсизми, Амир Темурдек буюк инсон ҳам авлодини ўзидан баланд кўрган, мenden ҳам улуғроқ бўлсин, деб ният қилган.*

Фарзандларимиз биздан кўра билимли, кучли, доно, ақли ва албатта, бахтли бўлишлари шарт, деганимда мен ҳам шу ниятни назарда тутганман.

Дарҳақиқат, диёримизда ҳар йили 500 000 нафар атрофида фарзанд дунёга келаётир. Бугун 5–10 ёшли болакай ва қизалоқларимиз 20–30 йилдан кейин миллатнинг навқирон вакилларига айланишади.

Худуд қанчалик катта бўлмасин, ресурсларга қанчалик бой бўлмасин, инсон капитали бой бўлмаса, жаҳоний рақобат аъзоси бўла олмайди. Бунинг учун бу ерни “Менинг Ватаним”, дегувчи, шу ернинг миллий тарбиясини олган одамлар етарли миқдорда бўлиши керак. Ана шу фидойи одамлар ҳудуднинг бирламчи ресурсларини қайта ишлаб, уларни янада рақобатбардош ресурсларга айлантира оладилар. Қайси мамлакат ёшлари рақобатбардош бўлса, ўша мамлакат ғолиб бўлади.

Шу маънода соғлом болалар – биз келажакка юбораётган фидокорларимиз. Улар тарихий меросимизни, юксак маънавий қадриятларимизни асрлардан асрларга, авайлаб, бағирларига босиб олиб ўтадилар. Шунинг учун ҳам, улар биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт. Чунки улар туфайли мустақиллигимиз абадий бўлади».

### **Ота-она, лоқайд бўлманг**

Аллоҳ инсон жисмини соғлом, мукаммал яратган. Унинг юраги, ўпкаси, кўзи, мияси юз йилдан ортиқ яшашига мўлжалланган. Лекин одамнинг ўзи соғлом муҳитини, мукаммалликни бузади.

Инсонга маънавий саломатлик – нияти, сўзи, билимлари, режалари, кўз қарашлари, тарихий тафаккури, хотираси, ёдлаган шеъри, кўшиқлари, мафкурасини соғлом тутиш буюрилган. Лекин баъзан одам нафс, кибр, жаҳолатга алданиб, ўзини ўзи турли балоларга гирифтор қилади. Мана шу хатоликларнинг олдини олиш, яъни авлодларнинг нафақат жисмонан бақувват, балки руҳи, фикри соғлом, иймон-этикоди бутун, билимли, маънавияти юксак, мард ва жасур, ватанпарвар бўлишларига тарбия орқали эришилади.

Буюк педагог бобомиз Жалолоддин Довоний: “Бола қалби туғилганида тоза ёзув тахтасига ўхшайди. Унга нималар ёзилса, шунга мос инсонга айланади”, – деган эди. Бола қалбининг “ёзув тахтаси” бу – унинг кўзлари, кулоклари. У кўраётган, эшитаётганлари – ёзувлар, деса бўлади. Демак, боламиз эшитаётган гапларимиз, кўраётган амалларимиз – биз ёзаётган ёзувлар бўлар экан.

Шунинг учун Президентимизнинг тарбия ҳақида айтган куйинчак фикрлари ёдга тушади. Унда тарбия масаласи ҳар бир ота-онанинг бурчи эканлиги мана бундай таъсирчан ва ҳаётий, самимий уктирилган: *“Айрим ота-оналар дабдабали уй-жойлар қуради, тўкиб-сочиб тўй қилади, қатор-қатор машинали бўлади. Ваҳоланки, суриштирсангиз, боласининг қаерда ким билан юриши, вақтни қандай ўтказиши, қандай билимга эга экани на отани, на онани қизиқтиради. Болаларни энг катта бойлигимиз, келажакимиз деб эъзозлаймиз-у, амалда уларнинг тақдирига бефарқ қараймиз. Бу – фарзандлар тақдирига, ўз келажакига лоқайдликдан бошқа нарса эмас, одамларимиз табиатидаги бутунлай воз кечиш лозим бўлган иллат”*.

Дарҳақиқат, биз ота-боболаримиздан Ватанни, бой маънавий меросни қабул қилиб олганмиз. Энди ҳар бир ота-она ўз фарзандимизни озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаётга муносиб, ҳам жисмонан, ҳам маънан соғлом бўлишини шахсан таъминлашимиз керак. Ана шунда ҳар биримиз: “Ҳа. Биз муносиб яшадик. Ота-боболаримиз ва фарзандларимиз олдидаги бурчимизни ҳалол бажардик”, – дея оламиз.

### Ҳаёт – рақобат

Ўзбекистон чин маънода юксак маънавиятли, фозил одамлар юртидир. Азалдан фозил инсонлар болаларини соғлом, бахтли бўлишга ўргатиб келишган. Ҳозир ҳам. Болаларини эринмай, мақсадли, режали равишда тўғарақларга элтаётган ота-оналар жуда кўп. Улар болаларини бахтли бўлишга тайёрламоқдалар. Худди спортчини курашга тайёрлагандек. Натижада, уларнинг болалари бахтнинг қуйи ли-

гасидан ўртасига, ўртасидан юкори лигаларига кўтарилиб боришаётир. Тарбияланмаётган (яъни мақсадли тайёрланмаётган) болалар спорт билан шуғулланмайдиган болаларга ўхшашади. Улар ҳаёт (бахт)нинг синов ва танловларидан ўтишга қийналишади.

Кимдир “Пешонасида бўлса, бола ўз-ўзидан зўр одам бўлиб кетаверади”, дер. Лекин ким бирор ишнинг ўз-ўзидан яхши натижа берганини кўрган? Сиз кўрганмисиз? Бу гапни ялқовлар, боласига бефарқлар, “бизга бўлаверади”, деб яшайдиган, эскича ўйлайдиган кишилар айтишади.

“Пешонасида бор”, иқтидорли болаларимиз совет даврида ҳам кўп эди. Лекин совет даврида бор-йўғи 3 нафар Ўзбекистон боласи халқаро кўрик-танловда қатнашишга муяссар бўлган эди. Савол: “Пешонасида бўлса, болаларимиз нега совет даврида ўз-ўзидан зўр одам бўлиб кетавермади?!”

Ҳозирчи? Ҳозир охириги 5 йилнинг ўзида 344 нафар иқтидорли боламиз халқаро кўрик-танловларда қатнашибди. Савол: болаларимиз нега мустақиллик йилларига келиб ўз-ўзидан зўр одам бўлиб кетишаётир?!”

Ҳар қандай ўзгариш аввало, одамлар тафаккурида, онгида бошланиб, тилларига, қўлларига, амалларига кўчади. Шунинг учун ота-оналарнинг педагогик тафаккурини ўзгартиришимиз керак. Соғлом авлод учун кураш нима учун қилинаётганини кенг жамоатчиликка тушунтиришимиз зарур.

Бу масала умуммиллий дахлдорлик ишига айланиши учун биз зиёлилар бир ҳақиқатни халқимизга тушунтиришимиз керак: *“Бизнинг барча саъй-ҳаракатларимиз комил инсонни тарбиялашга йўналтирилган. Янги асрда дунё тараққиётини, инсониятнинг қай йўлдан боришини комил инсонлар белгилашига шубҳа йўқ. Чунки ХХI аср интеллектуал авлод асри бўлади.*

*Янги мингйилликда давлатларнинг, халқларнинг тақдирини моддий бойлик эмас, интеллектуал, яъни маънавий-маърифий бойлик ҳал қилади. Бундай бойлик устувор бўлган жойга моддий бойликнинг ўзи оқиб келаверади”.*

## “Ўзбек модели”нинг шарофати

Мустақиллик йилларида одамларнинг ҳаёт сифати ўзгарди. Ўз соғлиғига муносабати ўзгарди. Маҳалла, қишлоқ, кўчаларимизда озодалик, орасталик урф. Қишлоғу шаҳарларимизда ёз окшомларида халқимиз мириқиб ўйнаётган йўл четларидаги минифутбол стадионларини эсланг. Бассейнлар, стадионлар, тренажёрлар, бадий гимнастика залларининг одамга тўлалиги-чи?! Бу миллатнинг ҳаёт сифати ошганининг яққол тасдиқлари эмасми?

«Соғлом авлод учун» декларацияси қабул қилинди. Шу номда халқаро жамгарма ишлаб турибди. Ўсиб келаётган авлод тарбиясига қўшилган улкан ҳисса учун «Соғлом авлод учун» олий давлат ордени таъсис этилган. Дунёнинг бирор мамлакатада бундай орден йўқ. “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод”, “Универсиада” спорт мусобақалари болаларимизнинг спортга ихлосини тобора ошириб бораётир. Ёш бўла туриб, спорт билан шуғулланмаслик уят, ачинарли ҳол бўлиб бораётир.

Она ва бола саломатлигига бағишланган халқаро илмий конференцияни эслайлик. Бу “Ўзбек модели”нинг юзлаб ғалабаларидан бирининг эътирофи бўлди. Миллатнинг ўртача умри 66 ёшдан 73,5 ёшга узайди. Оналар ўлими 2 баравар, болалар ўлими 3 бараварга камайганини эсланг. Бу шўро даврида оналар ўлими 3 баравар, болалар ўлими 2 баравар кўп бўлганини алам билан эслатади.

Ҳа. Коммунистик модель уйларимизни ғамхоналарга айлантирган эди. “Ўзбек модели” тўйхоналарга айлантирди.

### Бахтин қачон ҳис қиламиз?

Инсон бахт учун тугилади. Лекин у бахтни ҳис қиладими? Қачон, қандай туяди бахтни? Шукр қилаётганида. Чунки шукрона дақиқаларида у орқага – кечаги ўзига қарайди. Кейин бугунги ўзига қарайди. Кечаги турмушига қараб, бугунги кунини “ўлчайди”. Шунинг учун ҳам, “Ислоҳот – ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун”, “Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг” деган машҳур шиорлар эл-юртимиз ўртасида кенг ёйилиб, қўллаб-қувватланаётгани бежиз эмас, албатта.

Чунки халқимиз “Ким эдигу ким бўлдик?!” деган риторик саволни ўртага ташламоқда. Буни шукроналик тарозиси, деса бўлади. Бу зинҳор муболаға эмас. Келинг, тарозининг бир палласига “кеча”мизни, иккинчи палласига “бугун”имизни қўйиб, ҳаётимизга бирга қарайлик:

Кеча ўзбек лойдан қурилган кулбаларда яшарди. Бугун пишиқ ғиштли, замонавий уйларда бахтиёр.

Кеча ҳар бир кишлоқ, маҳаллада 1–2 тадан қора тутунли Москвич ё Жигули бўларди. Ўнқир-чўнқир кўчаларимизда ЛАЗ, ПАЗ автобуслари гандираклаб юрар эди. Суви қайнаб, тўхтаб қолар, совигунча кутиб, соатларимиз увол кетарди. Бугун ҳар уч хонадоннинг биттасида Нексия, Эпика ёки Кобальт турибди. Кўчаларимизда Исузи, Мерседес автобуслар.

Кеча осмонимизда АН, ЯК, ТУлар қалтираб учарди. Бугун уларнинг Ўзбекистон осмонида учиши тақиқланган. Чунки халқимиз жаҳоннинг манаман деган “Боинг”ларида учишга муносиб бўлди.

Кеча қарам, кул эдик. Бугун ихтиёримиз ўз кўлимизда.

Кеча халқимиз ўртача 66 йил умр кўрар эди. Бугун унинг умри 73,5 ёшга узайди.

Кеча халқимиз иккинчи даражали одам эди. Болаларимиз инженер-техник, ақлталаб касбларга, нолойиқ ҳисобланар эди. Уларга юксак технологияли эшиқлар ёпиқ эди. Бугун бизнинг фарзандларимиз яратган юксак технологик маҳсулотларга дунё харидор.

Кеча она тилимиз оила, ошхона, чойхона тили эди. Бугун у – давлатимизнинг тили.

Кеча биз жаҳонда Вестминстер, Турин деган институтлар борлигини ҳам билмасдик. Бугун улар Тошкентда. Бизнинг болаларимизни ўқитаяпти.

Кеча чет элларни кўриш биз учун ушалмас орзу эди. Бугун хорижга сафар қилиш Тошкентдан Тўйтепага бориб келишдек бўлиб қолди.

Кеча жаҳон чемпионини телевизорларда кўрардик. Бугун маҳалладош, ҳамқишлоқларимиз – жаҳон чемпионлари.

Бугун кўзларимиз ана шу ва бошқа юзлаб неъматлар билан безанган БАХТни кўраётир. Ортга қарасак, кеча бахтсизлик бизни ку(за)таётганини кўрамыз.

---

## IV ҚИСМ

### ТАРҒИБОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

*... биз нимани ва қандай тарғибот қилишни аниқ ва пухта тасаввур этишимиз керак. Яъни агар таъбир жоиз бўлса, мафкуравий озиқ нимадан иборат бўлишини, уни одамлар онгига қай тариқа етказиш усулларини ишлаб чиқиш даркор.*

**Ислом Каримов**

#### ЁШЛАРДА МИЛЛИЙ ҒОЯНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Ватанимизнинг буюк келажагини куриш, олдимизда турган катта-катта муаммоларни ечиш, мустақиллиғимизни ҳимоя қилиш, ҳаётда миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлиги тамойилига амал қилиб яшашдек муҳим вазифаларни ёш авлодимиз ўзининг муқаддас бурчи деб билаётгани, айниқса, эътиборга сазовор. Шунинг билан бирга, бугунги глобализация шароити, инсон онги ва қалби учун кураш кескин тус олган бир пайтда мафкуравий тарбиянинг замонавий, таъсирчан технологияларини ишлаб чиқиш долзарб вазифамиздир.

Миллий ғояни ёшлар қалби ва онгига сингдириш таълим-тарбиянинг турли услуб, восита ва шакллари орқали амалга оширилади. Улар орқали ёшларга тўғри яшашни, ватанпарвар ва бузғунчи ғояларга муросасиз бўлишни, эркин фикрлашни ўргатиш зарур. Зеро, ўргатиш бир томонлама жараён бўлмай, у устозлар намунаси орқали тарбияланувчининг фазилатларини шакллантиради. Бундай мураккаб ишни ташкил этишда ҳар бир ижтимоий тоифа ёки шахснинг индивидуал педагогик-психологик хусусиятларини инобатга олиш, тарбияланувчига шахс сифатида қарашни тақозо этади.

Чунки жондан азиз болаларимизни ўзгаларнинг номаъкул тарбияси ва мудҳиш таъсирига ташлаб қўйиш келажагимизга нисбатан кечириб бўлмас хиёнатдир.

Хар бир инсон тузадиган режаларнинг аксарият қисми одатда фарзандларига тааллуқли бўлади. Биз орзу-умидларимиз рўёби бўлган фарзандимизнинг ўсиб-улғайиши учун, наслнигина эмас, эзгу-орзуларни ҳам давом эттирадиган бўлиши учун жон куйдиришимиз зарур.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талаблари асосида таълим жараёнида, турли тадбирлар, ритуаллар орқали ёшларда миллий ғоя ва миллий истиклол мафкураси шакллантирилади.

Таълим муассасаларида болалар ва ўқувчиларнинг ёшига мос равишда миллий ғояни сингдиришнинг дифференциал педагогик-психологик дастурларини ва янги педагогик технологияларини яратиш ёшларда:

- мустақил фикрлаш малакаларини шакллантириш;
- ён-атрофдаги воқеаларга дахлдорлик туйғусини ривожлантириш;
- фаол гражданлик позициясини шакллантириш;
- ўзига ишончни мустаҳкамлаш;
- тарихий тафаккурини бойитиш;
- миллий ғуруримиз манбаи бўлган интеллектуал салоҳиятни шакллантириш;
- Ғарб оммавий ахборот воситаларидаги ахлоқсизлик тарғиботи, ўзининг демократия моделини олға силжитишнинг асл мақсад-муддаоларини тушунтириш;
- мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлаш;
- онгли яшашга – ўз ақли ва фикрига, эзгу, инсоний мафкурага, аниқ миллий ғояга суяниб яшашга ўргатиш;
- миллий ғояга қизиқишларини ошириш;
- миллий ғоя ёшларимизнинг мақсади, хатти-ҳаракатларининг маънавий асосига айлантирилгандагина самарали бўлади.

Бу, энг аввало, фикр тарбиясидир. Абдулла Авлоний таъкидлаганидек, “фикр тарбияси энг керакли, кўп замонлардан бери тақдир қилиниб келган, муаллимларнинг диққатларига суялган муқаддас бир вазифадир”. Бу вазифанинг муваффақиятли

адо этилиши ёшларни мустақил фикрлашга ўргатади. Ўқитувчи-муаллимлар ёшларни турли ёмон таъсирлардан асрашда ахлоқий қадриятлардан фойдаланиши ва бунда ахлоқий таъсир кўрсатиш технологиясидан оқилона фойдаланишлари лозим бўлади. Бунинг йўллари – ўқувчи билан муносабатда гуманистик тамойилларни жорий этиш, эркин фикр алмашиш муҳитининг яратилиши, “Ўқувчи-ёшларга” тамойили асосида ёшларни пассив тарбия объектидан ўз-ўзини тарбиялашнинг актив субъектларига айлантиришдир. Зеро, Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганларидек, “таълимнинг янги модели жамиятда мустақил фикрловчи эркин шахснинг шаклланишига олиб келади. Ўзининг кадр-қимматини англайдиган, иродаси бақувват, иймони бутун, ҳаётда аниқ мақсадга эга бўлган ватанпарвар ёш авлодларни тарбиялаш имкониятига эга бўламиз”.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида ўқувчи-ёшлар онгига миллий гоя ва миллий истиқлол мафқурасини сингдиришни узлуксиз тарзда олиб бориш юқори самара беради. Ёшларни иймон-этиқодли, ақл-заковатли, иродаси мустаҳкам, билимли ва доно, ўз юрти тарихи, миллий қадриятлари ҳамда буюк аждодлар қолдирган илмий ва маънавий меросни кўз қорачиғидай сақлашга ўргатиш оиладан, ота-оналар ўғитларидан бошланиб, балогат ёшигача бўлган давр ва ундан кейинги даврларда ҳам изчил амалга оширилиши лозим. Инсон ҳаётининг дастлабки даврларида оддий маслаҳатлар, савол-жавоблар, шахсий ибрат воситасида амалга оширилган иш кейинчалик мураккаб ўқитиш ва тарбия усуллари ёрдамида, жумладан, интерфаол усуллар, брейншторминглар воситасида амалга оширилади. Демак, ғоявий тарбиянинг узлуксизлиги барча ишларимизнинг изчиллиги, ҳаётийлиги, таълим билан ва илм билан уйғунлиги, тизимлилиги, шахсга йўналганлиги, миллий манфаатлар устуворлиги, жамоанинг тарбияловчи ролини кучайтириш асосида таъминланади.

Яна бир гап. Ким кимни ўзига мослаштирмоқчи бўлса, аввал ўзи унга мослашади. Ўзгартиришни истамаса, бефарқ бўлади, мослашмайди. Демак, тарбияси, мураббий боғчада –

тарбиячи боғча боладек, мактабда – ўқувчидек, институтда – талаба-ёшлардек гаплашиши керак. Чунки таълим муассасасининг ҳовлиси бу педагогик муносабатлар майдонидир. Бу ерда ҳар бир сўз, ҳар бир нигоҳ, хатти-ҳаракат тарбия мақсадларига бўйсундирилиши шарт. Акс ҳолда, мактаб, лицей, коллеж, институт, университетнинг кўчадан фарқи, афзаллиги колмайди. Таълим муассасаси ҳовлисидан бақириқ, ўкирик, сўкиниш, ғийбат, ғазаб, адоват ҳайдаб чиқарилиши керак. Кўчани назорат қилиш қийин. Таълим муассасаси ҳовлисида педагогик назорат ўрнатса бўлади.

XXI аср авлоди юксак технологиялар ва ахборот коммуникациялари эрасида камол топмоқда. Мазмун-моҳиятига миллий ғоя сингдирилган китобнинг инсон камоли ва интеллектуал салоҳиятини оширишдаги роли алоҳида аҳамиятга эга. Шу маънода ўқув дастурлари, дарслик ва қўлланмаларнинг янги авлодини яратиш ва уларда миллий ғоя тамойилларини теран акс эттириш ўта муҳимдир.

Мактаб, лицей, коллеж, институт ва университетларда мафкуравий тарбияни бугунги кун талаблари даражасига кўтариш мақсадида аниқ тарбиявий натижалари кафолатли лойиҳалаштирилган “Ўзлуксиз таълим тизимида ўқувчи-ёшларни миллий ғоя руҳида тарбиялаш технологияси”ни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, ҳар бир мактаб, академик лицей, коллеж, олий таълим муассасаси маънавий-маърифий ишлар дастурида “Мафкуравий тарбия” бўлимини режалаштириш ва амалга оширишда тарбиявий мақсад ва натижа бирлигига эришиш таъминланади.

*Педагог кадрларнинг мафкура борасидаги билимларини чуқурлаштириши.* Педагогик кадрлар малака ошириш тизимида махсус, янги педагогик технологияларга асосланган, тингловчиларда мафкуравий кураш, информацион хуружлар шароитида тарбиявий ишларни ташкил қилишнинг энг янги назарий билим, технологик қўникма ва малакаларини шакллантириш зарур.

Миллий мафкура бутун жамиятнинг, миллий тарбия эса болалар боғчасидан университетгача бўлган изчил миллий ғоя асосидаги миллий тарбия тизимига таянади.

Ана шунда кўп ўтмай, ҳаммамиз мана шу бошлаган ишларимизнинг самараларини кўрамиз. Ҳар томонлама баркамол ёшларга қараб, қандай миллатга, қандай авлодга эгамиз, деб балки ўзимиз ҳам ҳайратда қолишимиз мумкин.

### **Фан – миллий салоҳият омили**

Миллий ғояни шакллантиришда, кишиларни мустақилликни мустаҳкамлашга қаратилган бунёдкор ишларга сифарбар қилишда фан ва илмий муассасалар муҳим ўрин тутати. Бу борада қуйидаги масалаларга асосий эътибор қаратиш зарур:

– аҳолининг ижтимоий хусусиятларини (маълумоти, ёши, жинси, касби ва бошқалар) ҳисобга олган ҳолда, миллий ғоя руҳида тарбиялашнинг самарали йўллари кенг кўламда илмий тадқиқ этиш;

– миллий ғоянинг миллий, умуминсоний, фалсафий, диний, ҳуқуқий, сиёсий, социологик, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий, педагогик-психологик асосларини, урф-одатлар, анъаналар ва интеллектуал кадриятларнинг миллий ғояни шакллантириш, бойитиш ва халқимизнинг мафкуравий иммунитетини шакллантириш, мустақилликни мустаҳкамлашга қаратилган фаоллигини оширишга бағишланган тадқиқот ишларини мунтазам олиб бориш;

– мафкуралар курашининг жаҳоншумул жараёнини ўрганиш, унинг мониторинги, бу курашнинг умумбашарий ва минтақавий муаммоларини аниқлаш ва амалий, ҳаётий тавсиялар ишлаб чиқиш;

– пайдо бўлаётган мафкуравий таҳдидлар, информацион ҳуружларнинг мақсад-моҳиятини тезкор ўрганиш, уларга қарши курашнинг самарали йўллари ҳақида илмий-назарий, амалий анжуманлар ўтказиш, амалий тавсиялар ишлаб чиқиш шулар жумласидандир.

– Аҳолининг ижтимоий хусусиятлари (маълумоти, ҳудуди, ёши, жинси, касби ва бошқалар)ни ҳисобга олган ҳолда миллий ғоя ва миллий истиқлол мафкурасини шакллантиришнинг самарали йўллари илмий тадқиқ этиш лозим.

Баркамол шахсни шакллантириш ва уни турли таҳдидларга қарши ақлий, гоаявий, мафкуравий тайёрлигини таъминлаш муаммоси илмий тадқиқ этилмоғи керак.

Миллий ғоя халқимиз томонидан қанчалик тўғри, аниқ тушуниб олинса, ҳар ким ўз вазифаларини аниқ-тиниқ билиб олса, ижро ҳам, натижа ҳам шундай аниқ, тиниқ, самарали бўлади. Шу сабабли бу соҳа бўйича олиб борилаётган, олиб бориладиган тадқиқотларда, уларни ташкил қилишда энди қандай янгиликлар бўлади? Умуман миллий ғоямизнинг илмий моҳиятини қандай тушунишимиз керак?

XXI аср одами компьютер билан, интернет билан қуролланди. У ер қуррасининг исталган нуқтасидаги одам билан истаган секундда гаплаша олади; осмонда товушдан тез учаяпти, сувда балиқдан тез сузмокда, ундан тез юрадиган мавжудот йўқ; у сувнинг, ернинг тагида ҳам ишлаяпти, туғилажак фарзанд ўғил ё қиз бўлишини тугилмасдан билади; Ернинг сунъий йўлдошларига боғланган гугурт қутисидек анжом кўзи ожизларга йўл кўрсатиб бораёпти. XX асрда айтилган эртақлар XXI аср болаларини ҳайратлантирмай қўйди; XXI аср болалари эшитаётган, кўраётган эртақлар сюжети учун ер юзи, ҳаёти, мўъжизалари зерикарли бўлиб қолди. Энди инсон қоинот, ўзга сайёралар тўғрисида бадий-фантастик, илмий эртақлар тўқимокда, Марсга училини мўлжал қилиб турибди... Лойиҳа, орзу, эртақ, виртуал воқелик билан ҳаёт орасидаги вақт ҳам, масофа ҳам тобора қисқариб бораёпти. Самолёт, космик ракета, метро, буюк кашфиётлар илм аҳлининг миясидан амалиётга қўчиб, бунёд бўлган.

Буларга сабаб нима? Фанга асосланган технологик тараққиёт. Бунга-чи? Бунга, биринчидан, одамзод ичида олимларнинг борлиги, иккинчидан, олимлар ичида ўзини йўқни яратиш, билмаганини билиш бахтига фидо қилган, тинмай “Бу нега шундай?”, “Мана бундай бўлса қандай бўлади?”, деб ўйловчи, четдан қараганда бир оз ҳаёлпараст, дину дунё билан иши йўқ, илмий гоая ошиқларининг борлигида. Қайси бир миллатда иккинчи тоифага қирувчи олимлар кўп бўлса, давлат, миллат, ҳар бир фуқаро уларни қўллаб-қувватласа, иззатласа, ўша мил-

лат юксалади. Чунки миллат ўз олимларининг жамият, давлат мушуқулини осон қилиш йўлидаги ижтиҳоди боис ҳам маъмур, машхур, озод ва обод бўлади.

Дунёда фанлар, уларнинг йўналишлари кўп. Уларни юзага келтирган сабаб – давлат, жамиятнинг эҳтиёжлари. Беморларни тез ва соз даволаш эҳтиёжи – медицинани, карвонлар йўлини бехатар қилиш эҳтиёжи – география, астрономияни, табиат неъматларидан “сопини ўзидан чиқариб фойдаланиш” физика, химияни, аждодлар ақлидан, тажрибасидан фойдаланиб, хатога йўл қўймаслик эҳтиёжи – тарихни, инсонни шахс сифатида баркамол қилиб тарбиялаш эҳтиёжи – педагогикани, ҳар қандай шароитда исталган ҳосилни олиш эҳтиёжи – агрономияни, терроризм деган инсоният душманини енгиш зарурати – террологияни юзага келтирди. Янги фанлар – космонавтика, кибернетика, молекуляр биология, социобиология, микрофизика, лазер технологиясини ҳам аниқ, тобора мураккаблашадиган эҳтиёжлар юзага келтирди.

Аждодларимиз илмни ибодат даражасида тушунишган, Шундай тушунтиришган. Улар инсоният учун нажот илм эканини таъкидлашган. Нега? Чунки инсоният олдида пайдо бўлувчи ҳар қапдай муаммони – кулф, илм-фанни унинг калити деб айтса, бўлади. Бироқ, шўро даврида “илм”, “фан” деган сўзлар одамларга анча мавҳум, назарий, англаб бўлмайдиган узокдаги нарсаларни англатиб қолди. Ваҳоланки, одам нима иш билан шуғулланса, нимага интилса, эмпирик асосда кеч, илмга суянса эса тез ва соз эриша олади. Эмпирик тажриба, яъни жуда кўп восита, асрлаб вақт сарфлаб ишни оптималлаштириш йўли. Ота-бобомиз нақлидагидек, етти ўлчаб, бир кесиш. Илм эса етти марта ўлчаш учун етти йил кутиш, етти йилни йўқотишнинг олдини олади. Умр, куч, асаб ва воситаларни тежайди. Бошқача қилиб айтганда, етти йил талаб қилинадиган эмпирик натижага илм орқали етти кунда етиб келиш мумкин.

Масалан, моделлаштириш услуби орқали. Демак, фан одамзодни етти йилда етадиган истакларига илм энг ихчам, оптимал, тез ва соз йўлни топиб бериб, етти кунда етказиши мум-

кин. Ҳар бир соҳада. Чунки олам ва одам универсал қонуният ва методология асосида бунёд бўлган. Демак шу қонуният ва методология олам ва одамнинг “сирларини” очиб бераверади.

Бунинг учун ҳар бир соҳа ўзини тадқиқ қиладиган фаннинг ҳулосаларига изчил амал қилиши ҳам керак. Фан кўрсатмаларига риоя қилинмаса-чи? Унда соҳа врач ташҳис қўйиб, белгилаб бериб кетган дориларни емасдан (деразадан ташлаб) «Едим!» деб илжайиб турувчи, кейин тузалмаганига врачни айбдор қилувчи беморга ўхшаб қолади.

Тарихимизда ижтимоий-гуманитар фанлар олдига қандай вазифа юкланган? Буюк боболаримиздан сўрайлик. Келинг, Абу Наср Форобий бизлар учун ёзиб қолдирган «Ихсо ул-улум»ни варақлаймиз. Унда ижтимоий фанларнинг мақсад ва вазифалари ҳақида шундай ёзиб қўйилган: «... Жамоа ҳақидаги билим (ҳозирги ижтимоий билимларга тўғри келади) онгли иш, ҳаракатлар, турмуш йўл-йўриқлари ҳамда одат-малакалар, ахлоқ, характер ва мойиллик хислатларини ўрганади. Чунки онгли иш ҳаракат ва турмуш йўл-йўриқлари ана шулардан ташкил топади. Жамоа ҳақидаги билим яна шу иш-ҳаракатларнинг қандай мақсадга йўналтирилганини, бу (ахлоқ, малакаларнинг) инсонда қайси тартибда юзага келиши, қандай мавжуд бўлиши, уларни бошқариш ҳамда сақлаб қолиш воситаларини ўрганади».

Форобий фикрича, ижтимоий такомилга ва умумий бахт-содатга эришиш илм ва маърифат ёрдамида ҳосил қилинадиган ва эришиладиган юксак интеллектуал ва ахлоқий фазилатларнинг қўлланилиши туфайли амалга оширилади. Бу фикрлар X асрда – Араб халифалиги империяси парчаланиб, аста-секин мустақил давлатлар шаклланаётган, иқтисодий, сиёсий, маънавий, мафкуравий ислохотлар бошланган бир даврда айтилган. Бу бугун биз учун алоҳида қимматга эга. Зеро, диний ақидапарастлик, тақлид тамойили исканжасида ухлаган жамият тафаккурини илм оркали уйғотиш, тирилтириш керак эди. Биз эса ҳозир миллат тафаккурини собиқ коммунистик тафаккур асоратларидан, янги мафкуравий таҳдидлардан ҳимоя қилмоқдамиз. Демак, бундай вазиятда ижтимоий фанлар олдига

қўйиладиган вазифаларни боболаримиздан сўраб, уларнинг ўғитларига амал қилиб, замонавийлаштириб амал қилмоғимиз дуруст бўлади.

Ҳозир дунё миқёсида ижтимоий соҳа (инсон омили иштирок этадиган, жамиятга қаратилган ишлар)даги ислохотлар суръати ва бу ислохотларга қўйилаётган амалий талаблар тез ошиб бормоқда. Демак, жамият, инсонни ўрганувчи, ўзгартирувчи фанлар бу ислохотлардан орқада қолмаслиги, барабар ҳам юрмаслиги, балки олдинда юриши керак. Ана шунда ижтимоий-гуманитар фанлар жамият, ижтимоий соҳада кечаётган жараёнларни нафақат шарҳлайди, балки такомиллаштириб, моделлаштиради, башорат қила боради. Бу билан ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий жараёнларни такомиллаштиришга, демак, Миллий тараққиётга хизмат қилади.

Бунинг учун Ўзбекистон ижтимоий-гуманитар фанлари ўз объекти – Ўзбекистон жамияти тарихи, ҳозир ва келажаги ҳақида объектив билимларга, қонуниятларга таяниб, Озод ва обод, демократик Ўзбекистон жамиятини – Буюк келажакни моделлаштира олиши зарур. Ҳаммамиз кўриб турибмиз, масаланинг биринчи қисми – миллат тарихини ҳолис ўрганиш муваффақиятли амалга оширилмоқда. Энди Форобий бобомиз ўғитларига амал қилган ҳолда жамиятнинг онгли иш, ҳаракатлари, турмуш йўл-йўриқлари ҳамда одат-малакалар, ахлоқ, характер ва мойиллик ҳислатларини, шу иш-ҳаракатларнинг қандай мақсадга йўналтирилганини, бу (ахлоқ, малакаларнинг) қайси тартибда юзага келиб, қандай мавжуд бўлишини ўрганиш, уларни сафарбар қилишни илмий таъминлаш долзарб илмий-амалий вазифамизга айланиб турибди.

Демак, энди ижтимоий-гуманитар фанлар бўйича янги илмий-тадқиқот ишига қўл ураётган олимларимиз ҳам масалага прагматик ёндашишлари лозим. Чунки ҳар бир фанни дунёга келтирган сабабнинг ўзи прагматик моҳиятга эга-да. “Эҳтиёж меҳнатни, меҳнат эса уни енгиллаштирувчи илмларни пайдо қилди” (Бальзак), “Бундан кейин фан кўрсатмаларига амал қилмаган ҳеч бир шахс, муассаса ўзининг обрўсини мустаҳкам сақлаб тура олмайди” (Бертло)

деган фикрларни бежиз айтишмаган экан уламолар. Демак, фан-фан учун эмас, тараққиёт учун хизмат қилиши, «и ш л а ш и», олинган ҳар бир илмий натижа ишлатилиши, фойдаланилиши, хоҳ моддий, хоҳ маънавий – ф о й д а к е л т и р и ш и к е р а к .

Ўзбекистон бугунги кунда ҳам мамлакат ижтимоий ва иқтисодий ривожланишининг мураккаб масалаларини ҳал этишга қодир улкан илмий салоҳиятга эга. Демак, бу салоҳият ишлаган, ишляпти. Энди: миллий ғоя соҳасида олимларимиз эришган натижаларнинг қайси қисми бугун, тез амалиётга жорий қилишга тайёр; бугунги кун иқтисодий-ижтимоий муаммоларини ечишга мослаштирилган; қайси илмий мактабларда нималарга эришил (ма)ган? Маънавий-маърифий ислохотлар амалиёти қандай илмий ечим, тавсияларни кутмоқда? каби саволларни кун тартибига қўйиб, эришилган илмий натижаларни амалиётга қўллаш муаммосини ҳал қилишимиз керак. Чунки маънавий-маърифий соҳанинг самарадорлигини энг оптимал даражага кўтариш йўли бор. Фақат бунинг учун масалани ҳар бир ижтимоий-гуманитар фан ўзига тегишли қисмини ўрганиш, ўзгартиришга махсус тадқиқот даражасида киришиши керак. Ҳар бир соҳа каби бу жабҳага ҳам илмий (яъни аниқ) ёндашилмас экан, муаммо ё ечилмайди, ёки чала ечилади. Айрим ҳисоб-китобларга кўра, барча соҳалардаги ишларни илмий асос (етти ўлчаб, бир кесиш тамойили)га қурилса, самарадорлик ҳозирнинг ўзидаёқ, кўшимча харажатларсиз 30% га ошади. Бунинг учун соҳа, ишлаб чиқариш ҳам ўз ишини шу прагматик тамойил асосида ташкил қилишга тайёр бўлиши, шуни исташи керак. Эскича фикрлаш, ишлаш, “Бизга шуниси – эскичаси ҳам бўлаверади” қабилида ишлаш стереотипи эса бунга қарши туриши мумкин.

Биз – барча соҳаларда бозор иқтисодиётига – умумжаҳон сатҳига кўтарилаётимиз. Демак, фанда ҳам ўтишимиз керак. Демак, соҳа билан фан ҳам илгаригидек буюртма, режа билан эмас, талаб ва таклиф – савол ва жавоб, муаммо-ечим муносабатлари тарзида ривожланиши тақозо қилинади. Бошқача қилиб айтганда, муаммо ечими = истеъмолчи (талаби) + фан(таклифи) асосида, ўзаро фойдали муносабатларга ўтилади.

Режалаштирилган ҳаёт ҳам, фан ҳам ижодийликдан жудо бўлади. Муқобиллик, холис экспертиза бўлмаган жойда сох-талиқ, псевдодолзарблиқ кўкаради. Миллатнинг илмий са-лоҳияти кучсизлашади. Бу эса, ўз навбатида, бизни бошқа мамлакатларга илмий, технологик қарамликка олиб келади. Бундай муносабат, юқорида келтирганимиздек, врач ташхиси билан тавсия этилган дориларни деразадан ташлаб, “ичдим” дейдиган, тузалмаслиги сабабини врачдан кўрадиган беморга ўхшайди. Демак, муаммони (масалан, лоқайдлик феноменини) илмий ўрганмаслик ва оптимал ечим тавсия қила олмаслик – фаннинг ожизлиги. Бу – бир томондан.

Иккинчи томондан, лоқайдликка тез ва соз барҳам беришга қаратилган илмий тавсияларни қабул қилмай, эмпирик: “Маъ-навият бу – мавҳум нарсас. Уни худо хоҳласа, ўзи ўзгарти-ради”, – деб ўзимиз қилишимиз шарт бўлган ишни Аллоҳга юклаб, масъулиятдан қочишимиз мумкин эмас. Бундай эски-ча фикрлаш бизнинг кучли давлатдан кучли жамиятга ўтиш ҳаракатимизга, жамиятни маънавий ва ахлоқий янгилашда нодавлат, жамоатчилик ташкилотларининг ролини сусайти-ришга олиб келади. Чунки илмда ечим кўрсатилса-ю, жорий қилинмаса, илм, илмий тадқиқотларга сарфланган вақт ҳам, маблағлар ҳам увол бўлади

Илмий-тадқиқот фаолияти – инсониятни беморликдан – соғлиққа, билмасликдан – билишга, номаълумдан – маълумга, зарардан – фойдага, саволдан – жавобга, муаммодан – ечимга олиб ўтиш йўллари кидиришдир. Демак, бир илмий-техник дастур маблағ билан таъминландими, демак, кейин шу мавзу, муаммога қайтмаслик керак. Шундай қилиб, ҳар бир соҳани ўрганувчи ва ўзгартирувчи фан вакиллари ўша соҳадаги йўл қўйилиши мумкин бўлган хато, таваккалчиликни минимумга тушириш, ютуқ кафолатини максимумга кўтариш учун маъ-навий жавобгар бўлишлари керак. Ана шунда ҳар бир фан “ишлайди”, тараққиётга хизмат қилади.

Ана шунда ҳар бир соҳа (пахтачилик, таълим-тарбия, меди-цина, банк иши ва ҳ.к.) асабларга эмас, ақлга таяниб, соатдек ишлаб, ҳеч бир зўриқишсиз гуллаб-яшнаб кетади.

Жаҳонда «социал технология», «ижтимоий тарбия», «гуманитар технологиялар» тушунчалари уйғун, кенг тарқалиб, урф бўлди. Социал технология нима? Социал технология бу – ижтимоий тараққиёт олдида турган бирор муаммони ечишда қўлланиладиган метод, усул, таъсир воситаларининг мажмуаси (Р.Поппер). Ижтимоий технология марксизмга қарши майдонга чиққан эди. Енгди. Демак, технологик тамойил фақат консерва, автомобиль ишлаб чиқаришда эмас, балки ҳар бир мавжуд тизимдан мақсадли тизимга ўтишда қўлланилиши керак бўлган тамойил экан. Ижтимоий гуманитар фанлар нуқтаи назаридан буни тарихий, миллий ва умуминсоний қадриятларни уйғунлаштириш асосида маънавий ва ахлоқий янгиланиши такозо қилинаётган жамиятдан шу тамойил асосида янгиланган жамиятга айлантириш технологияси деб аташ ҳам мумкин.

Аниқ фанлар инсоният, жамиятнинг турмушини енгиллаштиришга, тўйдиришга, кийинтиришга, оғирини енгил қилишга хизмат қилади. Ижтимоий-гуманитар фанлар эса инсоният, жамиятнинг миясини, онгини «тўйдиради». Демак, ижтимоий-гуманитар фанлар – маънавий-маърифий сиёсатимизнинг доимо бойиб, янгиланиб турадиган озуқа манбаига айланмоғи керак.

Муқаддас мустақиллигимизни мустаҳкамлашга, бизни бирлаштириш, маънан бойитишга хизмат қилувчи, дунёда кечаётган маънавий жараёнларни тушуниш, тўғри таҳлил ва талқин қилиш, мустақил ҳулосалар чиқариб, амал қилиш миллатнинг интеллектуал қудратини оширади. Интеллектуал қудрат тараққиётимизнинг Инсон омилини кучайтиради, фаоллаштиради. Демак, «Кучли давлатдан кучли жамиятга ўтиш» масаласи ижтимоий-гуманитар фанларга ва улар орқали шу соҳа олимларининг ҳам касбий, ҳам миллий бурчлари экан.

«Миллий ғояни халқимиз онги ва қалбига сингдириш, ҳаёт ва фаолиятининг амалий ҳаракатларига айлантириш» деган мавзуда замонавий ижтимоий тарбиявий технология яратиш ва унинг самарадорлигига эришиш мумкинми? Албатта.

Маълумки, ҳар бир иш аввало тафаккурда, назарияда лойиҳаланади, моделлаштирилади, ундан кейин уни жорий қи-

лишга киришилади. Замонавий ижтимоий тарбия XXI асрда кечаяпти. Демак, жамият, инсон, ёшларни тарбияловчи омиллар ҳам XXI асрдан олиними керак. XVI аср усуллари – насихат бугунги ҳаёт суръати билан яшаётган ёшларга таъсир қилмайди. Насихат самарали таъсир қилиши учун насихат етакчилик қилган маданият қатламини XVI асрдан XXI га олиб келиш керак. Ёки XXI аср маданий, маънавий муҳитни XVI асрга олиб ўтиш керак. Бироқ иккаласининг ҳам иложи йўқ.

Президентимиз Ислом Каримовнинг қуйидаги сўзларини эслайлик: *“Маънавият тарбиясининг энг таъсирчан қуроли экан, ундан оқилона фойдаланиш, болаларимизни ватанпарварлик, ростгўйлик, ҳақсеварликка ўргатиш керак бўлади”*.

Матн парчасидаги ўргатиш сўзига бежиз урғу бермадик. Чунки болага бир нарсани ўргатиш у билан якка-якка ишлашни, демак, кўп вақт ва меҳнат, эътибор, ҳафсала талаб қилади. Ҳар бир ишнинг натижасини кўриб, кузатиб, текшириш, баҳолаш мумкин ва зарур. Ватанпарварликни ҳам.

Агарда биз болаларимиздан ватанпарварлик ҳақидаги ривоят гапларни эшитмоқчи бўлсак (мақсадни шундай қўйсак), уларга ватанпарварлик ҳақида эртак, ривоятлар, яхши гапларни гапиришимиз кифоя. Агар биз ёшларимизда ватанпарварликни уларнинг кундалик ҳаётида ёшига мос намуналарни кўришини истасак, бу ишга бошқача ёндашувимиз керак бўлади. Президентимиз ифодалаган ёндашув – тамойилни яна такрорлаймиз: “Ватанпарварликни ўргатиш керак”.

Афсус, биз баъзи ҳолларда болаларимизга ватанпарварлик ҳақида гапиришни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш деб ўйлаяпмиз. «Ҳозир бўлмаса, Худо хоҳласа, яхши бўлади», деяпмиз. Тўғри, ватанпарварлик ҳақида ривоятлар, тушунтиришлар керак. Лекин бу (агарда тушунтириш, ривоятлардан фойдаланиш юксак педагогик-психологик талаблар асосида ташкил қилинса) ватанпарварлик тарбияси тушунчасининг тахминан 30%ини ташкил этади. Чунки тарбия тарихининг романтик босқичи ўтди, технологик босқичи бошланди.

Ҳозир болаларга таъсир кўрсатаётган тарбиявий омиллар бундан 10, 30, 70, 100 йил олдингиларидан мутлақо фарқ қи-

лади. Муаммонинг ечими Юртбошимиз айтган универсал тамойил – ў р г а т и ш г а амал қилишда. Яъни ёшларимизни фидойиликка, ватанпарварликка, тадбиркорликка, миллатпарварликка, садоқатга ўргатиш йўлга қўйилиши керак (янги фан – социобиология ютуқлари ҳам инсон дунёга тайёр хулқ-атвор дастури, кодлари билан туғилмаслигини, инсоний фазилатлар, хулқ-атвор меъёрлари ижтимоий ҳаёт, тарбия орқали орттирилишини исботлади (Ч.Уилсон, Ч.Ламзден). Қолаверса, ислом таълимоти ҳам одам яхши ё ёмон бўлиб туғилмаслигини эътироф этади).

Демак, ёш ўзбекистонликларни дунёнинг энг ўткир, фаол, уддабурон, ватанпарвар ёшларига айлантириш ё айлантирмаслик ўзимизга боғлиқ. Биз уларни энг сўнгги билимлар билан қуроллантирмоққа ҳаракат қиляпмиз. Энди ана шу шиддат билан уларни тарбиялашнинг янги тамойили – Шахс, Давлат, миллат манфаатлари учун энг муҳим фазилатларни ўргатиш технологиясини яратишимиз керак. Чунки билим масаллик бўлса, фазилат оловдир. Оловсиз овқат пишмаганидек, ёниқ қалб, ирода, руҳ кучли бўлмаса, бор билимни ҳам рўёбга чиқариб, ундан фойдаланиб бўлмайди.

Ёшларимизда ҳозир қандай инсоний сифатлар етакчилик қилмоқда, деган холис саволга жавоблар ўзига хос диагностика сифатида бизни қаерда, нимага, нега эътиборни кучайтиришимиз кераклигини, устувор фазилатлар ҳолатини кўрсатиб беради. “Фидокорлик ҳақида гапириш” – “Фидокорликка ўргатиш” билан алмашади. Фарқи:

Ҳа, айнан ўргатиш. Бугун давлат манфаатлари устуворлиги ҳар бир олимдан ўз фанини ривожлантириш, уни оқсаётган муаммолар ҳақида куйинишни талаб қилмоқда. Ҳар бир фан вакили ўз фанидаги муаммоларни яхши билади. Уни айтмаслик, тугатишга уринмаслик лоқайдлик бўлади. Олимнинг лоқайдлиги маънавий жиноятдир.

Биз бозор иқтисодиёти шароитида яшаяпмиз. Ҳозир давлатимизга олимнинг «умуман билимлари» эмас, тараққиёти-миз учун ярайдиган, зарур, фойда келтирувчи янги билимлари керак. Шу боис энди давлат, жамиятга фойдаси йўқ, эски би-

лимга қурилган дастурлар танловда ютиб чиқа олмайди. Чунки бир алломанинг сўзлари билан айтганда, «сизнинг илмингиз бефойда бўлмаслиги учун ҳар бир фикр, қонданинг тагига ундан қандай фойдаланиш кераклигини ёзиб қўйишни» (Леонардо да Винчи) унутмаслик сўралади. Зеро, Фан Ўзбекистон тараққиётига хизмат қилиши, фойда келтириши керак. Бу – прагматизм. Бу – бозор иқтисодиёти таомили. Бу – тараққиётнинг интеллектуал энергияси. Бошқача қилиб айтсак, илмий асосга қурилган ҳар қандай фаолият, ишнинг юксак самарадорлигини 100% га яқинроқ кафолатлаш мумкин. Бунинг учун илмий-тадқиқот фаолиятини такомиллаштириш керак. Шод бўлайлик, Ўзбекистонимиз шу йўлдан бораётти.

Республикамиздаги маънавий-маърифий ишлар илмий тадқиқотлар натижалари билан озикланиши керак. Бу – сиз ижтимоий-гуманитар фанлар – истеъмолчисиз, маънавият ва маърифат тизими эса – озуқасиз қолган бўлур эди. Чунки маънавият ва маърифат тизими миллатимизнинг илмий билимларини ошира боришни ҳам кўзда тутди. Бу жамиятнинг умуминтеллектуал савияси (тарих, фалсафа, мусиқа, сиёсат, адабиёт, менежмент ва бошқа билимлари)ни оширади. Бошқача қилиб айтганда, ҳар бир ўрта арифметик француз, немис, америкалик, япон билган умумий билимларни ҳар бир ўзбек ҳам билиши керак. Демак, маърифат (интеллектуал тарғибот) халқни мактаб, институт, университетдан кейин ҳам узлуксиз ўз устида ишлашига, замонавий билимлардан хабардор бўлиб боришига хизмат қилади. Чунки билимли жамиятгина кучли жамият бўла олади.

Айниқса, миллий тарих, ҳозир ва Буюк келажагимиз ҳақидаги билим, тушунча, тасаввурларнинг бир хил тушунтирилиши шу масалада умуммиллий бирликни ҳосил қилади. Бу бирлик билимлар, туйғуларга, уларга таянувчи фидокорликнинг бутун Ўзбекистонда – Шаҳрисабзу Хўжайли, Фарғонаю Жиззах, Когону Олтиариқда бир хил намоён бўлишига олиб келади.

Янги хулқ-атвор, одатлар ҳеч қачон бирданига ўз-ўзидан урф бўлиб кетмаган. Яъни улар дастлаб қатъият билан асослаб

киритилади, кейин жамият бунга кўникади, сўнгра одатга, ундан кейин эса эъзозли миллий қадриятга – ғазилатга айланади. Диний ибодатлар, японларнинг «Сиккари» аънанаси, ёки немисларнинг аниқлик, ўзбеклардаги меҳмондўстлик ва бошқа одатлари ҳам қотиб қолган нарсалар эмас – ўзгариб боради. Демак, бир томондан, миллий ғоя мавжуд урф-одатларимизга сингдира борилиши керак (социал технология ҳақидаги гапимизни эслайлик); иккинчи томондан, мутлақо янги – замонавий, миллий ғоя асосига қурилган урф-одатларни илмий асослаб, янги, замонавий, бунёдкор хулқ-атвор меъёрларини, ритуал, муносабат шакллари, мақолларни яратиш керак. Бу тажриба мутараққий мамлакатлар тарихида кузатилган.

Масалан, бир йигитнинг кўйлагидаги ёзувни ҳар куни юзлаб киши кўради. Кўраёписизми, бир донга чиройли кўйлакнинг ўзидан жамиятни маънавий ва ахлоқий янгилашнинг ижтимоий технологик восита сифатида қанчалик самарали фойдаланиш мумкин экан.

Соғлиқни сақлаш, пахтачилик, матбуот, чорвачилик, ирригация, шаҳар транспорти, ободонлаштириш, сигир сути, кўй жуни миқдори ва сифатини ошириш; Ватанга муҳаббатни кучайтириш; ОИТС, раққи даволаш; ҳушёр ва интизомли миллатни яратиш; душманни енгиш; кам харажат қилиб, кўп даромад олиш, телеконкурс, реклама, бизнес – ҳамма-ҳаммасининг муваффақият калити фанда бор, уларни ишлатиш керак. Бунинг учун ёш олимларимиз ана шу калитларни қидиришдан эринмасликлари, тинмасликлари керак ва шундай ёшларимиз бор.

### **Спорт, ёшлар ва миллат руҳияти**

Спортга бунчалик эътибор миллатимиз тарихида икки марта кузатилмоқда: Биринчиси – Амир Темур салтанати юксалишининг бошида; иккинчиси – ўзбек давлатчилиги мустақиллигининг бошида. Демак, ҳатто спорт масаласида ҳам биз бировлардан нусха олаётганимиз йўқ, ота-боболарнинг миллий тажрибасини модернизациялаштириб, тикляпмиз.

Болалар спорти Юртбошимизнинг оталарча гамхўрлиги остида қулоч ёймоқда. Чунки Ўзбекистон ўзининг бахти-

ни фарзандлари соғлигида кўради. Мустақил ватанимизнинг биринчи ордени “Соғлом авлод учун” деб аталгани, “Соғлом авлод учун” халқаро жамғармасининг тузилиши, қолаверса, 2000 йилнинг мамлакатимизда “Соғлом авлод йили” деб эълон қилинганлиги буни яққол кўрсатиб туради.

“Соғлом авлод деганда нимани тасаввур қилиш керак?” деган саволни ўртага ташлар экан, Президентимиз бунга жавобни шундай ифодалайдилар: *“Соғлом авлод деганда, шахсан мен, энг аввало, соғлом насли, нафақат жисмонан бақувват, шу билан бирга, руҳи, фикри соғлом, иймон-эътиқоди бутун, билимли, маънавияти юксак, мард ва жасур, ватанпарвар авлодни тушунаман. Буюк давлатни фақат соғлом миллат, соғлом авлодгина қура олади”*. Ўйлаб қаралса, бунинг қат-қат ҳикмати очилаверади:

Биринчидан – спорт билан шуғулланган йигит-қизлар ҳисобига миллатимизда ростгўй, ҳалол, гирромликка қарши турувчи, душманга қирон келтирувчи йигит-қизлар кўпаяверади.

Иккинчидан – болалар, фуқароларнинг бекор вақти фойдали вақтга айланади.

Учинчидан – спорт билан шуғулланиш ёшларимизнинг кўзи, қулоғи орқали мияга ўрмалаб кирмоқчи бўлиб гир айланаётган ёт гоялар, информацион хуружларга вақт қолдирмайди. Демак, спорт, айниқса, ёшларнинг бўш вақтини зарарли вақтга айланишидан ҳимоя қилади. Бу галаба спорт бўйича олиб борилаётган сиёсатимизнинг навбатдаги тантанаси бўлди.

– Спорт йигит-қизларни бахтли бўлишга ўргатади, (демак, бахтли қилади). Қандай қилиб? У одамни ўзи севган соҳасида муттасил машқ қилиб, чиникиб, қийналиб, аниқ мақсадга эришишни ўргатади. Чунки қийналмаган одам бахтни ҳис қила олмайди. Чунки бахт қозонилган ғалабадан кейин келади. Демак, бахтнинг формуласини «мақсад – машқ – қийналиб чиникиш – енгилишлар – ғалаба – БАХТ» деб тузсак бўладиганга ўхшайди. Бу формулани фан, қишлоқ хўжалиги, бизнес, компьютер технологиялари, журналистика – истаган соҳага қўллаш мумкин. Буни спортда Рустам Қосимжонов, Александр Дохтурашвили, санъатда Севара Назархон ва бошқалар тас-

дикласалар керак.. Уларнинг биографияларида энг кўп учрайдиган воқеалар – мақсадга интилиш, тўсикларни енгиб ўтиш, кураш билан боғлиқ бўлса керак.

Яна бир гап. Бир соҳада матонат кўрсатган киши уни ҳамма соҳага қўллайди. Матонатли одамлари қанча кўп бўлса, уларни кўраётган миллатда ҳам матонатга мойиллик (ўзи билмаган ҳолда) орта боради. Чунки спорт галаба руҳини, галаба учун кураш руҳини мухлисларига юктиради. Демак, спорт бу фақат мускул техникасининг эмас, балки ғоя, фикр массажи ҳамдир.

Спортчи танишларингиз бор. Уларнинг характерларини бир умумлаштириб кўринг-да. Улар оптимист. Характери, гапи, сўзи танти. Қийинчиликларга муносабати бошқача. Ғолибларникидай. Фикрлари олға кўтарилган қадамдек шахдам. Улар муаммолардан нолишмайди, аксинча, уларни ҳал қилдилар. Чунки шунга қодир рух, қудрат, иродани улар спортдан олишган. Бир оз қайсарлик қилсалар, ранжиманг. Бу – улардаги мустақил фикр, қарашнинг очиқ, содда, ҳалол ифодаси. Спортчилар “Ҳа” дедими, шу ишни охирига етказди. “Йўқ” дедими, шу ишни қилмайди. Спортчига курашда ҳеч ким ёрдам бермайди. У ўз ҳаққи, солимини ўзи ўз қўллари билан, кучаниб, тортишиб олади. Ўз бахтини ўзи яратади.

Шунинг учун спорт билан шуғулланган одамлардан номард чикмайди. Улар иш, кураш одамлари. Хушомадда ғирромлик бор. Полвон кирган жойдан ғирромлик қочади. Шунинг учун босқинчилар, мустамлакачилар ўзбек полвонларини ёмон кўришган. Ана шунинг учун ҳам, биз “кураш” деган сўзни икки маънода ишлатамиз: биринчиси – икки спортчининг беллашуви бўлса, иккинчиси – рамзий, “ўзбекларнинг дунёдаги юксак макоми, ўрни учун кураш” деб тушунсак, мақсадга етишимиз тезлашади.

Европа технократлашган ҳаётдан зерика бошлади. У Шарқнинг инсоний асосдаги турмуш тарзига, санъат, мусика, фалсафаси, анъаналарига қизиқиши орта бормоқда. Дарвоқе, жаҳон ўзбек курашини нега севиб қолди?

Чунки кураш бошқа, тушунчалари технократлашган кураш турларидан инсоний тушунчаларга қурилганлиги билан инсон зотига иссиқроқ, яқинроқ. Бошқаларида икки робот, “ку-

рашувчи аппарат” курашса, ўзбек курашида икки инсон, икки полвон беллашади. Бошқаларда бошқалардан ишлатган усули учун баҳо берилса, курашда тантилиқ, мардлиқ, “ҳалол”, “чала” деб баҳоланади. Бирида баҳолар рақамлар билан берилса, курашда маънавий-ахлоқий тушунчалар билан баҳоланади: ҳалол, чала ва ҳ.к. Жуда оз вақт қолди: Европа ўзбекнинг инсонпарвар спорт анъаналарини ўрганишга ружу қўяди... Япон педагоглари ўз фарзандларини ўта компьютерлашиб, ҳаракатсизликдан соғлиқларини йўқотаётганликларини кўриб, чора қидира бошладилар. Ёш японлар соғлигини сақлаб қолиш даъвосини қидириб-қидириб... Ўзбекистондан топдилар. Қишлоқдаги болаларимиз “замонавий эмас” деб ўйнамай қўйган ҳаракатли ўйинларни ўрганиб, тўплаб олиб кетиб, ўзларининг суперзамонавий болаларига ўргатмоқдалар. Чунки болаларни спорт билан шуғулланишга мажбур қилиб бўлмайди. Замонавий спорт ўйинларида эса инсоний руҳ, жозиба, завқ камлиги учун, болалар қизиқмаётган эмиш. Буларнинг бариси инсоний руҳ, жозиба, завқ ўзбек миллий спорт ўйинларида бор эмиш.

### **Япон педагогларининг фикри**

Ватан, халқ шуҳратини дунёга тараннум этишда, ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашда спортнинг ўрни бекиёсдир.

Соғлом, билимли ва фидойи фарзандлари бўлган халқ албатта ўзининг буюк келажагини барпо этади. Шунинг учун жисмоний тарбия ва спортнинг оммавийлигини таъминлаш, уни ривожлантириш баркамол шахсни тарбиялашнинг муҳим шартидир.

Асрлар мобайнида шаклланган, авлоддан авлодга бебаҳо мерос сифатида ўтиб келаётган урф-одат, маросим ва байрамлар ҳам миллий мафқуранинг асосий ғояларини сингдиришда муҳим омил бўлади. Хусусан, Мустақиллик, Наврўз, Ўқитувчилар ва мураббийлар, Хотира ва қадрлаш куни каби янги байрам ва маросимларимиздан жамият ҳаётига замонавий мазмун бахш этиш йўлида оқилона фойдаланиш зарур. Бугунги кунда урф-одат ва анъаналаримизнинг жамиятни бирлаштирувчи хусусиятларидан янада тўлиқроқ фойдаланиш лозим.

## Анъаналар – миллий тарбия омили

Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессиясида сўзлаган «Ватанимизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги ўз куч-қудратимизга, халқимизнинг ҳамжиҳатлиги ва букилмас иродасига боғлиқ» деб номланган маърузасида «Мамлакатимизни демократик тамойиллар, илм-фан ютуқлари, юксак технологиялар асосида модернизация қилиш билан бирга, муқаддас динимизни, миллий ўзлигимизни асраб-авайлаб яшашни мақсад қилиб қўйганмиз. Бу эзгу мақсадларни рўёбга чиқариш учун юртимизда мавжуд бўлган салоҳият ва бойликларни ишга солиш, улардан оқилона фойдаланиш, аввало, ўз куч ва имкониятимизга, ота-боболаримиздан қолган бебаҳо мерос, миллий урф-одат ва анъаналарга суяниш, қадриятларимизни тиклаш, бир-биримизга елкадош бўлиш эҳтиёжини халқимиз бугун ҳар томонлама тушуниб етди. Айни вақтда умумбашарий ютуқларни ўзлаштириш, ёш авлодни шу асосда тарбиялаш, дўстни ғанимдан ажратиш, бизга қўл узатаётган хайрихоҳ шериклар билан ҳамкорликда эртанги кунимизни кўриш, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллашга қаратилган олий мақсадларимиз ҳақида бугун ортиқча тарғибот олиб боришга ҳожат йўқ, деб ўйлайман» деди.

Шунинг билан бирга, маънавият ва маърифат аҳли, зиёлилар зиммасига қатор вазифалар юкланди. Жумладан, Ўзбекистонда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталикни, жамиятимиздаги бунёдкорлик муҳитини, бугун биз барпо этаётган фаровон ва осуда ҳаётни бузиш, тобора кучга қираётган давлатимизни агдариш, танлаган йўлимиздан қайтаришни истаётган ғанимларнинг асл башараси, мақсад-муддаолари фош қилиб ташланди. Айни вақтда тажовуз ва террорчилик хуружларининг олдини олиш, уларнинг мафкуравий заминини йўқотиш ва аввало, ёшларимизнинг қалби ва онги, соғлом тафаккури учун курашни тақозо этаётганлиги ҳар томонлама асослаб берилди.

Маърузада, ҳозирги кунда, диний экстремизм мафкурасига, кўпуровчилик, террорчиликка қарши курашдаги асосий

вазифа – аҳоли ўртасида, айниқса, ёшлар билан олиб бориладиган тарғибот-ташвиқот ва тарбиявий ишларни изчил, чуқур ўйланган тизим асосида ташкил этиш ва уларнинг таъсирчанлигини кескин кучайтиришни бугун бошимиздан кечираётган ҳаётнинг ўзи тақозо этаётганлиги алоҳида таъкидланди.

Бошқа халқлар қатори ўзбекларда ҳам шундай анъаналар борки, уларни тиклаш, бойитиш, замонавийлаштириш, маънавий-маърифий ишлар билан уйғунлаштириш мамлакат ижтимоий маданий ҳаётини маънан бойитишга самарали хизмат қила олади. Чунки, ҳар бир ёш йигит-қизнинг ўз халқи анъаналарини яхши билиши орқалн давлат, халқ, миллатимизнинг тарихига, келажагига дахлдорлик эшиги очилади.

Миллий анъана, урф-одатлар – миллий дунёқараш манбаи ҳамдир. Азалдан ҳар бир авлод ўз ота-оналаридан дунёқарашни ўзлаштириб, ўз дунёқарашига айлантирган ва шу асосда фарзандлари дунёқарашини шакллантириб, мерос тарзида узатиб келдилар. Анъаналарнинг миллийлиги туфайли авлодлар орасида ҳамфикрлилик, ўзаро ишонч, иззат, мақсад бирлиги, самимийлик тантана қилар эди.

Ўзбекистон биз учун нафақат ҳудудий маънода Ватан, балки ўзбекона урф-одатлар, анъаналар ватани ҳамдир. Шу сабабли биз ўз давлатчилигимиз, тилимиз, маънавиятимиз, тарихимиз, истиқболимиз, миллий давлатимизнинг гуллаб-яшнашидан, урф-одатларимиз, бунёдкор ўзбекчиликнинг тикланишидан манфаатдормиз. Бу қадриятлар мустақил давлатимизда маънавият соҳасидаги сиёсатимизда ўз тақомилини топомқда.

Ҳозирги замонда юз бераётган глобаллашув жараёни ва уни одамларнинг онги ва кайфиятига бўлган таъсири комил инсонни тарбиялаш билан боғлиқ масалаларга янгича ёндашишни тақозо этмоқда. Бунда ўзлигимизни йўқотмаслигимиз, ўзбек халқининг миллий руҳиятини нафақат сақлаб қолишимиз, балки янада кучайтиришимиз даркор.

Миллий анъана, маросим ва одатлар ўз моҳияти билан инсон руҳига, маънавияти, мафқурасига бевосита, норасмий, амалий таъсир кўрсатиши билан алоҳида тарбиявий аҳамиятга эга.

Анъана, урф-одат қандай пайдо бўлади? Одамларни бирлаштириш билан. Демак, одамларни бир-бирига яқинлаштирувчи, бирлаштирувчи урф-одатлар прогрессив, бунёдкор урф-одатлардир. Одамларни боқимандаликка тортувчи (масалан, «Бизга бўлаверади» деб қараш), бир-биридан фарқини бўрттириб кўрсатувчи, бўлиб ташловчи, кўпчиликка зарар келтирувчи урф-одатларни – ёмон урф-одатлар деб айтса бўлади. Шу боис салбий одатлар, дабдабабозликларнинг танқидига қаратилган маърифий ишларни кучайтиришимиз керак.

Тараққиётнинг янги манзиллари белгилаб олинганида янги анъаналар ҳам пайдо бўла боради. Бугунги илмий-технологик тараққиёт бизга ўз талаблари, жумладан, вақт ва маблағни бекорга совурмасликни, турмушимизни бугун кечагидан, эртага бугунгидан яхшироқ қилишга қаратишни талаб қилмоқда. Тараққиёт талаби – шу. Агарда биз буни инкор қилиб, дабдабага ружу қўйсак, исрофгарчилик қилсак, болаларимизга билим ўрнига пул беришни маъқул кўрсак, янглишамиз. Чунки маърифатли миллатлар ўз фарзандларини билим билан қуроллантириб, жуда тез ривожланмоқда. Улардан ўтиб кетишимиз учун ана шу мақсадимизга хизмат қилувчи анъаналаримизни тиклашимиз, янгиларини ижод қилишимиз керак.

Оддийгина ҳашарни олайлик. Айрим «инсон ҳуқуқи ҳимоячилари» буни ёшлар меҳнатини эксплуатация қилиш, деб айюҳаннос соладилар. Шох-шаббаларни, темир-терсақларни териш, ер ағдариш, тошларни териш, белгиланган жойга элтиб ташлаш, дарахтларнинг қуриган шохларини кесиш каби юмушлар тарбиявий мақсад билан бойитилса, биргина ҳашар ёшларга ўзларининг оила, маҳалла, Ватан олдидаги бурчларини меҳнат билан оқлаётганликларини амалда ҳис қилишларига олиб келади. Натижада, битта ҳашардан икки хил самарага – ҳам ободонликка, ҳам маънавий ўсишга эришилади.

Миллий бирлик, қадрият ва анъаналар илгари коммунистларнинг ўтақасини ёрган бўлса, ҳозир диний экстремистларнинг ёвуз ниятларига ҳамда «инсон ҳуқуқлари ҳимоячилари»нинг ўзбекона қадриятларимизни камситиб, ўз қадриятларини сингдиришига қарши қалқон вазифасини бажармоқда.

Ўзлигига таянган миллатлар жаҳоннинг энг пешқадам давлатларини яратдилар. Улар ҳам биздек ўз миллий ғурурларига таянган эдилар. Бунга мисол қилиб, бир донишманднинг: «Бизнинг энг катта бойлигимиз бу миллий ғуруримиздир. Шундай экан, келинг, ана шундай олий қадрият ила келажакка қарайлик», деган даъватини эслаш мумкин.

Шўролар даврида Лениннинг «Агар социализм ишчини ўз миллатидан ажратиб олиб, уни тўла ўз сафига оғдира олса, у ғалаба қилди, деяверинг... Агарда ишчини миллат деган организм билан боғловчи қилдек бўлса-да, торлар сакланиб қолар экан, халқаро социализм ғалаба қила олмайди», деган бир машғум васияти бор эди. Ана шу «васият»га кўра ҳар бир кишини ўз миллатидан ажратиб олиш – халқаро социализм ғалабасининг ҳаёт-мамонт масаласига айлантирилди. Миллий қадриятларимизга қарши уруш очилди. Бунинг жароҳатларини даволаш қанчалик қийин бўлаётганини кўриб турибмиз. Кеча коммунистик мафкура миллий ўзликни англатувчи ҳамма нарсага қарши курашган бўлса, бугун бу ишни янгидан-янги бузғунчи ғоялар давом эттирмоқдалар.

Терроризм мафкурасига қарши кураш маънавий-маърифий ишларимиз кун тартибининг биринчи масаласига айланди. Ўзимиздан чиқиб, ўзимизга қўл кўтарган кимсалар, энг аввало, ўзлигини йўқотган, «Биз киммиз?» деган саволга жавоб топа олмаган гумроҳлардир.

Терроризм ўз-ўзидан, бирданига кириб келмайди. Аввало унинг мафкураси, мафкурачилари кириб келади. Мафкураси бўш, чаласавод, жоҳил кимсаларни топиб, «Мен – ўзбекман!», «Биз – жаҳон маданияти, маърифатига буюк ҳиссалар қўшган миллатлардан биримиз!» деган жавобларини бузади.

Улар бизнинг асрий, ўзбекона анъаналаримиздан оловдан кўрққан ҳайвондек кўрқади. Чунки урф-одат ва анъаналаримиз ҳар бир ўзбекка «Биз киммиз?» деган ички саволга буюк тарихимиздан яққол жавобларни кўрсатади. Биз бир миллат вакиллари, бир мероснинг ворислари, бир келажакнинг қурувчилари эканлигимизни эслатиб, бу бирликка куч беради. Миллий анъаналар терроризм мафкурасига қарши қурол билан эмас, ғоя билан курашишда ноёб восита бўлади.

Ғарбнинг ҳалол, холис сиёсатшунос олимлари Ўзбекистонда либерал исломнинг ноёб намунасини кўриб, уни бутун ислом оламига тарғиб қилишни таклиф қилмоқдалар. Улар Ўзбекистонда бағрикенг (толерант) ислом динини қўллаб-қувватлаш, барча динларни тенг кўриш, диний таълимни ривожлантиришга қаратилган саъй-ҳаракатларга холис баҳо берган. Анъанавий (яъни ҳозир Ўзбекистондаги) исломга хос бағрикенгликни чет элларда кўпчилик билмаслигини афсусланиб сўзлаган. Ислом динининг Ўзбекистондаги, яъни демократия билан уйғун моделини Марказий Осиёнинг барча республикалари учун, ҳатто ислом дунёсининг бошқа мамлакатларига ҳам тарғиб қилиш мумкин, деган тавсияларини берган.

Инсоният – миллатлардан ташкил топади. Жаҳонда 4500 дан ортиқ миллат ва элат бўлса, бу 4500 хил маданият, урф-одат, анъаналар демакдир. Демократия уларнинг ҳаммасини бир хил рангга бўяб, анъаналарини қуришиб, кимгадир ёққан урф-одатларни жорий қилишга эмас, аксинча, шу ранг-барангликни сақлаб қолиш, бойитишга хизмат қилади.

Бироқ, баъзи «инсон ҳуқуқлари ҳимоячилари» миллий қадриятларимизга умуминсоний қадриятларни қарама-қарши қўйиб, ёлгон хулосалар чиқариб, одамларнинг фикрларини чалғитишга уринмоқда. Бунинг мантиққа зидлиги ўз-ўзидан кўриниб туради. Миллатларсиз инсоният мавжуд бўла оладими? Асло. Инсониятни бир организм деб тасаввур қилсак, унинг бир қисмини бутунга – организмга қарши қўйиб бўлмайди. Қарши қўйилса, бу инсоният организмда ўзига хос «рак ўсмаси»нинг ҳосил бўлишига сабаб бўлади.

Бизнинг имкониятларимиз диний экстремизм мафкурасиникидан 10-100 карра кўп. Ёшларимиз узлуксиз таълим-тарбия тизими билан қамраб олинган, кўплаб жамоатчилик ташкилотларимиз бор. Бироқ улардан тўла фойдаланмаяпмиз. Шунинг учун ҳам, айрим ёшларимиз чаласавод мулаларнинг ёт ғоялари таъсирига тушиб қолмоқда. Биз тарғибот-ташвиқотда расмийчиликка, тадбирбозликка чек қўйишимиз керак. Шунинг доим ёдимизда тутишимиз керакки, баландпарвоз, чиройли сўзлар, қуруқ маърузалар ҳар қандай ғояни обрўсизлантиради. Ёшлар билан тенг

мулоқотга киришиш, уларнинг қалбларига халқчиллик билан, самимият билан кириш, қаноатлантириш, миллий истиқлол ғояси ташвиқотини жанговар даражага кўтариш керак.

Илмий хулосаларга кўра, одамнинг хотирасида 90% ҳолда ўзи бажарган иш, 50% ҳолда кўргани ва 10% ҳолда эшитгани сақланиб қолади. Демак, ёшларни биз истаётган фаолият турига жалб қилиш, ғоявий тарбияда кўпроқ кўргазмалиликка, ундан ҳам кўпроқ ёшларнинг ўзлари бевосита иштирок этадиган амалий мафкуравий ишларга жалб қилишимиз керак.

Шу ўринда атоқли олим Жон Леббокнинг «Миллатнинг ҳақиқий шарафи ҳудудининг бепоеълигида ҳам, ерининг унумдорлигида ҳам, табиатнинг гўзаллигида ҳам эмас, балки халқнинг ахлоқий, ғоявий ва ахлоқий баркамоллигига боғлиқ» деган сўзлари ёдга келади.

Азалдан бирор халқ ўз ҳаётида тарихий ўзгариш яшашига қарор қилар экан, унинг аъзолари орасидаги ўзаро ғоявий бирлик, маслақдошликни таъминлаш масаласи биринчи ўринга кўтарилган. «Миллий истиқлол ғояси, асосий тушунча ва тамойиллар» рисоласи ўзида мужассам қилган мақсад, моҳият бунинг яққол мисолидир. Унда жамиятни бирлаштирувчи, ватандошларни бир-бирига пайванд қилувчи умумий идеалларимиз ўзини намоиш қилди. Айниқса, ҳозир, ўтиш даврида халқимиз, ёшларимиз онги ва қалбига киришга чиранаётган бузғунчи ғоялардан огоҳлантириш, асраш, ҳимоя қилиш ҳаводек зарурдир. Зеро, ёт кучларнинг мақсад-муддаолари бизнинг бунёдкор ғояларимизга зид – жамиятда ғоявий кутбланиш, бўлинишни ҳосил қилиш, бўлинган қисмларни бир-бирига қарши қўйиш, миллатни пароканда қилиб, ўз измига бўйсундириш, бу йўлда ҳар қандай қабиҳликлардан фойдаланиб қолмоқдир. Агарда биз уларнинг бу қора ниятларига умуммиллий, метиндек мустаҳкам ғоявий бирликни қарши қўя олмасак, бу келажаги буюк Ўзбекистон сари қилаётган саъй-ҳаракатимиз йўлида катта тўсиқ бўлиши аниқ.

Атрофимизда мафкураси мустаҳкам ватандошларимиз кўп. Уларга одамларнинг ихлоси баланд. Ҳар кимнинг уларга янада яқинлашгиси, суянгиси, бундай кишиларни қўллаб-қувват-

лагиси келади. Демак, атрофдагиларни, ёшларни ғоявий бирлаштириш учун бугунги кунда фақат назарий билимлар кифоя бўлмасдан, балки ана шу билимларни кучли характер билан омухта қила олиш ҳам керак экан. Миллий ва хорижий мумтоз адабиёт, тарих саҳифаларига мурожаат қилайлик: Англия тарихининг турли даврларида яшаган, миллатга хизмат қилган иқтидорли ва кучли характерли алломалар ўз ҳаётлари мисолида кўпқиррали инглиз миллий характерининг шаклланишига улкан таъсир кўрсатганлар.

Миллатнинг юраги тез ура бошлаган онларда улуғ аждодлар ватандошлар хотирасида қад ростлаб, янги авлодларга, улар амалга ошираётган бунёдкор ишларга гўё қараб тургандек, кузатаётгандек бўлади. Халқлар тарихий бурилиш паллаларида ана шу нигоҳларни ўзларида туйиб, мамлакат, Ватан, миллат учун хоҳ жанг, хоҳ меҳнат майдонида бўлсин – мардлик, жасорат кўрсатишган. Миллатимиз бахти шундаки, бизда ҳам дунё тамаддунига муносиб ҳисса қўшган, сиёсий ақлидрок билан комусий билимдонликни ўзида мужассам этган буюк арбоблар кўп бўлган ва ҳозир ҳам бор.

Бирор нарсанинг бир қисмига хос хусусият шу нарсанинг ўзига ҳам хосдир, дейишади олимлар. Ана шу мантикий қоидадан келиб чиқиб, алоҳида одамларда учрайдиган хислатлар шу жамият, миллатнинг характерига ҳам хосдир, дейиш мумкин экан. Демак, муайян кишиларнинг хулқ, хатти-ҳаракатларида юксак, олийжаноб, умуммиллий ватанпарварлик этакчилик қилар экан, бу халқ тарихий шон-шухрат қозонишга қодир бўлади. Бунга эса мутараққий мамлакатлар тарихидан кўплаб ҳаётий мисоллар келтириш мумкин.

Халқнинг ғоявий бирлиги, матонатли характери жамият тараққиётининг улкан ҳаракатлантирувчи омилларидан бирини ташкил қилади. Бу эса инсоннинг барча имкониятларини умумий ишга сафарбар қилади. Чунки яхшилик ва бунёдкорлик ҳар куни, ҳар қадамда рағбатга, ёмонлик ва бузғунчилик эса ҳар қадамда нафратга дуч келади. Бу эса бунёдкорлик фазилатлари ҳақидаги билимлар миллат онгидан характерига кўчганлиги ва «ишлай бошлаганлигини» кўрсатади. Ана шунинг учун ҳам, билим таъ-

лимнинг, характер – фазилат эса тарбиянинг маҳсули сифатида қўлланиб келинган. Яъни пировард натижада, одамнинг қандай инсон эканлигини унинг характерига қараб баҳолайдилар. Билимдон кишилар онгга, кучли характерли кишилар эса кишининг виждонига куч берадилар. Шунинг учун ҳам, азалдан халқ билимдон кишиларни ҳурмат қилган бўлса, кучли характерли кишилар таъсирида ҳаракатга келган, уларга эргашган.

Нимаики бор экан, у намоён бўлади. Ғоя ҳам. Барча соҳада, ҳамма ерда, кечаю кундуз, доимо. Мисол учун дастгоҳда ишлаётган ишчининг, пахтасини ягана қилаётган пахтакорнинг, супермаркет пештахтаси ёнида турган тижоратчининг, мураккаб операцияни амалга ошираётган жарроҳнинг, компьютерда янги илмий ишини ёзаётган олимнинг, йўловчиларни олиб кетаётган ҳайдовчининг, метро йўловчисининг, уй бекасининг хатти-ҳаракати, орзу-истаги, нияти, ишига, ўз-ўзига, ёнидаги ватандошига, келажакка муносабатида сезилади. Турли касбдаги, ёшдаги, миллатга, динга мансуб ватандошларнинг, оғзи бирлиги, ишдаги бирлиги шу тариқа мамлакатнинг иқтисодий тараққиётига руҳ, куч беради. Шундай экан, бу бирликнинг табиатини ўрганиш ва мустаҳкамлаш учун илм-фаннинг барча имкониятлари сафарбар қилинмоғи керак.

Жаҳон моддий ишлаб-чиқариш тажрибаси технологияларни муттасил янгилаб, такомиллаштириб борилмаса, илмий-техник тараққиётда улкан ютуқларга эришиб бўлмаслигини кўрсатади. Бу эса ИНСОН ОМИЛИ, унинг юксак нафақат техник, балки гуманитар технологик маданияти таъминланганлиги билан боғланади. Бунда мамлакатда ишчи-ходимларда ўз корхонасига фидойиликни шакллантириш технологиясини мисол қилиб келтириш мумкин. Фидойилик гоёси қандай «ишлайди»? Бунини ишчи-ходимларнинг рационализаторлик таклифларида, кашфиётларида, корхона иқтисодиёти, ходимлар фаровонлигини ошириш, ишлаб-чиқаришда ўз-ўзини бошқаришдаги аниқ хатти-ҳаракатлар, ютуқларда кўриш мумкин.

Миллий ғояни халқимиз онги ва қалбига сингдиришда жамият ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олиш, таълим-тарбия, тарғибот-ташвиқотнинг самарали интерактив усул ва

воситаларидан, идеологик профилактика, таълим-тарбиянинг самарали технологияларидан самарали фойдаланиш тақозо этилади. Бу ишда аввало оқилона ишлаб чиқилган тизим-тартиб бўлиши лозим. Тизим бўлмаса, ҳеч бир ишда самара кўринмайди. Аҳён-аҳёнда ўтказиладиган, бири-бири билан боғланмаган тадбирлар ўтказиш билан мақсадга эришиб бўлмайди.

Оила, мактаб, лицей, коллеж, университетлар ёш авлодларни бунёдкор ишларга амалий тайёрлаб, жамиятнинг гоёвий бирлигини таъминлашга улкан ҳисса қўшадилар. Бу билан улар улкан ижтимоий янгиловчи вазифасини бажарадилар. Шу сабабли ҳам, ғоёвий тарбиянинг мазкур омиллари педагогик технологиялар, ишлаб чиқариш корхоналари, маҳалла-ларда эса ижтимоий педагогик технологияларга таяниши ғоят истисқоболлидир.

Тарғибот ишида қўлланилаётган айрим усуллардан фойдаланиш керак. Масалан, дорихонадан бир дори олдингиз, дорига қўшиб йўриқномани ҳам беришди. Йўриқномада харид қилган дорингиз нима деб аталиши, бошқаларидан фарқи, қай меъёрга, қандай ҳолларда ишлатиш, қандай ҳолларда ишлатмаслик огоҳлантирилган, уқтирилган бўлади. Тушунарли бўлиши учун ҳатто ҳар хил расм, чизмаларни ҳам илова қилишади. Буларнинг бариси харидорни чангютгичдан, беморни доридан фойдаланишга ўзига хос ўқитиш, ўргатиш десак, бўладими? Бўлади. Чунки шундай қилинмаса, харидорнинг ҳамёнига ёки соғлиғига зарар, зиён етади-да. Буларни балки шартли равишда истеъмол педагогикаси, тиббиёт педагогикаси деса ҳам бўлар?

Одамнинг ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини билиши улардан қаерда, қанча, қандай фойдаланишга ўргатиш керакми? Ҳа. Нега? Чунки ҳуқуқ – ҳар соатда, турли вазиятларда қўлланиладиган, одамни умрбод (ҳатто вафот этганидан кейин ҳам) ҳимоя қиладиган, ниҳоятда нозик восита. Ундан фойдаланмаслик ҳам, нотўғри фойдаланиш ҳам одамга, у орқали жамиятга зиён келтиради. Бас, шундай экан, ҳар бир кишига ўз ҳуқуқ ва бурчларини худди чангютгичдан, доридан қандай фойдаланишни уқтирган каби уқтириш, тушунтириш керакми? Керак экан.

Акс ҳолда, жамият ҳайдовчилик ғувоҳномаси йўқ кишилар машиналарини шитоб билан ҳайдаб ўтаётган йўлга, светофори бузилган чорраҳага ўхшаб кетади. Бунда ҳамма қийналади. Светофор ҳаммага ёрдам беради. Чунки ҳамма унинг кўрсатмаларига амал қилади. Қонун ҳам шундай. Ҳуқуқни англаш бурчни ривожлантиради. Зеро, «қонун унга бўйсунувчиларга ёрдам беради» (Демокрит).

Демак, ҳар бир фуқаро ўз ҳуқуқларидан фойдаланишга пухта (керак бўлса, расм, чизмалар, реклама роликлари, плакатлар орқали) ўргатилиши ҳар бир кишининг, ҳамма жойда ҳаётни тартибга солар экан. Чунки бир кишининг ҳуқуқлари иккинчи кишининг ҳуқуқлари бошланган нуқтада тугайди. Бу нуқта а д о л а т н у қ т а с и д и р. Шу тариқа, ҳар бир кишининг шаъни, обрўси, мулки, соғлиғи, фарзандлари, келажаги мустаҳкам ҳимояда бўлади.

## **ЮКСАК МАЪНАВИЯТ – АЖДОДЛАРИМИЗНИНГ ЕНГИЛМАС КУЧИ**

*Амир Темури ўзбек халқининг кўп минг йиллик тарихий равақида тасодифий шахс эмас. Умуман Темурийлар давридаги юксалиш шунчаки беҳосдан юз бериб қолган ҳодиса эмас! У бир неча минг йиллик тарихий тажриба, буюк анъана, том маънода шаклланган маданий-маънавий жараён маҳсулидир.*

**Ислом Каримов**

### **Бахтнома**

Буюклари кўп халқ бахтиёр. Миннатдор халқ уларнинг жасоратини, матонатини, элим-юртим деб чеккан заҳматларини унутмайди. Қўшиқ ва дostonларида куйлаб, суяди. Уларга хайкаллар қўяди. Энг сўлим кўча ва хиёбонларини уларнинг номлари билан безайди.

Чунки буюклар ўз тафаккур чироғи ва матонати билан миллионлаб одамларни зулматдан зиёга, ёруғ келажакка олиб чиққанлар. Уларнинг бахтли ҳаёт йўл чеккан азоб-уқубатлари, энг қийин ёки сокин даврларда тутган тутумлари миллат учун бахтномадир.

Мозийга боқсак, минглаб буюк боболаримизнинг юлдузлардек нурли нигоҳларини кўрамиз. Соҳибқирон Амир Темур, Имом Бухорий, Хоразмий, Мир Алишер Навоий, Жалолиддин Мангубердилар бизларни алқаб, мадад бериб турибдилар.

Қадимий шаҳарларимиздаги оламга машҳур обидалар боболаримиз қурган буюк давлатлардан моддий гувоҳ. Шу бугун ҳам қуёш нурлари бизларнинг юзимизга ва Бухоро, Самарқанд, Хива, Термиз, Шаҳрисабз, Тошкентнинг заррин ёдгорликларига тушди. Демак, уларнинг бунёдкор руҳлари биз билан яшайптилар. Обидалар эртага ҳам, XXII, XXX асрларда ҳам жим, салобат билан сўзлайди: “Боболарингизнинг қудратини билмоқчи бўлсангиз, бизларга боқинг!”. Амир Темур ҳазратлари Оксарой пештоқига ёздирган машҳур башорат бежиз эмас экан-да!

Буюк аجدодимиз Соҳибқирон Амир Темур – нафақат ўзбек халқининг, балки адолат деб яшаган, яшайётган, яшайдиган инсониятнинг буюк фарзанди, умуминсоний эҳтиром соҳиби. Шунинг учун бўлса керак, 1993 йилнинг апрелида ижодкорлар билан бўлган суҳбатда Президент Ислом Каримов: *“Амир Темур даврини бошқатдан ўрганишимиз лозим. Нега деганда, Амир Темур тузукларини ўқисам, худди бугунги замоннинг катта-катта муаммоларига жавоб топгандек бўламан...”*, – деган эди.

### Темурбек – соғлом бола

Улуғ Амир Темур Соҳибқироннинг биографияси, айниқса, болалигида қандай тарбия олганлиги ҳар бир ота-она, педагог учун бебаҳо манба. Чунки биз ёш Темурбек қандай тарбияланганини билсак, уни машҳури жаҳон айлаган фазилатларни билиб оламиз. Мана улар: *“Муҳаммад Тарагай Баҳодур ўғли*

Амир Темур ёшлик чоғидан мард, довюрар, гурурли, ўткир зеҳн ва ақлу идрок эгаси бўлиб ўсди. Турли дунёвий илмларни, ҳарбий санъатни эгаллади. Қуръони каримни ёд олди, ҳадис илмини ўрганди. Иймон-эътиқодли, ҳалол-поқ инсон бўлиб етишди”, дейилди Президент Ислоҳ Каримовнинг 1993 йил 31 август куни Амир Темур ҳайкали очилишида қилган маърузасида.

Темурбекнинг болалиги ҳақида барча маълумотлар жамланса, унга хос энг муҳим жиҳат – жисмонан ва маънан соғломлик бўлиб чиқади. Амир Темур болалигидан спортга зўр ишқ қўяди. Ўқ отиш, чавандозлик, спорт ўйинларини жондан ортиқ севади. Овга бир киришиб кетса, кечаю кундузларни унутиб юборар эди.

Ёш Темурбек ҳарбий-спорт ўйинлари билан педагоги – Отабек раҳбарлигида шуғулланган. У ўсмирлик чоғларидан табиатан оғир, босик, теран фикрли ва идрокли ҳамда ниҳоятда зийрак эди. Қаршисида турган одамдаги қобилият, фазилат, айниқса, самимиятни тезда фаҳмлаб олар эди. Ўз мустақил фикрига эга эди. Шу туфайли ўспиринлик чоғларидаёқ атрофига тенгқурлари орасидан садоқатли дўстларни ажратиб олди.

Спорт билан шуғулланиш, табиатан чайир тан, 172 см бўй унинг фавқуллодда жисмонан кучли этиб юборади. Бир мисол: агар сафдошлари камоннинг ипини бурунларигача тортса, Темур кулогигача тортиб отган. Жисмонан ва маънан баркамоллик 24 ёшли Темурбекни Мовароуннаҳрнинг энг йирик шахсларидан бирига айлантирди. Бир оз вақт ўтгач, у халқининг бошини қовуштириб, истилочиларга қақшатқич зарба берди. Туркистон заминида истиклол байроғини кўтарди.

### Истиклол байроқдори

“Нуктаи назар” деган ибора бор. Бу шахсий позиция, мустақил фикр дегани. Илгари биз дунёга ўзимиз турган жойдан (ўз позициямиздан) қарай олмасдик. Чунки ўз нуктаи назаримиз позициямиз йўқ эди. Аниқроғи, бўлиши мумкин эмас эди. Ўзбекистон “бепоён юрт”нинг, яъни қизил империянинг бир бўлаги эди. Масалан, биз ҳам Озарбайжонни “Кавказорти” дердик. Ўзимиз жанубда яшаб туриб, Ўзбекистонни “жанубий

республикалардан бири” дер эдик. Бугунчи? Бугун биз учун Ўзбекистон – дунёнинг маркази. Дунёга Ўзбекистондан – Тошкентдан – Амир Темур ҳайкали турган нуқтадан қараяпмиз. Бораяпмиз.

Истиклол байроғи, мустақиллик байроғи. Бу байроқ – миллионлаб одамларнинг тақдири, эртаси, бахтининг рамзи. Бунга эришишнинг азобини миллатимиз танидаги чингизийлардан, шўролардан қолган жароҳат излари эслатиб туради. Шунинг учун Президент Ислон Каримовнинг *“Бугунги қутлуғ кунда Амир Темур бобомиз баланд кўтарган ва асримиз охирига келиб бизнинг қўлимизда қайтадан мағрур ҳилпираётган мустақиллигимиз байроғи остида туриб сизларни, барча халқимизни шу улуг шодиёна билан муборакбод этаман”*, деган сўзларини кўзда ёш билан тингладик. Бу сўзлар XIV асрда кўтарилган ва XXI асрда қайта кўтарилган, мағрур ҳилпираётган мустақиллик байроғи остида айтилди-да!

Ўтган асрда шўроларнинг коммунистик мафкураси Амир Темурга қарши курашди. “Амир Темур номи тарихимиз саҳифаларидан қора бўёқ билан ўчирилди, унутишга маҳкум этилди. Аслида, мақсад халқимизнинг юрагидан миллий онг, миллий ғурур туйғусини йўқотиш, уни қарамликка, тобеликка кўндириш эди. Лекин ўзбек халқи ўз аجدодларини, ўз баҳодирларини унутмади, ҳамиша юрагида, қалб тўрида сақлади”.

Марксизм-ленинизм бизни маънавий таслим қилиш йўллари кўп кидирди. Биз ва жаҳон учун азиз бўлган аجدодларимизни “олабўжи” қилиб кўрсатди. Масалан, европада “Европанинг халоскори”, деб ҳурматлаб, ҳайкал ўрнатилган, ҳаёти асосида спектакллар қўйилган, Европалик рассомлар Унинг портретларини чизиб фахрланган Соҳибқирон Амир Темурнинг муборак номи қораланди.

Бедодлик шу даражага етдики, атоқли маърифатпарвар Фитрат Соҳибқирон Амир Темур қабри олдида нажот истаб, мана бу сўзларни айтиб-айтиб йиғлаган эди:

Бағрим ёниқ, юзим қора, кўнглим синиқ, бўйним букук.  
Сенинг зиёратингга келдим, султоним!

Эзилган бошим, қисилган виждоним, куйган қоним,  
ўртанган жоним учун бу сағанангдан даъво излаб келдим,  
хоқоним!...

Қоронғуликлар ичра ёгдусиз қолган ўзбек кўзлари учун туп-  
роғингдан сурма олгали келдим...

Сенинг Туронингни ўзим талатдим.

Сенинг турклигингни ўзим эздирдим.

Сенинг омонатларингга хиёнат ўзим қилдим...

Эй, арслонлар арслони!

Меним ёзуқларимдан ўт,

Мени қўлимни тут,

Белимни богла, муқаддас фотиҳангни бер!

Сенинг дунёга сигмаган ғайратингга онт ичаманки,

Туронинг эски шараф ва улуғлигини қайтармасдан бурун  
аёғларингда ўтирмасман”.

Шукрларки, “Куч адолатда” экан. 74 йиллик курашда Со-  
ҳибқироннинг енгилмас кучи – юксак маънавияти енгди. Яна  
енгди. Унинг руҳи Ўзбекистонни озод қилишда, муқаддас за-  
минимизни босқинчи Маркс-Энгельс, Ленин, Фрунзелардан  
тозалашда бизга мадад берди. Мана бугун Соҳибқирон содик  
ва оқибатли авлодларидан иззат-икром, эъзозу эҳтиром топди.  
У пойтахтимизнинг қоқ марказида, тарихий адолат тимсоли  
бўлиб, от устида забардаст турибди...

**1993 йил 31 август. Амир Темур хиёбонида зоҳир бўлган  
илоҳий нур.**

Ўша куни халқимиз ҳаётида унутилмас, тарихий воқеа рўй  
берди. Тошкентнинг қоқ марказида бобокалонимизнинг ҳай-  
кали очилди. Ўша куни Амир Темур ўз ватанига қайтди.

Президентимиз Ислом Каримов 1996 йили бу воқеани  
эслаб: “Эсимда, бундан уч йил бурун Тошкентнинг марказида  
Амир Темур ҳайкалини очганимизда, унинг юзида илоҳий нур  
зоҳир бўлгандай, у биз томонга қараб таралгандай туюлган-  
ди. Балким Имом Бухорий, Баҳоуддин Нақшбанд, Термизий  
каби муборақ зотларнинг номини асрлар чангидан тозарти-  
риб, ҳурматларини жойига қўйганимиз ана шу ғайритаби-  
ий ҳолатнинг боиси бўлгандир. Бу билан яратганимиз бизга

куч-қудрат ато этган, ҳар хил офату балолардан, ёмон кўзлардан асрагандир”, – деган эди.

Хурматли ўқувчи. Бу фактни бежиз эслатмадик. Чунки машҳур француз тарихчи олими Льюсен Кэрэн ўзининг 1978 йили Швейцариянинг Нюшател шаҳридаги “Ла Баконьер” нашриётида, 1999 йилда Тошкентда ўзбек тилида чоп этилган “Амир Темур салтанати” китобида бу фактни тасдиқлайди.

“Мўғул эроний билан, собиқ шаҳарлик кўчманчи турк билан, мусулмон оташпараст билан, насроний буддапараст билан – турфа тилларда сўзлашадиган, турли ирқ, дин, миллатларга мансуб миллионлаб инсонларнинг Амир Темурга чексиз садоқатининг сабаби нимада?” деган саволни ўртага ташлайди олим. Жавобини ҳам ўзи айтади: “Амир Темир уларга на бир илоҳий хабар, на ватанпарварлик руҳи ва на ирқчилик туйғусини берган. Аммо шунга карамай улар қатъий бир тартиб оқибатида юзага келган чарчоқ ва азоб-уқубатларга тўла ҳаёт тарзини танлаб, унга хизмат қилишга рози бўлганлар; демак, Амир Темурдан ўта кучли бир нур ва таъсир кучи таралиб турган”.

Бу мўъжизавий воқеа тафсилотига қизиқиб, 1993 йил 31 август куни бўлиб ўтган тадбирда қатнашган кишилардан суриштирдик. Тадбир иштирокчиси, ўша пайтда Амир Темур халқаро илмий экспедицияси раҳбари бўлган Фахриддин Ашрафхўжаев шундай эслади: “1993 йил 31 август куни эрта-лаб соат 9да Амир Темур хиёбони марказида Соҳибкирон ҳайкалининг очилиш маросими бошланди. Тумонат одам келган. Гулу гулдасталар бир олам. Хиёбон ёшларга тўлиб кетган эди.

Биз “Темурий маликалар”, “Амир Темур шажараси” китобларини ёзган темуршунос олим, раҳматли Турғун Файзиёв, атоқли темуршунос олим Ашраф ака Аҳмедовлар билан бирга турган эдик.

Соат 9-30дан ўтганда Турғун ака менинг енгимдан тортиб, “ҳайкалга қаранг”, деб имо қилдилар. Қарасам, ҳайкалга осмондан нур тушиб, Амир Темур юзидан шуъла тарала бошлади. Кейин шуъла ҳаракатланиб, Президентимиз томонга таралди. Муҳтарам Президентимиз маърузани тўхтатиб, ҳай-

калга қараб қўйдилар. Одамлар буни кўриб, хайратланиб, жунбишга келдилар. Бу воқеа 10 дақиқача давом этиб турди. Бу мўъжизани биз – юзлаб одамлар ҳаяжонда, хайратга тушиб кўриб турдик” (2014.27.03).

**Абдуллоҳ Ҳотифий:** “Мен “Искандарнома” ёзишим керак эди, лекин “Темурнома” ёздим.

XV–XVI асрларда Ҳиротда яшаб ижод қилган, ўз замонасининг машҳур шоири Абдуллоҳ Ҳотифий Ҳамсага қўл уради. У Ҳамса жанри талабидан келиб чиқиб, “Искандарнома” деган дoston ёзиши керак эди. Лекин “Искандарнома” эмас, “Темурнома” дostonини ёзади. Нега бундай бўлди?

Бунинг сабабини Ҳотифий: “Мен ер юзида Искандардан қолган бирон ёдгорликни кўрмадим. Дўстларим менга “Искандар ҳақида афсона сўзлагандан кўра, ҳақиқий ғалабалар ҳақидаги “Зафарнома”ни назм ипига тизишни маслаҳат беришди”, – деб изоҳлайди.

Дostonнинг хотимасида муаллиф: “Агар бошқа шоирлар Искандар Зулқарнайн ҳақида ёзган бўлсалар, мен подишоҳларнинг энг улуғи ҳақида дoston ёздим”, – дейди фахрланиб. Ҳа. Ҳотифийнинг дўстлари доно экан. Чунки кейинчалик Ҳотифийнинг энг кўп кўчирилиб, севиб ўқилиб, уни машҳури жаҳон қилган дoston – “Темурнома” бўлиб қолди (*ЎзФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқиунослик институти хазинасида бу дostonнинг йигирмадан ортиқ қўлёзма нусхалари сақланмоқда*).

### **Марло қидирган қаҳрамон**

Амир Темур бир умр енгилмай яшади. Унинг исми, образи Европада енгилмас куч тимсолига айланди. Машҳур инглиз шоири, кирол саройининг драматурги Кристофер Марло 1587–1588 йилларда ўзининг ҳомийси киролича Елизавета топшириғига биноан “Буюк Темур” трагедиясини ёзади. Асарга асос қилиб Соҳибқирон Амир Темур сиймоси, унинг шон-шавкатли ҳаёти олинган эди. Асарда у кўркмас ва мард; берган сўзига содик; гўзалликни юксак эъзозловчи; дўст, сафдошларига содик; золимларни таъқиб қилувчи; теран билимлар эгаси сифатида тасвирланади.

Театр – ибратхона (М.Бехбудий). Ўша давр ижтимоий-сиёсий муҳотида Англияни буюк ишларга сафарбар қилиш, бирлаштириш учун бир букилмас ирода, сахий, кудратли, доно, бунёдкор, идеал Шахс керак эди. Яхши биламизки, кирол саройи драматургияси, сахнаси оддий сахна эмас, сиёсат майдони. Унга майда-чуйда образлар эмас, балки Буюк Британия тожи, шон-шарафига мос титан шахс сиймоси керак. Демак, Англия қироллиги саройи кўплаб қаҳрамонларни ўрганиб чиққан ва ниҳоят, ўзининг “Куч адолатда” тамойили билан халқларни адолат қонуни асосида яшашга ўргатган ислохотчи буюк Амир Темур шахсини гоёвий идеал қилиб олган.

Бу асар ҳам Ҳотифийнинг “Темурнома”сидай фавқуллодда машҳур бўлиб кетади. Унда Амир Темур тилидан айтиладиган даъватларга кенг ўрин берилган эди. Трагедияда Амир Темур ҳақида янглиш тасаввур пайдо қилувчи сюжетлар ҳам учрайди. Бунга сабаб ўша даврдаги европаликларнинг Амир Темур ҳақидаги ҳақиқий билимлари камлигида эди.

Бу ҳақда Франциялик профессор Кэрэн: “XVIII асргача европаликлар Амир Темур яратган Ренессансдан тўла ҳабардор эмас эди. XVIII–XX асрларга келиб жаҳоннинг кўпгина давлатлари Амир Темур яратган Ренессанс даври ютуқларидан баҳра ола бошлади. Шу сабабли европалик ижодкорлар уни Шарқ Ренессансининг бунёдкори сифатида қадрлайдилар”, – дейди.

### Юксак маънавият кирралари

Теран билим. Амир Темур дунёвий билимларда ҳам Соҳибкирон эди, деса бўлади. Бу ҳақда В.Ф.Манс шундай ёзган эди: “Амир Темурнинг ақлий қобилиятлари ва қизиқишлари кўлами кишини хайратга солади. У завқ билан олимларнинг мунозараларига киришар, кўпинча ғолиб чиқарди...” Соҳибкирон олимлар билан суҳбат қуришни, айникса, тарихий воқеаларни тинглашни севарди. Ўзининг тарих бўйича билимлари билан машҳур тарихчи олим ва Шарқ мутафаккири ибн Халдунни ҳам қойил қолдирган эди.

Амир Темурнинг ҳаёти ҳақидаги маълумотлар орасида унинг фақат туйғугагина эмас, балки маънавийликка ҳам асос-

ланган фавқулодда кучли ақлий қобилиятлари кўзга яққол ташланади”. Бу Соҳибқирондаги энгилмас кучнинг манбаи юксак маънавият эканлигига яна бир далил эмасми?!

### **Юксак эътиқод**

Соҳибқирон юксак эътиқод соҳиби эди. Бунга сабаблардан бири унинг буюк пиру устозлари – шайх Шамсиддин Кулол, Зайниддин Абу Бакр Тойбодий, шайх Шамсиддин Фахури, Абу Саид Соғаржий, шайх Мир Саид Бараканинг борлиги эди. Улар билан узоқ суҳбатлар қуриб, ҳикмат, дуо, тавсиялар асосида ўзи учун маънавий қондалар тадбиқ этган, уларга амал қилиб яшаган, ғолиб бўлган.

Бугун интернет ресурслари ҳам, дунё тарихчилари ҳам унинг нафақат жасоратлиларнинг жасури, балки ўта доно, олийжаноб, тажрибали ва зийрак инсон бўлганини яқдил таъкидлайдилар. Ана шу фазилатлар уйғунлиги уни “одамлар орасида энг муҳтарам зот”га айлантирганини яқдил эътироф этадилар”. Амир Темур бугун ҳам Самарқандда пири – Мир Саид Барака пойига бош қўйиб ётибди. Соҳибқирон бу билан бутун инсониятга юксак маънавият сабоғини берди. Чунки пиру устозга бундай эъзоз ва эътиқодни олам ва одам кўрмаган.

**Зуллисонайн.** Ибн Арабшоҳ Соҳибқироннинг форс, турк ва мўғул тилларида мукамал сўзлашганини ёзади. Алишер Навоий эса Амир Темур ўзи шеър ёзмаса-да, наср ва назмни жуда яхши билганини, керакли пайтларда байтлардан ўз ўрнида моҳирона фойдаланганлигини ёзиб қолдирган.

**Миллат ҳимоячиси.** Амир Темурнинг болалиги мустамлака мамлакатда ўтди. Люсьен Кэрэн ўша йиллардаги – Амир Темур раҳнамолигида истиқлолга эришиш остонасидаги Туркистонни жуда яхши тасвирлаган: “...Илёсхон ўз атрофидаги мўғул зобитларининг таъсири остида маҳаллий аҳоли ва унинг раҳбарларига нисбатан таҳқирли сиёсат юргизиб, қатагон бошлади (*“Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” китобида, “Мустақиллик арафасида ёҳуд Шўроларнинг сўнгги талвасаси” ҳужжатли фильмида Собиқ мафқуранинг қўйган сиёсати тасвирланган воқеаларни эсланг*). Унга қаршилик

кўрсатишга уринган Темурбек ғазабга учради. Шундан сўнг, у номард Илёсхондан бутунлай юз ўгирди ва ўзини Мовароуннахр туркларининг, халқ урф-одатларининг химоячиси деб эълон қилди...”

**Олийжаноблик.** Соҳибқирондаги жасурлик, олийжаноблик, мардлик ва тантиликнинг чеки йўқ эди. Бир мисол: 1401 йилнинг баҳори. Соҳибқирон Дамашқда форс ва суриялик уламолар билан суҳбат-мунозаралар ўтказётган кунлардан бири эди. Бир чопар қалтираганича Миср султонидан мактуб келтиradi. Мактубда шундай ёзилган эди:

“Бизни асло сиздан кўрқаяпти, деб ўйламангиз. Биз салтанатимиз пойтахтида тартиб ўрнатиш учун шошилиш равишида жўнаб кетишга мажбур бўлдик. Биз ғазабнок шерлардек сиз томон қайтиб келурмиз ҳамда пишиб етилган буғдойдек янчиб ташлармиз; йиғлаб-ёлворишингиз мумкин, аммо шафқат бўлмайди”.

Бу куруқ сафсата ёзилган мактубни ўқиб, Амир Темур маза қилиб кулади. Уни келтирган чопарга эса бир неча тилла танга бериб жўнатади.

**Она тили ҳомийси.** У ўзбек тилини биринчи марта расмий муомалага олиб кирди. Фармонлар, ёрлиқлар ва хатлар араб ва форс тиллари қатори ўзбек тилида ҳам ёзила бошланди.

**Буюк бунёдкор.** Амир Темур Чингизхон вайрон қилган Самарқандни обод қилишга азиз умрининг 35 йилини бағишлади. Самарқандни “ер юзининг сайқали”га айлантирди.

Амир Темур ўздан кейин юзлаб меъморий обидалар қолдирди. Бу обидаларнинг аксариятини лойиҳалаш, куриш ишларига ўзи раҳбарлик қилди. Уларнинг кўпчилиги бугунги кунда жаҳон маданияти хазинаси рўйхатига киритилган. Ҳар йили жаҳоннинг юз минглаб зукко сайёҳлари Соҳибқироннинг юксак бадиий меъморий салоҳияти, дидидан баҳра олиш учун Ўзбекистонга келишаётир.

Таассуфки, кейинги таназзул асрларида Самарқанд ҳам, Ўзбекистон ҳам эгасиз қолди. Подшоҳу хонлар ўз маишатини ўйлаб ўтаверишди. Самарқанд, Бухоро, Хива, Қарши, Шаҳрисабз, Тошкентда Соҳибқирон қурдирган кошоналар вайрона-

ларга айланиб борди. Мачиту мадрасалар ўғитхоналарга, омбор, вино цехларига айлантирилди.

Фақат мустақиллик, Президент Ислом Каримовнинг доимий диққат-эътибори, ғамхўрлиги обидаларни асл шакл-шамойилига қайтарди. Ўзбекистон яна Буюк бунёдкорлик майдонига айланди. Мана шундай шуқуҳли кунларда ҳар бир юртдошимизнинг: “Қимки мустақил Ўзбекистоннинг куч-қудратини, халқимизнинг қандай буюк ишларга қодирлигини кўрмоқчи бўлса, юртимиздаги бунёдкорликка боқсин” дегиси келади.

**Юксак ахлоқ ҳимоячиси.** 1393 йилда Ироқ ҳокими Султон Аҳмад ибн Увайс фиску фужур ва бузукликка муккаси билан кириб кетади. Шундай айнидики, унга “икки кўзли бир бўлак гўшт”, деган ном беришади. У карвонларни талаб, ҳожиларни (!) талайди, ўлдиради. Доруссалом Бағдодда ичкиликбозлик, фахш, бузукчиликларни, ҳозирги тилда айтганда “оммавий маданият”ни авж олдириб юборади. Мусулмон олами марказларидан биридаги бундай шармандаликдан уялган Амир Темур бозордаги жами спиртли ичимликларни бир жойга тўплайди. Кейин Дажла дарёсига тўктиради. Шаҳарда кенг тарқалиб кетган фоҳишахоналарни зудлик билан ёптиради.

**Санъат ҳомийси.** Шарафиддин Али Яздий «Зафарнома» китобида Амир Темур томонидан уюштирилган мусиқий анжуманлар васфи бор: «Яхши овозли хонандалар куйлашни бошлаб, ғазалу нақш айтур эрдилар. Ва турку мўғул, хитой, араб ва ажамдин ҳар ким ўз расми билан нағма айтур эрди». Бу сўзлар 600 йил олдин ёзилган. Лекин бугун бу сўзлар ҳаммамиз, севиб қолган, XXI асрда 50 дан зиёд мамлакатлар тили ва оҳангида янграётган «Шарқ тароналари» фестивалининг оҳангларини эслатмаяптими?

**Жасур.** Амир Темур тарихини ўрганган олимлар бунини алоҳида эътироф этишган. Атоқли тарихчи олим А.Якубовский: “Амир Темур ёшлигидаёқ ақлининг тиниқлиги ва жасурлиги билан ажралиб турарди”, – деб ёзади.

**Метин ирода.** Амир Темурнинг юксак маънавияти унинг метин иродасида яққол намоён эди. Йиллар ўтиб, ёшлигида

олган жароҳатдан қўли ва оёғи заифлашиб бораётганини унинг дўстлари ҳам душманлари ҳам сезишмаган. Аксинча, у ҳар доим ўз сафдошлари, халқининг ғаму ташвишларига шерик, дардларига дармон бўлди. Шунинг учун ҳам, Люсьен Кэрэннинг: “Руҳининг танасидан устун келганлиги, иродасини бу қадар юксакларга кўтара билганлиги Амир Темур қозонган ғалабаларнинг энг каттаси эди”, – деган ҳайрат ва эҳтиромга тўла хулосасига қўшилмасликнинг иложи йўқ. Юксак маънавиятнинг енгилмас кучга айланиши мана шу эмасми?!

### **Тадбирлари тақдирга тўғри**

Шоир Ҳайдар Хоразмий ўзининг “Гулшани асрор” достонида Амир Темурга хос метин ирода, ўз мақсади йўлидаги собитликни шундай тасвирлаган: “Темурбек ҳали ҳокимиятни қўлга киритмасдан бурун, душманларини енгиб, гоҳ енгилиб ўз омадини кидириб юрар экан, бир жангда каттиқ яраланади. Жанг майдонида ярадор ҳолда мажолсиз ётар экан, уни кўриб, бир гуруҳ душман яна ҳужум қилади. Бир қўл, бир оёгини тамоман ишдан чиқаради. У судралиб, бир томнинг остига боради ва бирор одам келиб унга мадад беришини кутади. Лекин ҳа деганда, ҳеч ким келмайди.

Умидсиз ҳолда у атрофга назар ташлаб ётар экан, бўксаси эзилган, оёғи ҳам йўқ бир чумолига кўзи тушади. У шундай аянчли ҳолда томга чиқишга уринар, лекин озгина баландга кўтарилганда ерга йиқилиб тушар, бундан тушқунликка тушмай, яна тепага чиқишга интилар, шу ҳаракатни қайта-қайта такрорлар эди. Амир Темур уни кузатиб, хаёлга чўмади. Сўнг қараса, ҳалиги чумоли йўқ. Бир амаллаб томга чиқиб кетган эди. Бундан Темурбек ўзига хулоса чиқаради: шу чумолики, уриниб ўз мақсадига эришган экан, нега мен ҳаракат қилмаслигим, ўз мақсадимга етиш йўлида матонат кўрсатмаслигим керак! – деб судралиб, эмаклаб бўлса ҳам, одамлар бор жойга етиб боради. Шу йўл билан у ўз жонини қутқариб, келажакда етти иқлимга подшоҳ бўлади”.

**Халқ фаровонлигининг жонқуяри.** Халқимиз улкан қурилишларни Амир Темур номи билан боғлаб, ривоятлар қилиб, авлоддан-авлодга ўтказиб келган. Бундан 114 йил олдин юртимизга

келган сайёҳ олим Е.Марковнинг кундаликларида бу яққол кўри-  
ниб туради. Алаут дарасида (“Темур дарвозаси”да) қояга ёзилган  
машҳур ёзувларда Марков “Мана шу тоғларни Темур ўз қўллари  
билан нари сурган” деган афсонани ўқийди. Энг катта сардоба-  
лардан бирини томоша қилаётганида маҳаллий халқ вакиллари  
унга: “Сардоба – Қудук Сув! Темур курган..., туяларни, отларни  
суғорган, одамларни, бутун дунёни суғорган”, деб айтган.

У 1900 йилда Марказий Осиёдаги турли даврларга мансуб  
кўплаб мачит, мазор, қарвонсарой, мадраса, сардобаларни кўз-  
дан кечиради. Маҳаллий аҳоли бу обидаларнинг барчасини  
албатта Амир Темур номи билан боғлаган. Шу сабабли олим  
ўз эсдаликларини Амир Темур “Марказий Осиё халқларининг  
энг суюкли қаҳрамони ва энг буюк подшоҳи” деб яқунлайди.

\* \* \*

Бундан 600 йил илгари Соҳибқироннинг давлати дунёнинг  
энг ривожланган давлатларидан бири эди. Бугун Ўзбекистон  
ўзининг ўша буюк даражасига жадал кўтарилаётир. Президент  
Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституция-  
си қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали  
маросимдаги маърузасида ҳар биримизга ифтихор берган бир  
хушхабар янгради: *Ўзбекистоннинг ривожланган давлатлар  
қаторига етишига барча имкониятлар яратилди.*

Ана шу фикрдан келиб чиқиб, шундай десак адолатдан  
бўлади: *Ўзбекистоннинг ривожланган давлатлар қаторига  
етишига барча имкониятлар яратилиши* шунчаки беҳосдан  
юз бериб қолган ҳодиса эмас! У бир неча минг йиллик тарихий  
тажриба, буюк анъана, юксак маънавиятга асосланган Ўзбек  
моделининг ғалабасидир.

## СОҲИБҚИРОН ФАЗИЛАТЛАРИ

*...Биз Амир Темурнинг ҳурматиини жойига қўяр эканмиз, биринчи галда шу савобли иш орқали халқимизнинг, миллатимизнинг иззат-ҳурматиини жойига қўйган бўламиз. Буни ҳеч қачон унутмаслик зарур...*

**Ислом Каримов**

### Муборак фармон

2015 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “1996 йилни “Амир Темур йили” деб эълон қилиш тўғрисида”-ги Фармони чиққанига 20 йил тўлди. Фармон матнини ўқисангиз, унда шунча йил олдинги ҳаёт руҳи, миллатимизнинг ўша йиллардаги маънавий чанқоқлиги сезилиб туради.

Фармонда кўп сонли жамоатчиликнинг буюк давлат арбоби Амир Темур таваллудининг яқинлашиб келаётган 660 йиллиги муносабати билан билдирган таклифларини инобатга олингани; Амир Темурнинг давлат қурилиши, илм-фан, маориф ва маданият равнақиға қўшган улкан ҳиссаси; Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги ЮНЕСКО ташаббуси билан жаҳон ҳамжамияти томонидан кенг байрам қилиниши; Ўзбекистон фуқаролари, ёш авлодда миллий ғурур ва ватанпарварлик туйғуларини янада ривожлантириш мақсадида 1996 йил “Амир Темур йили” деб эълон қилиниши кўзда тутилгани акс этган.

Юбилей муносабати билан 1996 йил 14 март куни Халқаро Амир Темур хайрия жамғармаси тузилди. Юксак мукофот – Амир Темур ордени таъсис этилди. Темурийлар тарихи давлат музейи барпо этилди. ЮНЕСКО ташаббуси билан 1996 йилнинг 24 апрелида Парижда Амир Темурнинг 660 йиллигига бағишлаб “Темурийлар даврида фан, маданият ва маориф равнақи” мавзусида ҳафталик ўтказилди.

Ҳафталик тантаналарида Франция Президенти Жак Ширак иштирок этди. ЮНЕСКО қароргоҳида бўлиб ўтган сессияда муҳ-

тарам Президентимиз Ислоҳ Каримов “*Ўтмишсиз келажак, ҳамкорликсиз тараққиёт бўлмайди*” мавзусида маъруза қилдилар.

Буюк бобомиз Амир Темури юбилейининг фан, маданият, маориф соҳалари бўйича ягона халқаро ташкилот – ЮНЕСКО даражасида байрам қилингани халқимизнинг қалбига ғурур, ифтихор қўшди. Чунки бу – Соҳибқиронга кўрсатилган ХАЛҚАРО эҳтиром ва эътироф намунаси эди.

Бу эътироф тобора кенгайиб, кучайиб бораётир. Дунёда, Соҳибқироннинг давлатчилик, фан ва маданият, бунёдкорлик, богдорлик, сиёсат, молия, иқтисодиёт, халқаро алоқалар, ахлоқ, дину диёнат ва бошқа турфа соҳаларга киритган янгиликлари ўрганилмоқда. Бунга мисол қилиб ХХІ асрнинг ўзида дунёнинг турли мамлакатларида яратилган ўнлаб монографиялар, романлар, қиссалар, фильмлар, мультимедиа асарларини келтириш мумкин.

Мустабид совет мафкураси Амир Темурдан нурдан кўрққан кўршапалакдай кўрқар эди. 74 йил уни ёмонлаб келди. Мақсад – инсониятни, айниқса, бизни – Амир Темур Ватанининг фарзандларини Соҳибқирондан бегоналаштириш эди. Шунинг учун ҳам Президентимизнинг бу Фармони халқимизнинг маънавий жароҳатига қўйилган малҳам, тарихий ҳақиқатнинг, адолатнинг тантанаси бўлди. Темурийлар даврига тегишли барча меъморий ёдгорликлар қайта чирой очди. Шу йили Шаҳрисабз шаҳри “Амир Темур” ордени билан мукофотланди. Юртбошимиз ташаббуси билан Шаҳрисабздаги Темурийлар даврига оид 18 та меъморчилик ёдгорлиги 2001 йилда ЮНЕСКОнинг “Умуминсоният мероси” рўйхатига кирди.

Соҳибқирон меросини ўрганиш, унинг даврида, кейинчалик темурийлар даврида бунёд этилган обидаларни тиклаш муҳтарам Президентимизнинг доимий диққат-эътибори ва назорати остида амалга оширилди. 1993 йилда Тошкентнинг марказида буюк аجدодимиз номи билан аталган гўзал хиёбон барпо этилиб, унинг қоқ ўртасида Соҳибқироннинг улуғвор ҳайкали қад ростлади. Бугун бу ҳайкал ва Темурийлар тарихи давлат музейи мустақил Ўзбекистон пойтахтининг рамзлари қаторига кирди.

Самарқандда Гўри Амир меъморий мажмуаси тубдан қайта таъмирланди. Майдони кенгайтирилиб, ободонлаштирилди. Кўксарой майдонида Соҳибқироннинг салобатли ҳайкали Самарқанд салобатига салобат қўшиб турибди.

Шаҳрисабзда Амир Темур қурдирган “Дорус саодат” мақбараси тикланди, соҳибқироннинг мухташам ҳайкали қўйилди. Бунёдкорлик, таъмир ишлари давом этмоқда. Халқимиз бу бунёдкорлик ишлари, хиёбон, ҳайкалларнинг бош ғоясининг муаллифи мухтарам Президентимиз эканлигини миннатдорлик билан сўзламоқда.

Айтишларича, Тошкентдаги ҳайкалнинг дастлабки вариантида Соҳибқирон қўлида байроқ тутган ҳолда тасвирланган экан. Президентимиз бунга эътироз билдириб, “Соҳибқироннинг бир қўлида жилов бўлгани маъқул. Бунинг рамзий маъноси бор. Иккинчи қўлини баланд кўтариб, дунёдаги барча халқларга тинчлик-омонлик, бахту саодат тилаётган сиймоси акс эттирилса, мақсадга мувофиқ бўлади”, деганлар.

### **Икки ҳайрат орасида**

2014 йил Самарқандда бўлиб ўтган “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожига роли ва аҳамияти” мавзuidaги халқаро конференция иштирокчиси, Рим университети профессори Луижи Аккарди Амир Темур мақбарасига термиллиб туриб: “Дунёнинг жуда кўп мамлакатларида бўлганман. Аммо Ер юзини етти марта айлангандан кўра Самарқандни бир бора кўрган афзал экан” деди ҳайратини яшира олмай.

Соҳибқирон Оқсарой пештоқига “Қудратимизни билмоқчи бўлсангиз, қурган биноларимизга боқинг”, деган даъватни ёздирган. Бу даъватда 600 йилдан буён одамзодни ҳайратга солаётган ва яна ҳайратга соладиган тилак ва башорат бор.

Бу даъват кимга қаратилган? Баъзилар ажнабийлар учун, дейишади. Бизнингча эса бу даъват аввал биз – Ўзбекистонликлар учун ёзилган. Болаларим, ўзлигимизни зинҳор унутманг. Аждодларни эсласангиз, қўмсасангиз, ёд этсангиз, согинсангиз, кўрмоқчи бўлсангиз, биз қурдирган иншоотларга тики-

линг. Ўйланг. Ана шунда сиз боболарингиздаги чексиз қудрат, салоҳиятни кўрасиз, туясиз. Бу қудрат сизларга ҳам ўтади ва албатта, сиз буюк ишларга қодир бўласиз, демоқда гўё.

Кези келди, айтайлик, мустақиллик йилларида қурилган иншоотлар Соҳибқироннинг орзулари ушалганини тасдиқлаб турибди. Мисол учун, аввало ўз халқимиз, қолаверса, юрти-мизга келаётган миллионлаб хорижликлар икки ҳайрат ораси-далар. Бири – кечанинг қаршисидаги ҳайрат. Иккинчиси – бу-гуннинг қаршисидаги ҳайрат.

### **Интернетдаги ёзувлар**

Мустақиллик, Ўзбекистон равнақи сабаб Амир Темур шах-си, даҳоси, унинг инсоният тарихидаги ўрни қайта англаиб, қайта тушунилмоқда. Интернет оламида Амир Темур шахси, унинг буюк маънавияти қайта англанди. Блогерлардан бири шундай ёзади: “1. Ҳозирги Ўзбекистоннинг тарихи бориб боғланадиган Темур салтанати Олтин Ўрданинг қудратини қирқиб ташлади. Натижада собиқ Киев Русининг Москва княз-лиги ва бошқа ерлари озод бўлди. 2. Биз Олтин Ўрда улусла-ридан бири эдик. Кейинчалик Россия Империясига айландик. Бунинг учун Темур давлати олдида бурчлимиз”.

“Негадир Амир Темурнинг буюк бунёдкор, реформатор-лиги ҳақидаги маълумотлар машҳур эмас. Ваҳоланки, бунинг далиллари керагидан ҳам кўп.

Масалан, у ўзи эгаллаган шаҳарларга шикаст етказган бўлса, қайта тиклаган. Шикаст етмаган шаҳарларда ўзи тас-диқлаган лойиҳалар асосида янги иншоотлар қурдирган. Бар-ча тадқиқотчилар “Темур қурдирган бинолар алоҳида ўзига хослиги, бежирим, нозик дидлиги билан ажралиб туради. Те-мур қурдирган меъморий обидалар жаҳон маданияти хазина-си дурдоналаридир”, деган яқдил фикрдалар. /Роман Шмидт (Амир Темур тўғрисидаги ҳужжатли фильм режиссёри).

### **Улуғлар фазилати – фазилатлар улуғи**

Халқимизда “Улуғнинг сўзи – сўзнинг улуғи”, деган нақл бор. Дарҳақиқат, улуғ инсонлар – подшо, амир, давлат раҳбар-

лари айтган ҳар бир фикр, сўз халқлар томонидан жуда катта эҳтиром билан кутиб олинади. Айни вақтда улуғ инсонлар – улуғ фазилатлар соҳиблари бўлишади. Аниқроғи, улуғ фазилатлар улуғ инсонларда намоён бўлади. Уларнинг ақлларида олам обод, фазилатларидан халқлари шод бўлади. Шунинг учун ҳазрат Навоий:

Ақл ила олам юзин обод қил,  
Хулқ ила одам элини шод қил,

деган эди. Шундай экан, улуғларнинг фазилати – фазилатларнинг улуғи, десак бўлар. Ана шу фарз асосида Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 680 йиллиги арафасида ул зотни оламга дoston қилган фазилатларни қидирдик. Зеро, юксак маънавият, юксак инсоний фазилатлар одамнинг ичидан “ташқарига чиқади”, намоён бўлади. Биз Соҳибқирон Амир Темурнинг турли вазиятларда қабул қилган қарорлари, қилган ишлари, мухтарам Президентимизнинг ул зот ҳақида айтган фикрлари, ўзимизнинг ва хорижнинг тарихчи олимлари бу борада айтган фикрларини ўргандик. Бу фазилатларни билиш, англаш ҳамда бугунги авлодлар онгида шакллантириш жуда муҳим.

Қолаверса, Соҳибқирон одамларни фазилатларига қараб баҳолаган, қадрлаган. Қилмишларига қараб жазолаган ҳам. *Биз донишмандларнинг яхши фазилатлар ҳақида юзлаб дурдона фикрларини биламиз. Лекин улардан ҳеч қайсиси Соҳибқирон Амир Темурдек аниқ ва ўз тажрибасида синаб кўриб айта олмаган бўлса керак. Келинг, Соҳибқироннинг худди шу масаладаги синчковлигига юқоридаги “Улуғнинг сўзи – сўзнинг улуғи”, деган нақддан келиб чиқиб қараймиз.*

Соҳибқирон шундай дейди: “Тажрибамда кўрилганким, азми қатъий, тадбиркор, хушёр, мард, шижоатли бир киши мингта тадбирсиз, лоқайд кишидан афзалдир”. Эътибор беринг, аниқ-тиниқ қилиб 5 та фазилат: 1/азми қатъийлик (мустаҳкам ирода, деса ҳам бўлар. М.Қ.), 2/тадбиркорлик, 3/хушёрлик, 4/мардлик, 5/шижоат чертиб-чертиб таъкидланмоқда. Кимда мана шу 5 фазилат бўлса, у 1000 та лоқайд ва тадбирсиз

одамга тенг дейилмаяпти. Яхшироқ, яъни афзалдир, дейилмоқда. Соҳибқирон айнан мана шу 5 фазилатни чертиб-чертиб айтгани бежиз эмас. Чунки ул зотда мана шу 5 фазилат мукамал ва мужассам эди.

### **Сурат ва сийрат**

Ақлли одам билан доно одамларга ҳар ким ўз манфаатидан келиб чиқиб баҳо беради. Холис кишилар ақлли одам ҳаётда қийин вазиятларда ечим топиб, чиқиб кета олади. Доно эса қийин вазиятга тушмайди, дейди. Нохолис одамлар эса, ўз манфаатидан келиб чиқиб, ўз халқи, ватани манфаатларини ўйлаб, “етти ўлчаб, бир кесиб” бехато бошқарган донишманд йўлбошчиларни “айёр”, адолат йўлида собит, қаттиққўл ҳукмдорларни эса “золим”, дейишади.

Шу сабабли мунофиқ шўролар Амир Темурни бир умр қоралаб ўтишди. Соҳибқироннинг улар ясаган бюстида ифодаланган қиёфа ҳам тарихда советларнинг сохта гоёларига ўхшаб сохта, ғирт уйдирма образ бўлиб қолди.

Амир Темурни ўз кўзи билан кўрган, етти йил унинг саройида истиқомат қилиб, суҳбатларига мушарраф бўлган тарихшунос олим Ибн Арабшоҳ шундай ёзади: “Темур баланд бўйли, тик қоматли, кенг пешонали, калласи катта, бағоят кучли ва салобатли, оқ-қизил юзли, қўл-оёқлари бақувват, кенг елкали, бармоқлари йўғон, болдирлари семиз, қадди-қомати келишган, серсоқол, ўнг қўли билан ўнг оёғи захмдор, икки кўзи бамисоли икки шаъм, йўғон овозли... бехато фикрли, фаҳм-фаросатли, бахтиёр, улуғлиги ўзига ярашган, қатъий азм билан сўзловчи, ҳақгўй киши эди. У зимдан қараш ва кўз ишоратларини сезадиган, идрокли, синчков, ҳар қадай ишоратдан огоҳ киши бўлиб, юз бериши мумкин бўлган ҳамма ишни олдиндан кўриб-билиб турар эди”.

### **Халқ ҳимоячиси**

Соҳибқироннинг Шаҳрисабздаги ҳайкали дастлабки вариантда қўлда қилич тутган ҳолда тасвирланган экан. Президентимиз: “Қилични Амир Темурнинг ёнида, қинга солинган

ҳолатда акс эттириш лозим. Гўёки у, мен халқимнинг ҳимояси, юртимнинг мудофааси учун ҳар лаҳза курашга тайёрман, лекин дунёда тинчлик-барқарорлик ҳукмрон бўлишини истайман, деган ғояни ифода этиб туриши керак”, деганлар. Бу сўзлар бизни Соҳибқирон Амир Темурни ўз халқининг ҳимоячиси сифатида билиш, эъзозлашга ундайди.

### **Кўнгли обод**

Соҳибқирон юрт ободлиги йўлида улуг ишларни амалга оширди. Бу Соҳибқиронга бағишланган китобларда алоҳида хурмат ила эътироф этилади. XV асрдаги замондошлари Самарқандда қасрлари ва кўшк-айвонлари бўлган ўн бешта ёки ўн олтита боғлар бўлганлигини тилга оладилар. Мисол учун Арабшоҳ Боғи Нақши Жаҳон, Боғи Жаҳоннамони, Бобур Мирзо эса Боғи Мураббани, унинг қирқ устунли саройини тасвирлайди.

“У ўн беш кунга Шаҳрисабзда, ўзининг Оқсаройида тўхтади, сўнг у ердан Тахта Қароча қасрига йўл олди. Мазкур қаср Соҳибқирон бундан бир неча йил аввал асос солган улкан боғ кўйнидан жой олганди. Шундан сўнг саркарда Самарқанднинг шундай биқинида жойлашган Боғи Дилкушога етиб келди. У опа-сингиллари, завжалари ва амирлари дафн этилган Шоҳизинда мажмуасини зиёрат қилди, қисқа фурсат ичида ўзининг завжаларидан бири Туман оғо томонидан барпо этилган мискинлар уйи – дорилужизинни бориб кўрди, шу ердан Сарой Мулк хоним қурдирган мадрасага йўл олди. Шундан сўнг у Боғи Чинорга, ундан Боғи Жаҳоннамога, сўнгга Боғи Беҳиштга, ундан чиқиб, Боғи Баландга қадам ранжида қилди”, деб ёзди инглиз олимаси Хильда Хукҳем ўзининг “Етти иқлим султони” деб номланган ҳужжатли-тарихий кассасида.

Бу боғлар халқ учун қурилган. “У (Темур) жўнаб кетган чоғларда... бадавлат ва камбағал шаҳарликлар сайр қилиш учун бу ерга келишарди, бундан-да ажойиброқ, бундан-да гўзалроқ масканнинг топилмаслигига иймон келтирардилар, зеро бундан-да ёқимлироқ ва бехатарроқ ҳордиқ маскани йўқ эди. Боғнинг ширин-шакар меваларидан ҳамма бирдай татиб кўриши мумкин эди”, деб гувоҳлик беради Клавихо.

## Одамшунос

Ана шундай афзал кишилардан кўпига Соҳибқирон баҳодир деган унвон берган. Баҳодир унвони фақат куч, жасорат учун берилмаган. Баҳодир бўлиш учун қиличбозлик, отни бошқариш, ўзини ҳимоя қилиш, зарба нуқтасини топиш, ўз кучини тўғри тақсимлаш, душманнинг хатти-ҳаракатларини олдиндан билиш керак. Акс ҳолда кучли, жасур йигитлар ё бекорга курбон бўлишарди ёки уларнинг шиддатида фойда кам бўларди. Баҳодирлик учун фақат довжораклик етарли бўлмаган. Бунда ҳам билим, яна билим, маҳорат керак бўлган. Соҳибқирон Амир Темур “Билаги зўр бирни, билими зўр мингни енгади” деган ҳикматни айтганида шуни ҳам назарда тутгандир.

## Юлдузлар илми соҳиби

Академик Иброҳим Мўминов ўзининг 1968 йилда Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва ролини ёзма манбалар маълумотлари асосида исботлаб берди. У ўз рисоласида Темур юлдузлар илмини яхши билганлигини ёзади. Бу илм вақтни аниқлаш, йўл йўналишини аниқлаш, яъни ҳарбий ва савдо амалий ишлари учун зарур бўлган. Соҳибқирон кутб юлдузига қараб муайян жой координаталарини, шимол, жануб, шарқу ғарбни осонгина аниқлай олган. Етти қароқчи юлдузларига, Сомон йўлига, Зухра ёки Моки, Поза, Қари ва бошқа юлдуз туркумларига қараб вақтни, соатни белгиллаган.

## Азми қатъий

Амир Темур инсоннинг омади, омадсизлиги масаласини унинг ўзига, ақлу заковати, ғайрат-шижоатига боғлиқ, деб ҳисоблаган. Кунлардан бирида тайёргарлик ишлари олиб борилганига қарамасдан, сарой мунажжимлари сайёраларнинг ҳарбу зарб учун қулай жойлашганлигини тасдиқлашда иккиланиб қолишадди. Ана шунда Соҳибқирон уларнинг шубҳаларини назар-писанд қилмайди ва: “Инсон омади ҳам, кулфати ҳам юлдузларга боғлиқ эрмас. Мен ўзимни Аллоҳ-таолонинг паноҳига таваккал қилдим. Худованди карим шу чокқача мендин юз ўғирмагон. Сайёраларнинг ундоқ ёки бундоқ жойлашиши қандай аҳамиятқа эга? Ҳа-

монки зарур тадорик кўруб, лозим бўлгон эҳтиёт чоралари ғамини еган эканмен, ўз мақсадимни амалга оширишни бир сонияга бўлса-да кечиктирмасмен”, дейди (196-б.).

### Шижоатли

“Туркийлар беҳад довюрак эдилар ва ўлимдан асло кўркмас эдилар. Лекин шу билан бирга, улар шахсий жасорат анъаналарини доим эъозлаб келганлар. Темурнинг ўзи муҳораба пайти танглик пайдо бўлган жойларга ташланиб ёки душманга қилинган шиддатли ҳамлани бошқариб, барчага жасорат ва абжирлик бобида ибрат кўрсатарди. Унинг шижоат ва матонати кўп ўринларда фаол табияси(тактикаси) камончиларнинг мерганлик санъати қатори муваффақият қозонишида муҳим гаров бўларди” (68-б.Ҳ.Ҳ.). Карпинининг қайд қилишича, “барча фармонлар – хоҳ жангга кириш ҳақида, хоҳ жонни қурбон қилиш ҳақида бўлсин – ҳаммаси ҳеч қандай монеъликсиз бажариларди...” (63-б.Ҳ.Ҳ.)

### Сахий, меҳмондўст, кексаларга меҳрибон

“Тарихдан бир нарсаяхши маълумки, Темурнинг тарафдорлари доим унинг сахийлигидан мамнун бўлишган. Темур жуда ёшлигиданок ўзида сахийликни намоён этган ва бу хислати билан рақибларини ҳам ўз тарафига огдириб олган” (63-б.Ҳ.Ҳ.). “Барчангиз бугун менинг меҳмонимсизлар”, – дея ўз ҳисобидан ажойиб зиёфатлар уюштирган”(48-б.).

“Соҳибқирон кампир ва чолларнинг ҳурматини жуда ўрнига қўяр эди”, дея ёзган эди архиепископ Жон (76-б.).

### Доно

Раҳбари доно мамлакат кудратли бўлади. “Темурнинг ақл-заковати шу қадар теран эдики, – дея ёзади Арабшоҳ, – у тузган режалар уммонининг на тубига, на сиртининг чўққисига етиб бўларди. Тўғри йўл билан ҳам, эгри йўл билан ҳам унинг ниятлари тагига етиш амри маҳол эди” (67-б.Ҳ.Ҳ.).

### **Оққан дарё...**

“Мовароуннаҳр, – деган эди Ибн Баттута, – дунёдаги қудратли етти подшоликдан биридир” (186-б. Ҳ.Ҳ.). Яъни Турон ўшанда дунёнинг энг ривожланган давлатларидан бири эди.

Афсуски, кейинги бир асрда Ўзбекистон Шўро империясининг бир чет бўлаги бўлиб қолганди. Шукрларки, бугун биз учун дунёнинг маркази – Ўзбекистон.

Биз дунёга Ўзбекистондан, Тошкентдан, Амир Темури хайкали турган нуқтадан қараямиз. Биз яна дунёнинг ривожланган давлатлари қаторига кириб бораёмиз.

Амир Темурнинг буюк сиёсий, маънавий даҳоси бугунги мураккаб ва таҳликали замон муаммоларини оқилона ҳал қилишда бизга мадад бераверади.

## **ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ МИЛЛИЙ ҒОЯ ВА МАФКУРА ҲАҚИДАГИ ФИКРЛАРИДАН ИҚТИБОСЛАР**

Ягона Ватанимиз бўлмиш Ўзбекистон манфаати, ягона халқ манфаатлари ҳақида сўз борганда, уларнинг барчаси бир мушт бўлиб бирлашиши даркорлигини ҳеч қачон ёдимиздан чиқармаслигимиз зарур. Бугунги кунда мамлакатимизда миллий ғоямиз – юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги каби эзгу мақсадлар ана шундай бирлаштирувчи куч бўлиб хизмат қилаётганидан сизлар албатта яхши хабардорсиз.

\* \* \*

Миллий ғоя деганда, аجدодлардан авлодларга ўтиб, асрлар давомида эъзозлаб келинаётган, шу юртда яшаётган ҳар бир инсон ва бутун халқнинг қалбида чуқур илдиз отиб, унинг маънавий эҳтиёжи ва ҳаёт талабига айланиб кетган, таъбир жоиз бўлса, ҳар қайси миллатнинг энг эзгу орзу-интилиш ва умид-мақсадларини ўзимизга тасаввур қиладиган бўлсак, ўйлайманки, бундай кенг маъноли тушунчанинг мазмун-моҳиятини ифода қилган бўламиз.

\* \* \*

Мақсад дегани – халқни, миллатни бирлаштирувчи, йўлга бошловчи бамисоли бир байроқ. Бу байроқ бутун Ўзбекистон халқининг руҳини, ғурур-ифтихорини, керак бўлса, қудратини, орзу-интилишларини мужассамлаштирадиган улуг кучдир. Маълумки, аниқ, ҳаммани жипслаштирувчи, бошини бошига қўшувчи ягона мақсад бўлмаса, эл-юрт тарқаб, сочилиб кетади.

\* \* \*

Миллий истиқлол мафкураси халқимизнинг азалий анъаналарига, удумларига, тилига, дилига, руҳиятига асосланиб, келажакка ишонч, меҳр-оқибат, инсоф, сабр-тоқат, адолат, маърифат туйғуларини онгимизга сингдириши лозим.

\* \* \*

Бизнинг энг улуғ мақсадимиз, энг улуғ гоямиз, энг улуғ шиоримиз шуки, Ўзбекистоннинг битта йўли бор: мустақилликни мустаҳкамлаб, истиқлолни мустаҳкамлаб – олға юриш.

Мафкурамиз, тутган йўлимиз, бор ғайратимиз ана шу улуғвор ниятга йўналтирилиши керак. Халқимизни, барча сиёсий кучларни, жамоат ташкилотларини яқдиллик, бир жон, бир тан қиладиган гоя ҳам аслида шу.

\* \* \*

Одамларимиз, жамиятимиз мафкурасида Ватан, юрт гоёси устувор бўлмоғи керак. Миллий гурур, миллий ифтихор ҳар қандай ишимизнинг пойдевори бўлмоғи керак.

Бу муқаддас гоёлар, миллати ва эътиқодидан қатъи назар, шу юртда, шу заминда яшаётган ҳар бир инсон, ҳар бир фуқаронинг ҳаётига, онгига сингмоғи, ҳар биримиз учун энг катта таянчга, энг катта ишончга, бордингки, ҳақиқий иймонга айланиши керак.

Истиқлолни ҳимоялаш, уни қадрлаш, улуғлаш ва унга хизмат қилиш миллий онгимизга, ақидамизга айлансагина, бизни танлаган йўлимиздан ҳеч қандай куч қайтаролмайди, қаддимизни буқолмайди.

Бу буюк ғоёлар ҳар биримизнинг қонимизга, қалбимизга сингиб, келажак авлодларга муқаддас бойлик – муқаддас мерос бўлиб ўтиши керак.

\* \* \*

Ҳар қандай миллат, ҳар қандай халқ умумий гоё билан яшаган тақдирдагина қўйилган мақсадларга эриша олишига ишончим комил...

\* \* \*

Аслида, одамга қачон ва қандай шароитда таъсир ўтказиш, онги ва шуурига бирон ғоёни сингдириш мумкин? Қачонки, унда ўша ғоёга қизиқиш уйғонса. Одамнинг ўзида қизиқиш бўлмаса, табиийки, унинг миясига зўравонлик билан ҳеч нарсани сингдириб бўлмайди.

Биз бугун юртимизда янги ҳаёт барпо этар эканмиз, бир масалага алоҳида эътибор беришимиз лозим. Яъни коммунистик мафкура ва ахлоқ нормаларидан воз кечилганидан сўнг жамиятда пайдо бўлган гоёвий бўшлиқдан фойдаланиб, четдан биз учун мутлақо ёт бўлган, маънавий ва ахлоқий тубанлик иллатларини ўз ичига олган “оммавий маданият” ёпирилиб кириб келиши мумкинлиги барчамизга аён бўлиши керак.

Ҳозирги энг муҳим, энг долзарб вазифамиз – жамиятимиз аъзоларини, авваламбор, вояга етиб келаётган ёш авлодни камол топтириш, уларнинг қалбида миллий ғоя, миллий мафкура, ўз Ватанига меҳр-садоқат туйғусини уйғотиш, ўзлигини англаш, миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялашдан иборатдир.

Албатта, биз фикрлар ва қарашлар ранг-баранглиги принципига тарафдоримиз. Аммо бу фикр ва қарашларни бирлаштирадиган, уларнинг муштарак жиҳатларини уйғунлаштирадиган ягона мезон борки, бу миллий ғоя ва миллий мафкурадир.

Миллий ғоя ва миллий манфаатга зид, ёт ҳаракат ва интилишларни биз асло қабул қилмаймиз.

Бизнинг тарғибот-ташвиқот ишларимиз кўпинча тор доираларда қолиб кетяпти, ҳаётнинг кенг қатламларига кириб боролмаяпти, тажрибасиз, ғўр, билими, дунёқараши чекланган айрим ёшларнинг онгига етиб бормаяпти. Натижада, улар бизга ёт бўлган ташқи таъсирларга, бузғунчи ғояларга кўр-кўрона берилиб, ҳатто ўз ота-онасига, халқи ва Ватанига қўл кўтарувчи ёвуз қотилларга айланмоқда.

Биз барча маърифий мамлакатларда бўлганидек, ғояга қарши ғоя билан курашиш тарафдоримиз. Афсуски, мутаассиб, насл-насабини унутган кимсалар билан ғоявий мунозарага киришишнинг ўзи бир азоб. Чунки уларнинг онги шу даражада заҳарлаб ташланганки, улар миясига ўрнашиб қолган ақидадан ўзга бирон-бир ҳақиқатни тасаввурига ҳам сиғдиролмайди.

Мен халқни бирлаштирувчи, юксак мақсадлар сари чорловчи мафкура – миллий гоёянинг жамият ҳаётидаги аҳамияти

тўғрисида илгари ҳам қайта-қайта айтиб ўтганман. Биз унинг мазмун-моҳияти, уфқларини умумий тарзда белгилаб олдик. Энди ижтимоий соҳа олимлари, мутахассислар, илгор фикрли зиёлилар бу борадаги изланишларни чуқурлаштириб, умумлашган назарий хулосаларни ишлаб чиқишлари, қисқача айтганда, мафкурамизнинг асосий мақсадларини халққа содда, ҳаққоний, тушунарли тарзда ифодалаб беришлари лозим.

Айтинг-чи, миллий мафкурани аниқ тасаввур қилмасдан, унинг назарий асосларини тўғри белгилаб олмасдан туриб бу масалани ҳал қилиб бўладими? Йўқ, албатта. Миллий ғоя, миллий тафаккурни шакллантирмай, таълим-тарбия соҳасини ислоҳ қилиш, одамларнинг онгини ўзгартириш, уларни умумбашарий мақсадлар сари йўналтиришдэк мураккаб ижтимоий вазифаларни ечиш мумкин эмас.

Аёнки, бу муаммо тарғибот-ташвиқот орқали амалга оширилади. Лекин биз нимани ва қандай тарғибот қилишни аниқ ва пухта тасаввур этишимиз керак. Яъни агар таъбир жоиз бўлса, мафкуравий озиқ нимадан иборат бўлишини, уни одамлар онгига қай тариқа етказиш усуллариини ишлаб чиқиш даркор.

\* \* \*

... миллий мафкура, миллий ғоя деганда бизнинг қандай мақсадлар, қандай амалий йўналишларни кўзда тутишимиз ҳақида одамлар аниқ тасаввурга эга бўлсин. Юртимизнинг ҳар бир фуқароси уни ўзининг ғояси деб билсин.

\* \* \*

...мана шу ўзимиз танлаган мустақил тараққиёт йўлида аниқ марраларни кўзлаб яшашимизда, пировард мақсадимиз бўлган озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш борасидаги интилишларимизда биз учун руҳий-маънавий куч-қувват манбаи, илмий асос – бу миллий ғоя, миллий мафкурадир.

\* \* \*

Содда қилиб айтганда, бун яширишнинг ҳожати йўқ, миллий ғоя, миллий мафкура ўзи нима дегани, унинг маъно-мазмуни, биз учун аҳамияти нимада, деб юрганлар ҳам оз эмас.

Шу нуқтаи назардан қараганда, биз миллий ғоя, миллий мафкура нима учун, ким учун керак, унинг маъно-моҳияти нимадан иборат, деган муҳим масалага яна бир бор ойдинлик киритиб олишимиз даркор.

Бу фикрларни қисқача қуйидаги шаклда ифода қилиш мумкин:

Биринчидан, ўзининг келажагини кўрмоқчи ва курмоқчи бўлган ҳар қандай давлат ёхуд жамият, албатта ўз миллий ғоясига суяниши ва таяниши зарур.

Табиийки, давлат тизими, уни бошқариш ва олиб борилаётган сиёсат аввало аниқ ва равшан ифодаланган мафкура асосига қурилмоғи лозим. Яъни олдин давлат қурилиши ва ундан кейин мафкура пайдо бўлиши ўзи ғайритабиий ҳол. Буни яхши англаб олишимиз лозим. Яъни олдин ғоя пайдо бўлади, ундан кейин ғоя асосида мафкура, мафкура асосида эса тизим, сиёсат пайдо бўлади.

Ўз миллий ғоясига таянмаган жамият инкирозга дучор бўлиши, ўз йўлини йўқотиб қўйиши муқаррарлигини унутмаслигимиз лозим.

Иккинчидан, бугун биз тарихий ўзгаришлар даврида, яъни мустабид, тоталитар бир тузумдан эркин ва озод тузумга ўтиш шароитида яшамоқдамиз.

Бу ўтиш даври ўзига хос, жуда катта гов ва тўсиқларга дуч келиши, каттиқ курашлар орқали кечиши барчамиз учун аён бўлмоғи даркор. Халқимиз ва жамиятимизни мана шу даврда янги уфқлар сари бошлаш, даъват қилишда мақсадларимиз аниқ бўлиши керак. Бундай мақсадларга эса аввало чуқур ўйланган ва пухта ишланган мафкура асосида етишиш мумкин.

Учинчидан, ўрта ва катта ёшли авлод эски тузум даврларини бошидан кечирган ва охириги ўн йил давомида қандай оғир йўللарни босиб ўтганимизни яхши билади. Кўпчилигимиз кечаги ҳаётимиз, кечаги тарихимизга жонли гувоҳимиз. Гувоҳгина эмас, ўша жараёнларнинг бевосита иштирокчиларимиз. Лекин энди вояга етаётган ёшларимиз қандай ғоя асосида, қандай ғоя негизида тарбия олиши, қандай эзгу мақсадларга интилиши керак? Қандай мафкура ва тафаккур улар учун қурол бўлиб хизмат қилмоғи лозим?

Тўртинчидан, тарбиявий-ахлоқий масалаларда, маънавий ҳаётда, керак бўлса, миллий манфаатларимизга мос келадиган сиёсатни изчил олиб боришда ўз йўлимизни йўқотмаслигимиз учун ҳеч қандай ғоявий бўшлиққа йўл қўймаслигимиз даркор.

Нега деганда, бугун дунёда бораётган курашлар ичида энг катта, энг таъсирчан кураш, аввало, мафкура майдонларида олиб борилмоқда. Ва шу курашда энгиш учун жуда катта маблағ, имконият ва кучлар сафарбар қилинмоқда.

Илгари ҳам кўп бора айтганман, яна бир марта таъкидламоқчиман: мамлакатимиз сарҳадларини қўриқлаш, дахлсизлигини таъминлаш, фуқароларимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ҳимоя қилишга армиямизнинг салоҳияти, давлатимизнинг куч-қудрати етарли. Лекин мени ҳали суяғи қотмаган, онги эндигина шаклланиб келаётган фарзандларимизнинг ёт ғоялар таъсирига тушиб қолиш эҳтимоли кўпроқ хавотирга солади. Ёшларимизнинг баъзан сохта ғоялар орқасидан эргашиб кетаётгани биз учун энг катта хавф, десам муболага бўлмайди.

Шунинг учун ҳам, уларни асрашимиз, бугунимиз учун, келажагимиз учун сувдек, ҳаводек зарур бўлган миллий ғоя, миллий мафкура ҳақида жиддий бош қотиришимиз керак.

Бешинчидан, миллий ғоянинг яна бир муҳим аҳамияти шундан иборатки, у миллатимизнинг, халқимизнинг ўзлигини англашига, ўзининг миллий кадриятларини, урф-одатларини йўқотмасдан, уларни тиклаб, авайлаб, эъозлаб, янги, ўсиб келаётган авлодга етказиб бериш учун хизмат қилиши керак.

Олтинчидан, миллий ғоя олдида қўйиладиган асосий талаблар ҳақида гапирмоқчи бўлсак, аввало, унинг икки суянган тоғи – таянчи ҳақида фикр юритишимиз зарур.

Биринчи навбатда, миллий мафкурамиз халқимизнинг азалий анъаналарига, удумларига, тилига, динига, руҳиятига, бир сўз билан айтганда, ўз миллий кадриятларимиз, халқимизнинг дунёқараши ва тафаккурига асосланиб, шу билан бирга, замонавий, умумбашарий, умуминсоний ютуқлардан озиқланган, уларни ўзига қамраб олган ҳолда, юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ манфаати, унинг фаровонлиги йўлида хизмат қилмоғи даркор.

Еттинчидан, миллий мафкура ҳеч қандай шаклда давлат мафкураси мақомига кўтарилмаслиги, айланмаслиги керак.

Ўйлайманки, миллий ғоя, миллий мафкура борасидаги ишларимизни ана шу йўналишлар асосида ташкил этсак, мақсадга мувофиқ бўлади.

\* \* \*

Ёдингизда бўлса, мен ўз чиқишларимдан бирида “Озод бўлсанг – озод бўл! Эркин бўлсанг – эркин бўл! Мустақил бўлсанг – мустақил бўл!”, дея юрагим ёниб гапирган эдим. Ахир, ўзингиз айтинг, эски асоратлардан халос бўлмай янги ҳаёт қуриш мумкинми? Одамларимиз онги, тафаккурини ўзгартирмасдан, ўз фикрига, мустақил дунёқарашига эга ёш авлодни тарбияламасдан туриб озод ва обод жамият барпо этишдек олийжаноб мақсадларимизга эришиш мумкинми?

“Ғояга қарши фақат ғоя, фикрга қарши фақат фикр, жаҳолатга қарши фақат маърифат билан баҳсга киришиш, олишиш мумкин”, деган шиорни бежиз ўртага ташлаганимиз йўқ.

Хўш, шундай экан, ёт ғояга қарши биз ўз олийжаноб ғоямиздан қандай фойдаланяпмиз? Хусусан, мактабларда, академик лицейлар ва касб-хунар коллежларида, олий ўқув юртларида, жамиятимизнинг барча қатламларида бизга мутлақо бегона бўлган заҳарли интилишларга, хуруж ва ҳаракатларга биз қандай қарши чиқмоқдамиз? Ва бунда нимани, қандай ғояларни ўзимизга қурол қилиб олмоқдамиз?

\* \* \*

Миллий мафкуранинг яна бир муҳим шarti бу ўзликни англашдир. Ўзликни англаш деганда, мен тарихий хотирани тиклаш, насл-насабимиз ким эканини, кимларнинг вориси эканимизни англаб етишни, шундан келиб чиқиб, ўзимизга хос, ўзимизга мос жамият барпо этишни тушунаман. Маънавият, мафкура борасида четдан кўр-кўрона нусха кўчириб, бирон натижага эришиб бўлмайди. Чунки бизнинг дунёқарашимиз, халқимизнинг тафаккури, турмуш тарзи ниҳоятда ўзига хослиги билан ажралиб туради.

\* \* \*

Кўриб турганимиздек, миллий гоё, миллий мафкура масаласи гоёят мураккаб, серқирра муаммо. Яна бир бор қайтариб айтаман, фикрлар хилма-хиллиги, айти бир масалага турлича қарашлар, ранг-баранг ёндашувлар жамият учун сув билан ҳа-водек зарур. Бунинг учун барча шарт-шароитларни яратиб бераверамиз.

Лекин шу билан бирга, миллий гоё давлатимиз, жамиятимиз, халқимизнинг юксалиши йўлида, буюк келажак барпо этишдек эзгу мақсадга эришиш ва жаҳон ҳамжамиятида ўзимизга муносиб обрў-эътибор топишимизда бирлаштирувчи куч – қанот бўлиши шарт.

Бир томондан, миллий гоё ягона ҳукмрон давлат мафкураси даражасига кўтарилмаслиги, иккинчи томондан, миллий гоё, миллий мафкура турлича қарашдаги барча одамларни, партиялар ва жамоат ташкилотларини юрт тинчлиги, Ватан равнақи ва халқ фаровонлиги йўлида бирлаштирувчи байроқ бўлиши, миллат, жамият ва давлатнинг муштарак манфаатларини ўзида мужассам этиши лозим. Бир қарашда, бир-бирига тўғри келмайдиган, лекин фалсафий-ҳаётий нуқтаи назардан қарама-қарши томонларни бирлаштирувчи куч, гоё борлигини ўзимиз учун аниқ тасаввур этиб олишимиз зарур.

\* \* \*

Миллий истиқлол мафкураси концепцияси устида ишлаш ва уни тайёрлашда қуйидаги амалий масалаларга алоҳида эътибор бериш зарур:

1. Бу ишни амалга ошириш учун авваламбор аниқ режа, аниқ мақсадни белгилаб олиш лозим. Миллий мафкурани оддий инсон онгига етказиш мақсадида уни оддийликдан мураккабликка қараб борадиган меъёрга ёритиш, босқичма-босқич асосда ифодалаш даркор.

2. Одамларнинг бугунги қарашларини инобатга олган ҳолда уларнинг бу масалани англаш, моҳиятини идрок эта олиш даражаси ва савиясини ўзимизга аниқ тасаввур қилишимиз керак.

3. Бу муҳим ишни бошлашдан аввал жамиятнинг мафкура тушунчасига муносабатини аниқлаб олиш, барча тоифаларнинг қарашларини қамраб олиш, уларни кўз ўнгимиздан ўтказишимиз зарур.

4. Концепциянинг сифати ва келгусидаги самараси – таъсири, аввало, унинг устида ишлайдиган гуруҳ аъзоларининг тайёргарлик даражасига, уларнинг бу масаланинг тарихи, аҳамияти, жамиятимиз учун зарурлигини қай даражада тушунишига боғлиқлигини олдиндан тасаввур қилишимиз керак.

Мана шу жиҳатларни эътиборга олмасдан, айниқса, бу ишга жалб этилган одамларнинг билим даражасини ўзимизга яққол тасаввур қилмасдан туриб, уни бошлаш мақсадга мувофиқ эмас. Чунки миллий ғоя, миллий мафкура борасида пухта ўйламай бошилган қадам мутлақо тескари натижа бериши мумкин.

\* \* \*

...давр халқимиз дунёқарашини миллий истиқлол руҳида ислоҳ қилишини қатъий талаб қилмоқда. Маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлоний ёзганидек, “Тарбия бизлар учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир”. Шундай экан, миллий мафкурани онгимизга сингдирувчи амалий тарбияни йўлга қўйиш жамиятимизда соғлом муҳитни сақлаш билан баробар эканини англашимиз даркор.

\* \* \*

Биз Шарқ фарзандларимиз. Шарқ мамлакатларининг қаерига борманг, одамлар бир-бирлари билан учрашганда, авваламбор, “Ассалому алайкум” дейишади. Ушбу калом арабчадан олинган бўлиб, “Сизга тинчлик ёр бўлсин” деган маънони англатишини яхши биласизлар. “Салом”, яъни “тинчлик” сўзи Қуръони каримда 40 марта учрар экан. Бу муқаддас китобнинг оятларидан бирида шундай дейилади: “Меҳрибон Парвардигор томонидан одамларга олқиш маъносида “тинчлик” сўзи айтилури”.

Кўриниб турибдики, тинчлик, тотувлик, ҳамкорлик ғояси Оллоҳга ҳам, бандаларга ҳам хуш келадиган эзгу ғоядир.

\* \* \*

Халқимизнинг асрлар оша яшаб келган анъаналари, урф-одатлари, тили ва руҳи негизига қурилган миллий мустақиллик мафкураси умуминсоний қадриятлар билан маҳкам уйғунлашган ҳолда келажакка ишонч туйғусини одамлар қалби ва онгига етказиши, уларни Ватанга муҳаббат, инсонпарварлик руҳида тарбиялаши, ҳалолликни, мардлик ва сабр-бардошлиликни, адолат туйғусини, билим ва маърифатга интилишни тарбиялаш йўлида хизмат қилмоғи лозим. У давлат фуқароларининг буюк мақсад йўлида маънавий яқинлашувига кўмаклашмоғи керак.

Янги мафкуранинг асл маъноси эскича ақидалардан холи бўлган, мустақил ва янгича фикрловчи кишиларни тарбиялашдан иборатдир.

\* \* \*

Ҳаммамиз келажакимизга бир нигоҳ билан қарашимиз керак. Хилма-хил қарашлар бўлиши мумкин. Лекин юртимиз тинчлиги, Ватанимиз тараққиёти, халқимизнинг фаровонлиги йўлидаги интилиш барча-барча қарашларни бир-бирига қовуштириб, бир-бирига яқинлаштириб, бирлаштириб туриши керак. Мана шу гоядан қайтмасак, шу гоё барчамизга раҳнамо бўлса, менинг бошқа ҳеч қандай эътирозим йўқ.

\* \* \*

Бизнинг энг улуғ мақсадимиз, энг улуғ гоёмиз шуки, Ўзбекистоннинг битта йўли бор: мустақилликни мустаҳкамлаб, мамлакатимизни ҳар томонлама юксалтириб, ёруғ ва эркин ҳаёт сари олға юриш.

Мафкурамиз, тутган йўлимиз, бор куч-ғайратимиз ана шу улуғвор ниятни амалга оширишга йўналтирилиши керак. Халқимизни, юртимиздаги барча еиёсий кучларни, нодавлат ташкилотларни ягона умумий мақсад атрофида бирлаштирадиган, бир тану бир жон қиладиган миллий гоё ҳам аслида шу.

\* \* \*

Биз юртимизни янги босқичга, янги юксак маррага олиб чиқмоқчи эканмиз, бунда бизга ёруғ ғоя керак. Бу ғоянинг замирида халқимизнинг ўзлигини англаши ётади. Ҳаққоний тарихни билмасдан туриб эса ўзликни англаш мумкин эмас.

\* \* \*

Ҳар қандай халқни халқ, миллатни миллат қиладиган, унинг йўли ва мақсадларини аниқ-равшан чароғон этадиган мафкура – миллий ғояни шакллантиришнинг асосий шarti – одамларнинг тафаккури, дунёқарашининг воқеликка нисбатан таъсирини инобатга олишдир. Шу маънода миллий ғоя, миллий онг туйғусининг моҳиятини тўғри англаш, уни тарбия қилиш, уни бугунги куннинг энг зарур вазифаларидан бири сифатида эътироф этиш, бу хусусда баҳсу мунозаралар олиб бориш, фикр алмашиш, очиқ-ойдин гапириш, ўйлайманки, ижтимоий тараққиётимиз учун катта наф келтиради.

\* \* \*

Миллатни асраш керак, миллатни асраш учун эса унинг ҳақиқий тарихини ўрганиш, авайлаб ҳимоялаш керак. Миллий ғоя ҳақида гапирганимизда ана шу жиҳатларни албатта инобатга олишимиз зарур.

Ўйлайманки, бу соҳада энг устувор вазифамиз – халқимиз орасида катта маърифий-амалий ишларни олиб бориб, миллий мафкурамизга куч-қувват берадиган, уни янги-янги марралар сари сафарбар этадиган, кенг оммага таъсир ўтказишга, халқни ўзига тарафдор этишга хизмат қиладиган сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маънавий манбаларни тўғри белгилаб олишдир.

\* \* \*

...модомики биз ҳукуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти кураётган эканмиз, маънавият соҳасидаги йиғирма биринчи асрга мўлжалланган ҳаракат дастуримиз ҳам ана шундан келиб чиқмоғи даркор. Яъни эркин фуқаро – онгли яшайдиган, мустақил фикрга эга бўлган шахс маънавиятини камол топтириш бизнинг бош миллий ғоямиз бўлиши зарур.

---

## МУНДАРИЖА

|                                 |   |
|---------------------------------|---|
| Қудратли қанотлар оғушида ..... | 4 |
|---------------------------------|---|

### I ҚИСМ

|                                           |    |
|-------------------------------------------|----|
| Кеча ким эдигу, бугун ким бўлдик.....     | 14 |
| Етти ғоя .....                            | 14 |
| Эзгу ғоялар рўёби.....                    | 28 |
| Етти тамойил мўъжизаси .....              | 34 |
| Маънавият миноралари .....                | 38 |
| Мустақиллик – ўзликни англаш гарови ..... | 52 |
| Ватан равнақи: кеча ва бугун .....        | 60 |

### II ҚИСМ

|                                                      |     |
|------------------------------------------------------|-----|
| Ниқобли эдос .....                                   | 70  |
| «Дунё фуқаролари»нинг қилиқлари.....                 | 88  |
| Барби ва унинг «маданияти».....                      | 91  |
| Миссионерлик ва прозелитизм: моҳият ва таҳдид .....  | 95  |
| Фашизм – лоқайд инсониятнинг аччиқ сабоғи .....      | 110 |
| «Эй одамзод, кўзингни оч, атрофга бир қара...» ..... | 116 |
| Улар Ўзбекистон учун жангга кирдилар.....            | 124 |
| «Эмиш» билан тугайдиган гаплар қиссаси .....         | 131 |
| Маънавий таҳдидлар ва мафкуравий иммунитет .....     | 141 |
| Медиаогоҳлик.....                                    | 148 |
| Бир таҳдидга беш зарба.....                          | 160 |
| Одам савдосига қарши беш зарба.....                  | 166 |
| Ахборот хуружлари – мафкура масаласи.....            | 170 |
| Миллий ғоя ва мафкуравий хуружлар таҳдиди.....       | 178 |
| Ғоявий курашлар тарихидан лавҳалар.....              | 188 |
| Маънавий таҳдидлар ва уларнинг манбалари .....       | 191 |

### **III ҚИСМ**

|                                                           |     |
|-----------------------------------------------------------|-----|
| Миллий ғоя – миллий тарбия манбаи .....                   | 203 |
| Инсон капитали – иқтисодиётнинг маънавий сармояси .....   | 203 |
| Тарбия – ҳар кунлик иш .....                              | 214 |
| Таълим муассасаларида баркамол шахс тарбияси тизими ..... | 231 |
| Дахлдорлик – нажоткор фазилат .....                       | 240 |
| XXI асрда қайси давлат кучли бўлади? .....                | 248 |
| Тарбиянинг меваси қачон пишади .....                      | 265 |
| Қудратли элнинг болалари соғлом бўлур .....               | 277 |

### **IV ҚИСМ**

|                                                                                         |     |
|-----------------------------------------------------------------------------------------|-----|
| Тарғибот технологиялари .....                                                           | 284 |
| Ёшларда миллий ғояни шакллантириш .....                                                 | 284 |
| Юксак маънавият – аجدодларимизнинг енгилмас кучи .....                                  | 312 |
| Соҳибқирон фазилатлари .....                                                            | 325 |
| Президент Ислам Каримовнинг миллий ғоя ва мафкура ҳақидаги фикрларидан иқтибослар ..... | 335 |



ISBN 978-9943-03-918-6



9 789943 039186